

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ  
МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**САМАРҚАНД ВА ЗАРАФШОН  
ВОҲАСИ ТАРИХИ  
ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА**

САМАРҚАНД ЎҚИШЛАРИ – I

**ИСТОРИЯ САМАРКАНДА И  
ЗЕРАВШАНСКОЙ ДОЛИНЫ  
В НОВЕЙШИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ**

САМАРКАНДСКИЕ ЧТЕНИЯ – I

Тошкент-Самарқанд  
«Akademnashr»  
2020

УДК: 94(575.141)  
КБК: 63.3(5Ў)  
С 28

**С 28** Самарқанд ва Зарафшон воҳаси тарихи замонавий тадқиқотларда.  
Самарқанд ўқишлари – I [Матн] / масъул муҳаррир: Дилором Алимова.  
– Тошкент: Akademnashr, 2020. – 496 б.

*Масъул муҳаррир:*

**Д.А. Алимова**

**тарих фанлари доктори, профессор**

*Таҳрир ҳайъати:* Г. Агзамова, Д. Алимова, Н. Аллаева, Ш. Асадова, А. Ата-ходжаев, А. Аширов, Д. Зияева, С. Каримова, Ж. Мирзааҳмедов, Н. Мустафаева, С. Раимкулов, А. Тоғаева, Д. Раджабова, Қ. Ражабов, Ш. Раҳматуллаев, С. Шадманова, М. Шамсиев, Б. Эргашев.

*Тақризчилар:*

**акад. А. Сағдуллаев**

**т.ф.д. Ю. Эргашева**

**т.ф.н. О. Бўриев**

**т.ф.н. Ф. Мақсудов**

*Ушбу китобда Самарқанд ва Зарафшон воҳасининг археологияси, тарихи, ман-башунослиги, тарихишунослиги ва этнологияси бўйича янги тадқиқотларнинг натижалари мужассамлаштирилган. Унда Зарафшон воҳаси тарихининг қадимдан то бугунги кунгача бўлган даврда иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлари, савдо масалалари, дипломатик муносабатлар ўз аксини топган.*

*Данная книга представляет результаты новых исследований по археологии, истории, источниковедению, историографии и этнологии Самарканда и Зеравшанской долины. В ней отражены различные аспекты истории Зеравшанской долины, в том числе экономические, политические и культурные процессы, торговые и дипломатические отношения, хронологически охватывающие периоды с древности до современности.*

ЎзР ФА Тарих институти Илмий кенгашида муҳокама этилди ва нашрга тавсия қилинди (2019 йил 30 октябрдаги 16-сонли баённома).

Китобни нашрга тайёрлаганлар: Д. Раджабова, М. Шамсиев.

**Самарқанд шаҳар ҳокимлиги моддий ёрдами билан чоп этилди.**

## **СЎЗБОШИ ЎРНИДА**

### **ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНТАҚАВИЙ ТАРИХИ МУАММОЛАРИ ЯНГИ МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР КОНТЕКСТИДА**

Биз, тарихчилар, мамлакатимизнинг эндиликда минтақа деб аталадиган маълум бир қисмида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни баён қилаётганимизда бундай ёндашувни тавсифловчи тушунчалар тизими ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Ҳа, эҳтимол, олимларнинг аксарияти Россия ва ғарб мамлакатларида кўпроқ ривожланган минтақашунослик деб аталадиган фаннинг мавжудлигини билса керак.

Америкалик машҳур географ Р. Хартшорн ёзганидек, «...географиянинг барча ҳудудлар бетакрордир деб таъкидловчи умумий қонуниятидан бошқа ҳеч қандай умумий постулатларга эҳтиёж йўқ». Бу масалага тарихчи географик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аммо ўзгача ракурсда қарайди, у минтақанинг у ёки бу мамлакатда маълум бир даврда содир бўлган сиёсий, тарихий воқеа-ҳодисаларда тутган ўрни орқали баҳолайди. Бу ерда географ ҳам, тарихчи ҳам ҳақ, чунки минтақашунослик – тадқиқотларни амалга оширишда географ, тарихчи, сиёсатшунос, маданиятшунос, иқтисодчиларнинг ўзаро алоқадорлигига асосланган фан. Умумий минтақашунослик ҳақида гапиришни зиммамизга олмаган ҳолда тарихий минтақашуносликнинг умумий ва Ўзбекистондаги муаммоларига тўхталамиз.

Дунёда бу йўналиш кенг ва мақсадли ўрганилганига қарамай, афсуски, мамлакатимизда фан ва таълим соҳасида бундай номенклатура мавжуд эмас. Қайд қилиш керакки, Россия ва Қозоғистонда бундай мутахассислар бор. Бироқ бизнинг талабаларимиз бундай фаннинг борлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслар. Биз бунга қандай муносабатдамиз, умуман, тарихчиларнинг ёш авлодида ушбу масалага доир қандай умумий тасаввурлар бўлиши керак? Эҳтимол, бу масалага доир тушунчаларнинг йўқлиги тарихий минтақашунослик фанининг XX аср охирида вужудга келгани ва нисбатан ёшлиги билан изоҳланар.

XXI аср бошида пайдо бўлаётган глобаллашув ва инновациялар амалда юз йиллаб ўзининг минтақаларида яшаб келган халқларнинг ўзига хос маданиятини асл ҳолида сақлаб қолишига олиб кел-

ди. Айнан шунинг учун ҳам минтақашунослик билан шуғулланиш модага эргашиш эмас, балки тарихий чақириқларга жавобдир.

Тарихий минтақашунослик маълум бир ҳудудни, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳини: унинг аҳолиси, тарихи, географияси, этнографияси ва сиёсати, фан ва маданияти, дини, тили ва адабиёти, анъаналари ва қадриятларини яхлит тарзда ўрганишга йўналтирилган. «Тарихий минтақашунослик» тушунчаси маълум бир ҳудудда яшовчи, тарихий маконда умумий маданий бирликка эга бўлган, дунёда юз бераётган жараёнларда тараққиётининг ўзига хослиги ва мавжудлигини англаган халқ ва халқларни ўрганишни назарда тутди.

Бироқ биз маълум бир минтақа маълумотлари мисолида унинг дунё жараёнларидаги иштироки ҳақида хулосалар қилувчи тадқиқотларга эгамизми? Ҳеч иккиланмай таъкидлаш мумкинки, археология соҳасида бундай ишлар бор. С.П. Толстов, Я. Ғуломов, Г.А. Пугаченкова, М.Е. Массон, А. Асқаров, Э.В. Ртвеладзе каби йирик олимларнинг Марказий Осиё археологиясига доир асарларида бизнинг минтақамиз ва Шарқ дунёси, Қадимги Миср, Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитойни ҳам қамраб олган ҳолда қадимий шаҳарсозлик ва шаҳарлар архитектурасидаги ўхшашликлар ва фарқлар, умумийликлар ва ўзига хосликлар яққол кўзга ташланади.

Минтақашунослик тарихий йўналишининг бу қисми жуда яхши ривожланган. Замонавий археология фани тадқиқотларининг катта бир мажмуи Фарғона водийси, Уструшона, Суғд, Бақтрия, Хоразм, Нахшаб каби ҳудудларнинг ўзига хос цивилизацион тарихини шакллантирган, уларнинг дунёда кечган жараёнлардаги иштироки ва ролини кўрсатишга бағишланган. Ўрта асрлар санъатшунослиги ҳақида ҳам шу фикрни такрорлаш мумкин.

Бироқ тарихимизнинг кейинги даврлари ҳақида гап кетганда манзара тамомила бошқача. Ўзбекистонда локал тарих жуда яхши тадқиқ қилинган йўналишдир. Аммо йўналиш сифатида у ўзининг тугал мақсадига эга эмас. Бу тарихий ҳудуд асрлар давомида ўзининг географик чегараларини ўзгартириб, сўнгги ўрта асрларда тамомила бошқа шакл касб этган. Локал тарихга бўлган қизиқиш жуда катта, бу аксарият ҳолларда тадқиқотчининг келиб чиқиши ва фактологик материалнинг кўплиги билан изоҳланади. Афсуски, яратилган асарларда назарий мулоҳазалардан кўра мисоллар устуворлиги яққол кўзга ташланади. Бу фан оламига энди кириб келаётган тадқиқотчиларга хос камчилик. Аммо бу тадқиқотчининг илмий усулларга доир билимлари ва улардан фойдалана олиши масаласига тегишли.

Энг муҳими, XVIII – XX асрларда содир бўлган тарихий воқеаларга бағишланган асарларда асосий омил ҳудуд бўлиб, унга доир маъ-

лумотлар бир давлат таркибига кирувчи яқин қўшнилар билан асло қиёсланмайди.

Зеро, этнографлар: «Битта халқни билган ҳеч қайси халқни билмайди», – деб бекорга айтмайдилар. Бу соҳада амалга оширилган ишларнинг нуфузини камситмай, диссертацион тадқиқотлар ва нашр қилинган ишлар таҳлили ва тажрибамизга асосланган ҳолда бизнинг танқидий ва ҳозирча юзаки мулоҳазаларимиз шундай – минтақашуносликка доир маълум бир мавзуни ўрганишга киришганда минтақа тарихига умумжаҳон тарихий жараёнлари контекстида, минтақанинг шаклланиши ва унинг жаҳон тарихидаги роли нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашиш лозим.

Ўрганилиши зарур бўлган асосий йўналишлар қуйидагиларни қамраб олади:

- Давлат ва территориал тузилма: умумий бирликнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишида минтақанинг ўрни.

- Территориал бошқарув органлари тизими, минтақа ва марказнинг ўзаро алоқалари характери (марказнинг минтақани ривожлантиришдаги роли, вертикал муносабатлар).

- Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий тизим – хўжалик типи ва асосий хусусиятлари.

- Минтақанинг иқтисодий-географик ҳолати, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жойлашуви, «асосий хўжалик бўғинлари» ва «ҳудуд чеккалари» нисбати, ҳудуднинг ихтисослашувини белгиловчи устувор соҳалар мавжудлиги билан характерланади.

- Аҳолининг этник таркиби ва минтақа диний ҳаётига хос хусусиятлар.

- Минтақанинг ўзлаштирилишида ландшафт ва иқлим (тарихий ҳудудий материаллар асосида табиий хавф ва офатлар оқибатларини баҳолашнинг долзарблашуви).

- Чегарадош минтақаларнинг ҳудудий ва геосиёсий муаммолари.

- Янги локал тарих. Шаҳар кенглиги.

- Тарихий воқеаларнинг минтақавий локаллашуви.

- Ҳудудларнинг хўжалик жиҳатидан ўзлаштирилиши ва жойлашув муаммолари, коммуникациялар тарихи.

- Тарихий-минтақашунослик тадқиқотлари туризм соҳаси ривож учун ниҳоятда муҳим.

XXI аср жаҳон тарихининг тадқиқотлари орасида локал тарих муаммолари, жумладан, урбанистика ва қишлоқ тарихи масалалари ҳам замонавий тарихий билимлар майдонида долзарб мавзу сифатида муҳим ўрин тутди. Айни пайтда, бу муаммоларнинг ўрганилишида тарихий-минтақашуносликка доир микроёндашувлар қўлланилаётган тадқиқотларнинг узвий алоқадорлиги мавжудлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда тарихий минтақашунослик муаммоларнинг жуда катта доирасини белгилаб олган, бу инсоният жамияти тараққиётининг минтақашунослиги барча жиҳатларига, уларнинг ушбу макон шаклидаги тарихий қонуниятларини ўрганишга ҳам тегишлидир.

Ўйлайманки, мазкур йўналишдаги тадқиқотчилик фаолияти-мизни концептуал қайта қуриш лозим ва бу Ўзбекистон тарихи фанини бойитишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан 2018 йилнинг октябрь ойида ЎзР ФА Тарих институти ва Самарқанд давлат университети билан ҳамкорликда биринчи мартаба ўтказилган «Самарқанд ўқишлари» натижаси сифатида пайдо бўлган ушбу китоб минтақашуносликнинг ривожланишига муайян ҳисса қўшади деб ўйлаймиз.

Минтақашунослик нуқтаи назаридан мақолаларни таҳлил қилсак, Зарафшон воҳасининг сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари яққол кўринади. Масалан, китобда ушбу минтақа, шу жумладан, Самарқанд шаҳри архитектура ёдгорликларининг ўзига хослиги, уни ўрганишда метрологик маълумотларнинг аҳамияти, хўжалик маданияти ва этник тарихининг ўзига хослиги ҳақида маълумотлар тўпланган. Шу билан бирга, китобда ушбу ҳудудда сўнгги палеолит даврининг хусусиятлари, Самарқанднинг Қорахонийлар ҳукмронлиги, сўнгги ўрта асрлар ва мустамлака даврлари тарихига бағишланган мақолалар ҳам мавжуд. Мақолалар муаллифлари ўзлари билмаган ҳолда минтақашунослик соҳасида муайян ишларни бажарганлар, лекин мақолалардаги маълумотлар мамлакатнинг бошқа минтақалари билан таққосланганида, Самарқанд шаҳри ва Зарафшон воҳасининг ўзига хослиги янада яққол кўринар ва ушбу китобнинг қиймати янада ошган бўлар эди. Шунга қарамай, китобда келтирилган маълумотлар Зарафшон воҳаси тарихи, тарихшунослиги, манбашунослиги, этнологияси ва археологиясининг нашрларда ҳали учрамаган турли, ҳалигача ўрганилмаган саҳифаларини ёритади. Тадқиқотнинг қиймати ҳам айнан шундадир.

Муаллифлар жамоаси ва ЎзР ФА Тарих институти маъмурияти мазкур китобни нашр этишда ёрдам кўрсатган Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ва унинг раҳбари Б. Облақуловга самимий миннатдорчилигини билдиради.

*Т.ф.д., проф. Д.А. Алимова*

I қисм

**ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЖАҲОН  
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДА**

---

Часть I

**ЗЕРАВШАНСКАЯ ДОЛИНА В ИСТОРИИ  
МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ**





## «ХОҚОН» УНВОНЛИ САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИ (илк ўрта асрлар)

Яқин йилларда бир қатор тадқиқотчилар томонидан милодий VI – VIII асрларда бостирилган суғдий ёзувли Самарқанд тангаларининг сезиларли бир қисмида қадимги туркча *х'γ'n* «хоқон» унвонининг ўрин олгани аниқланди. Бу эса нафақат Самарқанд ёки Суғд, балки Марказий Осиё тарихи билан боғлиқ бир қатор мунозарали масалаларнинг ўз ечимини топишига олиб келди. Айниқса, исломдан олдинги Самарқанд тангаларининг битта типдаги суғдий ёзувни *х'γ'n* «хоқон» ўқиб, уни Турк хоқонлиги билан боғлаб тушунтиришимиз натижа-сида бу масалада янгича қарашлар билдирила бошлади. Айрим япон олимлари Самарқанд тангалари устида изланишлар олиб боришди ва бундай тангаларнинг яна бир қанча турида «хоқон» унвони учрашини аниқлашди. Бу эса ушбу тангаларнинг қайси бошқарувчи хонадон томонидан қачон ва қай мақсадда бостирилгани, негизда қандай тарихий воқеликлар ётгани масаласини яна бир бор кўриб чиқиш масаласини кўндаланг қўйди.

О.И. Смирнова 1960 йилларда ўнг юзида узун сочли ҳукмдор боши тасвирли, орқа юзасида эса Ҷ шакли тамға ва унинг теграсидаги суғдийча жумлани *twrk xwb* «Хукмдор Турак» ёки «Қудратли ҳукмдор» деб ўқиган бўлиб, биз уларни *twrnyn xwb* «Турон ҳукмдори» ёки «Хукмдор Турнин» ўлароқ тузатиб ўқиган эдик<sup>1</sup>. Қуйида кўриб чиқиладиган Самарқанд тангалари ҳам, аслида, шу туркумдаги тангалар сирасидандир.

---

<sup>1</sup> Бабаяров Ғ., Кубатин А. К новому чтению и интерпретации легенд некоторых доисламских монет Самаркандского Согда // Тарих тафаккури. «Баркамол авлод» йилига бағишланган республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами / Масъул муҳ. ва туз.: Ш. Воҳидов. – Бухоро, 2010. – Б.22 – 32; Бабаяров Ғ. Монеты Самаркандского Согда с титулом «каган» в VII в. // GLOBAL-Turk, 1/2, 2016. – С.88 – 99.

## 1. «Хоқон» унвонли тангалар

### I тип



Av Rv

**Av.** Сочи елкасигача тушган, бодомсимон кўзли, думалоқ юзли ҳукмдор боши тасвири. **Rv.** Марказда  $\text{𐰽}$  шаклидаги исломдан олдинги Самарқанд ҳукмдорларига тегишли тамға ва унинг айланасида суғдийча  $\text{xw}\beta$  «ҳукмдор» (устда),  $\text{twrnyn}$  «Турон(-нинг) / Турнин» (сўлда) ва  $\text{x}'\gamma''n$  «Хоқон» (ўнгда) сўзлари ўрин олиб, учала сўз биргаликда «Турон ҳукмдори Хоқон» ёки «Хукмдор Турнин. Хоқон» маъносидадир. Ўлчови: 18,8 mm; Оғирлиги: 29,7 gr; Метали: мис; Топилган ери: Афросиёб (Самарқанд); Бостирилган даври: VI аср сўнгги ўнйилликлари – VII аср биринчи ярми.




Av Rv

**Av.** Сочи елкасигача тушган, бодомсимон кўзли, думалоқ юзли ҳукмдор боши тасвири. **Rv.** Марказда  $\text{𐰽}$  шаклидаги тамға ва унинг айланасида суғдийча  $\text{xw}\beta$  «ҳукмдор» (устда),  $\text{twrnyn}$  «Турон(нинг) / Турнин» (сўлда) ва  $\text{x}'\gamma''n$  «Хоқон» (ўнгда) сўзлари. Ўлчови: 18,8 mm; Оғирлиги: 29,7 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI аср сўнгги ўнйилликлари – VII аср биринчи ярми.

### II тип

#### 1- вариант




Av Rv

**Av.** Тўғрига юзланган, сочи қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон ёки қисикроқ кўзли, бироз думалоқ юзли ҳукмдор боши тасвири. **Rv.** Марказда  $\text{Ϝ}$  шаклидаги тамға ва унинг теграсида суғдийча ёзувда соат мили йўналиши бўйлаб ёзилган (13:00 дан бошланувчи)  $x'γ'n \text{ twr}(\text{nyn}) [xwβ]$  «Турон ҳукмдори Хоқон» ёки «Ҳукмдор Турнин. Хоқон» сўзлари учрайди (япон олими Ш. Хирано чизими бўйича). Ўлчови: Оғирлиги: 18 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI аср сўнгги ўнйилликлари – VII аср биринчи ярми?

Ушбу тангадаги ёзувлар япон олимлари Ш. Хирано ва Ё. Ютака томонидан қуйидагича ўқилган:  $x'γ'n$  «Хоқон» (сўл томондагиси),  $prn$  «қут» (ўнг томондагиси)<sup>1</sup>.

## 2- вариант



Av Rv


**Av.** Соци қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон кўзли, бироз думалоқ юзли ҳукмдор боши тасвири. **Rv.** Марказда  $\text{Ϝ}$  шаклидаги тамға ва унинг теграсида кўзгуда кўрилганда тўғри ўқиладиган (тескари ёзувли), соат мили йўналишидаги 10:30 дан бошланувчи суғдийча  $x'γ'n \text{ twr}(\text{nyn}) [xwβ]$  «Турон ҳукмдори Хоқон» ёки «Ҳукмдор Турнин. Хоқон» сўзлари (япон олими Ш. Хирано чизими бўйича). Оғирлиги: 14 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI аср сўнгги ўнйилликлари – VII аср биринчи ярми.

Бу тангадаги ёзувни ўқишга уринган Ш. Хирано ва Ё. Ютака унинг юқоридаги тангага ўхшашлигини айтиб, бироқ уни ўқий олишмаганини айтиб ўтишган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Hirano Sh. Some Novel Pre-Islamic coins from Central Asia // *Journal of The Oriental Numismatic Society (JONS)*. No. 226. – London, 2016. – P.12.

<sup>2</sup> Hirano Sh. Some Novel Pre-Islamic coins from Central Asia... – P.12.

### III тип 1- вариант



Av Rv

**Av.** Сочи қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон кўзли, бироз думалоқ юзли ҳукмдор боши тасвири. Ҳукмдорнинг сўл томонида суғдий ёзувда [x']γ'n «Хоқон» унвони акс этган (Ш. Хирано ва Ё. Ютаканинг ўқиши). **Rv.** Тўғрига юзланган ҳукмдор (малика) тасвири ўрин олган. Унинг сўл томонида ʃ шаклидаги исломдан олдинги Самарқанд тамғаси, ўнг томонида эса суғдийча ёзув ўрин олган бўлиб, уни Ш. Хирано ва Ё. Ютака *xw(tyn) h* «Хотун» деб ўқишган (Ш. Хирано чизмаси). Бу ёзув бироз фарқлироқ ёзилган [x']γ'n «Хоқон» сўзи ҳам бўлиши мумкин, бироқ *x'ttwnh* «Хотун» унвонининг янглиш ёзилган варианты бўлиш эҳтимоли каттароқ. Ўлчами: Оғирлиги: 21 gr; Метали: мис; Бостирилган даври: VI аср сўнгги ўнйилликлари – VII аср биринчи ярми.

### 2- вариант



Av

**Av.** Юқоридаги 4-тангага ўхшаш, тўғрига юзланган, сочи қулоғидан тепароқдан кесилган, бодомсимон кўзли, бироз думалоқ юзли ҳукмдор боши тасвири. Унинг соч турмаги, юқоридаги II тип (3-4) тангаларниқидан бироз фарқли ўлароқ, тепа қисми юқорига тўғри тўлқинланган шаклда ёки тож кийгандек тасвирланган. Ҳукмдорнинг сўл томонидаги суғдий ёзув яхши сақланган бўлиб, бундан бир неча йил олдин биз томонимиздан илк бор (x)γ'n «Хоқон» шаклида ўқилган эди (2015).

Танганинг тескари томони (Rv) фотоси билан танишиш им-кони бўлмади.

## 2. Самарқанд тангалари бўйича олиб борилган изланишлар

I тип тангалардаги суғдийча ёзувни илк бор О.И. Смирнова  $\gamma\omega\beta\ m\omega k n y n / m\omega r n y n \gamma n\check{s}'n(h?)$  деб ўқиган ва уни «Қутлуғ нишон (эгаси)  $\gamma\omega\beta \sim$  ёки « $\gamma\omega\beta\ m\omega k n y n$  қут эгаси» тарзида тушуниш кераклигини айтиб ўтган (No. 33-34)<sup>1</sup>. М. Исҳоқов эса олдинроқ О.И. Смирнова томонидан  $\gamma n\check{s}'n(h?)$  деб ўқилиб, суғдийча «нишон, аломат» сўзлари билан солиштирилган сўзни сўроқ белгиси остида  $\gamma'\gamma'n$  «хоқон» деб ўқиган, ўзининг ушбу ўқиши тўғри бўлиб чиқса, бу турдаги Самарқанд тангаларини «Қадимги турк тангалари туркуми»га киритиш кераклигига урғу берган эди<sup>2</sup>. Унинг бу қараши ўз пайтида тангашунослар диққатидан четда қолган ва шу тариқа ушбу тангаларнинг қайси бошқарувчи сулолага тегишлилиги масаласи ўз ечимини топмаган эди. П. Лурье  $m\omega k n y n / m\omega r n y n$ ни  $t/m-wn/z/r/k-n/z-c/y-n/H$  ўқиш мумкинлигини ёзиб,  $m\omega r z y n$  вариантыни сўроқ белгиси остида суғдийча  $m\omega r z k$  «small – кичик» (қар. Elam. PN Maršukka < \* $M_r$  zu-ka-, )? сўзи билан боғлашга уринади. Шунингдек, у ушбу тангалардаги ёзувлардан бирини  $twr z'k$  «son of Twr» («Турнинг ўғли») (қар.  $twr'k$ , #1262, the name of a ruler of an earlier time? («қадимгироқ даврдаги ҳукмдор исмларидан бири?») ўлароқ тушуниш кераклигини ҳам айтиб ўтади<sup>3</sup>.

## 3. Ёзув бичими (Орфографияси)

Ушбу Самарқанд тангаларининг ёзув тури, милодий VI – VIII асрларда бир неча Суғд ҳукмдорликлари: Кеш, Нахшаб, Панч тангаларида ва яна бир қатор суғдий тилли Марказий Осиё тангаларида бўлганидек, ярим югурик (италик) ва югурик (курсив) ёзувлар туркумига киради. Айниқса, «хоқон» сўзининг ёзилиш тарзи ушбу унвоннинг Чоч, Фарғона ва Тўхористон тангаларидаги ёзилиши билан деярли бир бўлса-да, бироқ Самарқанд тангаларининг I тип 1- вариантыда  $x'\gamma'n$ нинг иккинчи бўғинида ёнма-ён келган иккита '(alef) ҳарф белгиси учрайди. Бу эса ушбу сўзни  $x'\gamma'n$  (Qaḡān) деб ўқишга туртки беради (қар. 1- тан-

<sup>1</sup> Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – Москва: Наука, 1981. – С.21 – 22, 96 – 97.

<sup>2</sup> Исҳоқов М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры (древность и раннее средневековье). – Ташкент, 2008. – С.174.

<sup>3</sup> Lurje P. Personal Names in Sogdian Texts // Iranisches Personennamenbuch. Band II. Mitteliranische Personennamen. – Wien, 2010. №8. – P.251.

га). Бизнингча, бу суғдий тилли аҳоли қадимги туркча «хоқон» сўзини шундай талаффуз қилгани ёки танга босиш жараёнида қандайдир бир сабаб (техник томондан ё бўлмаса ёзувда янглишув) билан боғлиқ.

Самарқанд тангаларининг I – II- типларида учровчи учинчи сўз I- типда *twrnun* ўлароқ аниқ ёзилган, II- типнинг 1- вариантыда бироз ўзгарган, 2- вариантыда эса анчагина ўзгаришга учраган. Ҳар икки вариантда ҳам биринчи ҳарф белгисининг *t*-ундоши экани, 2- вариантда эса иккинчи ҳарф белгисидан бошқа 3 – 6- ҳарфларнинг тўлиқ сақланиб қолгани, бироқ аслиятдан узоқлашгани кўзга ташланади. Тўғрироғи, биринчи ва учинчи ҳарф белгиларининг орасидаги иккинчи белги *-w-* ундоши учун сиғадиган жой бўлишига қарамай, унинг тўлиқ ёзилмагани ва айрим излари қолгани кўриниб турибди. Аслида? бунга ўхшаш ҳолатга I тип танганинг 2-вариантида ҳам дуч келамиз (қар. 1-расм, 2).

#### **4. Тасвирдаги ўзига хосликлар (Иконография)**

Тангаларнинг ҳар иккала типи ва вариантларида ҳукмдор тасвирининг кўз шакли ҳам йирик, ҳам бодомсимон ёки бироз қисик кўринишда чизилгани англашилиб турибди. Умуман олганда, бу туркумдаги Самарқанд тангаларида қуйидагича икки турда тасвирлаш кўзга ташланади: 1) узун сочлари елкасигача тушган, кўз қисиклиги анча-мунча сезилиб турадиган, думалоқ юзли ҳукмдор; 2) сочлари унчалик узун эмас, бир бўлаги қулоққача етмасдан кесилган, кўзлари бодомсимон ёки бирозгина қисик, думалоқ юзли ҳукмдор.

Шу каби ўзига хосликлари билан ушбу Самарқанд тангалари Чоч ва Фарғона водийсида бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларига яқин ўхшашликка эга (қар. 1-расм). Бу эса ушбу Самарқанд тангаларининг Турк хоқонлигига боғлиқ томонлари борлигини кўрсатади. Шу билан бирга, бу туркумга кирувчи тангалардан барчаси (Самарқанд, Чоч, Фарғона тангалари)нинг иконографияси хоқонлик даврига тегишли археологик топилмалар: Афросиёб (Самарқанд), Панжикент (Панч) ва Болаликтепа (*Тўхористон*) каби сарой деворий расмлари, Ан-цзя, Михо сингари Шимоли-Ғарбий Хитойдан топилган Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувчиларига тегишли қабртош бўртма тасвирлари ҳамда Евроосиёнинг кенг дала-даштларида кўплаб сақланиб қолган тош ҳайкаллар (балбаллар), қоя расмлари, ёғоч, суяк, сопол ва металл буюмлар сиртига чизилган қадимги турк тас-

вирлари билан яқин ўхшашликка эгаллиги кўзга ташланади (қар. 2-расм, 4-расм).

«Бэй-ши», «Суй-шу» ва «Тан-шу» каби илк ўрта асрларда яратилган хитой йилномаларида Кан (Самарқанд) бошқарувчиси сининг сочини ўриб юриши, ерли аҳоли эса сочини кестириши айтиб ўтилади<sup>1</sup>. Ёзма манбаларда бўлгани каби (хитой, юнон/Византия ва б.), археологик изланишларда аниқланган Турк хоқонлиги даврига тегишли топилмалар (қоя расмлари, тош ҳайкаллар, қабртошлар, суяк, сопол ва металл буюмлар сиртига чизилган тасвирлар)да қадимги турклар ҳам сочи ўрилган, ҳам сочи елкасигача тушган ҳолатда учраб, Самарқанд тангалари билан ялпи ўхшашликка эгадир (қар. 4-расм). Шу ўринда америкалик тадқиқотчи Ж.К. Скэффнинг хитой йилномаларидаги «Ту-кюэ (Ашина турклари) ўз устунлигининг ифодаси ўлароқ ўзларига бош эгган ҳукмдорлардан улар (турклар)нинг урф-одатларига бўйсунганини ишташлари» каби ҳолатнинг<sup>2</sup> Самарқанд тангаларида ҳам ўз ўрнини топганини кўрамиз.

#### **4. Самарқандда «хоқон» унвонли тангалар бостирилишининг тарихий негизлари**

Ёзма манбаларда бирорта имо-ишора учрамадлиги ва бу туркум Самарқанд тангаларида бирон-бир ҳукмдор исми ўрин олмагани учун ушбу тангаларнинг том ўлароқ қайси ҳукмдор ёки ҳукмдорлар томонидан бостирилганини аниқлаш қийин. Ҳолбуки, «Турк-хоқон», «Тарду хоқон», «Жабғу-хоқон», «Тун жабғу-хоқон» унвонлари билан Чочда бостирилган тангалар Ғарбий Турк хоқонларининг хос тангалари эканлиги аниқ. Самарқанд тангаларидаги *twrnyn* сўзининг *twrn* (Турон) ва *-yn* (тегишлилик билдирувчи суғдийча сўз қўшимчаси) сўзларидан ўртага чиққан деган қарашимиз янада аниқликка эришса, ушбу тангалар билан боғлиқ бир неча саволларга ечиб топилади! Бу ерда тангаларнинг ўзига хос томони – Марказий Осиёнинг исломдан олдинги суғдий ёзувли тангаларидаги қуйидагича жиҳатни кўзда тутиш керак: сифат ( $xw\beta$  /  $xw\beta w$  «ҳукмдор») + ҳукмдор номи + унвон (оромийча = суғдийча / қадимги туркча) + танга бостирилган давлат / ернинг номи (топоним). Агар бундан келиб чиқилса,  $xw\beta twrnyn$   $x'γ'n$  жумласидаги *twrnyn* сўзи-

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. – М.-Л.: Наука, 1950. – С.271, 281.

<sup>2</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. – Ankara, 2002. Vol. 2. – S.364 – 372.

нинг топоним (давлат номи) бўлиши эҳтимоли анча кучаяди. Тангалардаги суғдий сўзларни  $xw\beta\ twrnyn\ x'\gamma'n$  «Хукмдор  $twrnyn$  хоқон» ё бўлмаса  $xw\beta\ x'\gamma'n\ twrnyn$  «Хукмдор хоқон  $twrnyn$ » деб оладиган бўлсак ҳам,  $twrnyn$  сўзининг сиёсий-географик ном бўлиши эҳтимоли ортади.

Хўш, VI – VIII асрларда Самарқандда қандай тарихий воқеликлар юз берганди, бу воқеликлар тангаларда «Турон» ва «хоқон» каби сўзларнинг учраши билан қандай боғлиқликка эга? Хитойча «Бэй-ши», «Суй-шу» ва «Тан-шу» йилномаларига кўра, VI аср 60-йилларида Самарқандни ҳам ўз ичига олувчи Кан (Суғд) Ту-жюэ (Турк хоқонлиги)нинг қўл остига ўтган, шу асрнинг сўнгги ўнйилликларида хоқонлик томонидан бу ернинг бошқарувига «тегин» (шаҳзода) жўнатилган эди<sup>1</sup>. Ҳар ҳолда, у Суғдга хоқонликнинг ноибни ўлароқ тайинланган бўлса керак. Шунингдек, бу ерда Турк хоқонлиги бошқа бир қатор воҳа ҳукмдорликлари бошқарувида йўлга қўйган тизим – ерли бошқарувчи сулолаларни ўз ўрнида қолдириб, уларни Ашина хонадонидан бўлган тегин ва бошқа вакил (*тудун, тутуқ*)лар ёрдамида ё бўлмаса уларга ўз қизларини узатиш орқали назорат қилишга уринганини ҳам кўзда тутиш керакка ўхшайди. VI аср сўнгги йиллари – VII аср илк ўнйилликларида бошқарувда бўлган Самарқанд ҳукмдорларидан иккитаси Ғарбий турк хоқонларининг қизларига уйланган эди. «Суй-шу» ва «Тан-шу» йилномаларида Кан (Суғд) бошқарувчиларининг асли Чжаову хонадонига бориб тақалиши айтиб ўтилиши билан бирга Самарқанд ҳукмдори Ши-фу-би / Ша-ше-би (Шишпир) Ғарбий Ту-жюэ (турк) бошқарувчиси Да-ту кехан (Тарду хоқон, 576 – 603)нинг қизига, бошқа бир Самарқанд ҳукмдори Гюй-му-чжи эса Ғарбий турклардан Тонг шэ-ху ке-хан (Тун ябғу-хоқон, 618 – 630)нинг қизига уйлангани тилга олинади<sup>2</sup>. Бу каби тарихий воқеликлар юқорида келтириб ўтилган тангалар ё ушбу йилларда Самарқандга келиб, бу ерни Турк хоқонлиги номидан назоратда тутган ноиблар томонидан хоқонлар номига ё бўлмаса ўша йилларда хоқонларга куёв бўлган Самарқанд ҳукмдорлари томонидан хоқон номига бостирилган тангалар деган қарашни кучайтиради.

VII аср сўнгги – VIII аср илк ўнйилликларида юз берган сиёсий воқеликлар Турк хоқонлиги – Самарқанд алоқаларининг сусайи-

<sup>1</sup> Таşađıl A. Gök-Türkler. II. – Ankara, 2003. – S.88.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений ... II. – С.281, 311; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903. – С.132, 135.



шига олиб келган бўлса-да, улар орасидаги устун (сюзерен)лик – қарам (вассал)лик муносабатлари анчагина сақланиб қолган эди. VIII аср бошларида араблар Самарқандга бир неча бор босқинчилик юришларини уюштирган бўлиб, Тархун (700 – 710), Ғурак (710 – 738) сингари Самарқанд бошқарувчилари турк хоқонларидан ёрдам сўрагандилар. Айниқса, Ғурак араблардан енгилгач, уларнинг устунлигини тан олган бўлишига қарамай, арабларнинг қўшин бошлиқлари билан учрашган пайтида уларга ўзини «Хоқоннинг қулларидан ва чокар (хос аскар)ларидан бири» ўлароқ билишига урғу берганди<sup>1</sup>. Ғуракнинг иккита ўғли бўлиб, улардан бирининг исми туркча Бег-чўр / Бўгу-чўр («Тан-шу»да Мо-чжо; араб манбаларида Баничур / Бейғчур)нинг исми турк хоқони \*Бек-чўр / \*Бўгу-чўр Қапған (692 – 716) исми билан бир бўлса, иккинчи ўғли туркийча Турғар («Тан-шу»да До-хэ; суғдий ёзувли тангаларда *twry'r*; араб манбаларида Турхар) исмига эга эди<sup>2</sup>.

Самарқанд бошқарувида Ғурак, Панч (Панжикент)да Деваштич (709 – 722) турган йилларда турк хоқонлари Суғд ўлкасига бир неча бор ўз қўшинлари билан келиб-кетганлигини кейинги йилларда қўлга киритилган археологик топилмалар ҳам кўрсатмоқда. Яқин йилларда Панжикент сарой қолдиқларидан топилган суғдий ёзувли муҳрда *х'у'п* «хоқон», Самарқанднинг бошқарув марказларидан бири бўлмиш Кофирқалъадан топилган бир неча муҳрда эса *х'ttwnh* «хотун» унвонларининг аниқланиши бунинг далилидир (қар. 3-расм). Қисқаси, 720 йилларга тегишли Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари («Деваштич архиви») дан бир нечасида (В-17, В-17) «хун» (турк)лар қўшини ва «хоқон»дан келган «ёрлиқ» тўғрисидаги маълумотлар ушбу муҳрлар асосида яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда<sup>3</sup>.

Кўринишидан, VI – VII асрларда «Турон» атамаси Турк хоқонлиги билан боғлиқ равишда учрай бошлаган. Шу ўринда бу атама хоқонликдан олдин ҳам туркийлар ўлкаси ёки турклар бошқарувидаги ўлка маъносида қўлланилганми-йўқми деган

<sup>1</sup> История ат-Табари / Перевод с арабского В.Беляева. – Ташкент, 1987. – С.225.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений ... II. – С.311; Смирнова О.И. Сводный каталог ... – С.424; Камалиддинов Ш., Мухаммедов У. Новые данные по истории Средней Азии в эпоху арабских завоеваний // ОНУ. 1997. №34. – С.91 – 93; Babayarov G. Sogd under Turkish Rule during 6th – 7th c. (on Sogdian and Turkish symbiosis) // *Ērān ud Anērān. Studies Presented to V.I. Maršak on the Occasion of His 70th Birthday.* – Venezia, 2006. – P.71 – 73.

<sup>3</sup> Суғд тилидаги манбалар / Сўзбоши, таржима ва изоҳлар муал. М. Исҳоқов, Ғ. Бобоев, А. Кубатин // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд, 1-китоб / Масъул муҳар. А. Аҳмедов, О. Бўриев. – Тошкент: Фан, 2014. – Б.81 – 84.

савол туғилади. Айтиб ўтиш керак, «Турон» атамаси туркийлар билан боғлиқ ўлароқ айнан қайси даврда ўртага чиққанлиги борасида турлича қарашлар бор. Эроншунослар бу атама бошланғичда эроний халқларни, аниқроғи, Эрондан кунчиқардаги ўлкалар – Амударё-Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудларда яшаган шарқий эроний тилли халқлар учун қўлланилган деб қарайдилар. Уларга кўра, ўз ўлкасини «Эрон» деб атаган ғарбий эронийлар ўзларидан шимоли-шарқдаги қардошларини, аниқроғи, кўчманчи эронийлар яшайдиган ўлкаларни ялпи ном билан «Турон» деб аташган, кейинчалик, X – XI асрларга келиб бу ерлар туркийлар томонидан эгаллангач, ушбу атама туркларга нисбатан ишлатила бошлаган. Шунингдек, «Турон» атамаси узоқ даврлардан бери туркийлар ўлкаси маъносида қўлланилган деб қаралган ҳоллар ҳам бўлган. Таниқли эроншунос олим Р. Фрай эроний халқларнинг энг қадимий ёзма асари – «Авесто»да учрайдиган «тур» ёки «тура» этнонимини туркийлар билан боғлаб, бошланғичда ушбу этник атама шарқий эронийлар учун қўлланилган бўлса-да, анча қадимдан бери туркийларга нисбатан ишлатила бошлаган деб ёзади. Унга кўра, «турк» этнонимининг ўзи ҳам ушбу «тур» сўзи негизида ўртага чиққан ва илк ўрта асрларга келгач «турклар» маъносини билдира бошлаган<sup>1</sup>. Turk / Türk атамасининг илдизи tur- / tür- бўлиб, унга қадимги туркча кўплик қўшимчаси «-lar»нинг бир тури бўлмиш -k қўшилиб (tur+k = Turlar) «Türk» этноними келиб чиққан. Эҳтимол, муайян бир этнос учун қадимги турклар кўплик қўшимчаси билан Tur-k, эронликлар эса Tur-ān (ān – эроний тилларда кўплик ясайдиган қўшимча) атамасини ишлатишган, бунинг негизида эса «Турклар яшайдиган ўлка» маъносида «Турон» топоними келиб чиққан<sup>2</sup>.

Қисқаси, *xwβ twrnyn* «Турон ҳукмдори» ва *xwβ twrnyn x'γ'n* «Турон ҳукмдори хоқон» сўзлари ўрин олган Самарқанд тангаларидаги ҳам унвон, ҳам ҳукмдор тасвири қадимги турклар билан боғлиқ бўлиб, бевосита Турк хоқонлигига бориб тақалади. Илк ўрта асрлардаёқ «Турон» ва «Туркистон» атамалари деярли битта маънода қўлланила бошлаганидан келиб чиқилса, «Турон» бу даврда Турк хоқонлиги учун қўлланилган номлар-

<sup>1</sup> Frye R.N., Sayılı A. Selçuklulardan avvel Orta Şark'ta Türkler. Belleten, cilt. 10. – Ankara, 1946. – S.97 – 131.

<sup>2</sup> Фрай Р. Наследие Ирана. – М., 2002. – С.66 – 67; Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия в Средней Азии. – Ташкент, 2006. – С.11.

дан бири бўлгани ўз тасдиғини топади. Устига-устига, ҳар қандай тангада ўрин оладиган сўзларнинг расмий мақомга эга бўлишини кўзда тутадиган бўлсак, турк хоқонлари ўз ўлкасини / давлатини «Турон» деб ҳам атаган бўлиб чиқади. Бошқа томондан, чамаси, ушбу тангалар Самарқанднинг ерли бошқарувчиларига тегишли бўлиб, ўз хўжайинлари бўлмиш турк хоқонлари номидан танга бостириб чиқарар экан, улар билан боғлиқ сўзлар – «хоқон» ва «Турон» атамаларини қўллашни маъқул кўришган деб тахмин қилиш мумкин.

Демак, VI – VIII асрларда Самарқандда турк хоқонлари томонидан ёки улар номидан бостирилган суғдий ёзувли мис тангаларда «Турон ҳукмдори хоқон» сўзларининг учраши ўз даврининг тарихий воқеликлари билан боғлиқ. Аслида, туркийлар ўзлари яшайдиган ўлкаларни бошланғичда ўз она тилига мослаб «Турк эли» деб атаган бўлсалар-да, кейинчалик қўшнилари ва қўл остидаги ўзга этнослар таъсирида «Турон» ва «Туркистон» деб ҳам атай бошлаган дея оламиз. Ушбу тангалардаги *twrnyn* сўзи *twrn* «Турон» ва суғдийча тегишлилик қўшимчаси – *yn*дан ясалган бўлиб («Туроннинг, Туронга тегишли»), уни *xwβ* ва *x'γ'n* сўзлари билан бирга «Турон ҳукмдори Хоқон» деб ўқиш керак. Афтидан, бу ерда Турон географик ва этносиёсий томондан «Турклар ўлкаси / давлати»ни англатган ва «Туркистон» атамаси сингари у Турк хоқонлиги учун ишлатилган. Бунинг негизида илк ўрта асрларда арман, суғдий, паҳлавий (ўрта форс) каби туркийларга қўшни ёки улар билан ёнма-ён яшаган этносларнинг Турк хоқонлигини айрим ҳолларда «Туркистон» ёки «Турон» деб атаганлиги омили ётади. Бошқа томондан, Самарқанднинг ерли бошқарувчилари ўз ўлкасини «Турон» деб атаган бўлиб, уни ўз тангаларида акс эттиришган, Турк хоқонлиги бу ерни ўз қўл остига олгач, мазкур анъанани давом эттирган бўлиши мумкин. Бироқ биринчи фикр мантиқлироқ.



а) Чочда зарб этилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари



б) Чоч тегинлари (650-750) ва Чоч Тудунлари (640-750) сулолалари тангалари



с) Ашина сулоласининг Фарғона тармоғи (630-750) тангалари




д) Суғд (Самарқанд), Панч ҳукмдорликларининг туркий сулолаларига оид тангалар (VI аср иккинчи ярми-VII аср.)

*1-расм. VI – VIII асрларга тегишли эски турк тангалари*







2-расм. Эски турк бошқарувчилари тасвирлари: Афросиёб (Самарқанд, 1 – 2) ва Панжикент (3 – 4) деворий расмлари; «хоқон», «хотун» унвонли Суғд (5 – 8) ва Чоч (9) тангалари (VI – VIII асрлар)



3-расм. VII – VIII асрларга тегишли эски туркча «хотун» (Кофирқалъа / Самарқанд, 1 – 4) ва «хоқон» (Панжикент) унвонли муҳрлар





**4-расм.** Чочда бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларидаги тасвирлар (8 – 12, 16 – 20) Еттисув, Олтой, Мўғулистондаги топилмалар (1 – 7) билан яқин ўхшашликка эга. Шимоли-Ғарбий Хитой (Ан-цзя, Мико) қабртошларидаги бўртма тасвирларда (13 – 15) эса турк-суғд амалдорлари акс эттирилган (расмларнинг асл ўлчамлари фарқ қилади).

А. Хақимов

## ИСКУССТВО РАННЕСРЕДНЕВЕКОВОГО СОГДА

Начало эпохи раннего средневековья ознаменовано вторжением на территорию Средней Азии новой волны кочевых племен, в результате которого образуются сначала сильное эфталитское государство, подчинившее на первых порах Сасанидов, а затем могущественный Тюркский каганат. Государство Эфталитов, основанное кочевниками-эфталитами и распавшееся под натиском тюрков в 563 – 567 гг. н.э., создало условия для контактов различных художественных стилей. Бактрийско-кушанские, сасанидские (Иран) и гуптские (Индия) элементы в искусстве эфталитского царства (монеты, произведения торевтики) сосуществовали без глубокого взаимопроникновения, которое произошло позднее.

С установлением власти Тюркского каганата активизировались политические, торговые и культурные взаимоотношения согдийского и тюркского населения. В искусстве наблюдается своеобразный тюрко-согдийский симбиоз. В то же время территория Согда сохраняла определенную самостоятельность в

рамках каганата. В этот период в политической истории и торговых взаимоотношениях усиливается роль согдийцев – жителей центральных регионов на территории современных Узбекистана и Таджикистана. Города Самарканд (Афрасиаб), Бухара, Пянджикент, Бунджикат, Варахша, Нахшеб становятся центрами культурной жизни. Здесь строятся великолепные дворцы и замки (кешк), украшавшиеся прекрасной настенной живописью, которой за последние более чем полвека посвящено немало исследований археологов и историков искусств<sup>1</sup>. Местными мастерами создавались замечательные сосуды из золота и серебра, гончары производили разнообразную глиняную посуду, в ткацких мастерских выделялись замечательные шелковые и хлопчатобумажные ткани. Согдийские товары расходились по различным направлениям Великого шелкового пути. Благодаря торговле происходило взаимодействие местных традиций искусства и ремесел с художественными приемами мастеров Ирана, Индии, Византии, Китая и степного Востока<sup>2</sup>.

Наиболее ярко локальные черты согдийского искусства проявляются в настенной живописи и скульптуре, коропластике

---

<sup>1</sup> Вяткин В.Л. Афрасиаб – городище былого Самарканда. – Ташкент, 1927; Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента: Живопись. Скульптура. – М., 1973; Литвинский Б.А., Зеймаль Т.И. Аджинатепе: Архитектура. Живопись. Скульптура. – М., 1971; Литвинский Б.А. Настенная живопись Калаи Кафирнигана // Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье (История и культура). – М., 1981; Ставиский Б.Я. Искусство Средней Азии: Древний период с VI в. до н.э. – VIII в. н.э. – М., 1974; Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент, 1975; Шишкин В.А. Афрасиаб – сокровищница древней культуры. – Ташкент, 1966; Его же. Варахша. – М., 1963; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. – Ташкент, 1961; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины XIX в. – М., 1965; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии: Древность и средневековье. – М., 1982; Маршак Б.И. Искусство Согда // Центральная Азия: новые памятники письменности и искусства. – М., 1987. – С.235 – 236; Хакимов А. Из сокровищниц Самаркандского музея // Шедевры Самаркандского музея. Государственный музей истории культуры Узбекистана. – Ташкент, 2004. – С.5 – 31; Его же. К характеристике стиля раннесредневекового искусства Согда // *San'at*. 2004. №3-4. – С.9 – 14; Azarpay G. Iranian divinities in Sogdian painting // *Acta Iranica*. – Leiden, 1975. Vol. I; Azarpay G. Some iconographic formulae in Sogdian painting // *Iranica Antiqua*. 1976. Vol. XI; Azarpay G. Sogdian painting. Berkeley etc. – Leiden, 1981; Bussagli M. Painting of Central Asia. – Geneva, 1963; Grenet F. L'art zoroastrien en Sogdiane // *Mesopotamia*. 1986. Vol. XXI; Skoda V.G. Le culte du feu dans les sanctuaires de Pendzikent // *Cultes et monuments religieux dans l'Asie preislamique*. – Paris, 1887.

<sup>2</sup> Иерусалимская А.А. О северокавказском «шелковом пути» в раннем средневековье // Советская археология. 1967. №2; Его же. К сложению школы художественного шелкоткачества в Согде // Средняя Азия и Иран. – Л., 1972; Распопова В.И. Византийские поясные пряжки в Согде // Краткие сообщения Института археологии. КСИА. Вып. 114. 1968.

(терракота, рельефы и наверхшия оссуариев). В 1913 г. на городище Афрасиаб были обнаружены первые образцы раннесредневекового согдийского изобразительного искусства – фрагменты настенной живописи. Однако подлинное открытие согдийской цивилизации началось во второй половине XX в., когда были найдены великолепные памятники настенной живописи, скульптуры, а также уникальные произведения художественного ремесла на городищах Афрасиаб, Варахша, Пянджикент, Калаи Ках-Каха, Бунджикат, Кафир кала, Тали-Барзу и др. Были атрибутированы, как согдийские, серебряные изделия, найденные на Урале и в Сибири, ранее относимые к группе так называемого «сасанидского металла». Расширение археологических работ способствовало открытию новых памятников изобразительного искусства и ремесла Южного Согда. На городищах Нахшеб, Еркурган, Джартепа и др. были обнаружены свидетельства высокоразвитой согдийской культуры. Наряду с археологическими изысканиями проводилась искусствоведческая интерпретация художественного материала. Вместе с тем огромный пласт согдийского искусства не исчерпал всех аспектов искусствоведческого анализа, в том числе выявления его художественного и стилевого своеобразия.

В понимании особенностей согдийского искусства очень важно определить, что подразумевается под словом «стиль». В литературе выявились два различных подхода. В одном из них акцент делается на широкие искусствоведческие обобщения<sup>1</sup>, в другом подразумевается «специфика ремесленной традиции»<sup>2</sup>, т. е. сугубо формальные приемы мастеров. На самом деле это не взаимоисключающие, а лишь разные стадийные уровни – индуктивный (Б. Маршак), необходимый для максимального выявления состава собственно согдийских артефактов, и дедуктивный (Л. Ремпель), позволяющий на основе предварительного формального анализа выявить специфику интонационного и семантического содержания искусства. Такой позиции придерживается В. Даркевич, хотя напрямую он не подчеркивает ее в своих исследованиях по среднеазиатской торевтике<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки истории искусств Средней Азии. – М., 1982. – С.226.

<sup>2</sup> Маршак Б.И. Влияние торевтики на согдийскую керамику VII – VIII веков // ТГЭ. – Л., 1961. Т. 5; Его же. Согдийское серебро. – Л., 1972. – С.17.

<sup>3</sup> Даркевич В.П. Художественный металл Востока VIII – XII вв. – М., 1976.



Границы понятия «согдийское искусство», несмотря на некоторую объяснимую для того времени историческую расплывчатость, имеют, тем не менее, определенный хронологический, территориальный и морфологический силуэт. Это искусство, датирующееся V – IX вв. Памятники его создавались на территории срединной зоны нынешнего Узбекистана (районы Самаркандской, Бухарской и Кашкадарьинской областей) и северо-запада Таджикистана (районы Согдийской области) или были связаны с традицией этого региона (торевтика). Причем к северо-востоку от самаркандского Согда (Уструшана, Чач, Фергана) сильны традиции степного искусства и воздействие культуры танского Китая, на юге (Бактрия – Тохаристан) ощутимо воздействие эллинистической и чуть слабее – индо-буддийской традиции, а на западе (Бухара, Хорезм) наблюдается влияние ирано-сасанидского искусства.

Следует отметить также следы согдийского культурного влияния в так называемых согдийских колониях, основанных на всем протяжении Шелкового пути от Северо-Востока Средней Азии до Китая. Особенно эти согдийские колонии были многочисленны на территории Семиречья<sup>1</sup>. Артефакты согдийского происхождения обнаружены исследователями и на территории Китая, но этот своего рода анклав согдийской культуры является темой специального изучения.

Для Согда характерна широта морфологической картины искусства: отмечается расцвет монументальной живописи, скульптуры, резного ганча и дерева (Афрасиаб, Пянджикент, Варахша), а также развитие различных видов ремесел – торевтики (серебро с позолотой), керамики, коропластики, ткачества, ювелирного искусства.

---

<sup>1</sup> Бернштам А.Н. Согдийская колонизация Семиречья // Краткие сообщения Института истории материальной культуры. Вып. VI. 1940; Его же. Памятники старины Таласской долины. – Алма-Ата. 1941; Его же. Изображение согдийца в коропластике Чуйской долины // Краткие сообщения Института истории материальной культуры. Вып. XXX. 1948; Байпаков К.М. Раннесредневековые города и поселения Северо-Восточного Семиречья // Новое в археологии Казахстана. – Алма-Ата, 1968; Маршак Б.И., Распопова В.И. Согдийцы в Семиречье // Тезисы докладов Всесоюз. науч. конф. «Культура и искусство Киргизии». Вып. 1. – Л., 1983; Распопова В.И. Гончарные изделия согдийцев Чуйской долины: По материалам раскопок на Ак-Бешиме в 1953 – 1954 гг. // Труды Киргизской археолого-этнографической экспедиции. – М., 1960. Т. IV; Pulleyblank E.G. A Sogdian colony in Inner Mongolia // *T'oung Pao*. Vol. 41. 1952; О памятниках согдийского искусства в Китае пишет в своей статье Дж.Ильясов, приводя там же литературу вопроса: Ильясов Дж. К вопросу о «тюрко-согдийском симбиозе» // Роль искусства в процессе исторического формирования государственности Узбекистана. – Ташкент, 2007. – С.44 – 52.

В таком виде как торовтика, изделия которой являлись предметом торговли и обмена и были весьма подвижны, трудно определить место изготовления и соответственно локальные особенности согдийского стиля. Причем, порой в одном произведении можно наблюдать наличие различных стилевых и ремесленных компонентов. Например, серебряное среднеазиатское блюдо с изображением птицы с женским лицом VIII – IX вв. совмещает в себе традиции согдийского, византийского, арабского, иранского искусства<sup>1</sup>.

Благодаря исследованиям Я.Смирнова, И.Орбели, К.Тревер, Г.Григорьева, Л.Ремпеля, В.Даркевича и особенно Б.Маршака удалось достаточно аргументированно идентифицировать согдийский металл. С наибольшей полнотой это было сделано в книге Б.И. Маршака<sup>2</sup>. Несмотря на то, что автор не дает географической привязки выделенных им школ А, В и С, тем не менее по контексту исследования понятно, что школа А, наиболее близкая традициям ирано-сасанидского металла, может быть локализована бухарским Согдом, а школа В представляет сердцевину Согда – его Самаркандский регион. Что касается школы С, то ее связь со степным тюркским и китайским танским искусством позволяет относить ее к Северо-Восточному Согду или Фергане и Уструшане, находившимся в зоне влияния согдийской традиции. В таблице не отражен ряд блюд с сюжетными изображениями, которые достаточно обоснованно и были локализованы Согдом, шире – Средней Азии. Среди них аниковское блюдо со сценой осады замка, сцена единоборства – два воина, блюдо с птице-девой и др. Их атрибуция была дана позже В.П. Даркевичем<sup>3</sup>.

Для понимания особенностей собственно согдийской традиции очень важен первый этап школы В, где наиболее ранними являются блюда из клада на Мунчак-тепе (близ Бекабада) и Чилека (близ Самарканда)<sup>4</sup>. Это так называемые ложчатые чаши. Различные модификации ложчатых медальонов определяют особенности этой группы изделий (школа В по Маршаку). Это подтверждается аналогиями в формах местной сог-

---

<sup>1</sup> The art Central Asia. G.A.Pugachenkova, A.Khakimov. – L., 1988. – P.177.

<sup>2</sup> Маршак Б.И. Согдийское серебро. – Л., 1972.

<sup>3</sup> Даркевич В.П. Художественный металл Востока VIII – XII вв. – М., 1976.

<sup>4</sup> Маршак Б.И., Крикис Я.К. Чилекские чаши // Труды Государственного Эрмитажа. – Л., 1969. Т.10. – С.67 – 76. Рис. 12.

дийской керамики. Последняя из них – ложчатая керамическая чаша из Нахшаба<sup>1</sup>, буквально повторяющая форму самой ранней согдийской серебряной чаши из Чилека. Традиция изготовления ложчатых чаш восходит к ахеменидскому ремеслу. Эта форма проникла в Среднюю Азию через парфянское искусство и проникла в Согд и Хорезм, не проявив себя в сасанидском искусстве. Чилекский клад включал также ирано-сасанидское блюдо с позолотой с изображением охоты царя Пероза, свидетельствующее о торговых и культурных связях Согда с Сасанидским Ираном.

В составе клада из Чилека находилась еще одна уникальная серебряная литая чаша IV – V вв., хранящаяся в Самаркандском музее, которую связывают с эфталитским искусством. Эта находка – редкий случай обнаружения изделия торевтики в пределах Государства Эфталитов<sup>2</sup>. С мнением Г.А. Пугаченковой о пянджабском происхождении чилекской эфталитской чаши<sup>3</sup> не согласен В.С.Соловьев. Он считает, что эта чаша сделана тохаристанским торевтом под сильным индийским влиянием<sup>4</sup>. Некоторое представление о пиршественной посуде дают росписи Балалык-тепа<sup>5</sup>. В руках у пирующих можно видеть кубки и чаши, судя по желтой окраске, золотые или позолоченные, причем кубки женских и мужских персонажей различаются по форме. Судя по орнаменту, основная часть кубков имеет ложчатый декор, наподобие декора одной из согдийских чаш из Чилекского клада<sup>6</sup>.

Таким образом, несмотря на широкий спектр связей культуры и искусства Согда и сопредельных регионов, известные памятники позволяют выделить как основные три доминирующих направления: северо-восточное (степной, тюркский компоненты и традиция танского Китая), южное (Бактрия – Тохаристан, связанное с эллинистическим и индо-буддийским искусством) и западное (Хорезм, отражающий преимущественно влияние парфянских и ирано-сасанидских традиций).

---

<sup>1</sup> Сулейманов Р. Древний Нахшаб. – Ташкент, 2000. Рис. 187,1.

<sup>2</sup> Маршак Б.И., Крикис Я.К. Чилекские чаши... – С.67 – 76. Рис. 12.

<sup>3</sup> Пугаченкова Г.А. Эфталитская чаша из Чилека // Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Ташкент, 1987. – С.81.

<sup>4</sup> Соловьев В.С. Раннесредневековая керамика Северного Тохаристана. – Елец, 1996. – С.68.

<sup>5</sup> Альбаум Л.И. Балалыктепа. К истории материальной культуры и искусства Тохаристана. – Ташкент, 1960. Рис.132, 133.

<sup>6</sup> Маршак Б.И., Крикис Я.К. Чилекские чаши... – С.67 – 76. Рис. 12.

При характеристике процесса взаимодействия традиций в искусстве важно учесть два обстоятельства. С одной стороны, это отношение мастеров к традициям собственного наследия, и с другой – к опыту культуры сопредельных регионов. Если в целом определять отношение согдийского искусства к традиции, то в формировании его стиля большую роль сыграл второй фактор. В этом смысле принцип взаимодействия с современными ему школами имел большее значение, чем восприятие собственного наследия. Очевидно, что в формировании согдийского искусства огромную роль играл процесс взаимодействия с иными культурами, но при этом местная самобытность на всех его этапах весьма осязаема. Как отмечал Б.И. Маршак, «самобытность и стойкость собственной культурной традиции сказались не в сплошном отрицании чужого, а в способности освоить чужие формы, обогатив ими свою культуру, сохраняя верность предкам в том, что имело решающее значение»<sup>1</sup>.

В согдийском искусстве максимально полно представлен и тематический репертуар – космогонические, астральные и геометрические мотивы, зооморфная и растительная тематика, антропоморфные и сюжетные композиции. Единство стиля во многом определяется наличием одних и тех же форм предметов, а также образов и мотивов, интерпретированных в сходной пластической манере в различных видах искусства – именно это мы наблюдаем в согдийском искусстве. Одним из излюбленных в согдийском искусстве был мотив архара и оленя, в зависимости от материала и иконографического происхождения трактованный в различных вариациях.

Динамизм кочевого искусства находит в согдийском искусстве компромисс с нетерпящей суеты величавостью и степенью дворцового, городского искусства. Это можно видеть в пластике этих животных в резном ганче Варахши и декоре согдийских серебряных чаш. В репертуар искусства согдийские мастера и художники охотно включали несвойственные их реалиям образы. Миф, экзотика и реальность сплетаются в один поражающий воображение мир согдийского мироощущения. Своеобразие согдийскому искусству придают фантастические существа – грифоны, птицы-девы, драконы и др. Среди фантастических существ ведущее место занимает крылатый верблюд, являю-

---

<sup>1</sup> Маршак Б.И. Искусство Согда... – С.237 – 238.

щийся неким местным символом, который сформировался под воздействием иконографии сасанидского сенмурва. Девы-птицы восходят к эллинистической традиции, но их образы стали популярными в ремесле исламского времени. На блюде из Мавераннахра IX – X вв. с изображением этого мотива можно наблюдать сплетение арабо-мусульманских (каллиграфия), ирано-персидских (персидские стихи), эллинистических (генезис образа), византийских (иконаграфия) и собственно согдийских (форма блюда и элементы орнамента) черт. Подобный пример синкретизма традиций приводит Б.И. Маршак, ссылаясь на шелковую завесу согдийского мастера X в., в которой доисламские мотивы соседствуют с арабскими надписями<sup>1</sup>.

Локальные черты искусства Согда проявляются в настенной живописи, скульптуре, коропластике, рельефных изображениях на оссуариях. В Самаркандском музее хранятся десятки оссуариев и свыше 700 образцов мелкой пластики, которые созданы, в основном, в Согде со II в. до н. э. по VIII в. н.э.<sup>2</sup>

Основной лейтмотив настенной живописи Согда – борьба с силами зла и тьмы, воплощенная в различных тематических и сюжетных вариациях. Сюжеты росписей подтверждают их светский характер (торжественные шествия, сцены героических сражений и охоты, пиршества царя, развлечений и др.), много тем почерпнуто из местной мифологии и эпоса<sup>3</sup>. Росписи наносились на подготовленную сухую поверхность стены. Художникам не были известны законы перспективы и светотень, ставшие достижениями европейского искусства, однако, их композиции отличали особая ритмичность линий, выразительность силуэтов, колористическая гармония.

Представление о живописи согдийской школы дают росписи, обнаруженные на Афрасиабе в квартале резиденций самаркандского правителя VII – VIII вв. Здесь в большом зале сохранились изображения, посвященные теме прибытия к царю Самарканда послов с дарами из соседних княжеств и отдаленных

---

<sup>1</sup> Там же. – С.244 – 245.

<sup>2</sup> Trever С. Terracottas from Afrasiab. – М.-Л., 1934; Мешкерис В.А. Терракоты Самаркандского музея. Л., 1962; Мешкерис В.А. Коропластика Согда. – Душанбе, 1977.

<sup>3</sup> Ремпель Л.И. Эпос в живописи Средней Азии // Из истории живописи Средней Азии: Традиции и новаторство. – Ташкент, 1984; Шкода В.Х. К вопросу о культовых сценах в согдийской живописи // Сообщения Государственного Эрмитажа. Вып. 45. – Л., 1980; Шукуров Ш.М. К анализу принципов иконографии в изобразительном искусстве Средней Азии // Средняя Азия в древности и средневековье. – М., 1977.

владений. Насыщена деталями сцена свадебного шествия, которое открывает принцесса на слоне в сопровождении придворных дам, двух бородатых послов на верблюдах, кавалькады всадников с главой посольства, вереницы священных птиц и предназначенного в дар коня (южная стена). Наполнены бытовыми подробностями сцена переправы через реку китайской принцессы, сцена охоты на леопардов (северная стена). Кульминация всей композиции – прием послов самаркандским царем (центральная по композиции, западная стена, расположенная за тронном правителя). Живопись Согда отличается разнообразием ракурсов изображений, плоскостными, но яркими и выразительными формами и силуэтами. В изображении божеств доминируют представители местного пантеона. Однако культово-религиозное начало не является главной темой согдийского искусства, не испытывавшего давления той или иной конфессии, как было, например, в Иране, где доминировал зороастризм. Это особенно ощутимо в образах, представленных в живописи Пянджикента. Согдийская живопись представлена и в росписи из храма на городище Ер-Курган (III – IV вв.). На одном из массивных круглых столбов изображены шествующие женщины с младенцами или с культовыми предметами в руках. Фигуры их, расписанные белым по красному фону, массивны, и силуэтно обобщены, что, впрочем, соответствует архитектурной мощи самих столбов. Сюжет, видимо, связан с ритуалом благословения детей и извечным молением женщин о потомстве<sup>1</sup>. В согдийском искусстве, при всем внимании к символике, мифам и религиозно-культурной тематике, преобладает реалистическая картина мира с антропологическими приоритетами. Мотивы и образы не теряют семантического значения и не трансформируются в декор, хотя к VIII в. этот процесс стал наблюдаться.

Согдийское искусство дает образцы синтеза различных искусств – живописи, скульптуры. Наиболее ярко этот синтез проявился в оформлении дворца Варахши. В основном это светская тематика. Сюжетные мотивы – царь на троне, сцена битвы и охоты, имеющие аналогии в согдийской торевтике, – были нацелены на идеализацию правителя и носили репрезентативный характер. Несмотря на определенное влияние эллинистических традиций в искусстве Согда наиболее сильны

---

<sup>1</sup> Шедевры Самаркандского музея. Книга-альбом под научной редакцией Хакимова А. – Ташкент, 2004. Илл. 110.

традиции степного и древнего классического Востока. Раннесредневековая пластика представлена как объемной скульптурой, так рельефными изображениями из дерева и ганча, обнаруженными на таких памятниках, как Варахша, Афрасиаб, Куёвкурган и др.

Новые тенденции запечатлены в скульптуре из позднебактрийского дома-усадыбы Куёвкурган близ городища Зар-тепе. Его высокий угловой зал украшали в верхней зоне упавшие затем на пол пластические и живописные изображения. Статуи были пристенными и выполнены в характерной для Бактрии технике глиняной лепки с окраской. В Куёвкурганской скульптуре нет присущей архаике фронтальности: лица здесь переданы в небольшом повороте – отсюда ракурсы и некоторая асимметрия черт. Пластически выразительны и мастерски выполнены глиняные с раскраской скульптурные головки V в. из городища Куёвкурган<sup>1</sup>. Особую отрасль пластики представляют небольшие терракотовые фигурки с изображениями различных божеств, а также рельефы и фигурные навершия на различных бытовых (кувшины, вазы) и культовых изделиях. Крупнейшим центром коропластики того времени становится Самарканд, а главным объектом искусства – мужские статуэтки. Разрабатывается ряд статуарных типов, часть которых связана с культовыми, а часть – с эпическими образами<sup>2</sup>.

К числу оригинальных памятников этого периода относятся оссуарии или астоданы – культовые керамические костехранилища, применяемые в погребальных обрядах огнепоклонников. В Самаркандском музее представлена большая коллекция оссуариев, имеющих различные формы – прямоугольные, овальные<sup>3</sup>. По мнению В.В. Бартольда, это обусловлено тем, что прямоугольные оссуарии были связаны с ритуалами оседлых, городских жителей, жилища которых имели прямоугольную форму. А овальные оссуарии предназначались для ритуалов кочевых племен и отражали форму их переносного жилья – юрты<sup>4</sup>. Они украшались рельефными изображениями на вертикальных стенках. Лишь иногда крышка оссуария оформлялась в

---

<sup>1</sup> Там же. Илл. 122, 123, 127.

<sup>2</sup> Там же. Илл. 126, 128 – 131.

<sup>3</sup> Там же. Илл. 147 – 156.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. К вопросу об оссуариях Туркестанского края // Соч. – М., 1966. Т. IV. – С.160.

виде небольшой фигурки человека. Оссуарии Согда датируются, в основном, V – VII вв. и сцены изображения на них связаны с божествами и персонажами зороастрийской религии<sup>1</sup>. Наиболее распространенной композицией являлась аркада, в проемах которой располагались фигуры<sup>2</sup>.

Все вышеупомянутые классические образцы согдийского искусства представляют его дворцовое искусство. Однако существовало искусство и ремесло более отдаленных от Самарканда ареалов согдийской культуры. В этом отношении интересны работы узбекских археологов в Южном и Центральном Согде, свидетельствующие о новых гранях и особенностях согдийского искусства<sup>3</sup>. В согдийском храме Ер-Кургана найдена крупная терракотовая плита, на которой единой матрицей оттиснуты две мужские головы. По-видимому, это обобщенный образ

---

<sup>1</sup> Здесь приведена краткая историографическая сводка по оссуариям: Иностранцев К.А. К изучению оссуариев // ЗВОРАО. 1908. Т. XVIII. Вып. 1; Веселовский Н.И. О находках глиняных гробов в Самарканде // ЗВОРАО. 1900. Т. XIII; Его же. Греческие изображения на туркестанских оссуариях // ИАК. Вып. 63. 1917; Кастальский Б.Е. Биянайманские оссуарии // ПТКЛА. 1909. №13; Бартольд В.В. Еще раз о самаркандских оссуариях // Соч. – М., 1966. Т. IV; Его же. К вопросу об оссуариях Туркестанского края // Соч. – М., 1966. Т. IV; Григорьев Г.В. Зороастрийское костехранилище в кишлаке Фринкент под г. Самаркандом // ВДИ. 1939. №2; Ставиский Б.Я. Оссуарии из Бия-Наймана // ТГЭ. 1961. Т. V; Пугаченкова Г.А. Иштиханский оссуарий – новый памятник согдийского искусства // Общественные науки в Узбекистане. 1975. №3; Её же. Мианкальские оссуарии – памятники культуры Древнего Согда // Наука и человечество. – М., 1984; Лунина С.Б., Усманова З.И. Уникальный оссуарий из Кашкадарьи // Общественные науки в Узбекистане. 1985. №3; Буряков Ю.Ф., Богомолов Г.И. К семантике изображений на оссуарии из кишлака Чанги // История материальной культуры Узбекистана. 1986. Вып. 20; Крашенинникова Н. Л. Два штампованных оссуария из окрестностей кишлака Сиваз Китабского района // Городская среда и культура Бактрии – Тохаристана и Согда IV в. до н.э. – VIII в. н.э. Тез. докл. сов.-фр. Коллоквиума. Самарканд, 25 – 30 авг. 1986 г. – Ташкент, 1986; Грене Ф. Интерпретация декора оссуариев из Бия-Наймана и Мианкаля // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда (античность, раннее средневековье). – Ташкент, 1987.

<sup>2</sup> Мкртычев Т.К., Наймарк А.И. Происхождение аркадной композиции на штампованных оссуариях Самаркандского Согда // Культура и искусство: ТД. – М., 1987.

<sup>3</sup> Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Комплекс ритуально-культурной керамики IV – V вв. из Южного Согда // ИМКУ. Вып. 13. 1977; Сулейманов Р.Х., Туребеков М. Этапы развития фортификационной системы Еркургана // ИМКУ. Вып. 14. 1978; Сулейманов Р.Х., Нефедов Н.Ю. Предварительные результаты раскопок дворца Еркургана // ИМКУ. Вып. 17. 1982; Сулейманов Р.Х. Храмовый комплекс Еркургана // Городская среда и культура Бактрии – Тохаристана и Согда IV в. до н.э. – VIII в. н.э. Тез. докл. сов.-фр. коллоквиума (Самарканд, 25 – 30 авг. 1986 г.). – Ташкент, 1986; Сулейманов Р.Х. Храмовый комплекс Еркургана. Предварительные результаты изучения // Городская культура Бактрии – Тохаристана. – Ташкент, 1987; Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган (Стратиграфии и периодизации). – Ташкент, 1984; Бердимуратов А.Э., Самибаев М.К. Храм Джартепа. – Ташкент, 1999; Сулейманов Р. Древний Нахшаб. – Ташкент, 2000.



представителей согдийской знати. Лица их с крупными миндалевидного разреза глазами под густыми бровями, с заостренной курчавой бородкой и стрелками усов. Стилистически они близки к хорезмским скульптурам на оссуариях. В том же храме среди упавших и сильно расплющенных фрагментов глиняных статуй обнаружена одна сохранившаяся голова. Лицо это напоминает архаическое скульптуру Месопотамии, но вместе с тем и современные еркурганской голове позднефаюмские портреты<sup>1</sup>.

Искусство Согда отличается от искусства современных ему регионов Средней Азии – Тохаристана, Ферганы, Чача, Хорезма, Маргианы, Семиречья, хотя факты взаимодействия присутствуют. Наиболее близка по стилю тохаристанская школа, хотя в согдийском искусстве почти отсутствует столь распространенная на юге Узбекистана буддийская тематика. Генезис формирования согдийской живописи, возможно, связан именно с северо-восточными и южными направлениями культурных связей Согда, поскольку в раннесредневековом Иране не обнаружено образцов настенной живописи и скульптуры такого масштаба. По существу именно согдийское искусство становится базовой основой для формирования в будущем мусульманского стиля искусства и архитектуры региона – оно сыграло важную роль в формировании иконографии и стиля мусульманского искусства. Из репертуара согдийского искусства перешли в мусульманскую иконографию образы фантастических человекоподобных птиц и крылатых сфинксов, широко распространенных в декоре бронзовых изделий Мавераннахра и Ирана XI – нач. XIII вв.

В согдийском искусстве сформировался мотив тронного восседания или царского пиршества, ставшего одним из популярных в изделиях мусульманского ремесла. Эволюцию этого сюжета мы видим в блюде из Северного Мавераннахра с изображением тюркского правителя с провисшими над ним ветвями дерева вак-вак с головами барсов<sup>2</sup>. Здесь синтезируются на согдийской основе тюркская и общемусульманская сказочно-мифологическая традиции (говорящее дерево вак-вак). Сюжет теряет семантическое значение и становится элементом декоративного украшения изделия. Это же относится и к таким темам, как сцены охоты и звериного гона, также попу-

---

<sup>1</sup> Шедевры Самаркандского музея / Книга-альбом под научной редакцией Хакимова А. – Ташкент, 2004. Илл. 111.

<sup>2</sup> The art Central Asia. G.A.Pugachenkova, A.Khakimov. – L., 1988. Илл.179.

лярные в согдийском искусстве и трансформировавшиеся в мусульманском искусстве в виде декоративных узоров. Согдийская эпическая традиция оказала огромное влияние и на мусульманскую эстетику. Характерны в этом отношении ясно читаемые сюжеты из «Шахнаме», запечатленные в декоре бронзовой шкатулки XI – XIII вв. из Самаркандского музея<sup>1</sup>. Целый ряд изделий свидетельствует о заимствовании мусульманским ремеслом и самих форм изделий. Это относится и к наиболее ярким образцам согдийского металла и керамики – ложчатым чашам и бронзовым кувшинам, несколько модернизированным и широко распространенным в исламском искусстве<sup>2</sup>.

Особое значение имеет согдийская живопись в формировании и развитии на Востоке миниатюрной живописи. Все больше фактов свидетельствующих о том, что ее появление генетически связано с традициями настенной живописи Согда. Последняя находка на городище Афрасиаб (в начале 2000-х годов) настенных росписей караханидского времени, выполненных в стиле, близком миниатюрной живописи, восполняет недостававшее хронологическое звено в построении этой гипотезы.

Несмотря на широкий спектр связей культуры и искусства Согда с сопредельными регионами, известные памятники позволяют выделить как основные три доминирующих направления – северо-восточное (степной, тюркский компоненты и традиция танского Китая), южное (Бактрия – Тохаристан, связанное с эллинистическим и индо-буддийским искусством) и западное (Хорезм и соответственно отражающим преимущественно влияние парфянских и ирано-сасанидских традиций).

Искусство Согда по духу и стилю больше связано с предшествующим античным временем, чем с последующим мусульманским средневековьем, хотя оказало огромное влияние на последующее развитие среднеазиатского и, шире – всего мусульманского искусства. Поэтому с точки зрения эволюции искусства этот период уместно именовать поздней античностью, хотя в советской и постсоветской историографии прочно утвердилось определение V – VIII вв. как раннего средневековья.

---

<sup>1</sup> Шедевры Самаркандского музея. Илл. 251.

<sup>2</sup> The art Central Asia. G.A.Pugachenkova, A.Khakimov. – P.181, 193, 194.

## ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон ҳудуди нафақат Марказий Осиё, балки Қадимги Шарқ дунёсида илк цивилизациялар шакланган масканлардан бири ҳисобланади. Қадимги Хоразм, Бақтрия, Сўғд, Шош ва Фарғона цивилизациялари шулар жумласидан бўлиб, уларга оид кўплаб моддий, маданий ва археологик мерос объектлари тадқиқ этилган. Бу тадқиқотлар натижалари билан жаҳон ҳамжамиятини таништириш шу куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мазкур цивилизациялар асосини урбаник жараёнлар, яъни илк шаҳарсозлик маданияти ва илк давлатчилик уюшмалари шаклланиши ва ривожланиши ташкил этади. Қадимги цивилизациялар шаклланиши ва ривожланиши ҳам ўз-ўзидан рўй берган тарихий жараён бўлмасдан, улар ўзига хос тарихий шарт-шароитларда шакланган ва ўз тарихий илдизларига эга. Шу нуқтаи назардан Зарафшон воҳаси қадимги цивилизацияси келиб чиқиши тарихий илдизлари хусусида кейинги йиллар тадқиқотларида қўлга киритилган бирламчи манбалар, маълумотларни келтирамиз. Айтиш жоизки, бунда, Ватанимизнинг қайси бир сарҳади бўлмасин, то урбаник жараёнларгача бўлган тарихий даврларда (тош, мис-тош, жез) ибтидоий жамоалар маданиятларининг узвийлиги, изчиллиги, анъаналар давомийлиги, аниқроғи, маданият келиб чиқишининг автохтонлиги асосий омиллар ҳисобланади. Шу жиҳатлар археологик манбаларга асослангандагина биз қадимги цивилизацияларимизнинг тарихий илдизлари маҳаллий маданиятлар негизида, бағрида ниш уриб, томир отганлигини айта оламиз.

Ушбу илмий ёндашувда Зарафшон воҳаси нисбатан истиқболли аҳамият касб этди<sup>1</sup>. Воҳа миқёсида бу борада айни кунларда бой фактик материаллар тўпланган. Шу асосда Зарафшон воҳасининг одамзод томонидан ўзлаштирилиши (антропогенез жараёни) масаласи ойдинлашди, воҳанинг тош асри тараққиёти босқичлари барчасига (палеолит, мезолит,

---

<sup>1</sup> Джуракулов М.Д. Зарафшон воҳаси тамаддунининг илк саҳифаларидан. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 34-нашр. – Самарқанд, 2004. – Б.14 – 16.

неолит), шунингдек, мис-тош, жез даврига оид ёдгорликлар аниқланиб, тадқиқ этилди, қўлга киритилган материаллар воҳанинг то урбаник давргача бўлган тарихий тараққиёт босқичларида ибтидоий жамоалар томонидан узлуксиз, автохтон тарзда моддий маданият яратилганини асослаш имконини берди. Шунингдек, ёдгорликлар тадқиқотида илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланганини асословчи материаллар қўлга киритилди.

Қуйида Зарафшон воҳаси қадимги цивилизацияси тарихий илдизларини асословчи тадқиқотларда қўлга киритилган фактик материалларни келтирамиз. Бунда тарихий тараққиёт кетма-кетлиги босқичлари жамоалари моддий маданияти тадқиқоти натижаларига эътибор қаратилган. Маълумки, воҳа палеолит даври жамоалари маданиятининг тадқиқотида Д.Н. Лев, М.Д. Джуракулов, Н.Х. Тошкенбаев, Р.Х. Сулаймонов, Б. Сайфуллаев каби олимларнинг изланишлари муҳим ҳисобланади<sup>1</sup>. Бу тадқиқотлар асосида воҳа одамзод томонидан ўрта палеолит давридан ўзлаштирилгани маълум бўлди. Н.Х. Тошкенбаев, Р.Х. Сулайманов воҳанинг сўнгги палеолит даври жамоалари моддий маданияти келиб чиқиши тарихий илдизларини Қўтирбулоқ ёдгорлиги (айниқса, қирғичлар, ўзаксимон тош буюмлари асосида) билан боғлашган<sup>2</sup>. Б.Қ. Сайфуллаевнинг кўрсатишича, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди миқёсида мустъе даврида бир-бирига қўшни ҳолда тўртта маданий вариант соҳиблари яшашган ва улар моддий маданияти маҳаллий сўнгги палеолит даври жамоалари маданияти шаклланишига асос бўлган<sup>3</sup>. Зарафшон воҳаси мезолит даври жамоалари моддий маданиятини ўрганишда А.В. Виноградов, М.Джуракулов, Н.Холматов томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари муҳим аҳамият касб этди. Сабаби, воҳанинг тош

---

<sup>1</sup> Лев Д.Н. Палеолит Самаркандской области и его специфические особенности // Труды СамГУ. Новая серия. Вып. 166. – Самарканд, 1967; Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. – Ташкент, 1987; Каменный век бассейна Зарафшана. – Самарканд, 1992; Тошкенбаев Н.Х. Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. – Ташкент, 1980; Хужаназаров М., Сайфуллаев Б. Кук-аяз – новый палеолитический памятник в Северо-Восточных Кызылкумах // ИМКУ. №31. – Самарканд, 2001; Сайфуллаев Б.К. Палеолит долины реки Зарафшон и Северо-Восточных Кызылкумов. – Самарканд, 2002.

<sup>2</sup> Тошкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. – Ташкент, 1980. – С.92 – 96.

<sup>3</sup> Сайфуллаев Б.К. Палеолит долины реки Зарафшон и Северо-Восточных Кызылкумов. – Самарканд, 2002. – С.19.

асри жамоалари моддий маданияти тизимида мезолит даври маданий бўғини яқин кунларгача «оқ доғ» бўлиб турарди. Самарқанд сўнгги палеолит ёдгорлигининг моддий маданиятини воҳа неолит даври жамоалари маданияти (Сазоғон маданияти) билан боғлаш муаммоли, баҳсли эди. Кейинги йиллар тадқиқотларида Қуйи Зарафшон воҳаси қадимги Чорбақти ўзани аниқланиб, ундан мезолит даври ёдгорликларининг топилиши, Ўрта Зарафшон воҳасида Сазоғон 1, Замичатош мезолит маконлари тош қуроллари типологик таҳлилига нисбатан янгича ёндашувлар натижалари, янги кашф этилган Қоракамар, Очилғор макони пастки маданий горизонти (мезолит) манбалари воҳанинг мезолит даври жамоалари моддий маданиятини ёритиш имконини берди<sup>1</sup>. Мазкур мезолит даври ёдгорликлари тош индустриясида Самарқанд маконига хос тош қуролларнинг ясалиши техникаси (понасимон қуроллар, тик иш майдонига эга бўлган, ўзаксимон, «тирноқсимон» қирғичлар) кузатилишига таяниб жамоалар маданияти Самарқанд макони соҳиблари маданияти асосида шаклланишини айтиш мумкин.

Жаҳон тарихшунослигида қадимги цивилизациялар шаклланиши тарихий илдишлари «неолит инқилоби» деб номланувчи муҳим социал, ижтимоий воқелик билан боғланади. Бу том маънода ишлаб чиқариш иқтисодиёти демакдир. Шу нуқтаи назардан Зарафшон воҳасида неолит ёдгорликлари тадқиқотларида илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланишини асословчи маълумотларнинг қўлга киритилиши ҳам ўта долзарб ҳисобланади. Воҳа неолит жамоалари маданияти ўрганилиши масаласига келганимизда, Оқтанга макони тадқиқотларини ҳисобга олмасак, Юқори Зарафшон воҳасида неолит даври жамоаларига тегишли ёдгорликлар ўрганилмаган. Қуйи Зарафшон воҳаси ва унинг таркибий қисми бўлган учта қадимий ўзанларида асосан термачилик, овчилик ва балиқчилик билан шуғулланувчи жамоалар яшаган<sup>2</sup>. Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ёнбағрида турмушида эндигина ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланаётган Сазоғон неолит жамоалари маданияти ўрганилган. Кейинги йиллар тадқиқотлари ва қўлга киритилган янги манбалар асосида мазкур жамоалар маданияти шаклланишига Чорбақти, Са-

<sup>1</sup> Холматов Н.У. Мезолит и неолит Нижнего Зарафшана. – Ташкент: Наука, 2007.

<sup>2</sup> Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. – Москва: Наука, 1981. – С.165.

зоғон 1, Қоракамар, Очилғор макони пастки мезолит маданий қатлами соҳиблари маданияти асос бўлгани аниқланди<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилганидек, қадимги цивилизациялар шаклланишида ишлаб чиқариш иқтисодияти ўз мазмун-моҳияти билан муҳим ўрин тутган. Ибтидоий одамзод турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланиши улар яшаб турган жой ландшафти, табиати, иқлимий шароити билан нақадар боғлиқлиги масаласи тадқиқотларда аксини топган. Жумладан, Н.И. Вавилов ўз тадқиқотида тоғлиқ минтақаларнинг субтропик қисмида ёввойи ўсимликларнинг маданийлашишига кўпроқ имконият, шарт-шароитлар бўлганини алоҳида таъкидлайди<sup>2</sup>. Тадқиқотчининг кўрсатишича, шу жойларда ўсган ёввойи бошоқли, донли ўсимликлар, ўз навбатида, сули, арпа, буғдойларнинг гибридлашуви, маданийлашувига воситачи бўлган. Яқин Шарқ, Жануби-Ғарбий Ўрта Осиё (Копетдоғ ёнбағирлари, Жойитун жамоалари), Марказий ва Жанубий Тожикистон ҳудудида (Ҳисор жамоалари) илк деҳқончилик хўжалигига эга бўлган ёдгорликларнинг ўртача баландликдаги тоғлар ёнбағри ёки алоҳида тоғ воҳалар дарёлари, йирик сойларнинг соз тупроқли ён қайирларида жойлашгани Н.И. Вавилов фикрининг тўғрилигини тасдиқлайди. Таниқли археолог олим В.А. Ранов ҳам ўз тадқиқотларида Ҳисор жамоалари ёдгорликларининг жойлашуви ҳолатларининг Яқин Шарқ неолит ёдгорликлари жойлашувига ўхшашлигини алоҳида эътироф этган<sup>3</sup>. Шу нуқтаи назардан Ўрта Зарафшон воҳаси Сазоғон неолит жамоалар маконлари Қоратепа тоғ массиви шимолӣ ёнбағри йирик сойларининг (Оҳалик, Миронқул, Тепақул, Эгриқулча, Сазоғонсой каби) соз тупроқли ён қайирларида жойлашгани фактидан келиб чиқиб бу ҳолат жамоаларнинг дастлабки деҳқончилик юмушлари билан шуғулланишига имкон берганлиги масаласини биз ҳам таъкидлаймиз. Сабаби, яқин йилларгача Зарафшон воҳаси миқёсида дастлабки ўтроқ деҳқончилик маданияти Замонбобо, Саразм ёдгорликлари мисо-

<sup>1</sup> Холматов Н.У. Зарафшон воҳаси тош асри жамоалари моддий маданияти шаклланиши тарихий илдизларига доир баъзи мулоҳазалар (янги манбалар асосида) // ИМКУ. №39. 2015. – Б.37 – 46.

<sup>2</sup> Вавилов Н.И. Центры происхождения мирового земледелия в свете современных исследований // Избр. тр. Т.5. – Москва, 1965.

<sup>3</sup> Ранов В.А. Неолит (Гиссарская культура). История Таджикского народа. Т.1. – Душанбе, 1998. – С.113 – 114.

лида талқин этилар эди<sup>1</sup>. Сазоғон ёдгорликларининг дастлабки тадқиқотларидан эътиборан ишлаб чиқариш иқтисодиёти куртаклари борасида маълумотларнинг қўлга киритилиши бу масалага янги ёндашувни бошлаб берди<sup>2</sup>. Дастлабки маълумотлар кейинги йилларда Сазоғон маданиятининг янги кашф этилган ёдгорликлари (Жангал 1, Тепақул 3, Тепақул 4, Лолаб, Очил ғор маконлари) тадқиқотлари натижасида янада кўпайди. Хусусан, бу маконлар маданий қатламидан илк деҳқончиликдан далолат берувчи қадама қуроллар, ёрғучоқлар, донни эзиш билан боғлиқ бўлган тош буюмлар кўплаб топилди<sup>3</sup>. Уларнинг Юқори Зарафшон воҳасидаги Саразм ёдгорлиги археологик ашёларига ўхшашлиги эса Саразм маданияти шаклланишида Сазоғон неолит маданиятининг таъсири борлиги ҳақида фикр юритиш имконини беради<sup>4</sup>. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Саразм маданияти, хусусан, Зарафшон воҳаси энеолит ва жез даври ўтроқ деҳқончилик билан боғлиқ жамоаларининг маданияти туб жойли бўлиб, маҳаллий маданиятлар негизида шаклланишини айтиш мумкин. Тўғри, бунда инновация, диффузия, миграция жараёнидаги маданий таъсирни ҳам инкор этмаймиз.

Шунингдек, Зарафшон воҳасида неолит жамоалари турмушида илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти бўлганлиги масаласини Учтут чақмоқтош устохонасида касбий ихтисослашиш бўлган-

---

<sup>1</sup> Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966; Исаков А. Саразм. – Москва: Наука, 1991.

<sup>2</sup> Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1991. – С.102 – 110.

<sup>3</sup> Холматов Н.У. Ўрта Зарафшон неолит даври моддий маданиятининг баъзи хусусиятлари (Тепақул 4 макони асосида) // СамДУ ахборотномаси. 2004. №4. – Б.31 – 34; Қоратепа тош даври жамоалари моддий маданияти (Ўрта Зарафшон воҳаси) // ИМКУ. 2006. №35. – Б.24 – 39; Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана... – С.70 – 79; Джуракулов М.Д., Холматов Н.У., Амиркулов Б.А. Итоги археологического изучения стоянки Джангал I // Вопросы археологии, древней истории и этнографии. Труды СамГУ. – Самарканд, 1991. – С.4 – 12; Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Тепақул 3 неолит манзилгоҳи ўрганилиши натижалари // Тарих фанининг долзарб муаммолари. – Самарқанд: СамДУ. 1997; Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Тепақул 4 неолит манзилгоҳи (Ўрта Зарафшон воҳаси) // Тарих ва истиқлол. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд, 2000. – Б.4 – 14; Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Самарқанд давлат университети тадқиқотларидан // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар-2003. – Тошкент, 2004. – Б.31 – 34.

<sup>4</sup> Джуракулов М.Д. Зарафшон воҳаси тамаддунининг илк саҳифаларидан // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 34-нашр. – Самарқанд, 2004. – Б.15 – 16; Холматов Н.У. Ўрта Зарафшон неолит даври моддий маданиятининг баъзи хусусиятлари (Тепақул 4 макони асосида) // СамДУ ахборотномаси. 2004. №4. – Б.31 – 34.

лиги факти билан ҳам бойитиш мумкин. Бу инновацион фаолият билан жамоанинг маълум бир иқтидорли кишилари шуғулланишган, шу касбнинг сир-асрорини мукамал ўзлаштиришган ва келажак авлодга касб нуқтаи назаридан етказишган, бу ижтимоий меҳнат тақсимооти шаклланишида муайян рол ўйнаган. Воҳада неолит даври жамоалари турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиёти бўлганлиги масаласини ойдинлаштиришда Қўйи Зарафшон воҳасида жойлашган Оёқағитма неолит маконидан Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедицияси ходимлари томонидан (Ф. Брунет, М. Хўжаназаров) хонакилаштирилган ҳайвон суяқларининг топилиши ҳам аҳмиятли ҳисобланади<sup>1</sup>. Келтирилган маълумотлар Зарафшон ҳавзасида неолит даврида дастлабки ишлаб чиқариш иқтисодиёти шакллана борганлигини илмий асослайди.

Зарафшон воҳасида Саразм, Замонбобо, Мўминобод, Чакка, Жом, Тўқайли, Афросиёб, Кўктепа каби ёдгорликлар асосида энеолит, жез ва илк темир даври ўтроқ деҳқон жамоаларининг моддий маданияти яхши ўрганилган<sup>2</sup>. Бу моддий маданиятда олдинги тарихий давр жамоалари маданиятининг ворисийлик асосидаги тадрижий давоми кузатилади. Маълумки, металнинг кашф этилиши кишилиқ жамиятининг ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётида муҳим социал, иқтисодий ўзгаришларга олиб келган. Яъни ўтроқ суғорма деҳқончилик ривож топган, цивилизациянинг асосларидан бўлган урбаник, шаҳарлашиш жараёни ривожланиб кетган, мулкый табақаланиш, дастлабки давлат бошқаруви кўринишлари юзага кела бошлаган ва бу социал воқеликлар, сўзсиз, Зарафшон воҳаси қадимги цивилизацияси шаклланиши ва ривожланиши жараёнига ҳам дахлдор омиллар ҳисобланади, аниқроғи, археологик маълумотларда тасдиғини топган.

Хуллас, Зарафшон дарёси ўзани бўйлаб суғорма деҳқончиликка асосланган маданий воҳа замирида юқорида келтирил-

---

<sup>1</sup> Хужаназаров М., Брунет Ф., Шимчак К. Археологические исследования Узбекско-Французской экспедиции на памятниках Кызылкумов. Археологические исследования в Узбекистане 2004 – 2005 годы. – Ташкент, 2006. – С.244 – 250; Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедицияси илмий ҳисоботи. 2008, 2009 й.

<sup>2</sup> Асаров А.А. К передатировке культуры Заман-баба // Культура и искусство Древнего Хорезма. – Москва, 1981; Исхаков А. Саразм. – Душанбе, 1991; Аванесова Н.А., Шайдуллаев Ш.Б., Ёркулов А. К вопросу о культурной принадлежности джамских древностей эпохи палеометалла // Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. – Самарканд-Бишкек, 2005.



ган омиллар асосида қадимги цивилизация шаклланган ва тараққий топган. Бу цивилизациянинг тарихий илдиши автохтон бўлган, яъни у олдинги тарихий даврларда шаклланган маданиятлар бағрида томир отган. Бу тарихий илдининг мазмуни, шубҳасиз, воҳа миқёсида ибтидоий давр жамоалари маданиятининг (ўрта палеолит давридан то урбаник жараёнгача) узвийлиги, автохтонлиги, жамоалар турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиётининг мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумот берувчи археологик манбалар изоҳлайди.

*А. Атаходжаев*

## **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИ РИВОЖИДА СУҒДИЙ ТИЛ ВА ЁЗУВИНИНГ РОЛИ**

Марказий Осиё халқлари тарихининг илк ўрта асрлар даври (V – VIII аср биринчи ярми)да Суғд ва суғдликлар (суғдча ва туркча сўзлашувчи қавмлар уюшмаси)нинг минтақа сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрни ўзига хос аҳамият касб этган<sup>1</sup>. Шу даврда суғдий тил ва ёзув халқаро мақом даражасига кўтарилиб, минтақадаги давлатчиликнинг тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатган.

Хусусан, антик ва илк ўрта асрларда суғдийларнинг минтақага таъсири Хитой тарихчиси Бян Цзининг: «Суёб шаҳридан Цзешуанна (Суғднинг дастлабки пойтахти – Кеш)гача бўлган мамлакат Сули (суғдий) деб номланган»<sup>2</sup>, – дейишида ҳам ўз аксини топади. Қолаверса, «Сўнгги Хан сулоласи (25 – 220) тарихида» ва Вэй сулоласи (220 – 265) солномаси – «Вэй шу»да айтилишича, Канго / Канг-куэк – Самарқанд давлати ёки Суйиго – Суғд давлатига тўрт юздан ортиқ шаҳар (мулк)лар, жумладан, Ми, Ши, Цао, Хэ, Кичик Ан, Нашебо, Унахэ ва Му кабилар

---

<sup>1</sup> Отахўжаев А. Суғд ва суғдликлар (тарихий, географик ва этник номлашга оид айрим мулоҳазалар) // O'zbekiston tarixi. 2006. №1. – Б.3 – 10.

<sup>2</sup> Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши // Мозийдан садо. 2002. №2 (14). – Б.43; Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы: Дайк-пресс, 2002. – Б.164; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследования. – Новосибирск, 1989. – Б.304.

бўйсуниб, уларни неча аср давомида чжаову хонадони вакиллари бошқарган. Фақатгина Турк хоқонлиги даври – VII асрдан сўнг, «Суй шу»га кўра, Кан (Самарқанд) ҳукмдорлари чжаовулар ўрнини туркий «ўн ўқ» сулоласи вакиллари эгаллаган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, милодий III – IV асрлардан ерга мулкий муносабат ўзгариб, зодагон – хвабу ( $\gamma\omega\beta\omega$ )лар, эркин деҳқон – азат ( $'z't (k'r)$ )лар, деҳқон жамоаси – кашоварз ( $k\acute{s}w'rz$ )лар, мулкий қарам – кадивар ( $k'\delta w'r$ )лар шаклланган. Зардуштий қоҳинлари ва ибодатхоналарининг «вағнзе» ( $\beta\gamma n z'y h$ ) мулклари таркиб топган. Бу тоифа бошқарув тизими мустаҳкамлаган<sup>2</sup>.

Айни пайтда, Суғд ҳукмдорлари – ихшид ( $x\acute{s}a u d i y a$ )лар ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги муносабатлар Оқсоқоллар Кенгаши томонидан тартибга солинган. Ихшидлар бу Кенгаш олдида ҳисобот берувчи чекланган ҳокимиятга эга бўлган. Шунингдек, ҳар бир мулкнинг ўз ҳарбийлари – чокарлари бўлиб, улар тан қўриқчи, аскар, карвон соқчилари вазифасини бажаришган<sup>3</sup>. Умуман, бу давр давлатчилигида расмий ҳужжатларни юритиш анъаналари аҳамонийлар давридан сақланган меъёрлар замирига қурилган.

VII асрдаги Ғарбий Турк хоқони Тўн ябғу (618 – 630) ислоҳотлари Суғд маъмурий бошқарувини такомиллаштирган бўлсада, унинг айрим жиҳатлари рузие (юэчжи), хионий, кидарий ва эфталийлар давридан маълум бўлган.

Аҳамонийлар даври (мил. авв. VI – V аср)да кириб келиб, антик давр (мил. авв. IV – мил. IV аср)да такомиллашган оромий ёзуви асосидаги суғдий ёзув минтақада яшаган кўплаб қавмлар учун расмийлик мақомига эга бўлган. Чунки Буюк ипак йўли доирасида суғдий тил минтақага кенг тарқалиб, илк ўрта асрларда халқаро мулоқот тили – *lingua franca* мақомини олган. Уст-рушона, Чоч, қисман Фарғона, Еттисув ва Шарқий Туркистонда амал қилиб, Биринчи Турк хоқонлиги (552 – 603), Ғарбий Турк хоқонлиги (603 – 742) ва Тургаш хоқонлигида (699 – 766) туркий

<sup>1</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – Москва: Наука, 1970. – С.27; Бабаяр Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида туган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент-Самарқанд, 2007. – Б.216 – 221.

<sup>2</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б.354 – 357.

<sup>3</sup> Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010. – Б.64 – 72.

тил билан бир қаторда давлатнинг расмий тили даражасига эришган. Суғдий ёзув эса қадимги турк, уйғур, мўғул, манчжур, ҳатто корейс ёзувлари тизимини вужудга келтирган<sup>1</sup>. Бу нафақат минтақавий, балки қитъа миқёсидаги маданий ва интеграцион жараёнларга<sup>2</sup>, турли тилли этнослар манфаатларига хизмат қилган.

Сиёсий маънода минтақавий яқдиллик Шарқда Хитой, Ғарбда Эрон манфаатларига қарши тура оладиган Суғд, Уструшона, Чоч, Фарғонадан иборат «савдо иттифоқи»ни вужудга келтирган<sup>3</sup>. Ҳатто Хитой маъмурлари муросага бориб Гансудаги Хеси коридорини «уруш ва ҳарбий ҳаракатлардан ҳоли зона» деб эълон қилган<sup>4</sup>. Натижада Турк хоқонлиги даврида суғдликлар хоқонларининг иттифоқчисига айланди<sup>5</sup>.

Чочдан Гансугача тармоқланган манзилгоҳлар тизими – кент (к'пб)ларда турли маданиятларнинг интеграцияси ва синтези рўй берган<sup>6</sup>. Айниқса, суғдликлар ва турклар ўртасидаги қалин муносабатлар минтақа ривожининг умумий тенденциясини белгилаб берган<sup>7</sup>.

Суғдликлар минтақада нафақат сиёсий, иқтисодий ёки маданий етакчига айланган, балки тили ва ёзуви билан «ягона макон»даги маънавий муҳитни ҳам барқарорлаштирган. Жумладан, ўтроқ ва кўчманчи маданиятлар «контакт макони» Суғд ва Чоч таъсиридаги уструшоналиклар<sup>8\*</sup> ҳам савдода, ҳам маънавиятда суғдликларга эргашган. «Тан-шу»га кўра, 618 – 627 йилларда Су-дуй-ша-на (Уструшона) ҳукмдорлари Бухоро ва Самарқанд билан бирга Хитойга ўз элчилиги ва савдо карвонла-

---

<sup>1</sup> Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык // Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. – Москва: Наука, 1981. – С.347 – 514.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005. – С.196, 233.

<sup>3</sup> Ртвеладзе Э.В. Самарканд на Великом шелковом пути // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида туган ўрни. – Тошкент-Самарқанд, 2007. – Б.109.

<sup>4</sup> Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007. – Б.66 – 70.

<sup>5</sup> Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Б.39.

<sup>6</sup> Отахўжаев А. Суғд-турк карвон йўллари – сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник муштараклик // Великий шелковый путь. Культура и традиция. Прошлое и настоящее. Материалы научно-теоретической конференции. – Ташкент, 2006. – Б.145 – 150.

<sup>7</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии // Тюркологический сборник. 1972. – Москва: Наука, 1973. – Б.258.

<sup>8\*</sup> Ҳозирги Сирдарё вилояти, Жиззах вилоятларининг бир қисми ва Тожикистоннинг Суғд вилояти шимоли-ғарбий қисмини қамраб олган тарихий-маданий вилоят.

рини юборган<sup>1</sup>. Гарчи Сюань Цзан (VII аср) сутулисен (ушрушо-на)ликларнинг урф-одатлари чочликларга ўхшаш деса-да, уларнинг тили суғдий тил негизида шакланганини В.А. Лившиц Чилхужрадан топилган суғдий ёзувли ёғоч тахтачадаги битик орқали исботлашга ҳаракат қилган<sup>2</sup>. Бу эса Ушрушона давлатчилигида суғдий тил ва ёзув амал қилганини тасдиқлайди.

Тарихан суғдликлар Чочга мил. авв. VI – IV асрлардан то VIII – IX асрларга қадар кириб келиб, Чочнинг шаҳарлари, тоғли ва тоғолди ҳудудларига ўрнашган<sup>3</sup>. Ўзаро муносабатлар шу даражада яқин бўлганки, бу икки юрт савдогарлари хориждаги манзилгоҳларда ҳам бир жамоа бўлиб яшашган<sup>4</sup>. Қолаверса, алоқаларни Афросиёб деворидаги Самарқандга ихшид Вархуман (Авархуман) (650/655 – 675) ҳузурига келган Чоч элчиси ҳақида маълумот ҳам исботлайди<sup>5</sup>. Ўз навбатида, Чочда суғдчадан ташқари маҳаллий ҳайтал (эфталиий) ва турк тиллари ҳам амал қилган. Қанча шаҳри харобасидан топилган сопол идишдаги турк руний битикдаги ва II аср – III аср биринчи ярмига оид Култепа харобасидан топилган ғишт юзасида Чоч – с<sup>1</sup>с<sup>6</sup> атамаларининг икки хил ёзувда қайд этилиши шундан далолат беради.

Суғдий тил ва ёзув Фарғона водийсида ҳам ўз изини қолдирган. Ҳатто хитой манбалари Даван (Полона (мил. авв. V), Бохань (VI – VII) ёки Ниньюань (VII – VIII))ни ҳудудий жиҳатдан Суғднинг бир қисми деб тушунган<sup>7</sup>. Буни Э. Пуллейблэнк икки ҳудуд

---

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Том. II. – М.-Л.: АН СССР, 1950. – С.138; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – С.83.

<sup>2</sup> Согдийские документы с горы Муг. Вып. II: Юридические документы и письма / Чтен., пер. и коммент. В.А. Лившица. – Москва: ИВЛ, 1962. – С.71 – 74 (бундан кейин: СДГМ II).

<sup>3</sup> Буряков Ю.Ф. Археологические материалы к этнической истории бассейна средней Сырдарьи в древности и средневековье // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1986. – С.50 – 51.

<sup>4</sup> Кызласов Л.Р. Городская цивилизация Срединной и Северной Азии. – Москва: Восточная литература, 2006. – С.340.

<sup>5</sup> Альбаум Л.И. Новые росписи Афрасиаба // Страны и народы Востока. Вып. X. – Москва: Наука, 1971. – С.88 – 89.

<sup>6</sup> Буряков Ю. Ф. К истории раннесредневекового Чача // O'zbekiston tarixi. 2002. №3. – Б.11; Sims Williams N., Grenet F. The Sogdian Inscriptions of Kultoba // Shygys. 2006. №1. – P.95 – 111; Исхаков М.М., Камолиддин Ш.С., Бабаяров Г.Б. Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача (III – VIII вв.) // Серия рабочие документы ИФЕАК. Вып. 26. – Ташкент, 2007. – Б.7 – 26.

<sup>7</sup> Pulleyblank E.G. Chines and Indoeuropean // Journal of Royal Asiatic of Great Britain and Irland. – London, 1966. – P.25 – 30; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б.137.

аҳолисининг тили, антропологияси, урф-одати ва эътиқодидаги яқинлик<sup>1</sup> билан изоҳлаган. Қолаверса, А.Н. Бернштам Сюань Цзан ва Хой Чаога суяниб «/Фей-хан мамлакати аҳолиси/ тили бошқа мамлакатларникидан фарқли» эди деб изоҳлайди<sup>2</sup>. В.А. Лившиц ҳам Фарғонада шарқий эроний тиллар гуруҳга мансуб маҳаллий тил ҳамда суғдий, хоразмий ва парфиён ёзувларидан фарқли «махсус ёзув»<sup>3</sup> бўлганини таъкидлаб ўтган. Айни пайтда, Ю.А. Заднепровскийнинг Исфарадан топган сополдаги турк-рун ёзуви намунаси ва С.Г. Кляшторний ўқиган узукдаги руник ёзувли «уnаnч» сўзи, Қува ва Лўмбитепа ёдгорликлари VI – VIII асрларда Фарғонада баъзи жиҳатлари билан илк суғд ёзуви-га ўхшаш руник ёзуви бўлганини тасдиқлайди<sup>4</sup>.

Фарғона ва Суғд иттифоқи Муғ архивининг А-14 ҳужжатида акс этган. Панч вилояти ҳокими Деваштич ўз элчиси Фатуфарн-ни бежизга «Фарғона подшосига мўлжалланган мактубни Фарғона тутуғи орқали Фарғона ҳукмдори (βγυ'нк MLK')»<sup>5</sup> – ихшидга топшириш учун юбормаган. Бу алоқалар XIX аср муаррихи Ибратнинг: «...Косонда Муғний кўрғони ва ўрдаси деб машхурдир... Ихшид деб зикр қиладурғон Суғд подшолари ҳам бул ерда ҳукмронлик қилган»<sup>6</sup>, – деб ёзганида ўз ифодасини топган.

Суғд ва Тохаристон мулки – Чағониён муносабатлари элчилик даражасига кўтарилгани VII аср 2-ярмига оид Афросиёб деворий тасвирларида «Суғд ихшиди Вархуман (Авархуман) хузурига Чағониённинг турк ҳукмдори Турантош номидан сарой дапирпати – мирзоси Букарзатнинг ташрифи»<sup>7</sup> орқали акс эттирилган. Мазкур элчи эғнидаги чопон этагида 16 қатор суғдий тилда элчилик номаси битилиб, унга кўра, Букарзат «Ва \сен\

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах... Том II. – С.161 – 162.

<sup>2</sup> Бернштам А.Н. Древняя Фергана (научно-популярный очерк). – Ташкент: АН УзССР, 1951. – С.16 – 17; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи... – Б.356.

<sup>3</sup> Лившиц В.А. Письменность древней Ферганы // Народы Азии и Африки. 1968. №6. – С.229; СДГМ II. 51. – С.84 – 85.

<sup>4</sup> Бернштам А.Н. Древнетюркские рунические надписи из Ферганы // Эпиграфика Востока. Вып. IX. 1956. – С.54 – 58; Литвинский Б.А. Проблемы этнической истории древней и раннесредневековой Ферганы // История и культура народов Средней Азии (древность и средние века). – Москва: Наука, 1976. – С.56 – 57; Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.16 – 44, 55.

<sup>5</sup> Исҳоқов М.М. Суғдийна тарих чорраҳасида. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.25.

<sup>6</sup> Ибрат Исҳоқхон Жунайдуллоҳхўжа ўғли. Фарғона тарихи. Мерос туркуми. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.277.

<sup>7</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Фан, 1975. – С.55; Ўша муаллиф. Росписи Афрасиаба. Иллюстрации. – Ташкент: Фан, 1976. Табл. X. Западная стена. Деталь 1.

(Вархуман) менга нисбатан ҳеч қандай шубҳага бормагин – Самарқанд (Суғд) худолари ҳақида ҳамда \суғд\ ёзуви ҳақида менинг яхши хабарим бор» каби фикрларни билдирган<sup>1</sup>. Бу сатрлар расмий ҳужжатчилик анъанасининг бир намунаси, муншаот жанрининг ўзига хос кўриниши саналади. Элчининг «суғдий ёзувдан бохабарлиги» суғдча тилнинг минтақавий ва халқаро мақомини яна бир карра исботлайди. Чағониён эса Суғд орқали Хитой билан боғланган. Жумладан, 660 йилда Чағониёндан қизил ва зумрад рангли шиша буюмлар Хитойга юборилган<sup>2</sup>. Қолаверса, Суғд карвонлари Тохаристон орқали Ҳиндистонга чиққан<sup>3</sup>. Хусусан, Германия – Покистон экспедицияси Шатиал ва Чилос йўлидан топган мил. авв. I аср ва мил. VI – VII асрларга оид бир ярим мингдан ортиқ 17 тилда битилган ёдгорликдан 250 таси суғдча эканлиги<sup>4</sup> суғдча тил тарқалган ҳудуд кўламини кенгайтиради.

**Суғдий тил ва ёзув Еттисувдаги**<sup>5\*</sup> савдо, ҳунармандчилик манзилгоҳлари: Ҳамукат (Жамукент), Шалжикат, Жувикат, Навикат, Нузкат каби ўнлаб шаҳар ва қўрғонлардаги турли тилли аҳолининг мулоқот тилига айланган<sup>6</sup>. Кейинчалик эса суғдийларнинг ўзлари туркийлашган. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий «Боласоғундаги суғдаклар Бухоро ва Самарқанд орасидаги Суғддан бўлиб, улар туркларнинг кийим ва одатларини қабул қилган»лиги ҳақида ёзган<sup>7</sup>. Қолаверса, Еттисувдаги туркий давлатларда туркча билан бирга суғдча маъмурий бошқарув ва ҳужжатчилик тилига айланган. Жумладан, Ғарбий Турк (603 – 745) ва Туркаш хоқонлари (699 – 766) суғдча тилдан ва ёзувдан фойдаланиб, тангалар зарб қилинган<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах... Том II. – С.321.

<sup>2</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С.153.

<sup>3</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Б.134.

<sup>4</sup> Буряков Ю.Ф. К вопросу о связях Согда и Индии в древности и раннем средневековье // Индия и Центральная Азия (доисламский период). – Ташкент, 2000. – С.161 – 162.

<sup>5\*</sup> Еттисув – Ҳозирги Қозоғистоннинг жануби-шарқий қисми. Шимолда Балхаш кўли, шимоли-шарқда Жунғор Олатови, жанубда Тангритоғ (Тяньшан) тоғлари орасидаги тарихий маданий ҳудуд. Еттисув номи Балхаш кўлига қуядиган Или, Қоратол, Оқсу, Биён, Лепса, Баскан ва Сарқанд каби еттита дарё ва сойлар умумлашмасидан келиб чиққан.

<sup>6</sup> Кляшторный С.Г. Согдийцы в Центральной Азии (по руническим текстам) // Эпиграфика Востока. Вып. XIV. 1961. – С.29 – 31.

<sup>7</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталибов. 1-жилд. – Тошкент: Ўз ФАН, 1960. – Б.65; Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк (Туркий сўзлар девони). – Тошкент: Фафур Фулом, 2017. – Б.187.

<sup>8</sup> Смирнова О.И. О классификации и легендах тюркешских монет // Ученые записки Института востоковедения Академии наук СССР. Вып. XVI. 1958. – С.531.

Савдо йўллари орқали мил. авв. III асрдан<sup>1</sup> суғдийлар Шарқий Туркистон воҳалари ва Хитойнинг ичкарасига кириб бо-ришган. II – IV асрларга оид «Кўҳна хатлар», яъни муҳожир суғдийларнинг 313 (314) йилларда ёзилиб, Самарқандга етиб келмаган мактубларининг биринчиси Минайнинг онаси Чатисга номаси, иккинчиси Нанай Канакнинг Варзакка номаси, учинчиси Нанайдотга Шайон исмли қизнинг номаси ва бешинчиси савдогар Аспандотнинг Фрихватавга ёзилган хатлари бўлган<sup>2</sup>. Яна бир 639 йилга оид мактубда Турфондаги Чинончканд бозорида самарқандлик савдогар Вахшубирт Тўдак ўғли хитойлик роҳиб Йон-Сийон Ута ўғлига Упачаҳ исмли чўрини сотгани ва Упачаҳнинг ватани Туркистон экани таъкидланган<sup>3</sup>.

Тахминан 581–587 йилларда Биринчи Турк хоқонлиги ҳукмдорларидан бири Махан тегин шарафига ўрнатилган эпиграфик манба – «Буғут ёдгорлиги» хоқонликдаги суғдийлар ўрнини, суғдий тил ва ёзувнинг туркий давлатчиликдаги аҳамиятини тасдиқлайди. Унда 30–32 қаторли ёзувдан ташқари ҳукмдорлар мақбараларига хос лавҳа остида тошбақа ҳайкали ўрнатилган. Бу ёзув кейинги давр туркий ва уйғур хоқонлари шарафига ўрнатилган қабртош ёзувлардан ҳам фарқланган<sup>4</sup>.

Қолаверса, Гансу, Ордос<sup>5</sup> ва Хами вилоятларининг нозирлари суғдликлар бўлган. Самарқандлик Кан Су-ми Ордоснинг Бэй-ан округи губернатори (духуфуси), 630 йилда «улуғ сардор» бухоролик Ан Ту-хан 5 минг суғдликни Шимолий Хитойга жойлаш-

---

<sup>1</sup> Чугуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана // Страны и народы Востока. Вып. X. – Москва: Наука, 1971. – С.147.

<sup>2</sup> Harmatta J. Sogdian Sources for the history of Preislamic Central Asia // *Probegomena to the History of Preislamic Central Asia*. – Budapest, 1972. – P.152 – 165; Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы: Дайк-пресс, 2002. – С.158; Vaissière de la É. *Histoire des marchands sogdiens*. Vol. XXXII. – Paris: Collège de France, 2004. – P.43 – 67; Sims Williams N. *The Sogdian Ancient Letters: 1, 2, 3 and 5*. *Shol of Oriental and African Studies University of London*. <http://depts.washington.edu/silkroad/texts.html>; Grenet F., Sims-Williams N. *The Historical Context of the Sogdian Ancient Letters. Transition Periods in Iranian History*. *Actes du Symposium de Fribourg-en-Brisgau, Studia Iranica*. Vol. 5. – Cahier – Leuvan, 1987. – P.101 – 122.

<sup>3</sup> Исҳоқов М. Номи азал Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993 йил 20 май.

<sup>4</sup> «Буғут ёдгорлиги» 1956 йилда мўғул археологи Ц. Доржсурэн томонидан топилган. Қаранг: Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // Страны и народы Востока. Вып. X. – Москва: Наука, 1971. – С.121 – 146; Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари... – Б.29 – 35, 49.

<sup>5</sup> Vaissière de la É. *Histoire des marchands sogdiens*... – P.112 – 125.

тириб, Вэйчжоу округига ҳоким бўлган<sup>1</sup>. VII асрнинг 2-ярмида самарқандлик Кан Ян-тян гуруҳи Лоб Нор кўли атрофида учта қишлоқ бунёд этди<sup>2</sup>. Бунинг натижасида мазкур ҳудудда суғдий тил ва ёзувнинг қўлланиш кўлами ортган. Бундан ташқари, Култегин битигининг 24 қаторидаги *sekiz jegirmi jashima alti chub \sogdaq\...* тара *suladim* – «ўн саккизинчи йилда мен олти суғд ўлкасига юрдим»<sup>3</sup> деган сатрлар суғдликларга қарашли «олти вилоят» ҳақида маълумот беради.

Хитой тарихчилари (Ванг Чжэнгъя, Гуан Лянжи, Ли Минвэй, Чэн Айчжу, Жин Юэ): «Хитой ва Ғарб ўртасидаги алоқаларда ... суғдийлар мил. авв. V асрдан то мил. X асргача, тахминан бир ярим минг йил давомида Ипак йўли орқали олиб борилган алоқаларнинг ривожланишига беқиёс ҳисса қўшганлар»<sup>4</sup>, – деб фикр билдирганлар.

Хитой пойтахтларидан бири Чанъандаги бир миллион аҳолининг 50 мингтаси суғдийда сўзлашувчи «чжаоу жю шин ху» – «тўққиз ўлка хулари» бўлган<sup>5</sup>. Суғдийлар Хэси ҳудуди, Турфон ва Дунгхуан – Друанда ҳам салмоқли ўрин тутган. Буни Дунгхуандан топилган суғд тилли хужжатлар тасдиқлайди<sup>6</sup>. Уларда суғдийларнинг аҳоли манзиллари кўрсатиб ўтилган.

**Буддавий матнларни, сутраларни**<sup>7\*</sup> Таспар хоқон ва буддавий жамоа учун суғдийлар туркий тилга таржима қилишда уйғурлар билан бирга иштирок этган. VIII–XI асрларда Шарқий Туркистоннинг суғдий манзилгоҳларда суғд-буддавий фалсафий-ахлоқий асарлари таржимаси пайдо бўлган<sup>8</sup>. Ҳатто суғдий «Важрачхидика» – «*Vajracchidika*» матнини Қутлуғ – *Qutlug*

<sup>1</sup> Камалов А. Китайские источники по истории кочевых уйгуров // Исследования по уйгуроведению. – Алматы, 2002. – С.109 – 126.

<sup>2</sup> Pulleyblank E.G. A Sogdian colony in Inner Mongolia // *T'ong Pao*. 1952. Vol. 41. – P.317 – 354.

<sup>3</sup> Древнетюркский словарь / Под ред. В.М. Наделяева, Д.М. Насилова, Э.Р. Тенишева, А.М. Щербака. – Ленинград: Наука, 1969. – С.39.

<sup>4</sup> Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши... – Б.41 – 43.

<sup>5</sup> Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар... – Б.216.

<sup>6</sup> Кызласов Л.Р. Культурные взаимосвязи тюрков и иранцев в VI – XIII вв. (язык, письменность, религия) // Этнографический обзор. – Москва, 2004. №6. – Б.3 – 4.

<sup>7</sup> \* Сутра (санскр. *sutra*) – Будда сўзларининг узвийлик, фикрлар тизимидан иборат матни.

<sup>8</sup> Gabain A. von. *Buddhistische Turkenmission* // *Asratika Festschrift F. Weller*. – Leipzig, 1954. – P.196; Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык... – P.354 – 358.



исмли турк котиби кўчирган<sup>1</sup>. Бунда жамиятдаги билингвизм анъаналари муҳим ўрин тутган.

VII–VIII асрларда Шарқий Туркистон ва Хитойдаги суғдий ва туркий христиан (несториан оқими) жамоаларининг диний адабиётлари сурёний ёзувида суғд тилига кўчирилган. Хусусан, Турфон воҳаси ва Булойиқдан топилган диний матн намуналари VI (576 йил) – X асрларга оид бўлиб, улар суғдийларнинг жонли мулоқот тилида ёзилган<sup>2</sup>.

Илк ўрта асрлар минтақа маънавиятида ўз ўрнига эга Моний таълимотининг суғдий ва туркий қўлёзмалари катта ўрин тутган. VII асрда шарқий монийлик черковининг расмий тили суғдий тил бўлиб, барча каноник асарлар шу тилга таржима қилиниб, Моний яратган алифбода кўчирилган. Улар орасида 825 – 832 йилларга оид «Mahrnama» («Қуёшнома»), «Nafname» («Халқнома») ва суғдий асосдаги уйғур ёзуви тавбаномаси – «Хуастуанифт» асарлари ўзига хос ёдгорликлар ҳисобланади<sup>3</sup>.

Турк хоқонлигининг Византия билан муносабатида 568 йилда хоқон элчилиги «рахбари» Маниахнинг катта ўрни бор. У «Кавказ ипак йўли» орқали Византия пойтахти Константинополга бориб, хоқон элчиси сифатида базилевс Юстиниан II (565–578)га Истами ябғунинг «скиф» хатидаги мактубини топширган. Л.Р. Кизласов фикрича, «скиф хати» илк ўрта асрлардан то XIII асргача минтақадаги туркий давлатларда қўлланилган суғдча тил ва ёзувдаги нома бўлган<sup>4</sup>. Бу эса суғдий тил ва ёзуви мақомини яна бир қарра исботлайди.

---

<sup>1</sup> Müller F.W.K. Soghdische Texte I // Abhandlungen der Preussischen Akademie der Wissenschaften. – Berlin, 1913. – P.32 – 106.

<sup>2</sup> Пигулевская Н.В. Сирийские и сиро-тюркские фрагменты из Харо-Хото и Турфана // Советское Востоковедение. 1940. №1. – С.213 – 234; Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика // Источниковедение Кыргызстана (с древности до XIX в.). – Бишкек: Илим, 2004. – С.132.

<sup>3</sup> Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. О древней согдийской письменности Бухары // Вестник древней истории. 1954. №1. – С.154; Дмитриева Л.В. Хуастуанифт. Введение, текст, перевод // Тюркологические исследования. – М.-Л., 1963. – С.214 – 232; Содиқов Қ. Туркий матнавислик тарихидан // Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Тошкент: Ёзувчи, 2000. – Б.135 – 139.

<sup>4</sup> Пигулевская Н.В. Византия по пути в Индию. Из истории торговли Византии с Востоком в IV – VI вв. – М.-Л., 1951. – С.203 – 215; Harmatta J. Byzantinoturcica // Madyar tudományok Akademia. Acta antiquae Academiae scientiarum Hungaricae. T. 10. – Budapest, 1962. – P.131 – 150; Иерусалимская А.А. К вопросу о связях Согды с Византией и Египтом // Народы Азии и Африки. – Москва: Наука, 1967. №3. – С.118 – 126; Кизласов Л.Р. Культурные взаимосвязи тюрков и иранцев в VI – XIII вв... – С.3 – 13.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё ва унга туташ мамлакатлар тарихида суғдликлар, уларнинг тили ва ёзуви илк ўрта асрлар учун халқаро мақом даражасига кўтарилди. Бу тилда расмий ҳужжатлар юритилиб, тангаларга рисолалар битилди. Бу тил турли этносларнинг мулоқот тили сифатида ўз даврининг халқаро тилига айланди. Суғдча ёзув эса минтақадаги кўплаб халқларда ёзув маданиятининг шаклланишига замин яратди.

*Д. Абдураимов*

### **ЎРТА АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ИЧКИ САВДО ЙЎЛЛАРИ (Самарқанд, Жиззах, Чоч)**

Тарихдан маълумки, ўрта асрларда Буюк Ипак йўли ўзининг гуллаб-яшнаш чўққисига етади. Бу даврда, VI асрнинг иккинчи ярмида Олтой халқларининг туркий тилли қабилалари Еттисув ва Марказий Осиё халқлари билан Турк хоқонлиги таркибига кирганлар. Турк хоқонлиги тарихда биринчи марта бир давлат доирасида деярли бутун Евроосиё даштларининг ареалини ҳамда қадимги ўтроқ цивилизациялари, Буюк Ипак йўлидаги асосий нуқталар ҳисобланган Сўғд ва Бухорони қамраб олган эди. Туркий халқлар Хитойдан Ўрта Ер денгизигача бўлган улкан ҳудудда тўғридан-тўғри савдо-сотикни йўлга қўйишда Византиянинг ҳамкорлари бўлиб қолди. Шаҳарларнинг ўсиши Хитой ва Эрон билан савдони жонлантирди. Фақатгина 627 – 647 йилларда Хитойга 9 та савдо элчиликлари жўнатилган эди. Карвонлар Марв – Чоржўй – Бухоро – Самарқанд – Чоч – Исфижоб – Талос – Сўёб орқали Шарқий Туркистон воҳаларигача етиб борган.

Шойи, бархат, бахмал ва бошқа кўплаб матолар, шиша буюмлар, парча, чарм буюмлар Хитойдан Византияга ва қарши томонга оқим бўлиб оқиб борган, йўл-йўлакай Бухорода, Самарқандда, Тошкентда, Марвда, Қашғарда, Сўёбда, Турфонда ҳам қолиб, бу ерлардаги моллар билан тўлдирилган. Суғдликлар Буюк Ипак йўли бўйлаб савдо колонияларини очишган, шаҳарлар, саройлар, ибодатхоналар барпо этишган, мусиқа, рангтаъсир ва меъморчиликда ўз йўналишларини кашф қилишган, янги диний қарашларини киритишган. Сўғд савдогарлари, ҳу-

нармандлари ва деҳқонларининг факториялари ва манзилгоҳлари VI-VIII асрларда Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларига, Сынцзянга, Жанубий Сибирга, Мўғулистонга, Шимолий Хитойга, ғарбда эса Қримгача тарқалиб кетган.

Буюк Ипак йўли ҳеч қачон яхлит магистрал йўли бўлмаган. Унинг тизимига карвон йўлларининг бир нечта тармоғи кирган бўлиб, бу тармоқлар тоғ тизмаларининг турли довлари орқали, саҳроларни четлаб айланиб ўтган.

Ўрта асрларда Осиёдаги ички савдо йўллари ҳам муҳим аҳамият касб этган бўлиб, улар ички бозорларни турли-туман моллар билан тўлдириб турган. Ўрта Осиёдаги физик-географик ва табиий-хомашёвий шароитларнинг хилма-хиллиги вилоятлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги омил бўлиб ҳизмат қилган. Хўжалик аҳамиятига эга моллар ва хомашё билан айирбошлаш техникавий ва маданий ютуқларнинг тарқалишига, шаҳарларнинг ривожига ёрдам берган.

Буюк Ипак йўли ёқасида жойлашган Чоч йирик хўжалик салохиятига эга бўлиб, Чирчиқ ва Оҳангарон воҳаларидаги серҳосил ерларни, адирлар ва чўл ҳудудларидаги ўтлоқларни, тоғлардаги кон-металлургия ресурсларини ўзида мужассам этган. Бу ердаги кончилик антик даврдаёқ ривож топган бўлиб, Кочбулоқдан олтин, Лашкереқдан кумуш, Унгуриликондан феруза олинган<sup>1</sup>.

Албатта, Буюк Ипак йўли тармоқлари ҳисобланган ички савдо йўллари сиёсий ҳолатга қараб ўзгариб, ўтроқ ва кўчманчи халқлар истиқомат қилган ҳудудлар, ораликдаги мулклар билан боғланган. Савдогарлар кенг истеъмол молларини, қимматли маҳсулотларни яхши билган ва маҳаллий аҳолидан бундай молларни арзон нархларда сотиб олишга ёки айирбошлашга ҳаркат қилган. Хитой ва Шимолий Ҳиндистонни ғарбий давлатлар билан боғлайдиган карвон йўллари Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидан ўтган. Яқин Шарқдан савдо йўлларининг асосий қисми Каспий денгизи қирғоқларидан Бақтрага олиб борган, бу ердан Шимолий Ҳиндистон ва Хитойга келган. Иккинчи йўл Суғд пойтахти Самарқандга бурилган, у ердан Хўжандга борган<sup>2</sup>. Хитой солномачилари яна битта – шимолий йўлни қайд этган. У Хитойдан Тянь-Шань орқали Довонга, у ердан эса Йоша (Сир-

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. – Москва, 1974. – С.18 – 45.

<sup>2</sup> Пьянков И. В. Средняя Азия в античной географической традиции. – Москва, 1997. – С.76 – 77.

дарё) дарёси ёқалаб Кангуй, Янцзи ва Янцайга борган. Бу йўлдан кўчманчиларга турли-туман моллар ва дон олиб борилган. Савдо алоқалари жараёнида кўчманчилардаги гўшт-сут маҳсулотлари, жўн, тери, хунармандчилик, тўқимачилик, қурулсозлик, заргарлик, кулолчилик буюмларига айирбошлаган<sup>1</sup>. Бу йўлда Чоч муҳим ўрин тутган. Чоч бойликлари – кончилик-металлургия, дон маҳсулотлари Шарқ мамлакатларида яхши маълум бўлган. Чочдаги табиий бойликлар хитой солномачилари томонидан ҳам тилга олинган. Бу бойликлар Чочнинг Шарқ ва Ғарбдаги турли мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларга киришувига имкон берган. Чоч номи эса (қадимги туркий тилда «фериуза»<sup>2</sup>) ҳудуддаги Сирдарёнинг бир қисми ва бу ердаги мулк номида ўз аксини топган эди. Ю.Ф. Буряковнинг таъкидлашича, бу мулк Буюк Ипак йўлидаги мамлакатлар номи қаторида эса олинмаганининг сабаби шу бўлиши мумкинки, бу даврда у Кангуй давлати таркибига кирган ва унинг урбанизациялашган ядросини ташкил этган. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундан икки минг йил аввал Хўжанддан шимолроқда Сирдарёда Чочга олиб борадиган кечув шаклланди. Кечув ёнида Бенакет қалъаси барпо этилди. Бенакетдан йўл Чочнинг пойтахтига олиб борган, у ердан шарқ томондаги металлургия маркази ҳисобланган тоғли кончилик ҳудудига ва шимол томондаги деҳқончилик воҳасига бурилган. Шунингдек, Чочнинг ғарбий чегарасида Оқтепа 2 истехкоми бунёд этилган<sup>3</sup>.

VIII – XII асрларда Мовароуннаҳрда шаҳарлар ва савдо алоқалари ривожланди. Бу даврдаги Мовароуннаҳрдаги савдо йўллари ҳақида ал-Истахрий, ибн Ҳавкал, ал-Мақдисий маълумот ёзиб қолдирган. Хусусан, Истахрий Чочнинг кон бойликлари ҳақида ёзиб, у ерда кўплаб конлар мавжудлигини, темир эса аҳолининг эҳтиёжларидан ортиқча эканини, Илоқ конларидан кўплаб олтин ва кумуш қазиб олинганини таъкидлаб ўтган<sup>4</sup>. Чоч халқаро

---

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. Ташкент на перекрестке Великого шелкового пути // Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент: Фан, 2009. <https://mytashkent.uz/2015/06/20/tashkent-na-perekrestke-velikogo-shelkovogo-puti>

<sup>2</sup> Древнетюркский словарь. – Ленинград, 1963. – С.143; Буряков Ю.Ф. К динамике развития городской культуры древнего и средневекового Чача // Материалы научной конференции «Чач – Бинкат – Ташкент». – Ташкент, 2007. – С.7 – 9.

<sup>3</sup> Древности Чардары. – Алма-Ата, 1968. – С.11 – 79.

<sup>4</sup> Китаб масалик ал-мамалик ал-Истахри // Материалы по истории кыргызов и Кыргызстана. – Бишкек, 2002. – С.21 – 24.

бозорларга сифатли жун матолар, чарм, жанговар ўқ-ёйлар, эгарлар, ўтовлар, ёпинчиқлар, тери ва мўйналар, устки кийимлар, пахта, пилла, зиғир уруғи, темир қайчи ва игналар ва бошқаларни чиқарарди. Мақдисийнинг ёзишича, Шарқда Чочдаги сирланган идишлардан яхшироқ идиш бўлмаган. Бундан ташқари, Чочдан отлар ва туркий қуллар етказилиб, улар шарқ ҳукмдорларининг саройларида энг яхши жангчи ҳисобланган.

Ички савдо йўллари шаҳарлардаги бозорларга, чакана савдо амалга ошириладиган қарвонсаройларга, хунармандлар маҳаллаларига олиб борган. Ўрта аср муаллифлари томонидан Тункет бозори ва қарвонсаройлари, Уштуркетнинг тимлари, Бенакет бозорлари таърифланган.

Манбаларга кўра, X – XII асрларда Самарқанддан Жиззах орқали, Чўли Малик чўлидан ўтган савдо йўли энг қисқа ва гавжум бўлган. Чўлда қарвонсарой-работлар, сардобалар қурилган, Чинанчикет ёнида эса Сирдарёдан кечув бўлган. Чирчиқ дарёси ёқалаб ўтган йўл Шутуркетга олиб борган. Сўнгра Данфеганкет орқали Бинкат (Тошкент)га етган<sup>1</sup>. Хуллас, ички савдо йўллари Чоч пойтахти – Бинкатга бирлашиб, бу ердан шарқ томондаги Хитойга ёки шимол томонга олиб борган. Ички савдо йўллари-нинг зичлиги ва улар бўйлаб шаҳарларнинг гавжумлиги Чочнинг муҳим иқтисодий ўрнидан далолат беради.

Самарқанд қадим замонлардан сиёсатчилар, ишчан кишилар ва тадбиркорлар, савдогарлар ва сайёҳлар назарига ўзига жалб қилиб келган. Шаҳар Буюк Ипак йўлида манфаатли ўринни эгаллаган. Самарқанд ўрта аср манбаларида жаҳон савдосининг Буюк Ипак йўлидаги шонли пойтахти деб эслатилади. Бу шаҳардаги савдогарлар Осиёни кесиб ўтадиган қуруқликдаги, дарёлардаги ва денгизлардаги йўллар бўйлаб савдо факторияларини барпо этишган. Самарқанд савдогарлари ўз халқаро савдо-сотиқларини шу қадар фаоллаштириб юборганларки, ҳатто X асрдаги таниқли араб тарихчилари ва географлари Ҳинд океанини Самарқанд денгизи, Ҳинд дарёсини эса Самарқанд дарёси деб аташган.

Жиззах ёзма манбаларида шаҳар сифатида илк бор араб сайёҳлари Абулқосим Муҳаммад ибн Ҳавқал ва Шамсиддин Абу Абдуллоҳ ал-Муқадасийнинг асарларида Уструшонанинг Факнон вилоятидаги шаҳар сифатида тилга олинади. VII – XII асрларда,

---

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр на Великом Шелковом пути. – Самарқанд-Бишкек, 2006. – С.165 – 176; Буряков Ю.Ф., Дадабаев Г. К истории Чиназа (древний Чинанчикет) // ОНУ. 1972. №9.

яъни мўғуллар истилосига қадар Жиззах шаҳри гуллаб- яшнаган. Бу шаҳарда қишлоқ хўжалиги, савдо, ҳунармандчилик яхшигина ривожланган. Жиззах яқинидаги Мирасманда деган жой жаҳон бозори вазифасини ўтаган, унда жун газламалар ва кийимлар, ипак, турли заргарлик ва металл буюмлари сотилган. Мирасманда бозорида минтақада машҳур бўлган Уструшона нефрити ҳам сотилган. Тарихчи Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, бу ҳудудда рудани қазиб олиш ва уни қайта ишлаш яхшигина йўлга қўйилган бўлиб, Жиззах ҳунармандлари томонидан тайёрланган металл буюмлар Хуросон ва Эронда кенг тарқалган.

Кўплаб савдо карвонлари ўтганлиги боис араблар даврида Жиззах бозор шаҳар сифатида хизмат қилган. Бу ҳудудда кўплаб работ (савдо йўлларидаги мустаҳкамланган манзил, карвонсарой)лар қурилган. Работлар, одатда, шаҳарнинг саройи (арки) ёки шаҳристони атрофига қурилган<sup>1</sup>.

Уструшона ҳудудидан Буюк Ипак йўли савдо карвони ўтганлиги туфайли ҳам Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Муъжам ал-Булдон» асарида ушбу вилоятда тўрт юзга яқин истеҳкомлар бўлганлиги хабар берилади. Савдо карвонларининг дам олишлари ва юклари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қурилган истеҳком-карвонсаройлар, работ ва қалъалар харобаларидан айримларигина бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Чунончи, вилоятнинг марказий шаҳри бўлган Бунжикат Суғддан Фарғона ҳамда Шошга, Дизак чўли орқали Шошга, Зомин эса Суғддан Фарғонага томон борадиган савдо йўлида жойлашганини таъкидлаб ўтиш лозим<sup>2</sup>.

Шунингдек, Уструшона ҳудудида ҳафтанинг белгиланган кунларида бўлиб ўтадиган катта бозорлари мавжуд бўлгани, ҳозирга қадар бундай мавзелар Якшанба, Душанба, Сешанба, Чоршанба, Пайшанба ва Жума номи билан юритиб келинаётгани фикримиз далилидир. Жиззах шаҳрининг шимоли-ғарбидаги Писталитоғнинг шарқий биқинида, Дашти Қипчоқ билан чегара ҳудудда, бозор учун табиий-географик қулай манзилда ҳар ойнинг биринчи кунинда Мирасманда улгуржи савдо бозори бўлган. Бу бозор фаолияти тўғрисида ўрта аср араб саёҳатчи-географлари ўз асарларида маълумот бериб ўтишган.

---

<sup>1</sup> Жиззах тарихи // Жиззах вилояти хокимлигининг расмий сайти <http://jizzax.uz/zhizzah-tarihi.html>

<sup>2</sup> Нурқулова Р. Уструшона вилояти тарихига назар [Электрон ресурс] URL: [http://fikir.uz/blog/Jizzax\\_davlat\\_pedagogika\\_instituti/17050.html](http://fikir.uz/blog/Jizzax_davlat_pedagogika_instituti/17050.html)

Ўрта асрда яшаб дунё кезган географ олимлардан бири Ибн Ҳавқалнинг ёзма манбаларида Уструшонанинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сероблиги билан ажралиб туриши, баъзи шаҳарларида жуда катта бозорлар бўлганлиги, Минқ ва Марсманда (Мирасманда) шаҳарларида темир қуроллар ишлаб чиқарилиб, бу қурол-яроғлар Хуросон ва Ироқда машҳур бўлганлиги баён этилади. Бундан ташқари, Жиззахда тайёрланган чарм ва жун маҳсулотлари Ироқ бозорларигача етказиб берилгани маълум.

Машҳур библиограф олим Ёқут ал-Ҳамавий ўз асарида Уструшона Самарқанд яқинидаги ва Сайхуннинг қуйи қисмидаги катта воҳа эканлиги, табиий бойликларга эгалиги, у ердан олтин, кумуш, темир ва бошқа қимматли маъданлар олинганини эътироф этади. Ҳофиз Аbru ҳам «Зубдат ат-таворих» асарида Уструшонада қўрғошин, мис ва навшадил кони бўлганлигини қайд қилади.

Хитой манбаларида Уструшона IV – V асрлардаёқ мустақил ҳокимлик сифатида тилга олинади. Ўша даврлардаёқ Уструшона ва унинг шаҳарлари Буюк Ипак йўлидаги тўхташ нуқталари ҳисобланган, бу ердаги карвонсаройлар ва сардобалар карвонларга хизмат қилган. Ал-Истахрий Уструшонада жойлашган шаҳар ва қишлоқлардан Бунжикет, Зомин, Дизак, Арсияникет, Куркет, Ғазақ, Фағкет, Собот, Нужкет ва Харақона деганларини келтирган. «Худуд ал-олам» асарида Уструшонада «шароб қўлаб тайёрланади ва тоғларидан темир қазиб олинади. Тоғларида новшодир конлари қўп эрур» деб қайд қилинган. Ибн Ҳавқал Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятлари қатори Уструшона ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сероблиги билан ажралиб туриши, бу маҳсулотлар вилоят ташқарисига, жумладан, Хўжандга олиб борилгани ва айрим шаҳарларда жуда катта бозорлар бўлганини таъкидлайди. Уструшоналикларнинг фаҳри Минқ ва Маросимандада темир қуроллар ишлаб чиқарилгани, бу қурол-яроғлар Хуросон ва Ироқда жуда машҳур бўлгани таъкидлаб ўтилади. Ёқут ал-Ҳамавий (1179 – 1229) ўзининг «Муъжам ал-булдон» асарида Уструшона Самарқанд яқинида ва Сайхуннинг қуйи қисмидаги катта воҳа бўлиб, у ерда тўрт юзга яқин истехкомлар бўлгани, олтин, кумуш, темир ва бошқа қимматли табиий бойликлар мавжудлиги ҳақида хабар беради<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Атаев М. Уструшона. [www.muslim.uz](http://www.muslim.uz)

2017 йил 15 май куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Пекинда бўлиб ўтаётган «Битта белбоғ – битта йўл» форумида нутқ сўзлади. Жумладан, қадим замонларда Хитойдан Европа ва Форс кўрфази мамлакатларигача етиб борган Буюк Ипак йўлининг инсоният тарихида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида гапириб: *«Буюк ипак йўли нафақат ҳудудлар ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини, балки давлатлар ва қитъалар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилган, янги маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги экинлари тарқалишида, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарган ва шу тариқа цивилизациялараро мулоқот учун шарт-шароитлар яратилган. Ушбу тарихдан келиб чиққан ҳолда Хитойда бўлиб ўтаётган «Битта белбоғ – битта йўл» форуми ҳам ҳозирги замонда дунё мамлакатлари орасида иқтисодий ҳамкорликни янада кучайтириш, савдо ва инвестициялар учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек, туризм, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади»*, – деб таъкидлади.

Президент, шунингдек, Ўзбекистон Буюк Ипак йўли чорраҳасида қулай жойлашгани, замонавий транспорт ва коммуникация тизимларига эга бўлгани туфайли турли мамлакатлар ишбилармон вакилларининг унга қизиқиши ортиб бораётганини қайд этди<sup>1</sup>.

Ҳ. Мамадалиев

## **IX – XII АСРЛАРДА САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ**

IX – XII асрлар Ўрта Осиё шаҳарлари ичида Зарафшон воҳаси шаҳарлари алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, ушбу воҳанинг энг гўзал ва ҳамиша навқирон шаҳри Самарқанд тўғрисида сўз кетар экан, ушбу шаҳар IX – XIII асрларда минтақанинг энг катта ва марказий пойтахт шаҳарларидан бири бўлганини таъкидлаш ўринли. Сомонийлар даврига оид манбаларда IX – X асрлардаги Самарқанд шаҳри тавсифига алоҳида эътибор қаратилган. Унинг ҳолатини батафсил ёритишга аҳамият берилган. Самарқанднинг ислом тарқалган даврдаги илк тавсиф-

<sup>1</sup> <https://sputniknews-uz.com/society/20170515/5405263/Ipak-yoli-chorrahاسida-joylashgan.html>



ларидан бири Ибн ал-Фақиҳга<sup>1</sup> тегишли бўлиб, унинг сўзларига кўра, Самарқанд худди Бухоро ва Балх каби ўз атрофидаги ерлар билан 12 фарсах масофадаги девор билан ўраб олинган ва унинг 12 та дарвозаси мавжуд бўлган. Яна бир бошқа араб географи Ибн Ҳавқал Самарқанд Суғд дарёсининг жанубий қисмида банд ерда жойлашган шаҳар экани, шунингдек, унинг кўҳандиз, мадина ва рабоди мавжудлиги тўғрисида маълумотларни берган. Ибн Ҳавқал замонида кўҳандизда қамоқхона мавжуд бўлгани ва у ердаги ҳоким қасри бу даврда вайронага айлангани тўғрисида маълумот берилади<sup>2</sup>.

Х. Кеннедининг фикрича, «кўҳандиз» атамаси «кўҳон», «кўҳна» – «эски» ҳамда «диз» – «қалъа» каби икки форсий сўзнинг бирикмасидан иборат бўлиб, «эски қалъа» деган маънони беради. Атама ўраб олинган кичик истеҳкомларга нисбатан ишлатилган<sup>3</sup>.

Араб тилидаги манбаларда мусулмон шаҳарларига асос солиш, яъни масжидлар қуриш жараёнини ифодалаш учун «там-сир» сўзи ишлатилган<sup>4</sup>. Ушбу жараённинг характерли жиҳати масжид барпо этиш ва бозорлар фаолиятини йўлга қўйиш каби ҳолатлар билан намоён бўлади. Айнан мана шу жараён Самарқанд шаҳрининг минтақа маданий марказларидан бири сифатидаги ўрнини кучайтириб борган.

Самарқанд ҳажми ва аҳолисининг сони жиҳатидан ҳар доим Мовароуннаҳрнинг биринчи шаҳри бўлиб қолаверган. Ҳаттоки Сомонийлар даврида давлатнинг пойтахти Бухоро бўлганида ҳам, Самарқанд юқоридаги ҳолатлар бўйича Бухородан олдинда бўлган. В.В.Бартольднинг фикрича, унинг бундай мавқени эгаллаши, биринчи навбатда, қулай географик нуқтада жойлашгани сабаблидир<sup>5</sup>.

Ўрта аср манбаларининг муаллифлари Осиёнинг ўша даврдаги энг катта шаҳарларидан бири бўлган Самарқандни тавсифлар эканлар, улар биноларнинг қурилишида қайси материаллар

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том 1. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – Москва: Восточная литература, 1963. – С.135.

<sup>2</sup> Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард (Ер сурати китоби). Мовароуннаҳр қисми / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи тарих фанлари доктори, проф. Ш.С. Камолиддин. – Тошкент, 2011. – Б.53.

<sup>3</sup> Hugh Kennedy. From Shahrastan to Medina. – P.20 // Studia Islamica. No. 102/103 (2006). – P.5 – 34.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – P.23.

<sup>5</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том 1. ... – С.134.

ишлатилгани ва шаҳарликларнинг ибратли фазилатларини бошқа шаҳарлар аҳолиси билан қиёслашга ҳам эътибор қаратганлар. Жумладан, уларнинг қайдларига кўра: «Бинолари лой ва ёғочдан қурилган. Шаҳар аҳолиси чиройли ҳисобланади ва ўзларига харажат [сарфлаш]да ва ғамхўрлик қилишда ортиқча сахийликлари билан ажралиб турадилар... Самарқанд – Мовароуннахр [энг] назокатли одамларнинг ўчоғидир ва уларнинг энг яхшилари Самарқандда таҳсил олганлар»<sup>1</sup>.

XI – XII асрларда яшаб ижод этган муаллиф Насафий Самарқанд шаҳрининг кварталларини тавсифлашга ҳам эътибор қаратган. Жумладан, у кварталларни ифодалашда араб тилидаги «маҳалла» атамасидан фойдаланган. Насафий томонидан шаҳар маҳаллаларининг 16 таси номи келтирилади. Улардан биринчиси Боб Достон (باب داستان) маҳалласи бўлиб, шаҳар дарвозасига яқин ерда жойлашган ва Уштобдиза (اشتابدیزه) маҳалласи билан қўшилиб кетган. Қолганлари Варсанон (ورسانان) ва Йоркас (کیجنداق), Дарвозжа (دروازجه), Кийжандоқ ёки Кайжундоқ (کیجنداق), Мағудиза (مغودیزه), Майдон (میدان), Нахр ал-Қассорийн (نهر القصارین), Раъс Қантара Ғотифар (راس قنطره غاتفر), Раъс Давованак (راس دواونک) – бу ерда Муқотил кўчаси жойлашган, Тоҳунат ал-Муфти (Муфтий тегирмони) – бу ерда Алаж Бун кўчаси жойлашган, Уштобдиза (اشتابدیزه), Фағофах (فغافخ), Фағдиза (فغدیزه), Фарахи Амир Наванд (فرخی امیر نوند) ва Шухнок (شوخناک) кабилардир<sup>2</sup>.

Кўчаларнинг номини ифодалаш учун «сикка» (араб тилида «йўл», «манзил», «кўча» каби маъноларни англатади) ибораси ишлатилган. Насафий томонидан Самарқанднинг 36 та шаҳар кўчаси номи келтирилган. Булар Аббод (عباد), Абу Абду-л-Раҳмон (ابو ابد الرحمن), Ажалон ёки Ажлон (عجلان), Алаж Бун ёки Илаж Бун (الجم بن), Амраж (عمرج), Амун (عمون), Амур ёки Умур (عمور), Базанкарон (بزنکران), Бақр (بکر), Заййиқа (ضيقه), Зарк(г)арон (زرکران), Йазид (یزید), Қассобиён (قصابیان), Кушондиза (کشاندیزه), ал-Лаббодийн (لبادین) (араб тилидан Наматчилар, форс тилида Намадгарон), ал-Лайс (اللیث), Муж (معج), Муқотил (مقاتل), Разк ёки Рузак (رزک), Растуж (رستوج), Рек (ریک), Сабз (سبز), Сабедод (سبیداد), Солиҳ (صالح), Солиҳот (صالحات), Салм (سلم), Салм ал-жадида (سلم الجدیده),

<sup>1</sup> BGA. 2 pars. Ibn Haukal Abu-l-Kasim an-Nasibi. Opus geographicum. Ed. M.J. de Goeje. – Leiden: E.J. Brill, 1967. – P.494.

<sup>2</sup> Камолитдин Ш. Новый источник по исторической географии Средней Азии. Новейшие исследования сочинения «Ал-Канд фи зикри улама Самарканд» Абу Хафса ан-Насафи. Lambert Academic publishing. – P.31.

Сулаймон ан-Нахвий (سليمان النحوي), Сура ал-Хулқоний (سورة الخلقاني), Ҳаййа (حيه), Ҳаййун (حيون), Ҳакам (حكم), Ҳафс (حفص) каби кўчаларнинг номларидир<sup>1</sup>.

Х аср муаллифи Ибн Ҳавқалнинг маълумотига кўра, Самарқанд [шаҳри]да қалъа ва тўрт дарвоза бўлган. Шарқий дарвоза Хитой [дарвозаси] деб аталган бўлиб, баландликда жойлашган. Ундан пастга қараб кетган кўпсонли зиналар орқали Суғд дарёси [олди]га тушилган. Ғарбий дарвоза Навбаҳор деб аталган, у ҳам баландликда жойлашган; шимолий [дарвоза] Бухоро [дарвозаси], жанубий дарвоза эса Катта [дарвоза] деб аталган<sup>2</sup>. Ибн Ҳавқалнинг ушбу маълумоти бу даврда ижод қилган ал-Истаҳрий, Ал-Муқаддасий ва бошқа географларнинг маълумотларида ҳам ўз тасдиғини топади<sup>3</sup>.

Шунингдек, Самарқанд шаҳри ўз табиати, кўчаларнинг жойлашуви, ирригацион тизими, аниқ тартиб асосида қурилгани билан араб муаллифларини ҳайратга солган. Жумладан, Ибн Ҳавқалнинг ёзишича: «Самарқанд тупроғи жуда унумдор ва қуруқ бўлиб, агар кўчалардаги ва одамларнинг уйларидаги оқар сувлардан [кўтариладиган] мўл-кўл буғланишлар ва уларда зич ўсувчи дарахтлар кўп бўлмаганда, ортиқча қуруқлик албатта катта зарар келтирган бўлар эди. Самарқанднинг бинolari лой ва ёғочдан қурилган. Шаҳар аҳолиси чиройли ҳисобланади ва ўзларига харажат [сарфлаш]да ва ғамхўрлик қилишда ортиқча саҳийликлари билан ажралиб турадилар, бунда улар Хуросоннинг кўпчилик шаҳарларидан устун турадилар, шунинг учун бу ҳам уларнинг маблағларини камайтириб юборган. Самарқанд – Мовароуннаҳр [энг] назокатли одамларнинг ўчоғидир, уларнинг энг яхшилари Самарқандда таҳсил олганлар»<sup>4</sup>.

Кўпсонли манбаларнинг маълумотларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Самарқанд X асрда Афросиёбда жойлашган шаҳристон (мадина), Афросиёбдан жануб томонга чўзилган савдо-ҳунармандлик рабоди ва Девори Қиёматнинг ичида жойлашган катта қишлоқ хўжалик зонасидан иборат бўлган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда. – P.43.

<sup>2</sup> BGA. 2 pars. Ibn Haukal Abu-l-Kasim an-Nasibi. Opus geographicum... – P.493.

<sup>3</sup> История Самарканда. В 2-х томах / Под ред. И. Муминова. – Ташкент: Фан, 1971. – С.145 – 153.

<sup>4</sup> BGA. 2 pars. Ibn Haukal Abu-l-Kasim an-Nasibi. Opus geographicum... – P.493.

<sup>5</sup> История Самарканда. В 2-х томах... – С.228.

Қорахонийлар даврига келиб Самарқанднинг, умуман, Мовароуннахрнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кўп нарсалар ўзгарган. Ушбу ўзгаришлар Сомонийлар даврида секин-аста етилиб борган бўлса-да, Қорахонийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши ушбу ўзгаришларни тезлаштирган. Агар Сомонийлар даврида кучли марказлашган давлат қуришга интилиш кучли бўлганини кўриш мумкин бўлса, унинг ўрнида юзага келган Қорахонийлар давлатида майда мулкларнинг ҳукмдорлари марказий ҳокимиятни, яъни бош қорахоний хон ҳукмронлигини фақат номигагина тан олганлар<sup>1</sup>. Шундай бўлса-да, Қорахонийлар сулоласи даврида ҳам Ўзбекистон ҳудудида анъанавий ишлаб чиқариш муносабатлари давом этган.

Археологик манбаларнинг маълумотларига кўра, Мовароуннахрда шаҳарларнинг тараққиёти XI – XII асрларда IX – X асрларга нисбатан анча интенсив кўринишда бўлган. Самарқанднинг рабодлари кенгайиб борган. Шаҳар ҳаётининг маркази шахристонлардан анча узоқлашиб борган. Шахристоннинг жанубий ва жануби-ғарбий қисмларини тўлалигича кулол ва ҳунармандлар эгаллаб олганлар. Шаҳар аслзодалари янги ерларга жойлашганлар<sup>2</sup>.

Шаҳар ҳаётида маҳаллалар катта рол ўйнаган. Ўрта аср муаллифлари маҳаллаларга алоҳида таъриф берганлар. Ан-Насафийнинг келтирган маҳаллалари номларидан 7 таси – Давованак, Дарвозжа, Мағудиза, Майдон, Тоҳунат ал-муфтий ва Фағафах бошқа манбаларда учрамайди. Бундан ташқари, унинг маълумотига кўра, Нахр ал-Қассорийн маҳалласида хонақоҳ рўпарасида масжид бўлган, Амир Наванд маҳалласи эса Фарахи (Ифрах) Амир Наванд деб ҳам аталган<sup>3</sup>. Бу ерда наванд атамасига форсча «чопар» деган маънони берган. Форс манбаларида чопарлар наванд, искадор, жамозе ва ҳорун каби сўзлар билан аталган. Балх шаҳрида Кўйи Наванд (Чопар кўчаси) номли кўча бўлган<sup>4</sup>.

Мағудиза, Уштобдиза ва Фағидиза маҳаллаларининг номидаги «диза» қўшимчаси исломдан аввалги даврлар билан боғлиқ, ушбу маҳаллаларнинг ўтмишда асосий шаҳар ташқарисида

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. – С.147.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Камолиддин Ш. Новый источник по исторической географии Средней Азии... – С.33.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – С.34.

жойлашган қишлоқ ҳудудлардан иборат бўлиб, Самарқанд шаҳри таркибига кейинчалик қўшилганини англатади.

Ан-Насафийнинг асарида эса Самарқандга тегишли 120 та топоним зикр этилади. Булар Самарқанд девори (Ҳоит Самарқанд), Хайъан девори, Кавсакон (Кусакон) девори, ички шаҳарнинг уч дарвозаси (боб), ташқи шаҳарнинг 2 дарвозаси (дарб), 16 та маҳалла, 36 та кўча (сикка), 12 қабристон (мақбара), 14 та масжид, 5 та мадраса, 7 работ, 5 та хонақоҳ, 2 та раста (хонут), битта сарой (дор), битта савдо қатори (рафф), битта ҳарбий лагерь (ал-маъаскар) ва битта ҳовуз номи келтирилган<sup>1</sup>.

Қорахоний Иброҳим Тамғачхон Мовароуннаҳрда 1070 йилга қадар ҳукмронлик қилган ва Самарқанд давлат пойтахти бўлган. Тамғачхон Самарқандда тартиб ўрнатилиши ва унинг хавфсизлигига алоҳида эътибор билан қараган. Ўғрилиқ ва талончиликни қаттиқ жазолаган. Тамғач томонидан қурилишларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Масалан, 1066 йилда унинг буйруғи билан Қусом ибн Аббос мақбараси яқинида мадраса бунёд этилган<sup>2</sup>.

Ҳали ҳаётлик давридаёқ 1070 йилда Иброҳим ўз ўғли Шамсул-мулк фойдасига тахтдан воз кечган. Шамсул-мулкка қарши шу ондаёқ Иброҳимнинг бошқа ўғли Шуайс исён кўтарган. Икки ака-ука ўртасида Самарқанд ва Бухоро оралиғида жанг бўлиб ўтган ва бу жангда Шуайс тор-мор этилган. Шамсул-мулк ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр пойтахти яна Бухорога кўчган бўлиши мумкин<sup>3</sup>. 1081 йилда ҳокимият тепасига келган Ҳизрхон ва унинг ўғли Аҳмад даврида Мовароуннаҳр пойтахти яна Самарқандга кўчган. Унинг ҳукмронлиги даврида хон ҳокимияти ва Самарқанд уламолари ўртасида зиддиятлар кучайиб борган. Аҳмадхонни оддий самарқандликлар қўллаб-қувватлаганлар.

Навбаҳор дарвозаси Афросиёбнинг ғарбий қисмида жойлашган ва ҳозирги Сангрезон қабристони ушбу дарвоза яқинида жойлашган. Қўрғон харобаларининг гувоҳлик беришича, Афросиёбнинг шимолий қисмида жойлашган. Бухоро дарвозаси Афросиёбнинг шимолий қисмида, Кеш дарвозаси Афросиёбнинг жанубий қисмида жойлашган. Дарвозалар исломдан олдинги даврларга бориб тақалишини Истахрийнинг ушбу дарвозага

<sup>1</sup> Ўша жойда. – С.23.

<sup>2</sup> История Самарканда в двух томах... – С.148.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

осилган темир плитадаги нотаниш алифбодаги ёзув мавжудлиги ҳақидаги фикри ҳам исботлайди. Шаҳар аҳолисининг таъкидлашича, ушбу битик химёрий ёзувида бўлиб, унинг маъноси авлоддан авлодга ўтиб келади. Унда Ёаман пойтахти Санъодан Самарқандгача ва бошқа аҳоли пунктларигача бўлган масофа қайд этилган. Ушбу ёзувнинг бундай изоҳланиши Ёаман подшоларининг Самарқандга юриши тўғрисидаги фантастик афсоналарга боғланади. Аммо X асрда Самарқанд дарвозаларининг бирида маҳаллий аҳоли учун нотаниш бўлган ёзув сақлангани ажойиб тарихий факт ҳисобланади. Истахрий Самарқандда бўлган вақтда дарвоза исёнчилар томонидан вайрон этилган, оқибатда шаҳар ноиб Абул Музаффар Муҳаммад б. Лукмон б. Наср б. Аҳмад б. Асад (амир Насрнинг қариндош иниси) томонидан қайта тикланган. Лекин дарвозадаги ёзув қайта тикланмаган<sup>1</sup>.

Самарқандда шаҳар атрофи манзилгоҳларининг кенгайиши билан шаҳарнинг савдо-ҳунармандчилик ҳаёти аста-секин жанубий рабод томон кўча бошлаган. Шундай бўлса-да, X аср, ҳаттоки XI асрда ҳам шахристон ҳудуди шаҳарнинг асосий маъмурий маркази ва аҳоли яшайдиган қисми бўлиб қолаверган. XII асрнинг биринчи ярмида қўрғонда (арк) таъмирлаш ишлари олиб борилган ва қўрғонни девор остидан сув билан таъмирловчи сопол ерости қувури қурилган. XII асрнинг 70-йиллари охири – 80-йиллари охирида қўрғон ичида Тамғачхон Иброҳим ибн Ҳусайннинг буюк ва дабдабали саройи қурилган. Аммо ушбу сарой 1212 йилда Хоразмшоҳнинг Самарқанд исёнини бостириш жараёнида йўқ қилинган. Мўгуллар босқини даврида эса Самарқанд ёқиб юборилган ва вайрон қилинган<sup>2</sup>.

Самарқандда ан-Насафий томонидан Абул Ашъас уйи (بيت ابو الاشعث), Абу Саҳл ал-Маҳмавий саройи (دار ابي سهل الحموي) ва Саъд ал-Мулк саройи (دار سعد الملك) каби 3 та сарой номлари қайд этилган<sup>3</sup>.

Ан-Насафий томонидан Самарқанд шахрида фаолият кўрсатувчи 15 та масжид номи келтирилган. Булар Абул Аббос ал-Қоид масжиди (مسجد ابي العباس القايد), Абул Қосим Али ибн Аҳмад ибн Йусуфа ас-Санкабосий масжиди (مسجد ابي القاسم علي بن احمد بن يوسف السنكباثي), ал-Бакрийин масжиди (مسجد البكريين), Билол ибн Исмоил ал-Муқрий масжиди (مسجد بلال بن اسماعيل المقرئ), ал-Заҳ-

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том 1... – С.138.

<sup>2</sup> История Самарканда в двух томах... – С.154.

<sup>3</sup> Камолиддин Ш. Новый источник по исторической географии Средней Азии... – С.57.

ҳок ибн Музоҳим ал-Ҳилолий масжиди (مسجد الضحاك بن مزاحم), Жомеъ масжиди (جامع سمرقند), Изз масжиди (مسجد عز), ал-Манора масжиди (مسجد المنارة), Наҳр ал-Қассорийн маҳалласининг масжиди (مسجد محله نهر القصارين), Аббод кўчасининг масжиди (مسجد سكه عباد), Абу Абдулрахмон кўчаси бошидаги масжид (مسجد سكه ابى عبد الرحمن), Муқотил кўчасининг масжиди (مسجد سكه), ас-Соға (Заргарлар) масжиди (مسجد الصاغه), ал-Фузайл бин Ййоз масжиди (مسجد الفضيل بن عياض), Шоҳувайҳ масжиди (مسجد شاهويه) масжиди кабилар ҳисобланади<sup>1</sup>.

Шунингдек, араб муаллифлари Мовароуннаҳрни васф этган ўзларидан аввал яшаган тарихчиларнинг асарларидан ҳам парчалар келтирганлар. Жумладан, ал-Асокир ўзининг «Тарих мадинат Димашқ» асарида шундай ёзади: «Асмаъийнинг фикрича, дунё ажойиботлари учтадир: улар Убулла дарёси, Дамашқдаги Ғута водийси ва Самарқанддир. Яна ал-Асмаъийнинг фикрича, дунёнинг жаннатлари, боғлари уч мавзедадир. Яъни Басрадаги осилган кўприқда, Шомдаги Димашқда ва Хуросондаги Самарқандда»<sup>2</sup>.

Жумладан, 1066 йилда Самарқандда таъсис этилган Тамғачхон мадрасаси вақф ҳужжати матнида шундай дейилган: «У илм ва дин одамлари учун мажлис жойига айланадиган мадрасани таъсис этишга буюрди. Мадраса машҳадга яқин жойлашиб, ўз ичига масжидни, ўқув машғулотлари ўтказиладиган ерни, Қуръон ўқитиладиган мактабни, одамларни Қуръон ўқишга ўргатадиган мукрий синфини, одамларга адаб (адабиёт) илмини ўргатадиган муаддиба синфини, кичик ҳужраларни, ҳовлини ва боғни ўз ичига олади»<sup>3</sup>. Бу ерда мактаб сўзи икки хил: биринчиси оддий мактаб, яъни каттоб маъносида, иккинчиси эса кутубхона тарзида тушунилиши мумкин. Аммо мазкур вақф ҳужжатининг кейинги қисмида ушбу мактаб (каттоб ёки кутубхона) ўқитувчиси муаллим деб аталган<sup>4</sup>. Тадқиқ этилаётган даврда эса фақат мактаб (каттоб) ўқитувчиларигина муаллим деб аталганлар. Шундан келиб чиққан ҳолда мадраса таркибида мактаб ҳам мавжуд бўлган ва унинг асосий вазифаси

<sup>1</sup> Ўша жойда. – С.57 – 58.

<sup>2</sup> ابن عساکر. تاریخ مداینة دمشق. القسم الاول. بتحقیق صلاح الدین منجد. – ص. ۹۶۱.

<sup>3</sup> Камолиддин Ш., Махмудова М., Мусаметов Б. Два вакфа Тамгач Бугра-хана в Самарканде // Вакфные документы XI века на мадраса и доме больных в Самарканде. Текст. Перевод. Комментарии. Lambert Academic publishing, 2012. – P.23 – 24.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – P.29.

ўқувчиларга (бой, зодагон одамларнинг болаларига) Қуръон ўқишни ўргатишдан иборат эди деб хулоса қилиш мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Самарқанд шаҳри IX – XII асрларда минтақа маданий ҳаётида йирик марказлардан бири бўлган, сиёсий жараёнларнинг текис кетмаганига қарамай, ўзининг маданий жиҳатдан етакчи шаҳар мақомини сақлаб қолган. Самарқанднинг мадрасалари, масжидларида ўз даврининг машҳур олимлари, фақиҳлари фаолият кўрсатган, Самарқанд хунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жуда машҳур бўлган.

*Г. Ачилова*

### **ЧИНГИЗИЙЛАР ДАВРИДА САМАРҚАНДНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ ВА ШАҲАР ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

Хоразмшоҳлар давлатининг иккинчи пойтахти дея эътироф этилган ва бу салтанатнинг Мовароуннаҳрдаги таянч худуди ҳисобланган Самарқанд мўғуллар хужуми натижасида бошқа жойларга нисбатан энг кўп талафот кўрган. Мўғуллар келтирган фалокат қанчалик катта, шаҳар вайрон этилган ва юз минглик оиланинг учдан бир қисми ҳалок бўлган бўлса ҳам, шаҳар 1223 йилда Самарқандда яшаган хитойлик сайёҳ Чан Чунга бой-бадавлат бўлиб кўринган. Унинг айтишича, ҳамма жойда мис идишлар олтиндек ярақлаб турган, чинни ниҳоятда кўп бўлган ва полиз экинлари кўп етиштирилган. Лекин сайёҳнинг бу қайдларини бошқа фактлар инкор этади, жумладан, И.П. Петрушевскийнинг таъкидлашича, бу пайтда Ўрта Осиёда қаттиқ очарчилик ва қаҳатчилик ҳукм сураётган эди<sup>1</sup>.

Чингизхон вафотидан кейин умуммўғул империяси тахтини бошқарган Ўқтой (1229 – 1241) даврида Мовароуннаҳр вилоятларини Маҳмуд Ялавоч бошқарган бўлса ҳам, Самарқанд мўғуллар томонидан қўйилган ноиб Чин Санг Тайфу томонидан идора қилинган<sup>2</sup>. Ўқтой шаҳардан олинадиган фойдани бу вақтда

<sup>1</sup> Петрушевский И.П. Земледелие и аграрные отношения в Иране XIII-XV вв. М.-Л., 1960. 45-б.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Том 1. Москва: Из-во Восточной литературы, 1963. 544-б.



Мовароуннахр ҳукмдори ҳисобланган Чиғатой (1227 – 1242) билан бўлишмасдан, тўғридан-тўғри ўзига келишини хоҳлаган. Шу туфайли Маҳмуд Ялавоч Самарқанд масаласидаги ҳар бир ишни Буюк Хон маслаҳати билан ҳал қилган.

Самарқанд барча Чиғатой улуси ҳукмдорлари учун асосий манзил ҳисобланган. Масалан, 1254 йилда Олмалиқни бошқарётган Эргена хотун бу ерда Буюк Хоннинг буйруғига кўра ғарбга кетаётган Хулагуни қабул қилган<sup>1</sup>. 1255 йил кузида эса 40 кун давомида Самарқанд яқинидаги Кониғил мавзесида Хулагуни меҳмон қилган. Хулагу Самарқанд орқали Кешга келиб, ундан кейин Эронга ўтиб кетган.

XIII асрнинг 60-йилларида Чиғатой улусини<sup>2</sup> Буюк Хон ҳукмронлигидан озод қилиб мустақил бошқаришга уринган Олғу (1260 – 1266) даврида мўғул шаҳзодалари ўртасида ўзаро курашлар авж олади. Бу урушлардан, айниқса, Мовароуннахр шаҳарлари – Самарқанд ва Бухоро энг кўп жабр кўрган. Самарқандни бу вақтда Буюк Хон томонидан қўйилган вакил Масъудбек (1238 – 1289 йилларда ўтроқ вилоятлар ҳокими бўлган) бошқарган<sup>3</sup>. У Олғуга Буюк Хон тахтига даъвогарлик қилаётган Ариқ Буқага қарши курашиш учун Самарқанд аҳолисидан тинимсиз озиқ-овқат, пул ва ҳунармандчилик маҳсулотларини йиғиб олиб етказиб турган<sup>4</sup>. Бундан ташқари, Олғу бутун Мовароуннахрда, жумладан, бу шаҳарда ҳам эҳтиёт чораси сифатида ўзининг кўп сонли қўшинини сақлаган. Ўз-ўзидан бу қўшинларни моддий жиҳатдан таъминлаш ҳам оддий халқнинг зиммасида бўлган.

Чиғатой улусини Олғудан кейинги ҳукмдор Бароқхон (1266 – 1271) бошқарган даврида ҳам юқоридаги ҳолат давом этган. Жумладан, у Ўқтой хонадонидан бўлган мўғул шаҳзодаси Қай-

---

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том 2. Часть 1. Москва: Из-во Восточной литературы, 1963. 66-б.

<sup>2</sup> Чингизхон 1227 йилда босиб олинган барча ҳудудларни тўртта ўғли ўртасида тақсимлаган. Шундан иккинчи ўғли Чиғатойга Уйғуриядан то Амударёгача бўлган ҳозирги Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистоннинг жануби қисми ва Жанубий Хинжанг ҳудудларига тўғри келувчи ҳудудларни берган ва бу уларни бирлаштириб ташкил этилган давлат расман Чиғатой улуси деб номланган. The Cambridge history of medieval Inner Asia: the Chinggisid Age/ edited by Nicola Di Cosmo, Allen Frank and Peter B. Golden. United Kingdom at the University Press, Cambridge. 2009. 46-47-бетлар.

<sup>3</sup> Biran M. Qaidu and the Rise of the Independent Mongol State in Central Asia. Richmond, Great Britain: Curzon Press, 1997. 21-б.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Сочинения. Том 1. – С.576.

ду<sup>1</sup> билан Мовароуннаҳр шаҳарлари учун кураш олиб бораётган 1268 йилда ундан мағлубиятга учрагандан кейин умидсизликка тушмасдан яна урушни давом эттиришга қарор қилган. У Бухоро ва Самарқанд аҳолисининг шаҳардан чиқиш йўлини тўсиб қўйган ва қўшинларига уларнинг барча мол-мулкани талон-торож қилишга рухсат берган. Шаҳар аҳолиси ҳимоя сўраб диний уламоларга мурожат этишган. Уламоларнинг ҳаракати билан Бароқхон буйруғини бекор қилган, лекин шаҳар ҳунармандларига оғир мажбурият юклаган. Усталар кеча-кундуз мўғул қўшинлари учун қурол-яроғ ишлаб чиқариш билан шуғулланганлар<sup>2</sup>. Бу оғир аҳволда бўлган халқнинг аҳволини баттар ёмонлаштирган.

Маълумки, 1269 йилда мўғуллар тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган Талас қурултойи бўлиб ўтган. Йиғилишда ўзига мулк ажратиб беришни талаб қилган Бароқхонга Мовароуннаҳрнинг учдан икки қисми берилган. Жумладан, Самарқанд ҳам Бароқхоннинг мулки сифатида тасдиқланиб, унинг асосий даромад оладиган ўлкаларидан бирига айлантирилган<sup>3</sup>.

Мўғуллар давридаги Мовароуннаҳр шаҳарлари умумий кўри-нишини тасвирлаган яна бир сайёҳ Ибн Баттута ҳисобланади. У 28 йиллик саёҳати давомида мўғулларга тегишли бўлган кўплаб шаҳарларни айланиб чиққан ва улар ҳақида қимматли маълумотларни қолдирган. Чан Чун мўғуллар босқинининг дастлабки йиллари ҳақида маълумот берган бўлса, Ибн Баттута XIV асрнинг иккинчи чорагидаги, яъни мўғул истилосидан юз йил ўтгандан кейинги ҳаётни тасвирлаган.

Сайёҳ Самарқандга Тармаширинхон (1326 – 1334) даврида келади. У шаҳарни шундай таърифлайди: «Самарқанд жуда йирик ва ғоят гўзал шаҳарлардан биридир. У Водий ал-Қассарин<sup>4</sup> дарёсининг қирғоғида жойлашган. Дарё бўйлаб улкан саройлар ва бинолар қад кўтариб турибдики, улар Самарқанд аҳолисининг юксак маҳорат соҳиби эканлигидан далолат беради. Аммо мазкур бинолар эндиликда шаҳарнинг аксарият қисмлари каби харобага айланган. Уларнинг деворлари ҳам, дарвозалари ҳам йўқ. Шаҳар-

<sup>1</sup> XIII асрнинг 70-йилларидан то 1301 йилгача 30 йил давомида Чиғатой улусига қарашли ҳудудларни Чиғатой авлодлари билан биргаликда бошқарган ҳукмдор.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия... – С.582.

<sup>3</sup> Biran M. Qaidu and the Rise of the Independent Mongol State in Central Asia. – P.22.

<sup>4</sup> Бу ерда Ибн Баттута ҳозирги Зарафшон дарёсини назарда тутган бўлиши керак. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Тошкент, 1993. – Б.94.

нинг ичида боғлар бор. Аҳоли бошқа юрт вакиллариغا нисбатан дўстона муносабатда бўладилар. Самарқанддан ташқарида Қусам ибн Аббос ибн Абдул Мутталиб<sup>1</sup> қабри бор. Шаҳар аҳолиси душанба ва жума кунлари оқшом чоғи шу қабрни зиёрат қилиш учун бу ерга келадилар. Ҳатто мўғуллар ҳам бу ерга қабр зиёратига келиб, кўп пул садақа қиладилар ва ҳайвонларни қурбонлик келтирадилар»<sup>2</sup>. Ибн Баттутанинг юқоридаги маълумотларидан шундай хулосага келиш мумкинки, у бу ерга ташриф буюрганда мўғуллар босқинидан кейин орадан бир аср вақт ўтган бўлса ҳам, шаҳар ўзининг ўтмишдаги қиёфасини тиклай олмаган. У шаҳарни ғоят гўзал деб мўғулларгача бўлган даврдаги манбалардаги маълумотлардан келиб чиқиб айтган бўлиши мумкин. Лекин бу даврда мўғул ҳукмрон доиралари ва уларнинг қўл остидаги кўчманчи аҳолининг ислом динига эътиқод қилиб, мусулмонларга нисбатан муносабати ижобий томонга ўзгарганини сайёҳнинг зиёрат ҳақида келтирган далиллари исботлайди.

Сиёсий аҳамиятидан ташқари иқтисодий жиҳатдан ҳам шаҳар таянч вазифасини ўтаган. Шу билан бирга, иқтисодий ҳаётнинг асоси бўлган пул зарб қилиш борасида ҳам Самарқанд марказ ҳисобланган. Маълумки, мўғуллар даврида Ўрта Осиё шаҳарларида асосий пул муомаласи юпқа кумуш қатлами билан қопланган йирик мис тангалар (дирҳамлар) орқали амалга оширилган. Унинг қиймати иқтисодий ҳаётга мос келиши талаб қилинган. Шу муносабат билан 1225, 1226, 1232 йилларда Самарқандда пул зарб қилиш йўлга қўйилган<sup>3</sup>.

Мўғуллар даврида иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан савдо муносабатларини тартибга солиш хонлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Чиғатой улуси таркибига кирган ҳудудлар орасида Хоразм, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ҳам савдо марказлари сифатида алоҳида роль ўйнаган.

Бу даврда, Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Самарқандда ҳам ер эгалигида хусусий мулкчиликнинг тўрт хил шакли мавжуд бўлган. Булар девон, яъни давлат ерлари,

<sup>1</sup> Қусам Ибн Аббос ибн Абдул-Мутталиб машғур араб саркардаси (Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиваччаси) VII асрда Самарқандни эгаллаган. Қабри ҳозирги Шоҳи Зинда мақбараси мажмуаси – мозорида. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Б.94.

<sup>2</sup> Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Б.75.

<sup>3</sup> Давидович Е.А. Денежное хозяйство и частичное восстановление торговли в Средней Азии после монгольского нашествия XIII в. (по нумизматическим источникам) // Народы Азии и Африки. 1970. №6. – С.57.

инжу мулклар, вақф ерлари ва деҳқон хўжаликлари ҳисобланган. Катта ер мулкка эга бўлган заминдорларда ўз ерларидан маълум қисмини яқин одамларига ҳада қилиш одати кенг тарқалган. Масалан, йирик мулкни қўлга киритган ҳарбий амалдор мингбоши ўз мулкни ўнбошиларга тақсимлаб бериши мумкин бўлган. Меҳнаткаш аҳоли катта ер эгаларига, шу билан бирга, давлатнинг ўзига ҳам ҳар томонлама қарам бўлган. Деҳқонларнинг кам қисмигина ўз ерига эга бўлиб, қолгани ижарачи ва чоракор бўлиб хизмат қилган. Шаҳар аҳолисининг кўпчилигини мўғулларга қарам бўлган хунарманд оилалари ташкил қилган. Шунингдек, давлат хазинасига энг кўп солиқ тўлайдиган мустақил савдогар ва хунармандлар гуруҳлари ҳам мавжуд эди.

Мўғуллар босқини арафасида Самарқандда ўн саккизта маҳалла, саккизта катта кўча, иккита жоме масжиди, учта мадраса ва қўрғонида учта дарвоза бўлган.

Шаҳар Чингизийлар даврида Чиғатой улуси таркибига киритилган эди. Улус ҳукмдорлари яйлов чорвачилигига мойил бўлиб, шаҳар шароити уларга торлик қилар эди. Самарқанд мўғуллар даврида пойтахт бўлмаса- да, халқаро савдо йўлидаги муҳим шаҳар ҳисобланган. Чиғатой улуси икки қисмга бўлинганидан сўнг шаҳарни пойтахт қилишга уринишлар ҳам бўлган. Масалан, 1358 йилда Амир Қазағон ўлимидан кейин Амир Абдуллоҳ Самарқандга келиб, отасининг ўрнини эгаллаган. Дастлабки пайтларда Баёнқулихонни олдинги келишувга мувофиқ хонликка тайинлаб, тахтга ўтқазган. Отасининг даврида маълум муддат Самарқандда яшаганлиги сабабли ўша пайтда Чиғатой улусининг ғарбий қисми ҳисобланган Мовароуннаҳрда расмий хон бўлган Баёнқулихонни ҳам ўзи билан шу шаҳарга олиб кетган. Лекин орадан бир йил ўтгандан кейин бошланган феодал низолар туфайли давлат маъмурий жиҳатдан майда бекликларга бўлиниб кетган ва амир Абдуллоҳнинг Самарқандни пойтахт қилиш орзуси амалга ошмай қолган. Шаҳарда бу пайтда ясаурийлар ҳукмронлик қилган. XIV аср ўрталарига келиб Чиғатой улусида Самарқанднинг сиёсий мавқеи кучайиб борган. Бунини Мўғулистон хони Туғлуқ Темурнинг 1360 ва 1361 йилларда Мовароуннаҳрда бостириб келганда асосий эътиборни ушбу шаҳарга қаратганидан ҳам кўриш мумкин.

Шундай қилиб, Самарқанд узоқ йиллар давомида мўғулларнинг ўзаро кураш майдони, даромад оладиган асосий манбаи ҳисобланиб, тинимсиз талон-торож қилинган ва вайрон этил-

ган бўлса ҳам, ўзининг қулай географик ўрни ҳамда стратегик аҳамияти билан мўғуллар ҳукмронлигини тугатиб, Мовароуннаҳрни жаҳонга танитган ҳукмдор Амир Темур эътиборини ўзига торта олган. Амир Темур ва Темурийлар даврида йирик салтанатнинг пойтахтига айланган.

*Ж. Бердиев*

## **АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ**

Маълумки, Амир Темур давлати таркибига 27 мамлакат кирган. Соҳибқирон Осиё қитъасини ниҳоятда теран билган. У ҳар бир мамлакат ижтимоий ва иқтисодий тизимини тинмай кузатиб борар эди. «Амр қилдимки, – деб кўрсатилган «Тузуқлар»да, – мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюрар пиёдани (чопар) этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар сарҳадларининг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор- ҳол юз бермасдан бурун унинг чора ва иложи қилинсин»<sup>1</sup>. «Тузуқлар»да давлат аппарати масъул ходимларининг ишларини пухта олиб бориш уқтирилган... «вазирлар, девон котиблари ва муншийлар давлат девон хазинаси, сипоҳ ва раиятга ишларни тартибга солиб юритдилар. Салтанатим корхонасининг кириш ва чиқиш ишларига оид қисмларини тўла олиб бордилар. Ҳамиша мамлакатда тўкинчилик ва унинг ободлиги учун ҳаракат қилдилар»<sup>2</sup>.

«Темур тузуқлари»да иқтисодий қарашлар ва муносабатларга алоҳида аҳамият берилгани бежиз эмас. Амир Темурнинг иқтисодий қарашлари тизимида унинг салтанат пойдевори ҳақидаги фикрлари марказий ўрин тутаети. Бу ҳақда «Тузуқлар»да шундай келтирилган: «...салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим, салтанатим биносида учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида адо этдим»<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари / Таҳрир ҳайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ. Форсча матндан А.Соғуний ва Ҳ.Караматов тарж. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.139.

<sup>2</sup> Темур тузуқлари. – Б.92.

<sup>3</sup> Темур тузуқлари. – Б.79.

Ҳар бир давлат иқтисодиётида табиий ресурслар таркибида ер ресурслари муҳим ўрин тутди. Амир Темур ҳар бир туманни идора қилишда «мулки девоний» – давлат ерлари, «мулк ерлари» – хусусий ерлар, «мулки вақф» – вақф ерлари ва жамоа ерлари шакллари сақлаб қолиш билан бирга айрим ўзгаришлар киритган, ер майдонининг миқдори эгалик ҳуқуқини давлат манфаатларини кўзда тутиб ўзгартиришга ҳаракат қилган. Алоҳида хизмат кўрсатган лашкарбошилар, амалдорлар қариндошлар ва яқин кишиларга ер майдонларини суюрғол ва тархон сифатида инъом қилиб берган, бу орқали ўзига таянч бўлган ер эгалиги тизими мустақамланган ва мамлакатни идора қилишда янги имкониятлар яратган.

Амир Темур инсоннинг яшаши, ҳаёти учун моддий неъматлар ишлаб чиқариш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини яхши тушунар, табиий ресурсларни тайёр маҳсулотларга айлантиришда, умуман, ишлаб чиқаришда, бойлик яратишда меҳнатнинг ролига катта баҳо берган. «Тузуқлар»да кўрсатилганидек, деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб, унга ёрдам берилган, у бу ускуналарсиз бойлик яратиш мумкин эмаслигини билар эди.

Олийҳиммат Соҳибқирон ўз халқига мурувватли бўлиб, бемаврид, бўлар-бўлмасга мол-хирож каби солиқлар солишга қарши бўлган ва халқни бир неча йиллаб солиқлар тўлашдан озод қилган. Амир Темур даврида асосий солиқ даромад солиғи – хирож бўлиб, у олинадиган даромаднинг учдан бир қисмига тенг бўлган. «Тузуқлар»да ёзилишича, кимки бирон саҳрони обод қилса, ё кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ё бирон ташландиқ ерни обод қилса, ундан биринчи йили ҳеч нарса олинмаган, иккинчи йили ўз розилиги билан нимани берса, ўша олинган, фақат учинчи йили қонун доирасида хирож солиғи ундирилган.

Соҳибқирон мамлакат ободончилигига жуда катта эътибор берди. Мовароуннаҳрнинг деҳқончилик воҳалари – Самарқанд, Бухоро, хусусан, Зарафшон воҳасида ўнлаб суғориш тармоқлари чиқарилди, суғорма деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди. Темурийлар ҳукмронлик қилган даврда амалга оширилган энг йирик ишлардан бири Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан бош олувчи Дарғом каналининг қайта тикланиши бўлди. Шунингдек, Бухорода ҳам мўғуллар босқини оқибатида бутун-

лай вайрон этилган воҳа сув хўжалиги тўла тикланди. Унинг деҳқончилик ер майдони бирмунча кенгайиб, суғориладиган ерлар чегараси Урганжий дашти томон 5 – 6 км кириб борди.

Эски ва қадимий шаҳарлар, айниқса, Темур давлатининг пойтахти Самарқанд гуллаб-яшнади, бу ерда янги обод шаҳар ва қишлоқлар барпо этилди. Амир Темур ўз давлати пойтахти Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари: Димишқ (Дамашқ), Миср (Қоҳира), Бағдод, Султония ва Шероз номлари билан атади. Темурнинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди.

Тарихчи Ҳерман Вамберининг кўрсатишича, Темурнинг амри билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Ҳалабнинг машҳур пахта йигирувчилари, Анқаранинг мовутчилари, Туркия ва Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, саноатда қанча моҳир ишчилар бор бўлса, ҳаммаси Самарқандга кўчишган. Бу ерда четдан келган тўқувчилар томонидан тайёрланган гулдор чит ҳамда «Самарқанд ва Бухоро олачаси» каби газмоллар, айниқса, машҳур бўлган. Бу, шубҳасиз, Самарқандда тўқимачилик дастгоҳларию тўқиш санъатининг юксак даражада бўлганидан далолат беради.

Испания элчиси Рюи Гонсалес де Клавихонинг маълумотига кўра, Самарқандда 150 мингдан зиёд аҳоли яшаган<sup>1</sup>. Амир Темур мамлакат ободончилиги, аҳолининг иқтисодий турмуш тарзи ва мўл-кўлчиликни таъминлади. Клавихо ўзининг кундаликларида Зарафшон воҳасининг машҳур шаҳарлари ҳисобланган Самарқанд ва Бухоро ҳақида шундай деб ёзган эди: «Самарқанд шаҳри текисликда жойлашган бўлиб, атрофи тупроқ қалъа ва чуқур хандақ билан ўралган. Самарқанд Севилья шаҳридан хиёл каттароқдир. Тупроқ қалъадан ташқарида қурилган кўп уйлар шаҳар атрофидаги тураржойлар ҳисобланади. Бутун шаҳар атрофи баъзи жойлари бир ярим, баъзан икки лига масофага чўзилган боғлар ва тоқзорлар билан ўралган. Боғлар оралиғидаги кўча ва майдонларда аҳоли истиқомат қилади, нон, гўшт ва бошқа кўплаб нарсалар билан савдо қиладилар. Бу юрт (Самарқанд) дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, ҳар хил гўшт, қўйингки, ҳамма нарсага бой мамлакатдир. Қўйлари катта, сер-

---

<sup>1</sup> Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати. – Тошкент, 1994. – Б.48.

думба, жуда йирик қўйлар. Думбаси одам қўлида зўрға кўтарадиган даражада оғир – ярим пуд, яъни саккиз – ўн килограмм келадиган қўйлар бор. Бундай сердумба қўйлар шу қадар кўп ва арзон эдики, шоҳ лашкари Самарқандга йиғилиб келган кезларда бундай қўйлар бир жуфти бир дукат (тахминан 10 танга) турарди. Бошқа моллар ҳам шу қадар арзон эдики, бир ярим қоп арпанинг баҳоси ярим риал (тахминан бир мири) эди. Самарқанд ва унинг атрофидаги ерлар ҳайратомуз даражада мўл-қўл ва бой эди. Мана шундай бойлиги туфайли шаҳар Самарқанд деб аталади. Унинг ҳақиқий номи Семизкент, яъни бой қишлоқ демакдир. Самарқанд шу номдан келиб чиққан»<sup>1</sup>.

Клавихо Бухоро ҳақида қуйидагича ёзган эди: «Бояри (Бухоро) шаҳри кенг яланглиқда жойлашган бўлиб, атрофи сув тўлдирилган чуқур хандақдан иборат тупроқ қалъа билан ўралган эди. Шаҳарнинг бир четида қўрғон бўлиб, у ҳам лой девор билан қурилган эди. Чунки бу мамлакатда тўсиқ-девор қуриш учун тош йўқ. Қўрғон ёнидан дарё оқади. Мазкур шаҳар ёнида бир қишлоқ бўлиб, унда баланд бинолар қад кўтарган. Бухоро ғалла, гўшт, шароб ва бошқа ҳар хил нарсалар ва маҳсулотларга мўл шаҳар эди»<sup>2</sup>.

Амир Темур ўз эсдаликларида хориждан келтирилган ҳунармандлар, айниқса, бинокорларга етарли имконият туғдирганлигини кўрсатади. «Хунармандлардан эса, – деб кўрсатган эди Темур, – ҳар маконга бориб яхши ҳаёт кечурмоқлари учун ҳожатлари ижросида керакли бўлган моддий, маънавий ёрдамларимни аямас эдим. Уларга таъкидлаб ҳар жойда бўлса ҳам бемалол бахтли ҳаёт кечирмоқларининг орзуинда эканлигини билдирар эдим». Амир Темур ҳунармандчилик ва деҳқончиликда меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган интилишларини юксак баҳолар эди. «Тузуқлар»да кўрсатилганидек: «Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб кишига иш буюради»<sup>3</sup>.

Бу ерда меҳнат унумдорлиги, энг аввало, билим ва тажриба билан боғланганини Темур чуқур таҳлил қилган. Бу, айниқса, қишлоқ хўжалиги мисолидаги хулосаларда яққол кўзга ташланади. «Шаҳарни – Тошкандни, – деб ёзган эди Темур, – иккинчи

<sup>1</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар). – Тошкент, 2010. – Б.198 – 199.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 209.

<sup>3</sup> Темур тузуқлари. – Б.14.



марта қўлимга олгандан кейин етти йилгача бу ерларнинг ободончилигига киришдим. Сайхун ва Жайхун сувларидан деҳқонларини таъминладим. Кўпгина очилмаган ерларни очиб, зироат майдонларини кенгайтирдим. Зироатчиликка кўп эътибор бердимки, ҳар қандай ерни экинсиз қолдирмаслик чорасини кўрдим. Деҳқонлар ҳам мамнунлик билан бундан истифода этмоққа, маҳсулотларни кўпайтиришга кўнгил қўйди, натижада бир дона буғдой уруғидан икки юздан тўрт юз донагача ҳосил олмоқларига эришилди. Бунинг соясидан Мовароуннаҳр халқи ҳаёти фаровонлашиб, бой бўлиб кетди, маҳсулотга омборлар тўлиб кетганидан ўлтурадиган уйларига ҳам буғдой тўлдирмоққа мажбур бўлдилар. Ҳатто айрим жойларда ўз вақтида йиғиштириб олинмаган маҳсулот қор остида қолиб кетди».

Темур Қуръонда савдо-сотиққа аҳамият берилгани, минглаб туяларда карвонлар узоқ масофа йўл босиб инсонлар эҳтиёжини қондириш йўлида ойлаб сафарда бўлганини эътироф этар эди. Унинг фикрича, ҳар бир мамлакат ўз имкониятларига қараб ихтисослашади. Бир мамлакатда мавжуд маҳсулотлар иккинчи мамлакат учун янгилик, шу сабабли савдо бир мамлакат учун янгилик, шу сабабли савдони бир мамлакат миқёсида эмас, балки бир неча мамлакат миқёсида буюмни буюмга алмаштириш, товар-пул муносабатларида олтин, кумуш иштирокида амалга ошириш керак.

Савдо воситалари билан мамлакатлар ўртасида фақат иқтисодий алоқаларгина эмас, балки маданий алоқалар шаклланади, барча инсонлар фан, санъат, адабиёт янгиликларидан баҳраманд бўладилар. Савдо-сотиқ давлат хазинасининг муҳим даромад манбаларидан бирига айланди. Лекин бу улугвор интилиш бир аср давомида қароқчилар қаршилигига учраб келган. Шу сабабли Амир Темур ташқи савдонинг ёвуз душмани – қароқчилар билан курашишни ўзининг муҳим вазифаси деб билган. «Сармояси қўлдан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайта тиклаб олиш учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ, асбоб (меҳнат қуроли) тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар билан таъминлансин ва ёрдам берилсин»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. – Б.95.

Темур ўзидан илгари ўтган ҳукмдорлар қурби етмаган қуйидаги тадбирларни амалга оширди: 1. Агар хорижий савдогар молига ва шаҳарда ўғирлик содир бўлса, ҳоким жавоб беради. Ўғри топилмаса, доруғанинг қўли кесилиб, ўғрининг ўрнига ўзи жазоланади<sup>1</sup>. 2. Архиепископ Жоннинг ёзишича, агар Темурга тобе бирор мамлакатда бирор савдогарнинг мол-мулки ўғирланса, вилоят фуқаролари икки баробар хун тўлаганлар. Бундан ташқари, ҳар бир йўқолган мол-мулк учун Темур хазинасига беш баробар жарима ўтказилган<sup>2</sup>.

Бу тадбирлар катта ижобий натижа берди. Темурнинг айтишича, бир киши Анқарадан Самарқандга қимматбаҳо моллари билан жўнаса, улар ясовулсиз оддий юриш билан тинч-омон бора олар эди. Савдогарлар йўли Ҳиндистон, Хитой, Европа мамлакатлари, Россия, Сурия, Туркиягача чўзилган, уларда атторлик ва бошқа ипак газламалар, чинни буюмлар, қимматбаҳо тошлар, пўстинлар мавжуд бўлган. Бу замонда катта божхоналар барпо қилинган. Шундай божхоналар орасида Темур дарвозаси номли икки божхона тилга олинган, шулардан бири Кавказ тоғ тизмаларининг Каспийга туташган жойида Дарбанд божхонаси, иккинчиси Самарқанд билан Балх ўртасида, Шаҳрисабздан икки кунлик масофада жойлашган. Бу божхоналар ҳар йили жуда катта миқдорда даромад тўлаганлар.

Мазкур даромадлар ҳажм жиҳатидан ер солиғи билан тенглашган. Темур фақат ташқи бозор нархлари билан эмас, ички бозор нархлари билан ҳам қизиққан, уларни тартибга солишга ёрдам берган. У савдо-сотикқа фақат даромад манбаи сифатида қарамаган, балки халқаро миқёсда тинч-тотув яшашнинг шартларидан бири деб билган. Бошқарувнинг кейинги йилларида йирик Европа давлатларига йўллаган номалари бунга яққол мисол бўла олади.

Амир Темур иқтисодий қарашлари доирасида молия масалалари муҳим ўрин тутди. Дастлаб Соҳибқирон молия давлатнинг иқтисодий таянчи эканини чуқур мулоҳаза қилган. Молиявий тадбирларни амалга оширишда халқнинг иқтисодий аҳволини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга деб билган. «Тузуқлар»да ёзилганидек, «раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақлансинлар. Негаки раиятни хонавайрон қилиш дав-

<sup>1</sup> Шарқ юлдузи. 1995. №1 – 2.

<sup>2</sup> Хильде Хукхам. Властитель семи созвездий. – Ташкент, 1995. – С.165.

лат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳларнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради»<sup>1</sup>. Бу фикрлар молия фақат сипоҳларни сақлаш учун эмас, балки давлатнинг хилма-хил фаолияти билан боғланганини чуқур таҳлил қилганидан дарак беради.

*Т. Маҳмудов*

## **АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МОВАРОУННАҲРДАГИ ТАЪЛИМ ҲАҚИДА БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР**

Амир Темур ва Темурийлар даврида олий маълумот берадиган марказ вазифасини мадрасалар бажарган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда асосан давлат ва давлатманд шахсларнинг маблағларига қурилган кўплаб мадрасалар бор эди.

Маълумки, мусулмон оламида биринчи марта X асрда Бухорода қурилган мадрасада илоҳиёт билан бир қаторда дунёвий фанлар; фикҳ (қонуншунослик), мантиқ, риёзат (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат (фалакиёт), тиббиёт, тарих, география, адабиёт илми, илми аруз (шеъроят), араб тили, форс тили ва бошқа фанлар ҳам ўқитилган. Мадрасада энг етук мутахассислар дарс беришган. Уларга алоҳида иш ҳақи тўланар эди.

Мўғуллар босқини Марказий Осиёда равнақ топган фан тараққиётига чек қўйди. Амир Темур илм-фан, маданиятнинг янгидан гуркираб ривожланиши учун мустаҳкам замин яшаш кераклигини яхши англаган. Бунинг учун олий таълим муассасаларининг аввал мавжуд бўлганларини асраб-авайлашга, янгиларининг барпо этилишига катта эътибор қаратган.

Жумладан, Амир Темурдан илгари қурилган, яхши ўз фаолиятини давом эттираверган мадрасалардан бири Шаҳобия мадрасасидир. Нажмиддин Қутлуғ Темур Журжотияда (ҳозирги Урганч) мадрасани қурдирган. Ўзи эса 736/1335–1336 йили вафот этган ва шу мадрасада дафн этилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Темур тузуклари. – Б.143.

<sup>2</sup> Фасих Ахмад Ибн Джалал Муҳаммад ал-Хавафи. Муджмали фасихи / Перевод, примеч. и указ. Д.Ю. Юсуповой. – Ташкент, 1980. – С.59.

1404 йили Амир Темурнинг хотини Сароймулкхоним эридан рухсат олиб, ўз отаси Қазонхондан қолган маблағларга Самарқандда (Жомъе масжиди, бугунги кунда Бибихоним масжиди, бош пештоқининг рўпарасида) шундай мадраса қурдирган эдики, у ўз ҳашамади билан ўша даврдаги бошқа иншоотлардан ажралиб турар эди<sup>1</sup>. Унга ўз даврининг машҳур олимлари мударрислик қилганлар.

1413 йили Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мовароуннахр ҳукмдори бўлганидан кейин устози Қозизода Румийнинг (тахминан 1360 йилда Мармар денгизи жанубидаги Бурса шаҳрида туғилган) Самарқандга олиб келган ва у умрининг охиригача шу ерда яшаган.

Маълумки, Улуғбек Самарқандда қурдирган мадраса биноси<sup>2</sup> ва расадхонаси Қозизоданинг маслаҳатлари билан барпо этилган. Қозизода Улуғбек мадрасасида дарс берган, шу билан бирга, илмий иш билан шуғулланган, расадхона қурилишида маслаҳатлари билан қатнашган, битганидан кейин эса Улуғбек билан ёнма-ён кузатишлар олиб борган. У астрономия ва математикага оид бир неча асарлар яратган, айниқса, иккита асари катта шуҳрат қозонган.

У ўзидан илгари яшаган йирик олимларнинг асарларига шарҳлар, изоҳлар битган. Масалан, самарқандлик олим Шамсиддин ибн Муҳаммад ас-Самарқандийнинг (XIII) геометрик рисоласи – «Ашқол ат-таъсис»ига<sup>3</sup> изоҳлар берган. Унинг асари «Шарҳ ашқол ат-таъсис фи-л-ҳандаса», деб аталган. Бу асар Мовароуннахр мадрасаларида геометрия бўйича дарслик вазифасини ўтай оларди.

Қозизоданинг иккинчи асари – «Шарҳ ал-мулаххас фи-л-хаяли-л-нужум» («Астрономиянинг қисқа баёни»га шарҳ) хоразмлик олим Маҳмуд Ибн Умар ал-Чағминий (1220 йилда вафот этган) рисоласига ёзилган шарҳдир. Қозизода шу асар асосида Улуғбек мадрасасида астрономиядан дарс берарди. Асарнинг русча таржимаси амалга оширилган<sup>4</sup>. Мазкур асар кенг тарқалган бўлиб, дунёнинг кўпгина қўлёзма ҳазиналарида сақланиб келмоқда. Чағминийнинг асари эса ҳозирги кунда ЎЗР ФА

<sup>1</sup> Ўша жойда. – С.125.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – С.152.

<sup>3</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайин. Биринчи қисм / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев. – Тошкент, 2008. – Б.188.

<sup>4</sup> Казы Заде Руми. Комментарий на астрономию Чагменей. – Ташкент, 1993. – С.56.

Шарқшунослик институтининг хазинасида тўрт нусхада сақла-  
ниб келмоқда.

Самарқандда Улуғбек мадрасасида дарс берган ҳамда расадхо-  
на қурилишида фаол қатнашган мударрислардан бири самар-  
қандлик машхур олим Жамшид ибн Маъсуд ибн Маҳмуд ал-Ко-  
ший эди. Аслида, у Ироқи Ажамнинг Кошон шаҳридан дир.  
Самарқандга келгач, совға сифатида Улуғбек кутубхонасига тақ-  
дим этди.

Коший математика соҳасида анча салмоқли ютуқларга эриш-  
ди. Унинг математик рисолаларидан «Мифтаҳ ал-ҳисоб»  
(«Арфемитикага калит») ҳам Улуғбек кутубхонаси учун ёзил-  
ган. «Мифтоҳ ал-ҳисоб»га ёзилган муқаддимадан рисола Са-  
марқандда ёзилгани, яъни у Мовароуннаҳр илмий муҳитининг  
маҳсули эканини биламиз.

Коший кўпроқ ана шу асар юзасидан Улуғбек мадрасасида  
дарс берган. Кошийнинг «Мифтаҳ ал-ҳисоб» рисоласи беш ки-  
тобдан иборат бўлиб, биринчиси бутун сонлар арифметикасига,  
иккинчиси каср арифметикасига, учинчиси олтмишлик ҳисоб-  
лашга, тўртинчиси геометрик ўлчовларга ва бешинчиси алгеб-  
рага бағишланган. Кўриниб турибдики, ушбу рисоладан мадра-  
сада дарс бериш бежиз эмас. Кошийнинг ушбу маърузалари  
талабаларнинг арифметикани тўла-тўкис ўзлаштириб олиш-  
ларига имкон яратар эди.

Мирзо Улуғбекнинг энг садоқатли шогирди Аловиддин Али  
ибн Муҳаммад Қушчидир (1402 йилда туғилган). Гарчи у ёш  
бўлса- да, Улуғбек мадрасасида баъзи вақтларда мударрислик  
қилган. Расадхона қурилишида ва унда кузатишлар олиб бо-  
ришда Али Қушчи ўз устозига фидойиларча хизмат қилган.

Юқорида, биз Улуғбек астрономия мактабининг асосини  
ташкил этувчи Самарқанд олимларидан энг забардастлари  
номларинигина тилга олдик. Шубҳасиз, фаннинг асосий та-  
шаббускори ва ташкилотчиси Улуғбекнинг ўзи бўлган.

Ғиёсиддин Коший Самарқанддан ўз отасига йўллаган макту-  
бида Улуғбекни олим, зўр мударрис сифатида таърифлайди<sup>1</sup>.  
Унинг маълумотига кўра, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси илм-  
фаннинг нуфузли маркази бўлиб, унда Улуғбек риёзиётдан маъ-  
рузалар ўқир эди. Мактуб ёзилган пайтида (1420 йил ёки 1421 йил)  
Улуғбек 26 ёки 27 ёшда эди, у ўта изчиллик билан иш олиб борар

---

<sup>1</sup> Юсупова Д.Ю. Письмо Гияс ад-Дина Коши к своему отцу из Самарканда в Кошан // Из истории науки эпохи Улугбека. – Ташкент, 1979. – С.37 – 64.

эди. Бинобарин, мадрасада риёзиёт фани афзалроқ кўрилгани бежиз эмас эди<sup>1</sup>. Мактуб муаллифи Улуғбекнинг астрономия (фалакиёт) соҳасида ҳам фавқулодда қобилиятини қайд этиб, унинг «Тазкира» («Насириддиннинг хотираномалари»)дан ва «Тухфа» («Шарҳ тухфаси»)дан ўқиган ажойиб маърузаларини эслатиб ўтади. Коший Улуғбекнинг беқиёс хотираси ҳақида ёзаркан, у офтобнинг узунлигини даражалари ва дақиқаларигача бўлган аниқликда ёддан ҳисоблай олишини эслатиб ўтади.

Мадрасада вақти-вақти билан катта илмий кенгашлар бўлар эди. Уларда ўқишни эплолмайдиган талабани четлаштириш масаласи, кўпроқ турли мавзуларда баҳслар ўтказилар эди. Улуғбек ушбу мажлисларнинг ташаббускори ва фаол қатнашчиси эди. Мадрасада юқорида эслатилган мударрислардан ташқари жуда кўпчилик дарс берган, аммо уларнинг исми тарихий манбаларда сақланиб қолмаган. Гиёсиддан Кошийнинг Самарқандда барча фанлардан дарс берувчи энг машҳур олимлар ва мударрислар тўпланган, уларнинг кўпчилиги риёзиёт билан машғул деган сўзлари бунга яққол далилдир. Ўша даврларда Самарқандда Улуғбек қурдирган иккита мадрасадан ташқари Хоним, Қутбиддин Садр ва Муҳаммад Султон мадрасалари ҳам бор эди<sup>2</sup>.

Баъзи хонақоҳларда ҳам тингловчиларга маърузалар ўқилар эди. Сўзсиз, мударрислар, мадраса ва хонақоҳ тингловчилари кўпгина китобларни таҳрир қилар эди. Амир Темур ва Темурийлар саройларида бош кутубхоналар мавжуд эди. Уларда кўҳна дунё ва ўрта асрнинг ноёб асарлари сақланиб келган.

Самарқандда Амир Темур ва Улуғбек, Ҳиротда Шоҳрух Мирзо, Бойсунқур, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг кутубхоналари зиёлиларга хизмат қилган.

Маълумки, Алоуддин ал-Бухорий 850/1447 йили Абу Ханифа ан-Нўмон ибн Сабий ибн Зутанинг (159/767 йилда вафот этган) асарига ёзилган «Шарҳ ала-л-фиқҳ ал-Ақбар» («Катта фиқҳ»-га шарҳ)и<sup>3</sup> Улуғбекка бағишлаган) ёинки Абу Райҳон Берунийнинг (973 йилда туғилган) «Қонуни Масъудий» («Масъудий қонуни») асари Улуғбекнинг ўзига ва унинг атрофидаги

<sup>1</sup> Юсупова Д. Гиёсиддин Кошийнинг Самарқанддан Кошонга отасига ёзган мактуби. – Тошкент, 1979. – Б.278.

<sup>2</sup> Юсупова Д. Гиёсиддин Кошийнинг Самарқанддан Кошонга отасига ёзган мактуби... – Б.279 – 281.

<sup>3</sup> Мазкур асарнинг қўлёзмаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланиб келмоқда, инв. №4817.

олимлар учун доим керак бўлган<sup>1</sup>. Шубҳасиз, бу китоблар Улуғбек кутубхонасида бор эди. Улуғбек китобларга жуда қизиққан. Отаси Шохрухнинг Ҳиротдаги кутубхонасида янги китоб пайдо бўлганини эшитиши билан дарров ундан нусха олишга интиланган. Кўпчилик катта олимлар (масалан, Қозизода Румий, Коший ва бошқалар) ўз китобларини Улуғбек кутубхонасига бағишлаганлар. Ҳозирги кунда Улуғбек кутубхонасини тақдири аниқ эмас. Фикримизча, бир қисми Али Қушчи билан Истанбулга, бир қисми Россия кутубхонасига руслар томонидан олиб кетилган, кичкинагина қисми Ўзбекистон қўлёзма хазиналарида сақланиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Амир Темурнинг ўзи Мовароуннаҳрда фан, таълим ривожига катта ҳисса қўшган. У турли давлатлардан кўзга кўринган олимларни Самарқандга олиб келган, ижод учун яхши шароит яратиб берган. Бу анъанани набираси Мирзо Улуғбек давом эттирган ва тарихда ўчмас из қолдирган.

Б. Усмонов

## **САМАРҚАНД ҲУКМДОРИ АБУ САИД МИРЗО ВА МЎҒУЛИСТОН ХОНИ ЭСАН БУҒАХОН ЎРТАСИДАГИ ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАРНИНГ САНАЛАРИ ХУСУСИДА**

XV асрнинг ўрталарига келиб темурийлар ўртасида Самарқанд тахти учун кураш авж олди. Мирзо Улуғбек фожиасидан кейин Абдуллатиф ва Абдулло мирзонинг жуда қисқа муддат давомида ҳукмронлик қилганликлари ҳам айнан ушбу ўзаро курашнинг оқибати эди. Абу Саид мирзо Самарқанд тахтини қўлга киритган 1451 йилдан кейин ҳам мамлакатда сиёсий барқарорликка эришилмади. Бу ҳол мамлакатнинг шимоли ва шимоли-шарқидagi кўчманчиларнинг Мовароуннаҳрга босқин уюштириши учун қулай шароит яратиб берди. Бу даврда мазкур ҳудудга, жумладан, Фарғонага мўғул қабилаларининг босқинлари одатий ҳолга айланди.

Тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг гувоҳлик беришича, Мўғулистон хони Эсан Буғахоннинг Мовароуннаҳр юришлари Тошкент атрофларига уюштирилган босқиндан бошланди. Бу борада муар-

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. – Б.282.

рих қўйидагиларни ёзади: «У куч-қувватга эришгач, илк марта Сайрам, Туркистон ва Тошкандга юриш қилди. У тўсатдан ҳужум қилиб, бу жойларни тамоман вайрон қилиб қайтди. Бу ҳужум 855 (1451) йилдан илгари бўлган. Яна бир марта худди шу тахлит ўша жойларга ҳужум қилди»<sup>1</sup>.

Маълумки, 1450 йил 9 май кунини Абдуллатиф мирзо ўлдирилиб, Самарқанд тахтига Абдулло мирзо чиқарилган эди. Шундан сўнг Бухорода жойлашиб олган Абу Саид мирзо билан Абдулло мирзо ўртасида ўзаро кураш бошланиб кетди. Эсан Буғахоннинг дастлабки юриши айнан шу вақтга, яъни 1450 йилга тўғри келишини тахмин қилишимиз мумкин. Сабаби, 1450 йилнинг охирига келиб Ясси шаҳри Абу Саид мирзо томонидан забт этилади. 1451 йилнинг ёзига қадар Туркистон ва Тошкент вилоятлари икки темурийзода ўртасидаги кураш майдонига айланади. Эсан Буғахоннинг босқини 1450 йил охири ва 1451 йили бўлганида ушбу саналарда юз берган Туркистон ва Тошкент воқеаларини баён этган Абдураззоқ Самарқандий мўғул хони юришини ҳам тилга олган бўлар эди деб ўйлаймиз.

Мирзо Ҳайдар Эсан Буғахоннинг иккинчи юришини ҳам санасини аниқ ёзмадан, «Яна бир марта худди шу тахлит ўша жойларга ҳужум қилди» сўзлари билан чекланган. Демак, иккинчи босқин ҳам айнан шу ҳудудларда амалга оширилган. Мўғулистон хонининг ушбу юриши 1452 – 1454 йиллар орасида юз берганлиги ҳақида фараз қилишимиз мумкин. Мовароуннаҳрда 1452 – 1453 йилларда юз берган воқеалар тарихий манбаларда тилга олинмаган. 1454 йилнинг баҳорида эса Абу Саид мирзо Балх вилоятига юриш қилган. Бунинг натижасида Хуросон ҳукмдори Абулқосим Бобир мирзо шу йилнинг ёзида Самарқандга юриш қилиб келган ва уни қамал қилган.

Тарихий манбалар Абу Саид мирзонинг Эсан Буғахонга қарши жавоб юриши ҳақида ҳам маълумот беради. «Ўша даврда, – деб ёзади Мирзо Ҳайдар, – Мовароуннаҳрда Султон Абу Саид мирзо подшоҳ бўлган. У Эсан Буғахонни қувиб, Ёнгигача борди, бу жой тарихий китобларда Тороз дейилади. Мўғуллар жанг

---

<sup>1</sup> Мирзо Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой, примечания и указатели Р.П. Джалиловой и Л.М. Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996. – С.104; Мухаммад Хайдар Мирзо. Тарихи Рашидий / Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи ҳамда таржимонлар В. Раҳмонов ва Я. Эгамова. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б.142. «Тарихи Рашидий»нинг 2010 йилги ўзбек тилидаги наشري муаллифлари ҳижрий 855 йилни хато тарзда 1457 йил деб беришган.



қилмай қочишди, Султон Абу Саид мирзо ўз вилоятига қайтиб кетди»<sup>1</sup>.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳайдар мирзодан фарқли ўлароқ, Абу Саид мирзо ушбу юришида Мўғулистон ҳудудига бирмунча ичкари кириб борганини ҳамда Эсан Буғахон қўшинлари тор-мор келтирганини таъкидлайди. «Султон Абу Саид мирзо тахт олганда, – деб ёзади Бобур мирзо, – черик тортиб бориб Янгидан нари Испарада, Мўғулистонда Эсан Буғахонни яхши босди»<sup>2</sup>.

Афсуски, тарихий манбаларда бу юришнинг санаси аниқ берилмаган. Ўша вақтдаги юз берган воқеалардан келиб чиқиб бу масалада баъзи тахминларни илгари суриш мумкин. Бобур мирзонинг «Султон Абу Саид мирзо тахт олганда» деб қайд этишига қараганда, бу юриш 1452 – 1453 йилларда бўлиб ўтган бўлиши мумкин. Чунки Мўғулистонга қилинган ғолибона юришдан сўнг шимоли-шарқий чегаралардан хотиржам бўлган бўлса керакки, юқорида айтганимиздек, Абу Саид мирзо 1454 йили Балхга юриш бошлайди. Унда Эсан Буғахоннинг иккинчи босқини 1452 – 1453 йилларда юз бериб, Абу Саид мирзо унга қарши зудлик билан муваффақиятли чора кўрган бўлиб чиқади.

Иккинчи тахмин эса 1455 йилдир. Чунки шу йили Ўтрор ҳокими Пир Аҳмад тархон Султон Увайс мирзонинг номидан исён кўтаради. Шу йили Абу Саид мирзо ва унинг амирлари тўрт марта Ўтрорга юриш қилиб, тўртинчи юришда Ўтрорни ҳам эгаллайдилар. Абдураззоқ Самарқандий тўртинчи юриш вақтида исёнчилар баланд тоғларни ўзларига паноҳ қилиш учун чекка ҳудудларга қочганлари, лекин охир-оқибат таслим бўлганларини билдиради<sup>3</sup>. Балки, мана шу юришлар вақтида Ўтрорни қамал қилган Абу Саид мирзо унга чегарадош бўлган Мўғулистон ҳудудларига ҳам кириб бориб, мўғулларни тор-мор келтирган бўлиши мумкин.

Абу Саид мирзонинг Мўғулистонга қилинган ушбу ғолибона юриши ҳам Эсон Буғахоннинг талончилик юришларига чек қўя олмайди. Кўп ўтмай Абу Саид мирзонинг Мовароуннаҳрда йўқ-

<sup>1</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашидий... – С.104, 142.

<sup>2</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П. Шамшиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б.13.

<sup>3</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи тарих фанлари доктори А. Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.373.

лигидан фойдаланган Эсан Буғахон яна Темурийлар давлати ҳудудларига бостириб киради. Бу сафар мўғул қўшинлари Фарғона водийсига босқин уюштирадilar. Босқин кенг кўламда ва жуда шиддатли олиб борилди. Мўғул қўшинлари водийнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларига кириб бордилар. Босқинчиларнинг водийнинг шарқидан кириб келганини эътиборга оладиган бўлсак, уларнинг энг олдинги қисмлари водийнинг ғарбий чеккасидаги Конибодом қасабасигача етиб борганлиги ҳам талон-тарожнинг нақадар кенг кўламда бўлганидан далолатдир. Босқинчилар мустаҳкамланмаган қишлоқ ва майда қўрғонларни талон-торож қилиш билан чекланмай, йирик шаҳар ва қалъаларни штурм билан эгаллашга ҳам журъат этдилар. Энг асосий жанглар Андижон шаҳри учун олиб борилди. Бу вақтда Андижон шаҳри ҳокими бўлган Али Кучак шаҳар мудофаасини етарлича мустаҳкамлашга эришган эди. Эсан Буғахоннинг кўп сонли лашкари Андижон шаҳрини ўраб олиб, лаҳм қазииш йўли билан қалъа деворларини қулатишга эришадилар. Натижада шиддатли жанглардан сўнг ташқи қалъа ва ундаги шаҳар маҳаллалари босқинчилар қўлига ўтади. Аркни ўз қўлида сақлаб қолиб курашни давом эттирган Мирзо Али Кучак кўп сафдошларининг ҳалок бўлгани, баъзиларининг эса мўғулларга таслим бўлгани сабабли сулҳ тузишга мажбур бўлган. Эсан Буғахоннинг ушбу босқинчилик юриши бутун даҳшати билан тарихчи Мирзо Ҳайдар томонидан батафсил ёритилган. «Абу Саид мирзо Хуросонни эгаллаб, ўша ёққа кетгач, Эсан Буғахон Андижонга жўнади. Ўша пайтда Абу Саид мирзо томонидан Мирзо Али Кучак Андижон ҳокими этиб тайинланган ва у Андижон қалъасини мустаҳкамлаб олган эди. Хоннинг лашкари шу қадар кўп эдики, Андижон қалъасини уч қатор ўраб олиб, ҳамма томондан лаҳм қазиишди. Улар ташқи қалъани эгаллади. Аркда Мирзо Али Кучак ёлғиз қолди. Охир-оқибат тухфаю тортиқлар қилиб, сулҳ тузишга мажбур бўлди. Хон Андижоннинг бутун аҳолисини асирга тушириб, ўзи билан олиб кетди. Ўша асирга олинганларнинг авлодлари ҳозир ҳам Қошғар ва Мўғулистонда истиқомат қилишади»<sup>1</sup>.

Эсан Буғахоннинг ушбу юришида Мўғулистоннинг деярли барча ҳарбий кучлари иштирок этганини босқиннинг кўламидан ҳам тахмин қилиш мумкин. Яна бир эътиборга молик то-

---

<sup>1</sup> Мирзо Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашидий... – С.104, 142.

мони, кўп ҳолларда хонни ҳам тан олмаган ва мўғул амирлари орасида энг кучлиси бўлган Қошғар ҳокими Амир Саид Али ҳам бу юришда иштирок этган бўлса керакки, асирларнинг катта қисми Қошғарга олиб кетилган.

Бобур мирзо Эсан Буғахоннинг ушбу юришини Абу Саид мирзо тахтга чиқмасдан аввал бўлиб ўтган деб ҳисоблайди. «Бобурнома»да бу воқеалар қуйидагича ҳикоя этилган: «Улуғбек мирзонинг ва ўғулларининг ғавғосида Эсан Буғахон фурсат топиб келиб, Фарғона вилоятини Кандибадомгача чопиб, келиб Андижонни олиб, элини тамом асир қилди»<sup>1</sup>.

Аслида, бу воқеа қачон бўлиб ўтган? Бу ҳақда тарихий адабиётларда аниқ бир фикр берилмаган.

1457 йили Абу Саид мирзо Мирзо Абулқосим Бобурнинг вафот этиши натижасида Хуросонда бошланган ўзаро низолардан фойдаланиб Хуросонни забт этиш мақсадида юриш бошлайди. Эсан Буғахоннинг Фарғона водийсига юриш қилиши айни шу йилга тўғри келса керак. Чунки Мирзо Ҳайдар бу вақтда Абу Саид мирзонинг Хуросонда бўлганини таъкидлайди. Мўғулларнинг Фарғона водийсида бу қадар эркин ҳаракат қилиши ва Андижон қалъасини штурм билан эгаллаши, водийга амалда ҳеч қандай ёрдамчи ҳарбий кучларнинг етиб келмагани Абу Саид мирзонинг Мовароуннаҳрда бўлмаганидан далолат беради.

Шунингдек, 1457 йили Ҳиротни забт этган Абу Саид мирзо, Абдураззоқ Самарқандийнинг таъкидлашича, кутилмаганда 40 кун ўтгач (1457 йил 18 июль – 1457 йил 30 август) Балх ва Мовароуннаҳрдаги нохуш воқеалар сабабли пойтахтни ташлаб, Балх шаҳри томон йўлга чиқади<sup>2</sup>. Абдураззоқ Самарқандий Балхдаги нохуш воқеаларни Мирзо Улуғбекнинг набиралари Муҳаммад Жўкий ва Аҳмад мирзонинг исёнлари билан изоҳлайди. Бу исён тез орада бостирилади. Аҳмад мирзо қатл этилган бўлса, Муҳаммад Жўкий мирзо қочиб қутулади. Лекин Абдураззоқ Самарқандий ҳам Мовароуннаҳрдаги нохуш воқеалар нимадан иборат эканлиги ҳақида ҳеч нарса демайди<sup>3</sup>. Бизнингча, муаррих Мовароуннаҳрдаги нохуш воқеалар деганда айнан Эсан Буғахоннинг Фарғона водийсига қилган юришини назарда тутган бўлса керак.

Шунингдек, 1457 йили мўғулларга қўшни бўлиб яшаган ва кўпинча уларнинг душмани бўлган қалмоқлар кўчманчи ўзбек-

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома... – Б.13.

<sup>2</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн... – Б.426.

<sup>3</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн... – Б.427.

лар улусига бостириб киришади. Сиғноқ атрофидаги Нуртўқай деган жойда кўчманчи ўзбекларни тор-мор этган қалмоқлар Ясси, Тошкент ва Шохрухия атрофларини талон-торож қилиб ўз юртларига қайтиб кетадилар<sup>1</sup>. Кўчманчи ўзбеклар ва қалмоқлар ўртасидаги уруш ҳам Эсан Буғахонга Фарғона водийсига катта қўшин билан бостириб киришига имкон яратган. Яна бир қизиқарли томони шундаки, Эсан Буғахон аввал икки марта Мовароуннаҳрга бостириб кирганда асосан Туркистон, Тошкент ва Сайрам атрофларини талон-торож қилган, Фарғона водийсига эса кўпинча унинг амирлари бостириб кирган эди. Бу сафар Туркистон, Сайрам ва Тошкент атрофларининг қалмоқлар ҳужумига учраганлиги сабабли ҳам Эсан Буғахон барча кучлари билан Фарғона водийсига бостириб кирган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Эсан Буғахоннинг Мовароуннаҳрга қилган ҳарбий босқинлари санасини қуйидагича белгилаш мумкин:

Биринчи юриш Абу Саид мирзо Самарқанд тахтини эгалламасдан аввал 1450 йили юз берган ва Тошкент, Сайрам вилоятлари талон-торож қилинган.

Иккинчи юриш Абу Саид мирзо ҳукмронлигининг дастлабли йиллари – 1452 ёки 1453 йили амалга оширилган, бу сафар ҳам Сайрам, Туркистон ва Тошкент вилоятлари жабр кўрган. Бунга жавобан Абу Саид мирзо Мўғулистонга юриш қилиб, мўғулларни то Ашпарагача қувиб борган.

Учинчи юриш 1457 йили бўлиб ўтган ва Фарғона водийси талон-торож қилинган.

Абу Саид мирзонинг ягона жавоб юриши эса 1452 – 1453 ёки 1455 йилларда бўлиб ўтган.

Абу Саид мирзо Эсан Буғахоннинг учинчи юришидан сўнг Мўғулистон бўйича ўз ташқи сиёсатини ўзгартирди. У Мўғулистон тахтининг меросхўрларидан бири Юнусхонни Шероздан олиб келди. Абу Саид мирзо томонидан қўллаб-қувватланган Юнусхон кейинчалик Мўғулистон тахтини эгаллади. Бу эса Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий ҳудудларида ҳам сиёсий ва ҳарбий вазиятнинг барқарорлашувига олиб келди.

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Б. Кўчманчи ўзбеклар давлати // Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.77; Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. – Фрунзе: Киргизгосиздат, 1943. – С.74.

**ШАЙБОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ  
ДАВРИДА САМАРҚАНД БОШҚАРУВИГА  
ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР**

Муҳаммад Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳр, хусусан, Самарқандни эгаллаши билан боғлиқ ўзига хослик мавжуд бўлиб, буни босқинчилик ва талончиликдан холи ҳарбий-сиёсий жараён дейиш мумкин. Чунки Муҳаммад Шайбоний ва унинг укаси Маҳмуд султон сиёсат майдонига чиққунга қадар Мовароуннаҳрда бўлди, бу ерда ўқиди, темурийлар хизматида бўлди ҳамда Самарқанд ва Бухорога меҳр қўйди. У Дашти Қипчоқда бобоси ҳокимиятини қайтариб олгандан кейин темурийлар имкониятларини чамалаган ҳолда Мовароуннаҳрга юриш қилди. Бу ҳудудни эгаллашда асосий эътиборни Самарқандга қаратди. Шайбонийхон Самарқандни икки бор эгаллади. Самарқанднинг илк бор эгалланиши жангсиз бўлган бўлса-да, Шайбонийхон шаҳарни талон-торож ва вайрон этишга йўл қўймайди. Чунки Шайбонийхон Мовароуннаҳрга талон-торож, бойлик тўплаш мақсадида эмас, балки бу ерда қолиб, янги бир давлатга асос солгани келган эди (Бобурнинг Ҳиндистонга боргани каби). Бу ҳақда Муҳаммадиёр ибн Араб қатаган ўзининг «Мусаххир ал-билод» асарида шундай ҳикоя қилади: «Муҳаммадхон Шайбонийнинг ўзи ёнида олиб келган дашти қипчоқлик ўзбек султонлари, амирлари ва аскарлари тартиб-интизоми ва нафсини тийиб туришларига унчалик ишончи йўқ эди. ... Ўзбакия аскарлари (*Дашти Қипчоқ аҳолиси назарда тутилган*) тартиб-интизомда бўшлиги, бўйсунуш қоидаларига риоясизлиги билан одобли, урушда ўлжага ташланишдан ўзини тиядиган мовароуннаҳрлик Чиғатой лашкари дастуридан фарқ қиларди. Шу сабабли Шайбонийхон ўзбек лашкарини шаҳар ичкарасига қўйиб юборишдан тийинди. Ўзининг яқин амирларидан саналган Жонвафобийни Самарқанд шаҳрининг доруғаси этиб тайинлади. Амир Жонвафо эса ... шаҳарга кириб, дарвозаларни бекитишди ва зафарга ёр аскардан ҳеч бирини хон ва доруға рухсатисиз ичкарига қўйишмади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаган. Мусаххир ал-Билод / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи И. Бекжонов, Д. Сангилова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б.71 – 72.

Муҳаммад Шайбоний Самарқанднинг тинч аҳолиси моли ва жонини сақлаб қолиб, асосан, юқори табақа вакиллари, темурийлар даврида давлат ва жамиятнинг юқори поғоналарида хизмат қилиб, мол-мулкка эга бўлган амалдорлар ҳамда айрим дин уламоларининг мулкани рўйхатга олдириб, ўз лашкарбошиларига тақсимлаб берди. Бунинг натижасида шаҳарнинг юқори табақа вакиллари ва дин уламолари Самарқандни темурийларга олиб бериб, Шайбонийхонни бу ердан ҳайдаб чиқариш режасини тузади. Улар Фарғона ҳукмдори Заҳириддин Муҳаммад Бобурга мактуб йўллаб, Самарқандни ишғол қилишга даъват этадилар. Бобур қўшинлари билан Самарқандга етиб келгач, унга пешвоз чиқиб, шаҳар дарвозалари очиб берилади. Шайбонийхоннинг шаҳар ҳимояси учун қолдирган 500 га яқин аскарлари қириб ташланди<sup>1</sup>. Шайбонийхон Бухорога чекинади. Қисқа вақт ичида Самарқанднинг барча туманлари, Қарши ва Ғузор шаҳарларида Бобур ҳукмронлиги эътироф этилади. Аммо шаҳарда озик-овқат захиралари тугаб, очарчилик бошланган эди. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч билан яна Самарқандга юриш бошлайди. 1501 йил апрель ойида Зарафшон яқинидаги Сарипул қишлоғида Бобур ва Шайбонийхон ўртасидаги жангда Бобур мағлубиятга учрайди. Шу тариқа Шайбонийхон Самарқандни иккинчи маротаба эгаллайди. Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари яна Шайбонийхон тасарруфига ўтади.

Шайбонийхоннинг Ўрта Осиёга ҳарбий юриши, айниқса, ўзбек султонларининг Зарафшон водийсида тож-тахт учун олиб борган ўзаро урушлари оқибатида экин далалари ва боғ-роғларнинг поймол этилиши, бунинг устига, ҳарбий харажатларнинг ўрнини қоплаш учун аҳолидан ундириб олинган солиқларнинг кўпайиши, шубҳасиз, мамлакат иқтисодига ва унинг асоси бўлган суғорма деҳқончилик хўжалигига маълум даражада путур етказган эди.

Юқорида айтилгани каби, Муҳаммад Шайбонийхоннинг мақсади Мовароуннаҳрни бирлаштириб, Самарқанд атрофида марказлашган давлатни ташкил этиш, Амир Темур салтанати мавқеини қайта тиклаш эди. Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» асарида келтирилишича, ўша даврларда мамлакатда тинчлик ва осойишталик йўқолиб кетгани, солиқларнинг кўплигидан халқнинг аҳоли оғирлашиб қолган

---

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б.78.

ва Самарқанд вилояти аҳолисининг бир қисми ўз мулклари, ерларини ташлаб бошқа жойларга кўчиб кетган<sup>1</sup>. Натижада жуда кўп ерларга экин экилмай, улар бўш қолиб, ер солиғидан давлат хазинасига тушадиган даромад миқдори кескин қисқарган. Мавжуд ҳолатни ўнглаш бўйича ҳамда ер-сув, солиқ масалаларини тартибга солиш мақсадида Шайбонийхон Самарқанд яқинида Конигил манзилида қонуншунос олимларни тўплаб, махсус кенгаш ўтказган. Кенгашда қирғинбарот урушлар, солиқларнинг оғирлиги ва амалдорларнинг зулмидан ер-сувларини ташлаб кетган мулкдорларнинг ерларини ишга солиш масаласи муҳокама қилиниб, бундай ер-сувларни подшоҳ тасарруфига топшириш, ер эгалари қайтиб келгач, уларга ўз мулк ерларини қайтариб бериш, ердан давлат фойдалангани учун хазинадан маълум ҳақ тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган<sup>2</sup>.

1502 йилда Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Зарафшон дарёсининг Оқдарё ва Қорадарёга ажралган қисмига сувайирғич кўприк қурилган. XVI аср муаррихларидан Камолиддин Биноийнинг ёзишича, 908 ҳижрий йилда<sup>3</sup> Шайбонийхон Бухородан Самарқандга қайтар экан, шаҳарга кириш олдидан лашкарлари билан Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг ўнг соҳилига тушган. Афтидан, Чўпонота яқинида Зарафшон дарёси устига қурилган қадимги кўприк бузилиб кетган бўлса керак, Зарафшондан ўтиш ниҳоятда мушкул бўлган. Бу аҳволни кўрган Шайбонийхон давлатнинг олий мансабдорларидан бири – меҳтари олийга янгидан кўприк қуриш тўғрисида фармон берган. Қурилишга унинг барча лашкари сафарбар этилган. Бу ишнинг тепасида турган Шайбонийхон Самарқанддан муҳандислар (лойиха тузувчи меъморлар) чақиртирган. Муҳандислар дарёни боғлаш йўлини белгилаб, унга қуриладиган иншоотнинг тарҳини чизиб берган бўлсалар керакки, тўғон ўрнатилиб, дарё боғлангач, бир ой мобайнида кўприк қуриб битказилган<sup>4</sup>.

Шайбонийхон бу шаҳарга алоҳида эҳтиром билан қаради ва уни ўз давлатининг пойтахти этиб белгилади. Манбаларни таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келинадики, XVI аср–

<sup>1</sup> Фазлаллах ибн Рузбехон Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя) / Перевод, предисловие и примечания Р.П. Джалиловой. – Москва: Наука, 1976. – С.151 – 152.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – С.153.

<sup>3</sup> \* 1502 йил.

<sup>4</sup> Биноий К. Шайбонийнома // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. XVI – XIX асрлар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. – Б.11 – 12.

нинг дастлабки ўн йилида, яъни 1501 йилдан то 1509 йилга қадар Муҳаммад Шайбоний қайси ҳудудда ҳарбий ҳаракатда бўлмасин, албатта, Самарқандга келиб қишлаган. Бу шаҳар, яъни пойтахт бошқарувини ўзининг энг суюкли ўғли ва валиаҳди Темур султонга топширган<sup>1</sup>.

Шайбоний ҳукмдорларининг ўз суюрғол мулклари мавжуд бўлиб, мулк эгалари чингизий ёки ўзбек уруғ-аймоқлари удумига кўра ягона шахсга бўйсунити шарт эди. Мазкур шахс оила, хонадон бошлиғи, насл-насаб занжирининг бошида турган ёши улуғ, обрўли, жасур ва тажрибали киши бўлиши назарда тутилган. Давлат бошқарувида оилавий тамойил етакчилик қилди. Мовароуннаҳрнинг вилоятлари ва туманлари шайбонийлар насл-насабига мансуб хонадон аъзоларига бўлиб берилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, XVI аср давомида Самарқанд Абулхайрхоннинг тўртта ўғли авлодлари томонидан бошқарилди. Яъни 1500 – 1510 йилларда Шоҳ Будоғ авлодлари (Шайбонийхон), 1512 – 1552 ва 1556 – 1572 йилларда Кучкинчихон авлодлари, 1552 – 1556 йилларда Суюнчхожа авлодлари (фақат Наврўз Аҳмадхон), 1578 – 1598 йилларда Хўжа Муҳаммад султон (Абдуллахон шу сулола давомчиси сифатида эътироф этилади. Абулхайрхон – Жонибек султон – Искандархон – Абдуллахон) Самарқандни бошқариш имкониятига эга бўлди. Шу жиҳатдан шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Самарқанд вилояти бошқарувини хусусиятига қараб нисбий равишда уч даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр, 1500 – 1541 йилларда шаҳар Мовароуннаҳрнинг маркази, Шайбонийлар давлатининг пойтахти бўлган; иккинчиси, 1541 – 1578 йилларда Самарқанд ўзига туташ ҳудудлар билан мустақил хонлик эди; учинчиси, 1578 – 1598 йилларда Бухоро хонлиги таркибидаги йирик, лекин сиёсий марказ мақомига эга бўлмаган вилоят мавқеида эди.

Шайбонийлар анъанаси бўйича вилоятларни тақсимлаш олий ҳукмдор ваколатигагина тааллуқли бўлиб, у бу тақсимотни амалга оширишда ўзининг энг яқин одамлари манфаатини юқори қўйган<sup>2</sup>. Чунки мамлакатнинг тинчлиги, марказий ҳокимиятнинг мустақамлиги маҳаллий ҳокимларнинг ишончлилиги ва содиқлигига боғлиқ бўлган. Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳр ҳудудини эгаллаб (1504 йилга келиб), мамлакат вилоятларини ўз сулоласининг йирик намояндаларига бўлиб

<sup>1</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. – Б.127.

<sup>2</sup> Carter Vaughn Findley. The Turks in world history. Oxford University press. 2005. – P.104.



берди. Чунончи, Туркистон Кучкунчихон султонга (1512 – 1529), Тошкент ва Шохрухия унинг укаси Суюнчхожа султонга (ваф. 1525 й.), Бухоро Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд султонга (1454 – 1505), Ахси ва Андижон Жонибек султонга (ваф. 1529 й.), Самарқанд Муҳаммад Шайбонийхоннинг амакиваччалари Аҳмад султонга (ваф. 1510 й.), Ҳисор ва унга туташ ҳудудлар Ҳамза султон (ваф. 1511 й.) ва унинг укаси Маҳдий султонга (ваф. 1511 й.), Термиз Саид Муҳаммад султонга (ваф. 1510 й.) берилган<sup>1</sup>.

Дастлабки даврда (1500 – 1541) Самарқанд бошқарувининг асосий хусусияти шундаки, у пойтахт сифатида хон тахтга ўтқазиладиган жой ҳисобланган. Бу ерда хон шарафига хутба ўқи-тилган ва пул зарб этилган.

Ҳофиз Таниш Бухорий (1549 – 1637)нинг маълумот беришича, йирик ҳудудлар ишончли шайбоний султонларнинг энг зийрак ва тадбиркор, шу билан бирга, сиёсий жараёнларда машҳур бўлган вакилларига берилган. Самарқанд бошқарувининг султонларга берилиши ҳам шу мезон асосида бўлди дейиш мумкин. Чунончи, Самарқанд 1511 йилга қадар (Бобур томонидан эгаллаб олингунча) Муҳаммад Шайбонийхоннинг тўнғич ўғли Темур султон ҳукми остида эди<sup>2</sup>. Муҳаммад Шайбоний 1510 йили Марв яқинидаги Маҳмудобод мавзесидаги жангда ҳалок бўлгач, шайбонийларда икки йил давомида расман олий ҳукмдор бўлмаса-да, бошқарув амалда Жонибек султон ва Убайдулла султон қўлида эди. Хусусан, 1512 йили шайбоний султонлар йиғилиб, ёши улуғ ҳарбий йўлбошчи бўлган Жонибек султонга ҳудудларни қайта тақсимлаш вазифасини топширган<sup>3</sup>. Унга кўра, Самарқанд ҳудуди Кўчкунчи султон (1452 – 1529) ва Шайбонийхоннинг катта ўғли Муҳаммад Темурга (ваф. 1514) берилди<sup>4</sup>. Мовароуннахрнинг олий ҳукмдори сифатида Кўчкунчихон эълон қилинди. Олий ҳукмдорликнинг унга берилишида шайбоний султонлар (Жонибек ва Убайдулла султон) ёш жиҳатдан энг катта бўлишидан ташқари яна икки жиҳатга аҳамият берилган бўлиши, эҳтимол. Биринчидан, Кўчкунчихоннинг ота томондан чингизийларга мансублиги сабаб тахтга даъво қиладиган

<sup>1</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. Биринчи китоб / Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.57.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б.57.

<sup>3</sup> \* У ёш жиҳатидан Кўчкунчи ва Суюнчхожахондан кейин учинчи ўринда турса-да, ҳарбий-сиёсий жараёнларда етакчи мавқега эга бўлган.

<sup>4</sup> Муҳамадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод... – Б.136.

қонуний асоси бўлса, она томондан темурийлар сулоласининг Мовароуннахр ҳукмдорларига уланиши (Улуғбекнинг қизи Робия султонбегимдан туғилган) мамлакат ҳукмдорлигига тўла ҳақлилигини англатар эди. Иккинчидан, Кўчкунчихон соддадил ва давлат бошқарувига иштиёқи ҳамда лаёқати юқори бўлмаган шахс бўлган<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан Жонибек султон ва Убайдулла султоннинг амалдаги ҳокимиятига халал бера олмаслиги султонлар учун айни муддао эди.

1529 йили Кўчкунчихон вафот этгач, амалдаги ҳокимият эгаси бўлган Убайдуллахон ибн Маҳмуд султон (1487 – 1540) хоннинг катта ўғли Абу Саидхон (1530 – 1533)ни Мовароуннахр ҳукмдори сифатида тахтга кўтаради. У Самарқандда турган ва шу ердан мамлакатни бошқарган. Мазкур хон даври Самарқандда икки йилдан ортиқроқ вақт ҳукмронлик қилган, унинг номидан тангалар зарб этилган<sup>2</sup>. Унинг вафотидан кейин Бухоро ҳокими Убайдуллахон Самарқандга келиб, ўша пайтдаги ёши энг катта шахзода, Кўчкунчихоннинг иккинчи ўғли Абдуллахон (1540)ни тахтга кўтаради<sup>3</sup>.

Шайбонийларнинг Самарқанд бошқарувидаги иккинчи давр (1541 – 1578) қисқа муддат ҳукмронлик қилган Абдуллахон ибн Кўчкунчихон (Абдуллахон I) вафотидан кейин бошланди (1540). Яъни мамлакатда қўшҳокимиятчилик юзага келди ва Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазиз (1541 – 1551) Бухорода, вафот этган хон – Абдуллахон ибн Кучкинчихон (1540 – 1541)нинг укаси Абдуллатиф султон Самарқандда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб олди. XVI асрнинг 50-йилларидан бошлаб сиёсий курашнинг янада кучайиши натижасида Самарқандда Кучкунчихон авлодлари (1541 – 1578), Бухорода Убайдуллахон авлодлари (1541 – 1552), Тошкентда Суюнчхожа султон авлодлари (1540 – 1583), Кармана ва Миёнқолда Жонибек султон авлодлари (1512 – 1598) мустақил равишда ҳукмронлик қила бошлаган. Кейинчалик, 1557 йили Абдуллахон ибн Искандархон томонидан мамлакат пойтахти Бухоронинг эгалланиши натижасида Шайбонийлар давлатининг марказлашуви жараёни қайтадан бошланди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Муҳамадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод... – Б.154.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 142-б.

<sup>4</sup> История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.). Тошкент: Фан, 2012. 39-40-бетлар.

## Бухоро хонлигининг марказлашуви

Бухоро	Самарқанд	Тошкент
Маҳмуд султон (1501 – 1505)	<b>Кучкунчихон</b> ибн Абулхайрхон (1501 – 1530; 1512 йилдан олий ҳукмдор)	Суюнчхожа ибн Абулхайрхон (1503 – 1525)
<b>Убайдуллахон</b> ибн Маҳмуд султон (1505 – 1540; 1533 йилдан олий ҳукмдор)	<b>Абу Саидхон</b> ибн Кучкунчихон (1530 – 1533)	Келди Муҳаммад ибн Суюнчхожа (1525 – 1532)
<b>Абдулазизхон</b> (1540 – 1550)	<b>Абдулатифхон</b> ибн Кучкунчихон (1533 – 1552; 1540 йилдан Абдулазизхон билан қўшхокимликда олий ҳукмдор)	<b>Наврўз Аҳмадхон</b> ибн Суюнчхожа (1532 – 1556; 1552 йиллар олий ҳукмдор)
Муҳаммадиёр ибн Суюнч Муҳаммад ибн Шайбонийхон (1550 – 1554)	<b>Абдуллахон</b> (I) ибн Кучкунчихон 1540 йил февраль – октябрь)	Дарвеш султон (1556 – 1579). Бобо султон (1556 – 1579, 1583). Ака-укалар ўртасида ҳокимият талаш даври.
Бурҳон султон ибн Муҳаммад Раҳим султон ибн Убайдуллахон (1550 – 1557). Муҳаммадиёр ва Бурҳон султонлар қўшхокимликда	<b>Наврўз Аҳмадхон</b> ибн Суюнчхожа (1552 – 1556)	
	Султон Саид султон ибн Абу Саидхон (1557 – 1572)	
	Жавонмардалихон ибн Абу Саидхон (1572 – 1578)	
<b>Абдуллахон ибн Искандархон</b> (Бухоро хонлиги)		
Бухоро 1557 йилда бўйсундирилиб, амалкиси <b>Пирмуҳаммадхонга</b> топширилди.	Самарқанд 1578 йил бўйсундирилиб, укаси Ибодулла султон ҳоким этиб тайинланди.	Тошкент 1583 йили бўйсундирилиб, укаси Дўстим султон ҳоким этиб тайинланди.

Абдулатифхон Самарқандда тўла мустақил равишда ҳукмронлик қила бошлаган даврда Мовароуннаҳрда яна иккита мустақил Шайбонийлар давлати – Тошкент ва Бухоро хонликлари мавжуд эди. Абдулатифхон 1550 йил вафот этгач, марҳум хоннинг жияни, Абу Саидхоннинг катта ўғли Султон Саид султон

тахтга чиқди. Унинг ҳокимиятини мустаҳкамлашга кўзбекистон Миллий архивиклашган Тошкент хони Наврўз Аҳмадхон (1525 – 1556 йилларда Тошкент хони) 1552 йили Самарқандни эгаллаб, уни ўз мулкига қўшиб олди, Кўчкунчихон авлодларига шафқат билан муносабатда бўлиб, Самарқанд ҳукмдори Султон Саид султонга Бухорони олиб бериш баҳонаси билан уни Бухоро устига йўллади, унинг укаси Жавонмардали султонни сургун ўрнида Андижон ҳокими этиб жўнатди. Шу тариқа Суюнчхожа ибн Абулхайрхон авлодлари (яъни Наврўз Аҳмад) 1556 йилда вафот этгунга қадар Самарқанд хонлиги Тошкентга қарам бўлиб турди. Наврўз Аҳмадхон вафотидан кейин Самарқанд тахтини унинг ўғли Бобо султон эгаллади<sup>1\*</sup>. Орадан кўп ўтмай, 1557 йили Қошғар хони Рашидхон ёрдамида Султон Саид султон ота мерос мулк – Самарқандни қайта эгаллади<sup>2</sup> ва бу ерда 1572 йили вафот этгунга қадар ҳукмронлик қилган. Султон Саид султон вафотидан кейин унинг укаси Жавонмардалихон номига Самарқандда хутба ўқилиб, у тахтга кўтарилди. У Тошкент ҳукмдорлари – Дарвешхон ва Бобо султонларга қарши курашда Бухоронинг амалдаги ҳукмдори Абдуллахон (1557 – 1598) ёрдамига таянди.

Самарқанд бошқарувининг учинчи даври (1578 – 1598) бево-сита Бухоро хони Абдуллахон фаолияти билан боғлиқ. 1578 йили Тошкент хони Бобо султоннинг Самарқандга хуружлари натижасида вазиятга Абдуллахон жиддий равишда аралашди ҳамда Тошкент қўшинларига зарба бериб, Самарқандни ўз қўлига олди. Самарқанд ҳукмдори Жувонмардалихон ва унинг ўғиллари қатл этилди. Шу тариқа 1512 йилдан Кўчкунчихон авлодлари ҳукмронлиги остида бўлган (маълум танаффуслар билан) Самарқанд Абулхайрхоннинг бошқа бир ўғли – Хожа Муҳаммад султон авлоди бўлмиш Абдуллахон қўлига ўтди. Абдуллахон юксак мавқедаги ҳамда стратегик марказ бўлган бу шаҳар бошқарувини укаси Ибодулла султон (1535 – 1586)га топширди<sup>3</sup>.

Абдуллахон ҳукмронлиги даврида Самарқанднинг пойтахт мақоми йўқолган бўлса-да, лекин унинг ободлиги ортиб борди. Ша-

---

<sup>1</sup> 1554 йили Наврўз Аҳмадхон уни Қошғарга қувиб юборган эди.

<sup>2</sup> Чунки бу пайтда Бобо султон Самарқандда турган эди.

<sup>3</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. – Б.298 – 299. Самарқанд Мовароуннаҳрдаги энг асосий шаҳарлардан бири бўлганлиги учун ҳам унинг бошқарувини энг ишончли одамига, ўз укасига топширган. Ўғли Абдулмўмин бу пайтда 11 ёшда, ҳали бошқарув тажрибасига эга эмас эди.

ҳардаги бир қатор таъмирталаб иншоотлар, хусусан, Бибиҳоним масжиди, Амир Темур жомеъ масжиди сингари йирик меъморчилик намуналарини таъмирлаш ишлари Абдуллахоннинг энг ишончли кишиси бўлган Қулбобо Қўқалдош зиммасига юклатилган<sup>1</sup>. «Абдуллонома» асаридаги воқеалар ривожидан кўринадики, шаҳардаги таъмирлаш ишларига Қулбобо 1587 йилгача, яъни Ҳирот юришига жалб қилингунга қадар раҳбарлик қилган<sup>2</sup>.

Ибодулла султоннинг Самарқанддаги ҳокимлиги 1586 йилга қадар давом этган. Шу йили Ибодулла султон сарой фитнаси натижасида ўлдирилгач, унинг эндигина туғилган Ёдгор султон исмли ўғли расман Самарқанд ҳокими этиб тасдиқланган, Самарқанд шаҳри ва вилоятини бошқариш марҳум султоннинг энг ишончли бекларидан Болта Алибийга топширилган.

Абдуллахон ҳукмронлигининг сўнгига қадар Самарқанд Бухоро хонлиги таркибидаги йирик мулк сифатида мавжуд бўлган. Хон шу шаҳар яқинида вафот этгач, унинг ўғли Абдулмўминхоннинг тахтга ўтириш маросими ҳам шу шаҳарда ўтган<sup>3</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб Самарқанд Темур ва темурийлар давридаги мавқеини бир оз йўқотди ҳамда шайбонийлар ўртасида кураш аёвсиз кечган ҳудудга айланди. Буни Абулхайрхоннинг тўрт ўғли (Шоҳ Будоғ, Кўчқинчхон, Суюнчхожа, Хўжа Муҳаммад султон) авлодлари бирин-кетин ҳукмронлик қилганида ҳам кўриш мумкин. Лекин Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳр ҳудудини эгаллагач, Самарқандга алоҳида эътибор қаратди, унинг пойтахт сифатидаги мавқеини сақлаб қолди.

*Н. Жабборов*

## **МАҲДУМИ АЪЗАМ КОСОНИЙ - ДАҲБЕДИЙНИНГ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ**

Зарафшон воҳасида фаолият кўрсатиб, унинг озоиштиалиги, гуллаб-яшнаши ва равнақиға катта ҳисса қўшган

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Мечеть Биби Ханым. Сочинения. Т. IV. – Москва: Наука, 1966. – С.188.

<sup>2</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. – Б.316; 2-китоб. – Б.256.

<sup>3</sup> Муҳаммад Толиб. Матлаб ут-толибин / Ўзбек тилиға таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ғ. Каримий, Э. Миркомиллов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016. – Б.205.

машҳур олимлардан бири, шубҳасиз, Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедийдир. XV – XVI асрларда Ўрта Осиё тарихи ва ислом оламида Маҳдуми Аъзам Даҳбедий номи билан маълум бўлган етук мутафаккир, нақшбандия тариқатининг буюк назариётчиси ва давомчиси, файласуф ва ахлоқшунос олим Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий-Косоний 866/1461<sup>1\*</sup> йилда Фарғона давлатининг кўҳна пойтахти – Косон кенти (ҳозирги Косонсой)да дунёга келган. Маҳдуми Аъзамнинг<sup>2</sup> ота-оналари Муҳаммад алайҳиссалом авлодларидан бўлиб, бу тўғрида кўпгина тарихий манбаларда маълумотлар берилган. Жумладан, Фахриддин Али ас-Сафийнинг «*Рашаҳот айни-л-ҳаёт*» («*Ҳаёт чашмасидан томчилар*»), Мавлоно Муҳаммад Қозининг «*Силсилату-л-орифийн*» («*Орифлар силсиласи*»), Маҳдуми Аъзамнинг набираси Хожа Абулбақо ибн Хожа Баҳовуддининг «*Жомиъу-л-мақомот*» («*Мақомлар тўплами*»), Насриддин Ҳусайн ал-Буҳорийнинг «*Тухфату-з-зоирийн*» («*Зиёратчилар тухфаси*») асарлари ва бошқа тазкираларда Маҳдуми Аъзамнинг 22 пуштдан сўнг Муҳаммад пайғамбарга авлод бўлиши зикр этилган.

Жонибек султон Фарғона вилоятида ҳоким бўлган йиллар (1503 – 1509)да у билан Маҳдуми Аъзам ўртасида самимий пирмуридлик муносабатлари куртак отади. Кейинчалик, Жонибек султон Карманага ҳоким (1510, 1512, 1513 – 1529 й.) этиб тайинлангач, у Маҳдуми Аъзамни ҳам шу ерга таклиф қилган. Демак, Маҳдуми Аъзам 1512 – 1513 йилларда Жонибек султоннинг таклифи билан Карманага кўчиб келган. Маҳдуми Аъзам бу жойни обод қилиб, дастлаб ўн туп тол ўтқазган. Маҳдуми Аъзам умрининг қолган қисмини ижодий фаолият ва шогирдлар тарбияси билан ўтказиб, катта боғ яратган. Боғда дунёнинг турли минтақаларидан келтирилган ўсимликлар парвариш қилинган, мева-сабзавотларнинг янги навлари яратилган. Шу боис у таълиф этган рисоалардан бири «*Рисолайи биттихийя*», яъни «*Қовун рисоласи*» деб аталади.

Шайбоний ҳукмдорлардан Убайдий тахаллуси билан турли жанрларда ўзбек, форс-тожик ва араб тилларида манзумалар

<sup>1\*</sup> Айрим нашрларда унинг таваллуди 868/1463 йил деб кўрсатилган – Н.Ж.

<sup>2</sup> Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий-Косонийнинг фаолияти ва мероси нари турсин, ҳатто унинг исми-шарифи ҳам ўтган асрнинг 90-йилларида Фарбда нашр этилган аксарият йирик нашрларда зикр этилмаган эди (Қаранг: Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991; Тринменгэм Дж. Суфийские ордена в Исламе. – Москва: Наука, 1991 ва ҳоказо. Етук исломшунос олим Ҳамид Алғорнинг нақшбандия тариқатига бағишланган махсус тадқиқоти бундан мустасно.

битган Убайдуллоҳхон (892/1487 – 946/1540)<sup>1</sup> ҳазрат Маҳдуми Аъзамнинг содиқ муридларидан ва холис мухлисларидан бири бўлган. Улар ўртасидаги самимий пиру муридлик муносабатларини тараннум этувчи қатор ҳикматлар битилган.

*Маҳдуми Аъзамга қўл берди, хизматларинда турди,  
Ҳикмат дўконин қурди ул Убайдий султонхон.*

Ёки

*Маҳдуми Аъзам Даҳбедий мурид қилди ўзига,  
Восил қилди изига ул Убайдий султонхон<sup>2</sup>.*

Кейинчалик Маҳдуми Аъзам Убайдуллоҳхоннинг рубоийлари ва ғазалларига алоҳида шарҳлар ҳам битган. Ана шундай асарларнинг бири «Шарҳи рубоъиййоти Убайдий» («Убайдий рубоийларининг шарҳи ҳақидаги рисола»), иккинчиси эса «Шарҳи ғазали Убайдий» («Убайдий ғазалига шарҳ») деб аталади. «Шарҳи рубоъиййоти Убайдий» етук исломшунос олим Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилган<sup>3</sup>. «Шарҳи ғазали Убайдий» («Убайдий ғазалига шарҳ»)нинг қўлёзма нусхалари эса Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида қуйидаги рақамлар билан сақланади: 501/XXVI (282<sup>б</sup> – 284<sup>а</sup>), 2352/XXVII (228<sup>а</sup> – 229<sup>б</sup>), 2780/XXIX (426<sup>б</sup> – 427<sup>а</sup>).

Айни вақтда, Убайдуллоҳхон ҳам пири бузруквори Маҳдуми Аъзам олдидаги ўзининг муридлик бурчини оқлаб, ҳазратнинг 27 рисоласини алоҳида тўплам қилдирган. Бу тўплам «Мажмаъ ар-расоил» («Рисолалар тўплами») деб аталади.

Темурий шоҳлардан Заҳририддин Муҳаммад Бобур ҳам ҳазрат Маҳдуми Аъзам Косонийни ўзининг маънавий пири деб билган. Шу сабабли Бобур мирзо Рамазон ва Қурбон ҳайитларида устозини йўқлаб, совға-саломлар юбориб турган. Бунинг исботи тариқасида «Музаққири аҳбоб» дан қуйидаги лавҳани келтириш мумкин: «Ҳазрат Маҳдумий мулло Хожагий Косонийга –

<sup>1</sup> Убайдуллоҳхон 1533 – 1540 йиллар мобайнида Мовароуннаҳр султони бўлган. Унинг тўлиқ исми – Абулғози Убайдуллоҳхон Баҳодурхон ибн Маҳмуд султон ибн Шоҳ Будоғ ибн Абулхайрхон (Убайдуллоҳхон ҳақида қаранг: Ҳасанхожа Нисорий. Музаққири аҳбоб. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б.21 – 31).

<sup>2</sup> Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасидаги 8791-рақамли қўлёзмага қаранг.

<sup>3</sup> Қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б.116 – 134.

сирлари муқаддас бўлсин – бир бўлак олтин қуймасини ниёз тариқасида юбориб, ёнида ўзининг ушбу қитъасини ҳам шоҳид қилганди. Қитъа:

*Дар ҳавоий нафси гумроҳ умр зое кардаем,  
Пеши аҳлуллоҳ аз атвори худ шармандаем,  
Як назар афкан ба суи мо, ки аз роҳи вафо,  
Хожагиро мондаему хожагиро бадаем.*

Мазмуни:

Адашган нафсимиз ҳаваси йўлида умрни зое қилдик, дин аҳли олдида бу қилмишимиздан шармандамиз. Биз томонга ҳеч бўлмаса бир назар сол, вафодорлик ила хожага боғланганмиз, хожага бандамиз<sup>1</sup>.

Бир гал Бобур мирзо Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг «Рисолайи волидиййа» асарини ўзбек тилига ўгиргач, унга ўзининг рубоийларини ҳам қўшиб Маҳдуми Аъзамга юборган. Маҳдуми Аъзам бу хусусда алоҳида «Рисолайи Бобуриййа» («Бобурга бағишланган рисола») номли асар ҳам ёзган<sup>2</sup>. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида мазкур асарнинг 9 та қўлёзма нусхаси сақланади (ашёвий рақамлари: 501/XXV (268<sup>б</sup> – 282<sup>а</sup>), 1443/XXV (338<sup>б</sup> – 357<sup>б</sup>), 2352/XXVI (216<sup>а</sup> – 228<sup>б</sup>), 2780/XXVIII (407<sup>б</sup> – 424<sup>а</sup>), 3386/XXII (162<sup>а</sup> – 175<sup>б</sup>), 6646/XXV (287<sup>б</sup> – 303<sup>а</sup>), 9706/XXIV (170<sup>б</sup> – 179<sup>а</sup>), 10626/XX (198<sup>б</sup> – 210<sup>б</sup>), 11260/XXV (195<sup>б</sup> – 210<sup>а</sup>).

Бундан ташқари, шайбоний ҳукмдорлардан Абдулазизхон ҳам ҳазрат Маҳдуми Аъзамни ўзининг пири деб билган. Шундай қилиб, шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллоҳхон, Абдулазизхон, Жонибек Султон ҳамда теурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ўз замонасининг етук, нуфузли давлат арбоблари Маҳдуми Аъзамни ўзларига раҳнамо, пир билиб, ул зотнинг кўрсатмалари асосида маънавият чўққиларини забт этганлар.

<sup>1</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б.53; Айнан шу рубоий бир оз сўзлардаги фарқи билан «Тасаввуф ва шеърият» китобида ҳам келтирилган (қаранг: Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Фафур Ғулом, 1991. – Б.165. Ўз навбатида, ушбу рубоий қуйидаги нашрдан олинган: Самойлович А. Собрание стихотворений императора Бабура. – Петроград, 1917. – Б.81); Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг қайд этишича, ушбу рубоий Бобурга эмас, балки Убайдуллоҳхонга тегишлидир (қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б.137.

<sup>2</sup> «Рисолайи Бобуриййа» ҳақида қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б.135 – 138.



Жўйборий хўжаларининг сардори бўлмиш Муҳаммад Ислоҳ ҳам замондоши Муҳаммад Қози вафотидан кейин узоқ йиллар Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий хизматида туриб, ул зотнинг табаррук нафасларидан баҳраманд бўлган. Бундан ташқари, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий, Хожа Дўстмуҳаммад, Хожа Баҳовуддин ибн Маҳдуми Аъзам Даҳбедий, Мирак Қутбиддин Аҳмад ибн ҳазрат Мавлоно Қози Муҳаммад каби ўнлаб мутасаввиф шайхлар ҳам Маҳдуми Аъзамнинг пирлик этагини тутиб, унга содиқ мурид бўлганлар. Шунинг учун ҳам баъзи манбаларда Маҳдуми Аъзам «*пири шастии*», яъни «олтмиш муридни тарбиялаб, камолот чўққисига етказган пир» деб зикр қилинган<sup>1</sup>.

Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий 949 йил 21 муҳаррам / 1542 йил 8 май душанба куни<sup>2</sup> Даҳбед қишлоғида вафот этган ва васиятига кўра ўзи яратган боғнинг ўртасидаги мурут (нок) дарахтининг остига дафн этилган.

Маҳдуми Аъзамдан бизга бой маънавий мерос қолган. Унинг қаламига мансуб ўттиздан ортиқ асарлар асосан 10 та тўпلامда мужассамлашган бўлиб, улар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. Мазкур қўлёзмалар орасида Маҳдуми Аъзамнинг манзили шарифида 996/1588 – 997/1589 йиллар мобайнида Саййид Муҳаммад ибн Жалолиддин ал-Шўржаҳий ал-Бухорий томонидан кўчирилган «*Мажмуъайи расоили Маҳдуми Аъзам*» («*Маҳдуми Аъзам рисолаларининг тўплами*») номли ўта қимматли қўлёзма ҳам бор.

Ҳазрат Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедийнинг «*Илм ҳақида рисола*» номли асарида Хожа Аҳмад Яссавий ва яссавия тариқа-

<sup>1</sup> Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳи» асаридан олинган куйидаги лавҳада Маҳдуми Аъзамнинг фазилатлари, ҳукмдорлар орасидаги обрў-эътибори, жамиятдаги мавқеи ва устозлик даражаси аниқ-тиниқ баён этилган (қаранг: Ҳофиз Таныш Бухари. Шараф-нама-йи Шахи. – Москва: Наука, 1983. – С.109 – 110).

<sup>2</sup> Қўлёзмаларда Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедийнинг вафоти ҳақидаги саналар турлича қайд этилган бўлиб, кейинчалик нашр этилган тадқиқотларда ҳам улар асл манбаларда қандай бўлса, шундайлигича бирон-бир таҳлилсиз келтирилган. Шу боис баъзан айнан бир тадқиқот ёки нашрнинг ўзида икки-уч хил санани учратиш мумкин. Масалан, «21 муҳаррама 948 / 18 мая 1541 года» (Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. Письменные памятники. – С.47), «866/1461-1462 – 949/1542-1543» (Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. Письменные памятники. – С.126); «Маҳдуми Аъзам (ум. в. 949/1542 г.)» (см. Собрание восточных рукописей АН УзССР. Т. III. – Ташкент: АН УзССР, 1955. – С.133), «Маҳдуми Аъзам (ум. 956/1549 г.)» (см. Собрание восточных рукописей АН УзССР. Т. III. – Ташкент: АН УзССР, 1955. – С.289); «Маҳдуми Аъзам 951/1544 йили вафот этган» (Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳоб. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б.293).

ти хусусида ҳам маълумот берилган. Махдуми Аъзамнинг етук тасаввуф вакили ва Туркистон заминида ўсиб- улғайиб, камол топган олим сифатида Хожа Аҳмад Яссавий ҳақида билдирган фикрлари ҳам Ватанимиз тарихини, ҳам Марказий Осиё тасаввуф тарихини ўрганиш нуқтаи назаридан беқиёс илмий аҳамиятга моликдир.

Демак, Зарафшон воҳасида фаолият кўрсатган Махдуми Аъзам кўплаб давлат арбоблари, олиму уламолар ва мутасаввиф шайхларнинг комил инсон, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишларига салмоқли ҳисса қўшган буюк зот, мутафаккир аллома, меҳрибон мураббий, сиёсий арбоб ва нуфузли мутасаввиф шайх бўлган.

*Ж. Якобжанов*

## **ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА БУХОРО АМИРЛИГИ ЎРТАСИДАГИ САВДО АЛОҚАЛАРИ**

Ўрта Осиё хонликларининг ўзаро муносабатларида савдо алоқаларининг роли ва аҳамияти катта бўлган. XVIII – XIX асрларда Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида олиб борилган савдо алоқалари икки давлатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги савдо алоқаларининг яхши йўлга қўйилиши икки давлат ўртасидаги бошқа соҳаларнинг ҳам ривожланишига сабаб бўлган.

Қўқон хонлигининг ташқи савдосида Бухоро хонлиги асосий ўринда турган. Қўқонлик савдогарлар Бухоро бозорларида савдо-тижорат иши билан шуғулланиб, унинг ҳудудидан ўтган карвон йўллари орқали Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, араб мамлакатлари, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан савдо олиб бориш имкониятига эга бўлганлар<sup>1</sup>.

Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги доимий сиёсий низоларга қарамай, савдо алоқалари яхши йўлга қўйилган. Чунки ҳар иккала давлат ҳам ўзаро савдодан катта даромад олар эди. Савдогарлардан олинадиган бож тўловлари ва солиқлар давлат хазинасини бойитгани сабабли давлатлар ҳукмдорлари савдони ривожлантириш учун ҳаракат қилар эдилар. Хусусан,

---

<sup>1</sup> Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари: Тарих фан номз... дисс. – Наманган, 2009. – 82 б.

Бухора амири Бухоро шахрининг ўзида савдогарлар тунаб қолиши учун бир неча карвонсаройлар қурдирган. Бухородаги карвонсаройларнинг бир қисми амирники, бошқалари эса хусусий кишиларники эди. Бухорода 9 та тим бор эди. Ҳар бир тимнинг узунлиги ярим чақиримгача чўзилган бўлиб, ҳар иккала томонига қатор дўконлар жойлашган эди. Тимлардаги дўконлар сотиладиган мол ва маҳсулотлар турига қараб ўрнатилган эди. Масалан, бир тим тагида фақат темирчилик дўконлари, бошқа тимлар тагида пойабзал дўконлари, кийимлар сотиладиган дўконлар, қассоблик, заргарлик дўконлари бўлар эди. Шаҳар ичкарасида мол ва маҳсулот турларига қараб 50 та бозор, ташқарисида эса 30 та бозор бор эди<sup>1</sup>.

Бухоронинг савдо йўли устида бўлиши қўшни давлатлар, хусусан, Қўқон хонлиги билан олиб бориладиган савдо-сотиқ ишларининг тобора ривожланишига катта таъсир кўрсатган эди.

Ўша даврда Бухоро бозорлари ичида қўй бозори жуда катта ва машҳур бўлган. Бу бозорга Шаҳрисабз ва Ҳисордан кўплаб зотдор қўйлар келтирилган. Бу қўйларга Қўқон хонлиги аҳолисининг ҳам қизиқиши юқори бўлганлиги учун бу ердан Қўқонга ҳам қўйлар олиб кетилар эди. Шунингдек, ушбу чорва бозорларига Қўқон хонлигидан ҳам юк ташувчи ва зотли отлар олиб борилган<sup>2</sup>. XIX аср 60-йилларида 35 пуд юк ташувчи ва 13 – 14 пуд юкни кўтара оладиган Қўқон отлари Бухоро бозорларида 5 тиллодан 15 тиллогача сотилган. Бундан ташқари, қўқонлик савдогарлар томонидан Бухоронинг ип ва ипақдан тўқилган газламаларига, гилам, кигиз, ипақли кийимликлар, рўмоллар, турли маъданлар, хусусан, қорақўл териларига қизиқиш юқори эди.

Бухородан Қўқонга бўёқ, ип газлама, шу жумладан, Машҳаддан олиб келадиган инглиз материаллари келтирилиб, бу товарлар маҳаллий савдогарларга бир йилгача муддатга қарзга бериларди. Қўқонга Бухородан яна оз миқдорда бўлса ҳам ҳинд атторлик товарлари, Кобулнинг тўн ва саллалари келтирилар эди<sup>3</sup>. Қўқондан Бухоро бозорларига ипақ, шойи кийимликлар, айниқса, Марғилон атласлари, чой, ҳар хил чинни идишлар, турли хил қуруқ мевалар, гуруч, тамаки, рўмол ва баъзи хитой ва маҳаллий ипақ газламалари келтириларди. Қўқон хонлигидан, хусусан, Тошкентдан Бухорога Россия моллари: темир, пў-

<sup>1</sup> Соатов С. Ўзбекистон тарихидан ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – Б.43 – 46.

<sup>2</sup> Бухара // Туркестанский сборник. Том 30. 1870. – С.111.

<sup>3</sup> Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.134 – 137.

лат ва чўян асбоблар олиб борилган. Тошкент савдогарлари Бухоро бозорларига олиб борган бу молларни кўпроқ Ҳисор, Бадахшон, Хулим, Маймана ва бошқа жойлардан келган савдогарларга сотар эдилар. Бухородан Қўқонга, умуман, Фарғона водийсига пахта, дока, қоракўл тери, қанд, баққоллик моллари, темир ва чўян асбоблар ва шунга ўхшаш нарсалар келтирилар эди.

Қўқон хонлиги ҳудудида ҳам савдо ишларини ривожлантириш мақсадида кўплаб карвонсаройлар қурилган эди. Қўқон шаҳрида 9 та карвонсарой мавжуд бўлиб, уларнинг тўрттаси энг йириклари ҳисобланарди. Улар асосан қўшни давлатлар, Бухоро, Россия, Ҳиндистон, Тибет, Қашқар, Афғонистон каби мамлакатлардан келган савдогарларга хизмат кўрсатар эди.

Қўқон хонлиги ташқи савдосида Бухоро амирлигининг роли юқори бўлганининг яна бир исботи сифатида шунини таъкидлаш керакки, унинг Хива хонлиги билан савдо алоқалари Бухоро амирлиги орқали олиб борилар эди. Хивадан Бухорога борган савдогарлар Қўқондан келган молларни, Қўқон савдогарлари эса Хива молларини сотиб олар эдилар. Ўз навбатида, Бухоро амирлигининг ҳам ташқи савдо алоқаларида Қўқон хонлигининг ўрни юқори бўлганини айтиб ўтиш лозим. Бухоро амирлиги савдогарлари Хитой, Шарқий Туркистон билан савдо-сотиқ алоқаларини Қўқон хонлиги орқали амалга оширганлар. Бу савдо йўлида улар Хитойга пахта, қоракўл тери, ҳунармандчилик маҳсулотлари етказиб, у ердан чинни буюмлар ва ипак матолар олиб келишган<sup>1</sup>.

Аммо бу савдо алоқалари ўзаро урушлар туфайли тўхтатиларди. Шунга қарамай, Қўқон – Бухоро савдо алоқаларининг ўзига хос афзалликлари ҳам бор эди. Масалан, юкни ташишда Қўқон – Бухоро йўлида аравалар ишлатилар эди, чунки бу ерларнинг ўзи савдогарларнинг бундай юк ташиши учун қулайликлар яратганди. Аммо асосий юк ташувчи туя эди. Бухородан Қўқонга карвон 20 – 22 кун юрарди. Юк ташувчи туя учун 2,5 – 3 тилло тўланар эди.

Карвон йўли қуйидагича эди: Бухоро – Самарқанд – Жиззах – Зомин – Ўратепа – Хўжанд – Маҳрам – Бешариқ – Қўқон. Шунингдек, Бухоро – Самарқанд – Янгикўрғон – Жиззах – Ровот – Жом – Ўратепа – Хўжанд – Маҳрам – Бешариқ – Қўқон.

---

<sup>1</sup> Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. – Тошкент, 2012. – Б.184.

Хонликлар ўртасидаги савдо-сотик ишлари олтин, кумуш ва мис тангалар орқали амалга оширилган. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги пул бирликлари бир-бирига ўхшаш бўлган<sup>1</sup>.

Қўқоннинг Бухоро хонлиги билан савдо алоқаларида Самарқанд шаҳри муҳим аҳамиятга эга эди. Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва бошқа ҳудудлардан келаётган карвонлар Бухоро хонлигининг Қарши ва Самарқанд шаҳарлари орқали Қўқон хонлиги ҳудудларига йўл олган. Қўқон ва Тошкент шаҳарларидан Бухорога кетаётган савдо карвонлари доимий равишда Самарқандда тўхтаб ўтган. Самарқандга Қўқон хонлигидан пилла, хом ипак, ипак мато, қуритилган мева ва бошқалар олиб келинган. XIX аср ўрталарида Самарқандда пилла бозори мавжуд бўлиб, Қўқон пилласига Бухоро ва Самарқанд ҳунармандлари орасида талаб катта бўлган. Самарқанд пилла бозори ҳафтада икки марта – чоршанба ва якшанба кунлари фаолият кўрсатиб, унда кунига 700 тиллолик, ойига эса 5000 тиллолик пилла сотилган<sup>2</sup>. Шунингдек, Самарқанд бозорига сифатли жун рўмол ва чопон ўратепадан, кигиз Тошкент ва Хўжанддан келтирилган<sup>3</sup>.

Самарқанд яқинидаги Каттақўрғон бозорига қўқонлик савдогарлар томонидан ипак ва ярим ипак мато, Қашқар ва Хитой моллари олиб келинган. XIX аср 70-йилларида Каттақўрғон бозорида Қўқондан келтирилган дурия ипак матосининг 3,75 аршини 1 тилло (4 руб.), шойининг 8 аршини 5 – 6 руб. нархда сотилган. Каттақўрғон бозорида Қўқоннинг ип газламадан тайёрланган чопони 2 – 5 руб., дуриядан тайёрлангани 7 – 9 руб., шойидан тайёрлангани эса 10 – 14 руб. нархда сотилган.

Қўқон хонлиги чегаралари кенгайиб, Сибирь сарҳадларига яқинлашганидан сўнг қўқонлик савдогарлар томонидан рус темир ва пўлат буюмларини Бухоро хонлиги бозорларига келтириш кучайган. Қўқон хонлигининг Оқмасжид қалъаси бозорида бухоролик савдогарлар Қўқон савдогарларидан рус ва қозоқ молларини харид қилганлар. Маълумотларга кўра, 1852 йили Оқмасжидда Қўқон аскарлари билан бирга 100 киши атрофида қўқонлик ва бухоролик савдогарлар бўлган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Соатов С.С. Ўзбекистон тарихидан ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – Б.43 – 46.

<sup>2</sup> Петровский Н.О. О шелководстве и шелкомотании Средней Азии // Туркестанский сборник. Том 81. 1873. – С.33.

<sup>3</sup> Саидкулов Т.С. Самарқанд во второй половине XIX – начале XX в. – Самарқанд, 1970. – С.31.

<sup>4</sup> Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари: Тарих фан номз... дисс. – Наманган, 2009. – 85 б.

XIX аср 60-йилларида қўқонлик савдогар Содиқ Едигеров Семипалатинскдан рус молларини Қўқон хонлигидан ташқари Хитой, Ҳиндистон ва Бухорога келтириш билан шуғулланган. Бу эса қўқонлик савдогарларнинг Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқаларида ҳам фаол иштирок этганидан далолат беради.

Бухоролик савдогарлар учун ҳам Қўқон бозорлари жуда даромадли ҳисобланган ва йил давомида хонлик бозорларига уларни учратиш мумкин бўлган. XIX аср 70-йиллари бошидаги маълумотларга кўра, Қўқон Закоотсаройига энг кўп даромад Бухоро хонлигидан келган савдо карвонларидан тушган.

Хулоса қилиб айтганда, ўртадаги сиёсий низоларга қарамай, икки давлат ўртасидаги савдо алоқалари бирмунча яхши йўлга қўйилган. Давлатлар ўртасида доимий равишда савдо алоқалари ривожланиб борган. Айниқса, Қўқон хонлигининг ташқи савдо алоқаларида Бухоро амирлигининг ўрни катта бўлган. Хусусан, Қўқон хонлиги Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Туркия билан савдо алоқаларининг асосий қисми Бухоро амирлиги орқали олиб борилган. Бундан ташқари, икки давлат ўртасидаги халқларнинг умумий муштараклик, дин ва маданиятнинг бир-бирига яқинлиги савдо муносабатларида ҳам ўз аксини топган.

*М. Шамсиев*

## **XVIII – XIX АСРЛАРДА САМАРҚАНД ВА ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ЎЗАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИ**

Қадимдан Зарафшон воҳаси Марказий Осиёнинг муҳим савдо йўллари ўтган, шаҳарлараро савдода қулай имкониятларга эга ҳудуд сифатида эътироф этилиб келинади. XVIII – XIX асрлар давомида ҳудудлараро савдонинг ривожланиши ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳим марказлардан ҳисобланган Самарқанд ва Тошкентнинг икки асрлик ўзаро савдо муносабатлари динамикаси кузатилади.

Самарқанд шаҳри ҳам Тошкент каби муҳим савдо йўллари-нинг чорраҳасида жойлашган стратегик марказ сифатида машҳурдир. XVII аср тарихчиси Маҳмуд ибн Вали Самарқанд ҳақида ёзар экан: «Самарқанд кенг ҳудудлари, яхши иқлими, му-

каммаллик ва улуғворликнинг бошқа воситалари (мавжудлиги) туфайли дунёнинг энг гўзал ва саришта шаҳарларидан бири-дир»<sup>1</sup>, – деб айтган. Қулай географик ва топографик шарт-шароитларда ривожланган бу шаҳарларга туташиб кетган турли мамлакатлардан келувчи карвон йўллари ушбу шаҳарларнинг йирик савдо-иқтисодий марказларга айланишига самарали таъсир кўрсатган. Марказий Осиёнинг бу иккала йирик шаҳри географик жойлашуви ёки иқлими, ҳаттоки суғорилиш тарихи ҳам бир-бирига яқиндир. Шундай экан, савдодаги ўзаро яқинлик ва ҳамкорлик, албатта, бир-бирига уйғун бўлиши табиийдир.

Самарқанд ва Тошкентни боғлайдиган карвон йўллари асосан учта йўналишда мавжуд бўлган. Биринчиси, Тошкент, Чиноз, Янгиқўрғон, Оққўрғон, Жиззах, Самарқанд орқали Бухорогача борган 518 верст масофали йўл мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Тошкент ва Самарқанд ўртасида Чиноз ва Мирзоработ чўли орқали аҳоли яшайдиган ҳудудларни четлаб ўтадиган 13 бекатдан иборат, 272 верстли алоҳида арава йўли ҳам бор эди<sup>3</sup>. Тошкент – Бухоро йўлида карвон об-ҳавога қараб 12 – 18 кун ҳаракатланган, бу карвон йўлларида туя, от ва аравалар хизматидан фойдаланиш мумкин бўлган. Тошкент ва Бухоро карвон йўлида туя учун 2,25, 2,50 ва 2,75 тиллогача хизмат ҳақи берилган<sup>4</sup>.

Самарқанд ва Тошкент шаҳарларининг ташқи савдо алоқаларида тутган ўрнини аниқлашда уларнинг ички имкониятлари, бу марказларда яшаган аҳолининг иқтисодий фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Шаҳарларда, одатда, турли касб-ҳунар эгалари истиқомат қилганлар. Улар яратган маҳсулотлар нафақат шаҳар, балки қўшни қишлоқлар, ўзга шаҳар ва вилоятлар, қўшни дашт ва узоқ-яқин мамлакатлар аҳлисининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Шаҳар ҳунармандлари яратган маҳсулотларнинг довуғи ўзга юртларда ҳам кенг тарқалган эди. Самарқанд шаҳри ўзининг ипак матолари билан машҳур бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур: «Самарқанднинг яна бир матои қирмизи маҳмалдурким, атроф ва жавонибқа

<sup>1</sup> Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География) / Введ., пер. А. Ахмедова. – Ташкент: Фан, 1977. – С.54.

<sup>2</sup> Небольсин П.И. Очерки торговли России с Средней Азией. – СПб., 1856. – С.188 – 189.

<sup>3</sup> Венюков М. Материалы для военного обозрения русских границ в Азии // Туркестанский сборник / Сост. Н.В. Дмитриевский. Т. VIII. – Ташкент, 1873. – С.450.

<sup>4</sup> Бухара // Туркестанский сборник. Т. 30. 1870. – С.120 – 122; Небольсин П.И. Очерки торговли России со Средней Азией... – С.179.

элтарлар», – деб ёзган<sup>1</sup>. Яна шундай таърифни Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқанд бозорларига нисбатан ишлатади: «Самарқанд шаҳри ажаб ораста шахредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлмай. Ҳар ҳирфгарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига маҳлут эмастур, тавр расмедур»<sup>2</sup>.

XVIII аср – XIX асрнинг ўрталарида Самарқандда пилла бозори энг гавжум бозорлардан бири сифатида машҳур эди. Бу пилла бозорига қўшни ҳудудлардан тайёр ва ярим тайёр пилла маҳсулотлари олиб келинган. Айниқса, Қўқон ва унинг атрофида етиштирилган пиллага Бухоро ва Самарқанд ҳунармандлари орасида талаб катта бўлган. Самарқанд пилла бозори ҳафтада икки марта – чоршанба ва якшанба кунлари фаолият кўрсатиб, унда кунига 700 тиллолик, ойига эса 5000 тиллолик пилла сотилган<sup>3</sup>. Шунингдек, Самарқанд бозорига сифатли жун рўмол ва чопон Ўратепадан, кигиз Тошкент ва Хўжанддан келтирилган<sup>4</sup>.

Самарқанд яқинидаги Қўқон бозорига қўқонлик савдогарлар томонидан ипак ва ярим ипак мато, Қашқар ва Хитой моллари олиб келинган. XIX аср 70-йилларида Қўқон бозорида Қўқондан келтирилган дурия ипак матосининг 3,75 аршини 1 тилло (4 руб.), шойининг 8 аршини 5 – 6 рубль нархда сотилган. Қўқон бозорида Қўқоннинг ип-газламадан тайёрланган чопони 2 – 5 рубль, дуриядан тайёрлангани 7 – 9 рубль, шойидан тайёрлангани эса 10 – 14 рубль нархда сотилган<sup>5</sup>.

XIX асрнинг 60-йилларида Тошкентдан Самарқанд ва Бухорога ҳар йили 5 – 7 минг туяда асосан рус моллари ва чорва маҳсулотлари келтирилган бўлиб, ҳар бир туядаги мол ўртача 120 рублга баҳоланган ва уларнинг жами қиймати 750 минг рублга тенг бўлган<sup>6</sup>. Шунингдек, маълумотларга қараганда, Тошкентдан Самарқанд орқали Бухорога ҳар йили 100 минг бош қўй сотиш учун ҳайдаб борилган. Қўқон хонлигига қарашли Туркис-

---

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – Б.46.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Петровский Н.О. О шелководстве и шелкомотании Средней Азии // Туркестанский сборник. Т. 81. 1873. – С.33.

<sup>4</sup> Саидкулов Т.С. Самарқанд во второй половине XIX – начале XX в. – Самарқанд, 1970. – С.31.

<sup>5</sup> Радлов В. Средняя Зарафшанская долина // Туркестанский сборник. Т.281. 1880. – С.48.

<sup>6</sup> История Ташкента. – Ташкент, 1988. – С.93.



тон ва Авлиёота орқали ҳам Самарқанд ва Бухоро бозорларига ҳар йили катта миқдорда чорва ҳайдаб келинган<sup>1</sup>. Самарқандлик ва бухоролик савдогарлар Туркистондан ҳар йили 50 – 100 минг атрофида, 1862 йилнинг ўзида 240 минг рублга тенг чорва олиб кетган. Шунингдек, Бухоро хонлигидан Фарғона водийсига 1864 йил 1 майдан 4 июнга қадар Авлиёота орқали 150 мингдан ортиқ чорва ҳайдаб кетилган<sup>2</sup>.

Бухородан Тошкентга Самарқанд орқали 40 кунда 1 марта катта карвон Чиноз божхонаси орқали кириб келган<sup>3</sup>. XIX аср ўрталарида Бухоро амирлигидан Тошкент бозорларига ўртача йилига 3 минг туяда пахта, 10 минг туяда бўз, гул босилган газлама, шойи ва ярим шойи газламалар, қорақўл, тулки мўйнаси, чопон, кўрпа, ҳинд, форс моллари олиб келинган<sup>4</sup>. Бир йилда Бухоро ва Самарқанддан Тошкентга келтирилган жами молларнинг қиймати 4 млн 345 минг руб. бўлган<sup>5</sup>. Шунингдек, Самарқанддан Тошкентга ҳар йили 500 туяда қуритилган мевалар келтирилган. Тошкент бозорларида гилам харидоргир мол ҳисобланган, асосан Самарқанд ва Бухородан олиб келинган. Тошкент бозорларига Қаршидан Самарқанд орқали олиб келинган ош тузи XVIII асрдан «Самарқанд тузи» номи билан танилган<sup>6</sup>. XVIII – XIX асрларда Қарши тамакиси ҳам машҳур бўлиб, у Хива, Тошкент ва Қўқонгача олиб борилган.

Тошкент шаҳридаги Исабек, Мулла Амамбай Раис карвонсаройларида Бухоро хонлиги савдогарлари, хусусан, самарқандлик савдогарлар тўхтаганлар ва савдо билан ҳам шуғулланганлар<sup>7</sup>.

Россия империяси томонидан Қўқон ва Бухоро хонлигининг бир қисми босиб олинганидан сўнг икки давлат савдо алоқаларига сезиларли зарар етган. Эндиликда икки мамлакат савдогарлари уч мамлакат ҳудудида бож тўлашга мажбур бўлганлар. Қўқон – Бухоро савдо карвонлари эндиликда Россия империясига

---

<sup>1</sup> Тетеревников А.Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи. – СПб., 1867. – С.28.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И.1-жамғарма, 27-рўйхат, 714-иш.

<sup>3</sup> Тетеревников А.Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С.44.

<sup>4</sup> Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве // Гейнс А.К. Собрание литературных трудов. Т.II. – СПб., 1898. – С.532.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И.1-жамғарма, 20-рўйхат, 2640-иш, 64-варақнинг иловаси.

<sup>6</sup> Мирбабаев А.К. Историческое наследие Худжанда. – Душанбе, 1995. – С.103.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И. 336-жамғарма, 1-рўйхат, 104-ишнинг иловаси.

қарашли бўлган Хўжанд орқали ўтган ва моллар божхонаси савдо карвонларидан катта даромад олган. XIX аср 60–йиллари иккинчи ярмидан йилига Хўжанд орқали Бухоро хонлигидан Қўқон хонлигига 7 минг 500 туяда мол келтирилган<sup>1</sup>. Хўжанд босиб олинган дастлабки вақтларда 2,5 ой ичида Қўқон – Бухоро савдо карвонларидан Хўжанд божхонасида 13 минг 141 руб., 1866 йил эса 22 минг 950 руб. 81 коп., 1872 йил 22 минг 950 руб. 80 коп. бож олинган<sup>2</sup>. Шунингдек, Қўқон – Бухоро савдо карвонларининг Ўратепа ва Жиззах орқали ўтувчи йўлдан фойдаланган савдогарларидан ҳам бож ундирилган. Архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра, 1865 йил 1 июнда Бухородан Ўратепа орқали Қўқон хонлигига Муҳаммад исмли савдогар аравада ипак мато, қуритилган ўрик ва бошқа молларни, 1866 йил 31 декабрда Аминбой исмли савдогар 2 туяда чой ва мурч, Самарқанддан Саидбой исмли савдогар 50 туяда чой ва ҳинд молларини, Муҳаммад Ризобой исмли савдогар 2 аравада чой ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотларини, Муҳаммад исмли савдогар 1 аравада ип газламани олиб ўтганлиги учун ундирилган. Ўратепа божхонасида 1868 йилда Қўқон – Бухоро карвонларидан 7 минг 309 руб. 70 коп. бож ундирилган. Икки мамлакат савдогарларидан бу божхоналарда олинаётган катта миқдордаги божлар ва турли хил сунъий солиқлар мавжуд бўлса-да, бу савдо алоқалари изчил равишда давом этган. Бухородан Қўқон орқали Қашқарга ҳар йили май охири – июнь бошларидан бошлаб 700 – 800 туяда карвонлар борган. Бухоро ва Самарқанд моллари Қўқонгача арава ва туяларда, Қўқондан Қашқарга отларда олиб борилган. Бухоролик ва самарқандлик савдогарлар бу орқали Тибетгача борганлар<sup>3</sup>.

Айрим шаҳарлар бошқа марказларга пахта ва буғдой етказиб берган. XIX аср маълумотларига кўра, Самарқанддан «ташқарига олиб чиқиб кетиладиган пахта асосий маҳсулот бўлган»<sup>4</sup>. Қаршидан эса Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларига кўп миқдорда буғдой келтирилган эди. Бу ерда етиштирилган буғдой карвонлар билан Бухорога жўнатилган эди. «Қашқадарё орқали жуда кўп миқдорда буғдой Қаршига сув йўли орқали олиб келинади

<sup>1</sup> Ўша жойда. 75-ишнинг иловаси.

<sup>2</sup> Мухтаров А. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX в. – Душанбе, 1964. – С.86.

<sup>3</sup> Мамедова Э. Из истории взаимоотношений Туркестанского края и Синьцзяна: Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1963. – С.54 – 55.

<sup>4</sup> Галкин М.Н. Несколько слов о Самарканде // Туркестанский сборник. Т. 7. 1868. – С.221.

ва у ердан деярли узлуксиз карвонлар билан Бухорога юборила-ди»<sup>1</sup>, – деб қайд қилган Н. Петровский. Бу моллар айрим ша-ҳарлардаги асосий савдо маҳсулотларини ташкил қилар эди. Масалан, Қорақўл бозорида «сотиладиган молларнинг асосини буғдой ва қорақўл ташкил қилар эди»<sup>2</sup>.

Айрим шаҳарлардан бошқаларига гуруч ҳам олиб борилган. XIX аср муаллифи Бухоро йўлида «... Самарқанддан гуруч олиб келаётган 164 туядан иборат карвонни кўрдим»<sup>3</sup> деб қайд этган.

Бухоро амирлигининг баъзи шаҳарлари пилла етиштирувчи марказлар бўлиб, улар бошқа марказларга кўплаб миқдорда пилла ва хом ипак етказиб берган. Масалан, Шаҳрисабз ўзининг «пушти ранг пилласи» билан машҳур бўлиб, бу хомашё бошқа шаҳарларга, хусусан, Самарқандга ҳам олиб борилган. «Самарқанд бозорига Шаҳрисабздан кўплаб соф пушти ранг пилла олиб келинади»<sup>4</sup>, – деб қайд этган эди XIX аср муаллифи.

Бухоро амирлиги шаҳарлари нафақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва табиий бойликлар, балки маълум турдаги ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқа шаҳарларга етказиб беришга ҳам ихтисослашган эди. Шундай шаҳарлардан бири Самарқанд бўлиб, бу ерда, А. Вамберининг кўрсатишича, хонлиқдаги энг яхши этиклар тайёрланган<sup>5</sup>. Шу билан бирга, «Самарқанд ўзининг эгарчилари, Ҳисор ўзининг найзадор пичоқлари... билан машҳур эди»<sup>6</sup>. Айнан бу каби маҳсулотларни Тошкент бозорларида биринчи қўлдан олиш имкони бўлган. Бу маҳсулотларни тошкентлик савдогарлар асосан дашт кўчманчи аҳолисига етказишда фаол бўлган.

Хусусан, ипакчилик кенг ривожланган ҳудудларда «тут барги бозори» номи билан машҳур бозорлар баъзи манбаларда эслатиб ўтилади. XIX аср ўрталарида Самарқандда бундай бозорлар мав-

---

<sup>1</sup> Петровский Н. Моя поездка в Бухару. Путевые наблюдения и заметки. Ч. 2. – Ташкент, 1872. – С.227.

<sup>2</sup> Военная рекогносцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. ГШ капитаном Архиповым // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1884. – С.218.

<sup>3</sup> Петровский Н. Моя поездка в Бухару... – С.227.

<sup>4</sup> Адамолли Ю. Разведение шелковичных червей в Средней Азии // ТВ. 1871. №36.

<sup>5</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Из Тегерана через турк. пустыню по вост. берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 году с научною целью по поручению венгер. академии в Пеште, членом ея А. Вамбери. – Москва: Изд. А.И. Мамонтова, 1867. – С.168.

<sup>6</sup> Хорошхин А. Очерки Кокана // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С.43.

жуд бўлиб, ипак қуртини боқиш билан шуғулланган шахслар барг танқислиги сезилганда уни бу ердан сотиб олиш имконига эга бўлганлар. Шаҳардаги Шердор мадрасаси ёнидаги кўчат бозорида эса бошқа дарахтларга қараганда тут дарахтининг «балхий» ва «хоразмий» навлари кўп миқдорда сотилган<sup>1</sup>.

Самарқанд Регистонининг шарқий ярми – Шердор ва Тиллакори мадрасалари остоналари, А.Хорошхиннинг кўрсатишича, «чаққонлик билан пештахта, ер ва бўйра устига териб қўйилган майда-чуйда моллар» билан банд этилган эди<sup>2</sup>. Жумладан, Самарқанд шаҳрида бозор кунлари сифатида ҳафтанинг икки – якшанба ва чоршанба кунлари тартиб этилган бўлса, Тошкент учун якшанба ва пайшанба кунлари бозор кунлари ҳисобланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу икки азим шаҳарнинг иқтисодий имкониятлари ва сиёсий мақомидаги ўхшашликлар туфайли ўзаро савдосидаги муштарақлик ҳам анча яқин бўлган. Ҳудудлараро олиб борилган савдо алоқаларида бир-бири учун муҳим транзит шаҳарлар сифатида тарихда қолган.

*Д. Зияева*

## **САМАРҚАНДДА «ЭСКИ» ВА «ЯНГИ» ШАҲАР МУАММОСИ (XIX аср охири – XX аср бошлари)**

Зарафшон воҳасида жуда қадимдан урбанизация жараёнлари ўчоқларидан бири бўлиб келган, Амир Темур даврида ҳар томонлама юксалиб, дунёга танилган, минтақанинг муҳим маданий, илмий ва савдо, ҳунармандчилик маркази саналган, хонликлар даврида Бухоро хонлигида пойтахтдан кейин иккинчи ўринда турган Самарқанд XIX аср ўрталарида ҳам ўзининг асрлар давомида шаклланган анъанавий шаҳар маданиятини ва тузилишини сақлаб қолган эди.

Бу даврда шаҳар атрофи қайрағоч, тут ва мевали дарахтлар билан қопланган<sup>3</sup> бўлиб, унинг ҳудуди 4 қисмга – Пайкоб, Қаландархона, Сўзангарон ва Хўжа Аҳроп даҳаларига, даҳалар эса ма-

<sup>1</sup> Адамолли Ю. Разведение шелковичных червей в Средней Азии // Материалы для статистики Турк. края. Вып. 1. – СПб., 1872. – С.516.

<sup>2</sup> Хорошхин А. Очерки Кокана // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С.193.

<sup>3</sup> Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии. – СПб., 1871. – С.22.

ҳаллаларга бўлинган. Ҳар бир маҳалла шу ерда жойлашган мас-жидлар номи билан, масжидлар эса уларни барпо этган шахс ёки азиз-авлиёлар номи билан аталган. Самарқандда 165 та масжид бўлиб, шундан 70 таси шаҳар ичида, 61 таси шаҳар атрофига ту-таш ҳудудларда, 25 таси зиёратгоҳларда жойлашган. Самарқанд-даги 24 та мадрасада 1000 га яқин талаба таҳсил олган.

Шаҳарда карвонсаройлар сони бу даврда 33 тага етган эди. Улар нафақат қўналға, балки улгуржи савдо маркази ҳам эди. Усти берк қилиб қурилган карвонсаройларда савдо молларини сақлаш учун омборлар, савдогарлар учун ётоқлар ҳамда савдо учун ёйма дўконлар бўлган<sup>1</sup>.

Шаҳарда бозор майдонлари 19 та бўлиб, уларда 442 та дўкон фаолият юритган. Бундан ташқари, 1805 та савдо расталари мавжуд бўлиб, улар сут ва гўшт маҳсулотлари, темир, мис ва сопол буюмлар, қурилиш материаллари, пойабзал, кийим-бош, матолар сотишга ихтисослашган. Бунга карвонсарой, тим ва бозор майдонларидаги дўконлар сони қўшилса, уларнинг сони 2414 тага етар эди<sup>2</sup>.

Эски шаҳарда Регистон ва Бибихоним мадрасаси олдидаги майдонлар энг катта савдо майдонлари эди. Яна буғдой сотила-диган каппонлар, мол сотиладиган бозор майдони, сомон соти-ладиган майдонлар бор эди.

Гўри Амир ва Шоҳи Зинда олдида ташкил этилган майдонлар маҳаллий аҳоли тўпланадиган севимли жойлар эди. Эски ша-ҳардаги ёймалар ва дўкон-устахоналарнинг умумий сони 4000 та бўлиб, улар доимий фаолият юритган. Чоршанба ва якшанба кунлари катта бозор бўлиб, атроф қишлоқлардан маҳаллий аҳо-ли келган.

Асрлар давомида шаҳар аҳолисининг ички эҳтиёжларини қондиришда маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотлари муҳим ўрин тутиб келган. Шаҳарда истило арафасида ва унинг дастлаб-ки йилларида 12 та чўян қуйиш, 4 та ғишт тайёрлаш, 34 та совун ва шам тайёрловчи, 30 та кўнчилик корхоналари, 56 та темир-чилик, 23 та ёғ-мой ишлаб чиқарувчи устахона бор эди<sup>3</sup>. Шу-нингдек, 37 та кулолчилик, 1200 та тўқувчилик, 71 та ипак тўқиш корхонаси, 200 та этиқдўзлик 73 та дурадгорлик, 40 та қандолат,

<sup>1</sup> Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии... – С.23.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – С.24.

<sup>3</sup> Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Выпуск 4. – СПб., 1876. – С.119 – 120.

35 та бўёқчилик, 20 та заргарлик, 11 та соатсозлик устахоналари рўйхатга олинган<sup>1</sup>. Тўқувчилик корхоналарида ишлаб чиқарилган матоларни бўяш корхоналари 42 тани ташкил этган<sup>2</sup>. Бундан ташқари, яна ўнлаб майда касб ҳунар турлари бўлган.

Самарқанддаги ҳунармандчиликнинг яна бир соҳаси кулолчилик ҳисобланарди. Кулолчиликда сирланган ва сирланмаган буюмлар тайёрланган. Самарқанд кулоллари тайёрлаган идишлар жуда харидоргир бўлиб, тайёр маҳсулот дўконнинг ўзидаёқ савдогарларга сотилган.

Ҳунармандчиликнинг асосий турларидан яна бири – чўян қуйиш ҳам Самарқандда ўзига хос ўрин тутган. Устахоналар асосан Самарқанд шаҳрида жойлашган бўлиб, 1870 йилга оид маълумотга кўра, 12 та чўян қуйиш<sup>3</sup> устахонаси ишлаб турган. Темирчилар устахоналарининг асосий қисми Самарқанддаги Регистон майдони яқинида темирчилар растасида жойлашган. Уларнинг тайёрлаган буюмлари жуда сифатли бўлган<sup>4</sup>.

Ҳунармандчиликнинг яна бир тури – эгар яшаш яхши ривожланган бўлиб, эгарлар бутун Туркистон ўлкаси ҳамда Бухоро амирлиги бозорларида сотилар эди. 1876 йилги маълумотларга кўра, Самарқандда эгар ясайдиган 25 та устахона ишлаб турган<sup>5</sup>. Самарқандда махсус эгар ясовчи Зингарон маҳалласи мавжуд эди. Эгар яшашда улар тол, қайрағоч, тоғда ўсадиган заранг дарахтидан фойдаланганлар.

Ҳунармандчиликнинг муҳим тармоқларидан яна бири – саҳ-ҳофлик, яъни китоб муқовалаш кенг тарқалган эди. Шаҳарда «Муқова» номли катта муқовалаш устахонаси ва яна ўнлаб кичик устахоналар фаолият юритган<sup>6</sup>. Бу ерда усталар китобларга чарм ёки қаттиқ қоғоздан муқова ясаганлар. Муқовалаш устахоналарида китоблар ҳам сотилган, баъзан шу ернинг ўзида мутолаа ҳам қилинган<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда. – С.25.

<sup>2</sup> Описание некоторых важнейших населенных пунктов – Самарканд // Туркестанский сборник. Том 249. – С.442.

<sup>3</sup> Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX – начале XX веков. – Самарканд, 1970. – С.131.

<sup>4</sup> Павловский Е.Н. Очерки Самаркандской области // Туркестанский сборник. Том 554. – С.47.

<sup>5</sup> Описание некоторых важнейших населенных пунктов – Самарканд // Туркестанский сборник. Том 249. – С.442.

<sup>6</sup> Якубовский Ю. Переплетное ремесло туземцев Самарканда // Туркестанский сборник. Том 532. – С.111.

<sup>7</sup> Ўша жойда. – С.112.

1866 – 1868 йилларда Россия империяси томонидан Бухоро амирлигига қарши амалга оширилган ҳарбий юришлар натижасида Самарқанд, Жиззах, Хўжанд ва Ўратепа шаҳарлари босиб олинган<sup>1</sup>, бу ҳудудлар дастлаб 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилояти таркибига, 1868 йилда Каттақўрғон ва Самарқанд шаҳарлари босиб олинган, Зарафшон округи таркибига киритилди<sup>2</sup>. 1886 йилда қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»га асосан Самарқанд вилояти тузилиб, унинг таркибида Жиззах, Хўжанд, Ўратепа, Каттақўрғон, Самарқанд уездлари ташкил этилади ва шу номдаги шаҳарлар уларнинг маркази сифатида белгиланади<sup>3</sup>. Самарқанд шаҳри эса Самарқанд вилояти ва Самарқанд уездининг марказига айланади<sup>4</sup>.

Мустамлака даврида Самарқанд ва унинг атрофидаги шаҳарларда нафақат сиёсий, маъмурий-ҳудудий, балки иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди, бу, энг аввало, шаҳарнинг тузилиши ва меъмурий қиёфасида яққол намоён бўлди.

1871 йилдан бошлаб Самарқанд шаҳрида ҳам ўлкадаги бошқа шаҳарлар каби рус амалдорлари, ҳарбийлари, сармоядорлари учун алоҳида ҳудуд ажратилиб, уй-жойлар, маъмурий идоралар, янги инфратузилмалар барпо этишга киришилади<sup>5</sup>. Шу аснода Самарқанд эски ва янги шаҳарларга бўлиниб борди. Янги шаҳар учун ажратилган ҳудудда маҳаллий аҳоли ерлари мажбуран сотиб олинди ва маъмурий бинолар қуришга киришилди. Янги қисмни қуришда маҳаллий аҳоли вакиллари арзимас иш ҳақи тўлаб мажбуран ишлатилди ва қисқа фурсатда янги шаҳарча барпо этилди. Ҳарбий казармалар билан ўраб олинган бу шаҳарча тез орада Самарқанд вилоятининг ҳарбий-маъмурий марказига айланади.

Уни барпо этиш учун ерлар маҳаллий дехқонлардан шаҳар маблағи ҳисобидан сотиб олинди, офицерлар, амалдорлар ва хусусий шахсларга берилган, пули эса бир йил давомида тўланган<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup> Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII – XX аср бошлари). – Тошкент, 1998. – Б.257 – 268.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 16-рўйхат, 2264-иш, 7-варақ.

<sup>3</sup> Положение об управлении Туркестанского края. Издание 1892 года. Свод Законов Российской Империи. В пяти книгах. Книга первая. Том 2. – СПб., 1912. – С.427 – 446.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> Справочная книжка по Самаркандской области на 1893 год (по материалам 1891 г.). Выпуск 1. Статистические и справочные сведения по Самаркандской области. – С.1.

<sup>6</sup> Ўша жойда. – С.2 – 3.

1890 йилларда янги шаҳарчада 25 та кўча бўлиб, уларнинг икки четига тераклар, қайрағочлар экилган, 350 та керосинли фонарлар билан ёритилган эди<sup>1</sup>. Кўчаларга баҳор-ёз давомида 6 ой кунига 2 маҳал сув сепилган. Янги шаҳарчани эски шаҳардан Самарқандни босиб олишда жонбозлик кўрсатган рус ҳарбий қўмондонларидан бири – Абрамов номи билан аталувчи хиёбон ажратиб турарди. Янги шаҳарчада яна шундай 2 та хиёбон, 2 та майдон – бозор майдони ва черков майдонлари барпо этилган.

Шунингдек, шаҳарчада руслар ва яҳудийлар учун ибодатхона (черков), театр, савдогарлар учун 2 та меҳмонхона, 4 та ҳаммом қурилган<sup>2</sup>.

Шаҳарчада 70 га яқин дўкон ва ёймалар<sup>3</sup>, 2 та пиво, 2 та вино, 1 та ароқ, 2 та минерал сув ва лимонад ишлаб чиқарувчи заводлар, этикдўзлик, тикувчилик устахоналари фаолият юритган<sup>4</sup>. Янги шаҳарчада бозор ташкил этилмаган, чунки асосий савдо азалдан эски шаҳарда эди. Савдо ёймалари кўчаларда, у ерда жойлашган.

Янги шаҳар аҳолиси учун ичимлик сувини маҳаллий сув ташувчилар ҳар куни эски шаҳардаги Филатов заводидан хумларда эшакка ортиб келтириб, сотганлар<sup>5</sup>.

Самарқанд шаҳрида 1892 йил 28 ноябрда ўтказилган аҳоли рўйхати натижаларига кўра, рус шаҳарчасида 8885 киши, шаҳар четидаги вокзал участкасида 1243 киши, жами 10128 киши яшаганлиги аниқланган, шундан қуйи ҳарбий лавозимдагилар 5087 кишини, тинч аҳоли эса 4206 кишини ташкил этган. Яъни аҳолининг 50 фоизидан ортиғи ҳарбийлар эди<sup>6</sup>. Аҳолининг 40 фоизи турли касб эгалари бўлган.

Шу тариқа Самарқанднинг янги шаҳар қисмида аҳоли йил сайин кўпайиб боради. Рус аҳолиси учун уй-жойлар, маъмурий бинолар, дам олиш хиёбонлари, кутубхона, таълим масканлари, ҳаммом, китоб дўкони, ибодатхоналар, турли дўконлар, банк, ҳарбийлар уйи, транспорт конторалари, музей ва бошқа маданий муассаса ҳамда маиший хизмат идоралари ташкил этила-

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. – С.2.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – С.13.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – С.10.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – С.11.

<sup>5</sup> Справочная книжка по Самаркандской по области на 1893 год... – С.16.

<sup>6</sup> Ўша жойда. – С.90 – 91.



ди<sup>1</sup>, кўчаларни кўкаламзорлаштириш, ёритиш, тош йўллар ёт-қизиш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилади<sup>2</sup>.

Янги шаҳарда аҳолига тиббий ёрдам учун бир қатор шифохона, амбулатория ва дорихоналар қурилади. 1870 йилда рус аҳолиси учун, 1890 йилда маҳаллий аёллар ва болалар учун 50 ўринли шифохона ташкил этилади. Аммо бу шифохоналар аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун етарли эмас эди. 1913 йилда «Самарқанд врачлар жамияти» тузилиб, унинг аъзолари кўнгилли равишда шаҳардаги соғлиқни сақлаш масалаларини муҳокама қиладилар, турли таклифларни ишлаб чиқадилар. Аммо шаҳар маъмурияти бу масалалар билан бош қотиришни истамас эди. Туркистон Россия империяси таркибидаги ҳудудлар ичида тиббий хизмат бўйича энг паст ўринда турар эди.

1888 йилда Красноводскдан Самарқандгача бўлган Каспийорти темир йўли, 1898 йилда эса Самарқанд – Андижон темир йўли қурилиши шаҳарни Россия империясининг жанубий қисмлари ҳамда ўлкадаги йирик шаҳарлар билан яқиндан боғлади.

Темир йўллар қурилиши билан Самарқанддан Россия марказларига хомашё ташиб кетилиши йил сайин кучайиб, шаҳарда уларга қайта ишлов берувчи корхоналарни ташкил қилиш жараёни жадаллашди. Пахта, тери, узумни қайта ишловчи корхоналар жадал кўпайиб борди. 1892 йилга тегишли маълумотларга кўра, Самарқандда 16 та пахта тозалаш заводи бўлиб, уларда 623000 пуд пахта тозаланган ва 117440 пуд пахта толаси олинган<sup>3</sup>.

Самарқандда узумчилик қадимдан ривожланиб келган соҳа эди. Узумнинг 24 хил нави маълум бўлиб, мазаси ширин ва серҳосиллиги билан машҳур эди, бу эса виночиликни ривожлантиришга катта имкон берган<sup>4</sup>. Рус сармоядорлари XIX аср охиридан бошлаб муссалас ва шароб ишлаб чиқаришга киришдилар. Самарқандда узумдан спирт тайёрлаш корхоналари пайдо бўлди. 1897 йилга келиб 5 та кичик спирт заводи фаолият юритар, уларда йилига 62 минг пақир 40 градусли ароқ тайёрланар, бунинг учун 265000 пуд узум маҳсулотидан фойдаланилар эди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда. – С.665.

<sup>2</sup> Конопка С.Р. Туркестанский край. – Ташкент, 1913. – С.125.

<sup>3</sup> Материалы для статистики Самаркандской области // Туркестанский сборник. Том 426. – С.114.

<sup>4</sup> Вирский Н. Виноградство в Самаркандском уезде // Туркестанский сборник. Том 433. – С.55.

<sup>5</sup> Туркестанский сборник. Том 527. – С.43.

Самарқандда узумдан тайёрланган вино бутун Туркистонда машхур эди. Узумдан асосий маҳсулотлардан яна бир тури – шинни тайёрланган. Шинни тайёрлаш минтақада қадимдан кенг тарқалган эди. 1894 йилги маълумотларга кўра, 130456 пуд узумдан 32614 пуд<sup>1</sup> шинни тайёрланган. Бу шиннилар Самарқанд бозоридан ташқари Бухоро ва Хива хонликлари, Тошкент бозорларида сотилган.

Янги шаҳар қисмида ҳаёт жадал кечаётган бир пайтда эски шаҳардаги ҳаёт ўтган асрлар анъанасида давом этар эди. Шаҳарда 166 та катта-кичик кўчаларнинг<sup>2</sup> 15 таси текисланиб, дарахтлар экилди, қолганлари эса тор ва тупроқ холида қолди. Асосий кўчаларга 55 та керосинли ёриткичлар қўйилди. 1893 йилга келиб бу ерда рус-тузем мактаби (24 та ўқувчи), 23 та мадраса (799 талаба), 83 та анъанавий бошланғич мактаб (1204 та ўқувчи), 8 та яҳудийлар мактаби (243 ўқувчи) фаолият юритар эди<sup>3</sup>.

1891 йил маълумотларига кўра, Самарқандда маҳаллий аҳоли яшаган эски шаҳар ҳудуди 364 десятина 2100 кв. саженни ташкил қилар эди<sup>4</sup>.

Эски шаҳар ҳудуди инфратузилмаси анъанавий, яъни ўтган асрлар ҳолатида эди. Шаҳарда 86 та масжид, 1 та яҳудийлар ибодат уйи – синагога, 7 та ҳаммом, XX аср аср бошига келиб 92 та карвонсарой, 1645 та дўкон ва ёймалар (1461 таси эски шаҳарда) фаолият юритган. 123 та масжид, 105 та мактаб<sup>5</sup>, 14 та мадраса<sup>6</sup> бор эди. Бу рақамлар ўтган 35 йил мобайнида карвонсаройлар кўпайганини, мадрасалар камайиб қолганини кўрсатади.

Шаҳардаги уйларнинг аксарияти бир ёки икки қаватли қурилган, деворлари пахсадан бўлган, деразалари эса ичкарига қараган. Ўзига тўқ оилаларда ҳовли ерларига ғишт ётқизилган<sup>7</sup>.

Янгилик сифатида эски шаҳарда бу даврда уезд бошлиғининг маҳкамаси, маҳаллий аёллар амбулаторияси, шаҳар хўжалик бошқармаси, касалхонанинг эркак ва аёллар бўлимлари юзага келганини қайд этиш лозим.

---

<sup>1</sup> Вирский Н. Виноградство в Самаркандском уезде // Туркестанский сборник. Том 527. – С.46.

<sup>2</sup> Справочная книжка Самаркандской области на 1893 год. Выпуск 1. – С.18.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – С.20 – 21.

<sup>4</sup> Справочник статистических сведений Самаркандской области (1891 г.). – С.17.

<sup>5</sup> Список населенных пунктов Самаркандской области (По сведениям 1905 – 1906 гг.). – Самарканд, 1906. – С.1, 35.

<sup>6</sup> Масальский В.И. Туркестанский край // Россия. Том XIX. – СПб., 1913. – С.666.

<sup>7</sup> Ўша жойда. – С.19.

Шаҳар аҳолиси ҳақидаги маълумотларнинг кўрсатишича, 1870 йилда, яъни Самарқанд босиб олингандан кейин 2 йил ўтгач, бу ерда 6000 та ҳовли-жой борлиги қайд этилган, унинг сони ўртача 5 га кўпайтирилиб, уларда 30000 аҳоли яшаганлиги кўрсатилган<sup>1</sup>. 1893 йилга келиб эса шаҳарда 5298 та хонадонда 26490 киши яшаётганлиги қайд этилади<sup>2</sup>. Бу сафар ҳам шаҳар аҳолиси хонадонлар сонини ўртача 5 кишига кўпайтириш орқали тахминий хулоса асосида кўрсатилади. Бу, албатта, ҳақиқий аҳволни акс эттирмас, аксинча, уни бузиб кўрсатар эди. Россия ўлкаларида ўртача амалда бўлган бу мезонлар Туркистонга, хусусан, аҳолиси зич бўлган Самарқандга тўғри келмас эди. Бир неча авлод вакиллари яшаган анъанавий ўзбек оиласида ўртача 7–8 киши яшаганлиги назарда тутилса, бу ҳисоблар анча салмоқли бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу ўринда 1870 йилда Самарқандда 6000 хонадон, 1893 йилда 5298 та хонадон рўйхатга олингани ҳам аниқликни талаб қилади. Чунки бу ҳолат уй-жойлар сони 700 тага камайганини кўрсатади. Бу ҳол шаҳар чегараларининг ўзгариши ёки унинг янги қисми барпо этилиши муносабати билан маълум ўзгаришлар юз бергани билан боғлиқ бўлиши мумкин.

1897 йилда Самарқандда 8337 та хонадонда 54900 киши яшаганлиги қайд этилса<sup>3</sup>, 1906 йилда шаҳарда 10166 та хонадонда (шундан 9220 таси эски шаҳарда), жами 66666 аҳоли (шундан 50692 киши эски шаҳарда) яшаши аниқланган<sup>4</sup>. Мазкур статистик маълумотлар таҳлил қилинганда эски шаҳарда аҳоли сони ҳар бир хонадонга 5,5 кишидан тўғри келгани ҳолда, янги шаҳарда ҳар бир хонадонга 16,8 кишидан тўғри келиши реал аҳволни мутлақо акс эттирмай, таажжубга солиши шубҳасиз.

1910 йилга келиб шаҳар аҳолиси 85228 кишига (шундан 69254 киши маҳаллий аҳоли)<sup>5</sup>, 1913 йилга келиб 89693 кишига етади<sup>6</sup>. Бу эса 43 йил давомида шаҳар аҳолиси деярли 3 маротабага орт-

<sup>1</sup> Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии. – С.22.

<sup>2</sup> Справочник Самаркандской области на 1894 год. Выпуск 2. – С.23 – 24.

<sup>3</sup> Вирский М. Статистические сведения по городам и уездам Самаркандской области 1897 г. // Справочная книжка Самаркандской области на 1898 год. Выпуск 6. Таблица №1.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – С.9.

<sup>5</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по Высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К.К.Паленом. Городское управление. – СПб., 1910. – С.115.

<sup>6</sup> Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Том 19. – С.667.

ганини намоён қилади. Лекин бунга аниқлик киритиш учун Самарқандда 1870 йилда аниқланган 6000 хонадонни ўртача 7-8 кишига кўпайтирилса, эски шаҳарда камида 42 – 48 минг маҳаллий аҳоли яшагани, 1906 йилда эса 9220 та маҳаллий хонадонларда ўртача 65 – 74 минг киши яшаганини тахмин қилиш мумкин. Бу ўринда мустамлака шароитида ҳатто статистик рақамлар ҳам мустамлакачилар манфаати йўлида сохталаштирилганини кўриш мумкин.

Бу даврда шаҳар аҳолисининг ижтимоий таркиби ҳам ўзгариб, илгариги савдогарлар, ҳунармандлар, уламолар, амалдорлар, деҳқонлардан ташқари ҳарбийлар, рус амалдорлари, сармоядорлари, савдо-саноат эгалари, завод-фабрика ва темир йўл ишчилари каби янги қатламлар шаклланди. Миллий жиҳатдан аҳоли таркибида маҳаллий ўзбек, тожик, яҳудийлар қаторида рус, немис, келгинди яҳудийлар пайдо бўлди. Диний жиҳатдан аҳолининг таркибида илгари асосан мусулмонлар ва 3000 киши атрофида яҳудийлар яшашган бўлса, эндиликда маҳаллий аҳолидан кейинги ўринда христианлар ва яҳудийлар турган. Хусусан, 1909 йил маълумотларига кўра, Самарқанд шаҳрида 87243 кишидан 15296 таси христиан динининг турли мазҳаб вакиллари (асосан православлар), 62362 таси мусулмонлар, 959 таси яҳудийлар эди<sup>1</sup>.

1913 йил маълумотларига кўра, Самарқанднинг эски шаҳар қисмида 28 та карвонсарой, 1169 та дўкон, 4 та бозор фаолият юритар эди<sup>2</sup>.

Шаҳар бозорларига атрофдаги қишлоқ ва шаҳарлардан кўп-лаб харидорлар келган, чунки Самарқанд шаҳри Тошкент ва Фарғона ҳудудларига маҳсулот тарқатадиган ўзига хос савдо омбори бўлиб, нафақат вилоятдаги, балки Туркистондаги йирик савдо-саноат марказларидан бири эди. Айниқса, чой савдосида Самарқанд жуда катта ўрин тутар эди. Чой сақланадиган омборларда 850 та ишчи ишлар эди. Пахта тозалаш заводларида эса 300 киши банд бўлган<sup>3</sup>.

Мустамлака даврида эски шаҳарга ажратилган маблағ фақатгина маҳаллий аҳолини назорат қилиш ва итоатда сақлаб туришга, яъни полиция ва миршаблик учун сарфланиб, шаҳар ободончилиги, тиббиёт, санитария ҳолати, қурилиш ва мада-

<sup>1</sup> Обзор Самаркандской области за 1909 год. – Самарканд, 1912. Приложение №2.

<sup>2</sup> Масальский В.И. Туркестанский край // Россия. Том XIX. – С.666.

<sup>3</sup> Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Том 19. – С.667.

ний ҳаётга эътибор қаратилмаган. Маъмурият Самарқанднинг эски шаҳар қисмидан тўпланадиган солиқлардан тушган даромадни шаҳарнинг янги қисми қурилишига ва ободончилигига сарфлаган<sup>1</sup>. Натижада асрлар давомида дунёга машҳур бўлиб келган шаҳарда санитар ҳолат, уй-жой қурилишлари, маданий обидалар, жамоат жойлари, кўчалар давр талабларидан орқада қолиб, руслар яшайдиган янги шаҳар қисми ободлашиб, кенгайиб боради.

Шунга қарамай, эски шаҳарда асрлар давомида ривожланиб келган анъанавий савдо марказлари – бозорлар, ҳунармандчилик устахоналари, масжидлар, аҳолининг асосий қисми жойлашгани боис у ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўз аҳамиятини йўқотмади.

XIX аср охирига келиб шаҳарда анъанавий ҳунармандчиликда тўқувчилик маҳсулотларига нақшлар бериш ривожланиб борган. Шу туфайли Самарқанд тўқимачилик маҳсулотлари ички бозорда четдан келтирилган саноат молларини сиқиб чиқара бошлади. Зеро, Самарқандда етиштириладиган рангли ип газламага эҳтиёж катта эди. Бу даврда Самарқандда яшаган яҳудийлар матоларни нил бўёғига (тўқ ранг) бўяш билан шуғулланганлар.

Рус савдогарлари, амалдорлари, ҳатто подшо хонадони учун буюртма асосида махсус каштачилик маҳсулотлари, духоба, дастурхон ва чойшаблар тайёрланарди. Маҳаллий ҳунармандлар хомашё сифатида ўз пахта ва ипакларидан фойдаланиб кўплаб шойи, атлас, чит, олача, дока, бўз, салла, белбоғ ва бошқа хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кучайтириб, бозорни тўлдириб борганлар<sup>2</sup>.

Самарқанд тўқувчилари ўз ишларини енгиллатиш, тезлаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида тўқув дастгоҳларига янги мослама – моки ўрнатиб, Ўрта Осиё ҳунармандлари орасида илк бор янгиликка қўл урдилар<sup>3</sup>. Натижада 1892 йили ишлаб чиқариш ортиб, 3145620 рублга етган, бу эса 1891

---

<sup>1</sup> Чабров Г.Н. Страницы истории Самарканда (1868 – 1916) // Труды Ташкентского государственного университета. Новая серия. Выпуск 194. Исторические науки, книга №13. – С.15.

<sup>2</sup> Гребенкин А. Ремесленная деятельность таджиков Зерафшанского округа // Туркестанский сборник. Том 52. – С.511.

<sup>3</sup> Корреспонденция. Самаркандская выставка шелководства и пчеловодства // Туркестанский сборник. Том 440. – С.97.

йилга қараганда 78490 рублга кўп бўлган<sup>1</sup>. Ҳунармандлар сифатли маҳсулотларни четга чиқаришни кўпайтириб, ишлаб чиқаришдан катта фойда олганлар. Тўқимачилик корхоналари йилдан-йилга кўпайиб бориб, XIX аср охирида Самарқанддаги бутун ҳунармандчиликнинг 55,8 фоизини ташкил қилди.

Илгари чўян қуйишда хомашё маҳаллий конлардан олинган бўлса, XX аср бошларига келиб Россиядан келтирилган темир-терсақлардан фойдаланила бошланди. Натижада дегрезлар пилта дастгоҳлар, пахта тозалаш жинлари учун ҳам тегишли қисмларни тайёрлай бошладилар.

Ҳунармандчиликнинг айрим турлари (масалан, игна тайёрлаш) умуман тугаб кетса-да, маҳаллий ҳунармандлар қисқа фурсатда замонга мослашиб, харидоргир маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириб олдилар. Натижада янги ҳунарлар, масалан, чой қадоқлаш, соат созлаш, рассомлик, ром, мебел тайёрлаш, турли бўёқлар ишлаб чиқиш, дарпардалар тикиш, слесарлик, ойнасозлик каби ҳунарлар пайдо бўлиб, кенг ривожлана бошлаган.

Темир йўл қурилиши арафасида шаҳарда 1300 дан ортиқ турли устахоналардан ташқари 1969 та майда ҳунармандчилик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатган<sup>2</sup>. Ҳунармандчилик маҳаллий аҳоли эҳтиёжини қондирувчи асосий ишлаб чиқариш тури бўлиб, ҳунармандлар ўз уйларидаги кичик устахоналарда, бозор ҳудудида ва катта кўчаларда жойлашган устахона-дўконларда меҳнат қилганлар. Аммо 1888 йилда темир йўллар ишга тушгач, бу соҳада аҳвол ўзгарди.

1888 йилгача завод-фабрика маҳсулотларининг йиллик ишлаб чиқариш қиймати ҳунармандчиликка нисбатан анча кам эди. 1913 йилга келиб ишлаб чиқаришда ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳиссаси 15 фоизга тушиб қолди, фабрика ва завод маҳсулотлари ҳиссаси эса 84 фоизни ташкил қилар эди.

Самарқанд шаҳрида ва уездида вилоятдан метрополияга маҳсулот олиб кетиш билан шуғулланувчи ўнлаб савдо-саноат фирмаларининг бўлимлари ва дўконлари фаолият кўрсатган. Самарқандда савдо-саноат фирмаларининг 117 та дўконлари<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Материалы для статистики Самаркандской области – из обзора Самаркандской области за 1892 // Туркестанский сборник. Том 426. – С.146.

<sup>2</sup> История Самарканда. В 2-х томах. Т.1 / Под ред. И. Муминова. – Ташкент: Фан, 1971. – С.309.

<sup>3</sup> Заорская В., Александр К. Промышленные заведения в Туркестанском крае. – Петроград, 1915. – С.73.

бўлиб, улар метрополияга асосан пахта, ипак, гуруч, чорва маҳсулотлари, ҳўл мева, вино, чарм-тери, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жўнатганлар, Россиядан эса саноат маҳсулотларини олиб келганлар.

Шаҳардаги фабрика ва заводлар асосан хомашёни қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, чой қадоқлаш, пахта тозалаш, ёғмой, кўнчилик, виночилик корхоналаридан иборат эди. 1880 йилда янги шаҳарда пахта, узум ва терини қайта ишлайдиган йирик заводлар сони 5 та бўлган бўлса, 1914 йилга келиб уларнинг сони 55 тага етган<sup>1</sup>.

Саноат корхоналари кўпайиши билан уларда ишловчи ишчилар сони ҳам ортиб борган. Агар 1890 йилда 28 та саноат корхонасида 373 та ишчи ишлаган бўлса, 1914 йилга келиб 117 та корхонада 2814 та ёлланма ишчи ишлаган, уларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли вакиллари эди. Вилоятдаги 28 та вино ишлаб чиқариш заводидан 20 таси Самарқандда жойлашган бўлиб, 453 ишчининг аксарияти маҳаллий аҳоли вакиллари эди. Туркистон ўлкаси бўйлаб ҳам вино ишлаб чиқариш заводларидаги 2645 ишчидан 2150 таси маҳаллий аҳоли вакиллари эди.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд шаҳрида мустамлакачилик шароитида кескин ўзгаришлар содир бўлди: бир томондан, асрлар давомида минтақада маъмурий, иқтисодий, маданий марказ бўлиб келган бу шаҳар барча йўналишларда ўз мустақиллигини йўқотиб, мустамлака тузум домига тортилди, шаҳар ҳудуди сунъий равишда иккига – эски ва янги қисмларга бўлинди. Гарчи вилоят ва уезд мақоми берилса – да, амалда бу мустамлака бошқарув тизимининг бўғини сифатида уни асоратда тутиб турибгина қолмай, барча ресурс ва имкониятларнинг метрополия манфаатига ишлатилишига, аҳолини итоатда тутишга хизмат қилди. Иккинчи томондан, шаҳар салоҳияти бу даврда ҳам юксаклигича қолди ва бунда унинг асрлар давомида шаклланган иқтисодий марказ сифатидаги бой имкониятлари ва тажрибаси катта роль ўйнади.

Самарқанд шаҳрида бу даврда содир бўлган ўзгаришлар Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларида кечган жараёнлардан моҳиятан фарқ қилмас эди. Шаҳар ҳудуди янги шаҳар ҳисобига ўсиб, кенгайди, унда рус аҳолиси билан бирга янги иқтисодий инфратузилмалар – банклар, савдо- саноат уйлари, транспорт

---

<sup>1</sup> Обзор Самаркандской области за 1906 год. – Самарканд, 1907. – С.52.

конторалари ва бошқалар шаклланиб, фаолият юрита бошлади. Самарқанд шахрининг ўлка иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти ва роли кучайди. Айниқса, темир йўллар қурилиши бу жараёни тезлаштирди. Аммо шаҳарларнинг иқтисодий ресурслари, салоҳияти ва даромадлари метрополия манфаатларига, рус сармоядорлари манфаатларига тўлиқ бўйсундирилган эди.

Шаҳарнинг янги қисмида кенг, текис, дарахтлар экилган ва ёриткичлар ўрнатилган кўчалар, европача уйлар, касалхона, дорионалар, вокзал, транспорт воситалари, ижтимоий- маданий муассасалар – театр, кутубхона, музей, клублар, боғлар, парклар юзага келди. Аммо улардан аксарият келгинди аҳоли манфаат кўрди.

Маҳаллий аҳоли яшаган эски шаҳар эса ҳамон ўтган аср қиёфасида эди. Халқ мустамлака тизгинида турган илғор фикрли маърифатпарвар зиёлилари ҳамда сармоядорлари ҳисобидан барпо этилган, таъқиб ва тазйиқлар гирдобидида қолган янги усул мактаблари, кутубхона ва матбуот намуналари, маҳаллий ҳомийлар ҳисобидан таъминланган эски, нураб кетган мадраса ва мактаблар билан қаноатланишга мажбур эди.

*Н. Кариева*

**ХІХ АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА БУХОРО  
АМИРЛИГИ ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРИЛГАН  
ТАБИЙ ФАНЛАРГА ОИД ИЗЛАНИШЛАР  
(рус тадқиқотчиларининг  
изланишлари мисолида)**

ХІХ асрнинг биринчи ярмига оид рус тадқиқотлари Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон географияси тараққиёти учун катта аҳамият касб этди, бироқ улар содда усулда ёритилган ва тарқоқ характерга эга эди. Бу давргача олиб борилган тадқиқотларнинг асосий илмий натижаси Сирдарёнинг қуйи оқими, Орол ва Каспий денгизи ҳудудининг ўрганилиши билан чегараланиб қолган эди. Табиий фанларга оид тадқиқотлар эса муайян илмий тизимга эга бўлмаган, ягона услубда олиб борилмаган<sup>1</sup>. ХІХ асргача Россия табиатшунослари томонидан минтақанинг табиий

<sup>1</sup> Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Ч.2. 1856 – 1869 гг. – Ташкент: САГУ, 1956. – С.4.



шароитларига доир далиллар, турли маълумотлар йиғилди, бироқ бу борада бирорта йирик илмий тадқиқот яратилмаган эди. Бунинг асосий сабабларидан бири – Ўрта Осиё ҳудудига юборилган экспедициялар кўпроқ сиёсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган эди. Қолаверса, бу даврда Россиянинг ўзида география фани тўлиқ ривожланмаган ва табиатшунос мутахассисларга бўлган эҳтиёж юқори даражада эди.

XIX асрда Зарафшон воҳасининг географияси борасидаги дастлабки табиий фанларни тадқиқ этишга қаратилган изланишларни 1820 йилда Россия империяси ҳукумати вакили А. Негри бошчилигида Бухоро амирлиги ҳудудига юборилган элчилик миссиясида иштирок этган табиатшунос мутахассислар Э.А. Эверсманн ва Х. Пандер бошлаб берди. Мазкур дипломатик экспедицияда улардан ташқари ҳарбий амалдор Е. Мейендорф, топографлар Вальховский, Тимофеев, таржимон Яковлев ҳам қатнашган.

Негри экспедицияси Оренбургдан йўл олиб, Или дарёси бўйлаб Сапакқум чўли, Қамишли кўли, Сирдарё, Қизилқум, Қувондарё, Жондарё, Вобкент қишлоғи йўналиши бўйлаб Бухоро шаҳригача етиб келган. Изланишларнинг дастлабки натижаси ушбу йўналишнинг харитаси яратилганидан иборат эди. Экспедиция якунида иштирокчилар ўз ҳисоботларида Зарафшон воҳасининг табиий хусусиятлари, тарихи ва этнографиясига оид материалларни тақдим этган. Мазкур ҳудудда олиб борилган кузатувларнинг муҳим янгиллиги эса Орол денгизининг қуриб бораётгани ҳақидаги илк маълумотларни баён этганлигида бўлган. Негри экспедицияси жараёнида табиатшунослар томонидан олиб борилган илк кузатувларга кейинчалик ўз даврининг йирик табиатшунос намояндалари юқори баҳо берган эди. Хусусан, машҳур географ В.И. Липский: «Эверсманн ва Пандер Бухоро амирлиги бўйича дастлабки ҳақиқий илмий маълумотларни тақдим этган табиатшунослардир», – дея қайд этган<sup>1</sup>. Машҳур геолог И.В. Мушкетов эса: «Негри элчилик экспедициясидаги табиатшуносларнинг иштироки Туркистон ҳақидаги дастлабки табиий-тарихий, географик таассуротларимизнинг кенгайишига туртки бўлди, дастлабки илмий геологик натижалар шу қадар бойки, улар ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ», – дея фикр билдирган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Липский В.И. Флора Средней Азии. Ч.2. – СПб.: Типо-литография Герольда, 1902. – С.258.

<sup>2</sup> Мушкетов В.И. Туркестан. – СПб.: Типография Стасюковичей, 1886. – С.85.

Негри экспедициясида иш олиб борган изланувчилар бир қанча илмий нашрларни эълон қилган эди. Экспедицияда иштирок этган ҳарбий амалдор Г. Мейендорфнинг «1820 йилда Оренбургдан Бухорогача саёҳат» асари 1826 йилда Франция пойтахти Париж шаҳрида нашр этилган<sup>1</sup>. Асар бир неча жилддан иборат бўлиб, 1-жилдда муаллиф Қозоғистон чўлларида (ки-тобда Қирғиз чўллари деб номланган) яшовчи халқларнинг (қозоқ халқи) турмуш тарзи, урф-одатлари ҳақида маълумот берган. 2-жилдда Ўрта Осиё ҳақидаги – унинг чегаралари, иқлими, тоғлари, дарёлари, Орол денгизи<sup>2\*</sup> борасида маълумотлар тизимлаштирилган. Маҳаллий аҳоли билан олиб борилган суҳбатлар асосида Хива, Қўқон, Қашғар, Ромитон, Ҳисор, Кўлоб, Бадахшон шаҳарлари, Балхдан Кобулгача ва Бухородан Ҳиротгача йўллар ҳақидаги маълумотлар берилган. Г. Мейендорфнинг учинчи китоби Бухоро хонлигининг батафсил тавсифига бағишланган, Марв, Чоржўй, Қоракўл, Вобкент, Ғиждувон, Самарқанд, Кармана, Каттақўрғон, Қарши шаҳарлари, айниқса, Бухоро<sup>3</sup> бўйича маълумотлар ёритилган. Ушбу асар Бухоро амирлигининг географик жойлашуви, табиати, иқтисодий ҳолати, маъмурий бошқарув тизимини янада чуқур ўрганиш борасида шарқшунос тадқиқотчилар учун муҳим манба сифатида хизмат қилганини қайд этиш лозим. Бунга П. Савельевнинг «Бухара в 1835 году (1835 йилда Бухоро)»<sup>4</sup> рисоласи, Н. Ханиковнинг «Описание Бухарского ханства» («Бухоро хонлигининг тавсифи») <sup>5</sup> асари каби илмий нашрлар мисол бўла олади. Рисолада Бухоро шаҳрининг ҳолати, унинг жойлашуви, карвонсаройлар, масжидлар, бозорларнинг сони, аҳолиси бўйича маълумотлар Мейендорф кўрсатмалари билан қиёсий таҳлил қилинган<sup>6</sup>.

Э. Эверсманнинг «Оренбургдан Бухорогача йўл» асари икки қисмдан иборат бўлиб, асарнинг биринчи қисми маҳаллий (қозоқ миллатига мансуб) аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатла-

<sup>1</sup> Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Ч.2... – С.34.

<sup>2\*</sup> Маҳаллий қозоқ халқининг айтиши бўйича, Орол денгизи қуриб бораётганди.

<sup>3</sup> Бухоро тарихи, унинг кўчалари, саройлари, хонадонлар, миноралар, масжидлар, карвонсаройлар ҳақида маълумотлар берилган. Бухоро аҳолисининг таркиби (тожик, ўзбек, яҳудий, афғон, ҳинд, эроний ва руслар) ёритилган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги, суғориш тизими, чорвадорлик, савдо-сотиқ (Россия, Қашғар, Кашмир, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Қўқон, Тошкент билан олиб борилган) ҳақида маълумотлар мавжуд.

<sup>4</sup> Савельев П. Бухара в 1835 году. – СПб.: Типография Н.Грача, 1836. – С.22.

<sup>5</sup> Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб.: Типография Императорской академии наук, 1843. – С.9.

<sup>6</sup> Савельев П. Бухара в 1835 году... – С.8.

ри, Жондарё ҳудудидаги шаҳарлар қайд этилган<sup>1</sup>. Тоғларнинг геологик характеристикаси, фойдали қазилма бойликлар, чўллар, сув ҳавзалари, ўсимлик дунёси ёритилган. Асарнинг 2-қисмида Бухоро шаҳарлари, ҳудуд рельефи, кўчалари, бинолар, бозорлар (хусусан, қул бозори), савдо моллари, аҳоли таркиби (тожик, ўзбек, яҳудий), тили, асосан, форс тили, қишлоқ хўжалиги бўйича маълумот берилган. Бироқ шарқшунос П. Савельев Эверсманнинг фаолияти ҳақида танқидий ёндашган ҳолда қуйидаги фикрларни билдирган: «Негри экспедицияси билан бир вақтда Бухорога доктор Эверсман ташриф буюрган... У ўз саёҳатини Осиедан бошлашни маъқул кўрди. Туркий тилларни яхши ўзлаштирмаган Эверсман ўзини татар милатига мансуб киши сифатида кўрсатмоқчи бўлган, бироқ ҳукумат аъзолари буни сезиб қолгач, у машаққат билан Бухородан қочган ва элчилик карвонига<sup>2\*</sup> қўшилиб олган. Унинг асарида муҳим маълумотлар мавжуд эмас, асарнинг ягона илмий аҳамияти Мейендорф асаридан илгарироқ чоп этилганидир»<sup>3</sup>.

Экспедициянинг яна бир иштирокчиси табиатшунос Х. Пандер ҳам Бухоронинг табиати (геологияси, тоғлари, ботаникаси, хайвонот олами) ҳақида бир қанча нашрларни чоп эттирган эди<sup>4</sup>.

А. Негри элчилик миссияси XIX аср бошларида амалга оширилган Зарафшон ҳудудидаги илк йирик экспедиция эди. Экспедиция кузатувлари чуқур илмий таҳлил қилинмаган, тизимлаштирилмаган бўлса-да, улар ўлка географиясини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан аввалги даврларга оид Зарафшон ҳудудидаги изланишлардан фарқли ўлароқ, Эверсман, Мейендорф, Пандернинг олиб борган кузатувлари минтақа табиати, орографик ва геологик ҳолати, гидрографияси, ўсимлик ва ҳайвонотига оид бой маълумотлардан иборат эди. Кейинчалик ушбу кузатувларнинг натижалари бошқа олимлар томонидан чуқур таҳлил қилинган, Зарафшон географиясига оид кейинги даврларга оид илмий тадқиқотларда кенг фойдаланилган. Мейендорфнинг асарига илова сифатида берилган харита Амударё ва Сирдарё ҳудуди бўйича мазкур даврда табиий фанларга оид билимларнинг анча такомиллашганидан дарак беради. Ха-

<sup>1</sup> Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Ч.2... – С.36.

<sup>2\*</sup> Негри элчилик экспедицияси билан.

<sup>3</sup> Савельев П. Бухара в 1835 году... – С.23.

<sup>4</sup> Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Ч.2... – С.35.

ритада ҳудуддаги сув ҳавзалари, дарёларнинг қуриган ирмоқлари, сунъий каналлар, саксовул ўрмонлари, чўллар, хусусан, Бухоро атрофидаги Қоракўл, Бозорчи ҳудудлари аниқ кўрсатилган. Эскпедиция илмий кузатувларининг муҳим жиҳатларидан яна бири Зарафшон дарёси сувларининг бир йилда 3 марта – февраль – март ойларида баҳорги мавсум натижасида, май ойида тоғлардаги қорларнинг эриши натижасида, ноябрь – декабрь ойларида эса ёнғингарчиликнинг кучайиши натижасида кўтарилиб туриши каби табиий омиллар ўрганилгани ва ушбу омиллар минтақа қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эгаллиги асосланганида бўлган.

Бухоро хонлиги европаликлар, хусусан, Россия тадқиқотлари тасавурида умуман нотаниш дунё бўлган десак муболаға бўлмайди. Европалик ва рус тадқиқотчиларнинг назарида, бу ерда вақт тўхтаб қолгандай эди. Буни Мейендорфнинг Бухоро ҳақидаги хотираларида «Мен ўзимни ўзга дунёга тушиб қолгандай хис қилдим»<sup>1</sup> деган фикрларидан ҳам билиш мумкин.

XIX асрнинг бошларида географик жиҳатдан Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган Бухоро хонлиги Россия империяси ҳокимиятида катта қизиқишни уйғотган эди. Бу даврда Бухоро хонлиги ҳудуди орқали Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудларига олиб борадиган савдо йўллари ўтган. Бундан ташқари, мазкур даврга келиб Россиянинг Осиё мамлакатлари билан олиб бораётган ташқи савдо ишларида Бухоро билан ўрнатилган иқтисодий муносабатлар муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сир эмас. Бу эса Бухоро савдогарларининг Россия бозорларида фаол иш олиб боришига туртки бўлган. Ўз навбатида, Россия империяси ҳукумати ҳам Бухоро хонлигига тез-тез ўз вакилларини юбора бошлаган. Бундай ташаббусни Россияда биринчилардан бўлиб генерал В. Перовский кўрсата бошлаган эди. 1833 йилда унинг кўрсатмаси билан Бухоро ҳудудига маҳсус топшириқ билан ҳарбий зобит И. Виткевич юборилиши режалаштирилган. Тез вақт ичида Ҳарбий вазирлик томонидан Бухородаги саёҳат давомида Россия учун муҳим аҳамиятга эга бўлган хонликка оид бир қанча маълумотларни йиғиш бўйича махсус махфий йўлланма ҳам ишлаб чиқилган. Бироқ ҳукумат томонидан рад жавоби олгач, И. Виткевич ўрнига маҳаллий туркий тилларни яхши эгаллаган шарқшунос П. Демезон юборилган. 1833 йил 10

---

<sup>1</sup> Мейендорф Г. Нравственное состояние Бухарии (Из книги «Путешествие в Бухарию») / Пер. Каменский. Северный архив. 1826. Ч. 24. – С. 178 – 194.

ноябрда профессор П. Демезон Мирзо Жаъфар исмли татар муллеси сифатида Ниёз Муҳаммад бошчилигидаги Бухорога юборилган савдо карвони таркибида хонликка сафарни бошлаган. Сафар олдидан унга 25 пунктдан иборат махсус топшириқ юкланган эди<sup>1</sup>. 1833 йил 29 декабрда карвон Қозоғистон чўлларини машаққат билан кечиб ўтиб, Бухоро шаҳрига етиб келган. Сафар давомида Демезон кўрсатилган вазифаларини бажарган ҳолда Бухоро хонлигигача бўлган йўл тафсилотлари, ерларнинг хусусиятлари, дарё ва чўллар ҳақида имкон қадар батафсил маълумотларни ёзиб борган. 1834 йилнинг июль ойига қадар у Ғарбий Бухоронинг (айниқса, Бухоро шаҳри) табиий шароитлари, этнографик ҳолати, бозорлар, нарх-наво, қўшинларнинг сони ва ҳарбий стратегияси, маъмурий-бошқарув тизими бўйича қимматли маълумотларни тўплаган.

Бухородаги 2 йиллик махсус фаолият давомида маҳаллий тилни, диний урф-одатларни яхши билган Демезоннинг аслида ким бўлгани, унинг асл мақсадини Бухоро ҳукумати вакиллари била олмаган. Бу борада унинг ўзи шундай деб ёзган эди: «Агар мен мусулмон бўлмаганимда, Бухоро ҳақида бу қадар кўп маълумотларни йиға олмаган бўлар эдим»<sup>2</sup>. Шарқшунос П. Савельев эса: «Шу пайтга қадар Ўрта Осиёга юборилган бирорта саёҳатчи минтақага оид аниқ маълумотларни йиғишда бундай имкониятга эга бўлмаган эди»<sup>3</sup>, – дея таъкидлаган.

1841 – 1842 йилларда Россия империяси томонидан Бухорога яна бир экспедиция – К.Бутенёв экспедицияси юборилган эди. Экспедиция элчилик характерига эга бўлишига қарамай, уни ташкил этишдан бош мақсад Бухоро хонлигининг табиий шарт-шароитлари ва бойликлари бўйича батафсил маълумотларни йиғишдан иборат бўлган. Унинг таркибида элчи, тоғ-кон мутахассиси, тадқиқотчи-олим К.Ф. Бутенёв, географ Н. Хаников, табиатшунос, тоғ-кон муҳандислари А. Леман, Богословский ва олтин кони ишчилари бўлган. Экспедицияда олиб борилган қузатувлар натижасида Қорақум, Орол денгизи (экскурсия), Қизилқум, Вобкент, Бухоро, Баҳовуддин, Кармана қишлоқлари, Каттақўрғон, Чимбой, Самарқанд географиясига доир бой маълумотлар йиғилган, К Бутенёв томонидан Бухоронинг минера-

<sup>1</sup> Худди шундай топшириқ Негри экспедициясининг асосий дастурига ҳам киритилган эди.

<sup>2</sup> Демезон П. Записки о Бухарском ханстве. – Москва: Наука, 1983. – С.2.

<sup>3</sup> Савельев П. Бухара в 1835 году... – С.26.

логик бойликлари ўрганилган, энг асосийси, ҳудудда мавжуд бўлган олтин, кумуш, феруза тошлари, темир, кўмир, туз, графит, гипс конлари аниқланган.

Экспедицияда иштирок этган Н. Хаников Бухоронинг топографияси, орографияси, гидрографияси, табиий бойликлари, иқлими, аҳолиси, ҳатто зилзилалар характери ҳақида бой маълумотларни жамлаган ҳолда бир қанча илмий нашрларни чоп эттирган эди<sup>1</sup>. Бухоро хонлигининг географик жойлашуви хусусида у Мейендорф кўрсатмаларини таҳлил қилган ҳолда шундай хулосага келган эди: «... Мейендорфнинг таъкидлашича, Бухоро хонлигининг кенглиги 41 ва 37 градус шимолий кенглик, 81,86 ва 30 градус шарқий кенгликдаги ҳудудда жойлашган, бу дегани 4200 кв милдан<sup>2\*</sup> (яъни 6757,8 кв км) иборат. Фойдаланиладиган ерлар ҳудуди эса 300 кв мил (482 кв км)ни ташкил этади. Бироқ, бизнинг ҳисоб-китобимиз бўйича, хонлик ҳудуди 5600 кв мил, фойдаланиладиган ерлар эса 500 – 600 кв милни ташкил этади. Бунинг сабаби шундаки, чегараларни аниқлашда у 2 градус жануброқда жойлашган ҳудуддан бошлаган. Мейендорфнинг ўрнатган ўлчовлари фақат Зарафшон дарёси қирғоқларининг ишлов берилган ҳудудларидан олинган бўлса, бизнинг ўлчовлар Оби Шаҳрисабз қирғоқларининг ишлов берилмаган қисмларини қўшган ҳолда берилган»<sup>3</sup>. Хонликнинг орографик ҳолати хусусида Хаников хонлик асосан қумли, чанг ва шўр тупроққа эга бўлган чўлли ҳудудда жойлашгани, тоғлари эса кенг қумли водийлар билан ажралиб туришини қайд этган.

1858 йилда Бухоро ва Хива ҳудудига Н. Игнатъев бошчилигидаги элчилик экспедицияси юборилган. Унда Н. Игнатъев (экспедиция раҳбари, ҳарбий амалдор, элчи), Салацкий, Н. Залесов, Николаев, А.И. Бутаков, А.Ф. Можайский, Недорезов (ҳарбий хизматчилар), М.Н. Галкин (Ташқи ишлар вазирлиги амалдори), Килевейн (элчихона котиби), Баншиков (таржимон), К.В. Струве (астроном), П.И. Лерх (тадқиқотчи), Зеленин (топограф), Пекарский (шифокор) иштирок этган. Экспедициядаги кузатувлар натижасида иштирокчилар томонидан Қорақалпоғис-

---

<sup>1</sup> Ханыков Н. Описание Бухарского ханства...; Ханыков Н. О населении Киргизских степей, занимаемых Внутренней и Малой орды // Журнал Министерства внутренних дел. 1844. Ч.8. №10. – С.3 – 60; Ханыков Н. Очерки Бухары. Отечественные записки. – СПб.: Типография Императорской академии наук, 1843. – С.26; №2. – С.86 – 91.

<sup>2\*</sup> 1 мил – 1,609 км.

<sup>3</sup> Ханыков Н. Описание Бухарского ханства... – С.10.

тон ҳудуди (Манғишлоқ) орқали Хивагача йўл (карвон йўли), Қозоғистон чўллари орқали Бухоро, Қўқон, Шаҳрисабз, Чоржўй, Тошкентгача бўлган йўлларнинг хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, ушбу ҳудудларда метеорологик кузатувлар олиб борилган, Хива ва Бухоронинг табиий шароитлари, аҳоли таркиби, урф-одатлари бўйича маълумотлар тақдим этилган эди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлиги ҳудудига Россия империяси томонидан юборилган элчилик миссиялари унинг геосиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уюштирилган эди. Бундай экспедицияларни ташкил этишда ўша даврда Россиянинг энг нуфузли давлат ташкилотларидан бири ҳисобланган Ҳарбий вазирлик ва Ташқи ишлар вазирлиги асосий ўринни эгаллаган<sup>1</sup>. Буни ҳар бир элчилик миссияларини бошқарган элчилардан ташқари таркибидаги ҳарбий соҳа вакиллари унинг иштирокидан кузатиш мумкин. Шунингдек, бу амирлик ҳудудига юборилган экспедициялар таркибида фан намояндлари, табиатшунослар ҳам иштирок эта бошлагани, дастлабки изланишларни олиб борганини ҳам кўриш мумкин. Ушбу изланишлар ва кузатувлар муайян илмий усулда олиб борилмаган бўлса-да, улар минтақага оид табиий билимларнинг кенгайтишига туртки бўлди, кейинги тадқиқотлар учун хизмат кила олди, уларнинг энг муҳим аҳамияти амирликнинг аниқ географик жойлашуви, табиий бойликлари, қўшни ҳудудларга олиб борувчи йўлларни аниқлашдан иборат эди.

Т. Аҳмедов

## **ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИНИНГ АЛОҲИДА МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИГИ СИФАТИДА**

1867 йилда Россия императори Александр II томонидан тасдиқланган «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Муваққат Низом»га мувофиқ Туркистон ўлкаси маъмурий-ҳудудий жиҳатдан вилоят ва уездларга

<sup>1</sup>Почекаев Р.Ю. Государство и право в Центральной Азии глазами русских и западных путешественников XVIII – начала XX вв. – Москва: Издательский дом высшей школы экономики, 2019. – С.30.

тақсимланди<sup>1</sup>. Бироқ амалда Туркистон генерал-губернаторлигининг тузилиши анчайин мураккаб характерга эга бўлган. XIX асрнинг 60-йилларидан Туркистон ўлкасида қарор топа бошлаган бошқарув тизимининг айрим хусусиятларини 1868 йил 29 июнида Бухоро амирлигининг Россия империяси томонидан босиб олинган ҳудудларида ташкил этилган Зарафшон округи мисолида кўриб чиқиш мумкин<sup>2</sup>.

1868 йил апрель ойининг ўрталарида Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори К.П. фон Кауфман 8 минг 300 кишилиқ ҳаракатдаги отряд ва 16 та оғир қуроллар билан Самарқандга юриш бошлади<sup>3</sup>. Самарқанд юришида қатнашган рус аскарларининг сони ҳақида яқдиллик йўқ. 1890 йилда А.И. Макшеев томонидан тузилган ва нашр этирилган «Туркистон ва унга русларнинг ҳужумкор ҳаракатлари тарихий тасвири» асарида Зарафшон водийсида Бухоро армияси билан тўқнашган рус қўшини 3 минг 500 нафар аскар ва 16 та оғир қуроллардан иборат бўлгани айтилади<sup>4</sup>. Т. Саидқулов эса архив материалларига асосланиб уларнинг сони 4 минг 19 кишидан иборат бўлганини таъкидлайди<sup>5</sup>.

1868 йил 1 майда Самарқанд яқинидаги Зарафшон тепаликлари (Чўпонота тепаликлари – Т.А.)да бўлиб ўтган жангда амир қўшинларининг жанг майдонини тарк этиши оқибатида 2 май куни рус қўшинлари мусулмон дунёсида юксак эъзозга сазовор бўлиб келган Самарқандни жангсиз эгалладилар. Тарихчи Мухаммад Солиххўжа Тошкандий «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида: «Рус насронийлари муқаддас Шоҳи Зинда йўли билан Самарқанд дарвозасига келдилар ва бу ерда уларни ўша пайтда шаҳарда нуфузи кучли бўлган эронликлар\* гуруҳи қарши олди. Уларнинг итоаткорона муносабатига қарамасдан, шаҳарга кириб келган рус аскарлари бозор майдонидаги дўконларни ўққа тутдилар ва қалъага йўл олдилар...», – деб маълумот берган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Абашин С.Н., Арапов Д.Ю., Бекмаханова Н.Е. Центральная Азия в составе Российской империи. – Москва: Новое литературное обозрение, 2008. – С.96.

<sup>2</sup> Пардаев К.К. Ўрта Зарафшон (Миёнкол) воҳасининг XIX – XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихи: Тарих фан. ном... дисс. – Тошкент, 2003. – Б.61.

<sup>3</sup> Кауфманский сборник. – Москва, 1910. – С.20.

<sup>4</sup> Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских / Сост. А.И. Макшеев. – СПб.: Военная типография, 1890. – С.262.

<sup>5</sup> Саидқулов Т.С. Самарқанд во второй половине XIX – начале XX веков. – Самарқанд, 1970. – С.73.

<sup>6</sup> \* Шаҳарнинг форсийзабон аҳолиси.

Қаранг: Morrison A. Russian rule in Samarkand, 1868 – 1910 // A Comparison with British India. – Oxford and New York: Oxford University Press, 2008. – P.10.



Зарафшон тепаликларида қисқа давом этган жангдан сўнг тарқалиб кетган амир қўшинини таъқиб этишни давом эттирган рус армияси 1868 йил 11 майда Ургут, орадан беш кун ўтиб Бухоро йўлидаги охириги йирик шаҳар – Каттақўрғонни эгаллади<sup>1</sup>. 1868 йил 2 июнда Бухоро ва Каттақўрғон орасидаги Зиравулоқ тепаликларида рус ва Бухоро қўшинлари ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтди. Бухоро қўшини мағлубиятга учради, амир Музаффар эса фон Кауфмандан Россия шартлари асосида сулҳ сўрашга мажбур бўлди. 1868 йил 23 июнда Россия империяси ва Бухоро амирлиги ўртасида имзоланган сулҳ шартномасига мувофиқ амир Россиянинг Марказий Осиёдаги барча қўлга киритган ерларини тан олди ва ҳарбий харажатларни қоплаш учун 200 минг рубл товон тўлаш мажбуриятини қабул қилди<sup>2</sup>. Совет йилларида нашр этилган тарихий адабиётларнинг аксариятида, жумладан, «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг 2-жилдида, «Ўзбекистон ССР тарихи» асарининг 1-жилд 2-қисмида, Т. Саидқуловнинг «Самарқанд XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида» номли монографиясида, З.Д. Кастельскаянинг «Туркистон ўлкаси тарихидан (1865-1917)» номли очеркларида, шунингдек, мустақиллик йилларида чоп этилган «Ватан тарихи»нинг 2-китобида товон пулининг миқдори 500 минг рубл бўлгани кўрсатилган<sup>3</sup>. Тўловни таъминлаш учун Россия империяси Самарқанд ва Каттақўрғоннинг рус қўшинлари томонидан вақтинчалик ишғол этилишини эълон қилди<sup>4</sup>. Тез орада Бухоро амирлигининг собиқ Самарқанд ва Каттақўрғон бекликлари ўрнида маркази Самарқанд шаҳри бўлган Зарафшон округи ташкил этилди.

Алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик – Зарафшон округи ташкил этилишининг асосий сабаби сифатида Бухоро амирини Россия империясига қарши амалга ошириши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан тийиб туриш ва уни доимий назо-

<sup>1</sup> Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1857 – 1868). – Москва: Вост. лит., 1960. – С.140.

<sup>2</sup> Абашин С.Н., Арапов Д.Ю., Бекмаханова Н.Е. Центральная Азия в составе Российской империи ... – С.75.

<sup>3</sup> Қаранг: История народов Узбекистана.Т.2. – Ташкент: АН УзССР, 1947. – С.239; История Узбекской ССР. Т.1. Книга вторая. – Ташкент: АН УзССР, 1956. – С.90; Саидқулов Т.С. Самарқанд во второй половине XIX – начале XX веков. – Самарқанд, 1970. – С.82; Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865 – 1917). – Москва: Наука, 1980. – С.19; Шамсутдинов Р. ва бошқ. Ватан тарихи (XVI – XX аср бошлари). К.2. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б.167.

<sup>4</sup> Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1857 – 1868) ... – С.141.

ратда тутишни кўрсатиш мумкин. Ҳарбий вазир Д. Милютин томонидан қўллаб-қувватланган фон Кауфман турли ҳукумат муассасаларининг эътиборини Самарқанднинг иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий аҳамиятига, жумладан, у орқали амирлик пойтахтини сув билан таъминлаб келаётган Зарафшон дарёсининг оқиб ўтганлигига қаратишга ҳаракат қилади<sup>1</sup>. Ўзининг «дипломатик қисм бўйича ожизона ҳисоботи»да тарихий ва диний муносабатларда Самарқанд шахрининг нуфузини алоҳида қайд этган генерал: «Самарқанднинг бизнинг қўлимизда қолиши Бухоро амирининг мусулмон дунёсидаги таъсирини бутунлай йўққа чиқаради, шу билан бирга, Бухоро ва унинг атрофини сув билан таъминлаш масаласида бизга қарам қилиб қўяди, чунки Самарқанд яқинидаги Зарафшон бандини бузиб ташлаб биз шаҳарни (Бухорони – Т.А.) энг оғир аҳволга қўйишимиз мумкин», – деб таъкидлайди<sup>2</sup>.

Рус ҳарбий тарихчиси М.А. Терентьев «Ўрта Осиёнинг босиб олинishi тарихи» асарида «Самарқандни ўзимизда сақлаб қолган ҳолда биз ҳар доим Бухорони нонсиз ва сувсиз қолдиришимиз, уни очлик ва ташналикка маҳкум этишимиз мумкин, бу бизга ақидапараст аҳолининг эҳтиросларини қутқарув парҳези ёрдамида бошқариб туриш имкониятини беради», – деб ёзган эди<sup>3</sup>. Бу Россия империяси томонидан нафақат Зарафшон воҳаси, балки бутун Туркистон ўлкасининг бўйсундирилишида соф мустамлакачилик қарашлари нақадар кучли бўлганини кўрсатади. Асосий мақсад фақат бўйсундириш, ўлканинг муҳим стратегик ерларини эгаллаш орқали унинг халқларини қарамлик ва очликка маҳкум этиш эканини исботлайди.

Маъмурий жиҳатдан Зарафшон округи Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларига бўлинган<sup>4</sup>. 1868 йил 20 июлда генерал А.К. Абрамов бошчилигида ташкил этилган комиссия округнинг Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимлари ўртасидаги чегараларни собиқ Самарқанд ва Каттақўрғон бекликлари ўртасидаги мавжуд бўлган чегаралар асосида белгилади<sup>5</sup>. Самарқанд бўлими 11 та аҳоли манзилгоҳларини ўз ичига олган учта тумандан<sup>6</sup>,

<sup>1</sup> *Уша жойда.*

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 34-рўйхат, 346-иш, 5-варақ.

<sup>3</sup> Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т.1. – СПб., 1903. – С.471 – 472.

<sup>4</sup> Абашин С.Н., Арапов Д.Ю., Бекмаханова Н.Е. Центральная Азия в составе Российской империи ... – С.96.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-5-жамғарма, 1-рўйхат, 2-иш, 2-варақ.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-5-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 27-варақ.

Каттақўрғон бўлими эса 16 та қишлоқни бирлаштирган битта тумандан иборат бўлди<sup>1</sup>. 1868 йил август ойининг бошларида Панжикент Зарафшон округига қўшиб олинди<sup>2</sup>. 1870 – 1871 йилларда эса Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган Фароб, Моҳиён ва Қўштут бекликлари округнинг Самарқанд бўлимига қўшиб олинди<sup>3</sup> ва маркази Панжикент бўлган Тоғли туманлар бошқармаси ташкил этилди<sup>4</sup>.

Тоғли туманларнинг қўшиб олиниши натижасида Зарафшон округининг чегаралари узил-кесил қарор топди. У ўзининг ҳудуди ва аҳолисининг сони бўйича Россиянинг Европа қисмидаги губернияларга эмас, балки уездларга тенглаштирилган бўлиши лозим эди. Бироқ таъсис этилган вақтдан бошлаб округ ўзининг бошқаруви ва мақоми бўйича қонунчилик тартибида тасдиқланган ҳужжатга эга бўлмаган.

Бу ерда ўлка маъмурияти томонидан 1867 йилги Низом лойиҳаси асосида ишлаб чиқилган муваққат қоидалар жорий этилган эди<sup>5</sup>. «Муваққат қоидалар»нинг 1-моддасига мувофиқ алоҳида Зарафшон округи расмий жиҳатдан Россия империяси таркибига кирмас, лекин подшо ҳукуматининг махфий йўриқномаси асосида бевосита Туркистон ўлкаси бошлиғига бўйсунар эди<sup>6</sup>.

Кейинроқ генерал-губернаторнинг алоҳида фармойишлари билан бу қоидалар тўлдирилди ва ўзгартирилди, натижада Зарафшон округининг бошлиғи вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари билан тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлди. У генерал-губернаторга бевосита бўйсунган бўлса-да, топшириқларни унинг ҳузурида ташкил этилган маҳкама ва амалдорлар орқали олган. Округда ҳеч қандай коллегиял муассаса бўлмаган<sup>7</sup>. Бошқарувнинг барча органи ва вазифалари – маъму-

<sup>1</sup> Ўша жойда. 28-варақ.

<sup>2</sup> Саидкулов Т.С. Самарқанд во второй половине XIX – начале XX веков... – С.97 – 98.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-5-жамғарма, 1-рўйхат, 35-иш. Фароб, Моҳиён ва Қўштут бекликлари Самарқанд бўлимига қўшиб олиниши ва уларнинг округга қўшиб олинишининг аҳамияти тўғрисида.

<sup>4</sup> Абашин С.Н., Арапов Д.Ю., Бекмаханова Н.Е. Центральная Азия в составе Российской империи... – С.96.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-5-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш. Зарафшон округи бошқаруви бўйича муваққат қоидалар ва штатлар.

<sup>6</sup> Саидкулов Т.С. Самарқанд во второй половине XIX – начале XX веков... – С.101; Самарқанд тарихи. 2 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.306.

<sup>7</sup> Абашин С.Н., Арапов Д.Ю., Бекмаханова Н.Е. Центральная Азия в составе Российской империи ... – Б.96.

рийят, полиция, солиқлар ва йиғимларни ундириб олиш, аҳолининг даъволарини кўриб чиқиш ва суд ишлари округ бошлиғи этиб тайинланган генерал А.К. Абрамовнинг ихтиёрига бериб қўйилган эди<sup>1</sup>. Айнан мана шу жиҳатлар округ бошқарувининг Туркистон генерал-губернаторлигининг Еттисув ва Сирдарё вилоятларида 1867 йилги Низом бўйича ташкил этилган бошқарувдан фарқини белгилаб беради.

Округда маҳаллий бошланғич маъмуриятга нисбатан сайлов негизи ҳам анчайин чекланган эди<sup>2</sup>. «Муваққат қоидалар» Самарқанд шаҳрини бошқариш органларини тузишни ҳам кўзда тутмаган ва шаҳар Самарқанд бўлими бошлиғига бўйсунарди. Унинг ҳузурида махсус хўжалик ва жамоат бошқармаси ташкил этилган бўлиб, бу бошқарма 1867 йилги Низом лойиҳаси асосида Тошкентда тузилган шаҳар маҳкамасига бироз ўхшаб кетар эди. Шунга қарамай, Самарқанд шаҳри алоҳида маъмурий бирлик сифатида ажратилмаган, юқорида эслатиб ўтилган хўжалик-маъмурий бошқарма органлари Самарқанд бўлими бошлиғи ёрдамчиларидан бирининг раҳбарлиги остида иш олиб борган<sup>3</sup>.

1871 ва 1873 йилларда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфманнинг ташаббуси билан 1867 йилдан кейин Туркистон ўлкасининг маъмурий-худудий тузилишида содир бўлган ўзгаришлардан келиб чиқиб «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги янги Низом лойиҳалари ишлаб чиқилди<sup>4</sup>. 1873 йилги Низом лойиҳаси Зарафшон округи бошлиғи генерал А.К. Абрамов бошчилигидаги комиссия томонидан ишлаб чиқилганини<sup>5</sup> ҳисобга оладиган бўлсак, уни яратишда Зарафшон округи билан боғлиқ масалаларга кўпроқ эътибор қаратилган деб айтиш мумкин. Гарчи Низом лойиҳалари расман тасдиқланмаган бўлса – да, 1873 йилги Низомнинг асосий унсурлари Зарафшон округида амалиётга жорий этилди<sup>6</sup>. Бу ҳолат ҳам Зарафшон округида ўрнатилган бошқарув тизими Еттисув ва Сирдарё вилоятларида 1867 йилги Низом бўйича жорий этилган бошқарув тизимидан фарқли жиҳатларга эга бўлганини исботлайди.

<sup>1</sup> Самарқанд тарихи. 2 томлик. 1-том... – Б.307.

<sup>2</sup> Абашинов С.Н., Арапов Д.Ю., Бекмаханова Н.Е. Центральная Азия в составе Российской империи ... – С.96.

<sup>3</sup> Самарқанд тарихи. 2 томлик. 1-том... – Б.307.

<sup>4</sup> Абашинов С.Н., Арапов Д.Ю., Бекмаханова Н.Е. Центральная Азия в составе Российской империи ... – С.93.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – С.94.

<sup>6</sup> Ўша жойда. – С.95 – 96.

Зарафшон округи билан боғлиқ бўлган муҳим жиҳатлардан яна бири, балки, энг асосийси унинг Россия империяси таркибига расман киритилмагани масаласидир. Узоқ вақт давомида турли ҳукумат муассасалари ўртасида Самарқанд ва бутун Зарафшон округининг кейинги тақдири масаласида қизгин ёзишмалар олиб борилди. Асосан Ҳарбий ва Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида борган бу баҳс-мунозаралар тўрт йилдан зиёдроқ давом этди. Фақат 1873 йилга келиб Самарқанд ва бутун Зарафшон округи расман Россия империяси таркибига киритилди<sup>1</sup>.

Зарафшон округининг Россия империяси таркибига расман киритилишига имкон берган асосий омиллар сифатида Россия ва Буюк Британиянинг Марказий Осиё масаласида ўзаро келишувини<sup>2</sup>, рус армиясининг Хива хонлигига қарши ҳарбий юришлари муваффақиятли якунланиши ва 1873 йил 12 августда Хива хонлигини Россия империясининг протекторатига айлантирган Гандимиён сулҳ шартномасининг<sup>3</sup>, 1873 йил 18 сентябрда Бухоро амирлиги билан унинг Россияга қарамлигини янада кучайтирган моддалар билан тўлдирилган янги шартноманинг имзоланишини<sup>4</sup> кўрсатиш мумкин.

Зарафшон округининг тарихини турли даврларда яратилган тарихий асарлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондларида сақланаётган архив материаллари ёрдамида ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Туркистон генерал-губернаторлигининг алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликларидан бири ҳисобланган Зарафшон округи ўлка бошқарувида муҳим аҳамият касб этган ва воҳада рус бошқарувининг ўрнатилиши Бухоро амирлиги томонидан 1868 йилги сулҳ шартларининг оғишмасдан бажарилиши, амирни Россия империясига қарши фаол ҳаракатлардан тийиб туриш имконини берган.

2. Зарафшон округининг таъсис этилишида ва унинг бошқарувини ташкил этишда умумимперия губерниялари бошқаруви негизи рад этилган ва 1867 йилги муваққат Низомнинг айрим моддалари четлаб ўтилган.

<sup>1</sup> Материалы для описания Хивинского похода 1873 г. Вып. 4. – Ташкент, 1881. – С.32.

<sup>2</sup> Абашин С.Н., Арапов Д.Ю., Бекмаханова Н.Е. Центральная Азия в составе Российской империи ... – С.83.

<sup>3</sup> История народов Узбекистана. Т.2. – Ташкент: АН УзССР, 1947. – С.241.

<sup>4</sup> Уша жойда. – С.239.

3. Зарафшон округи муваққат ҳисобланган ва узоқ вақт давомида уни Россия империя таркибига расман киритиш ёки киритмаслик масаласида империянинг турли ҳукумат муассасалари ўртасида мунозаралар олиб борилган.

4. Зарафшон округининг Туркистон ўлкаси бошлиғи томонидан тасдиқланган муваққат қоидалар орқали бошқарилиши ва ҳукумат муассасалари томонидан расман тасдиқланмаган 1873 йилги Низом лойиҳасининг дастлаб айнан Зарафшон округида жорий этилганига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ерда маҳаллий маъмуриятчиларнинг даъвокашлиғи ва нисбатан самарали бошқарув ечимларини топишга бўлган интилиш ниҳоятда кучли бўлганини кўришимиз мумкин.

5. Зарафшон округининг ташкил этилишида ва уни бошқаришда алоҳида ёндашувнинг қўлланилишида, албатта, унинг геосийёсий жойлашуви ва аҳолисининг спецификаси муҳим аҳамият касб этган.

*С. Шадманова*

### **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XIX аср охири – XX аср бошлари)**

XIX асрнинг охирида Туркистонда, шу жумладан, Самарқандда ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари вужудга кела бошлаган эди. XIX асрнинг 90-йилларида Самарқанд вилояти аҳолисига 4 уезд шифокори (ҳар бир уездга биттадан), Самарқанд шаҳар шифокори, Самарқанд ҳамда Хўжанд аёллар ва болалар шифохонасининг 2 нафар аёл шифокори, 12 нафар фельдшер ва 1 нафар фельдшер аёл тиббий ёрдам кўрсатишган. XIX аср 90-йилларининг бошида Самарқанд вилоятида 23493 нафар кишига тиббий ёрдам кўрсатилган, бу даврда вилоят аҳолиси 680000 кишини ташкил этганини ҳисобга олсак, ҳар 29 кишидан 1 нафари тиббий ёрдам сўраб шифокор ёки фельдшерга мурожаат қилгани кўринади<sup>1</sup>. Бу эса вилоятда тиббиёт ходимлари умуман етишмаганидан далолат беради. Бундан ташқари, уезд шифокорлари аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга суд-

<sup>1</sup> Васильев Н. Наша общая беда и как помочь ей // Украина. 1895. №61, 62, 64, 66, 68, 71, 73.

медицина экспертини амалга оширишга мажбур бўлганини ва бу ишдан бўйин товлай олишга ҳаққи йўқлигини ҳисобга олинса, вилоят аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш ночор аҳволдалиги билинади.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг етарли эмаслиги, аҳолининг қашшоқлиги оқибатида бутун Туркистон каби Самарқанд вилоятида ҳам оғир юқумли касалликлар эпидемияси тез-тез юз бериб турган эди. Мисол тариқасида 1892 йилда рўй берган, қанчадан-қанча одамларнинг ҳаётига зомин бўлган вабо касалини айтиб ўтиш мумкин. Бу касаллик оқибатида вилоятда 7872 киши вафот этган, шулардан 467 киши шифокор назоратида бўлган, 215 нафари вафот этган<sup>1</sup>.

Лекин фақат эпидемия таъсири натижасида тиббиёт муассасалари сонини кўпайтириш билан аҳолининг тиббий аҳволини яхшилаб бўлмас эди. Бунинг учун комплекс равишда тадбирлар амалга оширилиши зарур бўлган. Шундай тадбирлардан бири аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўлиб, Туркистон халқи учун уни ҳал этиш катта муаммолардан бири эди. Тоза ичимлик суви етишмаслиги халқнинг безгак каби оғир касалдан азият чекишига олиб келган. Буни ўша даврда Туркистонда яшаган ва хизмат қилган турли мутахассислар ҳам бир неча маротаба кўтариб чиққанлар<sup>2</sup>. Биргина Тўрткўл волостида 1887 – 1892 йилларда 2189 киши турли касалликлардан вафот этган, айниқса, уларнинг ичида безгак касаллигидан азият чекканлар кўпчиликини ташкил этган. 1887 йилда бу волост аҳолиси 7050 киши бўлган бўлса, 1892 йилда улардан 3133 киши тирик қолган эди<sup>3</sup>. Шундай оғир касалликлар эпидемияга айланишига қарамай, ҳукумат томонидан аҳолининг тиббий аҳволини яхшилаш учун жиддий чоралар кўрилмаган, тиббий ходимлар сони эса Россия империясидаги ички губерниялардагига нисбатан анча кам бўлган. XIX асрнинг 90-йилларида Самарқанд вилоятида 97100 кишига 1 нафар шифокор, 34000 кишига 1 нафар фельдшер тўғри келган. Самарқанд вилояти қишлоқларидаги тиббий аҳвол янада аянчли эди. Бутун вилоят қишлоқла-

<sup>1</sup> Холерная эпидемия в Туркестанском крае в 1892 году // Туркестанские ведомости. 1893. №101.

<sup>2</sup> Самарқанд // Туркестанские ведомости. 1893 г. 11 июль; Васильев Н. Наша общая беда и как помочь ей // Окраина. 1895. №61, 62, 64, 66, 68, 71, 73; Рисовые поля и лихорадки // Справочная книжка Самаркандской области. – Самарқанд, 1902. – С.163 – 179; П.В. О влиянии рисовых полей на здоровье населения // На рубеже. 1909. №108.

<sup>3</sup> Самарқанд // Туркестанские ведомости. 1893 г. 11 июль.

рида фақат 9 та тиббий ёрдам пунктлари бўлиб, уларнинг ҳар бирига йилига дори-дармонлар ва боғлама материаллари учун 150 руб. ажратилган, холос. Яъни Самарқанд вилояти қишлоқларида яшаган ҳар бир кишига медикаментлар учун 0,290 копейка сарфланган<sup>1</sup>. Вилоят шаҳарларида эса бир кишига бу мақсадда 5 копейкадан ошиқроқ маблағ сарфланган<sup>2</sup>.

Бундай аҳвол 1898 йил сентябрь – октябрь ойларида Самарқанд уезди Искандар волостидаги Анзоб қишлоғида чума (ўлат) касаллиги тарқалган пайтда ҳам кузатилган. Бу касаллик Анзоб қишлоғида сентябрь бошидан тарқалиб, бир ой ичида 357 киши касалликка чалинган эди, шулардан 219 киши вафот этган, фақат 4 киши (3 нафар эркак ва 1 нафар аёл) тузалиб кетган. 27 сентябрда уезд маъмурияти бундан хабар топган ва 3 октябрда у ерга уезд шифокори жўнатилган. Маълумотларни фоиз ҳисобида олганда, аҳолининг 63 фоизи бу касалликка чалинган, беморларнинг 97 фоиздан ошиғи вафот этган, 1 фоизигина тузалган<sup>3</sup>. Касаллик бутун Туркистонга тарқалиб кетмаслиги учун унинг олдини олишга киришилади. Қишлоқда шифохона йўқлиги учун битта уй шифохона учун мослаштирилади. Қишлоқда сероб бўлган оҳақ шу ернинг ўзида ташкил этилган печлар ёрдамида қиздирилади ва уйлар оҳаклаб чиқилади. Қишлоқдан 25 верст узоқда жойлашган Такфанда карантин ва дезинфекция камераси ташкил этилган. Кўрилган чоралар натижасида октябрь ойида касаллар сони камайган, агар сентябрда кунига деярли 10 киши қурбон бўлган бўлса, октябрда жами 20 киши касалга чалинган, шулардан 18 нафари вафот этган. 26 ноябрда карантин бекор қилинган<sup>4</sup>. Шунини таъкидлаш жоизки, Анзоб эпидемияси аҳолининг қурбон бўлиши бўйича даҳшатли ҳисобланган 1720 йилдаги Марсель эпидемиясидан ҳам ошиб кетган, Марсель эпидемиясида Анзобдагига қараганда 2 баробар кам одам вафот этган.

Анзобдан чумага қарши олиб борилган ишлар, касаллик тарихи ва уни даволаш йўллари ҳақида воқеа иштирокчиси, бактериологик тадқиқот олиб борган медицина доктори Я.М. Финкельштейн «Туркестанские ведомости» газетаси саҳифа-

---

<sup>1</sup> В.К. Медицинская помощь населению в Туркестане // Туркестанские ведомости. 1898. №84.

<sup>2</sup> Васильев Н. Наша общая беда и как помочь ей // Окраина. 1895. №68.

<sup>3</sup> Финкельштейн Я.М. Чума в Анзобе // Туркестанские ведомости. 1898. №97, 98.

<sup>4</sup> Ўша жойда.



сидаги мақоласида батафсил маълумот берган. Анзоб воқеасидан кейин Туркистондаги қишлоқларга тиббий ёрдам кўрсатишни бироз кучайтиришга ҳаракат қилинган. 1898 йилда Самарқанд уездида Даҳбет, Янгиқўрғон ва Жумабозорда фельдшерлик пунктлари очилган<sup>1</sup>. Анзобдаги эпидемия аҳоли тиббий аҳволини яхшиламаслик қандай оқибатларга олиб келишини яққол кўрсатган эди.

XX аср бошларида ўлкада уезд шифокорлари билан бир қаторда участка шифокорлари лавозими ҳам жорий қилинган. 1905 йил 26 декабрдаги қонунга кўра Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 44 участка шифокорлари лавозими жорий этилган бўлиб, Самарқанд вилоятида 10 участка шифокори иш бошлаган<sup>2</sup>. Бу қонунга асосан уезд шифокорлари зиммасида фақат суд-медицина ишлари қолдирилган эди. Лекин 1905 йил 26 декабр қонунига кўра амалга оширилган ишлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли бўлмаган, чунки аввалгидек вилоят уездларида аҳолининг асосий қисми мавжуд шифохоналар жуда узоқлиги туфайли тиббий ёрдамсиз қолиб кетаётган эди. «Туркестанские ведомости» газетаси саҳифасида эълон қилинган «Ўлкада тиббий ёрдам кўрсатишни кучайтириш масаласига доир» номли мақола маълумотига кўра, 1913 йилда Самарқанд уездидаги Даҳбед шифохонасига 69437, Ургут шифохонасига 141569, Панжакент шифохонасига – 10340, Каттақўрғон уездида Пайшамба шифохонасига – 57641, Митан шифохонасига – 49384, Жиззах уезди Янгиқўрғон шифохонасига – 72080, Боғдон шифохонасига – 82198, Хўжанд уезди Ўратепа шифохонасига – 103113 киши, Нов шифохонасига 83670 киши тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган<sup>3</sup>. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, шифохоналар жуда кўп кишига хизмат кўрсатган, хизмат кўрсатиш доираси ҳам жуда катта майдонни ўз ичига олган, баъзи қишлоқлардан шифохонага етиб бориш учун узоқ йўл босиб ўтишга тўғри келган.

Мазкур даврда Туркистон шароити ҳисобга олинган ҳолда алоҳида аёлларга ҳам тиббий хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйила бошланган эди. 1885 йилнинг августида Самарқанд шаҳрида маҳаллий аҳоли аёллари ва болалари амбулаторияси таш-

<sup>1</sup> Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд. 1902. – С.163.

<sup>2</sup> Медицинское дело в крае // Ташкентский курьер. 1908. №18.

<sup>3</sup> М.В. К вопросу об усилении врачебной помощи в крае // Туркестанские ведомости. 1914. №100.

кил этилган эди<sup>1</sup>. Бу шифохонанинг ҳамма ходимлари аёллардан иборат бўлиб, унда шифокор аёл мудира вазифасини бажарган. Амбулаторияни молиявий жиҳатдан таъминлаш Самарқанд шаҳар бошқаруви зиммасига тушган. Беморларга дорилар амбулатория шароитида ҳамда уйга берилганда ҳам Самарқанд земство дорихонасидан бепул берилган. Ҳамма харажатлар учун, жумладан, ходимларнинг иш ҳақи, бинони иситиш, сув ва канцелярия буюмлари билан таъминлаш учун йилига 2290 руб. ажратилган. Бу шифохонанинг биринчи йиллик фаолияти учун ҳисобот «Туркестанские ведомости» газетасининг бир нечта сонларида чоп этилган, ҳажм жиҳатидан катта бўлган бу ҳисоботда Самарқанд шаҳри маҳаллий аёллари ва болаларига тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар берилган<sup>2</sup>. Ҳисоботда аёлларнинг ва болаларнинг шифохонага мурожаат этиши, улар ўртасида қандай касалликлар кўп тарқалгани ҳамда унинг сабаблари, тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган беморларнинг миллий таркиби ҳам кўрсатиб ўтилган. Унда кўрсатилишича, 1886 йилда бу шифохонага 3213 нафар аёл ва болалар мурожаат қилганлар, шулардан 2142 нафари аёллар, 1071 нафари болаларни ташкил этган. Баъзи беморлар бир неча бор шифохонага қатнашига тўғри келган, умумий ҳисобда бу беморларга 7921 мартаба тиббий хизмат кўрсатилган. Бемор аёлларнинг миллий таркиби қуйидагича бўлган: ўзбеклар ва тожиклар 1756 нафарни, яҳудийлар 166 нафарни, қozoқлар 133 нафарни, форслар 78 нафарни, араблар 9 нафарни ташкил этган<sup>3</sup>. Кўриниб турибдики, шаҳарда яшаган турли миллат аёллари шифохона хизматидан фойдаланишган ҳамда аҳолининг миллий таркибига ҳам мутаносиб келган.

Шифохонага мурожаат қилган аёлларнинг 22,9 фоизи буқоқ касали билан оғриганларни ташкил этган, болаларнинг эса 9,43 фоизи бу касалликдан азият чеккан<sup>4</sup>. Демак, буқоқ касалига чалинганлар тиббий ёрдам сўраган аёллар ичида биринчи ўринда турган. Туркистонда Даҳбед ва Қўқондан кейин Самарқанд бу касаллик кенг тарқалган жой ҳисобланган. Сифилис (захм) ка-

---

<sup>1</sup> Положение об амбулаторной лечебнице для туземных женщин и детей в г. Самарканде // Туркестанские ведомости. 1885. №37.

<sup>2</sup> Отчет о деятельности лечебницы для туземных женщин и детей в г. Самарканде за 1886 г. // Туркестанские ведомости. 1887. №46, 47.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

саллигига чалинган беморлар кейинги поғонани эгаллаб, улар аёллар ва болалар ичида 13,7 фоизни ташкил этган. Ҳисоботда айтилишича, бу касалликнинг кенг тарқалишига аҳолининг захмининг юқумли эканини билмагани ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилмагани сабаб бўлган, яъни кўпинча бир идишдан овқат ейиши, битта сочиққа артиниши, бошқаларнинг болаларини бемалол эмизиши орқали биридан иккинчисига ўтар эди<sup>1</sup>. Бундан ташқари, шифохонада кўз касалликлари, тери ва ошқозон-ичак касалликлари, турли юқумли касалликларга чалинганларга тиббий ёрдам кўрсатилган эди. Аёл шифокорлар фақат амбулатория шароитида эмас, керак бўлганда беморларнинг уйларига ҳам бориб даволаганлар. Масалан, 1898 йилда Самарқандда 16 марта аёлларни кўрикдан ўтказиш учун шифокор чақирилган бўлса, 1899 йилда 40 марта чақирилган, баъзи беморларга бир неча мартабадан (2 – 10 марта – С.Ш.) тиббий ёрдам кўрсатилган<sup>2</sup>.

Туркистон аҳолисининг кўпчилигини ташкил этган қишлоқ аҳолиси XIX аср охири – XX бошларигача тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидан четга чиқиб қолган эди. 1898 йилда Самарқанд вилояти Анзоб қишлоғида рўй берган чума эпидемияси туфайли 1898 йилда Самарқанд уездида бир неча қишлоқ фельдшерлик пунктлари очилди, булар Даҳбед, Янгиқўрғон ва Жумабозор фельдшерлик пунктлари эди<sup>3</sup>. Жами XX асрнинг бошида Самарқанд вилоятида 11 та амбулатория пунктлари бўлган<sup>4</sup>.

1899 йилда Самарқанд вилоятида чума касаллигининг тарқалиши сабабли Петербургдан Самарқандга медицина доктори Ягодинский таклиф қилинган, у самарқандлик мударрис ва талабаларга юқумли касалликлар, хусусан, чума ҳақида маъруза ўқиб, унга қарши замонавий усулларда курашиш йўллари айтиб ўтганди. Ундан кейин медицина доктори Ягодинский Бухоро мадрасаларига маъруза ўқишга келади. Дастлаб у қозикалонга бу маърузасини ўқиб беради, шундан кейингина унга мадрасада маъруза қилишга рухсат берилади. Аммо маъруза вақтида икки мударрис касалликлар Оллоҳ томонидан берилади, унга қарши курашмаслик лозим, бундай маърузаларни

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Пахомова Е. Из записной книжки женщины-врача // Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд, 1902. – С.84.

<sup>3</sup> Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд, 1902. – С.163.

<sup>4</sup> Адрес-справочник Туркестанского края. – Ташкент, 1910. – С.133.

эшитиш шариатга тўғри келмайди деб йиғилганларни тарқалишга даъват этади. Лекин уларнинг ўзлари чиқариб юборилди ва маъруза охиригача ўқилади<sup>1</sup>.

1907–1908 йилларда П.И. Стародубцева Даҳбед (Оқдарё райони), 1909–1914 йилларда Ургут шифокорлик пунктига мудирлик қилган. 1913–1914 йилларда П.И. Благовешенская Богдан, 1906–1910 йилларда А.А. Тахтарова Пайшанба шифокорлик пунктига мудирлик қилган. Мазкур шифокорлик пунктлари Самарқанддан 15 – 200 км узоқликда жойлашган. Бундан ташқари, Самарқандда 1895 – 1905 йилларда А.В. Яковлева-Пославская, 1914 йилда Е.М. Савицкая, 1914 йилда М.М. Никулина-Сопетова, 1914–1916 йилларда О.И. Солнишкина, 1916 йилда А.К. Багинская-Киселева, 1914–1954 йилларда М.П. Тепер каби шифокорлар хусусий равишда фаолият юритган<sup>2</sup>.

Самарқанд вилоятидаги Анзоб қишлоғига ўлатга қарши курашиш учун 1898 йилда Петербургдан Ольденбургский шаҳзодаси шифокорлик отряди таркибида 4 нафар аёл шифокор келган. Русийзабон шифокорларни маҳаллий аҳоли уйларида меҳмондўстлик билан қабул қилган ва дастурхон атрофига таклиф қилган. Аёл шифокор извошда беморни даволаш учун йўлга чиққанида қизиқувчан кишиларнинг уни кузатиб бориш ҳолатлари учраб турган.

1894–1913 йилларда Самарқандда маҳаллий хотин-қизлар амбулаторияси мудирини Е.И. Пахомова Самарқандга келгунига қадар Петербургда фабрикада шифокор бўлиб хизмат қилган. У «Хотин-қизлар шифохонаси фаолияти ҳақида» ва «Маҳаллий аҳолида туғруқ масалалари ҳақида» номли мақолалар муаллифидир.

Л. Симонова-Хохрякованинг «Самарқандда сеҳргарлик, фолбинлик ва сарт аёлларининг даволаниши» номли мақоласи нашр қилинган<sup>3</sup>. Мақолада у маҳаллий аёлларнинг маиший ҳаёти, турли фолларга ишониши ва анъанавий даволаниш усуллари ҳақида маълумотлар беради. Унда айтилишича, фолбинлар деярли ҳар бир кўчада яшаган. Фолбинлик ва даволаш усуллари ўта содда, кўп ҳолларда бир хил бўлган. Фол кўришнинг бошида фол-

<sup>1</sup> Туркестанские ведомости. 1899. №22.

<sup>2</sup> Геворков А.А., Фархади Р.Р. Первые русские женщины-врачи в Самаркандской области // Советское здравоохранение. 1961. №11. – С.62.

<sup>3</sup> Симонова-Хохрякова Л. Чародейство, гадание и лечение сартянок Самарканда // Справочная книжка Самаркандской области на 1894 г. – Самарканд, 1895. – С.90 – 122.

бин (чор чироқ) турган, шаҳарда у таниқли бўлган. Чор чироқ гўёки руҳларнинг овозини эшитган. У қоғозда ёзилган ёзувларни ва белгиларни тумор қилиб тақиб юришни, баъзиларга уни ёқиб юборишни ва кулини совуришни, шунингдек, баъзиларга қоғознинг устига сув солиб, уни ичишни буюрган.

Аёл шифокорлар амбулатория мудиралигига Туркистон ҳарбий округи ҳарбий-тиббий инспектори томонидан тайинланган ва генерал-губернатор томонидан тасдиқланган. Уларга уч йилда бир марта 4 ойга меҳнат таътили берилган, меҳнат таътили фақат Туркистон генерал-губернатори рухсати билан берилган. Йилига аёл шифокорларга 800 – 1000 рубль маош ва 300 рубль сафар пули тўланган.

Самарқанд шаҳрида мавжуд шифохоналардан ташқари хусусий тиббиёт ходимлари ҳам аҳолига тиббий ёрдам кўрсатганлар. XX аср бошида Самарқандда турли мутахассислар газеталарда ўз фаолиятлари тўғрисида эълон берганлар. Айниқса, стоматологлар хусусий фаолияти кенг йўлга қўйилган эди. Бир қанча стоматологлар томонидан тишни даволаш ва олиш, олтин ва фарфордан тиш қўйиш ишлари амалга оширилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда, шу жумладан, Самарқандда шарқона табобат билан ёнма-ён европача услубдаги тиббий муассасалар вужудга кела бошлаган. Айниқса, 1898 йилдаги Анзобда чума эпидемиясидан сўнг аҳолининг тиббий аҳволини яхшилашга ҳаракат қилинди. Аммо мавжуд тиббиёт муассасаларидаги тиббий ходимлар сони аҳолининг ҳамма қисмини қамраб ололмаган, бунинг биринчи сабаби давлат томонидан бу соҳани ривожлантириш учун етарли маблағ ажратилмаганида эди. Бундан ташқари, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатган фельдшерларнинг касбий савияси анча паст бўлиб, уларнинг бу ишдаги лаёқати етишмаган.

Бунинг устига, русийзабон шифокорлар маҳаллий тилларни билмаслиги ва таржимонлар йўқлиги ҳам маҳаллий аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни қийинлаштирган. 1914 йилнинг 3 сентябрида «Садои Фарғона» газетасида чоп этилган «Табибга муҳтожлик» мақоласи ҳам фикримизни тасдиқлайди. Унда ёзилишича, маҳаллий кишилар касал бўлиб қолса, докторга ёрдам сўраб мурожаат этишига иккиланишига сабаблардан бири тил билмаслигидир, шундай бўлса-да, улар бориб аҳволини ишора билан тушунтиради, докторнинг айтган сўзларини тушунмайди, берган дорисини қандай ичишни билмасдан тўғри

келганича ичади. Мақоланинг номаълум муаллифи маҳаллий аҳолидан доктор йўқлигидан афсус – надомат чекар экан, болаларни мактабда ўқитмагандан кейин аҳвол шундай давом этишини тушунтириб, «биз учун неча юз мусулмон доктор бўлса камлик қилур»<sup>1</sup> деб ёзган эди.

*С. Муҳиддинов*

## **ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНДДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲОЛАТИ**

Тарихни холисона ўрганиш ва тадқиқ этиш доимо келажакда юзага келиши мумкин бўлган турли муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Ўзбекистон тарихини холисона ўрганишда илм-фан равнақи билан биргаликда таълим жараёнларини ёритиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Самарқандда таълимнинг ривожланиш тарихи, бу ердаги мактаб ва мадрасаларнинг шаклланиши узоқ даврга бориб тақалади. Хонликлар даврида ҳозирги Самарқанд вилояти ҳудудидаги мактаб ва мадрасалар таълим берувчи маскан ҳисобланган, шунингдек, маҳаллаларда хотин-қизлар орасидаги диний таълим ва хат-савод чиқариш ишлари отинбибилар томонидан уйларида амалга оширилган. Таълимнинг юқори босқичи ҳисобланган мадрасалар тарихини, хусусан, Самарқанд вилоятидаги мадрасалар тарихини холисона ўрганиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Туркистондаги мактаблардан фарқли равишда, барча мадрасалар ўз ўқув биносига эга бўлган. Туркистонда мавжуд мадрасаларнинг аксарият қисми XV – XVII асрларда қурилган бўлиб, пишиқ ва хом ғиштдан бунёд этилган. Деворлари тўғри тўртбурчак шаклидаги мадрасалар алоҳида хужралар, дарсхона ва қўшимча хизмат кўрсатувчи бинолардан иборат бўлган. Мадраса ҳовлисида масжид, азон айтиш учун махсус гумбазли минора ва таҳоратхона бўлган. Мадрасалар ўзининг салобатли кўриниши ва хусусиятлари билан ажралиб турган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилоятида 10 та, Фарғона вилоятида 50

---

<sup>1</sup> Табибга муҳтожлик // Садои Фарғона. 1914. №55.

та, Самарқанд вилоятида 23 та<sup>1</sup> (жами 83 та) мадраса пишиқ ғиштдан экани, ярми хом, ярми пишиқ ғиштли мадрасалар Сирдарё вилоятида 6 та, Фарғона вилоятида 14 та, Самарқанд вилоятида 8 та<sup>2</sup> (жами 28 та), хом ғиштдан қурилган мадрасалар Сирдарё вилоятида 16 та, Фарғона вилоятида 68 та, Самарқанд вилоятида 32 та (жами 116 та), ярми бузилган, талабга жавоб бермайдиган мадрасалар Сирдаёда 4 та, Фарғонада 15 та, Самарқандда 14 та (жами 33 та) бўлгани архив ҳужжатларида келтирилган<sup>3</sup>.

Самарқанддаги энг катта ва моддий таъминланган мадрасалар орасида энг қониқарсиз ва ишончсиз бинога эга мадраса Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасаси (Самарқанд шаҳри) ва 1530 йилда Абдуллатиф султон асос солган Гумбаз мадрасасидир (Хўжанд уезди Ўратепа шаҳрида). Мирзо Улуғбек мадрасаси икки қаватли бўлиб, бу бинонинг иккинчи қавати биринчи қаватига нисбатан кўпроқ зарар кўрган. Номигагина кичик таъмирлаш ишлари биринчи қаватда ўтказилгани ҳужжатларда қайд этилган<sup>4</sup>. Айни даврда мадрасанинг гумбази қулаш арафасида бўлиб, таъмирлаш ишлари олиб борилмагани ёзилган.

---

<sup>1</sup> Булар: Тиллакори, Шердор, Оқмадраса, Нодирдевлонбеги, Орифжонбой, Шайбонийхон, Шоҳи Зиндадаги мадраса, Мирзо Улуғбек, Хожа Зулмурод, Мадрасаи Турба, Турдиали, Сўфироziқ, Юсуфбой, Халифа Ҳасан, Мулла Назар, Даҳбед мадрасаси, Мадрасаи Шои, Хўжанддаги Ғиштин, Хўжанддаги Хожа Амин, Ўратепадаги Гумбаз, Ўратепадаги Рустамбек, Каттақўрғондаги Нақиб, Пайшамбидаги Мадрасаи Амир (Қаранг: Ўзбекистон Миллий архиви. И-455-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 7-варақ). Пишиқ ғиштли Мирзо Улуғбек, Турдиали, Имом Рофеъ оқсоқол, Хонақоҳи ҳазрат Хўжа, Хўжанд шаҳридаги Ширбой. Намозгоҳ, Бозори асп, Гумбаз, Саид Ғози (Хўжанд уезд), Самарқанд дарвоза масжидидаги мадраса (Жиззах), Тошкентлик гузаридаги мадраса (Жиззах), Хўжа Қаҳҳор Валий мозори қошидаги мадраса (Зомин Жиззах уезди) мадрасаларининг аҳволи қониқарсиз (Қаранг: Ўзбекистон Миллий архиви. И-455-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 7 – 12-варақлар).

<sup>2</sup> Булар Самарқанддаги Хожа Мазан, Самарқанддаги Имом Рофи оқсоқол, Самарқанддаги Мирзабой, Самарқанддаги Муҳаммад карим халифа, Самарқанддаги Мирзо Пўлод, Самарқанддаги Носирбой, Ўратепадаги Масжиди Охун, Жиззах мадрасаси (Қаранг: Ўзбекистон Миллий архиви. И-455-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 9-варақ).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 70-варақ.

<sup>4</sup> Мадраса қурилгач, Абдуллахон II, Амир Шоҳмурод даврларида қисман таъмирланган бўлиб, руслар ҳам мазкур мадрасанинг баъзи қисмларини қайта таъмирлашган. Фақатгина мустақиллик йилларида ушбу меъморий иншоот бугунги кундаги кўринишига келди ва буткул қайта тамирланди – М.С. Баъзи мадрасаларнинг номи уларни қайта таъмирлатган шахслар номи билан ҳам боғлиқ. Масалан, Баҳодир Ялангтўшбий (1576 – 1656) даврида Саидахмадхожа номи билан машҳур бўлган мадраса XIX асрнинг биринчи чорагида уни қайта таъмирлатган Бухоро амири Амир Ҳайдар (1800 – 1826) номи билан юритила бошланган (Қаранг: Каттаев К. Самарқанд мадрасалари ва илм-фан ривожини. – Самарқанд: Зарафшон, 2007. – Б.22 – 23; Абу Тоҳирхўжа. Самария / Маъсул муҳаррир, сўзбоши муаллифи Хуршид Даврон. «Мерос» туркуми. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.27.

Хўжанд мадрасалари бинолари, Самарқанд ва Каттақўрғон мадрасалари бинолари ташқи кўринишида ва таъминотида улкан фарқ бўлганлиги келтирилади. 1886 йилда Самарқанд вилоятига қўшилган Хўжанддаги мадрасалар ва вақф мулклари худди Сирдарё, Фарғона вилоятидагидек оғир ва аянчли аҳволда бўлган. Самарқанд ва Каттақўрғон (Зарафшон округи)даги мадрасаларнинг ҳолати бошқа вилоятларга нисбатан яхшироқ бўлган. Бунинг сабаби янги ҳукумат томонидан эътибор қаратилганида эди. Генерал А.К. Абрамов (Зарафшон округи г.г.) анча йиллар олдин мадрасаларнинг вақф мулкларини тартибга солишга эътибор берган ва бир қанча ишларни амалга оширган.

Самарқанд вилояти бошқаруви ҳужжатларига кўра, 1873 йилдан бошлаб (Зарафшон округи бўлган) Самарқанд шаҳридаги энг катта Тиллакори, Шердор ва Мирзо Улуғбек мадрасаларининг вақф мулклари мадраса мутаваллилари томонидан эмас, балки рус ҳукумати томонидан ижарага берилган. 1873 йилда Шердор ва Тиллакори мадрасалари вақф мулкидан 9800 рубл, Мирзо Улуғбек мадрасаси ерларидан 564 рубл ўртача ижара даромади олинган. Зарафшон округи девонхонаси ҳужжатларига кўра, генерал-майор А.К. Абрамовнинг ушбу мадрасалар бошқарувини мутаваллилардан ўз қўлига олишига сабаб мадраса талабаларининг А.К.Абрамовга мутаваллининг вақф даромадларини нотўғри тақсимлаётганини айтиб арз қилганлигида деб кўрсатилган<sup>1</sup>. Таъкидлаш лозимки, ушбу уч мадрасаларда муллалар ўртасида вақф даромади уларнинг ўқиётган босқичига (адно, авсат, аъло) қараб ҳар бирларига эмас, ҳар бир ҳужрага қараб тақсимланган. 1873 йилда ҳукумат вақф даромадларини ўз назоратига олгач, ушбу мадрасалардаги мутаваллилар, мударрислар ва талабаларнинг ва вафот этган мадраса аъзоларининг аниқ сонини билади<sup>2</sup>.

1874 йилда Зарафшон округи бошлиғи буйруғига кўра вақф ерларини ижарага бериш ҳуқуқи мутаваллиларга эмас, уезд бошлиқларига берилади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-455-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 3-варақ.

<sup>2</sup> Мадраса ҳужралари ва уларнинг сонига боғлиқ ҳолда таҳсил олаётган талабаларнинг сонини кўрсатишда мутаваллилар ўз вазифаларини суиистеъмол қилган ҳолатлар ҳам кўзга ташланади. Вафот этганлар ҳисобига ҳам мутаваллилар пул ундиришган (Қаранг: Ўзбекистон Миллий архиви. И-455-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 7-варақ). Архив ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, талабаларнинг аниқ сони мониторинги масаласи ҳам анчайин суст бўлган. Архив ҳужжатларида келтирилган рақамларнинг бир-биридан факрлари ҳам ушбу ҳолатга боғлиқ бўлиши мумкин. Архив ҳужжатларидаги муаммога доир маълумотларни ҳам шартли деб ҳисоблаш керак – М.С.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-455-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 12-варақ.



XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанддаги мадрасалар нуфузи анчайин пасайганини мемуар манбалар ҳам тасдиқлайди. Бу даврда ижод этган маърифатпарварлардан Маҳмудхўжа Бехбудий (1875 – 1919) ўзи таъсис этган жамиятнинг турли соҳаларига оид қизиқарли ва долзарб мавзудаги мақолалар эълон қилинган «Ойна» журналида<sup>1</sup> Шердор мадрасасининг фаолиятига доир фикрларини баён этган. Мадраса ўз вазифасини бажармаётганини куюниб таъкидлаган<sup>2</sup>. Ушбу маълумот Сайид Аҳмад Васлий (1870 – 1925) маълумотларида ҳам акс этганини айтиш лозим<sup>3</sup>. Буни архив ҳужжатлардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, Самарқанд вилоятидаги вақф ерларининг назоратга олиниши мадрасалар ички ҳаётини ўзгаришсиз қолдирган. Вилоятдаги мадрасаларнинг ички ҳаётига аралашмаслик сиёсати қолган икки вилоятдагидек мадрасалар ички фаолияти ўзгаришсиз қолишига сабаб бўлган. Сирдарё ва Фарғона вилоятларидаги каби Самарқандда ҳам мударрис ва муллалар ўз ишларига совуққонлик билан қараганлар. Масалан, Самарқанддаги Амир Саид асос солган Махдуми Хоразмий мадрасаси қачон ким томонидан қорихонага айлантирилгани ҳатто маълум эмас. У ерда 1892 йилларда 18 нафар қори икки нафар қорибоши томонидан ўқитилган<sup>4</sup>.

1892 – 1893 йилларда Самарқанд вилоятидаги 58 мадрасада жами 1872 мулла\* (талаба) таҳсил олган. Бундан Самарқанд шаҳрида 1006 нафар, Хўжанд шаҳрида 387 нафар, Каттакўрғон шаҳрида 60 нафар, уезд қишлоқларида 419 нафар талаба таҳсил олган. Талабалар сони мадрасаларга нисбатан номутаносиб бўлгани юқоридаги маълумотлар асосида англашилади. Масалан, Самар-

---

<sup>1</sup> Алимova Д. Махмудхожа Бехбудий и его Самаркандский журнал «Ойна» // Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган «Самарқанд шаҳрининг умумба-шарий маданий тараққиёт тарихидаги тутган ўрни» мавзудаги халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. – Б.325 – 330.

<sup>2</sup> Валихўжаев Б. Самарқандда олий таълим – мадрасаи олия – университетлар тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: Халқ мероси, 2001. – Б.127 – 128.

<sup>3</sup> Муҳиддинова Б. Сайид Аҳмад Аслий Самарқандийнинг мадрасалар фаолияти ҳақидаги мулоҳазалари // Ўрта асрлардаги Самарқанд мадрасаи олияларининг Ислom цивилизацияси ва таълим тизимининг тараққиётидаги роли. – Самарқанд, 2017. – Б.94.

\* Мазкур даврда «мулла» атамаси мадрасаларда таҳсил оладиган талабаларга нисбатан ишлатилган. Бугунги кунда «мулла» атамаси турли маъноларни англатишини ҳисобга олган ҳолда ўқувчига тушунарли бўлиши учун мақолада «мулла» ибораси «талаба» деб келтирилади.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-455-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 15-варақ.

\*\* Мирзо Пўлот, Масжиди Охунон (Хўжанд уезди), Самарқанд дарвоза масжидидаги мадраса (Жиззах шаҳри), Тошкентлик гузаридаги мадраса (Жиззах шаҳри).

қанд шахридаги Тиллакори ва Шердор мадрасаларида 120 нафардан талаба таҳсил олган бўлса, Хўжанд уездидаги мадрасада бор-йўғи 6 нафар талаба ўқиган. Вилоятдаги 4 та мадрасада умумун талабалар таҳсил олмаган\*\*. Мадраса талабалари сонининг камайиши ёки кескин кўпайишига ўзига хос сабаблар бўлган. Талабаларнинг камайишига сабаб, биринчидан, Қўқондаги талабалар сонининг ортиши билан изоҳланади. Чунки Фарғона вилоятидаги пахтачилик ва вақф ерларининг даромадлари ошиши сабаб у ҳудудларга бориб ўқишга бўлганлар сони ортган. Иккинчидан, Бухоро амирлиги ва унинг Самарқандга яқин ҳудудларидаги касалликлар ва ўлим ҳолатлари кўпайиши бунга сабаб бўлган. Мисол учун, 1899 йил мартда Самарқандда тарқалган ўлат касаллиги туфайли кўплаб талабалар вафот этган<sup>1</sup>.

Шу сабаблар туфайли Самарқандга келиб таҳсил олувчи муллалар Қўқон мадрасаларига бориб ўқишган. Шунга қарамай, Самарқанд шахрида таҳсил олаётган муллаларнинг ярмидан кўпи Бухоро амирлигига яқин жойлашган ҳудудлардан бўлган\*. Чунки Бухоро амирлиги ҳудудидаги қимматчилик ва қаҳатчилик боис одамлар жон сақлаш, бепул ётоқхонага эга бўлиш учун ҳам бу қадар арзимас стипендияга ҳам рози бўлиб\*\* Самарқанд мадрасаларида таҳсил олишган<sup>2</sup>. Петербургдан чақирилган тиббиёт фанлари доктори Ягодинский Самарқанд мадрасалари мударрисларига ўлат касаллиги ва юқумли касалликларнинг олдини олиш тўғрисида маърузалар қилгани (маърузалар ўзбек тилига таржима қилинган) фикримизга далил бўлади<sup>3</sup>.

Архив ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, мадрасаларда талабалар ўз шароитидан келиб чиқиб ёки масжид мактабида ўқиш билан кифояланиб, тирикчилик, касб-кор билан банд бўлган. Айримлар мадрасанинг андо (қуйи) босқичида савод чиқариб, шу ернинг ўзида ўқишни давом эттирган. Айримлар авсат (ўрта) босқичини тамомлаб, кейинги босқичда ўқимаган. Айрим иқтисодий жиҳатдан таъминланган, ҳомийли, шу билан бирга, иродали, истеъдодли чанқоқ талабалар аъло

<sup>1</sup> Қаранг: История Самарканда. В двух томах. Первый том / Отв. Редактор И.М. Муминов. – Ташкент: Фан, 1969. – С.311.

\* Талабаларнинг ҳаммаси ҳам узоқ ҳудудларга бориб таҳсил ололмаган.

\*\* Стипендиялар ҳатто қисқа қиш мавсумида ҳужраларни ёритиш ва сандал учун кўмир олишга ҳам етмаган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-455-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 14-варақ.

<sup>3</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. – Москва, 1960. – С.80.

босқичида ўқишни давом эттириб, мадрасани мукаммал битиришган. Айрим талабаларнинг мадрасаларда 35 ёки 40 ёшгача таҳсил олганлари ҳам маълум.

Самарқанд вилояти мадрасаларида талаба бўлиш Фарғона ва Сирдарё вилоятларида талаба бўлишдан фарқ қилмаган. Талабалар мадрасаларга мутаваллилар томонидан қабул қилинган<sup>1</sup>.

1914 йил 19 майдаги ҳарбий губернатор мажлисида Туркистондаги мадрасаларда таҳсил олаётган талабаларнинг ёшини чеклаш масаласи муҳокама қилиниб, ушбу мажлисда Фарғона вилояти халқ билим юртлари нозири муллалар ёшини 32 ёш қилиб чеклашни, Фарғона вилояти ҳарбий генерал-губернатори 45 – 50 ёш деб чеклашни, Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори 36 ёш деб чеклашни, Самарқанд вилояти халқ билим юртлари нозири 30 ёш қилиб чеклашни, Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори ва халқ билим юртлари нозири муллалар ёшини ўзгаришсиз қолдиришни, чекламасликни таклиф қилган<sup>2</sup>. Бундан маълум бўладики, нозирлар ва губернаторлар ўзлари бошқараётган вилоятлар мадрасалари аҳволи ва муллалар ёшидан келиб чиқиб фикр билдирганлар. Демак, Самарқанд мадрасаларида муллаларнинг ёши ўлкадаги бошқа вилоятларга қараганда нисбатан кичик бўлган.

Мадрасалар бошқарувини таҳлил қилиш асносида маълум бўладиган яна бир ўзига хос камчилик «сотқин хужралар» фаолияти бўлиб, бу ҳақда илмий адабиётда маълумот келтирилмаган. Бу билан боғлиқ махсус тадқиқот ҳам олиб борилмаган.

Масалан, Фарғона вилоятида 124 мадрасада 40 дан зиёд сотқин хужралар бўлган. Сердаромад мадрасаларнинг хужраларини қўлга киритиш учун бойлар орасида аукцион ҳам бўлиб турган, хужра қўлга киритилгач, у ижарага берилган ва вақф даромади ҳам олинган<sup>3</sup>.

Самарқанд шаҳридаги мадрасаларда ҳам сотқин хужралар бўлган. Шаҳардаги 25 та мадрасадан 15 тасида хужралар ўртача 10 рублдан 350 рублгача сотилган. Жумладан, Шердор ва Тиллакори мадрасаларида хужралар 350 рублдан сотилган. Шайбонийхон, Мадрасаи Турба ва Оқ мадрасада 200 рублдан, Ориф-

<sup>1</sup> Мутаваллиларнинг вақф мулкларини бошқариш ва бошқа соҳалардаги хатоликлари кўплиги боис талабаларни қабул қилишни мударрисларга, агар улар иккита бўлса, бош мударрисга бериш керак (Қаранг: Ўзбекистон Миллий архиви. И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 396-иш, 1-варақ).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-181-жамғарма, 1-рўйхат, 157-иш, 68-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 328-иш, 95-варақ.

жомбой мадрасасида 240 рубл, Нодирдевонбеги, Шоҳи Зинда, Мирзо Умарбек, Хўжа Зулмурад мадрасаларида 160 рублдан, Турдиали мадрасасида 80 рубл, Сўфи Розик, Халифа Ҳасан ва Мирзабой мадрасаларида 40 рублдан, Юсуфбой мадрасасида 10 рублдан 25 рублгача, Пайшанбадаги (Каттақўрғон уезди) Мадрасаи Амир 80 рублгача сотилган<sup>1</sup>. В.П. Наликин хотираларида бу борада қуйидагиларни таъкидлайди: «Самарқандда бўлган вақтимда бир маҳаллий аҳоли вакили менга яқин вақтларда рус ҳукумати сотқин ҳужралар фаолиятини тугатиши ҳақида эшитгани ва ҳужра сотиб олсам бўладими ё йўқ деб маслаҳат олди. Маҳаллий аҳоли орасида ҳам сотқин ҳужралар фаолияти нотўғри эканлиги ҳақида тасаввурлар пайдо бўляпти ва уларнинг фаолиятига қарши фикрлар кўпаймоқда»<sup>2</sup>.

«Сотқин ҳужралар»нинг вужудга келишига сабаб вақф даромадларидан талабаларга бериладиган нафақанинг камлиги натижасида талабаларга тегишли ҳужралар даромад манбаи сифатида бойларга сотилганидир. Бу эса айни даврда мадраса бошқарувидаги камчиликларни кўрсатмоқда.

Хуллас, XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида мадраса асосий илм даргоҳи вазифасини ўтаб, бу ердан етишиб чиққан олимлар фаннинг кейинги ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган. Ҳар бир мадрасада ўз биноси, қисман бўлса ҳам даромад манбаи, таълим жараёнининг асоси ҳисобланган дарсликлар бўлиб, ўқув жараёнларидаги марказий ҳукумат қарорларига асосланган. Бунга Подшо Россияси томонидан чиқарилган фармонлар ва марказий ҳокимиятнинг буйруқлари у ёки бу жиҳатдан таъсир этган. Мадрасаларда асосан диний фанларга эътибор берилиб, дунёвий фанларнинг анчайин орқада қолганлиги ҳам фан ва таълим ривожига салбий таъсир кўрсатганини эътироф этиш керак. Шунингдек, фанларни ўқитишда педагогик услубларнинг мавжуд эмаслиги ҳам дарслар сифати ва уларнинг самарадорлигини пасайтирган, ўқув жараёни муддатини чўзган. Бундан ташқари, ўлкада илмий техника кашфиётларининг рағбатлантирилмагани, мадрасаларда таҳсил олувчилар учун арзимаган пул маблағларининг ажратилиши соҳа фаолиятини орқага сурган.

Мадрасада таълим махсус ихтисослик бўйича мутахассис тайёрлашга қаратилмагани, жамиятда аниқ фанларга нисбатан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-455-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 15 – 26-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 17-варақ.

эҳтиёжнинг жуда паст эканлиги, ўқув дастурларининг мураккаб диний илмларни чуқур ўзлаштиришга асослангани мазкур даврдаги Самарқанд мадрасаларини ўрта ва олий диний даргоҳ сифатида талқин этиш мантиқан тўғри деб ҳисоблаш имкони-ни беради.

*Г. Нормуродова*

## **ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИ: ИЖТИМОЙ-НОРМАТИВ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ АСОСЛАРИ**

*(Бухоро амирлиги мисолида)*

Маълумки, сўнгги ўрта асрларга келиб, ўзбек хонликлари даврида ижтимоий-сиёсий тузумнинг муҳим қирраларини ўзида мужассам этган ижтимоий-норматив муносабатлар жамият барқарорлигини таъминловчи муҳим омиллар қаторида ижобий ва салбий таъсир кучига эга бўлиб қолди. Жамият ҳаётидан муҳим ўрин эгаллаган бундай ижтимоий-норматив муносабатлар<sup>1</sup> аҳоли турмуш тарзидан тортиб бошқарув тизими-га қадар ўрнатилган нормалар, яъни меъёрлар, тартиблар, қоидаларда ўз ифодасини топган. Бундай муносабатларнинг асоси эса бир неча асрлардан буён мустаҳкам қарор топиб келган дин ва одатларга таянган. Ўрта Осиё жамиятларида ҳукм сурган бундай муносабатлар фанда етарли очиб берилмаган. Ушбу масалани, айниқса, ўзбек хонликлари орасида ўзига хос нуфузга эга бўлган Бухоро амирлиги ва унинг Зарафшон воҳаси мисолида таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга.

Бухоро амирлиги тарихида манғитлар сулоласи ҳукмронлиги 1756 йилдан бошланиб, 1920 йилга қадар давом этган. Олий ҳукмдор «амир» унвони билан мамлакатни бошқарса-да, Бухоро амирлигида бошқарув тизими, қонун-қоидалар, ижтимоий тузум аввалги ўрта асрлар давридан деярли ўзгармади. Амирлик аҳолиси ҳаётининг ижтимоий-норматив тартибот-

---

<sup>1</sup> Ижтимоий-норматив муносабатлар (лот. normatio – меъёрлаш, тартибга солиш) деганда ижтимоий ҳаётда ўрнатилган меъёр, тартиб, қоидаларга асосланган муносабатлар тушунилади. Бундай муносабатлар бошқарув тизимидан тортиб аҳолининг турмуш тарзини ҳам қамраб олган. Бундай муносабатлар асоси жамият томонидан қабул қилинган ва тан олинган, ҳамма учун мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган дин ва одатлар тартиб-қоидалари билан боғланган.

лари бир неча асрлардан анъанавий қарор топган асослар, яъни ислом дини қонун-қоидалари ва одатларда<sup>1</sup> ўз ифодасини топган, улар, ўз навбатида, аҳолининг турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти, ишлаб чиқариш муносабатларидан тортиб юқори бўғин бошқарув тизимига қадар амалда бўлган.

Ўрта асрлар мусулмон давлатларида жамият ва фуқаролик ишларини қонун-қоидалар асосида тартибга келтириш мусулмонларнинг диний, ахлоқий, ҳуқуқий, турмуш ва урф-одатларга оид нормаларини ўз ичига олган шариат билан амалга оширилган. Шариат мусулмонлар учун фарз ҳисобланган диний қоидалардан ташқари турли хилдаги ҳуқуқлар, келишувлар, савдо, ваколатнома, суғориш, вақф, меросийлик, никоҳ ва ажрим, васийлик, қулчилик, хиёнат, май ичиш, ўғрилик, муртадлик (диндан қайтиш), олий ҳокимият, суд қилиш кабиларга оид қонунларни ўзида мужассам этган.

Бухоро амирлигида илгари даврлардан сақланиб келинган одатлар таъмули қадим деб юритилган. Одатлар, шариатдан фарқли равишда, уруғ-қабилачилик муносабатларининг қатъий тартиб-қоидаларига асосланган ва мусулмон аҳолининг оддий ҳуқуқи саналган. Энди Бухоро жамияти ва унинг аҳолиси ҳаётида муҳим аҳамият касб этган, шариат асоси билан бирга одатларга ҳам таянилган ижтимоий-норматив муносабатларнинг энг муҳимларига тўхталиб ўтсак.

Бухоро амирлигида давлат бошқаруви ягона қонунлар мажмуи ёки, ҳозирги тил билан айтганда, асосий қонун сифатида Конституциясига эга бўлмаган. Бошқарув тартиб-қоидалари асрлар давомида мустаҳкам қарор топган ислом дини асоси шариат ҳамда ҳуқуқий одатлар билан бошқарилган. 1927 йилда Амир Олимхоннинг ишонарли элчиси Ҳожи Юсуфбий Парижда Миллатлар Лигаси анжуманида сўзга чиқиб шундай маълумотларни келтирган эди: «... Бухоро амирлари шариат ва одат вожиботларига суяниб ҳукм сурардилар. Уламо амирни пайғамбар халифаси ва шариатнинг ҳомийси деб биларди. Амирнинг ҳаёти шариатга батамом мос эди. Бухоро хонлари ўзбекларнинг

---

<sup>1</sup> Одат (араб.) анъанавий одатлар мажмуи бўлиб, мулкӣ ва хусусий муносабатларни белгилаб берган. Ислом дини ҳуқуқи – шариатдан фарқли равишда, мусулмон аҳолининг оддий ҳуқуқи саналган. Одатнинг кўпгина нормалари уруғ-қабилачилик муносабатларининг ҳукмрон тартиб-қоидаларига қурилган. Одатларнинг ташкил топиши ва ривожланишида ҳакамлар суди, жамоа йиғинлари қарори, оқсоқоллар кенгаши муҳим рол ўйнаган // Каримов Э. Регесты казийских документов и ханских ярлыков Хивинского ханства XVII – начала XIX в. – Ташкент: Фан, 2007. – С.48.

манғит сулоласидан бўлган. Тахтга кўтариш пайтида ўзбек одатларига кўра тўшакчага (у оқ кигиздан тайёрланган) амир ўтиради ва уни саййидлар, хўжа ва муллолар кўтариб тахтга ўтказадилар»<sup>1</sup>.

Амирнинг ҳокимияти тўлиқ шариат билан чегараланмаган. Чунки амир исталган масалада фармон чиқара олиши ва бу фармонларнинг шариатга зид эмаслигини мустаҳкамлаш учун шайхулислом ёки аълам томонидан фатво билан қўллаб-қувватланиши муқаррарлиги амирнинг чекланмаган ҳокимиятга эгалигидан далолат беради. Умуман, ўзбек хонлари иложи борица ҳам шариат, ҳам туркий нормаларни биргаликда олиб боришга уринган. Манғит ҳукмдорларининг легимитация масаласини тадқиқ этган Анке Фон Кюгельгеннинг таъкидлашича, нормаларга амал қилиш тамойили орқали ҳукмдорнинг кейинги синовларга дош бера олиши, қўл остидагиларнинг эса уни ҳукмдор сифатида тан олишига эришувида муҳим саналган. Қайси ҳукмдор нормаларга содиқ қолса, Тангри томонидан динни тикловчи (*муджаддид*) шарафига лойиқ саналган<sup>2</sup>. Нормаларга амал қилмаган ҳукмдор эса нафақат салбий баҳоланган, балки қонуний ҳукмронлиги ҳам тан олинмаган.

Аҳоли хўжалик ҳаётида муҳим масалалардан бири ерга эгалик муносабати ҳисобланган. Барча мусулмон давлатларида бўлганидек, Бухоро амирлигида ернинг бош тақсимооти амир томонидан амалга оширилган. Аҳолининг ердан фойдаланишига оид масалалари мусулмонлик ҳуқуқи тамойилларига асосланган. Бунда аҳоли томонидан банд қилинган ерлар давлат вақфини<sup>3</sup> ташкил этган. Бундай ер эгаллигида солиқ шахсга эмас, ерга солинган<sup>4</sup>. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай ерга эгалик қилган киши ер солиғини тўлаб, бошқа турдаги тўлов ва мажбуриятларни бажариши лозим бўлган.

---

<sup>1</sup> Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи / Тарж. изоҳ. муал. А. Ирисов. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.18.

<sup>2</sup> Анке Фон Кюгельген. Легимитация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX вв.). – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С.55 – 56.

<sup>3</sup> Вақф (хайрия мақсадларида васият қилинган мулк, вақфий мулк) – мулкдор шахслар ва давлат томонидан диний муассаса ихтиёрига даромадидан фойдаланиб туриш, аммо ўзини сотмаслик шarti билан ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мулк (ер-сув, дўкон, тегирмон ва б.). Қаранг: O'zbek tilining izohli lug'ati. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006, 1 том. – Б.450.

<sup>4</sup> Семенов А. А. Очерк земельно-податного и налогового устройства бывшего Бухарского ханства. – Ташкент, 1929. – С.5.

Шариатга мувофиқ кимки ерни ўз мулкига айлантормоқчи бўлса, уни уч йил давомида суғориб маданий ҳолатга келтириши лозим бўлган. Бу даврда ерларни суғориш ва ўзлаштиришга ҳукумат, яъни амир рухсати билан ижозат берилган. Кимки янги ерни суғурса, ўша киши ерга меросий эгалик ҳуқуқини олган. Лекин бунда суғориладиган сув ва ер солиғини тўлаш шарти белгиланган. Амирликда ер эгалигининг асосий уч шакли мавжуд эди: давлат ерлари (*мамлака, амлок, подшоҳи*), хусусий ерлар (*мулк, мулки хурри холис*) ва вақф ерлари. Давлат мулки саналган амлок ерлари, аслида, меросий эгаликда бўлган. Амлок ерлари эгалари ундан хусусий мулк сифатида фойдаланишмаган, уни идора ҳам қила олишмаган. Амлок ерлари фақат давлат томонидан бошқарилган<sup>1</sup>. Шариатга мувофиқ хусусий ерлар ҳам сотилган ва сотиб олинган, совға қилинган ва мерос қолдирилган<sup>2</sup>.

Бухоро амирлигида сувдан фойдаланиш, суғоришга оид масалалар ҳаттоки исломга қадар мавжуд бўлган анъанавий усулларни ўзида намоён этган, ислом ва шариатнинг ижозати ва тақиқи орқали бундай қадимги нормалар тартибга солинган<sup>3</sup>. Манбалар сувга эгалик қилиш муносабатлари шахснинг хусусий дахлсизлиги орқали олиб борилишини кўрсатса-да, ҳокимият, ижтимоий мавқеи билан боғлиқ ижтимоий мезонлар турли табақаларнинг шахсий эгалик ҳуқуқлари ўртасида тенгсизликни ифода этган.

Аҳолининг кўчмас ва кўчар мулклари шахсий эгалик ҳуқуқи сифатида шариат қонунлари билан белгилаб қўйилган. Ҳар бир кишининг меҳнати ва хизмати орқали қўлга киритилган мулк шариат нуқтаи назари билан ҳимояланган. Ҳар қандай дастлабки мулк эгасининг розилигисиз ҳеч кимнинг қонуний мулкига айланмаган. Бировнинг мулкани ўзиники қилиб олиш гуноҳ саналган ва мулк эгаси розилигисиз мулкнинг иккинчи қўлга ўтиши ноқонуний ҳисобланиб, тақиқланган<sup>4</sup>.

Аҳолидан йиғиб олинадиган солиқ-тўловлар ҳам шариат ёки асрлар давомида нормага кирган одатлар тартибига кўра белгиланган. Масалан, шариат асосида белгиланган солиқлар диний

<sup>1</sup> Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969. – С.34.

<sup>2</sup> Самарқанд вилояти давлат архиви. 1843-жамғарма, 1-рўйхат, 2-иш, 102-варақ.

<sup>3</sup> Семенов А.А. Очерк земельно-податного и налогового устройства бывшего Бухарского ханства... – С.5.

<sup>4</sup> Барон Торнау. Особенности мусульманского права // Туркестанский сборник. Т. 410. – С.7.



аҳамият касб этган, бунда Оллоҳ йўлига хайр-садақа (камбағал, етим-есирлар фойдаси, муқаддас урушлар олиб бориш ва ҳ.к.) сифатида олинган<sup>1</sup>. Ана шундай солиқлардан бири закот бўлиб, унга кўра, ҳар қандай нарсадан келадиган фойда ва унинг ортиқ-часи ҳаром ҳисобланган, шу боис тозаланиш учун «закот» тўланган. Шариатга кўра закот нормаси 5 та туядан 1 та қўй, 25 та туядан 1 та икки ёшли бўталоқ, 40 та қўй ёки эчкидан 1 та қўй ва ҳоказо тарзида белгиланган<sup>2</sup>. Савдо учун белгиланган закот 1/40 миқдорда турли хилдаги маҳсулотдан олинган, хирож – ер солиғи 10 фоиз миқдорида олинган; жузъя – мусулмон бўлмаганлардан олинган бу солиқ тури камбағаллардан 12 дирҳам (ойига 1 дирҳамдан), ўртаҳол кишилардан 24 дирҳам (ойига 2 дирҳамдан), бойлардан 48 дирҳам (ойига 4 дирҳамдан) олинган<sup>3</sup>. Таъмули қадим бўйича солиқ ва йиғимлар ҳамда уларнинг миқдори амирлик ҳудудларида турлича белгиланган, бу ернинг ҳосилдорлиги, суғорилиш ҳолати, унумдорлиги билан боғлиқ бўлган. Масалан, Зарафшон воҳасида белгиланган одатларга кўра, мулки хирож ерларидан ҳосилнинг 1/3 ёки 1/5 миқдорида солиқ ундирилган<sup>4</sup>.

Суд-ҳуқуқ тизимида жиноятни аниқлаш ва жазо белгилашда шариат қонунлари ва асрлардан асрларга ўтиб келган одоб-ахлоқ қоидалари асосий мезон бўлган. Бу даврда асосий судловчи идора қозилик маҳкамалари ҳисобланиб, фуқаролик ва жинорий ишларнинг барчасини қозилар кўриб чиққан. Суд ишларида оддийлик ҳукм сурган. Қозига оғзаки ва ёзма равишда ариза тушгандан сўнг айбдорлар қози ҳузурига чақирилган. Икки кишининг гувоҳлиги айбдорни аниқлашда етарли саналган. Айбдорларнинг айбига қараб жарима солиш, тан жазоси бериш, зиндонга ташлаш, сазойи қилишдан тортиб ўлим жазосигача бўлган жазо чоралари қўлланилган. Одатда, ҳар бир айбдордан ёки унинг оила аъзоларидан белгиланган жазодан ташқари каттагина жарима ҳам ундириб олинган<sup>5</sup>. Тадқиқотчилар фикрича, амирлик суд-ҳуқуқ амалиётида оддий ҳуқуқ деб саналган

<sup>1</sup> Самарқанд вилояти давлат архиви. Нодир ҳужжатлар фонди. 1-рўйхат, 24-иш, 4-варақ.

<sup>2</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX – начале XX вв. – Душанбе-Алма-Ата, 1967. – С.194.

<sup>3</sup> Семенов А.А. Очерки поземельно-податного и налогового устройства Бухарского ханства... – С.53 – 54.

<sup>4</sup> Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX в. – Ташкент: Фан, 1991. – С.40.

<sup>5</sup> Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 1-қисм. – Тошкент: Академия, 2000. – Б.202.

одатлар ҳам қўлланилган. Одатлар орқали суд қилиш фақат кўчманчи аҳоли эмас, балки ўтроқ аҳоли турмушида ҳам мавжуд бўлган. Маълум ҳудуд, жой талаб этган одатга кўра, ўша жойнинг ўзида битта суд вакили бўлган, баъзан маҳалла ёки қишлоқ оқсоқоли томонидан муаммо ҳал этилган<sup>1</sup>.

Аҳоли қатламларининг касб-кори билан боғлиқ муносабатларида диний-ахлоқий аҳамият касб этган тартиблар амалда бўлган. Жумладан, бундай тартиблар ҳунармандларнинг «Рисола» йўриқномаси асосида фаолият юритишида кўзга ташланган. «Рисола» ўзига хос ахлоқий-диний қўлланма бўлиб, уста ҳунарманддан ўрнатилган мажбурият ёки жорий этилган тартиб-қоидалардан четга чиқмасликни талаб қилган<sup>2</sup>. «Рисола»-да буюрилган ахлоқий-меъёрий мажбуриятларга биноан, буюртмачи ва харидорга ҳаққоний муносабатда бўлиш, устани ҳурмат қилиш, яхши инсонларга итоатда бўлиш, соф виждонли бўлиш, сабрли ва адолатли бўлиш талаб этилган<sup>3</sup>. Турли ишлаб чиқариш соҳаларига тегишли рисолалар бўлган, улар жумласига бўёқчилик, этикдўзлик, тўқувчилик, темирчилик, кўнчилик ва бошқа соҳалар кирган.

Ўрта Осиё анъанавий жамиятларининг энг муҳим хусусиятларидан бири жамоавийликка асосланишдир. Жамоага бириккан ҳар бир қишлоқ ва шаҳар аҳолисини дин ва одатларга асосланган тартиб-қоидалар ва нормалар бирлаштириб турган. Ҳар бир оила хўжалиги маҳалла жамоасига бириккан ва мавжуд тартибларга амал қилган. Маҳалла ёки қишлоқнинг барча юқори ёшдаги эркаклари ҳар куни тонг-сахарда масжидга бориб, намозда иштирок этиши лозим бўлган. Доимий масжидга бориб туриш, айниқса, ҳар жума жамоат намозида иштирок этишининг махсус назорати маҳаллий раислар томонидан амалга оширилган. Раиснинг вазифаси мусулмон аҳолининг диний-ахлоқий муносабатларини тартибга солишдан иборат бўлган. Жамоаларни оқсоқоллар (оқсоқол, элликбоши) бошқарган. Катта оқсоқоллар жамоанинг хўжалик, жамоат ва оилавий ишларини бошқарган. Ўрта ёшдагилар ва ёшлар уларга сўзсиз бўй-

<sup>1</sup> Абдурасулов У., Сатори П. «Суд в Бухаре» М. Юсупова как новый источник по истории судопроизводства и судоустройства в Бухарском эмирате // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар. Республика ёш олимларининг анъанавий иккинчи илмий конференцияси материаллари тўплами. 2010 йил 24 – 25 май. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.139.

<sup>2</sup> Самарқанд вилояти давлат архиви. 1843-жамғарма, 1-рўйхат, 2-иш, 167-варақ.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

сунган, уларнинг маслаҳат ва насихатларига амал қилган, белгиланган одат ва нормалар бузилишига йўл қўйилмаган. Бу эса асрлардан сақланиб келинган диний-ахлоқий қарашлар, урф-одат ва қадриятларнинг давомийлигини таъминлаган.

Зарафшон воҳасида бўлган шарқшунос-этнограф В. Радлов ўз хотираларида аҳолининг кўчманчилик билан турмуш кечи-раётган халқлари (қирғиз, қорақалпоқ) мусулмон саналса- да, ўз ижтимоий, ахлоқий нормаларига амал қилганларини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳар қандай белгиланган меъёрлар уларнинг асрлардан бери сақланиб келган урф-одатлари (*адат*) билан чамбарчас боғланган<sup>1</sup>. Қирғизлар турмушини кузатган рус муаллифлари фикрича, улар шариатни диний нуқтаи назардан муҳим деб билса-да, кўп ҳолларда динга эътиборсиз бўлишган<sup>2</sup>. Демак, кўчманчилар турмуш тарзининг оилавий, жамоавий ва ҳуқуқий муносабатларида расмий ўрнатилган шариат тартибларидан кўра авлоддан-авлодга оғзаки равишда ўтиб келаётган одатларга амал қилиш маъқул кўрилган. Бу эса кўп ҳолларда мусулмон руҳонийлар норозилигига сабаб бўлган.

Шундай қилиб, Бухоро амирлиги аҳолисининг ижтимоий-норматив муносабатлари жамоат ва унинг асосини ташкил этган турли ижтимоий қатламларнинг диний, ахлоқий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий турмуш тарзи, урф-одатларида ўз ифодасини топган бўлиб, улар жамият ҳаётини изга солиш ва тартибга солишда муҳим аҳамият эга эди. Бундай муносабатлар ўша даврда ислом дини ва унинг ҳуқуқий асоси – шариатга асосланган эди. Шунингдек, шариатдан ташқари муайян тартиб ва нормалар асрлардан ўтиб келган одатлар билан боғланган. Ислом ва шариатнинг ҳаётнинг барча соҳаларида етакчи мафкурага айланиши, қадимги одатларнинг эса турмуш соҳаларига чуқур сингиб кетиши, бир томондан, диний-ахлоқий, миллий урф-одат ва қадриятлар барқарорлигини таъминлаган бўлса, бошқа томондан, диний мутаассибликка сабаб бўлган эски ва қолоқ қарашлар, бошқарув, хўжалик ва ишлаб чиқариш соҳаларида эски усул ва тартибларнинг сақланиши, ижтимоий табақаланишнинг сақланиб қолиши турғунлик, қолоқликка олиб келдики, буларнинг барчаси, ўз навбатида, халқ, жамият ҳаётининг тараққиётдан орқада қолишига сабаб бўлди.

<sup>1</sup> Радлов В.В. Из Сибири. – Москва: Наука, 1989. – С.566 – 567.

<sup>2</sup> Наливкин В.П. Полвека в Туркестане. Туземцы раньше и теперь / Прим., сост. С. Абашин. – Казань, 1886. – С.412 – 413.

**САМАРҚАНДГА КЎЧИРИЛГАН  
РУС АҲОЛИСИНING ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ  
(XIX аср охири - XX аср бошлари)**

XIX асрнинг 90-йилларидан Зарафшон воҳасининг ўрта оқими ҳудудларида этнодемографик жараёнлар янгича кўринишда тус олди. Самарқанд ҳудудига ҳам Россия империясининг марказий ўлкаларидан аҳолининг босқичма-босқич «кўчирилиши» натижасида миграция ва депортациялар воҳа аҳолисининг этник таркибини ўзгартириб борди. Одатга кўра кўчириб келтирилган халқларнинг кўпчилиги қисмини Россия империясининг марказий вилоятларида яшаган руслар ва қисман бошқа миллат вакиллари ташкил этарди. Бу даврда воҳага келтирилган аҳолининг аксарият қисми ҳарбий амалдорлар ва уларга хизмат қилувчилар (оила аъзолари ва хизматкорлари), ҳарбий муддатни ўтаган собиқ ҳарбийлар, шунингдек, воҳадаги мавжуд шароитни ўрганувчи мутахассислардан иборат эди.

1868 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида маркази Самарқанд шаҳри бўлган Зарафшон округи ташкил этилиб, у Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларидан иборат бўлди<sup>1</sup>. Қолган ҳудудларда Россия протекторлиги ўрнатилган ҳолда Бухоро амирлиги таркибида қолди. «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»га муофиқ 1886 йилда Зарафшон округи Самарқанд области деб ўзгартирилди. Самарқанд уезди (26 та волости билан<sup>2</sup>), Каттақўрғон уезди (17 та волости билан<sup>3</sup>), Хўжанд уезди (16 та волости билан) ва Жиззах уезди (20 та волости билан<sup>4</sup>)га бўлинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎЗР МДА) нинг 1913 йилга тегишли маълумотларига кўра, Самарқанд вилоятининг умумий ер майдони 23 523 км<sup>2</sup> бўлиб, Жиззах уезди 11 444 км<sup>2</sup>, Каттақўрғон уезди 5 521 км<sup>2</sup>, Самарқанд уезди 6 556 км<sup>2</sup> ни ташкил этган<sup>5</sup>. 1917 йилдан кейинги пайтда вилоят ва

<sup>1</sup> Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – начале XX в.: Дисс... докт. истор. наук. – Ташкент, 1994. – С.61.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р 1619-жамғарма, 11-рўйхат, 46-иш, 3-варақ.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 45-иш, 1-варақ.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 18-иш. 2 – 4-варақлар.

<sup>5</sup> Ўша жойда. 7-варақ.

уездларга бўлиб бошқариш сақланиб қолади<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотдан сўнг Самарқанд вилоятига округ мақоми берилиб, 10 та: Оқдарё, Булунғур, Жиззах, Зомин, Метан, Пайариқ, Паст Дарғом, Юқори Дарғом, Янги Қозон Ариқ (кейинчалик Ургут)<sup>2</sup>, Янгиқўрғон районлари (кейинчалик Ғаллаорол райони, 1935 йилдан Булунғур райони<sup>3</sup>) ташкил этилади.

1897 йилдаги Россия империяси аҳолисини рўйхатга олиш натижаларига кўра, Самарқанд, Каттақўрғон ва Жиззах уездларига Россиядан 11 584 киши кўчириб келтирилган, шундан 10 207 кишини руслар, 1 247 кишини украинлар, 130 кишини белоруслар ташкил этган. Жумладан, 11 584 кишидан фақатгина 1703 киши қишлоқ жойларда, қолган барчаси Самарқанд шаҳрида жойлаштирилган. Россиядан кўчирилган аҳолининг асосий қисми шаҳарлар, яъни уездлар марказлари ва темир йўл станциялари атрофларида истиқомат қиларди. Бу миллатлар вакиллари 1920 йилда биргина Паст Дарғом тумани Жума темир йўл станцияси атрофида 121 кишини ташкил этган, шунингдек, туманнинг шаҳарга ва туман марказларига яқин ҳудудларида ҳам туб жой аҳолиси билан аралаш ҳолда яшаётган рус, украин ва белорус оилалари учраб турар эди<sup>4</sup>.

Самарқанд Россия империяси томонидан эгалланганидан 3 йилдан кейин – 1871 йилда шаҳарнинг руслар яшайдиган янги шаҳар қисмига асос солинди. Шаҳарда жами 25 та замонавий кўча барпо этилди. Шаҳар аҳолиси қулайликлари учун вилоят бошқаруви ва уезд бошқарув биноси, ғазначилик, вилоят суди, полиция бошқармаси, шифохона, 2 та даволаниш амбулаторияси, эркаклар ва аёллар гимназиялари бинолари барпо этилди<sup>5</sup>.

Рус тарихчиси Е.А. Глуценконинг таъкидлашича, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирувчи шаҳарлар таснифи ва у ердаги янги шаҳар (руслар яшайдиган) қисмининг катталиги борасида Самарқанд шаҳри Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринда турган. 1908 йилда Самарқанд шаҳрида жами 80 706 нафар аҳоли истиқомат қилган бўлиб, шундан 11 654 нафарини руслар ташкил этган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда. 17-варақ.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 47-иш, 1-варақ.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 18-иш, 17-варақ.

<sup>4</sup> Народы Средней Азии и Казахстана, Т. II. – С.663.

<sup>5</sup> Гейеръ И.И. Весь Русский Туркистан. – Ташкент: Турк. Т-ва печатн. Дела, 1908. – С.291 – 292.

<sup>6</sup> Глуценко Е.А. Россия в Средней Азии. Завоевания и преобразования. – Москва: Центрполиграф, 2010. – С.212.

Инқилобгача бўлган даврда Самарқанд вилоятининг водий ҳудудларида жойлашган қишлоқ пунктларига кўчирилганлар салмоғи Еттисув ва Сирдарё вилоятларига нисбатан анча кам эди. Бу даврда Россия империясининг Европа қисмидан аҳолисининг Зарафшон воҳасига кўчирилиши бирмунча секин кечадди. Бунга сабаб воҳанинг водий ҳудудларида аҳоли зичлиги ва деҳқончилик учун қулай бўлган унумдор ер майдонларининг туб жой аҳоли томонидан ўзлаштирилиб банд қилингани эди. Шундай бўлса-да, маҳаллий аҳоли билан Россиядан кўчириб келтирилган оддий аҳоли ўртасида ўзига хос ижтимоий-маданий муносабатлар ўрнатилганди. Айниқса, Зарафшон воҳасининг йирик шаҳарларида кўчириб келтириш жараёни бирмунча юқори бўлган, хусусан, 1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, Самарқанд шаҳрининг ўзида 27 138 нафар рус миллати вакиллари яшаган. Бу эса шаҳар аҳолисининг 33% ни ташкил этган. Каттақўрғон шаҳрида эса 1 700 нафар рус миллати вакиллари яшаган. Бу эса шаҳар аҳолисининг 13% ни ташкил этган<sup>1</sup>.

Россиядан кўчириб келтирилган аҳолининг таркибида татарлар ҳам сезиларли салмоққа эга эди. Жумладан, 1897 йилги аҳоли рўйхати натижаларига кўра, татарларнинг умумий сони Самарқанд вилояти бўйича 245 нафарни ташкил қилган бўлиб, шундан 165 нафари Самарқанд шаҳрида, қолган 80 нафари эса қишлоқ жойларда яшаган. 1920 йилги аҳоли рўйхати натижаларига кўра, бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 755 нафарни ташкил этди<sup>2</sup>. Ўрта Осиёда малакали кадрларга бўлган эҳтиёж катта бўлган. Маҳаллий кадрлар орасида тўлиқ малакага эга бўлган кадрлар сони халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича эҳтиёжларини қондира олмас эди. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар, шифокорлар, муҳандислар, котибият ишлари, қурилиш ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида, шунингдек, рус ва маҳаллий тилдаги аҳоли ўртасида татарлар тили ўзбек тилига яқин бўлгани учун асосан вакант жойларда таржимонлик вазифаларини ҳам бажариб келганлар.

2000 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистонда русларнинг умумий сони 1 199 015 кишини<sup>3</sup>, татарлар 324 080 кишини<sup>4</sup>, ко-

---

<sup>1</sup> Материалы всероссийских переписей. Поселенные итоги Самаркандской области. Ч. I. Выпуск V. – Ташкент, 1920. – С.47.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р 1619-жамғарма, 5-рўйхат. 68-иш, 70 – 76-варақлар.

<sup>3</sup> Этнический атлас Узбекистана. – Ташкент, 2002. – С.189.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – С.203.

рейслар эса 163 787 кишини<sup>1</sup> ташкил этди. Бугунги кунда улар Марказий Осиёнинг барча республикаларида тинч- тотув яшаб, жамият тараққиёти учун ўзи хоҳлаган соҳаларда хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ж. Адиллов

## **ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ГЕРБИ: ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗИ ВА ЛЕГИТИМАЦИЯ ВОСИТАСИ**

1867 йилда Россия империяси таркибида янги ҳудудий бирлик – Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Ушбу генерал-губернаторлик Россия империяси томонидан Марказий Осиёда 1850 – 1895 йилларда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида эгалланган ерлар ҳисобига ташкил этилди ва кенгайтириб борилди.

Ўлкада фаолият олиб борган империя маъмурияти ва олий маъмурият (метрополия) Туркистон ҳудудини бошқариш, тезроқ ушбу ҳудуддан иқтисодий фойда олиш ва унинг империянинг ажралмас қисми сифатида Россиянинг асосий ҳудудларига интеграция қилишга интилишган эди. Аммо империянинг титул миллати бўлган рус халқи менталитети, европача бошқарув услуги ва давлатчилик тизими ҳукм сурувчи давлат учун бу вазифани бажариш осон кечмади. Хусусан, империя маъмурияти бу борада дастлаб маҳаллий аҳоли кўз ўнгида ўз ҳокимиятини легитимация қилиш ва унинг изчиллигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, империяда ўрнатилган қонунлар Туркистонда ҳам жорий этилиши лозим эди. Хусусан, Россия империяси ўз давлатчилик анъаналарини ўлкада ҳам ўрнатиши Туркистоннинг тезроқ империя таркибига интеграция қилинишига хизмат қилар эди. Шунинг учун Россия империяси ўлкада ўз давлатчилигини ўрнатиш баробарида унинг легитимациясини таъминлашни ҳам ўйлар эди. Империя амалдорларининг ўлкадаги дастлабки даврдаги сиёсати бунинг яққол исботи-

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. – С.131.

дир. Зеро, метрополия ва мустамлака маъмурият узоқ вақт ўлкада маҳаллий бошқарув институтларини сақлаб қолади. Уларнинг баъзилари то 1917 йилгача мавжуд бўлади.

Ушбу ўзига хос бошқарув услуги, яъни метрополия ва мустамлака давлатчилиқ анъаналарининг ёрқин мисоли Туркистон генерал-губернаторлиги геральдикасида намоён бўлди. Россия империясининг кириб келишига қадар Ўрта Осиё учун геральдиканинг тадқиқот объекти бўлган классик герб тушунчаси бегона бўлган. Гербларнинг вазифасини минтақада қадимдан мавжуд бўлган ва ўзига хос тарзда ривожланган турли белгилар, тамғалар ва туғролар – монограммалар бажарган<sup>1</sup>.

Шу ўринда муаммонинг бугунги кунга қадар деярли ўрганлмаганига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Умуман олганда, давлатчилиқ тарихининг муҳим бир таркибий қисми бўлган гербларга доир тадқиқотлар юртимиз тарихшунослигида ҳам камлиги масаланинг долзарблигини янада оширди. Бугунги кунга қадар айнан Туркистон генерал-губернаторлиги геральдикаси тарихига доир илмий-оммабоп, тавсифий хусусиятга эга бир қанча ишлар мавжуд<sup>2</sup>.

1866 йилдаёқ Тошкент шаҳри гербининг биринчи лойиҳаси ишлаб чиқилган. Шаҳар расмий равишда фақатгина 1909 йилнинг 21 апрелида ўз гербига эга бўлди. Хусусан, Туркистон генерал-губернаторлигининг герби фақатгина 1882 йилнинг 20 майида қабул қилинди<sup>3</sup>. Кейинчалик Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирувчи вилоятларга ҳам герблар тасдиқланган бўлиб, уларнинг яратилишида ўлка табиати, хўжалиги ва тарихидан келиб чиқиб ёндашилган. Мисол тариқасида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирувчи Самарқанд вилояти герби хусусида тўхталиб ўтамыз.

---

<sup>1</sup> Ottfried Neubecker. Heraldik. Wappen – ihr Ursprung, Sinn und Wert. Krüger, Frankfurt am Main 1977 // [https://en.wikipedia.org/wiki/Heraldry#cite\\_ref-121](https://en.wikipedia.org/wiki/Heraldry#cite_ref-121)

<sup>2</sup> Рево О. Гербы городов Сырдарьинской области Российской империи // Наука и жизнь. 1998. №4. – С.15; Туркестан и Средняя Азия в составе Российской империи // <http://www.heraldicum.ru/uzbekstn/gubernii.htm>; Тутов А. Герб Туркестанского генерал-губернаторства // <https://mytashkent.uz/2012/09/18/gerb-turkestanskogo-general-gubernatorstva>; Арапов А. Первый герб Ташкента (1909 год) // <https://mytashkent.uz/2012/09/14/pervyj-gerb-tashkenta-1909-god>; Гербы Средней Азии // <https://mytashkent.uz/2013/02/24/gerby-srednej-azii>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 2407-иш, 1-варақ.



Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг гербини тасдиқлаш учун Туркистон генерал-губернатори 1886 йил 11 октябрда Россия империяси ҳарбий вазирига илтимоснома юборди<sup>1</sup>. Бунга жавобан 1886 йил 24 ноябрда Ҳарбий вазириликнинг Бош штаби бошлиғи ва Осиё департаменти мудирининг олий даражада тасдиқлаш учун ўлка генерал-губернаторидан вилоятлар герблари лойиҳаларини (тасвири билан) юборишни сўради<sup>2</sup>. Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, кейинчалик бу ҳаракатлар Россия империяси Сенати ҳузуридаги герольдмейстер\* зиммасига ўтказилди.

Герольдмейстер Е.Е. Рейтерен Туркистон генерал-губернатори Николай Оттонович Розенбах номига юборган хати мазмунидан (1887 йил 20 март) унинг герб тузилишига нисбатан ёндашуви бизга маълум бўлади:

*«Мен бу вилоятлар гербларини яратишим учун керакли маълумотларга эга эмасман. Шунинг учун Сиз герб вазирасини бажариши мумкин бўлган бирон-бир эмблемани юборингки, ушбу эмблемалар мамлакатларнинг (вилоятлар назарда тутилмоқда – Ж.А.) қадимги тарихи ёки ҳозирда Россия учун аҳамияти ҳақида маълумот берсин. Шунинг учун Сиз жаноби олийлари маҳаллий маъмурларга герблар лойиҳаларини яратиш ва менга жўнатиш ҳақида буйруқ берсангиз. ... Бунда герб лойиҳаларига уларнинг (вилоятлар назарда тутилмоқда – Ж.А.) қадимги белгиларини асос сифатида олиш мақсадга мувофиқдир»<sup>3</sup>.*

Кейинчалик Н.О. Розенбах буйруғига кўра Самарқанд ва Фарғона вилоятлари герблари лойиҳаларини тайёрлаш ушбу вилоятлар ҳарбий губернаторлари ва вилоятлар бошқарувларига топширилди.

Самарқанд вилояти гербининг дастлабки лойиҳаси қуйидаги кўринишга эга эди:

*«Қалқон Самарқанд вилоятининг асосий суғориш манбаи бўлган Зарафшон дарёсининг тасвири билан иккига ажратилган... Қалқоннинг юқори ярим қисмида Амир Темурнинг тамғаси (муҳри) жойлаштирилган. У Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилган ва унинг*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 28-рўйхат, 23-иш, 1-варақ.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 2-варақ.

\* Герольдмейстер (немисча, Herold – глашатай ва Meister – мастер) – Россия империясида 1722 – 1917 йилларда амалда бўлган давлат хизматчиси, империя Сенати ҳузуридаги герольдия департаментини бошқарган. Гербларни тузиш ва олий даражада тасдиқлаш ишларини амалга оширган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 28-рўйхат, 23-иш, 5-варақ.

даврида ўлкада тинчлик ва ободончилик ҳукм сурган. Қолаверса, ҳозиргача сақланиб қолган кўплаб меъморий обидалар Темур ва унинг авлодлари даврига оиддир. Бу тамға Темур тангаларида ҳам кўплаб акс эттирилган.

Қалқоннинг пастки қисмида тут дарахти новдаси ипакчилик рамзи сифатида жойлаштирилган»<sup>1</sup> (I илова).

IV иловада тасвирланган Самарқанд вилояти гербининг дастлабки лойиҳаси ўзида вилоятнинг хўжалигини тасвирлаш билан бир пайтда унинг тарихини ёритувчи белги – Амир Темурнинг тамғаси тасвирини ҳам ўз ичига олганлиги диққатга сазовордир. Бу, бир тарафдан, ўлка тарихини кўрсатувчи белги бўлса, иккинчи тарафдан, маҳаллий аҳоли кўз ўнгигаги мустамлака ҳукуматни ўзига хос равишда легитимациялаштириш ва давлатчилик узвийлиги ёки изчиллигини намоён қилиш рамзи эди. Гербда ишлатилган Амир Темурнинг уч ҳалқадан иборат тамғаси ва унинг семантикаси ҳақида кўплаб фикрлар ва фаразлар мавжуд. Бу ҳақда Э.В. Ртвеладзе ва Г. Қурбонов ўз тадқиқотларида батафсил маълумот берганлар<sup>2</sup>.

Кейинчалик ушбу лойиҳа яна қайта ишланган ва унга бир қатор ўзгаришлар киритилган. Шундан сўнг 1888 йил 9 январдаги 16- рақамли хатида Туркистон генерал-губернатори герольдмейстер Е.Е. Рейтеренга Самарқанд ва Фарғона вилоятлари гербларнинг лойиҳалари ва тасвирларини юборади<sup>3</sup>. Ушбу хатда таъкидланишича, бу лойиҳаларда келтирилган гербларнинг тузишида вилоятлар асосий хўжалик юмуши ипакчилик ва пахтачиликка эътибор берилган. Шунингдек, гербларда сув манбаи ҳам тасвирланган. Бундан ташқари, Самарқанд вилояти гербида Амир Темурнинг тамғаси тасвирлангани таъкидланади<sup>4</sup>.

Хат давомида Самарқанд вилояти гербининг тўлиқ тавсифи келтирилади:

*«Қалқон тўлқинсимон ҳаворанг тасма билан қиясига иккига бўлинган, бу тасма Зарафшон дарёсини англатади. Юқори бурчакда, кумуш фонда Амир Темурнинг тамғаси (муҳри) жойлаштирилган.*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 28-рўйхат, 23-иш, 7-варақ.

<sup>2</sup> Қаранг: Ртвеладзе Э.В., Қурбонов Г. Символы государственности // История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов / Отв. редакторы: Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. – Ташкент: Фан, 2017. – С.95 – 102.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 28-рўйхат, 23-иш, 14 – 15-варақлар.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 14-варақ.

Ушбу тамға учта тенг айланалардан иборат бўлиб, уларнинг ўртаси тенг томонли учбурчакни ҳосил қилади. Қалқоннинг қуйи қисмида олтин фонда тут дарахти новдаси, улардаги барглар орасида пилла қурти ғумбаги, барглар тепасида пилла қурти капалаги тасвирланган.

Қалқон атрофидаги арматура умумқабул қилинган қоида бўйича тасвирланган»<sup>1</sup>.

Ушбу лойиҳалар Санкт-Петербургда Россия империяси Сенати ҳузурида фаолият юритувчи Герольдия департаменти Герб бўлими томонидан ўрганилиб чиқилгач, Е.Е. Рейтереннинг 1888 йил 5 апрелдаги бир қатор ўзгартиришлар киритилиши ҳақида 777-сонли Н.О. Розенбахга йўллаган хатида маълумот берилган<sup>2</sup>. Хатга 1888 йил 31 март куни Сенат ҳузурида фаолият юритувчи Герольдия департаменти Герб бўлими йиғилиши баённомаси илова қилинган бўлиб, унда Туркистондан юборилган герб лойиҳаларининг хато ва камчиликлари баён этилган. Хусусан, Самарқанд вилояти герби Фарғона вилояти гербига жуда ҳам ўхшаш қилиб тасвирланган бўлиб, ҳар икки гербдаги қалқоннинг ўнг тарафи тўлқинсимон тасма билан қиялангани, қалқоннинг чап тарафида эса тут дарахти новдаси мавжудлиги уларнинг деярли бир хил кўринишга эга бўлишига олиб келган. Қолаверса, ушбу герб лойиҳасини чизиш техник жиҳатдан жуда қийинчилик туғдирди. Бунинг сабаби Самарқанд вилояти гербининг чап тарафдаги пастки қисмида тор жойда учта предметни тасвирлаш лозим эди. Шунингдек, геральдика қоидаларига кўра, бир хил маъно англатувчи бир нечта предметни (тут дарахти новдаси, пилла қурти ғумбаги, пилла қурти капалаги назарда тутилмоқда – Ж.А.) битта гербда тасвирлаш мумкин эмаслиги таъкидланган<sup>3</sup>.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Герб бўлими ходимлари Самарқанд вилояти гербининг қуйидаги ҳолдаги таҳририни тасдиқлаш учун таклиф этди:

*«Хаворанг (лазур) қалқонда кумуш тўлқинсимон устун тасвири (вилоятнинг бош дарёси Зарафшон рамзи сифатида), унинг икки четтида олтин тут дарахти новдалари (вилоят аҳолисининг бош юмуши – ипакчиликка ишора сифатида) тасвирланади. Қалқоннинг ку-*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 28-рўйхат, 23-иш, 14 – 15-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 16 – 20-варақлар.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 18 – 19-варақлар.

муш дамасцировка<sup>1</sup> қилинган бош қисмида Темурнинг тамғаси (муҳри) бўлмиш учта қора айлана, тенг томонли учбурчак ҳосил қилган ҳолда тасвирланган»<sup>2</sup>. Гербнинг тўлиқ кўринишида Қадимги Подшоҳлик тожи ҳамда Александр тасмаси воситасида бирлаштирилган олтин эман барглари билан безатилган арматура ҳам мавжуд бўлган (II илова). Ундаги Александр тасмаси қизил рангли шойи тасма кўринишида бўлган. Россия империясида мавжуд бўлган олий даражали Авлиё Александр Невский ордени тасмаси сифатида ишлатилган. Россия империясида вилоятлар, шаҳарлар ҳокимликлари ва уезд шаҳарлари гербларида қўлланилган (III илова)<sup>3</sup>. Олтин эман барглари эса геральдикада кўп ишлатиладиган рамзлардан бири ҳисобланади. Умуман олганда, эман геральдикада қатъийлик, бақувватлик, доимийлик, барҳаётлик, донолик ва чидамлилиқ рамзидир. Геральдикада эман барглари турли рангларда – яшил, олтин ва кумуш рангда тасвирланиши мумкин бўлган. Асрда Россия империясининг барча ўлкалари герблари олтин эман шохларидан ташкил топган арматура билан безатилган<sup>4</sup>.

Шунингдек, Е.Е. Рейтерен ўз хатида генерал-губернатордан ушбу таклифларга рози ёки қарши эканини маълум қилишини сўраган эди<sup>5</sup>. Бунга жавобан Н.О. Розенбах гербларнинг янги таҳрирдаги лойиҳаларига ҳеч қандай қаршилиги йўқлигини айтиб, уларнинг тезроқ олий даражада тасдиқлаб берилишини сўрайди<sup>6</sup>. Ниҳоят, 1890 йил 31 январда Самарқанд вилояти герби олий даражада тасдиқланди (IV илова). Бу ҳақда 1890 йил 28 февралда Е.Е. Рейтерен Н.О. Розенбахга 564- рақамли хати орқали хабар қилади<sup>7</sup>. Ушбу хатдан маълум бўлишича, вилоят гербини департамент ходими коллеж ассессори Митенский чизган бўлиб, унга Туркистон генерал-губернаторлиги ҳисобидан Самарқанд гербининг икки дона бўёқ (20 руб.), бир дона перо (5 руб.) билан чизилган нусхалари, учта герби тавсифини ёзиб

<sup>1</sup> Дамасцировка – гербларни безатишда қўлланилган услуб. Қалқон майдони ёки ундаги шаклларга декоратив орнаментни туширишдан иборат бўлган. Қопланаётган майдон ёки шакл ранги турфаланиши кўринишида бажарилган. Ушбу атама Дамашқ пўлатидаги нақшдан келиб чиққан // <https://ru.wikipedia.org/wiki/Дамасцировка>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 28-рўйхат, 23-иш, 19 – 20-варақлар.

<sup>3</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Александровская\\_лента](https://ru.wikipedia.org/wiki/Александровская_лента)

<sup>4</sup> <https://f-gl.ru/геральдический-гlossарий/дуб-в-геральдике>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 28-рўйхат, 23-иш, 16-варақ.

<sup>6</sup> Ўша жойда. 21-варақ.

<sup>7</sup> Ўша жойда. 26-варақ.

чиққанлиги учун (6 руб.) жами 31 руб. тўланиши керак эди<sup>1</sup>. Ўз навбатида, Туркистон генерал-губернатори Самарқанд ҳарбий губернаторига ушбу суммани вилоятнинг фавқулодда харажатлар учун ажратилган маблағ ҳисобидан тўлашга буйруқ беради<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, 1886 йил 11 октябда бошланган Самарқанд вилоятининг гербини тузиш иши фақатгина 1890 йил 31 январда якунига етди. Бу герб ўлкада совет тузуми ўрнатилгунгача амалда бўлди. Энг қизиқарли жиҳати шундаки, совет даврида Самарқанд герби сифатида амалда бўлган герб Россия империяси даврида қабул қилинган гербнинг кўп жиҳатларини такрорлайди (V илова).

Шунингдек, 1910 йил 14 апрелда 33359-рақамли қонун билан Самарқанд шаҳри герби тасдиқланди. Унга кўра, шаҳар герби қалқони тўлиқ ҳолда вилоят герби қалқонини такрорлаганини кўришимиз мумкин. Фақатгина қалқон беш буржли қалъа минораси кўринишидаги олтин тож ва икки ён тарафида Александр тасмаси билан бирлаштирилган узум новдалари (арматура – Ж.А.) билан безалган<sup>3</sup> (VI илова).

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон генерал-губернаторлиги геральдикасини тадқиқ этиш ушбу даврда ўлка тарихи, алоҳида вилоятлар ва шаҳарлар тарихини тадқиқ этишда муҳим манба бўла олади. Шунингдек, ушбу герблар у ёки бу архив ҳужжатлари ва манбаларнинг яратилган санаси ва жойини аниқлашда ёрдам беради. Қолаверса, ушбу герблар семантикасини таҳлил этиш мустамлака давридаги давлатчилик масалалари тарихини ёритувчи манба бўла олади.


Шу ўринда Россия империясининг ўлкадаги ва метрополиядаги амалдорлари ушбу гербларга нисбатан давлатчилик рамзи билан бир вақтда легитимация воситаси сифатида қараганлари шубҳасизлигини таъкидлаш лозим. Зеро, ушбу гербларда ўлканинг диний, тарихий ва маҳаллий қадриятларига мурожаат этиш орқали маҳаллий аҳоли олдида ўзига хос равишда легитимациялашиш, давлатчилик узвийлиги ёки изчиллигини кўрсатмоқчи бўлишган. Фикримизча, бугунги кунда ушбу манбаларни – гербларнинг тасвирини таҳлил этиш ўзбек давлатчилиги тарихининг ҳали тадқиқ этилмаган жиҳатларини ёритиш учун хизмат қилади.

<sup>1</sup> Ўша жойда. 27 – 29-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 30 – 31-варақлар.

<sup>3</sup> <http://www.heraldicum.ru/uzbekstn/towns/samarkan.htm>

I илова



Самарқанд вилояти герби  
лойиҳаси (1887)

II илова



Самарқанд вилояти герби  
(1890)


III илова



Александр тасмаси

IV илова

Высочайше утверждён:  
31-го Января 1890 года.



ГЕРБЪ

Самаркандской области.

Въ лазуревомъ щитѣ, серебряный, волнообразный  
столбъ, сопровождаемый по бокамъ двумя золотыми  
вѣтвями тутовнаго дерева. Въ серебряной дамасиро-  
ванной главѣ щита, знакъ тамги (печати) Тамерлана,  
т. е. три черныхъ кольца 1 и 2. Щитъ увѣнчанъ дре-  
вцею, Парскою короною и окруженъ золотыми дубо-  
выми вѣтвями, соединенными Александровскою лентою.

Фон Винклер Гербовникадаги  
Самарқанд вилояти герби (1890)

V илова



Совет давридаги Самарқанд  
вилояти герби

VI илова



Самарқанд шаҳри герби  
(1910)

*Б. Алимджанов*

## **АКТИВНЫЕ ОПЕРАЦИИ САМАРКАНДСКОГО ФИЛИАЛА ГОСУДАРСТВЕННОГО БАНКА**

В начале XX в. Самаркандская область Туркестанского генерал-губернаторства считалась производителем пшеницы и фруктов для внутреннего и внешнего потребления. В административном центре области – городе Самарканде проживали почти 90 тыс. чел. (1910 г.). «Фрукты, чай, хлопок, мануфактура – вот товары, с которыми приходится оперировать здешним банкам»<sup>1</sup>, – писал об экономике региона инспектор Русско-Азиатского банка в 1916 г. Быстрыми темпами развивалось местное виноделие. Здесь работали несколько фирм (Филатовы, Шмидт, Гладышев, Шустов, Агриев, Алишоев). Хлопковое производство не было развито в Самарканде, как в Ферганской

<sup>1</sup> Российский государственный исторический архив (далее – РГИА). Ф. 630, оп. 1, д. 537 (Отчет инспектора банка Б. Лукодьянова о ревизии деятельности Самаркандского отделения (директор отделения Н.Е. Редько, вице-директор С.С. Попов) на 9 сентября 1916 г.), л. 1 – 2 об.

долине. Под хлопок в 1916 г. было отведено 68,880 дес. (6,78% всей посевной площади)<sup>1</sup>, под пшеницу и рожь – 59,04% засеваемой площади, под рис – 11,45% и виноградом 1,31%<sup>2</sup>. «Самаркандский хлопок, – писал ревизор, – качеством ниже ферганского; в официальной котировке он расценивается на 50 копеек дешевле ферганского»<sup>3</sup>.

Промышленность была слабо развита. Хлопкоочистительных заводов в Самарканде было 8, маслособойных – 3<sup>4</sup>. Несмотря на то, что по экономическим показателям Самарканд отставал от Коканда, по торговле чаем Самарканд являлся главным центром Туркестана. В 1915 г. здесь фирмами (Вогау, Ризаевых, Тагиевых, Кузнецова, Хасановых, Кин-Чонга и др.) было упаковано 11 млн фунтов чая<sup>5</sup>. «Если не считать стоящие особняком такие фирмы, как Вогау и Кузнецов, – писал инспектор банка, – в кредите не нуждающиеся, то окажется, что все чайное дело находится в руках персов, народа большей частью пришлого, не имеющего права владеть здесь недвижимостью»<sup>6</sup>.

Несмотря на аграрный характер Самаркандского экономического региона, к 1916 г. здесь действовало семь филиалов ведущих банков Российской империи, таких как Государственный, Азовско-Донской, Волжско-Камский, Московский Учетный, Сибирский торговый, Соединенный и Русско-Азиатский. По активным (7 млн руб.) и пассивным операциям на первом месте был филиал Русско-Азиатского банка<sup>7</sup>. «По пассивным операциям, – писал инспектор Русско-Азиатского банка, – более успешнее других работает Соединенный банк, благодаря тому, что отделение его помещается на базаре»<sup>8</sup>.

Самаркандское отделение Государственного банка 3-го разряда было открыто в 1890 г. В отделении преобладали мелкие кредиты, крупные ссуды выдавались, в основном, фирмам и торговым домам, торговавшим чаем, хлопком, сахаром и мануфактурой. В 1897 – 1904 гг. Самаркандское отделение ежегодно

---

<sup>1</sup> Там же.

<sup>2</sup> Там же.

<sup>3</sup> Там же.

<sup>4</sup> Там же.

<sup>5</sup> Там же, л. 7 об. – 8 об.

<sup>6</sup> Там же.

<sup>7</sup> Там же, л. 9 об.

<sup>8</sup> Там же.



приносило чистую прибыль от 22 до 51 тыс. руб.<sup>1</sup> Обороты Самаркадского отделения Государственного банка приведены в табл. 1.<sup>2</sup>

Таблица 1

Обороты отделения, тыс. руб.

Год	В учреждении банка	В казначействах	Итого
1901	18.613	2.117	20.730
1902	19.272	1.874	21.146
1903	19.139	2.113	21.252
1904	19.560	2.174	21.734
1905	19.517	2.062	21.579
1906	21.426	2.020	23.446
1907	21.267	2.315	23.582
1908	21.763	2.910	24.673
1909	21.752	3.164	24.916
1910	27.346	23.427	50.773
1911	32.455	20.813	52.268
1912	34.558	25.457	60.015
1913	41.736	26.328	68.064
1914	36.107	25.340	61.447
1915	44.489	40.936	85.425

Основными операциями Самаркандского отделения Госбанка были учет векселей, выдача онкольных (по специальным счетам) и срочных ссуд и кредитов, ссуд под товары и процентные бумаги и транспортных документов. Операции выдачи по учету и ссудам Самаркандского отделения Государственного банка приведены в табл. 2.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Там же. Ф. 587, оп. 33, д. 1106 (О ревизии Самаркандского отделения Госбанка, 1905 – 1911 гг.), л. 13 – 15.

<sup>2</sup> Государственный банк. Данные по конторам и отделениям за 1901 – 1910 гг. / Сост. под ред. директора Государственного банка Сланского Е.Н. – СПб., 1912, л. 417; Государственный банк. Данные по конторам и отделениям за 1906 – 1915 гг. / Сост. под ред. директора Государственного банка Сланского Е.Н. – СПб.: Синодальная типография, 1916. Т. VI, л. 417.

<sup>3</sup> Там же.

Таблица 2

## Выдачи по учету и ссудам (в тыс.р.)

Год	По учету век- селей мест- ных	Выдано по специ- альным счетам под векселя	Вы- дано под% бума- ги	Ссуды под залог% бумаг	Ссуды под то- вары	Под доку- менты на товары	Итого
1901	1.724	-	21	45	167	278	2.698
1902	1.911	-	83	27	154	194	2.932
1903	1.887	-	150	23	189	394	3.125
1904	2.121	-	88	32	264	491	3.855
1905	2.565	-	152	42	265	634	4.614
1906	2.548	-	62	71	440	1.580	5.829
1907	3.190	-	66	65	301	2.547	7.732
1908	3.986	1.315	73	61	310	1.005	8.681
1909	3.604	4.458	49	37	206	464	10.405
1910	2.965	1.912	10	13	252	11	17.334
1911	3.201	9.572	48	20	424	330	17.678
1912	2.961	12.546	172	13	1.038	1.080	23.428
1913	2.444	11.512	44	14	843	727	20.545
1914	2.271	14.872	4	22	1.382	1.223	24.531
1915	2.264	12.048	18	26	297	2.025	19.806

Учет векселей производился с согласия Ученого комитета, в составе которого входили 8 лиц (1909 г.): четыре русских представителей: Д. Филатов, П. Игнатъев, С. Гладышев, И. Куранцев; два местных жителя: Маулянбай Ташмухамедов и Ходжа Латиф Уста Хасанов и два еврейских представителя: Д. Калантаров и Ю. Муллакандов. Филатов и Гладышев были виноделами, Калантаров, Муллакандов и Маулянбай – торговцами мануфактуры, Ходжа Латиф производил шелк, Куранцев торговал железом, стеклом и мукой, а Игнатъев имел собственную типографию<sup>1</sup>. Учет векселей показывал свой рост с 1907 г. (см. табл. 2). В 1913 г. учет сократился и во время первой мировой

<sup>1</sup> РГИА. Ф.587 (Государственный банк), оп. 33, д. 1106 (О ревизии Самаркандского отделения Госбанка, 1905 – 1911 гг.), л. 67 об. – 69.

войны продолжал сокращаться. С 1908 г. в отделении стала развиваться выдача онкольных кредитов под векселя. К 1914 г. выдача онкольных кредитов под векселя достигала 14,8 млн руб. (см. табл. 2). Выдача кредитов и ссуд под процентные бумаги показывала нестабильное развитие: оно то сокращалось (1910 и 1914 гг.), то аномально росло. Ссуды под товары показывали стабильный рост. Они выдавались клиентам под пшеницу, ячмень, горох, рис, солод, муку, хмель, вино и кишмиш, а под сельскохозяйственные продукты выдавались под 75% от стоимости товара на 6 месяцев, а под вино – на 50% от стоимости на 9 месяцев<sup>1</sup>. Ссуды под документы выдавались в основном, на хлопок, невыделанные кожи и шерсть. Под хлопок выдавалась ссуда под 75 – 80% от стоимости товара от 3 до 6 месяцев, на невыделанные кожи и шерсть – до 75% от стоимости товара<sup>2</sup>.

Самаркандский филиал Госбанка стремился финансировать не только крупных купцов Самарканда, но и мелких торговцев. Управляющий отделением с 1892 по 1901 г. В.Н. Кузнецов для борьбы с ростовщичеством в Самарканде открывал мелкие кредиты мелким торговцам. На 1 января 1899 г. действовало 437 кредитов на общую сумму 1.182 тыс. руб., средний размер которых составлял 2,7 тыс. руб.<sup>3</sup> Преемники В.Н. Кузнецова сократили мелкие кредиты, опасаясь за выданные ссуды. В 1905 – 1909 гг. средний размер кредита составлял 5,6 – 7,2 тыс. руб.<sup>4</sup> Показатели по выдаче кредитов приведены в табл. 3.<sup>5</sup>

Таблица 3

### Выдача кредитов

Годы	Число кредитов на сумму, тыс. руб.									
	до 0,5	до 1	до 5	до 8	до 10	до 25	до 50	до 100	до 120	все-го
1905	19	72	188	29	10	15	11	5	-	349
1906	16	62	202	25	17	21	11	5	-	359
1907	14	49	208	36	21	25	10	5	-	368

<sup>1</sup> РГИА. Ф. 587, оп. 33, д. 1106 (О ревизии Самаркандского отделения Госбанка, 1905 – 1911 гг.), л. 18 – 19.

<sup>2</sup> Там же.

<sup>3</sup> Там же, л. 57.

<sup>4</sup> Там же, л. 57 об. – 58 об.

<sup>5</sup> Там же, л. 59 об.

1908	8	44	186	38	17	27	12	2	2	336
На 1	9	4	179	6	16	30	12	3	2	331

В основном, кредиты выдавались по мануфактурной торговле – 87 кредитов на сумму 1.223,1 тыс. руб. и галантерейной – 21 на 86 тыс. руб., по торговле хлопком – 17 кредитов на 187 тыс. руб. и 28 кредитов на 188 тыс. руб. было выдано торговцам бакалеи, сахара и фруктов<sup>1</sup>. В табл. 4 приведены показатели по выдаче вексельных кредитов частным лицам.<sup>2</sup>

Таблица 4

**Вексельные кредиты частным лицам в Самаркандском отделении Госбанка**

Год	Количество кредитов к концу года	Сумма кредитов к концу года, тыс. руб.
1901	376	1.279
1902	348	1.280
1903	356	1.390
1904	352	1.810
1905	349	1.949
1906	359	2.192
1907	368	2.405
1908	336	2.389
1909	348	2.429
1910	397	2.688
1911	479	3.235
1912	508	3.429
1913	455	2.987
1914	426	2.823
1915	385	2.641

<sup>1</sup> Там же, л. 60 – 60 об.

<sup>2</sup> Государственный банк. Данные по конторам и отделениям за 1901 – 1910 гг., л. 419; Государственный банк. Данные по конторам и отделениям за 1906 – 1915 гг., л. 419.

С 1910 г. Самаркандское отделение Госбанка начало финансировать учреждения мелкого кредита. К 1915 г. число кредитных товариществ в Самаркандской области достигло 110 (в 1910 г. их было всего 13) и 4 ссудо-сберегательных товариществ<sup>1</sup>. Показатели выдачи Самаркандским отделением Госбанка мелкого кредита учреждения приведены в табл. 5.<sup>2</sup>

Таблица 5

**Выдачи учреждениям мелкого кредита**

Год	Выдачи учреждениям мелкого кредита, тыс. руб.
1910	90
1911	239
1912	696
1913	1.020
1914	1.357
1915	1.661

Самаркандское отделение Госбанка выполняло роль центрального банка для местных финансовых институтов. Отделение начало выдавать местным филиалам коммерческих банков кредиты под векселя с 1908 г. (табл. 6)<sup>3</sup>.

Таблица 6.

**Вексельные кредиты частным банкам  
в Самаркандском отделении Госбанка**

Год	Количество кредитов к концу года	Сумма кредитов к концу года, тыс. руб.
1908	1	500
1909	1	500
1910	3	900

<sup>1</sup> Государственный банк. Данные по конторам и отделениям за 1906 – 1915 гг., л. 420.

<sup>2</sup> Там же, л. 417.

<sup>3</sup> Государственный банк. Данные по конторам и отделениям за 1901 – 1910 гг., л. 419; Государственный банк. Данные по конторам и отделениям за 1906 – 1915 гг., л. 419.

1911	6	1.325
1912	8	1.375
1913	9	1.725
1914	8	1.525
1915	8	1.525

Коммерческие банки старались заимствовать капитал у Госбанка, так как во многих случаях кредитная ставка Госбанка была ниже, чем у коммерческих банков.

Самаркандское отделение Госбанка за время своего существования (до 1918 г.) сумело занять свою нишу в экономической жизни Туркестанского генерал-губернаторства. Самаркандский филиал, как отмечалось, в основном, финансировал экспорт хлопка и пытался расширять свои активные и пассивные операции. Экономический кризис 1911 – 1913 гг. и первая мировая война благотворно повлияли на деятельность банка. Самаркандский филиал превратился в регулятора финансовых институтов Самаркандского региона и успешно расширял свои операции в сфере мелкого кредита. События 1917 г. негативно повлияли на финансовые институты края. В конце 1917 г. отделения Госбанка были национализированы советской властью.

*А. Мирзаев*

**МУСТАМЛАКА ДАВРИДА САМАРҚАНД  
ВИЛОЯТИДА ПАХТАЧИЛИКНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИ МАСАЛАЛАРИ  
(архив ҳужжатлари асосида)**

Бизга маълумки, Ўзбекистон мустақиллиги йилларидагина унинг тарихини холислик билан ёритиш учун кенг имкониятлар очилди, чунки собиқ совет тузуми даврида мустамлакачи тузум таркибидаги бошқа халқлар қатори ўзбек халқининг ҳам ўз тарихини ҳаққоний ўрганиши ва ёритишига йўл қўйилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ватанимизнинг ўтмиш тарихи хусусида: «Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва мадания-

тига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади. Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар, оғир синовлар бўлганини барчамиз яхши билемиз»<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган.

XIX аср охири – XX аср бошида Туркистон ўлкасида Россия империяси мустамлакачилиги даврида пахтачиликнинг ривожланиши тарихи бир қатор тарихчи олимларнинг илмий асарларида архив ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда ёритилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган мустамлака даврида Туркистон ўлкасида фаолият кўрсатган марказий муассасалардан бири – Туркистон генерал-губернатори канцеляриясининг 1- жамғармаси ва ўлка қишлоқ хўжалиги тизимини бошқаришда етакчи ўрин эгаллаган Туркистон ўлкасидаги Деҳқончилик ва давлат мулклари бошқармасининг 7-жамғармасида сақланаётган ҳужжатларда ўлкада пахтачиликнинг ривожланишида пахта тажриба далалари, тажриба станциялари ва уруғчилик плантацияларининг тутган ўрни тўғрисида кўплаб маълумотлар учрайди<sup>2</sup>.

1871 йилда Зарафшон округининг бошлиғи ўлка генерал-губернатори номига ёзма рапорт орқали мурожаат қилиб, Самарқанд шаҳрида давлат томонидан пахта тажриба плантациясини ташкил этилиши учун рухсат сўраган. Ушбу масала батафсил ўрганилиб, Туркистон генерал-губернатори 1871 йилда Самарқандда давлат пахта тажриба плантациясини ташкил этиш ва харажатлар учун тегишли маблағ ажратилиши тўғрисида Зарафшон округининг бошлиғи номига хат жўнатган<sup>3</sup>.

1871 йилда Зарафшон округининг бошлиғи генерал Абрамов ва Н.Н. Раевский томонидан Самарқандда тажриба станцияси ташкил этилди, Америка пахтасини экилди ва унинг уруғи олинди. Бу станция шахсан генерал Абрамовнинг маблағи ҳисобига бунёд этилган эди. Станцияда 1875 йилга келиб 15 десятина ерда 30 пуд уруғ етиштиришга муваффақ бўлди. Уруғлар деҳқонларга бепул улашилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.5.

<sup>2</sup> Агафонова З.И., Халфин Н.А. ЦГИА РУз. Путеводитель. – Ташкент, 1948. – С.13 – 26, 116 – 117.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 15-рўйхат, 107-иш, 1 – 9-варақлар.

<sup>4</sup> Зиёев Ҳ. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси (тарихнинг долзарб масалалари). – Тошкент, 2000. – Б.143.

Россия империяси Савдо ва мануфактуралар департаменти директорининг Туркистон генерал-губернатори канцеляриясининг бошқарувчисига 1873 йилда юборган алоқа хатида департаментга келтирилган пахта тозалаш машиналарининг бир қисми Самарқанд давлат пахта плантацияси учун ажратилгани маълум қилинган<sup>1</sup>.

Юқорида баён этилган 1- ва 7-жамғармалар таркибидаги материаллар, шунингдек, пахта тажриба далалари, плантациялари ва станциялари фаолиятини ёритадиган ҳужжатли манбалар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, 1876 йилга оид архив ҳужжатида Самарқанд давлат пахта плантацияси жойлашган ҳудуднинг батафсил чизма-чертёжи келтирилган<sup>2</sup>. Шунингдек, 1877 йилда Самарқанд давлат пахта плантацияси мудирини Иванов томонидан тайёрланган ҳисоботда пахтани экиш учун далаларга ишлов берилиши, чигит экиш бошланиш вақти, ғўзанинги ўсиши ва унга ишлов берилиши, пахта теримининг бошланиши ва тугалланиши, экилган навлар устида олиб борилган тажрибаларнинг натижалари ва уруғликнинг ҳар бир нави ҳосилдорлиги, қиш ва баҳордаги метеорологик шароитлар, об-ҳавонинг пахтанинги ривожланишига таъсири сингари масалалар батафсил баён этилган<sup>3</sup>.

Самарқанд вилоятида ҳам пахта тозалаш заводларига эътибор кучайтирилди. 1886 йилда Тинхачов томонидан Каттақўрғон уездининг пахта кўп экиладиган Митан қишлоғида дастлабки пахта заводи қурилди. Каттақўрғон шаҳридан 30 чақирим масофада жойлашган бу заводга пахта атроф қишлоқлардан араваларда ташилган. Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши пахта тозалаш заводлари қуриш имкониятини кенгайтирди<sup>4</sup>.

1889 йилда Сирдарё, Фарғона, Фарғона вилоятларида 58859 десятина ерга Америка пахта нави экилган бўлса, 31958 гектар ерга маҳаллий жайдари пахта нави экилди<sup>5</sup>.

Самарқанд областининг шимолий қисмида жойлашган Мирзачўл тажриба пахта майдони мудирини Э. Гребнер томонидан Деҳқончилик бошқармасига 1900 йилда тақдим этилган ҳисо-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 15-рўйхат, 107-иш, 10 – 12-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 6-варақ.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 88 – 97-варақлар.

<sup>4</sup> Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.114.

<sup>5</sup> Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.52.



ботда тажриба пахта майдони ва унинг суғориш тизими таъриф-тавсифи, пахта экилган дала майдонига ишлов берилиши, экиш вақти, суғориш ишлари, Самарқанддаги хусусий пахта майдонларида пахта экини ҳамда пахта чигити навлари устида олиб борилган тажрибалар баён этилган<sup>1</sup>. Тажриба майдони мудири Э. Гребнернинг 1901 йилги ҳисоботида эса метеорологик кузатувлар, пахтани экишдан олдин ерга ишлов бериш усуллари устида ўтказилган тажрибалар, ғўза вегетацияси (ўсиши) вақтида амалга ошириладиган тажрибалар, пахта ҳосилидан юқори унумдорликка эришиш натижалари ёритиб берилган<sup>2</sup>.

Мирзачўл тажриба пахта майдони мудири Э. Гребнер 1903 йилда тақдим этган йиллик ҳисоботда эса йил давомидаги об-ҳаво шароитлари, пахтани экиш вақти, далаларни чигит экишга тайёрлаш ва ғўзага ўсиш вақтида ишлов бериш, суғориш ишлари, пахта хомашёсини териб олиш, пахтанинг кушандаларидан бири бўлган мароқаш чигирткасининг ғўзанинг илдиз қисмини зарарлантириши ва бу касалликнинг бошқа экинларда қандай кечиши ўрганилган<sup>3</sup>.

1907 йилдан бошлаб Мирзачўл тажриба пахта майдонини агроном Бушуев бошқарди. Унинг ҳисоботида мазкур ташкилот олдида турган вазифалар ва уларни келгусида қандай амалга ошириш тартиби, иқтисодий кузатув ва бозор конъюнктураси таҳлил этилган. Шунингдек, Мирзачўлдаги метеорологик омилларнинг ғўзани мавсумий ўсишига ва пахта йиғим-теримига таъсир этиши, ғўзани суғориш миқдори устида, Упланд навли америка пахтаси чигитларини экиш бўйича, пахта далаларини ўғитлаш юзасидан ўтказилган тажрибаларнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири масалалари ёритилган. Ушбу ҳужжатда пахта даласини шудгорлаш ва чигит экиш жараёнининг ғўзанинг бир текисда униб чиқишига, вегетациясига, етилишига ва ҳосилдорлигига таъсири, пахта чигитини экишдан олдин стерилизация, яъни микроблардан тозалашнинг аҳамияти, Мирзачўл шароити учун пахтанинг тез етиладиган навларини экишни йўлга қўйиш масалалари ҳам баён этилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 2389-иш, 5 – 15-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-7-жамғарма, 1-рўйхат, 2467-иш, 63 – 65-варақлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-7-жамғарма, 1-рўйхат, 474-иш, 27 – 38-, 97 – 111-варақлар.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-7-жамғарма, 1-рўйхат, 407-иш, 313 – 361-варақлар.

\* Десятина – бир гектарга яқин ер ўлчов бирлиги.

Агроном Бушуевнинг 1910 йилда мазкур тажриба пахта майдонида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботида турли чуқурликдаги тупроқ намлиги устида ойма-ой ўтказилган тадқиқотлар, тупроқда намликнинг сақланишига ғўзани озиклантириш давомийлигининг боғлиқлиги, ҳар десятина\* пахта даласининг сувга бўлган йиллик эҳтиёжи, уруғликнинг униб чиқиш қобилятини аниқлашнинг толанинг узунлиги, эни ва қалинлигига таъсири, Триумф навини экишдан бошлаб то ҳосили териб олинишига қадар ривожланиши устида олиб борилган кузатишлар, пахта зараркунандалари ва уларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чоралар, кўп ва сифатли ҳосил берадиган пахта навларининг барқарор чигитларини саралаб олиш бўйича ўтказилган тажрибалар баён этилган. Маҳаллий пахтанинг Кўк чигит нави устида ўтказилган тажрибаларда ўғит солиш, далага ишлов бериш, зараркунандалардан сақлаш учун чигитларни дорилаш, чигитни экиш усуллари, далани суғориш вақти ва сувнинг миқдори, ғўзани чеканка қилиш каби масалалар ёритилиб, тегишли жадваллар ва схемалар тузилган<sup>1</sup>.

Зарафшон тажриба пахта майдонининг мудирини агроном Малыгин томонидан 1913 йилда мазкур тажриба майдонида амалга оширилган ишлар бўйича тузилган ҳисоботда турли ўғитларни ўзлаштириш юзасидан ўтказилган тажрибалар, тупроқнинг механик ва кимёвий таркибини аниқлаш, тупроқнинг ўтказувчанлиги, пахтанинг сифатини белгилашда толанинг миқдори, узунлиги, қалинлиги, ранги, пишиқлиги ва майинлигини аниқлаш масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, ҳисоботда тажриба участкасини суғориш тизими, рельефи, Каттақўрғон водийси тупроқ қатламнинг кимёвий таркиби, ерости сувлари ва уларнинг таҳлили, тупроқ сатҳининг захкашлиги, тупроқдаги туз миқдорининг жадвали ва тажриба даласининг чизмаси ҳам берилган<sup>2</sup>.

Агроном Бушуевнинг 1916 йилда Мирзачўл тажриба пахта станциясида амалга оширилган ишлар юзасидан тайёрлаган маърузасида Мирзачўлда пахтадан ҳосил олишда тупроққа солиниши лозим бўлган ўғитларнинг турлари, чигит экиш муддатлари, вегетация даври, суғоришда нормаларга риоя қилмас-

<sup>1</sup>Ўзбекистон Миллий архиви. И-7-жамғарма, 1-рўйхат, 4160-иш, 208 – 231-, 240 – 255-, 257 – 260-варақлар.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Миллий архиви. И-7-жамғарма, 1-рўйхат, 3171-иш, 101 – 104-, 109 – 128-, 147-варақлар.

лик ерларнинг ботқоқланишига ва шўрланишига олиб келиши, деҳқончилик асбоб-ускуналари, пахта экиладиган далаларга ишлов бериш вақти ва усуллари, экишдан олдин пахта чигитига ишлов бериш, ҳар десятинага экиладиган чигитнинг миқдори кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, пахта чигит навларининг жадвалларида уларнинг тез етилиши, биринчи теримдаги ҳосилдорлиги, олинадиган толанинг миқдори, жадвалларнинг таҳлили батафсил таҳлил қилинган<sup>1</sup>.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Самарқанд вилоятида мустамлака даврида тажриба пахта майдонларининг ташкил этилиши, Америка пахтасининг иқлимга мослаштирилиши, пахта даласини ўғитлашнинг замонавий усуллари жорий қилиш каби масалалар манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, илмий муомалага киритилди. Туркистон генерал-губернатори канцелярияси фонди ва Туркистон ўлкасидаги Деҳқончилик ва давлат мулклари бошқармаси фонди ҳужжатларини ҳолисона қайд қилсак, тарихий манба бўлиб қолади.

*А. Буриев, Ф. Шарипов*

## **ИЗ ИСТОРИИ ТРАДИЦИОННОГО ЖИВОТНОВОДСТВА ЗАРАФШАНСКОГО ОАЗИСА (конец XIX – начало XX века)**

Ведущими отраслями животноводства Узбекистана, в том числе Зарафшанского оазиса, в конце XIX – начале XX в. были овцеводство, коневодство, разведение крупного рогатого скота и коз, а также, в небольшом количестве верблюдов<sup>2</sup>.

Основную роль в животноводческом хозяйстве узбеков в прошлом занимало овцеводство. Его развитие было связано не только с необходимостью производства пищевых продуктов – мяса и молока, но и для получения ценного сырья – шерсти и

<sup>1</sup> Узбекистон Миллий архиви, И-7-жамғарма, 1-рўйхат, 963-иш, 1-17-варақлар.

<sup>2</sup> Кармышева Б.Х. Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана в конце XIX – начале XX в. // Советская этнография. 1969. №3. – С.44 – 50; Шаниязов К. Отгонное животноводство у узбеков // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1973. – С.87 – 98; Шаниязов К. Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1975. – С.190; Узбеки. – М.: Наука, 2011. – С.118.

кожи. Однако наиболее ценной продукцией были шкурки, получаемые от каракульской породы овец.

Овцеводство имело и товарное направление. Каракулевые смушки шли на рынок. Большой спрос на рынках Средней Азии был также на живых овец, которых покупали и откармливали на мясо и сало. Некоторая часть овечьей шерсти, а также изготовленные из неё изделия (кошмы, паласы, переметные сумки, мешки различной величины и др.) шли на рынок. Основная часть поголовий овец находилась в руках отдельных баев и феодальной знати. В составе почти каждого крупного племени узбеков имелись отдельные семьи, которые владели от одной и более тысяч овец. Были и такие феодалы, которые владели десятками тысяч овец. Рядовые овцеводы имели лишь по несколько голов овец и коз для прокармливания себя и своей семьи. Многие из них совсем не имели скота и работали чабанами у своих богатых сородичей.

Пастбища в Бухарском ханстве находились под контролем административного чиновника – эльбеги, в обязанности которого входило наблюдение за границами пастбищных владений родо-племенных групп (чтобы они не нарушалась), а также взимание налога со скота (закот) за использование пастбищ (хаспули) и др. Эльбеги подчинялся правителю данной области – беку. В прошлом эльбеги являлись выборными старшинами кочевых и полuosедлых скотоводческих племен. У отдельных родо-племенных групп узбеков должность эльбеги и её выборность сохранились вплоть до начала XX в.

Однако у большинства племен и родо-племенных групп выборность прекратилась, видимо, ещё в конце XVIII – начале XIX в. Должность эльбеги стала передаваться по наследству от отца к сыну. Изменились также функции эльбеги: теперь они правили не отдельными племенами, а территориальными объединениями, куда входили представители нескольких племен. Таким образом, в указанный период эльбеги превратились в администрацию Бухарского ханства в зонах степных пастбищ<sup>1</sup>.

Родо-племенные группы узбеков Бухарского ханства, откочевывавшие в западную половину Каршинской степи в весенние и летние периоды, объединялись под началом двух эльбеги. Один объединял родо-племенные группы уз, найман, ябу

---

<sup>1</sup> Этнографические очерки узбекского сельского населения. Москва: Наука, 1969. С. 61; Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. Ташкент: Фан, 1974. С. 191-192.

(жабу), месит, олчин и др., занимавшие пастбищные территории северо-западной части Каршинской степи (области канала Эски Ангор) с центром в селении Пулати. Другой объединял родо-племенные группы ших, сарык, карлук, кипчак и др., кочевавшие на пастбищных землях западной части Каршинской степи с центром в селении Куня-шахар. Родо-племенные группы найман, хитай, уч-уруг, среднеазиатские арабы и др., занимавшие пастбищные территории западной половины Карнабчуля, управлялись эльбеги, находящимся в селении Джийдалик. Следует отметить, что полуоседлые узбеки степных зон Бухарского ханства, занимавшиеся овцеводством, оказывались как бы в двойном подчинении: как земледельцы они подчинялись амлякдару той местности, где располагались их селения и посе-вы, а как кочевники-скотоводы (когда они откочевывали со своим скотом в степь) они подчинялись эльбеги.

В прошлом узбеки занимались разведением двух типов овец: каракульских (каракульско-смушковое овцеводство) и курдючных (масосальное). Каракульских овец разводили, главным образом, на территории бывшего Бухарского ханства. Основными районами их распространения были: Каршинская степь (Каршинское, Гузарское, Чиракчинское и другие бекства), Карнабчул (включая южные и юго-западные районы Самаркандского и Каттакурганского уездов Самаркандской области Туркестанского генерал-губернаторства), а также степные и пустынные зоны, окружавшие Бухарский оазис.

Разведением овец каракульских пород занимались полукочевые узбеки, принадлежавшие в прошлом к следующим родо-племенным группам: карлук, найман, сарай, катаган, мангыт, месит, олчин, каучин, ябу (жабу), хитай, уч-уруг и др. Каракулеводством занимались и туркмены, проживавшие в южной части бассейна Кашкадарьи (туркмены Памыка, Мубарека, Сарыка) и в Каракульском Алатском районе Бухарской области, а также среднеазиатские арабы.

Каракулеводство занимало значительное место и в хозяйстве крупных баев из числа оседлых узбеков Кашкадарьи и низовьев Зарафшана. Баи являлись лишь владельцами овец, а пасти их они нанимали чабанов, нередко из числа опытных животноводов-узбеков или среднеазиатских арабов. В древности курдючные овцы были распространены на территории Средней Азии. Узбеки разводили несколько пород, но среди них преобладали

казахская и местная улучшенная порода (помесь местной с казахской, гиссарской и др.) – джайдари, а также гиссарская – хисори. Породы джайдари и казахск разводили узбеки тюрк, курама, джуз, кырк, минг, кипчак, кангли и других племенных групп, населявших степные, предгорные районы Джизакского уезда, верхней части долины Зарафшана, а также верховьев Бухарского ханства.

Разведение коз играло менее значительную роль, чем овцеводство. В основном, козы были местной породы, преимущественно черной масти, с грубой шерстью и с небольшим количеством пуха. Крупных стад коз у узбеков не было. Их держали в небольшом количестве бедняцкие хозяйства для получения мяса, молока, шерсти и кожи. Большую часть коз они резали, так как их семьи питались, главным образом, козым мясом. Об этом говорится даже в одной из узбекских народных пословиц: «Эчки юзга етса, кузга етмайди» («число коз, хотя и до сотни дойдет, но до осени они не сохранятся»). Больше всего коз было сосредоточено в верховьях Зарафшана.

Разведением крупного рогатого скота в прошлом занимались как полуседлое, так и оседлое земледельческое население на территории нынешнего Узбекистана. В большом количестве его имели оседлые узбеки, жившие в предгорных районах, в полосе богарного земледелия. Природные условия здесь были особенно благоприятны для этой отрасли животноводства. Скот почти круглый год находился на подножном корму: весной и летом его содержали на предгорных и горных пастбищах, а осенью – поблизости от селений. У тех узбеков, которые жили в центре оазиса, где пастбища почти отсутствовали, скота было значительно меньше.

Отдельные баи имели до 200 и более голов крупного рогатого скота, зажиточные хозяйства – до 10 – 15 голов, бедные семьи – не больше двух голов, а многие бедняки совсем ничего не имели (ни коров, ни рабочего скота).

Разведение крупного рогатого скота, особенно волов – основной тягловой силы в земледелии у полуседлых узбеков, также как и овцеводство, носило товарный характер. Волон выращивали не только для личного хозяйства, но и для рынка, их продавали в районы орошаемого земледелия, где на них был большой спрос.

Недостаток кормов всегда ограничивал возможности разведения крупного рогатого скота оседлыми узбеками. Выращи-

вать молодняк в течение трех-четырёх лет (бычков – до рабочего возраста, а телок – до возраста дойных коров) было трудно из-за недостатка корма. Поэтому многие земледельцы бассейна Зарафшана и Ферганской долины по окончании полевых работ продавали своих волов, а весной, с началом земледельческих работ, снова покупали на базарах.

Основными поставщиками рабочих волов было полуоседлое население окружающих оазис районов. Крупный рогатый скот (особенно рабочий) очень ценился. Поэтому дехкане заботились и ухаживали за рабочими волами. Они хорошо понимали, что от упитанности и силы вола зависит успех многих видов полевых работ. Особенно большое внимание крестьяне уделяли им весной, чтобы волы не подвели хозяина в самый разгар полевых работ.

Значительную роль в хозяйстве узбеков играло коневодство<sup>1</sup>. У полукочевых узбеков лошадь служила как верховое вьючное животное, в земледельческом хозяйстве её использовали для перевозки урожая, молотьбы, доставки продуктов на базар и нередко для пахоты. Лошадей запрягали в колесный транспорт (арбы), с их помощью приводили в движение мельницы (каш-каш) и маслобойки (жувоз). Использовали их также для народных конно-спортивных игр (купкари или улок) и скачек (пойга). Из вышеуказанного видно, что лошадь играла важную роль во всех отраслях хозяйства и общественной жизни узбеков.

У узбеков не было табунного коневодства в таких широких масштабах, как у казахов и киргизов, исключение составляли лишь некоторые узбекские племена Восточной Бухары, например, локайцы, узбеки митан бассейна Зарафшана, нуратинские туркмены и некоторые другие группы. Особенно много лошадей было у локайских баев, в отдельных табунах число которых доходило до 1 тыс. голов. Богачи узбеки имели до 200 – 300 голов, а отдельные крупные феодалы – до 600 голов и более. В таких хозяйствах коневодство имело товарное направление: лошадей поставляли на рынки для продажи.

В основном узбеки разводили карабаирскую, локайскую, тюркскую и реже арабскую породы лошадей. Самой распространенной породой была карабаирская, которую разводили преимущественно в бассейне Зарафшана. Происхождение карабаирской

---

<sup>1</sup> Бўриев О. Ўзбекларнинг от билан боғлиқ азалий эътиқодлари // Турон ФА Ахборот-номаси. 2014. №2. – Б.195 – 202.

лошади относится к глубокой древности. Для её выведения, помимо местной породы, были использованы туркменская, арабская и монгольская породы. Карабаирские лошади отличаются статностью, широкой грудью и обладают наилучшими скаковыми качествами: физической крепостью, выносливостью и способностью к продолжительному бегу. Путем скрещивания узбеки создали еще ряд разновидностей карабаирских лошадей: узбекскую, миянкальскую, ургутскую и др. Среди них особенно отличались ломовые лошади узбекской породы (узбек оти) – помесь карабаира с казахской лошадью. Эта самая сильная порода служила для перевозки тяжестей.

Локайская порода была выведена узбеками-локайцами, живущими в южных (горных) районах на территории современных Узбекистана и Таджикистана<sup>1</sup>. Эта лошадь отличается красивым телосложением, может свободно идти по горным дорогам с грузом в 150 – 160 кг., проходить до 80 км и более в сутки, обладает хорошей резвостью и может делать большие скачки.

Арабская порода лошадей, в основном, была распространена в бассейне Зарафшана, особенно в Бухарском оазисе и Каршинском бекстве Бухарского ханства. Лошади этой породы отличаются своей неприхотливостью, выносливостью, способностью проходить без пищи и воды большие расстояния.

Туркменские породы лошадей в Узбекистане разводили в низовьях Зарафшана у нуратинских туркмен, в Хорезме и в юго-западных районах Сурхандарьинской области. Туркменские скакуны-аргумаки главным образом предназначались для верховой езды и конно-спортивных игр (купкари, пойга).

Узбеки гордились хорошими конями, умели их выращивать и ухаживать за ними, знали им цену. Считалось, что каждый молодой узбек должен иметь своего коня, поэтому при первой возможности покупал его. Приобретение коня было главной мечтой молодежи из несостоятельных семей.

Разведение верблюдов в хозяйстве полукучевых, а отчасти и оседлых узбеков играло в прошлом очень важную роль. Верблюды делились на вьючных, тягловых и упряжных. На них перевозили все тяжести, использовали как тягловую силу при вспашке земли (Сурхандарья), запрягали в чигири при

---

<sup>1</sup> Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Историко-этнографический очерк животноводства в дореволюционный период. Вып.1 // ТИИАЭ АН ТаджССР. 1954. Т. 28. – С.116.



выкачивании воды из каналов для орошения полей (Хорезм) и подъема воды из колодцев. Использовали их для верховой езды и составления торговых караванов.

Верблюды в хозяйстве узбеков были не только рабочими животными, их молоко и мясо употребляли в пищу. Дневной надой одногорбой верблюдицы доходил до 15 л. Из верблюжьего молока готовили масло, в летний период делали хороший утоляющий жажду напиток – айран. Высоко ценилась верблюжья шерсть. С одного одногорбого верблюда за год можно было получить 5 кг шерсти, а с двугорбого – до 10 кг и более.

В Зарафшанской долине верблюдов преимущественно держали узбеки из племени найман, туяклы, кипчак, сарай, митан и туркмены Нураты. У богачей из племени туяклы было до 30 верблюдов, а в хозяйствах середняков – по 5 – 10. У племени найман верблюдов было больше, чем у туяклы.

Узбеки разводили два вида верблюдов: одногорбого (кизил туя) и двугорбого (айри туя). Самки одногорбого назывались арвона, а самцы – лок, двугорбого – инган, самец – бар. Скрещивание одногорбых верблюдов с двугорбыми дало смешанные породы. На территории бывшего Бухарского ханства различались семь разновидностей одногорбых верблюдов: собственно нар (чистопородные), бек-бача нар, кулбачча-нар, джумауз-нар, сокмок-нар, килагай-нар и джунок-нар. Двугорбые верблюды имели три разновидности: собственно ойри (чистопородные), мирзо-кушма и кироди-кушма. Самыми сильными и выносливыми считались гибриды первого поколения, полученные от самки одногорбого верблюда (арвона) и самца двугорбого (бар). Самец, полученный от такого смешения, назывался нар, а самка нар – мая. Нар мог нести до 16 пудов, а на небольшие расстояния и до 20. За день нагруженный верблюд проходил в среднем 30 – 35 км, а без груза – 60 км и больше.

Больше труда требовало выхаживание новорожденного верблюжонка. В зимний период его держали в теплом помещении и даже надевали на него специальные ватные и войлочные покрывала (попоны), называемые жул. Верблюжат не отнимали от матери до двухлетнего возраста. Верблюжонка в возрасте до одного года называли бута, от одного года до трех лет – тайлок или буталок, а в три-четыре года – мажжи. Приучать к работе их начинали с трех-четырех лет. Однако по-настоящему их использовали лишь с пяти лет.

Таким образом, распространенные на территории Узбекистана, в том числе Бухарского оазиса, породы тех или иных видов скота создавались путем скрещивания местных, выведенных узбекскими скотоводами пород со скотом других пород, выведенных таджикскими, туркменскими и казахскими скотоводами. Эти факты ещё раз свидетельствуют о том, что хозяйственная жизнь народов Средней Азии и Казахстана развивалась не изолированно, а в тесном взаимном контакте.

*М. Азимбаев*

**ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА  
МУСУЛМОН ДИНИЙ МУТАСАДДИЛАРИГА  
НИСБАТАН РАСМИЙ МУНОСАБАТ  
(Самарқанд вилоят бошқармаси мисолида)**

1867 йилда Туркистон-генерал губернаторлиги ташкил этилди ва империя маъмурлари олдида тили, дини ва бошқарув шакли тамоман ўзгача бўлган янги ўлкада бошқарувнинг ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Дастлаб 1867 йили «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом» лойиҳаси қабул қилинди. Кейинчалик, яъни 1886 йилга қадар ҳудуднинг кенгайиши ва бошқарувда юзага келган муаммолар сабабли бир неча бор янги Низом лойиҳалари таклиф этилди ва улар маълум муддат амалда қўлланилди. 1871 йили «Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш тўғрисидаги Низом», 1873 йили «Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом», 1881 йили «Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш тўғрисидаги Низом», 1883 йили «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» лойиҳалари шулар жумласидандир.

Ниҳоят, 1886 йилда «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»<sup>1</sup> амалда жорий қилинди. Бироқ мазкур қонун асрлар давомида шаклланиб келган вақф институти, анъанавий таълим, мутавалли ва мударрислар фаолияти каби масалаларга етарлича баҳо бермаган эди. Бу эса империя ҳукмрон дои-

---

<sup>1</sup> Положение об управлении Туркестанским краем. Т 2. Ч.2. – Санкт-Петербург, 1886. – С.33.

ралари томонидан мусулмон диний мутасаддиларга нисбатан исталганча муносабатда бўлиш имконини берди. Айни вақтда, «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» 1886 йилда қабул қилинган бўлса- да, 1890 йилга қадар ҳам мутаваллилар ҳамон янги вақф ташкил этувчи шахс ёки вақфномага асосан тайинланишда давом этган.

Бироқ мутаваллиларни лавозимга тайинлашнинг бу амалиёти 1894 йили Туркистон ўқув муассасалари бошқармаси бошлигининг халқ мактаблари 3-инспектори берган маълумотлари асосида Туркистон генерал-губернаторига 29 сентябрда йўлланган мурожаат хатидан сўнг қайта кўриб чиқилди. Ушбу мурожаатда бошқарма бошлиғи «охирги вақтларда мадраса вақф мулкида камомат қилган мутаваллилар ишини уезд маъмурияти қозилик судларига топшириш ҳолатлари кузатилмоқда... мутаваллиларни лавозимга тайинлаш ва бўшатиш вилоят бошқармалари кўрсатмаси асосида амалга оширилади... Шундай экан, мантиқан «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг 141-\*, 142- \* ва 143-моддаларига\* асосан мударрис ва мутаваллилар ўз ножўя ҳаракатлари ва жиноятлари учун, 3-инспектор фикрича, халқ судларида эмас, балки умумий асосда (яъни умумимперия қонунларига кўра – М.А.) жавобгарликка тортилиши лозим»<sup>1</sup> деб белгилаб берган.

Мазкур мурожаат хати шусиз ҳам вақф мулкани идора этишда мутаваллиларнинг ўрни катта эканини тушунган империя маъмурларига керакли чораларни кўриш учун тўртки бўлди. Шу боис бироз кечиккан 1895 йилдаги жавоб хатида «...мутаваллилар жамоат иши хизматчилари саналиши керак. Гарчи бу лавозимга улар ҳукумат томонидан тайинланишса-да, давлат хизмати имтиёзларидан фойдаланишмайди. Шунинг учун «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг 141- ва 211-моддаларига\* асосан улар ўз ножўя ҳаракатлари ва жиноятлари учун умумимперия

---

<sup>1</sup> \* 141-моддага кўра, «маҳаллий аҳоли давлат ва жамият олдидagi хизматлари учун умумий асосдаги қонунлар асосида жавобгарликка тортиладилар».

\* 142-моддага кўра, «ножўя ҳаракатлар ва жиноятлар бўйича ишлар 141-моддага оид бўлмаса-да, аммо маҳаллий аҳоли томонидан русларга қарши қаратилган ёки рус аҳоли пунктлари ҳудудида содир этилган бўлса, у ҳолда бу ишлар умумий асосдаги судларда кўриб чиқилади...».

\* 143-моддага кўра, «фуқаролик низолари ҳамда маҳаллий аҳоли ва маҳаллий аҳоли бўлмаган фуқаролар ўртасидаги низоли ишлар умумий қонунлар асосидаги дунёвий судлар ёки вилоят судларига топширилади».

Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 1110-иш, 1-варақ.

\* 211-моддага кўра, «маҳаллий аҳолини суд қилиш қоидалари Туркистон ўлкаси ҳудудига кириб келган қўшни хонликлар фуқароларига ҳам тегишлидир».

қонунларига кўра жавобгарликка тортилиши лозим»<sup>1</sup> дейилади. Ушбу жавоб хатига Туркистон генерал-губернаторининг «Мутавалли ва мударрисларни лавозимга тайинлаш ва бўшатиш тартиби ҳақида»ги 3503-рақамли кўрсатмаси ҳам илова қилиниб, у Туркистон ўқув муассасалари бошқармаси билан бир қаторда барча вилоят ҳарбий губернаторларига амалда қўллаш учун юборилган.

Орадан тўрт йил ўтгач, 1899 йил 22 январда «Туркистон ўлкасидаги вақфларни бошқариш тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди. Унинг 2-бандида «вақфнома васиятига кўра тайинланган ёки сайланган бўлишидан қатъи назар, (таъкид бизники – М.А.) вақф мулкларини бошқарувчи лавозимидаги мутаваллиларни тайинлаш ва четлатиш ҳуқуқи уезд бошлиқларига тегишлидир»<sup>2</sup> деб таъкидланган. Бу билан колониал ҳукумат вакиллари вақфнома асосида мутавалли тайинлашни инкор этиб, бу ишни ўз вазифаси сифатида ҳуқуқий жиҳатдан қонунийлаштиришга уринган. Шунингдек, ҳар эҳтимолга қарши «Туркистон ўлкасидаги вақф мулкларини устидан назорат қилишга оид» Қўлланманинг 3-банди асосида «вақф мулки васият қилинган муассасалар ва мутавалли ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоларни кўриб чиқиш уезд маъмурияти зиммасига кирмайди»<sup>3</sup> деб юзага келиши аниқ бўлган муаммоли вазиятдан қонунан ўзини соқит қилган.

Бир неча йиллик танаффуслар билан қабул қилиниб борилган Низом ва қўлланмалар генерал-губернатор маъмуриятини имкон қадар мутавалли лавозимига ўзининг ишончли одамларини тайинлашга ҳаракат қилгани ва буни қонунийлаштиришга уринганидан далолатдир.

Таъкидлаш ўринлики, мутаваллиларни лавозимга тайинлаш ва четлатиш масаласи умумимперия қонунларининг ҳеч бир бандида кўрсатилмагани ва «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»да бу ҳақда аниқ-равшан кўрсатма бўлмагани Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурлари орасида ҳам ўзаро келишмовчиликларга сабаб бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатларнинг бирида акс этган Самарқанд вилоят бошқармаси ва Тошкент суд палатаси прокурор назора-

<sup>1</sup> ЎзМА. И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 394-йиғмажилд, 45-варақ.

<sup>2</sup> ЎзМА. И-1-жамғарма, 11-рўйхат, 1724-йиғмажилд, 125-варақ.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 125-варақ орқаси.

ти ўртасидаги можарони мисол қилиш мумкин. 1907 йил 27 апрель куни Самарқанд вилоят бошқармасининг умумий йиғилиши қарорига кўра, Хўжанд шаҳридаги Хўжа Потча Калон масжидининг собиқ мутаваллиси Мирза Саид Носир Мирза Туробовга нисбатан «Жиноий ва ахлоқий жазолар ҳақидаги Низом»нинг<sup>4</sup> 354-<sup>\*</sup> ва 356-моддаларида\*\* назарда тутилган ҳолат юзасидан жиноий иш очади<sup>5</sup>.

Мазкур айбловлар Мирза Саид Носир Мирза Туробовга қуйидаги вазифалар асосида қўйилади. Биринчидан, у вақф китобига кириш-чиқим қилиш ишларини ўз вақтида олиб бормасдан, ижарадан келган 72 рублни кириш қилмаган. Иккинчидан, 357 рубль 8 тийиндан иборат бўлган вақф пулини ўз мақсадлари учун ишлатиб юборган.

Вилоят бошқармаси томонидан илгари сурилган айбловларда мутавалли айнан масжидга тегишли бўлган вақф даромадларига хиёнат қилган деб аниқ айтилмаган. Фақатгина ушбу вақф даромадлари Хўжанд уездининг Нау ва Гулякандоз волостларидаги ер майдонлари ҳисобидан келгани таъкидланган. Ўз навбатида, Самарқанд вилоят бошқармасининг 1906 йил 20 январдаги қарорига кўра Хўжа Потча Калон масжидининг вақф ҳуқуқлари белгиланиб, юқоридаги айблов объекти бўлган ер майдонлари масжид тасарруфидан чиқарилиб, қишлоқ жамоаси эгаллигида қолдирилган.

Ушбу ҳолатни ўрганиб чиққан прокурор назорати вакиллари қуйидаги хулоса асосида айбловни инкор этди: «Самарқанд вилоят бошқармаси ўзи тан олганидек, Хўжанд шаҳри ташқарисидан бўлган ерлар Хўжа Потча Калон масжидининг вақфига тегишли бўлмаган. Ва табиий равишда бу мулкни масжид мутаваллиси бошқара олмаган. Бошқарган тақдирда ҳам, бу унинг хизмат вазифасига кирмаган. Ўз навбатида, ушбу бошқарув даврида йўл қўйган камомат юзасидан жавобгарлик даъвосини фақатгина мазкур ер эгаларига

---

<sup>4</sup> Уложения о наказаниях уголовных и исправительных. – Санкт-Петербург, 1886. – С.714.

<sup>\*</sup> Ушбу моддага кўра, мансабдор ёки давлат хизматида бўлган шахслар иқтисодий жиноят содир этишда айбланади.

<sup>\*\*</sup> Ушбу моддага асосан, қонуний асосга эга бўлмаган сабабларга кўра хизмат юзасидан ишониб топширилган пул маблағлари ёки ашёларни ўз вақтида белгиланган жойга жўнатишни кечиктириш ёки уларни кириш қилиш ишларини амалга оширмаликда айбланади (мазкур модда татбиқ этилаётган айбланувчи давлат ёки жамоат хизматида бўлиши лозим).

<sup>5</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 1651-иш.

амалга ошириши мумкин. Ернинг асл эгаси эса, бу вилоят бошқармаси ўзи тан олганидек, қишлоқ жамоаси саналади. Жиноий иш очилишига Хўжанд шаҳри ташқарисиди бўлган ерларнинг кирим-чиқим дафтарлари сабаб бўлгани боис прокурор назорати Туробовга (Хўжа Потча Калон масжиди мутаваллиси – М.А.) нисбатан очилган жиноий ишни тўхтатиш хулосасига келди»<sup>1</sup>.

Тошкент суд палатаси прокурор назоратининг хулосасидан Самарқанд вилоят бошқармаси кескин норози бўлган ҳолда ўз эътирозларини билдирди. Унга кўра, «Хўжанд ташқарисидидаги ерлар Хўжа Потча Калон масжидининг вақфига тегишли бўлиб, вилоят бошқармаси масжидни бу ерлардан маҳрум қилмаган. Балки давлат ер солиқларидан озод бўлиш ҳуқуқини тан олмаган, холос. Ва ер участкаларини ўрганиш даврида Ер-солиқ комиссияси ер эгаларини топмагани учун мазкур ерларнинг эгаси сифатида қишлоқ жамоаси сифатида тан олган. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкин-ки, Хўжа Потча Калон масжиди ўз ерларидан (Хўжанд ташқарисидидаги ерлар – М.А.) маҳрум бўлмаган. Шу билан бирга, Туркистон генерал-губернаторининг 2/3 ноябрь 1903 йилдаги 11116-сонли фармойишига кўра, мутаваллилари ишга тайинлаш ва бўшатиш вазифаси вилоят бошқармаларига юклатилган. Бунда «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг 267- моддасидидаги\* талабига кўра вақф ҳуқуқи (масжид ва мадрасаларнинг – М.А.) ўрганилган ёки йўқлиги аҳамиятсиз. Шу сабабли бошқарма мутаваллилари мансабдор шахс деб ҳисоблайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб вилоят бошқармасининг умумий йиғилиши қўйидаги ажримга келди: назарда тутилган тергов жараёни ва ушбу журнал нусхаси (бошқарма йиғилиши қайд этилган журнал – М.А.) «Жиноят бўйича суд ишлаб чиқариш тўғрисидаги Низом»нинг 1486- моддасига\* мувофиқ ўлка Бош бошлиғига (Туркистон генерал-губернаторига – М.А.) кўриб чиқиш учун тақдим этади»<sup>2</sup>. Самарқанд вилоят бошқармасининг ушбу ажрим хати ва «Жиноят бўйича суд ишлаб чиқариш тўғрисидаги Низом» –

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 1651-иш, 2-варақ.

\* «Вақф ҳужжатларни тасдиқлаш, вақфларни бошқаришни ташкил этиш, вақф даромадларининг тўғри ишлатилишини назорат қилиш ва текшириш ҳуқуқи вилоят бошқармаларига тегишли» эканлиги қайд этилган.

<sup>2</sup> \* «Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисув, Каспийорти, Акмолинск ва Семипалатинск вилоятларида айбдор мансабдор шахсларни судга топшириш бўйича вилоят бошқармаларининг қабул қилган ажрим ва қарорлари прокурор хулосалари билан мувофиқ келмаса, масалани ҳал қилиш учун тегишли генерал-губернаторларга тақдим этилади. Улар, ўз навбатида, прокурор хулосасидан норози бўлса, Ҳукумат Сенатининг биринчи департаментига охриги ҳал қилув қарорини чиқариш учун тақдим этади» дейилган.

Ўзбекистон Миллий архиви. И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 1651-иш, 2 – 3-варақлар.

нинг 1093- моддасига\* асосан Туркистон генерал-губернатори 1912 йил 17 апрелда 5557-сонли маълумотномасини Ҳукумат Сенатининг биринчи департаментига охириги ҳал қилув қарорини чиқариш учун тақдим этди.

Ҳукумат Сенати ўз хулосасида умумимперия қонунлари ва «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»да мутавалли лавозими ҳақида кўрсатмаларнинг йўқлиги, мутаваллининг ҳуқуқ ва вазифалари қонун билан эмас, шариат асосида тартибга солинишини инобатга олиб Тошкент суд палатаси прокурор назорати таклифи қанотлантирилганини билдирди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурлари расман ислом дини ва мусулмон мактабларига нисбатан инкор қилиш сиёсати ҳақида таъкидлаб келишган бўлса-да, амалда доим фаол аралashiш йўлини тутганлар. Шу жумладан, вилоят бошқармалари амалдорлари ҳам ўз манфаатларига тўғри келмаган мударрис ва мутаваллиларни турли уйдирма сабаблар ила ишдан четлатишга ва ўз мақсадларига бўйсундиришга ҳаракат қилган. Бироқ айрим ҳолатларда туҳмат ёки рост айбловлар умумимперия қонунларига зид бўлгани сабабли прокурор назорати томонидан инкор қилинган. Бу, ўз навбатида, Туркистон генерал-губернаторлиги амалдорлари ўртасида турли низоларни келтириб чиқарган.

О. Пуговкина

## САМАРКАНДСКИЙ ГУБЕРНАТОР Н.С. ЛЫКОШИН (1914 – 1916)

*...Служил я в Туркестане почти всё время по военно-народному управлению и, последовательно, прошел все должности в администрации.*

*...Я всегда старался добросовестно исполнять свои обязанности службы, но досуги были мои: ими я пользовался для изучения местных наречий и быта туземного населения, в чем и специализировался, насколько это представилось возможным.*

(Из жизнеописания Н.С. Лыкошина)

Нил Сергеевич Лыкошин – фигура знаковая в истории Туркестанского края. Его жизненный путь позволяет современным исследователям истории Туркестанского края составить «порт-

рет» военного администратора края, военную элиту – это яркий образец того, как можно было здесь, на окраине колонии Российской империи совмещать науку и политику, изучать местные языки, традиции, культуру, оставив добрую память о себе.

Н.С. Лыкошин родился в Псковской губернии, в семье потомственных дворян. Его отец рано ушел из жизни, оставив свою жену – Софию Ивановну с тремя маленькими детьми. София Ивановна, в девичестве Семевская, была родной сестрой известных российских историков Семевских – Михаила Ивановича (русского историка, издателя исторического журнала «Русская старина») и Василия Ивановича (русского историка, профессора, видного представителя народнического направления русской историографии). На наш взгляд, именно эти два человека сыграли значительную роль в судьбе не только Нила Сергеевича Лыкошина, но и его брата – Александра Сергеевича<sup>1</sup>. Они не только поспособствовали получению образования племянниками, но и сыграли знаковую роль в формировании мировоззрения молодых людей.

Так, Нил Лыкошин был «выписан» в Петербург и устроен на полный пансион во Вторую Санкт-Петербургскую военную гимназию:

*Пришло время учения. Михаил Иванович Семевский написал сестре, чтобы она прислала Нилушку в Петербург, где он хотел устроить его учиться. Мать сшила ему новую рубашку, привела его на вокзал и посадила в вагон третьего класса. Он был так испуган массой народа, что сейчас же забился под скамейку и ехал под ней до самого Петербурга<sup>2</sup>.*

По словам дочери, о гимназии он добрым словом вспоминал лишь педагогов, «но о жизни, тепле человеческом не упоминал»<sup>3</sup>.

По окончании гимназии и Первого Павловского военного училища перед 20-летним Нилом Лыкошиным встает вопрос – А что же дальше? Для нас очень важен именно этот момент – момент выбора. Как принималось им решение о выборе месте службы Туркестанский край.

---

<sup>1</sup> Эту же гимназию окончил и родной брат Н.С. Лыкошина – Александр Сергеевич Лыкошин, «ставший впоследствии профессором Военно-юридической Академии» (Воспоминания С.Н. Лыкошиной. НА Уз. Р- 2773, там же.).

<sup>2</sup> НА Уз. Р-2773, оп.1, д. 1172, л. 49.

<sup>3</sup> Там же.



Для таких как Лыкошин, обедневших дворян, путь, конечно, был один – колониальные окраины. И в этом отношении Туркестан был идеальным местом службы: здесь была возможность сделать карьеру, добиться финансового благополучия. Здесь шел активный процесс укрепления новой власти, была необходимость в русских подданных.

Американский журналист А. Мак-Гахан метко описал ситуацию того времени: «...Туркестан в новейшее время играет роль прежнего Кавказа, представляя готовое убежище для тех, кто растратил свое состояние, но еще не лишился последней надежды..., о будущем никто из них не заботится, порешив пользоваться лишь настоящим, все ведут ту же бродяжническую жизнь»<sup>1</sup>.

Однако жизненный путь Н.С. Лыкошина и многих других, близких ему по духу «туркестанцам», показал, что Туркестан был для них и нечто другим. Если спросить, что был Туркестанский край для Н.С. Лыкошина, ответ может быть только один – Всем! Здесь сложилась его военная карьера, он увлекся изучением языков и культуры, здесь он состоялся как ученый (как называл его Б.В. Лунин – автодидакт), и здесь он нашел свою супругу, родились его дочери<sup>2\*</sup>. 40 лет Н.С. Лыкошин был неразрывно связан с Туркестаном.

Из воспоминаний дочери:

*К выходу в офицеры возник вопрос, как быть. Товарищи отца выходили в привилегированные военные части, но у них были деньги. У отца же ничего не было. Он узнал, что идет набор артиллеристов в Среднюю Азию и решил ехать в Ташкент.*

Оговоримся сразу, что в военных действиях в крае он участия не принимал. Анализ карьерного роста Нила Сергеевича Лыкошина позволяет говорить о том, что судьба была к нему благосклонна. Он прошел путь от подпоручика в 1880 г. до гене-

---

<sup>1</sup> Мак-Гахан А. Военные действия на Оксусе и падение Хивы. – М., 1875. – С.217.

<sup>2\*</sup> Супруга – Елена Андреевна Александрова окончила женскую гимназию. На момент замужества ей было 19 лет. Она была дочерью простого контаниста (в материалах архива мы находим данные, что она была дочерью надворного советника). Брак был невозможен в силу неравного положения супругов, так как девушка не была дворянского рода. С другой стороны, у Н.С. Лыкошина не было денег для «реверса» с целью обеспечения семьи в количестве 5000 руб. Но все сложилось благополучно благодаря добрым людям. В частности, Софья Ниловна упоминает Девеля, который нашел искомую сумму и еще долгие годы поддерживал Лыкошина. «Девель был виновником этого брака и счастья нашей семьи».

рал-майора в 1913 г., и, конечно, апогеем его карьеры стала должность военного губернатора Самаркандской области.

Из материалов личного дела<sup>1</sup>:

В 1880 г. переведен во Вторую Туркестанскую артиллерийскую бригаду.

1882 г. – прикомандирован для несения службы в I батальон Первой туркестанской бригады.

1883 г. – поручик.

1888 г. – за отличие по службе переведен в штабс капитаны.

1889 г. – командирован на службу по административно-полицейскому управлению краем.

1889 г. – Уратюбинский участковый пристав.

1890 г. – и.д. помощника начальника Ташкента.

1893 г. – заведующий Временной Азиатской частью Ташкента.

1895 г. – полицмейстер туземной части Ташкента.

1897 г. – помощник начальника Чимкентского уезда.

1902 г. – и.д. Комиссара временной поземельной податной комиссии Самаркандской области, произведен в подполковники.

1906 г. – Ходженский уездный начальник.

1907 г. – возвращен в Ташкент для участия в комиссии по приему имени великого князя в Голодной степи.

1909 г. – назначен почетным блюстителем Ходженских училищ, приходских и русско-туземных школ.

1912 г. – начальник Амударьинского отдела, к 1913 г. произведен в генерал-майора.

1914 г. – военный губернатор Самаркандской области, уволен со службы от 16 февраля 1917 г.<sup>2</sup>

Говоря о его военной карьере, стоит сказать о том, что она состоялась только потому, что Н. Лыкошин был исполнительным, старательным в своей служебной деятельности. Он именно так, а не иначе, понимал свой гражданский долг перед отечеством – Российской империей на этой азиатской окраине. В этой связи весьма уместна характеристика, данная ему отечественным историографом Б.В. Луниным<sup>3</sup>. Весьма примечательно, что Б.В. Лунин этой своей характеристикой, по нашему

<sup>1</sup> НА Уз, оп. 33, д. 308, л. 187.

<sup>2</sup> НА Уз, ф.И-1, оп. 36, д. 308, л. 187 – 199.

<sup>3</sup> \* В данной статье мы не ставили целью дать морально-нравственные оценки поступкам, действиям, принятым решениям Н.С. Лыкошина на занимаемых им высших должностях.

мнению, старался обелить и оправдать действия Лыкошина. С позиций поставленной нами проблемы она звучит сегодня как нельзя актуально, позволяя разобраться в путях продвижения к вершинам власти в Туркестанском крае: «Лыкошин – фигура социально противоречивая, сложная. Энтузиазм, с которым он трудился на поприще туркестановедения, и его несомненные заслуги перед наукой не устраняют того факта, что в его лице мы имели одного из представителей военно-колониальной администрации. Сын крестьянина<sup>1</sup>, он, можно сказать, поднялся к «верхам» этой администрации с «низов» служебной лестницы: от рядового чиновника до начальника Амударьинского отдела, а впоследствии до военного губернатора Самаркандской области. Отличное знание жизни и быта коренного населения Туркестана сочеталось у Лыкошина с либеральным, в какой-то мере уважительным к нему отношением, что, однако не дает, разумеется, повода как-либо идеализировать оценку его деятельности в качестве видного колониального администратора, исполнительного «служаки», представителя чуждого народным массам высшего военного чиновничества. И, естественно, что хотел того сам Лыкошин или не хотел, само высокое служебное положение зачастую обязывало его к действиям в угоду интересам царизма и правящих классов России, как это имело место, например, в дни восстания 1916 года. Правда и здесь Лыкошин проявил себя в качестве сторонника более или менее осторожных и относительно умеренных действий властей, что косвенно и повлекло за собой его последующее освобождение от обязанностей военного губернатора. То субъективно честное и привлекательное, что было в его личности, не устраняет осуждения его деятельности в качестве представителя военно-колониальной администрации Туркестана, плоть от плоти которой он являлся»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Н. Лыкошин никогда не писал, что он выходец из крестьян. Это интересный факт, который решил привести Б.В. Лунин. Трудно понять, зачем необходимо было причислять Лыкошина к крестьянам, ведь к моменту написания своей книги Лунин имел плотную переписку с дочерьми Лыкошина, а также имел на руках Воспоминания дочери Лыкошина – С.Н. Лыкошиной, где она подробно описала всю историю жизни Лыкошина. Об этом позволяет говорить имеющаяся в личном фонде Лунина переписка.

<sup>2</sup> Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Ташкент: Наука, 1965. С. 207

История края показывает, что не всякий колониальный чиновник, прибывший сюда, смог оставить о себе добрую славу<sup>1</sup>. Для Лыкошина это стало возможно потому, что по приезду он начинает изучать местные языки.

На первых порах ему помогал изучать язык специально приглашенный мулла. Но уже позже он постигал азы языка самостоятельно.

К слову отметим, что Н.С. Лыкошин, один из немногих чинов администрации Туркестана, получал повышенную заработную плату только потому, что владел местными языками. Туркестанская колониальная администрация всеми силами поощряла изучение местных языков, но лишь единицы из российских чиновников края могли общаться с местным населением на родном языке.

Вряд ли человек, у которого так успешно складывалась карьера на этой среднеазиатской окраине, стал растрачивать бы себя на изучение местных языков, перевод восточных рукописей и ряд других, казалось бы, ненужных дел. Возникает вопрос, а почему ему это было интересно?

Необычайная трудоспособность Н.С.Лыкошина поражала многих его современников и на их вопросы, как ему удается все, он неизменно отвечал: «Когда мои товарищи играли в карты и пили, я учился и писал»<sup>2</sup>. И естественно, его энергичность и усердие не оставались без внимания администрации края.

Из воспоминаний дочери:

*В старом городе началась холера. Возникли беспорядки (1892 год – О.П.). Видимо как знающего языки и умевшего уладить все неприятности, назначили туда отца<sup>3</sup>.*

---

<sup>1</sup> В начале 2000-х годов одна из моих статей была опубликована на сайте «Мой Ташкент». Поступали различные комментарии, но один особо привлек мое внимание. Писали из Ходжента:

Rafoat:

16/12/2008 в 11:20

Оксана, здравствуйте!

Я также интересуюсь деятельностью Н. Лыкошина. Прочитав однажды про него я просто в восхищении от того, сколько он сделал для народа Туркестанского края, в частности для Ходжентского уезда. Деревья, высаженные в парке по его инициативе, являются излюбленным местом ходжентцев. А библиотека, начало которой было положено им, до сих пор служит населению. Это был удивительный человек, влюбленный в Туркестан, об этом свидетельствует вся его деятельность.[...]

С уважением, Рафоат Алиева // <http://mytashkent.uz/2007/11/06/plan-spetskursa-istoriya-turkeстана/#comments>

<sup>2</sup> Труды САГУ. – Ташкент, 1957. №IV. – С.9.

<sup>3</sup> НА Уз, Р-2773, оп.1, д. 1172, л. 53.

Как показывает послужной список Н.С. Лыкошина, он долго не засиживался на одном месте. Шла постоянная ротация с одного места на другое.

Апогеем карьеры Н.С. Лыкошина в Туркестане стала должность военного губернатора Самаркандской области, которую он занял 22 апреля 1914 г.

На должность было два кандидата – Лыкошин и Нечаев, которого продвигал Санкт-Петербург. Окончательное решение по данному вопросу должен был принять генерал-губернатор Туркестана – А.В. Самсонов (еще один немаловажный момент – настолько свободным в своих прерогативах мог быть глава Туркестанского края!). Сделав свой выбор в пользу Н. Лыкошина, А.В. Самсонов писал, что «по своим служебным и нравственным качествам он, безусловно, заслуживает этого, нежели человек со стороны»<sup>1</sup>. После избрания Н. Лыкошина военным губернатором пошли разговоры о том, что «это – плебей, а прежде во главе Самаркандской области стояли очень значительные люди»<sup>2</sup>.

*Как вспоминает дочь Н. Лыкошина, когда-то в Самарканде одна дама Досужкова говорила, что папа - плебей и водится с разными мелкими людьми, а вот прошлые губернаторы имеют знакомства только с прокурорами и председателем суда, больше никто не был вхож в их дом.*

На долю Н. Лыкошина на посту военного губернатора пришлось военные годы первой мировой войны. Учитывая всю сложность ситуации: и экономический кризис, и возрастающее недовольство народа рекрутированием на тыловые работы, Н.С. Лыкошин проводил либеральную губернскую политику, по возможности, стремясь нанести меньше урона как области, так и ее жителям. В эти годы были отмечены два события, которые поставили крест на дальнейшей судьбе Н.С. Лыкошина, как военного губернатора: Джизакские события 1916 г. и «обвинение в сахарных спекуляциях».

Из воспоминаний дочери:

*Война развертывалась. Начали набирать людей на тыловые работы. Отец написал Куропаткину большую докладную записку, почему этого нельзя делать в Азии. Но, конечно, никто на это не обратил внимание. Вспыхнуло Джизакское восстание. Куропаткин отставил отца и послал Иванова, который жестоко расправился с жителями....*

---

<sup>1</sup> НА Уз, И-17, оп. 28, д. 1473, л.3.

<sup>2</sup> Труды САГУ. 1957. №4. – С. 9.

*В первый день после восстания отец, вызванный Куропаткиным, оставался в Джизаке и беседовал с жителями...*

*Скоро отец был вызван Куропаткиным в Ташкент и там подал в отставку.*

5 января 1917 г. Н.С. Лыкошин приезжает в Ташкент. Здесь ему было предъявлено обвинение в сахарных спекуляциях. Материалы дела позволяют говорить о том, что Н.С. Лыкошин своей властью понизил цены на сахар на базарах, чтобы он стал доступен. Он предстал не только в качестве «обвиняемого, но и обвиненного». Газеты пестрели заметками о предании его суду. По мнению самого Лыкошина, в отношении него дело было сфабриковано и об этом он написал Куропаткину:

«Люди, ведшие моё дело, – Радзевский и Ерофеев сгустили краски... Вместе с тем сахарное дело не пошло лучше. Сахара много, но туземное население как его не получало, так и не получает»<sup>1</sup>.

В Самаркандскую область планировался приезд прокурора судебной палаты А.И. Адамова, с именем которого Нил Сергеевич связывал положительное разрешение своего дела.

Имперская власть должна была и беспокоилась о своем авторитете и престиже и вполне объяснимо, что с Лыкошиным было решено распрощаться. Тем более ситуация складывалась явно не в пользу не только самого Лыкошина, но и всей имперской власти в Туркестане: народные волнения, продолжающаяся война, накал революционной борьбы. Вполне вероятно, коль скоро это дело получило широкую огласку и было связано со столь высокой персоной, как военный губернатор области, имперская власть посчитала лучшим для своего авторитета и престижа убрать главу области. А.Н. Куропаткин предложил Н.С. Лыкошину выбрать что-то одно: либо отставку, либо отчисление от должности.

В определенной степени пролить свет на его отставку позволяет письмо, написанное Н.С. Лыкошиным на имя генерал-губернатора Туркестана – А.Н. Куропаткина, принявшего окончательное решение по данному вопросу<sup>2</sup>.

Н. Лыкошин писал:

«Вы (Куропаткин – О.П.) сказали мне, что считаете мою репутацию безупречной, просили не беспокоиться за свое буду-

---

<sup>1</sup> НА Уз, И-1, оп. 29, д. 1473, л. 83.

<sup>2</sup> НА Уз, И-1, оп. 28, д. 1473, л. 83 – 86.

щее, т.к. Вы будете мне поддержкой в каждом хорошем деле... От Вас я видел только самое предупредительное внимание, посторонние замечали, как Вы хорошо ко мне относитесь, да может быть и завидовали некоторые, на которых Вы почему-то обращали меньше внимания, ведь служащие так ревнивы к вниманию начальства»<sup>1</sup>.

Примечательно в этой связи последние строки письма, где он просит А.Н. Куропаткина разобраться в его деле: «Я мог бы еще принести немало пользы родному краю...я уверен, что моя деятельность в крае заслуживает того, чтобы к моей личности отнеслись внимательно, хотя бы для поддержания общего престижа власти в крае»<sup>2</sup>.

7 января 1917 г. Н.С. Лыкошин был уволен с должности по болезни. Ему было 57 лет. К закату своей стремительной карьеры он не имел ничего: ни большого состояния, ни недвижимости, ничего, кроме расстроенного здоровья. В разъездах по краю он приобрел трахому глаз и стремительно терял зрение. После отставки семья Лыкошиных переезжает из Самарканда в Ташкент. Приближался октябрь 1917 г. Теперь начиналась другая глава его жизни.



*Нил Сергеевич Лыкошин в кругу семьи в бытность военным губернатором Самаркандской области*

<sup>1</sup> Там же, л. 83 об.

<sup>2</sup> Там же, л. 86.

## XX АСРДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ САҚЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ МУАММОЛАРИ

Маданий мерос объектлари орасида монументал меъморий ёдгорликлар алоҳида ўринга эгадир. Зеро, архитектура цивилизация ва урбанизация жараёни ривожининг даражасини белгиловчи бош омиллардан бири ҳисобланади. Марказий Осиё ҳудудида кечган турли тарихий жараёнлар, табиий-иқлим шароитлари ва инсон фаолиятининг таъсири натижасида XX аср охирига келиб ислом динигача бўлган бой меъморий мерос ҳамда ўрта асрлар даврининг кўплаб қадимий меъморий иншоотлари, афсуски, ҳозирги кунда қолдиқ, хароба кўринишидагина сақланиб қолган. Ўзбекистонда сақланиб қолган архитектура ёдгорликлари ислом маданиятига оид бўлиб, мазмунан асосан ибодат билан боғлиқ, маъмурий, жамоат, ишлаб чиқариш бинолари ҳамда аҳоли уй-жойлари билан ифодаланган.

Жорий архив манбаларининг далолат беришича, Ўзбекистон, шу жумладан, Зарафшон воҳаси ҳудудида мавжуд қадимги меъморчилик ёдгорликларининг аксарият қисми давлат муҳофазасига олинган<sup>1</sup>.

Маълумки, сақланиб қолган меъморий ёдгорликларнинг барчаси ўз даври меъморчилик ютуқлари ва илғор технологиялари асосида бунёд этилган. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганидек, вақт ўтиши билан табиий-иқлим муҳити, ташқи таъсирлар ёдгорликнинг жисмоний (моддий) эскиришига олиб келади. Булар натижасида ёдгорликларнинг нураш жараёни доимий равишда кечади, уларни сақлаб қолиш вазифаси уларнинг техник ҳолатини мунтазам назорат қилишни ва консервация-таъмирлаш ишларининг илмий асосланган усулларида фойдаланишни талаб этади.

Манбаларнинг далолат беришича, совет даври охирига келиб кўпгина ёдгорликлар ҳолати қоникарсиз ёки яроқсиз тарзда бўлган, мустақилликнинг дастлабки йилларида эса иқтисодий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси жорий архиви (Бундан кейин УМСИВ ММОМҚФИИЧББ ЖА). Ўзбекистон масжидлари ҳақида маълумотнома.



муаммолар ҳамда табиий-иқлим шароитининг салбий таъсири таъмирлаш-тиклаш ва реставрация-консервация тадбирлари ўтказишни ҳамма жойда қийинлаштирди.

Ушбу хулосани архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, 1990 йиллар бошига келиб, Самарқанд шаҳридаги Тиллакори мадрасасининг асослари, ерости ва ерусти таянч конструкцияларининг техник ҳолати ҳақидаги дастлабки хулосага кўра, бино яроқсиз ҳолатда бўлган<sup>1</sup>. Таянч конструкцияларнинг бузилиши ва деформацияси бино мавжуд бўлган бутун муддат (500 йил) мобайнида, асосан, турли даражадаги зилзилалар, шунингдек, пойдеворининг чўкиши оқибатида юз берган. Тартибсиз (комплекс эмаслиги) равишда амалга оширилган таъмирлаш ишлари туфайли иншоотнинг айрим таркибий қисмлари аста-секин яроқсиз ҳолатга келиб қолган<sup>2</sup>. Мадраса бузилишига бино асосидаги тупроққа меъёр миқдоридан ортиқ юк тушиши, тупроқ чўкишининг нотекислиги, юза қатламдаги сув (атмосфера ёгингарчилиги ва маиший сувлар) натижасида намнинг кўпайиши туфайли ер сатҳи нотекис чўкиши асосий сабаб бўлган<sup>3</sup>. Юқорида айтилган сабаблар Улуғбек мадрасасига ҳам таъсир кўрсатган. Масалан, 1990 йиллар ўрталарида унинг конструкциясида ва полида, яъни ер сатҳи майдонида 40 – 45 мм кенгликдаги ёриқ пайдо бўлди<sup>4</sup>.

Инсоннинг жадал фаолияти ва табиий ўзгариш (катаклизм) лар натижасида 1990 йиллар бошида Шоҳи Зинда меъморий мажмуаси оғир аҳволга тушиб қолган. Ичкарида ҳам, ташқарида ҳам ҳудуднинг нотекислиги, жарликлар мавжудлиги (кучли маданий қатлам 12 метргача етади) ҳамда атмосфера ёгинлари ўз вақтида чиқиб кетмаслиги натижасида деворлари ювилишига, бу нарса аста-секин кўпайиб боришига олиб келган. Бунга сув қувурлари тармоғининг тизимсиз жойлаштирилиши, сувнинг ариқлар ва чуқурларга қуйилиши ҳам таъсир кўрсат-

<sup>1</sup> ЎМСИВ ММОМҚФИИЧББ ЖА. Предварительное заключение о техническом состоянии оснований, подземных и наземных несущих конструкций медресе Тилля Кари в г. Самарканде. 1995 г.

<sup>2</sup> Ўша жойда. Протокол заседания комиссии по устранению аварийного состояния северозападного участка медресе Тилля Кари г. Самарканде. 17 марта 1993 г. – С.10 – 14; Ўша жойда. Предварительное заключение о техническом состоянии оснований, подземных и наземных несущих конструкций медресе Тилля Кари в г. Самарканде. 1995 г.

<sup>3</sup> Ўша жойда. Протокол заседания комиссии по устранению аварийного состояния северозападного участка медресе Тилля Кари г. Самарканде. 17 марта 1993 г. – С.10 – 14.

<sup>4</sup> Ўша жойда. «Улуғбек мадрасаси» маданий мерос объекти кадастр иши. – Самарқанд, 2010. – Б.8 – 10.

ган. Бу нарса тупроқ эрозиясига олиб келиб, унинг ювилишига сабаб бўлган. Бунинг оқибатида ансамбль ёдгорликларига сўнгги 200 йил мобайнида Марказий Осиё ҳудудида юз берган кучли зилзилалар қаттиқ таъсир кўрсатишига олиб келган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, қиш вақтида қўплаб атмосфера ёгинлари бўлиши, ниҳоятда иссиқ ҳаво ҳам ёдгорликларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатган. Кескин континентал иқлим, кучли совуқ ва қаттиқ иссиқнинг алмашиб туриши ҳам меъморий нақшларнинг эрозияси ва қатламларининг аста-секин ажралишига, нақшлар, бадий ёзувларнинг шикастланишига, ғиштларни бирлаштириб турган қоришмалар, айниқса, бино томи қисми емирилишига олиб келган.

Ёдгорликларнинг техник ҳолатига таъсир этувчи салбий омилларга сўнгги ярим аср мобайнида ёдгорликлар тақдирига етарлича эътибор йўқлиги ва инсоннинг салбий таъсирини ҳам киритиш мумкин. Ёдгорликларни сақлаш идоралари тақиқлашига қарамай, совет ҳукмронлиги даврида мақбаралар деворларига тақалган ҳолда қабрлар қазилган. Бу эса тупроқ сатҳининг кўтарилиши ва ёдгорликлар деворларининг аста-секин намланишига олиб келган<sup>2</sup>.

Айниқса, ноқулай табиий-иқлим шароити билан ажралиб турадиган Бухоро шаҳридаги икки юздан ортиқ йирик тарихий обидаларнинг ҳолати Самарқанд, Қўқон каби шаҳарларнинг тарихий ёдгорликларига нисбатан тез емирилиб бораётганини алоҳида қайд этиш мумкин. Шўрланган ерости сувлари ер бетига жуда яқин жойлашгани, очиқ, ёпиқ ва бўйлама (қудуқ) зовурлар қазилганига қарамай, шўрланиш, ботқоқланиш каби офатлардан Бухоро замини ҳалигача холи бўлган эмас. Бундан ташқари, ушбу юрт учун хос бўлган чўл иқлимининг ўта қуёшли, қуруқ бўлиши, чангли ҳавоси обидалар учун заволдир. Атмосфера ёгинлари йил давомида кам бўлса-да (125 – 143 мм), кимёвий таркиби йилдан-йилга ёмонлашиб бораётгани обидалар емирилишини тезлаштирган<sup>3</sup>. Бунинг устига, содир бўлган кучли зилзилалар (1966, 1984) обидалар мустаҳкамлигига катта путур етказган.

<sup>1</sup> Ўша жойда. «Шоҳи Зинда» мажмуасидаги кириш биноси маданий мерос объекти кадастр иши. – Самарқанд, 2011. – Б.4 – 5.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б.11.

<sup>3</sup> Назаров И.К., Ҳайитов Ш.А. Бухоройи шариф: тарихий обидалар ва экологик омиллар // «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка». Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18 – 20 октябрь. Бухоро-Хива. – Тошкент, 1997. – Б.154.

Бухоро шаҳрида табиий-иқлим ва антропоген омилларнинг таъсири Нодир девонбеги мадрасасида, Болоҳовуз масжидида, Исмоил Сомоний, Чор минор мақбаралари каби ёдгорликларда кузатилган.

Табиий-иқлим шароити таъсирида Хўжа Калон масжиди Дарвозахонасининг гумбази қулаб тушган. Шунингдек, антропологик таъсир, яъни совет даврида омборхона сифатида фойдаланилиши дарвозахонанинг техник ҳолатига салбий таъсир қилган<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилган мисоллар ёдгорликлар конструкцияси турли объектив сабабларга кўра бузилганини кўрсатиб, асл қиёфасини тиклашда мутахассислар томонидан комплекс фанлар натижаларига таяниб ҳар бир таркибий қисм учун алоҳида ёндашув талаб этилишини англатади. Барча ёдгорликларни бирлаштирувчи умумий жиҳат – конструкциялар кўтариш қобилиятининг тикланганлиги ва ёдгорликларнинг сақланиб қолганлигини ҳисобга олиш юқори сейсмик зонада жойлашган Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Монументал меъморий ёдгорликларнинг техник ҳолатига салбий таъсир этувчи асосий сабабларнинг ўрганилиши меъморий ёдгорликларнинг жисмоний ҳолати билан боғлиқ носозликлар Ўзбекистонда сақланиб қолган обидаларнинг барчасига тааллуқли эканини кўрсатди. Шунинг учун мустақиллик йилларига келиб соҳа мутахассислари ёдгорликлар жисмоний ҳолатини янгилашга қаратилган кичик техник масалалардан бошлаб юқори савиядаги муҳандислик тадбирлари, юксак меъморий билим натижалари ва шаҳарсозликнинг комплекс жумбоқларини ҳал этиш муаммолари ечимини топиши зарур эди. Айниқса, таъмирчиликда танланган усул муҳим рол ўйнашини мутахассислар алоҳида таъкидлашади<sup>2</sup>.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мустақиллик йилларида таъмирчилик назарияси ва фанида қабул қилинган шартлар асосида Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларга ёки монументал меъморий ёдгорликларнинг батамом бузилишига йўл қўймаслик учун конструкцияларнинг техник ҳолатини мунтазам назорат қилиш, профилактика тарзида реставрация ва консервация ишларини бажариш йўлга қўйилди.

---

<sup>1</sup> Муҳамедова М. Бухоро тарихий ёдгорликларини таъмирлаш, сақлаш ва замонавий музейлаштириш муаммолари // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. 2012. №2. – Б.29.

<sup>2</sup> Қаранг: Архитектура yodgorliklarini ta'mirlash. – Toshkent, 2009. – В.100 – 110.

Республикамиз мутахассисларининг фикрича, замонавий жаҳон таъмирчилик илмида қўлланилаётган таъмир турлари бизда ҳам қўлланмоқда.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, кўпгина ҳолларда қабул қилинган қарор, бошқача қилиб айтганда, таъмир усули мутлақо эътирозсиз бўлмайди. Аммо у кўпчилик мутахассислар томонидан тан олинган бўлиши, меъморий ёдгорликнинг жисмоний ва бадиий жиҳатларини баркамоллаштиришга хизмат қилиши даркор. Шунинг учун меъморий ёдгорликнинг тикланиши лозим бўлган қисмини қай даражада тикланишини аниқлаш замонавий таъмирчиликнинг ниҳоятда мушкул масаласи бўлиб, «тарихийлик ва ҳақиқийлик» концепциялари талаблари билан боғлиқдир. Замонавий меъморий таъмирчилик назарияси ва амалиётида ушбу концепцияларнинг ечимини қай тарзда амалга оширишга қаратилган қуйидаги усулларни қўллаш мумкин: ўз ҳолича сақлаш; ёдгорликни вайрона ҳолича консервациялаб сақлаш; эътирозга олиб келмайдиган таклифлар асосида конструктив ва бадиий қисмларини қисман тиклаш; ёдгорликни тўлалигича тиклаб, асл кўринишига олиб келиш<sup>1</sup>.

Таъмирчиликнинг яна бир нозик жиҳати қурилиш материали ва технологиясини танлаш масаласи ҳисобланади. Кўпгина мутахассислар меъморий ёдгорликни таъмирлашда анъанавий, ўша ёдгорликда қўлланилган қурилиш ашёлари ва технологиясини қўллаш лозим деб ҳисобласа, иккинчи гуруҳ вакиллари зарур ҳолатда янги қурилиш ашёси ёки бино қурилмаси қўлланишини таклиф этишади.

Аммо собиқ Иттифоқ даврининг инқилобий ўзгаришлари ҳамда халқлар маданиятини нивелирлаш (XX асрнинг 20- йилларидан бошланган) амалиёти узвий ривожланиб келган таъ-

---

<sup>1</sup> Биринчи усул ёдгорлик қай ҳолатда етиб келган бўлса, ўша шаклда сақлаб қолишни назарда тутаяди, унинг тарафдорларига нисбатан ўзига хос «таъмирсиз таъмирчилар» иборасини қўлласа бўлади. Иккинчи усул ёдгорликнинг бузилган қисмини тиклашга етарли далил-исботлар асосида тиклаш ҳисобланади. Бу усул тарафдорлари фанда «тарихий ҳақиқатчилар» деб номланиб, улар ёдгорликнинг вайрона қисмини эътирозсиз таъмир қилишни ёқлайдилар. Учинчи усул ёдгорликни тўла тиклаш, ҳаттоки вайрона ҳолатидаги обидаларни ҳам янгилашга хизмат қиладиган усул ҳисобланади. Кўпинча бу ғоя тарафдорлари шу соҳа мутахассиси бўлмаган одамлардан иборат бўлади. Тўртинчи усул иморатнинг конструктив ва бадиий хусусиятларига зиён етказмай, аксинча, уни тўлақонли кўрсата олиш демакдир. Бу йўналиш тарафдорлари ҳар бир ёдгорликка алоҳида ёндашув асосида заруратга қараб меъморий ёдгорликни ўз ҳолича сақлаш, талаб этилганда унинг баъзи қисмларини тиклаш, каттагина қисмида қайта қуришни ёқлайдилар. Манба: Arxitektura yodgorliklarini ta'mirlash. – Toshkent, 2009. – B.76 – 78.

лим жараёни янгича, европача тартиб билан алмаштирилди. Натижада Уста Бақо (Бухородаги Минораи Калон меъмори), Меъмор Абдул Жаббор (Самарқанддаги Шердор мадрасаси муаллифи) сингари меъморларни етиштирган таълим тизими тагтуги билан йўқотилди. Тамоман янгича маданият юзага кела бошлади. Бу даврга келиб гумбаз, равоқ ва бағал боғлашнинг кўп сиру асрорлари, муқарнасослик, кошинпазлик, кошинкорлик ишлари унутилиб юборилган эди. Анъанавий қурилиш материаллари (ганч, кир, оби ғишт, кошин ва бошқалар) ишлаб чиқарилмагани туфайли уларнинг ўрнига цемент, бетон, темирбетон қўлланила бошланди. Кошин ва парчинга бериладиган сирли пардоз ва ашёлар анъанавий усулда эмас, янги минераллар ва химиявий моддалардан тайёрлана бошлади<sup>1</sup>. Булар эса, ўз навбатида, таъмир иши сифатининг пасайишига олиб келди.

Шунингдек, Марказий Осиёда ҳам Европадаги сингари ўзидан олдинги даврда ва анъанавий услубда қурилган иморатларни таъмирлаш учун махсус ўрганиш эҳтиёжи келиб чиқди. Бошқача килиб айтганда, XX аср ўрталаридан Ўзбекистонда ҳам аждодлар томонидан бунёд этилган иморатларни тиклаш учун махсус таъмирчиларни етиштириш зарурияти долзарб масалага айланди. Мустақиллик йилларида ҳам ушбу муаммо тўлалигича ўз ечимини топгани йўқ десак муболаға бўлмайди. Хусусан, Ўзбекистонда Самарқанд ва Тошкент давлат архитектура ва қурилиш институтлари (СамДАҚИ, ТошДАҚИ) фаолият кўрсатаётганига қарамасдан, соҳада кадрлар муаммоси, жумладан, қадимий қурилиш-таъмирлаш усуллари ўзлаштирган малакали рақобатбардош мутахассислар «тақчил»лиги кузатилди.

Хуллас, айтиш мумкинки, XX аср охирига келиб Ўзбекистонда жамланган маданий мерос объектларининг (собик Иттифоқнинг барча ҳудудларида бўлгани каби) техник ҳолати мураккаб реставрация ва консервация ишларини тизимли асосга қўйиш ва мунтазам олиб боришни талаб этарди. Айниқса, тиклаш-таъмирлаш, консервациялаш жараёнида қадимдан маълум бўлган технологияларнинг қайта тикланиши ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш муаммоси ечимини топиш ҳам муҳим аҳамият касб этарди. Чунки совет давридан бошланган таъмир ишида «замонавий» технологияларнинг оммавий қўлланилиши меъморий обидаларнинг асл ҳолатга келтирилиши му-

---

<sup>1</sup> Аҳмедов М.К., Рафиков С.А. Ўзбекистонда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш муаммолари // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. 2005. №1. – Б.18 – 19.

раккаблашишига, айрим ҳолатларда эса юзаки косметик таъмирлаш ишлари билан чекланилишига сабаб бўлди. Демак, истиқлол йиллирига келиб Ўзбекистонда монументал ёдгорликларни таъмирлашнинг илмий асосларини ҳамда соҳада тўпланган жаҳон амалиётини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, шу асосда миллий тизимни янада ривожлантириш долзарб вазифалардан бирига айланди.

*М. Тухтаева*

## **ПОВСЕДНЕВНАЯ ЖИЗНЬ ЭВАКУИРОВАННЫХ ХУДОЖНИКОВ В САМАРКАНД В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ**

В годы Второй мировой войны в Узбекистан был эвакуирован целый ряд деятелей науки и культуры СССР. В частности, Самарканд принял более трехсот художников, ученых-искусствоведов и студентов Академии художеств, в числе которых были В. Павловский, С. Абугов, И. Бродский, П. Белоусов, В. Горб, М. Таранов, Н. Бакланов, А. Матвеев, Л. Овсянников, А.Д. Чегодаев, Н. Пунин, И.Э. Грабарь, В.А. Фаворский, Д.С. Моор, С. Герасимов, И. Павлов, В. Касиян, М. Бобышов, М. Авилов и др.<sup>1</sup>

2 мая 1942 г. Совнарком Узбекистана принял Постановление «О размещении в г. Ташкенте специалистов, изобретателей, работников науки, литературы, искусства, Сталинских лауреатов, Героев Советского Союза»<sup>2</sup>. Согласно этому постановлению, местные власти должны были принять ряд мер по улучшению материально-бытовых условий эвакуированных видных деятелей литературы и искусства.

В Самарканде продолжили свою деятельность эвакуированные в начале войны Московский художественный институт им. Сурикова, Всероссийская академия художеств (ВАХ), Ленинградский институт живописи, скульптуры и архитектуры, Центральное художественное промышленное училище<sup>3</sup>.

Институт Всероссийской академии художеств начал свою работу в Самарканде во втором учебном полугодии 1941 – начале

<sup>1</sup> Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1972. – С.173.

<sup>2</sup> НА Уз, ф.837, оп. 32, д. 3320, л.118.

<sup>3</sup> Российский государственный архив литературы и искусства (далее – РГАЛИ) Ф. 962, оп.1, д.1156, л.48.

1942 года. Не все студенты смогли приехать в Самарканд, чтобы продолжить учебу. Из 453 студентов, числившихся в институте на 1 октября 1941 г. в Самарканд прибыли лишь 195: на факультеты живописи – 70, архитектуры 28, скульптуры 19, искусствоведения 38 и прочих специальностей 40. В отчете Союза советских художников Узбекистана особо отмечалась необходимость принятия мер по переезду в Самарканд ряда ведущих мастеров из Москвы, Ярославля и других городов<sup>1</sup>. Эвакуация учебных заведений из центральных районов России в Узбекистан способствовала становлению и развитию новых учебных заведений и факультетов в республике.

В письмах ректора И. Грабаря\* можно найти сведения о постановке учебного процесса в художественных учебных заведениях, эвакуированных в Самарканд.

На эвакуированных искусствоведов и художников, помимо учебного процесса возлагалось выполнение заданий Союза художников. Несмотря на экономические и организационные трудности, художники в эвакуации должны были работать в полную силу, создавая картины, направленные на поднятие боевого, патриотического духа и веры в победу. Как писал И. Грабарь, даже студенты – дипломники уже были переведены в члены Союза художников для того, чтобы быть «использованными» в качестве художников<sup>2</sup>. Полагаем, что Самарканд благотворно повлиял на растущую генерацию художников. Но и обстановка, пополнившая новые кафедры вузов Узбекистана преподавателями и студентами, положительно повлияла на местных художников.

Повседневная жизнь художников Узбекистана в период войны имела свои определенные особенности: война внесла в нее существенные коррективы – художники лишились привычных ритма и условий жизни. Пребывание в эвакуации стало для многих из них большим испытанием. Жизнь в эвакуации была сложной, они были оторваны от постоянного места жительства и работы, не могли полноценно заниматься творческой деятельностью из-за отсутствия холстов, красок, сокращения планов. Материальное положение большинства художников резко ухудшилось с прекращением покупки их произведений. Изме-

---

<sup>1</sup> РГАЛИ, ф. 962, оп.3, д.1156, л. 48.

\*Игорь Эммануилович Грабарь – народный художник СССР, искусствовед, академик.

<sup>2</sup> Грабарь И. Письма. Т.3. 1941 – 1960. – М.: Наука, 1983. – С.49.

нились формы материально-бытового обслуживания художников: были уменьшены суммы, предназначавшиеся ранее на санаторно-курортное лечение, на медицинскую помощь, на дома творчества и отдыха художников.

Тяжелое материальное положение, нередко – жилищная неустроенность, отсутствие привычных условий для работы, разлука с близкими и родными – вот немногие из тех реалий, которые определяли жизнь эвакуированных художников и искусствоведов в военные годы. У некоторых искусствоведов были весьма напряжённые отношения с существующей политической системой, поэтому положение В.Зуммера, Г.Чаброва, В.Чепелева, А.Эфроса приближалось к статусам полуофициальных ссыльных.

Одной из самых тяжело решаемых проблем было отсутствие художественных мастерских. Творческая работа большинства художников Узбекистана, как показывали материалы прошлых лет, протекала далеко в неудовлетворительных условиях. Правда, были исключения, когда художники располагали специальными мастерскими. Крайне неудовлетворительно обстояло дело и с оборудованием мастерских. Начальник отдела искусства Управления по делам искусств при СНК Лунев писал: «С вопросами быта художников я совсем не знаком из-за короткого промежутка времени. Но с некоторыми художниками я ходил по квартирам. В Узбекистане только один художник имеет мастерскую, остальные художники находятся в тяжелых условиях, в которых идти вперед невозможно. Этот вопрос был очень серьезным и требует незамедлительного разрешения. Нужно было создать такие условия художникам, чтобы они могли лучше выполнить договора, которые они будут заключать»<sup>1</sup>.

Игорь Эммануилович Грабарь в своем письме от 14 сентября 1942 г. отмечал, что из-за отсутствия необходимых для работы условий многие эвакуированные студенты выполняли свои дипломные работы на чердаках, в подвалах и развалинах<sup>2</sup>. Письма И.Э. Грабаря позволяют судить о том, что эвакуированные в Самарканд художественные вузы не могли полноценно функционировать из-за отсутствия пригодных для этого помеще-

---

<sup>1</sup> НА Уз, ф. 2320, оп. 1, д. 236, л. 18.

<sup>2</sup> Грабарь И. Письма... – С.39.

\* Карабиха (в 14 км. От Ярославля) – бывшее имение Н.А. Некрасова, превращенное в санаторий, закрепленный за Академией художеств.



ний. В связи с этим И. Грабиров настаивал на переезде вузов в другие города «куда-нибудь хоть в сколько-нибудь приемлемые и в смысле работы, и в бытовом отношении помещения». В частности, таким местом он указывает Карабаху\*, где, по его мнению, художники, эвакуированные туда в прифронтовую полосу, имели гораздо лучшее продовольственное обеспечение со стороны Совнаркома и Наркомторга СССР, нежели в Узбекистане.

Действительно, бытовые и жилищные условия художников были близки к экстремальным: жили где придется в землянках, сторожке, дома заводили скот, ходили на рыбалку, чтобы прокормиться, работали в колхозе, в поле. В частности, эвакуированная из Ленинграда семья художника Чернышова «переехала в двухэтажную худжию в Тилла-Кори»<sup>1</sup>.

Игорь Грабарь, на тот момент возглавлявший Всероссийскую академию художеств и Художественный институт при ней, описывал условия, в которых они были размещены, как «убийственно непригодные для занятий»<sup>2</sup>. Именитый художник В.А. Фаворский\*\* со своей женой был поселен на Регистане в угловой келье медресе Тилла-Кори. Там же с выходом на второй ярус галереи жил искусствовед А.С. Гуцин с семьей, автор книги «Памятники художественного ремесла Древней Руси X – XIII вв.» (Л., 1936 г.)<sup>3</sup>. На самой окраине Самарканда, в полуразрушенной и запущенной каморке уютился А.Д. Чегодаев\*\*\* с женой – оба известные историки искусства. Чегодаев на тот момент был тяжело болен, слаб, переносил невзгоды эвакуации очень тяжело<sup>4</sup>.

Местные художники оказывали всемерную поддержку эвакуированным. Во время войны А. Волков расселил в своей мастерской эвакуированных скульптора Шварца с женой и сыном, семью искусствоведа Дуруса. Когда мастерская освободилась, ее деревянные полы использовали на топку печек в квартире,

---

<sup>1</sup> Грабарь И. Письма... – С.45.

<sup>2</sup> Там же. – С 38.

\*\* Владимир Андреевич Фаворский (1886 – 1964) – российский и советский график, мастер портрета, ксилографии и книжной графики, искусствовед, сценограф, живописец-монументалист, педагог и теоретик изобразительного искусства, профессор.

<sup>3</sup> Ремпель Л.И. Мои современники (20 – 80-е годы). – М., 2011. – С.115 – 116.

\*\*\* Андрей Дмитриевич Чегодаев – советский и российский историк искусства, художественный критик, музейный работник, педагог, доктор искусствоведения. Специалист в области русского и западного искусства.

<sup>4</sup> Ремпель Л.И. Мои современники ... – С.102.

снимали холсты с подрамников и подрамники тоже шли на отопление<sup>1</sup>.

В начале 1942 г. Самаркандское отделение художников проектировало довольно широкую творческую работу и многие художники подали заявки, но из-за неупорядоченного получения денег «заказ был в мае, а аванс получен в сентябре»<sup>2</sup>, не все творческие заявки были выполнены. Тем не менее энтузиазм многих художников Самарканда был так высок, что они сделали для Всесоюзной выставки 70 работ, для Узбекистанской выставки – 40 и для военно-шефской выставки – 40 работ.

Вопрос бытового обустройства часто обсуждался в ССХУз. Так, на одном из заседаний оргкомитета СХУз отмечалось, что вопрос быта может разрешиться в том случае, когда объединенные силы Союза художников, Худфонда и Управления по делам искусств займутся этим вопросом вплотную<sup>3</sup>. И.Грабарь с иронией писал о вышестоящих инстанциях, в частности, об Управлении по делам искусств СССР, которое выслало их с громким девизом: «Художники все в Самарканд! Самарканд – база художественных вузов!» ... «Легко говорить тем, кто в Москве, а тут, в Самарканде, и особенно, в Регистане, негде яблоку упасть»<sup>4</sup>.

Художники, находившиеся в эвакуации, в целом были лишены преимуществ, которые давала им постоянная служба. В годы войны, в отличие от других категорий работников умственного труда, они не получали льготного продовольственного снабжения. Наркомторг смог выделить лишь небольшое количество лимитных пайков для известных художников, а для остальных был установлен самый малый уровень дополнительного снабжения. Большинство художников испытывали трудности с получением продовольствия по обычным общегражданским карточкам<sup>5</sup>.

В снабжении продовольствием и промышленными товарами в годы войны ощущалась острая нехватка. В целях борьбы с ней с 1 мая 1942 г. для работников науки и искусства были ор-

---

<sup>1</sup> Мастер «Гранатовой чайханы». Живопись. Поэзия. Друзья. – М.: Ньюдиамед, 2007. – С.79.

<sup>2</sup> НА Уз, ф. Р-2320, оп. 1, д. 219, л. 57 об.

<sup>3</sup> Там же, д.236, л.18. Стенографический отчет 2-го Республиканского съезда ССХ Узбекистана.

<sup>4</sup> Грабарь И. Письма... – С.39.

<sup>5</sup> Сборник важнейших приказов и инструкций по вопросам карточной системы и нормированного снабжения. – М.: Госторгиздат, 1943. – 163 с.

ганизованы закрытые столы с буфетами. В городах, где проживало свыше 500 научных работников, рекомендовалось открыть для них отдельные магазины. 2 июня 1942 г. Народный комиссариат торговли СССР издал приказ, по которому членов союзов художников, композиторов и архитекторов приравнивали в продовольственном снабжении к рабочим промышленных предприятий. Отпуск нормированных продуктов для столовых, где обслуживались работники науки, культуры и искусства, производился в размерах, равных нормам, установленным для рабочих, инженерно-технических работников предприятий особого списка и для рабочих промышленных предприятий. Кроме того, к закрытым магазинам прикреплялись как работающие, так и неработающие члены семей работников науки, культуры и искусства (жена, муж, дети, родители). Однако в реалии все было гораздо сложнее.

Имеющиеся отчеты Оргкомитета СХУз (от января 1942 г.) позволяют судить о том, что художники получали продукты «на основании общего положения» по месту жительства<sup>1</sup>. Но были и такие, кто не имел жилья, а следовательно, был лишен продовольственного пайка и тогда бывали случаи, когда художники погибали от голода. Л.И. Ремпель вспоминал, что ему не раз за годы войны приходилось спасать людей, умирающих от голода: «Подобрал погибающего от голода молодого художника, привел его в келью, которую приспособил под фотолaborаторию. В будущем этим юношей оказался Герц Франк – известный рижский режиссер»<sup>2</sup>.

Другой случай был связан с именитым фотографом из Эрмитажа, чье имя осталось неизвестным. Ремпель его умирающего от голода, взял с собой, накормил супом из последних продуктов.

В одном из писем брату И. Грабарь рассказывал, как тяжело жилось эвакуированным художникам в Самарканде. «В одной небольшой комнате уже свыше недели лежат вповалку двое Сварогов, Пчелиных и трое Филипповых. Здесь, незадолго до нашего приезда, схоронили профессора Института Истомина. Все остальные очень сдали, осунулись, а один Пожевский до того истощал, что остались одни кости да кожа»<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> НА Уз, ф. 2320, оп. 1, д. 204, л. 97.

<sup>2</sup> Ремпель Л.И. Мои современники ... – С.114.

<sup>3</sup> Грабарь И. Письма... – С.39.

Художники Самаркандского отделения Союза художников, чередуясь бригадами, выезжали в районы и колхозы для работы по обслуживанию посевной компании. Так, в отчете самаркандского отделения ССХУз за 1942 г. отмечалось: «28 человек отправлены в районы и колхозы. Отправлены они бригадами по 3 человека на 1 месяц»<sup>1</sup>.

Повседневная жизнь художников в годы войны состояла не только в борьбе за существование – они были призваны оказывать мощное идейное влияние на общество. Все художники были активно задействованы в культурной жизни. Только за 1943 г. Союзом художников было организовано 30 персональных и групповых выставок, 25 творческих вечеров.

Творчество художников было насыщенным и плодотворным. Ведущее место в их творчестве в эти годы занимают антифашистский плакат, агитационные листовки, панно и политическая карикатура. С первых дней войны в Самарканде были созданы Агитмастерские под началом московского художника М. Аветова, выпускавшие тиражированные плакаты «Окна ТАСС», «Окна УзТАГ» и трудовые листки. Здесь была создана также бригада плакатистов, состоявшая из студентов эвакуированного Московского художественного института во главе с выдающимся мастером советского плаката Д.С. Моором. За весь период войны было создано плакатов на 266 тем при общем тираже в 70.877 плакатов<sup>2</sup>. Уже к концу 1941 г. в Ташкенте открылась первая выставка антифашистского плаката и республиканская выставка «Героическая защита Родины». В 1942 г. в Самарканде ко дню Армии и к годовщине войны были организованы две выставки.

Главными темами произведений того времени были война, патриотизм, история. Для каждой аудитории предназначался свой определенный пропагандистский материал: для народа – агитплакаты, карикатура, для интеллигенции – панно и жанровые картины. В них меньше внимания уделялось прославлению вождей, им была чужда высокопарность. Но после коренного перелома в ходе войны советская идеология вновь направила «острие критики» на «ослабление идейно-политической работы среди масс»<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> НА Уз, ф. 2320, оп. 1, д. 219, л. 57об.

<sup>2</sup> РГАЛИ, ф.962, оп., д.1156, л. 52. План работы Управления УзССР 1943 г.

<sup>3</sup> Волков С. История русской культуры XX века. – М., 2011. – С.178.

Изобразительное искусство в годы войны явилось могучим идейным оружием. На второй день после начала Второй мировой войны состоялся пленум ЦК профессионального союза работников искусства. Художники были призваны направить всю свою работу фронту, создавать творческие бригады по обслуживанию частей Армии.

Усилия художников в годы войны были направлены на то, чтобы силой художественных образов поднять боевой дух народа, содействовать воспитанию в нем патриотизма и чувства любви к Родине, вселять уверенность в победе. Вторая мировая война стала суровым испытанием для всей страны, в том числе и для художественной интеллигенции, эвакуированной в Самарканд, которая внесла достойный вклад в общее дело победы.

*А. Тоғаева*

**САМАРҚАНД ШАҲРИ СОВЕТ ДАВРИДА:  
ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ  
РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ  
(1950 – 1990 йиллар)**

Самарқанд нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки жаҳон тамаддунида ўзига хос ўрин эгаллаган дунёнинг машҳур шаҳарлари қаторига киради. Самарқанд ўзининг тарихий тараққиёт йўли, алломаю уламолари, ҳар бири дурдона саналган обидалари, замонавий кўриниши ва сайёҳлик салоҳияти билан асрлар давомида инсониятнинг диққат марказида бўлиб келган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти қайд этганидек, «АҚШнинг «The Huffington Post» нашри томонидан Самарқанд шаҳри «Дунёнинг албатта бориб кўриш керак бўлган 50 шаҳри» рўйхатига киритилгани ва бундай эътирофга эришишда ҳам МДХ мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон ягона экани эътиборга сазовордир»<sup>1</sup>.

Маълумки, шаҳарлар тарихий тараққиётнинг турли босқичларида муайян объектив ва субъектив омиллар таъсирида юксалиш йўлидан боради ёки таназзулга юз тутади. Мустамлака

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б.12.

ва совет даврида Самарқандда шаҳар тараққиёти ўзига хос йўлдан бориб, бу борада зиддиятли ҳолатлар кузатилди. Бу даврда Иттифоқ ҳудудидаги бошқа шаҳарлар сингари Самарқанднинг ривожига тўлалигича совет давлати шаҳарсозлик сиёсати билан боғлиқ бўлди.

1929 йил 2 февралда қабул қилинган «ЎзССР шаҳарлари ва шаҳар манзилгоҳларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарорда республикада жами 18 та шаҳар мавжудлиги қайд этилган ва улар орасида Самарқанд ҳам санаб ўтилган<sup>1</sup>.

1947 йилга келиб республика ҳудудида 27 та шаҳар, 12 та шаҳар типидagi посёлка, 23 та ишчи посёлкалари ҳисобга олинган<sup>2</sup>. Бу пайтда Самарқанд вилояти таркибида Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон шаҳарлари бор эди.

Иккинчи жаҳон урушидан олдинги йилларда республикадаги шаҳарлар аҳоли сонига қараб кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарларга бўлинган. XX асрнинг 20 – 30- йилларида 50 минг аҳолиси бор шаҳарлар йирик шаҳарлар ҳисобланган. 1926 йилда Ўзбекистонда жами 5 та шаҳар – Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Наманган йирик шаҳарлар категориясига кирган эди<sup>3</sup>.

Кейинчалик шаҳарлар ва уларда истиқомат қилаётган аҳоли сони кўпайиши муносабати билан шаҳарларни аҳоли сонига қараб типлаштиришда ўзгаришлар рўй берган. Ўрганилаётган давр охирларига келиб шаҳарлар аҳолиси сонига кўра беш туркумга бўлинган. Булар энг йирик, йирик, катта, ўрта ва кичик шаҳарлар бўлиб, уларда аҳоли сони қуйидагича белгиланган:

- 1) энг йирик шаҳарлар – аҳолиси 500 мингдан ортиқ бўлган;
- 2) йирик шаҳарлар – аҳолиси 250 – 500 минг кишигача;
- 3) катта шаҳарлар – аҳолиси 100 – 250 минг кишигача;
- 4) ўрта шаҳарлар – аҳолиси 50 минг кишидан 100 минг кишигача;
- 5) кичик шаҳарлар – аҳолиси 50 минг кишигача бўлган шаҳарлар.

1989 йилда Ўзбекистонда рўйхатга олинган 124 та шаҳардан 1 таси энг йирик шаҳар (Тошкент), 3 таси йирик шаҳарлар (Самарқанд, Наманган, Андижон), 12 таси катта шаҳарлар (Ангрен, Бухоро, Жиззах, Марғилон, Навоий, Нукус, Олмалик, Қарши, Қўқон,

<sup>1</sup> Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б.28.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. 1619-жамғарма, 11-рўйхат, 1307-иш, 2-варақ.

<sup>3</sup> Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917 – 1941 йй.). – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2015. – Б.17 – 18.

Урганч, Фарғона, Чирчиқ), 7 таси ўрта ва 101 таси кичик шаҳарлар категориясига кирган<sup>1</sup>. Бироқ биргина Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида республикадаги шаҳар аҳолисининг 35% яшаган.

Самарқанд шаҳри аҳолиси 1979 йилда 346 минг кишидан иборат бўлса, 1989 йилга келиб 367 мингга етган. 1990 йилда Самарқанд вилоятида жами 672,2 минг аҳоли рўйхатга олинган бўлиб, шундан 31,2% шаҳарлар ҳудудида истиқомат қилган<sup>2</sup>.

1989 йилга оид маълумотда Ўзбекистон шаҳарлари генетик типологияси бўйича 5 қисмга ажратилган эди. Булар: савдо-хунармандчилик ривожланиши натижасида пайдо бўлган шаҳарлар (айнан шу гуруҳга Тошкент, Бухоро, Фарғона, Қўқон, Андижон, Наманган, Жиззах, Марғилон, Хива, Каттақўрғон, Тўрткўл сингари тарихий шаҳарлар қаторида Самарқанд ҳам киритилган); sanoat (ёқилғи, электроэнергетика ва сув хўжалиги қурилиши, химия, қора ва рангли металлургия, қурилиш хомашёси) ривожланиши асосида вужудга келган шаҳарлар; транспорт-коммуникация тизимининг ривожланиши натижасида шаҳар мақоми берилган аҳоли пунктлари; маъмурий ва агросаноат функцияси туфайли шаҳар мақомини олган шаҳарлар; турли хил функциялар (қўриқ ерларни ўзлаштириш, балиқчилик, рекреация ресурслари) асосида пайдо бўлган шаҳарлар<sup>3</sup>.

Ўрганилаётган даврда Самарқанд шаҳри аҳоли сони жиҳатидан Ўзбекистонда Тошкент шаҳридан кейинги ўринда турган. Бу унинг мавқеи ва иқтисодий-ижтимоий тараққиётини белгилаб берган омиллардан бири бўлган. 1968 йилга келиб Самарқандда 57 та йирик sanoat корхонаси ишлаб турган. Жумладан, Иттифоқ миқёсидаги йирик трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналаридан бири бўлган «Красный двигатель» заводи, киноаппаратлар ишлаб чиқарадиган «Кинап» заводи, суперфосфат заводи, шойи тўқиш фабрикаси, шойи тўқиш, чой қадоқлаш ва трикотаж фабрикалари, тери, консерва, вино заводлари ва бошқалар ўз даврида нафақат республика, балки минтақа ва Иттифоқ миқёсида машҳур эди. Бироқ совет даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг хомашёга йўналтирилгани, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган марказлаштирилган бошқарув, совет режалаштириш сиёсати билан

<sup>1</sup> Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б.44.

<sup>2</sup> Жадвал ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>3</sup> Вей Синь. Формирование и развитие городов Средней Азии: Автореф... канд. эконом. наук. – Ташкент, 1991. – С.9.

боғлиқ муаммолар, давлат манфаатларининг асосий ўринга қўйилиши, шаҳарларда меҳнат ресурсларини жойлаштиришда маҳаллий шарт-шароитлар ва анъаналарни эътиборга олмаслик сингари қатор омиллар шаҳарларнинг иқтисодий ривожига тўсқинлик қилди.

Жумладан, Ўзбекистондаги саноат корхоналарининг аксарияти Иттифоқнинг бошқа республикаларида жойлашган корхоналар учун хомашё етиштириб беришга мослаштирилган эди. Самарқанддаги «Реммаш» заводи маҳсулотлари Москва, Беларуссия, Узоқ Шарқ, Олтой, Шимолий Осетия ҳамда Ўрта Осиё республикаларининг барчасига жўнатилган. Шунингдек, шаҳарнинг муҳим саноат корхоналаридан бири бўлган «Кинап» заводида ишлаб чиқарилган киноаппаратуралар ва овоз чиқариш мосламаларининг 90% иттифоқдош республикалар билан бир қаторда Мексика, Покистон, Англия, Афғонистон, Индонезия каби мамлакатларга юборилган.

Кўриб ўтилаётган даврда Ўзбекистон шаҳарларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиб борган. 1960 йилларнинг охирига келиб Самарқанд шаҳрида олти та маиший хизмат комбинати, машиналаштирилган кимёвий тозалаш ва кийим бўйлаш комбинатлари, машиналаштирилган кир ювиш хоналари, телевизион ателье, косметика кабинетлари, марказий маиший хизмат бюроси ва маиший хизмат уйи, жуда кўп устахоналар аҳолига хизмат қилган. 1959 – 1966 йиллар оралиғида шаҳардаги маиший хизмат пунктлари сони 115 тадан 359 тага етган<sup>1</sup>.

Бироқ, манбаларнинг кўрсатишича, шаҳарларда маиший хизмат муассасалари сони етарли бўлмаган ва аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмаган. Бунга маълум маънода қурилишнинг суст бориши ҳам таъсир кўрсатган. ЎзССР ХХС (Совнархоз)нинг «Тураржой ва маданий-маиший мақсадларга мўлжалланган объектларни қуриш ва фойдаланишга топширишнинг бориши ҳақида»ги 1962 йил 16 август қарорида кўрсатилган объектлар қурилиши бўйича режалар тўлиқ бажарилмагани қайд этилган. Жумладан, 1962 йил 1 сентябргача олинган маълумотларга кўра, 9 ойлик режа 54% га бажарилган<sup>2</sup>. Айтиб ўтиш лозимки, архив ҳужжатлари орасида шундай мазмунга эга ҳужжатлар кўплаб учрайди.

<sup>1</sup> Самарқанд тарихи / Масъул муҳаррир: И.М. Мўминов. Икки томлик. II том. – Тошкент: Фан, 1970. – Б.418.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-2384-жамғарма, 1-руйхат, 90-иш, 26 – 27-варақлар.



Шунингдек, шаҳарлардаги меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш тизими ҳам қониқарли даражада бўлмагани манбаларда қайд этилган. 1950 йил сентябрда республика ҳукуматининг «ЎзССР шаҳарларида меҳмонхоналарнинг қониқарсиз аҳволи ва уларнинг фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисида» қароридан республиканинг Тошкент, Бухоро, Андижон, Қарши, Когон, Ёжидувон шаҳарлари қаторида Самарқанддаги меҳмонхоналар аҳволи қониқарсиз аҳволда бўлиб, талабга жавоб бермаганлиги кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>. Самарқанд шаҳар коммунал хўжалигига тегишли меҳмонхонада ҳам антисанитар аҳвол қайд этилган.

1953 йил 1 август маълумотларига кўра, Ўзбекистонда жами 104 та меҳмонхона ишлаб турган. Улардаги ўринлар сони 2636 нафарни ташкил этган<sup>2</sup>. Меҳмонхоналарда йиллик режалар кўпинча бажарилмаган. Бу даврда Самарқанд вилоятида 20 та меҳмонхона бўлиб, улардаги жами ўринлар сони 455 тани ташкил этган.

1955 йилда ЎзССР Министрлар Совети Тошкент («Тошкент»), Самарқанд («Регистон»), Бухоро («Филиал»), Фарғона («Фарғона»), Термиз («Интурист») меҳмонхоналарини таъмирлаш, ободонлаштириш ва жиҳозлаш учун 3 млн рубл ажратган. Шундан 1003 минг рубл таъмирлаш, 11997 минг рубл жиҳоз ва ускуналар сотиб олишга сарфланган<sup>3</sup>.

1960 йиллардан эътиборан республиканинг йирик ва катта шаҳарларида кўп қаватли, замон талабларига мос, кўркам меҳмонхоналар қурила бошланган. Худди шундай меҳмонхоналар сафига Самарқанддаги «Самарқанд» меҳмонхонасини кириштириш мумкин. 1960 йиллар охирига келиб Самарқандда ишга туширилган 320 ўринлик «Интурист» меҳмонхонаси, 240 ўринли яна бир меҳмонхона шаҳарсозликда амалга оширилган йирик тадбирлардан бўлган эди.

XX асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда аҳоли сони ошиб бориши билан бирга савдо шохобчалари, овқатланиш муассасалари сони ҳамда уларда кўрсатиладиган хизматлар ҳажми кўпая борди.

1957 – 1958 йилларда Самарқанд шаҳрининг асосий – Ленин номли кўчасида «Болалар дунёси» универсал магазини, болалар кийим-кечаги ва пойабзал сотиладиган 4 та магазин очил-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-2182-жамғарма, 1-рўйхат, 1210-иш, 215-варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда. 307-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-2182-жамғарма, 2-рўйхат, 2186-иш, 146-варақ.

ган. 1957 йилда Самарқандда 706 та озиқ-овқат ва саноат дўконлари, 101 та колхоз дўконлари, 100 га яқин китоб дўконлари ишлаб турган<sup>1</sup>.

Овқатланиш муассасаларида хизмат турлари кўпайиб борган. 1970 йиллардан савдо тармоқларида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш сингари янги усуллар кириб келди. Бу даврда парҳез таомлар ошхоналари сони кўпайган. Шу билан бирга, шаҳардаги савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларини замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлашга ҳам эътибор қаратилган. Хусусан, музлатгич ва музлатгичли пештахталар кенг қўлланила бошланган. 1967 йилда Самарқанд шаҳридаги сифати тез бузиладиган маҳсулотлар билан савдо қиладиган магазинларнинг 80% музлатгичлар билан таъминланган.

1967 йилда шаҳарда 5 та ресторан, 93 та ошхона ва 33 та емакхоналар мавжуд эди. Етти йиллик даврида шаҳарда 2 та ресторан ва 25 та янги ошхоналар очилган. Жами умумий овқатланиш муассасалари сони 1958 йилда 204 та бўлса, 1966 йилда 182 тага етган<sup>2</sup>.

Самарқандда ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошиб борганини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин. Жумладан, 1959 – 1966 йиллар оралиғида шаҳарда мебелларни сотиш 2,2 бараварга, радиоприёмниклар ва тикув машиналарини сотиш 2 бараварга, велосипедларни сотиш 2,1 бараварга кўпайган. Шу йиллар ичида автомашина, мотоцикл ва велосипедларни сотиш уч мартага ошган<sup>3</sup>.

Шаҳарлар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш санитария-гигиена талабларига жавоб бермагани сабабли водопровод қувурлари ўтказиш бу даврда долзарб масалалар сафидан ўрин олган. Ўзбекистон ССР шаҳарларида водопровод ва канализация қурилиши масалалари бўйича 1953 йилга оид расмий ҳужжатда кўрсатилишича, бу даврда республикадаги 31 шаҳардан фақат 11 тасида водопровод қувурлари ўтказилган бўлиб, Самарқанд шаҳри ҳам шулар жумласига кирган. Бироқ, манбаларда кўрсатилишича, водопровод тармоқлари қурилган бўлсада, уларда ичимлик суви қувурлари тармоғи тўлиқ ишга туши-

---

<sup>1</sup> Самарқанд тарихи ... – Б.341.

<sup>2</sup> ЎзР ФА Тарих институти «Ўзбекистоннинг XIX аср охири – XX аср бошлари даври тарихи» бўлими архиви фонди материаллари.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

рилмаган эди<sup>1</sup>. Шунингдек, 1959 йилда Самарқандда водопровод қуриш режаси бажарилмаган.

Шаҳарларни сув билан таъминлайдиган ҳавзалар текширилганда уларнинг таркибида санитар нормаларининг бузилганлиги аниқланган. Саноат корхоналари сувни ифлослантирганлари учун катта жарима тўлашга мажбур бўлганлар. Самарқанд шаҳрида оқова сувлар Сиёб каналига оқизилган<sup>2</sup>. Шаҳарларда оқова сувларни тозалаш ва зарарсизлантириш даражаси ўта паст бўлиб, оқова сувларнинг тозаланмаган ҳолда сув ҳавзаларига ташланиши айрим аҳоли пунктларида ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига сабаб бўлган.

XX аср ўрталаридан Ўзбекистонда шаҳар транспорти турлари кўпайиб, хизмат кўрсатиш яхшиланиб борган. Жумладан, Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисига енгил автомашина – такси хизмат кўрсата бошлаган. Тошкент, Самарқанд, Наманган, Бухоро ва бошқа шаҳарлар аҳолиси ҳам бундай қулайликдан фойдалана бошладилар. 1950 йилга келиб такси хизматидан фойдаланган аҳоли сони 1949 йилдагига нисбатан 4,5 барабар ошган эди<sup>3</sup>.

Бу даврда автобусда йўловчи ташиш хизмати ривожланган. Бунга бир қатор омиллар сабаб бўлган, хусусан, 1954 йил 1 октябрда бу усулда йўловчи ташиш учун тўлов ҳақининг 50% га қисқартирилиши мазкур транспортдан фойдаланувчилар сонининг янада кўпайишига олиб келди<sup>4</sup>. 1955 йилда республика бўйича автобус маршрутларининг узунлиги 500 км га узайтирилган. Кўриб ўтилаётган йилларда нафақат шаҳар транспорти, балки шаҳарлараро алоқаларда ҳам автобус ва такси қатновларининг ўрни тобора кучайиб борди. Масалан, 1958 йилда Тошкент – Самарқанд автобус йўли очилган. 1950 йиллар охирида Самарқанд шаҳар автомобиль паркига 30 та янги автобус ва 50 та енгил такси автомобиллари келтирилган<sup>5</sup>.

1951 йилда Самарқандда трамвай йўлининг иккинчи навбати қурила бошланган. 1954 йилда Самарқандда 24 та трамвай вагони бўлиб, трамвай йўллариининг узунлиги 15,3 км га етган<sup>6</sup>. Умуман, Ўзбекистон шаҳарларида аср ўрталарида йил сайин

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837 жамғарма, 38-рўйхат, 5394-иш, 3 – 5-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837 жамғарма, 39-рўйхат, 420-иш, 21 – 24-варақлар.

<sup>3</sup> Ходжаев С. Развитие транспорта в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. – С.68.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – С.69.

<sup>5</sup> Самарқанд тарихи ... – Б.337.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

трамвай хизматидан фойдаланувчилар сони ошиб борган. Аммо 1970 йилларга келиб пассажир транспортининг ушбу туридан фойдаланувчилар сони камаё бошлаган. Самарқанд шаҳрида трамвай орқали 1965 йилда 10,2 млн, 1973 йилда 4,4 млн йўловчи ташилган<sup>7</sup>. Республиканинг фақат Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида трамвай ишлаб турган, аммо уларда пассажир ташиниш салмоғи йил сайин камайиб борган.

Совет даврида троллейбуслар қатнови республиканинг жами 6 та – Тошкент, Самарқанд, Олмалиқ, Андижон, Фарғона, Наманган шаҳарларида йўлга қўйилган. 1956 йилда Самарқанд шаҳар ижроия комитети томонидан транспорт хизматини яхшилаш мақсадида 1,5 млн сўм пул ажратилган. Натижада 1957 йилда шаҳарда 3 км масофадаги троллейбус линияси очилиб, у шаҳарнинг чекка ҳудудларини унинг маркази билан боғлашга хизмат қилган. 1958 йилда 10 км узунликда қурилган янги троллейбус йўли эса эски шаҳар ҳудудини вокзал билан боғлаш имконини берган<sup>8</sup>.

Манбаларда келтирилишича, совет даврида республика шаҳарлари хўжалигини мустақкамлаш, уларнинг ободончилигини таъминлаш борасидаги ишлар кўламини белгилаб берадиган худди шундай мазмундаги кўплаб меъморий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, архив ҳужжатларида мазкур қарорларнинг амалиётида ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилгани ҳақида маълумот берилди.

ЎзССР МСнинг 1950 йил 13 июлдаги «Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида шаҳарда лимитдан ташқари ташкилотлар маблағлари эвазига ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши лозимлиги таъкидланиб, бунинг учун 810 минг рубл маблағ ажратиш топширилган<sup>9</sup>.

1954 йил 10 июлда ЎзССР МСнинг «Ўзбекистон ССРда уй-жой ва маданий-маиший қурилишнинг жиддий камчиликлари ва уларни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унда ЎзССР МСга Самарқанд шаҳрида қабристонларни ободонлаштириш ва тарихий обидаларни асраш ишларига эътибор қаратилмаётгани ҳақидаги маълумот мавжудлиги баён қилинган. Натижада тарихий ёдгорликларнинг баъзи қисмла-

<sup>7</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 г. ... – С.247.

<sup>8</sup> Самарқанд тарихи ... – Б.337.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-2182-жамғарма, 1-рўйхат, 1210-иш, 223-варақ.

ри вайрон бўлган, айрим қисмлари эса ўғирлаб кетилган. Қадимий ёдгорликларни тиклаш учун давлат томонидан ажратилган маблағлар ўз ўрнида ишлатилмаган. ЎзССР МС раиси У. Юсупов мазкур фактларни текшириш, чора кўриш ва натижаларини маълум қилиш Коммунал хўжалик министрлиги ходимларига топширилганини маълум қилган<sup>1</sup>.

Совет даврида саноат корхоналари сонининг ошиб бориши билан бирга атроф-муҳитнинг зарарланиши натижасида шаҳарларни кўкаламзорлаштириш тадбирларига аҳамият қаратила бошлаган. 1960 йиллар охирига келиб Самарқанд шаҳридаги кўкаламзорлаштирилган ҳудудларнинг умумий ҳажми 989 гектарни ташкил этган. Бу аҳоли жон бошига ўртача 34 м<sup>2</sup> дан яшил майдон тўғри келишини билдиради. Манбада келтирилишича, бу СССР шаҳарларидаги энг юқори кўрсаткичларга тўғри келган<sup>2</sup>.

Самарқанд шаҳри кўчаларида янги ёритиш мосламалари ўрнатилган ва 1966 йилда уларнинг узунлиги 123 км га етган. 1959 – 1966 йиллар оралиғида Самарқандда 1130 км масофадаги магистрал йўллар асфальтлаштирилган<sup>3</sup>.

Шаҳарларда аптекалар сони ҳам ошиб борган. 1967 йилда Самарқанд шаҳрида 9 та аптека аҳолига хизмат кўрсатган<sup>4</sup>. Аммо дори-дармон, жумладан, эмлаш воситалари ва бошқа тиббий воситалар, шунингдек касалхоналар учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар мунтазам равишда етишмас, 1980 йилларда бу борада аҳвол янада оғирлашган эди. Бу ҳолат нафақат соғлиқни сақлаш тизими ишидаги камчиликлар, балки собиқ совет давлатидаги иқтисодий инқироз натижаси бўлиб, зарур тиббий воситаларнинг етишмаслиги республикадаги санитар-эпидемиология ҳолати ёмонлашувига олиб келган сабаблардан бири эди<sup>5</sup>.

Самарқанд шаҳрида 1958/1959 ўқув йилида 42 та ўрта мактаблар бўлса, 1967/1968 ўқув йилида уларнинг сони 55 тани ташкил этган. Жумладан, шаҳарда 39 та ўрта, 15 та саккиз йиллик, 1 та махсус мактаб фаолият олиб борган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-837-жамғарма, 38-рўйхат, 5647-иш, 185-варақ.

<sup>2</sup> ЎзР ФА Тарих институти «Ўзбекистоннинг XIX – XX аср бошлари даври тарихи» бўлими архиви материаллари.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Самарқанд тарихи ... – Б.422.

<sup>5</sup> Hohmann Sophie. Santé publique en Ouzbékistan contemporain : continuités soviétiques et limites des processus engagés // Cahiers d'Asie Centrale. 13/14 | 2004 : Gestion de l'indépendance et legs soviétique en Asie Centrale. – P.121 – 161.

<sup>6</sup> Самарқанд тарихи ... – Б.365.

Бу даврда аҳолининг маданий муассасаларига ташрифи йил сайин кўпайиб борган. Маълумотларга кўра, Самарқанд шаҳрида 1949 йилда кинофильмларни 1,5 млн томошабин кўрган бўлса, 1958 йилга келиб уларнинг сони 5 млн 200 мингга етган<sup>1</sup>.

Шунингдек, ЎзССРнинг 40 йиллик юбилейига бағишлаб Самарқанд шаҳрида барпо этилган янги опера театри, Регистон майдонида қад кўтарган, замонавий ҳаво тозалагич (кондиционер) билан жиҳозланган 820 кишилиқ янги кинотеатр каби муассасалар аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасининг юксалганидан далолат беради.

1960 йилларнинг охирига оид маълумотларда Самарқанд шаҳри аҳолисининг моддий маданияти ҳақида сўз юритилиб, «самарқандликларнинг моддий аҳволи яхшиланиб, маданий даражаси юксалиши билан уйларнинг жиҳоз ва зеб-зийнатлари ҳам жуда ўзгарди. Эски рўзгор буюмлари ўрнини чиройли, қулай, янги буюмлар олмоқда. Радиоприёмник, телевизор, тикув ва кир ювиш машиналари, холодильниклар, чангтортар ва бошқа электр асбоблар кенг расм бўлиб бормоқда. Аҳолига ҳозирги вақтда урушгача бўлган даврга нисбатан турли хил мебеллар сотиш 19 марта кўпайди. Агар 1940 йилда Самарқанд областидаги аҳоли 600 минг сўмлик ҳар хил мебель, электр асбоблар ва тикув машиналари сотиб олган бўлса, 1966 йилда 10,1 миллион сўмлик молларни сотиб олди» деган фикрлар билдирилган<sup>2</sup>. Бироқ, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, 1990-йилларнинг бошларида ҳам республикада шаҳар аҳолисининг маиший техника ҳамда транспорт воситаларига эга бўлиши қониқарсиз аҳволда эди.

Ўрганилаётган йилларда республиканинг бошқа катта шаҳарларидаги каби Самарқандда ҳам янги кўпқаватли тураржойлар ҳамда маданий-маиший муассасаларнинг қурилиши шаҳар қиёфасининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Шаҳарда қурилиш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар сони ошиб борган. Жумладан, «Бош қурилиш индустрияси» қурилиш материаллари ва конструкциялар комбинати, уй-жой қурилиши комбинати, ёғочни қайта ишлаш заводи, 150-сонли қурилиш трестининг қурилиш материаллари комбинати сингари корхоналар ишга туширилган.

Ўзбекистон шаҳарларида қурилишнинг ўзига хос регионал хусусиятлари ҳам мавжуд эди. Айниқса, республиканинг тари-

<sup>1</sup> Ўша жойда. – Б.317.

<sup>2</sup> Самарқанд тарихи ... – Б.426.

хий шаҳарларида аҳоли тураржойларини қуришда синчковлик талаб этилган. Архитекторлар ўз даврида тарихий шаҳарларнинг маданий ёдгорликларини турли таъсирлардан сақлаб қолишга ҳаракат қилганлари ҳақидаги маълумотлар ҳам учрайди. Ўзбекистон архитектурасига бағишланган кўплаб асарлар муаллифи, бу борадаги хизматлари учун Ҳамза мукофоти билан тақдирланган Т. Қодирова 1987 йилда: «Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларининг эски ва янги қисмини бирлаштиришдаги тadbирлар умумий йўналишда бўлибгина қолмай, балки ҳар бир шаҳар учун ўзига хос фарқли сифатларга ҳам эга. Самарқанддаги тadbирлар Тошкентдагидан фарқ қилади. Самарқандда тарихий обидаларга замонавий иншоотларни мослаштириш зарурияти мавжуд», – деб ёзган эди.

Самарқанднинг кўриб ўтилаётган даврдаги техник-иқтисодий ривожланиш асослари 1968 йилда «Ўздавлойиха» («Узгоспроект») институти ва ЦНИИП<sup>1</sup> шаҳарсозлик ҳамкорлигида тузилган бўлиб, 1980 йилларнинг иккинчи ярмига келиб ҳам Самарқанд шаҳри маркази тўлиқ шакланмаган эди. 1974 йилда шаҳар марказининг режаси қайта ишлаб чиқилган. Унда келажакда шаҳар аҳолиси сони 500 мингга етиши ва ҳудудининг деярли икки баравар ошиши кўзда тутилган. Яъни шаҳар ҳудуди 5790 га, марказининг эса 620 га бўлиши тахмин қилинган. Аммо турли сабабларга кўра 1969 – 1975 йиллардаги лойиҳалар амалга оширилмаган<sup>2</sup>.

Т. Қодированинг берган маълумотига кўра, 1980 йилларнинг иккинчи ярмида Самарқанд шаҳарсозлигида жиддий хатоликларга йўл қўйилган. Жумладан, Ленин майдонида турли маъмурий биноларнинг жойлаштирилиши тарихан шакланган шаҳарнинг тарихий қисми масшабини бузган. Максим Горький хиёбони тугаган жойда янги Ўзбек драма театри биноси ва бошқа режалаштирилмаган биноларнинг қурилиши шаҳарнинг тарихий марказига путур етказган. Шунингдек, шаҳар марказида ижтимоий-маиший ва инженер-техник инфратузилманинг нормадагидан анча паст даражада эканлиги кузатилган. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, 1979 йилда шаҳарни 2010 йилгача техник-иқтисодий ривожлантириш асосларини ишлаб чиқишни тақозо этган ва бу иш архитектор А. Зотов раҳбар-

<sup>1</sup> ЦНИИП – Центральный научно-исследовательский институт проектирования.

<sup>2</sup> Кадырова Т. Архитектура советского Узбекистана. Architecture of the soviet Uzbekistan. – Москва: Стройиздат, 1987. – С.153.

лигида УЗНИИП шаҳарсозлик ташкилоти ходимлари томонидан амалга оширилган. Унда Хишрав посёлкасини шаҳар ҳудудига қўшиб олиш режалаштирилган.

Мазкур ҳужжат асосида 1980 йилда Самарқанд шаҳрининг янги бош режаси ишлаб чиқилган ва у 1981 йилда тасдиқланган. Самарқанд шаҳри бош режаси 1984 йилда Москвада шаҳарсозликдаги энг яхши лойиҳа сифатида СССР Архитекторлар союзининг биринчи даражали дипломини қўлга киритган<sup>1</sup>.

Самарқанд шаҳрининг ушбу бош режасида анъанавий бир ва икки қаватли биноларни қуриш, 320 га ерни қамраб олган эски шаҳар қисмини сақлаб қолиш ва реконструкция қилиш шаҳарсозликнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида қўйилган. Бу даврда тарихий ёдгорликлар ҳолатига эътибор берилган бошланган ва шаҳарнинг тарихий қисмида йирик ҳажмли бинолар қурилиши тўхтатилган. Шунингдек, Регистон майдони атрофида кичик меъморий шакллар, фавворалар ўрнатилиб, кўкаламзорлаштириш ишлари бошланган<sup>2</sup>.

Бироқ кўпгина манбаларда Ўзбекистон шаҳарларида тураржой қурилиши режаси деярли доимий равишда бажарилмаганлиги қайд этилади. Худди шундай ҳолат 1954 йилда рўй бериб, айниқса, Самарқанд, Қарши, Тошкентда аҳвол оғир эканлиги таъкидланган<sup>3</sup>.

1950 йилларнинг бошига тегишли манбада келтирилишича, Самарқанд қурилиш идораси («Ремонтстрой») ходимлари томонидан мунтазам равишда қалбаки нарядлар асосида қонунга хилоф тарзда қурилиш ишларига ажратилган маблағлар ва қурилиш материаллари ўзлаштириб келинган. Коммунал хўжалик вазирлиги бунга аниқлаб, ишни прокуратурага топширган, ammo бунга қарши қонуний чора кўрилмагани натижасида қурилиш режалари бажарилмаган<sup>4</sup>.

ЎзССР Халқ хўжалиги советининг 1962 йил 16 августдаги «Тураржой ва маданий-маиший мақсадларга мўлжалланган объектларни қуриш ва фойдаланишга топширишнинг бориши ҳақида»ги қарорида ҳам кўрсатилган объектлар қурилиши бўйича режа жуда паст суръатларда бажарилаётгани қайд этилган. Жумладан, Самарқанддаги «Красный двигатель» заводида

<sup>1</sup> Кадырова Т. Архитектура советского Узбекистана ... – С.154 – 157.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – С.162 – 164.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-2388-жамғарма, 1-рўйхат, 74-иш, 46 – 65-варақлар.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. Р-2182 жамғарма, 1-рўйхат, 1818-иш, 91-варақ.



ҳам кузатилган ва бунга раҳбарларнинг ишга масъулиятсизлик билан қараши сабаб бўлганлиги кўрсатилган<sup>1</sup>.

Совет даврида шаҳарда саноат корхоналари ҳамда транспорт воситаларининг кўпайиши, ўз навбатида, атроф-муҳитнинг бузилиши каби экологик муаммоларга сабаб бўлган. Республиканинг энг кўп саноат корхоналари жойлашган шаҳарларида атмосфера ҳавосидаги муқим манбалардан чиқадиган зарарли моддаларни тутиб қолиш ва зарарсизлантириш борасида тadbирлар йўлга қўйилган. Жумладан, 1990 йиллар бошида Самарқандда 47,4 минг тонна зарарли моддалар зарарсизлантирилган, бу эса муқим-стационар манбалардан чиқувчи зарарли моддалар умумий миқдорининг 73,% ни ташкил этган<sup>2</sup>.

Умуман олганда, 1950 – 1990 йиллар оралиғида Самарқанднинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида муқим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, шаҳар аҳолиси салмоғининг ошиб бориши, саноат корхоналари сонининг кўпайиши, ижтимоий инфраструктура ривожини, шаҳар аҳолисига турли хизматлар кўрсатиш даражасининг ошиши кузатилди. Том маънода Самарқанд ўз давридаги катта шаҳарларга хос тараққиёт йўлидан борди. Бироқ совет тузумига иллатлар билан боғлиқ муаммолар ҳам шаҳар ва шаҳарликлар ҳаётини четлаб ўтмади.

*Ш. Раҳматуллаев,  
З. Эгамбердиева*

### **СОВРЕМЕННЫЕ ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ: ПРЕДВАРИТЕЛЬНЫЕ ВЫВОДЫ**

В суверенном Узбекистане демографическая политика страны претерпела коренные изменения. Прежде всего, она стала проводиться с учетом проблем переходного периода и в интересах населения. В ходе осуществления широкомасштабных реформ в Узбекистане и в его регионах, в том числе в Самаркандской области, сложилась новая демографическая ситуация,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Миллий архиви. Р-2384 жамғарма, 1-рўйхат, 90-иш, 26 – 27-варақлар.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги. 1994. Йиллик статистик тўплам. – Тошкент, 1995. – Б.219.

характеризующаяся следующими тенденциями: снижением абсолютного и относительного прироста населения республики; сокращением рождаемости и естественного прироста населения; заметным снижением детской и материнской смертности; повышением средней продолжительности жизни населения; миграционным оттоком населения из республики.

Учитывая основные направления государственной политики в демографической сфере, в данной статье проанализируем основные тренды, наблюдающиеся в одном из многочисленных и густонаселенных регионов Узбекистана – Самаркандской области. В некоторых аспектах народонаселения региона мы проведем сравнительный анализ областных показателей с республиканскими значениями, а также современных показателей (за 2018 год) со стартовым периодом (за 1992 г.).

Основными источниками данного исследования послужат статистические электронные материалы Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике (<https://stat.uz/uploads/docs/demog-yan-dek-ru18.pdf>), его регионального представительства – Управления статистики Самаркандской области ([http://www.samstat.uz/uploads/press-reliz/2018/Demografiya/yanvar\\_dekabr\\_2018\\_demografiya\\_pressreliz\\_ru\\_1.pdf](http://www.samstat.uz/uploads/press-reliz/2018/Demografiya/yanvar_dekabr_2018_demografiya_pressreliz_ru_1.pdf)). Данные, касающиеся начала 1990-х годов, отражены в печатном издании Комитета – «Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1993 году». Статистический ежегодник (Ташкент: Меҳнат, 1995. – 588 с.)

Известно, что Самаркандская область является одним из многочисленных, густонаселенных регионов Узбекистана. Если в начале 1990-х годов по численности населения она занимала 2-е место (после Ферганской области), то на современном этапе Самаркандская область лидирует по данному показателю. Город Самарканд является вторым (после Ташкента) по численности в республике и его население превысило 540 тыс. чел.

По состоянию на 1 января 2019 г. численность постоянного населения по Самаркандской области составила 3798,7 тыс. человек и за 2018 г. увеличилась на 78,6 тыс. человек, или на 2,1%. Аналогичные показатели по Республике Узбекистан составили 33254,1 тыс. чел., 597,4 тыс. чел. и 1,8%.

За годы независимости (1992 – 2018 гг.) население республики увеличилось примерно на 36,3% (на 12 млн чел. – с 21207,0 тыс. чел. до 33254,1 тыс. чел.). По Самаркандской области эти по-

казатели выше и составили 40,4% (на 12 млн чел. – с 2265,0 тыс. чел. до 3798,7 тыс. чел.).

Если среднегодовые темпы прироста населения Узбекистана в этот период составили от 1,5 до 1,7%, то по области они были равны почти 2%. Для сравнения: в 1980 – 1990 гг. среднегодовой темп прироста населения Узбекистана составлял 2,8%, а по области превышал 3%. Невзирая на интенсивный рост населения как по стране, так и по региону, по сравнению с советским периодом он на порядок ниже.

В целом, как отмечалось в Национальном докладе о человеческом развитии, сокращению рождаемости в Узбекистане способствовало<sup>1</sup>: изменение демографической политики на уровне государства, отказ от предыдущей советской стратегии материального и морального стимулирования многодетности; изменение политики в области охраны здоровья населения; переориентация населения на рождение и воспитание здоровых детей за счет увеличения числа лет между родами; стимулирование рождения детей женщинами в наиболее благоприятном возрасте – от 20 до 30 лет; значительное расширение доступа населения к средствам контрацепции, в том числе, предоставляемым на бесплатной основе; широкая пропаганда использования средств контрацепции для предупреждения нежелательной беременности; изменение семейных установок значительной части населения на ограничение рождаемости в связи со сложностями переходного периода. Последние включают удорожание жизни и материального обеспечения детей, а также сокращение государственных бесплатных услуг на содержание детей в детских дошкольных учреждениях; изменение в большом количестве семей привычного уклада жизни в связи с ростом миграции; изменение репродуктивных установок женщин на рождение меньшего числа детей в связи с возросшей финансовой ответственностью семей за воспитание детей. Это связано и с возрастающей ролью женщин в формировании финансовых ресурсов семейного бюджета в настоящее время, влиянием общемировых тенденций сокращения рождаемости.

Отдельно необходимо выделить политику правительства Республики Узбекистан в области планирования семьи, в частности, мероприятия Министерства здравоохранения республи-

---

<sup>1</sup>Образование в Узбекистане: баланс спроса и предложения // Национальный доклад о человеческом развитии. UNDP. 2007/2008. – С.73.

ки по внедрению методов контрацепции и пропаганды ограничения рождаемости, поддержке на уровне образовательных компаний, информирующих население о необходимости планирования семьи.

Основным источником роста численности населения Узбекистана на современном этапе является естественный прирост, который значительно перекрывает постоянный миграционный отток населения из республики в последние десятилетия. Вследствие этого в Узбекистане ныне сформировался новый тип динамики численности населения, в которой главенствующая роль принадлежит естественному приросту.

В постсоветском Узбекистане проблемы, связанные с урбанизированностью регионов, характерные советской эпохе, сохранились. Вместе с тем разработанная и реализованная собственная модель экономических реформ также оказала существенное влияние на развитие урбанизационных процессов. Динамика процесса трансформации выдвинула новые вызовы урбанизации. Во-первых, в связи с транзитным периодом значительная часть городских поселений в республике столкнулась со спадом экономической активности и, соответственно, с сокращением доходов местных бюджетов. Потенциал управления городами в условиях рыночной экономики также стал ограниченным. Во-вторых, подходы к развитию городов в постсоветскую эпоху исходили из своих возможностей по выстраиванию системы городского управления и поддержке социального и экономического развития городских районов.

В годы независимости как и в стране, так и в областях наметилась тенденция снижения удельного веса городского населения. Так, если в 1991 г. в городах Узбекистана проживало 40% населения страны, то в 2001 г. – 37%, а в 2006 г. – 36%. Это было вызвано опережающими темпами прироста сельского населения (рождаемости), административными ограничениями (система прописки), а также миграционным оттоком части городского населения, особенно в первые годы независимости<sup>1</sup>. Не слишком улучшило положение решение, принятое правительством в 2009 г. о придании статуса городских поселков 965 крупным сельским населенным пунктам. Невзирая на то, что

---

<sup>1</sup> Rakhmatullaev Sh., Salimov Sh. Topical issues of demographic development and employment in Uzbekistan (late XX – early XXI centuries) // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Issue 9. September, 2018. – P.9 – 15.

численность городского населения Узбекистана выросла на 4,4 млн человек<sup>1</sup> и показатели урбанизации превысили 55%, по прошествии 10 лет численность городского населения республики в 2018 г. составила 16805,0 тыс. чел., а урбанизированность снова снизилась до 50%.

Аналогичные тренды, но с более худшими показателями наблюдались и в Самаркандской области. Так, если в 1992 г. численность городского населения составляла 680 тыс. чел. и показатель урбанизации был равен 30%, то в 2018 г. количество городского населения превысило 1400 тыс. чел., а урбанизированность была равна 37,2% от общей численности населения региона.

Ситуация, связанная с острыми проблемами развития городов характерна не только для регионов республики, но и в целом для центральноазиатских республик, где наблюдается «концентрационная модель» урбанизации – сосредоточение населения и экономики в крупных и крупнейших городах. При этом малые и средние города, несмотря на их численность и социальную значимость, пока слабо участвуют в экономическом развитии стран региона. Кроме того, городская инфраструктура также испытывает растущую нагрузку. Возникли комплексные проблемы в сфере развития городской коммунальной инфраструктуры: высокий уровень износа инженерных сетей и сооружений; низкий уровень обеспеченности приборами учета потребления ресурсов; технологическая отсталость отрасли, в том числе слабая практика применения инновационных энерго- и ресурсосберегающих технологий и мероприятий; недостаточные объемы финансирования проектов по реконструкции сетей и сооружений из внебюджетных источников.

Учитывая, что процессы обновления в республике начались в непростой обстановке, решить комплекс социальных проблем, унаследованных или обретенных в период распада бывшего Союза и в первые годы независимости, было невозможно в силу воз-

---

<sup>1</sup> Одним из факторов урбанизации в Узбекистане в переходный период стала административно-территориальная реформа. С 2005 по 2009 г. в Узбекистане была проведена инвентаризация сельских населенных пунктов с числом жителей не менее 2000 человек и принимались решения о придании им статуса городских поселков согласно действующему законодательству и стандартам ООН по вопросам народонаселения. В соответствии с Постановлением Кабинета Министров №68 от 13 марта 2009 г. «О дополнительных мерах по совершенствованию административно-территориального устройства населенных пунктов Республики Узбекистан», статус городских поселков получили 965 сел (с общим населением в 4,4 млн человек).

действия целого ряда факторов, прежде всего, экономических, не позволяющих в полной мере реализовать основные принципы и приоритеты социальной политики республики. Среди них можно отметить экономический спад на начальном этапе, обусловленный нарушением хозяйственных связей и сопровождавшийся снижением уровня занятости, психологической неподготовленностью населения к рыночным реформам и т.д.

Демографическая нагрузка вкупе с экономическими проблемами обострили назревшую еще в советскую эпоху проблему занятости. Опережающие темпы роста населения 1970 – 1980-х годов крайне негативно сказались на характере прироста трудоспособного населения в 1990-е годы, а также в начале 2000-х годов и обострили проблему занятости. По официальным данным, показатель безработицы в Самаркандской области составляет 10%, если же учитывать временную занятость населения, то уровень незадействованного трудового потенциала региона намного превысит официальные показатели.

Эти и другие социально-экономические проблемы и противоречия, наблюдавшиеся как в Самаркандской области, так и в остальных регионах республики, привнесли новые виды и формы миграции<sup>1</sup>. Если рассматривать этапы процессов миграции за последние два десятилетия, то можно заметить резкие изменения в их мотивах и направленности.

Так, в первой половине 1990-х годов миграция охватывала, в основном, русскоязычное население и другие нацменьшинства, реэмигрировавшие на историческую родину в связи с дестабилизацией межэтнических отношений на всём постсоветском пространстве<sup>2</sup>. Однако со второй половины 1990-х годов миграция приобретает явную экономическую направленность и обуславливаются стремлением людей улучшить своё материальное положение<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Сезонная, временная, долгосрочная, региональная, приграничная, легальная и нелегальная и т.д.

<sup>2</sup> Как показала практика, реэмиграция населения не всегда складывалась благоприятно. Так, по некоторым данным, в период с 1989 по 2004 г. в Россию из ближнего зарубежья прибыло около 5,5 млн русских, из которых около 2 млн затем вернулись обратно, столкнувшись на исторической родине не только с материальными трудностями, но и с неблагоприятным отношением со стороны государства. (Трансформация миграционных процессов на постсоветском пространстве / Под ред. Рыбаковского Л.Л. – М.: Ин-т соц.-полит. исслед. РАН, 2009. – С.17).

<sup>3</sup> См.: Муртазина Р.Б. Миграция в Узбекистане: современная ситуация и направления ее регулирования // Общественные науки в Узбекистане. 2007. №6. – С.56.

Вместе с тем, современная внешняя трудовая миграция населения вызвана целым рядом социально-экономических факторов и предпосылок. Важными среди них являются напряжённость рынка труда (особенно в трудоизбыточных регионах) и возможность получения относительно высоких заработков на внешних рынках. С другой стороны, трудовая миграция имеет большое значение для страны: она снижает демографическое давление на локальные рынки труда, особенно в густонаселённых регионах, и служит существенным фактором, снижающим риски малообеспеченности.

Однако основная масса трудовой миграции происходит неорганизованно и носит стихийный характер. Спрос населения на работу за рубежом пока ещё значительно превышает имеющиеся возможности организованного экспорта рабочей силы.

Таким образом, Самаркандской области, как и остальным регионам страны, переживающим переходный этап развития, характерны, вкуче с демографическими, урбанизационными проблемами, практически все общепринятые композиционные структуры безработицы: фрикционная, структурная и циклическая. Высокий демографический потенциал и соответствующая возрастная структура населения Самарканда сохранятся и в отдаленной перспективе, что порождает ряд проблем, связанных с обеспечением занятости молодёжи, совершенствованием структуры занятости экономически активного населения, формированием структуры и регулирования миграционных процессов.

С. Давлатова

## **МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА САМАРҚАНД АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўзбекистонда миллий ҳунармандчиликка бўлган эътибор мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб янги босқичга кўтарилди. Қадимдан миллий ҳунармандчиликнинг йирик марказларидан саналган Самарқандда мустақиллик йилларида ушбу соҳа жадал ривожланиб, ҳунармандлар сафи кенгайиб, уй шароитида кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, каштачилик, дўппидўзлик, наққошлик, тадбиркорлик ва бошқа ҳунар турлари билан шуғулланиб келмоқдалар.

Бугун миллий маданиятни сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш, ҳунармандчилик соҳасидаги ишлаб чиқаришда анъанавийликни тиклаш табиий жараёнга айланди. Ҳунармандчиликни ривожлантириш орқали Ўзбекистонда аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабини қондириш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида хусусий корхоналар фаолиятига ҳам кенг ўрин берилди. Бундай имкониятлар туфайли ҳунармандлар яратаётган маҳсулотлар сифати, салмоғи ва тури ҳам кескин ортди. Агар 1996 йилда атиги 1,9 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2016 йилда 4,7 миллиард сўмлик, жорий йилнинг олти ойида эса ҳунармандчиликнинг 25 йўналиши бўйича мингдан ортиқ турдаги 3 миллиард 171 миллион сўмлик бадий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу маҳсулотларни яратаётган 994 нафар уюшма аъзолари қадимий касбларни қайта тиклаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уюшма улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар сотувини ташкил этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳунармандлар ясаган буюмларни экспортга чиқаришга кўзбекистон Миллий архивиклашишга ёрдам бермоқда.

Самарқандда гиламдўзлик тарихи милоддан аввалги I мингйилликка бориб тақалади. Ўша даврларда гилам, шолчалар тўқилиб, ҳатто чет давлатларга сотилган. Гилам ва гилам маҳсулотларидан уй ичини безаш, хоналарни иссиқ сақлаш, сокинликни таъминлаш учун фойдаланишган. Самарқандда гиламнинг патли ва патсиз, тўқима, тикма ва босма тури кенг тарқалган. Айниқса, Пайариқ тумани Кўлтўсин маҳалласида ҳозиргача гиламлар жун, ипак, каноп, пахта ва бошқа иплардан бир неча тур, йўналиш ва усулларда тўқиб келинади. Ҳозир Пайариқда гиламнинг тикма ва босма турлари хоналарнинг ҳажмига мослаштириб тўқиш урфга кирган<sup>1</sup>.

Ургут гиламдўзларининг «Лола», «Шахмат», «Шоҳча» ва бошқа нусхадаги қўлда тўқилган гиламлари Монреал павильонларида хорижликларнинг юксак эътирофларига сазовор бўлган<sup>2</sup>.

Истиклол туфайли Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Афғонистон-Самарқанд-Бухоро» ишлаб чиқариш корхонасида ҳам гиламдўз аёлларнинг касбий малакаларини ошириш мақсадида Афғонистондан махсус ҳунармандлар чақирилиб, ўзаро

<sup>1</sup> Дала ёзувлари. Пайариқлик гиламдўз Гулчеҳра Нуруллаевадан ёзиб олинди. 2017 йил.

<sup>2</sup> Маҳмадмуродов Ў. Ургут ва ургутликлар. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б.80.



тажриба алмашиш ишлари йўлга қўйилган. Халқ амалий санъатининг мураккаб ва бетакрор тури – ипак гилам тўқишга ихтисослашган «Самарқанд Бухоро ипак гилами» қўшма корхонасида табиий бўёқларда қўлда нафис, сержило ва тўлиқ табиий хомашёдан тайёрланган ипак гиламлар ўз харидорини топмоқда. Жумладан, 2018 йил 6 июнь куни Россия этнография музейида «Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва мамлакатлар ўртасида мулоқотга йўл» иккинчи халқаро конгресси доирасида илктадбир – Ўзбекистон бадиий тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмасида Самарқанднинг тўқимачилик, зардўзлик ва гиламдўзлик маҳсулотлари хорижликларнинг юксак эътирофига сазовор бўлди. Ушбу қадимий ҳунар турларини ёшларга ўргатиш, ҳунармандларни рағбатлантириш, тарғиб қилиш ва тажрибаларини оммалаштириш, музейлар ташкил этиш туризм ривожига ҳам муайян ҳисса қўшишга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида Самарқандда кулолчиликнинг бир неча турлари равнақ топди. Самарқандда кулолчиликнинг ривожланишида оилавий ҳунармандчилик корхоналари алоҳида ўрин тутди. Матлуба Умарова бошлиқ оилавий кулолчилик корхонасида ишлаб чиқарилаётган буюмлар, айниқса, каттакичик ҳайкалчалар кўргазмаларда чет эллик сайёҳлар эътиборига сазовор бўлмоқда. Чунки хорижда кулолчилик маҳсулотлари, яъни сопол экологик тоза маҳсулот саналиб, намликни мувофиқлаштириш, ҳаво ўтказиш каби хусусиятларга кўра чинни, хрустал ҳамда металдан ясалган рўзғор анжомларидан фарқ қилади. Мутахассислар фикрича, сопол идишларда саломатликка зиён етказувчи хусусиятлар мавжуд эма. Шу боис ҳозирда кафе ва ресторанларда сопол идишлардан кенг фойдаланилмоқда. Сопол буюмларни хориж бозорларига олиб чиқиш учун бугун уларни ўрайдиган мустаҳкам қути ва ўрамлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Тўқувчилик соҳасида Ургут туманида ҳозирда 143 та саноат корхонаси мавжуд бўлиб, чит, бўз тўқиш, матога гул босиш ва безак бериш, сунъий тола ишлаб чиқариш, тикувчилик, пайпоқ тўқиш, спорт кийимлари ишлаб чиқариш, кулолчилик, каштадўзлик, пиллакашлик, шойи тўқиш, трикотаж, тикувчилик, мебел, пойабзал фабрикалари, чинни заводлари фаолият кўрсатади. Афросиёб шаҳар қолдиқларидан топилган моддий манбалардан маълумки, қадимий Суғд аҳолиси мато тўқишда жуда моҳир бўлиб, ҳунармандлар тўқиган маҳсулот-

лар Буюк Ипак йўли орқали хитой ва бошқа қўшни давлатларга олиб кетилган<sup>1</sup>.

Ургут қадимдан ҳунармандлар ватани бўлиб, унда пичоқчилик, кулолчилик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги тараққий этган, бу ерда қатор ҳунар эгаларининг сулолалари етишиб чиққан<sup>2</sup>. Туманнинг Ғўс қишлоғида яшовчи каштадўзларнинг тўртинчи авлод вакили Мавлуда Ҳамдамова «Асрлар садоси» ва «Базар арт» кўргазмаларида ўзи тиккан кашта ва миллий либослар билан қатнашиб эътибор ва эътирофга сазовор бўлди<sup>3</sup>. У АҚШ, Миср, Саудия Арабистони ва Европа давлатларидан келган ўнлаб сайёҳлар учун совғабоп буюмлар ясаб бермоқда.

Самарқандда Конибил қишлоғи «Мерос» фабрикасида қўлда маҳаллий усулда қоғоз ишлаб чиқарилади. 1998 йил 23 июнда ҳунарманд тадбиркор Зариф Мухторов «Конибил Мерос» хусусий қоғоз ишлаб чиқариш корхонасини очди<sup>4</sup>. Қоғоз ишлаб чиқариш технологиясига кўра хомашё тут пўстлоғидан олинади. Қадимдан маълумки, Сиёб ариғи бўйида қатор тутзорлар бўлиб, ўрта асрларда тут новдасининг пўстлоғидан, баъзан унга атиргул барги шарбатини қўшиб хушбўй қоғозлар ҳам ишлаб чиқарилган. Ҳозирда ҳам тут пўстлоғининг ташқи тарафи тозаланиб, узоқ вақт катта бочкада қайнатилади, сўнг ҳовончада ҳамирсимон ҳолатга келгунга қадар урилади. Кейин ҳосил бўлган «хамир» сув тўлдирилган ёғоч бочкага солинади, аралаштирилиб, махсус сито ёрдамида сузиб олинади. Сузиб олинган аралашма флазелин тахтачаларга бостирилади. Тайёр бўлган қоғоз тахтачалардан астагина ечилиб, вертикал ҳолатда бир кун давомида қурилади. Қурилган қоғоз жуда қаттиқ бўлади<sup>5</sup>. Қоғоздаги ғадирбудирликни кетказиш учун унга мрамор столда мрамор бўлағи ёки суяк шох ёрдамида ишлов берилади. Натижада самарқандча қоғоз силлиқланади.

Фабрика асосчилари ака ука Мухторовларнинг қоғоз ишлаб чиқариш анъаналарини тиклаш учун ўн йил вақт кетган экан<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Алмазова Н. Ткачество в Самарканде античного времени // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.26.

<sup>2</sup> Маҳмадмуродов Ў. Ургут ва ургутликлар... – Б.74.

<sup>3</sup> «Ҳунарманд» уюшмаси йиллик ҳисоботи. 2016 йил.

<sup>4</sup> Султонова Д., Мухторов З. «Муқаддас қоғоз» ёхуд Самарқанд қоғозининг қайта тикланиши // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.163.

<sup>5</sup> Самарқанд вилоят ҳокимлиги расмий веб сайти.

<sup>6</sup> Самарқанд вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси бўлими жорий архиви. 2017 йил.

Самарқанд қоғози сарғиш тусга эга бўлиб, атайлаб кимёвий то-залаш воситалари ёрдамида оқартирилмагани учун ҳам оқ қоғозлардан фарқ қилади, сақланиш муддати ҳам узоқдир. То қизғиш- малла тусгача бўлиб, тўқ ва зарғалдоқ рангни ҳосил қилиш учун қоғоз қоринмасига турли миқдорда хино қўшилгани тўғрисида ҳам маълумотлар учрайди.

Корхонада илк бор қоғоз пахта толасидан тайёрланган бўлса, кейинчалик зиғир, ипак толасидан ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Ушбу лойиҳа ЮНЕСКО ва Япониянинг ЛСА ташкилоти ҳомийлигида амалга оширилиб, Самарқандда йўқолиб бораётган қадимий, анъанавий халқ санъатини қайта тиклашни ривожлантиришга қаратилган. Тарихдан бизга маълумки, Кони-гил қишлоғи Сиёб ариғи ёнида 2 мингтага яқин сув тегирмонлари ишлаб турган, ҳозирда қўлда қоғоз ишлаб чиқаришга мўлжалланган ягона сув тегирмони сақланиб қолган бўлиб, у тахминан 300 йил аввал фаолият кўрсатган қоғоз устасининг тегирмони ўрнида ўрнатилгани ҳам эътиборга лойиқдир. Элчи Руи Гонзалес де Клавихо кундалигида тилга олган ана шу сув тегирмони атрофида қоғоз ишлаб чиқариш жараёни чет эл давлат арбоблари, сайёҳлари ва меҳмонлар ҳайратига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда ипак толасидан тайёрланадиган Самарқанд қоғози сифат жиҳатидан XIII – XIV асрларда ишлаб чиқарилган қоғозлардан қолишмайди. Самарқанд ипак қоғозининг тикланиши «абадий қоғоз»ни яратиш, яъни қўлёзмалар умрини минг йилларга узайтириш имконини беради. Айниқса, бу технологик жараён ҳозирда қўлда бажарилиб, келажакда замонавий технологияларни жалб этиш режалари ишлаб чиқилмоқда. Бугун Кони-гил фабрикасида қадимий қўлёзмаларни тиклаш ишлари йўлга қўйилиб, ўзбек рассомлари қўлёзмалардаги қадимий миниатюраларни тиклашмоқда.

Хорижлик сайёҳлар учун Самарқанд шаҳридаги «Регистон плаза», «Регал палас», «Регистон», «Нодир Самарқанд» меҳмонхоналари, «Чорсу» тасвирий санъат галерияси, «Хунармандлар маркази» ҳамда Регистон майдонининг Шердор мадрасаси ёнида ва Мирзо Улуғбек мадрасасида хунармандлар томонидан яратилган 27 турдаги халқ амалий санъати намуналари кўрғазмалари доимий равишда ташкил этилади. Уларда миниатюрачиму савирлар ишлари (Ҳабиб Турдиалиев, Мансур Нуруллаев), зардўзлик маҳсулотлари (Шавкат Зоҳидов), кашталар (Мавлуда Ҳамдамова), тери ва чармдўзлар ишлари (Сайёд

Жўраев, Феруз Бердиев), митти мусиқа асбоблари, ўймакор нақшли сандиқчалар, халқ қаҳрамонлари ҳайкаллари, совғабоп ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қадимий шаҳарлардан Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз сингари Самарқанд шаҳри ҳам маданият, фан, ва сиёсат ривожига қўшган муносиб ҳиссаси ва хорижлик сайёҳларни ўзига жалб қилгани учун қадимий цивилизация маркази деб эълон қилинди. БМТ қошида халқ амалий санъати ташкилий қўмитаси тузилиб, қўмита томонидан «БМТ, ЮНЕСКО Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилигини тиклаш ва ривожлантириш дастури» қабул қилинди. Бунда халқ миллий амалий санъатини ривожлантириш масалалари кўтарилган бўлиб, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида «Ҳунармандлар ассоциацияси» ташкил этилди. Натижада дунё мамлакатлари бозорларида шаҳарнинг ҳунармандчилик маҳсулотлари тижорати кучайиб, ҳунармандусталар даромадлари ҳам ортиб бормоқда.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ўзбек миллий маданиятини жаҳон мамлакатларига ёйишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳунармандлар ва ҳунармандчилик буюмларини жаҳонга танитиш мақсадида 1990 йил иккинчи ярмидан бошлаб Европа, Америка ва Осиё қитъаларида қатор кўргазмаярмаркалар уюштириб келмоқда.

1997 йили Ҳиндистоннинг Ҳайдарабод шаҳрида жойлашган Даскар университетида ўтказилган табиий бўёқлар кўргазмасида Самарқанд ҳунармандлари ҳам иштирок этишиб, ўзаро тажриба алмашишди<sup>1</sup>.

Самарқандда бетакрор ҳунармандчилик намуналари маҳоратли ва зукко ёшларга ўргатиш учун 2010 йилда вилоят бўйича 51 та «Усташогирд» мактабига 141 нафар ёш жалб қилинган бўлса, 2016 йилда 157 та мактабда 650 нафар ёшлар ҳунар сирларини ўрганиши таъминланди.

Ривожланган мамлакатлар ва қулай жаҳон савдосотиқ марказлари ҳисобланган йирик шаҳарларда ҳунармандчилик буюмлари сотиладиган дўконлар тизими шаклланди. Самарқанднинг заргарлик, кулолчилик (сопол идишлар), каштачилик буюмлари, бешиклар, сандиқ ва уй-рўзғор юмушларида ишлатиладиган буюмлар сотиладиган дўконлари Истанбул (Туркия), Токио (Япония), Санкт-Петербург (Россия), Олмаота (Қозоғистон), Нью-

---

<sup>1</sup> «Ҳунарманд» уюшмаси ҳисоботлари. 2014 йил.

Йорк, Санте-Фе (АҚШ), Дубай (БАА), Қошғар, Ёркент (Хитой) шаҳарларида очилди<sup>1</sup>.

XX асргача Самарқанд вилоятида мавжуд бўлган, кейинчалик йўқолиб кетган металга ишлов бериш, ип ва газламаларни табиий ранг билан бўяш, локли миниатюра санъати, кандакорлик, терига бадий ишлов бериш ва тўқувчилик қайта ривожланди. Ганчкорлик, наққошлик, ёғоч ва тош ўймакорлигининг Самарқандга хос услуби тикланди.

Хусусан, оқдарёлик ёғоч ўймакорлиги устаси Жамол Эсонов мазкур йўналишда фаол иш олиб бормоқда. У Улуғбек расадхонаси, Шоҳи Зинда ва Мурод авлиё зиёратгоҳлари эшиклари ҳамда пештоқларини ўзининг ўймакорлик санъати билан безади. Шунингдек, тумандаги Арпа, Янгиобод қишлоқлари ёшларига ҳунар сирларини ўргатмоқдалар. Вилоятда мавжуд ҳунарлар бардавомлигини таъминлаш мақсадида 11 йўналиш бўйича 154 та «Усташогирд» мактаблари ташкил этилиб, 1000 дан ортиқ ёшларга ўз касб сирларини ўргатиб келмоқдалар. Шунингдек, уюшма аъзолари мис ва жез кандакорлиги, ип газламаларга ранг бериш<sup>2\*</sup>, миллий мусиқа асбобларини яшаш, терига ишлов бериш, миниатюра мактабларини ривожлантирмоқдалар. Жумладан, Мансур Нуруллаев ва Олим Шамсиев каби рангтасвир усталари қоғоз, ипак ва силлиқлаб ишланган матоларга, қутига, сандиққа, қаламдонларга бетакрор миниатюра асарларини тушириш маҳоратини эгаллашди. Аҳмад Умаров Самарқанд миниатюра мактабини қайта тиклади.

Самарқанднинг ҳар бир туман ва шаҳарида ҳунармандлар марказлари, бозорлар ҳамда савдо мажмуаларида савдо расталари ташкил этилган. Ҳунарманд хаттот Шавкат Истамов бебаҳо ва ноёб қўлёзма асарларни тиклаш, таъмирлаш, муқовалаш мақсадида қадимий хаттотликни йўлга қўйди. Ҳозирда Самарқанд «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо ҳунармандлар 1070 дан ортиқ кишини ташкил этади. Уста ҳунармандлар маҳсулотларини кенг жамоатчиликка намойиш этишда республикада «Ташаббус» кўриктанловида ҳар йили Самарқанддан 50 дан зиёд ҳунармандлар иштирок этишиб, «Энг яхши ҳунарманд» номинацияларини олиш учун ўз маҳсулотларини намойиш қилиб келишмоқда. Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> \* Шу мақсадда вилоятда исфарақ, рўян ва ўсимликлар етиштириладиган ерлар ташкил этилди.

ҳунармандлар маркази» унитар корхонасида кулолчилик, наққошлик, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги каби 14 йўналишда усталар фаолият олиб бориб, бозор учун юздан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар<sup>1</sup>. «Миллий қадриятимиз ҳисобланган зардўзликда СамарқандБухоро йўналишида 30 турдаги қадимий ва замонавий кийимкечакларни тикишни ўзлаштирдим ва бугунги кунда 400 га яқин шогирдларга ушбу касб сирларини ўргатиб келмоқдаман», – дейди «Шухрат» медали соҳиби зардўз Ҳамида Иноятова. Унинг тайёрлаган маҳсулотлари Россия, Япония, Франция, АҚШ, Германия ва Италия давлатларида ўтказиб келинаётган қатор нуфузли танлов, фестиваль ва халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, турли совринлар ва юсак эътирофларга эришди. Бу эса мустақиллик йилларида ўзбек ҳунармандлари тайёрлаган маҳсулотларни жаҳон бозорларида сотиш учун янги имкониятлар юзага келганини яна бир бор тасдиқлайди.

*Х. Мамараҳимов*

## **МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА САМАРҚАНД ШАҲРИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН**

Зарафшон воҳасининг энг қадимги ва навқирон шаҳарларидан саналган Самарқанд Марказий Осиё илм-фан тараққиётида муҳим ўрин эгаллаб келган. 2007 йилда 2750 йиллиги кенг нишонланган Самарқанд Шарқ дурдонаси сифатида йиллар сайин жаҳон саҳнасида баланд кўтарилиб бормоқда. Самарқандда мустақиллик йилларида таълим тизимининг умумтаълим мактабларида таълим-тарбияни ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин 29 йил ичида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва миллий маънавият соҳаларида туб ислохотлар туфайли юртимизда обод ва эркин фаровон ҳаёт асослари барпо этилди.

<sup>1</sup> Самарқанд «Хунарманд» уюшмаси ҳисоботлари. 2017 йил.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзбек халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда ёшлар онгига сингдиришнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган. Конституция барча фуқаролар қатори ёшларнинг ҳам ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолатларини ўзида акс эттиради. Жумладан, унинг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», 45-моддасида «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир» деб белгилаб қўйилгани фикримиз далилидир<sup>1</sup>. 1997 йил 29 августда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди. Қабул қилинган дастурга мувофиқ республикамизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди<sup>2</sup>.

2012 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган мажлисда республиканинг биринчи Президенти И.А. Каримов «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталган эди. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилди<sup>3</sup>.

Дарҳақиқат, Самарқанд шаҳримиз ўз мустақиллигининг 29 йили ичида таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган қонун ва ҳужжатлардаги муҳим йўналиш ва натижалар ижросини таъминлади, 2004 йил 21 майда «2004 – 2009 йилларда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б.17.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.12.

<sup>3</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Тошкент: Ўзбекистон, 2012. 15-б.

мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши миллий таълим ривожига янги тарихий босқични бошлаб берди.

Мустақиллик даврида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш соҳасидаги ишлар амалга оширилди. Самарқанд шаҳрида 81 та умумий ўрта таълим мактаби (2012 йил), 1 та ёрдамчи мактаб ва 1 та удум мактаби, 1 та йўлдош мактаб бор, жами ўқитувчилар сони 3700 нафардан ошган. Шулардан олий маълумотлилар сони 3512 нафар, тугалланмаган олий маълумотлилар сони 192 нафар, малакали тоифали ўқитувчилар сони 1608 нафарни ташкил қилган. Бошланғич таълим ўқитувчилари жами 873 нафар, инглиз тили ўқитувчилари 873 нафар, информатика фани ўқитувчилари 92 нафар бўлган. Ихтисослаштирилган мактаблар сони 4 тага етган, уларда ўқитувчилар сони 259 нафарни ташкил қилган<sup>1</sup>.

Ҳозирда Самарқанд шаҳар мактабларида 840 номдаги тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Тўғарақларни бошқарадиган ўқитувчилар сони 30 дан ортиқни ташкил қилади. Самарқанд шаҳрида янги қурилган мактаблар сони 56 та, комплекс реконструкция қилинган мактаблар сони 8 та, комплекс таъмирланган мактаблар 19 та, жорий таъмирланган мактаблар 22 та. 2010 – 2013 йилларда 12 та янги мактаблар капитал таъмирланган. 2014 йилда шаҳарда 3 та мактаб таъмирлаш дастурига киритилган<sup>2</sup>. Бугунги кунда шаҳар умумтаълим мактабларида 3710 нафар ўқитувчи ўқувчиларга таълим-тарбия бермоқда, ёшларга юксак педагогик технологиялар асосида билим бериш, илмфан соҳаларини чуқур ўргатиш учун барча шароитлар яратилган. Техника воситалари, ахборот-ресурс маркази, компьютер синфи, ўқитувчи ва ўқувчилар ихтиёридаги компьютерлар интернет тармоғига уланган. Кўпчилик мактаблар веб-сайти очилган бўлиб, унга асосий маълумотлар киритилган<sup>3</sup>.

Айниқса, хорижий тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш борасида Самарқанд шаҳрида янгича ёндашувлар амалга оширилмоқда. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қа-

---

<sup>1</sup> Самарқанд шаҳар Халқ таълими бошқармасининг 2012 йилдаги йиллик ҳисоботи.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.



рорига кўра шаҳар мактабларида чет тилини 1-синфдан бошлаб ўргатиш йўлга қўйилган. Шаҳар мактабларида инглиз, немис ва француз тилларини давлат таълим стандартлари ва фан дастурлари асосида олиб бориш йўлга қўйилган. Масалан, Самарқанд шаҳридаги 51-умумтаълим мактаби ўн икки йилдирки немис тилини чуқур ўргатишга ихтисослашган, нафақат вилоятда, балки республикада ўз ўрни ва нуфузига эга<sup>1</sup>. Билимлар беллашуви, фан олимпиадаларида шаҳар мактаблари ўқувчилари ўртасидаги ўзаро рақобат ҳам ошиб бормоқда. Вилоят ва республика миқёсида ўқувчилар фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

2018 йил сентябрда шаҳардаги 43-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби «Амир Темур салтанати», «Самарқандга, Амир Темур даврига саёҳат» номли асарлари билан жаҳонда шуҳрат қозонган франциялик темуршунос олим, профессор Люсьен Керен номи билан аталадиган бўлди<sup>2</sup>. Бу Ўзбекистон ва Франция Республикалари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, аynиқса, фан-таълим, маданият соҳаларидаги ҳамкорликнинг юксак самараларини кўрсатади. Француз тили чуқурлаштирилган тартибда ўқитиладиган мазкур мактабда аynи пайтда 1074 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Мазкур муассасада 1971 йилдан буён француз тили чуқурлаштириб ўқитилади. Бугун Самарқандда хорижий тилларни ўрганишга катта эътибор қаратилаётгани чет тилини пухта ўзлаштиришни мақсад қилган ёшлар сафининг кенгайишини таъминламоқда.

2017/2018 ўқув йилида таълим-тарбиянинг сифати ва самардорлигини ошириш, иқтидорли ўқувчи ёшларни кашф этиш, уларни рағбатлантириш, соҳада мавжуд камчиликларнинг олдини олиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. 7-умумтаълим мактабида «Ўқув жараёнига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар», 5-умумтаълим мактабида «Мураккаб мавзуларни ўтишда услубларнинг ўрни», 9- ва 77-умумтаълим мактабларида «Намунали таълим муассасаси» мавзуларида очиқ дарслар, таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва ўқитувчилар учун амалий семинарлар ташкил қилинди. 33- , 49- , 64-умумтаълим мактабларида кимё, 14- , 37- , 45- , 66-умумтаълим мактабларида

<sup>1</sup> Зарафшон. 2012 йил 26 январь.

<sup>2</sup> <http://www.samarkandnews.uz/frontend/web>. 13.09.2018.

биология, 20- , 29- , 63-умумтаълим мактабларида география, 14- , 63- , 64-умумтаълим мактабларида она тили ва адабиёт, 1- , 14- , 37- , 42- , 68-умумтаълим мактабларида тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари фанларидан таянч мактаблар ташкил этилиб, уларда шаҳардаги барча фан ўқитувчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда машғулотлар ўтказишди<sup>1</sup>.

Шаҳар мактаб ахборот-ресурс марказларининг китоб фонди 37076 тани ташкил этади, бу марказлар йил давомида ўртача 8901 нафар фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Жорий йилнинг апрель ойида бўлим тасарруфидаги барча мактабларда ўтказилган китобхонлик тадбирлари натижасида ҳомийлар ва ота-оналар томонидан кутубхоналарга 10238 тадан ортиқ бадиий адабиётлар тақдим этилди. 2017/2018 ўқув йилида умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг «Китоб ўқиш» кўрсаткичи ҳар бир ўқувчига 8,9 донани ташкил этди<sup>2</sup>.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида замонавий талабларга жавоб берадиган зарур спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт майдончалари, спорт иншоотлари, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзаларига катта эътибор берган жисмоний тарбияга ихтисослашган мактаблар барпо этилди. Масалан, шаҳарда «Баркамол авлод мактаби» 1 та, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби 3 та, 1 та «Дельфин» спорт комплекси мавжуд бўлиб, ёшларга хизмат қилмоқда. Шаҳар мактабларида жисмоний тарбиядан дарс берадиган ўқитувчилар 178 нафар, улардан олий маълумотлиси 152 нафар, ўрта махсус маълумотлиси 26 нафарни ташкил қилади. Айниқса, Самарқанд шаҳар умумтаълим мактабларида таълим- тарбиянинг сифат ва самарадорлигини ошириш, мактабларда давлат таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактабларнинг моддий базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига эътибор берилмоқда.

Самарқанд шаҳар таълим бошқармаси ташаббуси билан маҳалла оқсоқоллари ёки маҳалла қўмиталари аъзолари иштирокида ота-оналар вакили ва мактаб ўқитувчиларидан иборат «Педагогик кенгаш» ташкил этилган. «Педагогик кенгаш»-нинг жадвали асосида мактаб ўқитувчилари ҳар бир кварталда очиқ ҳисобот дарсини беради. Очиқ ҳисобот дарсида ўқитувчи янги педагогик технологияларни қўллаб дарс ўтади. Таълим тизимининг мазмуни бойитилиб, ижодий дарс ташкил қили-

<sup>1</sup> <http://www.samarkandnews.uz/frontend/web/index>.22.08.2018 йил.

<sup>2</sup> <http://www.samarkandnews.uz/frontend/web/index>. 22.08.2018 йил.

ниб, дарс ноанъанавий усулда, мунозарали ва мазмунли ўтади. Замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар қўлланади. Натижада дарсда ижобий натижаларга эришилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида юртимизда, вилоятимизда ва Самарқанд шаҳрида бугунги кун талабларига жавоб берадиган таълим тизими яратилди. Жумладан, 2012 йилда давлат жами харажатларининг қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга сарфланди. Давлат бюджети маблағларнинг 34 фоизидан кўпроғи таълимга, 14,6 фоизи соғлиқни сақлашга йўналтирилди. Бу эса мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли, танланган йўналишга мос касб тайёргарлигига эга авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш имконини бермоқда. Дунё инновацион тараққиётининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича мамлакатимиз 141 мамлакат ичида 35-ўринни эгаллагани, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича иккинчи ўринни банд этгани таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин самарасидир<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2017 йил ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таҳлил қилиб, таълим тўғрисида қуйидагиларни қайд этган эди: «Жорий йилда янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаблари барпо этилди. 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида юртимизда 11 йиллик таълим қайта тикланди. Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Зарафшон. 2013 йил 2 февраль. <http://www.xabar.uz/siyosat /23.12.2017>.

<sup>2</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабрь.

Давлат раҳбари ташаббуси билан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, мавжуд муаммоларга барҳам бериб, тизимга янгича ёндашувни шакллантиришга қаратилган ўнлаб қарор ва фармонлар қабул қилинди. Ўқитувчиларнинг қадрқиммати кун сайин ортапти. 2018 йил 14 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор<sup>1</sup> муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорда, айниқса, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, турли ижодий ва таълим тўғараклари, спорт секциялари, болаларнинг соғлом руҳда тарбияланиши ва тўғри ҳаёт йўлини танлаши, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Самарқанд шаҳрида умумтаълим мактабларидаги ислохотлар, таълимнинг замонавий илғор усуллари кенг жорий қилиниши, таълим-тарбияга бўлган эътиборнинг тубдан яхшиланиши ўзининг самарасини бермоқда. Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси ва дунёқарашини кенгайтириб, халқаро фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловларда иштирок этиб Самарқанд шаҳри мавқеини республика ва жаҳон миқёсида оширмоқдалар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. <http://www.uza.uz/oz/documents/>. ПҚ-3907-сон, 2018 йил 14 август.

II Қисм

**САМАРҚАНД ВА ЗАРАФШОН ВОҲАСИ**

---

**ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ**

Часть II

**ИСТОРИОГРАФИЯ И ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ**

**САМАРКАНДА И ЗЕРАВШАНСКОЙ ДОЛИНЫ**



## ТАРИХШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИГА ДОИР

Тарихшунослик тарихий билимларнинг махсус соҳа-си сифатида тарих фанининг таркибий қисми ҳисобланади. Тарих фани, унинг ривожига таъсир кўрсатган омиллар, турли концепциялар ва қарашларнинг шаклланиши, илмий-ташкilian жараёнлар, тарихчи фаолиятини ўрганиш бевосита тарихшунослик фанининг асосий ижтимоий вазифаларини ташкил қилади. Тарих фани ва тарихшунослик ўртасидаги муносабат бир-бирини тақозо қилганидек, бу икки фан ривожига асосий омиллар ҳам уларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасида шаклланади. Агар тарихий жараён тарихчи иштирокида фанга айланса, илмий билимларнинг тўпланиб бориши, маълум бир тарихий воқеа-ҳодиса ҳақида турли тадқиқотчиларнинг тасаввурлари, қарашлари, концепциялари шаклланиши, бунга муҳитнинг кўрсатган таъсири ва ривожланиш омилларини таҳлил қилиш тарихшунослик зиммасида. Тарихшунослик фани ва бу соҳада амалга оширилаётган тадқиқотларнинг долзарблигини айнан тарих фани ҳолати, ривожига таҳлили ва истиқболда ўрганилиши лозим бўлган мавзуларни аниқлаш эҳтиёжи белгилайди<sup>1</sup>.

Тарихшунослик ўз ривожига ёрдамчи тарих фанидан ўз тадқиқот предмети ва вазифаларига эга бўлган мустақил фанга айланиб, унинг функциялари доираси мунтазам кенгайиб бормоқда.

Тарихшунослик тадқиқотининг мавзусини танлаш, бошқа соҳаларда бўлганидек, муаммонинг долзарблигини аниқлашдан бошланади. Фақат бу ўринда маълум таҳлилий иш амалга оширилиши лозим бўладики, бу ўзига хослик бевосита тарих фани ҳолати ва тарихшуносликнинг ўзаро алоқадорлигидан келиб чиқади.

---

<sup>1</sup> Заболотный В., Камынин В. К вопросу о функциях и месте историографических исследований в развитии исторической науки // Вестник Тюменского университета. 2004. №1.

Тарихшунослик фани ҳам барча тадқиқотлар сингари ўз объекти ва предметиға эға. Ўзбекистон тарихшунослик фани тадқиқот объектини Ўзбекистонда тарихий билимларнинг шаклланиши, тўпланиши, совет тарих фани ва ҳозирги замон тарих фани тарихи ташкил қилади. Унинг предмети эса Ўзбекистон тарихи фанида ватан тарихини ўрганишнинг тарихини ўрганишдир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тарихшунослик фанининг ижтимоий вазифалари доираси катта. Биз тарихшунослик тадқиқотини амалға оширишни «Муаммо тарихшунослиги» мисолида кўриб чиқамиз.

«Муаммо тарихшунослиги» нима? Бу тарихшунослик тадқиқотлари ичида энг анъанавий мазмунға эға бўлган изланишдир. Яъни маълум бир хронологик давр мобайнида конкрет бир мавзунинг ўрганилиши, ушбу мавзуга доир илмий билимларнинг тўпланиши, ўзгариши, динамикасини таҳлил қилиш ва баҳолаш, ўрганилиши лозим бўлган жиҳатларини аниқлаш. Бундай ёндашув тарихий мавзулардаги тадқиқотларда «Мавзунинг ўрганилиш даражаси»да амалға оширилади. Бироқ бу ҳар бир тадқиқот учун зарур бўлган ва ушбу мавзу ҳақида амалға оширилган тадқиқотлар обзори ҳисобланади. Тарихшунослик тадқиқотларида «Муаммо тарихшунослиги» бирмунча бошқача мазмун касб этади ва мавзуни ўрганишда тадқиқотчидан катта таҳлилий ишни амалға оширишни талаб қилади. Тарихшунослик тадқиқотларида «Мавзунинг ўрганилганлик даражаси»да бевосита масаланинг тарихшунослик нуқтаи назаридан қандай ўрганилгани ёритилади.

Муаммо тарихшунослигини ўрганишда тадқиқотчи у танлаган мавзуга доир адабиётлар йиғиш, библиографиясини тузиш ва хронологик кетма-кетликда жойлаштириш натижасида қайси даврда муаммо, унинг маълум жиҳатлари долзарблик касб этганини кузатади. Мазкур мавзу қайси тарихчиларнинг бевосита тадқиқот объекти бўлганлиги, уни ўрганишда қўлланган тадқиқот усуллари, ўз қарашлари ва ёндашувлари билан фан ривожига қўшган ҳиссасини аниқлайди. Ушбу мавзунинг истиқболда ўрганилиши лозим бўлган жиҳатларини кўрсатиш бевосита тарихшунослик тадқиқотининг прогностик вазифасига киради. Муаммо тарихшунослигини ўрганишнинг мураккаб томони ҳам борки, бу қадриятли ёндашув асосида фаннинг бугунги ривожига босқичи учун мавжуд тарихшуносликдан нималарни олиш мумкинлигини аниқлаш, яъни муаммонинг қў-



йилиши, тўпланган фактик материал, ёндашувлар, ғоялардир<sup>1</sup>. Бу, ўз навбатида, тарихшуноздан ўрганилаётган мавзуга жалб қилинган манбавий материални билиш, қиёслаш, холис хулосалар қилиш учун турли эҳтирослардан, ёнбосувлардан холи бўлишни талаб қилади.

Тарих фани ривожининг ҳар бир босқичи маълум бир долзарб муаммоларни ўрганишни илгари суради. Бундан келиб чиққан ҳолда бир мавзунинг турли жиҳатлари ўрганилиб, тарихшунослик таҳлилини амалга ошириш учун вазият етилади. Агар бу контекстда тарихшунослик фанининг мустақиллик давридаги ҳолати ва ривожига ҳақида мушоҳада юритсак, қуйидаги манзаранинг гувоҳи бўламиз. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви тарих фани вазифалари ва моҳиятини тубдан ўзгартирди. Шунга биноан тарихшунослик ва тарихшунослар ҳам янги жамият талаблари ва мезонлари асосида ўз олдида турган вазифаларни қайта кўриб чиқиб, бу жамият тафаккурига мос келадиган тадқиқотчилик фаолиятини шакллантиришга киришдилар ва ўтган йиллар давомида маълум натижаларга эришдилар<sup>2</sup>. Тарихшунослик тадқиқотлари мавзуларининг янгиланишига, уларнинг сифат жиҳатидан ўзгаришига тарих тадқиқотларидаги янгиланиш жараёни тўртки бўлди. Бу контекстда муаммо тарихшунослиги ҳолати ва хусусиятлари ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг ривожига асосий тенденциялардан бири ушбу йўналишдаги тарихшунослар ва илмий мактабнинг шаклланиши бўлди. Бу илмий мактабнинг янгилиги шунда бўлдики, тадқиқотчи ўзини қизиқтираётган мавзуга оид тарихшунослик манбаларини ўрганиш билан чекланмай, тадқиқ қилинаётган мавзу доирасида «тарихшунослик жараёни» тушунчасини ташкил қиладиган масалаларни ҳам кўриб чиқишни қамраб олди. Тарихшунослар бу тушунчага «илмий тадқиқотларнинг ташкил этилиши»ни, конкрет тарихий муаммога оид назарий мушоҳадалар таҳлилини мужассамлаштириб, манбавий асосидаги, тарихий тадқиқот усулларидаги ўзгаришларни, тарихий профилдаги илмий муассасалар

---

<sup>1</sup> Камынин В. Проблемная историография в 1990-е – первые годы XXI в.: исследовательский опыт и перспективы развития // Историк в меняющемся пространстве культуры. – Челябинск, 2006.

<sup>2</sup> Алимова Д. История как история, история как наука: История и историческое сознание. – Ташкент: Ўзбекистон, 2008. Т. 1. – 280 с.; Шу муаллиф. Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. Т. 3. – Ташкент, 2018. – 640 с.

фаолияти хусусиятларини, тарих фани ривожининг ҳар бир босқичида кадрлар салоҳиятининг шаклланишини кўрсатишга уриндилар<sup>1</sup>.

Муаммо тарихшунослиги тадқиқотлари ривожидagi иккинчи тенденция тарихшунослик манбалари жанрининг йириклашуви бўлди: илмий анжуманлар материаллари<sup>2</sup>, журнал мақо-

---

<sup>1</sup> Макатаев А. Организация исторической науки Узбекистана (1970 – 1980 гг.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1990. – 29 с.; Сагатова М. Историческая наука в Узбекистане в 20 – 30-е годы: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1993; Иноятов К.Х. Историкографические исследования в Узбекистане: Итоги, проблемы, перспективы (1961 – 1980 гг.): Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 61 б.; Халикова Р. Развитие высшего исторического образования и науки в Узбекистане (На примере исторического факультета ТашГУ. 1935 – 1994): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 24 б.; Курбанова З. Становление и развитие этнографической науки в Каракалпакстане (1920 – 2000 гг.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Нукус, 2002; Тарих фанининг маркази. – Тошкент, 2003. – 88 б.; Зиёева Д. Тарих институти тадқиқотлари тизимида мустамлака ва совет даври тарихи муаммолари // *O'zbekiston tarixi*. 2003. №4. – Б.32 – 45; Нуриддинов Е., Голованов А. Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини ўрганиш // *O'zbekiston tarixi*. 2003. №4. – Б.45 – 49; Алимова Д. Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигида тарих фани // *O'zbekiston tarixi*. 2006. №4. – Б.26 – 36; Дониёров А. Этнографические исследования в Узбекистане в XX веке. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2005. – 332 б.; Абдурасулов У. Отечественная медиэвистика в годы независимости: достижения, тенденции и проблемные вопросы // *O'zbekiston tarixi*. 2010. №3. – С.3 – 14; Мустафаева Н. XX асрнинг 50 – 60-йилларида Ўзбекистонда тарих фани ҳолати // *O'zbekiston tarixi*. 2010. №3. – Б.15 – 23; Махкамova Н. Историческая наука в Узбекистане в 20-е гг. XX в.: полемика и дискуссии // *O'zbekiston tarixi*. 2012. №1. – Б.39 – 51; Шу муаллиф. Историческая наука в Узбекистане в 30-е гг. XX в. Установление идеологического единomyслия // *O'zbekiston tarixi*. 2013. №2. – Б.33 – 41.

<sup>2</sup> Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва назарий-методологик ёндашувлар. ЎзР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро анжуман материаллари. – Тошкент, 2004. – 254 б.; Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1-қисм. «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2005. – 180 б.; 2-қисм. – Тошкент, 2005. – 204 б.; Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги IV республика илмий-амалий конференция материаллари. – Наманган, 2007. – 260 б.; Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида этнологларнинг V республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 2010. – 335 б.; Тарих фани ва архив иши: интеграция муаммолари. Академик Я. Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинари материаллари тўплами. – Тошкент: Фан, 2010. – 278 б.; Ўзбекистонда тарих фани: ютуқлар ва ривожланиш муаммолари. Тарихшунослик ўқишлари – 2004 материаллари (Историческая наука в Узбекистане: достижения и проблемы развития. Материалы историографических чтений – 2004). I қисм. – Тошкент, 2006. – 158 с.; II қисм. – Тошкент, 2006. – 116 с.; Тарихшунослик ўқишлари. Историографические чтения, посвященные памяти Б.В. Лунина. Сборник материалов конференции. – Ташкент: Фан, 2010. – 262 с.; Историографические чтения – 2011. Сборник материалов конференции. – Ташкент: Yangi nashr, 2011. – 426 с.; Историческая наука в контексте интеллектуального развития Центральной Азии. – Ташкент, 2014. – 368 б.; Ўзбекистонда тарих фани: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 496 б.

лалари билан бир қаторда индивидуал монографиялар чоп этилди<sup>1</sup>, алоҳида муаммолар бўйича докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди<sup>2</sup>.

Муаммо тарихшунослиги ривожда ватан тарихининг долзарб муаммоларини қайта мушоҳада этишда янгича ёндашувларга асосланган тадқиқотлар 1990 йилларнинг ўрталаридан вужудга кела бошлаганини кузатиш мумкин. Бу мазмундаги муаммоларни ўрганишда янгича ёндашувларнинг оммалашувида 1994 йилда ЎЗР ФА Тарих институти Тарихшунослик ва манбашунослик бўлимида тайёрланган «XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари)»ни<sup>3</sup> алоҳида кўрсатиб ўтмоқчимиз. Мазкур тарихшунослик очеркларида мустақиллик даври илгари сурган, сифат жиҳатидан янги вазифалардан келиб чиқиб XX асрнинг дастлабки 30 йиллигида Ўзбекистон тарихи фани ҳолати ва ривожининг асосий масалалари ҳар томонлама изчиллик билан ёритилди.

---

<sup>1</sup> Алимова Д. Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. – Ташкент: Фан, 1991. – 134 с.; Шу муаллиф. История как история, история как наука: История и историческое сознание. – Ташкент: Ўзбекистон, 2008. Т. 1. – 280 с.; Шу муаллиф. История как история, история как наука: Феномен джадидизма. Т.2. – Ташкент: Ўзбекистон, 2009. – 170 с.; Шу муаллиф. Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. Т.III. – Ташкент, 2018. – 640 б.; Иноятов К. Историографические аспекты историографии Узбекистана. Опыт историографической работы в Узбекистане: Аналитико-критический очерк. – Ташкент, 1993. – 180 с.; Ахмеджанов Г. Российская империя в Центральной Азии (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане). – Тошкент: Фан, 1995. – 218 с.; Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918 – 1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги). – Тошкент, 2000. – 174 б.; Қосимов Ф. Истиклол ва тарихий хотира. – Бухоро, 2006. – 156 б.; Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари. – Тошкент, 2008. – 128 б.; Шамукарамова Ф. Жизнь и деятельность Мирзо Улугбека в историографии XX века. Мирзо Улугбекнинг ҳаёти ва ижоди XX аср тарихшунослигида. – Тошкент: Yangi nashr, 2012. – 256 б.; Мустафаева Н. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Тошкент: Наврўз, 2014. – 336 б.; Пуговкина О. Российская историография Туркестана: исторические воззрения современников. – Ташкент: Академнашр, 2018. – 256 с.

<sup>2</sup> Алимова Д. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии (20 – 80-ые годы): Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 1991. – 45 с.; Зияева Д. Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстановления 1916 года и движения «истиклолчилик» 1918 – 1924 гг.): Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 1999. – 61 с.; Дониёров А. Этнографические исследования в Узбекистане в XX веке: основные этапы, проблемы, перспективы развития: Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 2003. – 57 с.; Мустафаева Н. Мустамлака ва совет даври тарихшунослигида Ўзбекистоннинг XX аср маданияти. Тарих фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 84 б.

<sup>3</sup> XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари). I қисм. – Тошкент: Фан, 1994. – 208 б.; II қисм. – Тошкент: Фан, 1994. – 456 б.

Тарихшунослик бўлими фаолиятининг натижаси ўлароқ катта тарихий давр мобайнида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тарихшунослиги<sup>1</sup>, таълим тарихшунослиги<sup>2</sup>, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ва тарихшунослигига<sup>3</sup> доир яратилган асарлар муаммо тарихшунослигини ёритишда тамомила янгича назарий-методологик ёндашувларни намоён қилиб, бу соҳадаги изланишларни юқори босқичга кўтарди.

Жадидчилик тарихшунослиги масаласини таҳлил қилишда ўзига хос ёндашувни қўллаётган Ўзбекистон тарихшунослиги мактабида бир муаммо доирасида бирлашган илмий ҳамжамият хусусиятлари намоён бўлмоқда<sup>4</sup>.

Ўзбекистон тарихшунослик фанида ижтимоий-сиёсий масалалар доирасида мустақилликнинг илк йилларида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва унинг оқибатлари<sup>5</sup>, миллий-озодлик курашлари<sup>6</sup>,

---

<sup>1</sup> Очерки историографии Узбекистана в XX столетии. – Ташкент: Yangi nashr, 2011. – 236 б.

<sup>2</sup> История и историография развития образования в Узбекистане. Ч.1. – Ташкент: Tafakkur qanoti, 2015. – 328 с.; Ч.2. – Ташкент: Адабиёт учқунлари, 2017. – 396 с.

<sup>3</sup> Очерки историографии государственности Узбекистана. Т.1. – Ташкент, 2018. – 380 с.; Т. II. – Ташкент, 2019. – 368 с.

<sup>4</sup> Ражабова Д. Проблемы молодежи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент, 2003. – 27 с.; Кенжаев Д. Исламские ценности в воззрениях джадидов и их концепция духовного реформирования общества: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2007. – 30 с.; Турсунов Р. Воззрение национальных прогрессистов на социально-экономические процессы в Туркестане в начале XX века: Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент, 2008. – 29 с.

<sup>5</sup> Нишанова Д. Англо-русский конфликт в Средней Азии в конце XIX в. в современной зарубежной литературе: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1994; Ахмеджанов Г. Российская империя в Центральной Азии (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане). – Ташкент, 1995. – 218 с.; Алимбаев Ж. (Историография завоевания Туркестана Россией (XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2001. – 31 с.

<sup>6</sup> Зияева Д. Миллий озодлик учун кураш воқеалари Файзулла Хўжаев талқинида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1996. №4-5. – Б.81 – 86; Шу муаллиф. 1916 йил кўзғолони тарихшунослиги ва манбашунослиги // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. №1-2. – Б.53 – 56; Шу муаллиф. Туркистонда мустақиллик учун халқ курашлари тарихшунослиги ва уни ўрганиш муаммолари // Ўзбекистон тарихи: Янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Давра суҳбати материаллари. – Тошкент, 1998. – Б.25 – 33; Шу муаллиф. Туркистон миллий озодлик ҳаракати (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918 – 1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги). – Тошкент, 2000. – 174 б; Гарипов Р. Историографический ракурс некоторых аспектов политической и социально-экономической обстановки в Туркестане в начале XX века // O'zbekiston tarixi. 2001. №1. – Б.44 – 50; Шу муаллиф. Историография общественно-политических и национально-прогрессивных движений в Туркестане начала XX века (Тенденции в изучении проблемы тоталитарного периода и в эпоху независимости): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2001. – 29 с.

«босмачилик ҳаракати»<sup>1</sup>, миллий ва диний сиёсатнинг амалга оширилиши<sup>2</sup>, хотин- қизлар муаммоси<sup>3</sup> тадқиқотчилар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётган долзарб мавзулар бўлиб, тарих фани истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон ва жаҳон тарих фанида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи, буюк саркарданинг ҳаёти ва фаолияти, унинг давлатчилик тарихида тутган ўрни энг фаол ўрганилган мавзулардан бири бўлди. Бу, ўз навбатида, тарихшунослар диққатини ушбу мавзуга доир турли даврларда яратилган адабиётлар таҳлилини амалга оширишга тортди<sup>4</sup>. Бажарилган тадқиқотлар натижасида мавзунинг ўрганилмаган жиҳатлари аниқланиб, тарихчилар олдига янги вазифалар қўйилди.

1990 йилларда совет тарихшунослигида илгари ўрганилмаган принципиал янги мавзу пайдо бўлди. Гап тарихий цивилизация коммуникациялар муаммоси, авваламбор, Буюк Ипак йўли

---

<sup>1</sup> Норжигитова Н.А. Историография «басмаческого движения» в Туркестане (Советский период): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 25 с.; Сё Енг Чель. Проблемы борьбы народов Туркестана против советской власти в южнокорейской историографии // O'zbekiston tarixi. 2002. №4. – Б.41 – 47; Шу муаллиф. Зарубежная историография повстанческого движения в Туркестане в 1918 – 1924 гг. (На примере британо-американских и южнокорейских исследований): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2003. – 26 с.

<sup>2</sup> Алимов Ш. Изучение национальной политики в исторической литературе Узбекистана (20 – 30-е годы): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1994; Алимова Д. Ислам и «воинствующий» атеизм в литературе Узбекистана 20 – 30-х годов // O'zbekiston tarixi. 2000. №4. – Б.58 – 64; Ганиев Ж. Проблемы историографии религиозных конфессий в Узбекистане (1917 – 2000 гг.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2008. – 30 с.; Абдурасулова Х. Ислам и религиозная политика в Узбекистане в 1940 – 1980 годы: анализ англо-американской историографии: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2011. – 25 с.; Халилова З. 1945 – 1991 йилларда Ўзбекистонда ислом диний таълими: ҳолати ва замонавий тарихшунослиги. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 49 б.

<sup>3</sup> Мазкур муаммо тарих фанлари доктори, профессор Д.А. Алимова томонидан кенг тадқиқ қилинган. 1991 йилда Д. Алимова «Женский вопрос в советской историографии Средней Азии (20 – 80-е годы)» мавзуида ҳимоя қилган докторлик диссертациясидан сўнг бу мавзу тарихшунослик тадқиқотларида махсус ишланмади. Бу ўринда биз фақатгина Г. Эргашходжаеванинг «Французская историография о проблемах эмансипации женщин Средней Азии в 20-е годы (Литература 50 – 80-х годов)» мавзуидаги тадқиқотини кўрсатишимиз мумкин.

<sup>4</sup> Улжаева Ш. Историография эпохи Амира Темура и темуридов 50 – 60-годов XX века: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1999. – 27 с.; Абиджанова Д. Маверауннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60 – 90-х годов XX в.: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2001. – 26 с.; Рахматуллаева А. Историография жизни и деятельности Амира Темура в Узбекистане (1991 – 2009): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2010. – 31 с.

ҳақида кетяпти<sup>1</sup>. Бугунги кунда ушбу мавзу Ўзбекистон геосийёсий ва геоиқтисодий манфаатлари нуқтаи назаридан унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига асосли равишда интилаётгани, дунёнинг турли давлатлари билан (асосан иқтисодий ва транспорт коммуникациялар соҳасида) ҳар томонлама муносабат ўрнатишида етакчи мавзу бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилган тарихшунослик тадқиқотларини тавсифлар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йиллари илмий тарихшунослигида Ўзбекистоннинг ҳудудлари тарихшунослиги масалалари махсус ўрганилди. Хусусан, Қорақалпоғистон<sup>2</sup>, Бухоро<sup>3</sup>, Хива<sup>4</sup> тарихшунослигига оид ишлар чоп этилди. Бу тадқиқотларда Ўзбекистон тарихининг умумий ва регионал жиҳатларини ватан адабиётлари доирасида таҳлил қилиш билан чегараланилмайди. Ишга юқори мутахассислик маҳорати даражасида чет эл тарихшунослик манбалари жалб қилинади.

---

<sup>1</sup> Кобзева О. У истоков научного изучения Великого шелкового пути // *O'zbekiston tarixi*. 2000. №4. – С.79 – 82; Шу муаллиф. Великий Шелковый путь: проблемы научной периодизации и истоки изучения европейскими учеными во второй половине XIX – начале XX вв.: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2002; Шу муаллиф. Изучение Великого Шелкового пути японскими учеными в начале XX века // *ЎзМУ хабарлари*. 2003. №1. – С.56 – 58; Шу муаллиф. Великий Шелковый путь: история и современность. – Ташкент: Фан, 2005. – 132 с.; Шу муаллиф. История изучения Великого шелкового пути во второй половине XIX – начале XX вв. – Ташкент: Zar Qalam, 2006. – 160 с.; Кобзева О., Джалилов О. Узбекистан и Китай на возрождающемся Шелковом пути. – Ташкент, 2015. – 102 с.

<sup>2</sup> Кошанов А. Об историографии русско-каракалпакских отношений в XVIII – XIX веках // *Вестн. Каракалп. фил. АН УзССР*. 1991. №2. – С.82 – 85; Кошанов Б., Ибрагимов С. История Каракалпакстана в зарубежной историографии (1917 – 1925 гг.) // *Вестник ККО АН РУз*. 2001. №4. – С.68 – 70; Пискунова И. Русские историки XVIII века о каракалпаках // *Вестник ККО АН РУз*. 1993. №3. – С.91 – 93; Кудиярова Т. К вопросу изучения истории профсоюзного движения в Каракалпакстане // *Вестник ККО АН РУз*. 2001. №4. – С.77 – 79.

<sup>3</sup> Касымов Ф. Некоторые вопросы новейшей историографии народных революций 1920 г. в Хорезме и Бухаре // *Общественные науки в Узбекистане*. 1990. №1. – С.44 – 48; Қосимов Ф. Бухоро республикаси тарихшунослиги. – Бухоро, 1995. – 86 б.; Касымов Ф. Драма революции и правда истории. – Бухара, 1996; Масалиева О. История Бухарского, Хивинского, Кокандского ханств в англо-американской историографии XX в.: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1999. – 31 с.; Астанова Г. Историография политических процессов в Бухаре (1920 – 1924 гг.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2008. – 30 с.; Атаджанова Д. Историография ремесленного производства Бухарского ханства XIX в. (на основе изучения литературы и ремесленных уставов «рисола»): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2008. – 31 с.

<sup>4</sup> Ртвеладзе Э. К зарубежной историографии Хивы // *Общественные науки в Узбекистане*. 1997. №7-8. – С.112 – 113; Масалиева О. Кўрсатилган асар; Маткаримова С. Историография Хивинского ханства в период Кунградской династии (XIX – начало XXI века): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2010. – 31 с.

Жаҳон тарихи фанида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихини ўрганишга қизиқиш барча даврларда мавжуд бўлган. Албатта, турли илмий тарихий марказларда уни ўрганишдаги ёндашувлар ва баҳолар турлича бўлиб, улар ўзининг аънаналари тизимига эга. Айнан шу масалалар, ўз навбатида, ўзбекистонлик тарихшунослар диққатини тортиб, хорижий олимлар тадқиқотчилик фаолияти ва натижаларини ўрганишга чорлади. Жаҳон тарихшунослиги фани ривожини Ўзбекистон тарих фанига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Мустақиллик йилларидаги муаммовий тарихшуносликдаги энг катта ютуқлардан бири Ўзбекистон тарихи турли масалаларининг хорижий тарихшунослиги таҳлилинини амалга ошириш бўлди<sup>1</sup>. Янги авлод тарихчиларининг чет тилларни ўзлаштириши, хорижий мамлакатларга сафарга чиқиш, илмий марказлар, кутубхоналардан фойдаланиш имконининг вужудга келиши билан бу соҳадаги тадқиқотлар доираси, айниқса, кенгайди.

---

<sup>1</sup> Хидоятова Н. Басмаческое движение в современной советологии: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1993. – 24 с.; Нишанова Д. Англо-русский конфликт в Средней Азии в конце XIX в. в современной зарубежной литературе: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995; Эргашходжаева Г. Французская историография о проблемах эмансипации женщин Средней Азии 20-е годы (литература 50 – 80-х годов): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1996. – 22 с.; Масалиева О. История Бухарского, Хивинского и Кокандского ханств в англо-американской историографии XX века: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1999. – 31 с.; Шодмонова С. Туркистон истиқлоли учун кураш масалалари хорижий тарихчилар талқинида // *O'zbekiston tarixi*. 2000. №1-2. – Б.89 – 95; Шу муаллиф. Вопросы борьбы против советского колониализма в Туркестане в 1917 – 1924 годах в немецкой и турецкой историографии: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2002. – 30 с.; Шу муаллиф. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари. – Тошкент, 2008. – 128 б.; Вайсман Д. Узбекистан в современной англоязычной историографии // *O'zbekiston tarixi*. 2001. №4. – С.55 – 60; Абиджанова Д. Маверауннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60 – 90-х годов XX в.: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2001. – 26 с.; Сё Енг Чель. Проблемы борьбы народов Туркестана против советской власти в южнокорейской историографии // *O'zbekiston tarixi*. 2002. №4. – Б.41 – 47; Шу муаллиф. Зарубежная историография повстанческого движения в Туркестане в 1918 – 1924 гг. (на примере британо-американских и южно-корейских исследований): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2003. – 26 с.; Пуговкина О. История Туркестана в наследии Российской историографии середины XIX – начала XX века (политические и экономические аспекты): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2006. – 30 с.; Абдурасулова Х. Ислам и религиозная политика в Узбекистане в 1940 – 1980 годы: анализ англо-американской историографии: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2011. – 25 с.; Шу муаллиф. Ислам и религиозная политика в Узбекистане в 1940 – 1980-е годы: анализ англо-американской историографии. – Ташкент: Yangi nashr, 2011. – 108 с.; Расулова Д. XVII – XX аср бошидаги француззабон тадқиқотларда Ўзбекистон тарихи масалалари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 52 б.

Бундай ёндашув таҳсинга сазоворки, бу орқали ватан тарихининг у ёки бу муаммоси тарихшунослигининг яхлит манзараси яратилади.

Тарихшунослик тадқиқотларини амалга оширишдаги муҳим шартлардан бири унинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлик, унда қўлга киритилган натижалар, қўлланилган тадқиқот усулларида фойдаланиш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, тарихшуносликнинг тарихий тадқиқотлар методикаси ва технологиялари асосини ўргатиш вазифаси билан изоҳланади. Манбашунослик, архившунослик, археография ва яна бир қатор назарий-методологик мазмундаги фанлар мажмуи билан тарихшуносликнинг яқинлиги ушбу шартни амалга ошириш имконини беради. Тарихшуносликнинг мазкур фанлар билан алоқаси, биринчидан, унинг бу фанлар ривожини тарихини ўрганиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, тарихшуносликнинг ўз амалиётида бу фанлар тадқиқот усулларида фойдаланиши билан асосланади. Тарих методологияси, унинг ривожланиш босқичларини билиш эса тарих фани назарий-методологик асосларини, такомиллашувидаги ўзига хос хусусиятларини англашга ёрдам беради. Айнан методологик тамойилларнинг қўлланиши тарихшунослик тадқиқотларида баёнийлик, тарихий адабиётларни қайд қилиш, библиографик обзор билан чекланиш ва мазмунини қайтариш каби ёндашувдан қочишга имкон яратади. Чунинчи, тарихшунослик, тарихий библиографиядан фарқли ўлароқ, адабиётларнинг библиографик қайди билан эмас, балки тарих фанининг тарихи билан шуғулланади.

Тарихшунос ўз тадқиқотида ўтмишни ўрганишнинг маълум бир методологиясини қўллайди ва тарихий адабиётларни баҳолашда унда ёритилган тарихий жараёнлар ривожига оид ўз қарашларидан холи эмас, шу асосда тарих фани тарихига доир холис таҳлилий хулосаларини тақдим қилади. Бироқ маълум бир методологик ёндашув асосда ёзилган адабиётни бошқа бир методологик ёндашув асосида баҳолаш тўғри бўлмайди ва бу тарихшуносдан катта билим, назарий тайёргарлик, хулосаларида холисликни талаб қилади. Ўз навбатида, тарихшунос томонидан тарихшунослик тадқиқотининг ўзига хос тамойиллари ва методларини ўзлаштириш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Бу ўринда тарихшунос тарихшунослик факти ва тарихшунослик манбаси билан ишлаганда улар вужудга келган пайтдаги тарихий шарт-шароит, унинг тарихчи дунёқа-



раши ва ёндашувига кўрсатган таъсири, тарихчининг мавзуни ёритишга қўшган ҳиссасини баҳолаши, тарихшунослик манбасидаги бугунги тарих фани учун қимматли бўлган жиҳатларни аниқлай билиши керак. Тарихшунослик факти тарихчининг бир ёки бир неча тадқиқоти орқали тақдим қилинган концепцияси ва қарашлари мажмуи, тарихшунослик манбаси монография, рисола, мақолалар, тақризлар, турли анжуманларда қилинган маърузалар эканини назарда тутган ҳолда таҳлилий ишни амалга ошириш, бу тушунчалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш тарихшунослик тадқиқотининг муҳим шартларидан биридир<sup>1</sup>.

Тарихшунослик ишида тадқиқот усуллари маълум маънода унинг мазмунини белгилайди. Тарих фанида қўлланиладиган тарихийлик, хронологик, муаммовий-хронологик ёндашув, даврлаштириш, қиёсий таҳлил усуллари тарихшунослик тадқиқотига хос мазмун касб этади, яъни хронологик усул – тарихшунослик манбалари хронологик кетма-кетликда жойлаштирилиши асносида илмий билимлар тўпланиш жараёни, маълум муаммонинг устувор жиҳатлари аниқланиб, уни ўрганишдаги ворисийлик кузатилади; муаммовий-хронологик усул – илмий тадқиқотлар проблематикасини аниқлаб, тарих фани ривожининг қайси босқичида унинг долзарблик касб этганини ва қандай ўрганилганини кўрсатади; даврлаштириш усули – маълум вақт оралиғида тарихий тадқиқотларнинг умумий хусусиятларини кўрсатади; қиёсий таҳлил – турли манбалардан илмий мактаблар ва тарихий илмий йўналишлар ҳақидаги олинган ахборотни қиёслаш имконини беради. Бу усулларнинг барчасини ёки бир нечасини бир пайтнинг ўзида тарихшунослик тадқиқотини амалга оширишда қўллаш мумкин. Тарихшунослик таҳлилида ўзига хос, энг муҳим ёндашув принципи қадриятли ёндашувдир. Унинг ёрдамида ўрганилган адабиётларнинг бугунги кун тарих фани учун қимматли ва зарурий жиҳатлари аниқланади, айни пайтда, тарихий тадқиқотларни амалга оширишдаги ворисийлик таъминланади. Шунини таъкидлаш ўринлики, тарихшунослик тадқиқотларида ушбу усулларни қўллаш билан бир қаторда бугунги кун талабларидан ке-

---

<sup>1</sup> Муравьев В. История, исторический источник, историография, история исторического познания размышления о смысле современных исторических исследований // Рубеж истории: проблемы методологии и историографии исторических исследований. – Тюмень, 1999.

либ чиққан ҳолда фанлараро ёндашув усулини қўллаш ҳам кенг тус олмоқда<sup>1</sup>.

Бунинг яна бир сабаби турли гуманитар ва ижтимоий фанлар тадқиқоти умумий объекти – ўз фаолиятининг барча кўри-нишлари мисолида маданият маҳсули бўлган инсон эканлигидир. Инсон томонидан яратилган тарихшунослик манбасининг таҳлилчиси бўлган тарихшунослик, ўз навбатида, бошқа фанлар тадқиқот усулларига таянишга ҳақлидир. Бундай тадқиқот усулларига мисол қилиб маданий-антропологик, ижтимоий руҳшунослик (психоанализ), просопографик, дискурсив таҳлил усулларини кўрсатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тарихшунослик амалиёти тарихий билимлар ҳаққонийлигини аниқлайдиган воситалардан биридир. Айнан тарихшунослик ўтмишни ўрганиш илмий амалиётида қўлга киритилган натижаларни ёритадиган, унинг қадриятли жиҳатларини белгилайдиган соҳадир. Ўз фани тарихини билиш тарихчи фаолиятининг таркибий қисми ва профессионал тайёргарлиги даражасининг кўрсаткичи бўлиб, тарихчилар катта авлоди ва замондош ҳамкасбларига ҳурмат, улар яратган илмий меросга эҳтиёткорона муносабат маданиятини шакллантиради.

*М. Жўрақулов, О. Эргашев*

## **ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ТОШГА ИШЛОВ БЕРИШ УСТАХОНАЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИБТИДОЙ ДАВР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ**

«Устахоналар» термини дастлаб XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа ёдгорликларига нисбатан қўлланилган. Ушбу термин даставвал тош конлари ва шахталари атрофида жойлашган неолит даври топилмажойларини белгилаш учун қўлланилган. Бу жойларнинг тош инвентарлари орасида «ишлаб чиқариш чиқитлари ва ташламалари (отходы и отбросы производства)»: «қиррали» (краевые), «бирламчи», «ярим

---

<sup>1</sup> Алимова Д. Историческая наука в контексте междисциплинарного синтеза и трансдисциплинарности: путь к полноценному исследованию // *O'zbekiston tarixi*. 2016. №3-4. – Б.74 – 86.

бирламчи йўнилғилар», ўзаклар, тош парчалар ва синиқлар кўпчиликни ташкил қилади. Шундай бўлса-да, ушбу термин дастлаб қўлланилганда қандай археологик ёдгорликлар типига мансублиги ҳамда устахоналарни ажратишнинг аниқ қоидаларисиз қўлланилган. Шунга қарамай, неолит даври учун бундай ёдгорликларнинг мавжудлиги этнографик параллеллар, асосан, Шимолий Америка ҳиндуларидаги тоғ-кон ишлари маълумотларига таянилган ҳолда аниқланган.

Марказий Осиё ҳудудлари ер юзининг ибтидоий даврига оид тошга ишлов бериш устахоналарига бой ўлкалардан биридир. Ушбу устахоналарнинг кўпчилиги Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган. Юртимизда тош даври тошга ишлов бериш устахоналарининг топилиши ва ўрганилиши XX асрнинг 60 – 70-йилларига тўғри келади<sup>1</sup>. Бу ерлардан илк, ўрта ва сўнгги палеолит ҳамда неолит даврларига оид устахоналар топилган. Мазкур ҳолат устахоналар ривожининг эволюциясини кузатиш имконини беради.

Бу борада Зарафшон воҳаси алоҳида ўрин тутади. Яқин кунларгача Зарафшон воҳасининг фақат Қоратов этакларидаги устахоналар мавжуд эди. Кейинги йилларда Қизилқум ҳудудидан Кўкаёз 1 – 8 ёдгорликларининг топилиши юртимизнинг тошга ишлов бериш устахоналари эволюцияси тизимидаги етишмаётган бўғинни тўлдирди.

---

<sup>1</sup>Касымов М.Р. Кремнеобрабатывающие мастерские каменного века в Средней Азии: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ленинград, 1962. – 18 с.; Касымов М.Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1972. – С.1 – 160; Касымов М.Р. Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964 г. // ИМКУ. 1966. Вып. 7. – С.28 – 34; Касымов М.Р. Кремневая мастерская у кишлака Учтут в районе Каратау Бухарской области // Научные работы и сообщения, кн. 6. – Ташкент: АН РУз., 1963. – С.239 – 250; Касымов М.Р. Кремневая мастерская близ кишлака Иджонт // ОНУ. 1961. №8. – Б.62 – 64; Касымов М.Р. Новые данные о мастерских каменного века в районе Каратау // ИМКУ. 1964. Вып. 5. – С.12; Касымов М.Р. Новые данные о Каратауских кремнеобрабатывающих мастерских каменного века в Бухарской области // ИМКУ. Вып. 6. 1965. – С.30 – 39; Касымов М.Р. Древнейшие шахты по добыче камня в Узбекистане // Сб. Actes du VII Congres International des Sciences Prehistoriques Pragus 21-27 aout 1966. – Praha, 1970. – P.143 – 145; Касымов М.Р. Кызыкырская стоянка каменного века в окрестностях г. Бухары // ИМКУ. Вып. 3. 1962. – С.19 – 27; Касымов М.Р. Памятники каменного века в долине Ангрена // ОНУ. №2. 1967. – С.57 – 58; Коробкова Г.Ф., Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка как эталон верхнего палеолита Средней Азии (Специфика техники расщепления и хозяйственно-производственной деятельности) // Stratum plus. – СПб; Кишинёв; Одесса; Бухарест, 1999. №1. – С.385 – 462; Любин В.П. К вопросу о методике изучения нижнепалеолитических каменных орудий // МИА. – Москва, 1965. №131. – С.55 – 56; Окладников А.П., Касымов М.Р., Конопля П.Т. Капчигайская палеолитическая мастерская // ИМКУ. Вып. 5. – С.5 – 11.

Яқин кунларгача амалга оширилган илмий ишларда Ўрта Осиё ибтидоий даври тошга ишлов бериш устахоналарини иккита асосий мезонга кўра аниқлашган: биринчидан, ишлаб чиқариш чиқитларининг маиший комплекслардан устунлиги (Ўрта Осиё устахоналарида бу кўрсаткич нисбати 3 – 10 ҳ% га 97 – 90% ни ташкил қилади), иккинчидан, устахоналарнинг хомашё конларига бевосита яқинлиги ҳисобланган. Юртимизда тош даври тошга ишлов бериш устахоналарининг топилиши ва ўрганилиши ХХ асрнинг 60 – 70-йилларига тўғри келади. Бу ерлардан илк, ўрта ва сўнгги палеолит ҳамда неолит даврларига оид устахоналар топилган. Бу устахоналарнинг эволюциясини кузатиш имконини беради.

Маълумки, тош даври ёдгорликлари иккита катта гуруҳга ажратилади: маконлар ва тошга ишлов бериш устахоналари.

Маконлар ўчоқлар (баъзан уй-жой қолдиқлари), ошхона чиқитлари, тош ва суюқдан ишланган буюмлар ва ҳ.к. қолдиқларга эга бўлади.

Марказий Осиё тош даври тошга ишлов бериш устахоналарининг классификацияси М.Р. Қосимов ҳамда Л.Я. Крижевская томонидан амалга оширилган эди<sup>1</sup>. Улар бу ердаги тошга ишлов бериш устахоналарини таснифлар экан, ушбу таснифнинг абадий эмаслиги ва Марказий Осиё ҳудудларида олиб бориладиган кейинги тадқиқотлар унга ўзгартиришлар ва аниқликлар киритиши мумкинлигини<sup>2</sup> башорат қилган эдилар. Қуйида биз М.Р. Қосимов ва Л.Я. Крижевская томонидан ишлаб чиқилган Марказий Осиё устахоналари таснифини келтиришни лозим топдик:

Улар тошга ишлов бериш устахоналарини иккита типга ажратганлар: макон-устахоналар ва том маънодаги устахоналар. Ўз навбатида, макон-устахоналар ҳам иккитга гуруҳга ажратилади:

Биринчи гуруҳга тош конларининг бевосита яқинида жойлашган топилмажойлар киради. Бундай устахоналар аҳолисининг машғулоти асосан хомашёни қўлга киритиш, тошларга бирламчи ва қисман иккиламчи ишлов беришдан иборат бўлган.

Иккинчи гуруҳ макон-устахоналар биринчисидан хомашё конларидан олис масофада жойлашгани билан ажралиб туради. Бундай устахоналарнинг аҳолиси хомашёни ташқаридан маконларига келтирган ва бу ерда унга тўлиқ ишлов берган.

---

<sup>1</sup> Касымов М.Р., Крижевская Л.Я. О классификации кремнеобрабатывающих мастерских // СА. – Москва, 1969. №1. – С.265 – 268.

<sup>2</sup> Уша жойда.

Ҳар иккала гуруҳ макон-устахоналарнинг ҳам характерли белгиси уларда бирламчи ишлов берилган тошлар билан бир қаторда бу жойларнинг одамлар томонидан мавсумий ёки доимий истиқомат қилинганидан гувоҳлик берувчи маиший аҳамиятга молик буюмларнинг мавжудлигидадир.

Том маънодаги устахоналарда фақат қурооллар ишлаб чиқариш билан боғлиқ буюмларнинг кўплиги билан характерланади. Бу жойларда одамнинг узоқ вақт яшаганини кўрсатувчи белгилар учрамайди. Бундай устахоналар, одатда, қурооллар ясаш учун яроқли бўлган маълум тош жинслари конлари яқинида жойлашади. Бу устахоналар одамларнинг ишлаб чиқариш фаолияти характерига кўра иккита турга ажралади:

Биринчи тур том маънодаги устахоналар тошларга бирламчи ишлов бериладиган ва қўпол тановарлар чақмоқлаб олинадиган жойлар ҳисобланади. Бу ерларда палеолит ва неолит даврларида хомашёни қўлга киритиш оддий ёки очиқ усул билан амалга оширилган. Неолит давридан эса хомашё ўралар, қудуқлар ва шахталар қазитиш усули билан қўлга киритила бошланган.

Иккинчи тур том маънодаги устахоналарда, биринчи турдагилардан фарқли ўлароқ, нафақат тошларга бирламчи ишлов берилган, балки ихтисослашган қурооллар типлари ишлаб чиқарилган. Маълум қуроолларга ишлов бериш характерига кўра бу типдаги ёдгорликлар болталар, қирғиччалар, найза тиглари ва ҳ.к.лар ясаладиган бир нечта устахоналар турларига ажралади.

Муаллифларнинг таъкидлашича, бундай «ихтисослашув» неолит даври учун характерлидир. Палеолит даврида эса бундай устахоналар ҳали мавжуд бўлмаган. Бу ҳолат палеолит даври устахоналарининг яхши ўрганилмагани учун эмас, балки палеолит даврида ижтимоий меҳнат тақсимооти даражаси ҳали энди куртак ёза бошлагани билан изоҳланади<sup>1</sup>.

Неолит даврида ишлаб чиқаришда катта дифференциация содир бўлган, бу анча тақсимланган ва такомиллашган меҳнат тақсимооти билан боғлиқ бўлган. Бу ҳолат ёдгорликларнинг турли типлигида ўз ифодасини топган.

Палеолит даврида макон устахоналар, «уй» устахоналари ёки «ихтисослашган аҳамиятга эга» устахоналар бўлиши гу-

---

<sup>1</sup> Касымов М.Р., Крижевская Л.Я. О классификации кремнеобрабатывающих мастерских ... – С.265 – 268.

мон. В.П. Любин бундай устахоналар мустье даврида ҳам бўлган бўлиши мумкин деган фикрни билдиради<sup>1</sup>.

Неолит даврига келиб эса устахоналар ишлаб чиқариш жараёнларининг улардан келиб чиқадиган барча интенсив меҳнат тақсимоти кўринишидаги ижтимоий оқибатлари билан бирга ёрқин манзарага эга бўлади. Бу айирбошладда ўз аксини топади ва ишлаб чиқариш кучларининг кейинги тараққиётига олиб келади.

Қуйида биз Марказий Осиё тош даври тошга ишлов бериш устахоналарини классификацион типларга ажратишга ҳаракат қиламиз:

#### 1-жадвал

Том маънодаги устахоналар	Ихтисослашган устахоналар	Макон- устахоналар	Шахталар, ўралар
Қопчиғой, Оҳангарон (Қизилолма 1 – 4, Жарсой, Ғиштсой, Увоқсой), Қоратов (Учтут, Ижонт, Вауш), Султон-Увайстов, Кўкча	Кўкаёз 1 – 8	Самарқанд макони, Қизилқир	Учтут, Ғиштсой 2
Илк палеолит-неолит	Сўнгги палеолит	Сўнгги палеолит-неолит	Неолит

Жадвалдан кўриниб турибдики, Марказий Осиёда тошга ишлов бериш устахоналарининг уч хил (хомашёни очиқ усулда кўлга киритилган) ва қазиб олиш усулларининг икки хил (шахта ва ўра қазиш) турлари мавжуд.

Кўкаёз 1 – 8 бифас-тиғлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган устахоналарининг топилиши ва уларнинг сўнгги палеолит даври билан саналаниши аниқланган ноёб ҳодисадир. Юқорида келтирилганидек, ихтисослашган устахоналарнинг пайдо бўлиши анча мураккаб меҳнат тақсимоти шароитлари билан боғлиқ бўлиб (айирбошлад), улар бутун дунёда фақатгина неолит давридан бошлаб учрайди.

Бундан ташқари, шу пайтгача ихтисослашган устахоналар фақат битта қурол типларини ишлаб чиқаришга ихтисослаш-

<sup>1</sup> Любин В.П. К вопросу о методики изучения нижнепалеолитических каменных орудий // МИА. – Москва, 1965. №131. – С.55 – 56.

ган бўлиб, уларда бошқа ишлаб чиқариш чиқитлари учрамас эди<sup>1</sup>. Кўкаёз 1 – 8 устахоналарида эса ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа типлардаги тош қуруллар етарлича учрайди.

Шундай қилиб, Кўкаёз 1 – 8 устахоналарининг топилиши ва илмий муомалага киритилиши нафақат Марказий Осиё, балки дунё устахоналари таснифларини тубдан ўзгартириб юборди. Кўкаёз (1 – 8) устахоналари бифас-тиғларнинг тановорларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган сўнгги палеолит даврига оид дунёда биринчи ва ҳозирча ягона ёдгорликлардир. Кўкаёз 1 – 8 устахоналари мисолида айтиш мумкинки, Ўзбекистон, жумладан, Зарафшон ҳудудларида яшаган қадимги тош даврининг ибтидоий қабилалари ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳада бошқа ҳудудлардаги замондошларидан анча илгарилаб кетганлар.

*Н. Эгамбердиева*

## **СУҒДИЁНАДА УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁННИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ**

Суғдиёна Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган қадимий давлат бўлиб, Амударёнинг йирик ирмоғи – Қашқадарё ва Зарафшон дарёси ҳавзаларида шаклланган. У табиий географик жойлашуви жиҳатидан ғарбий, марказий ва жанубий ҳудудларга бўлинган. Бу минтақалар ўзаро табиий чегаралар билан ажратилган. Ҳудудларда урбанизацион жараёнлар турли даврларда бошланган бўлса-да, моддий маданият ривожланишида ўхшашлик кузатилади. Жанубий Суғдиёнада илк шаҳар милоддан аввалги IX – VI асрларда шаклланган бўлса, Марказий Суғдиёнада милоддан аввалги VIII – V асрларда, Ғарбий Суғдиёна, яъни Бухоро вилоятида улардан кейин, милоддан аввалги V – IV асрларда юз берган<sup>2</sup>.

Илк темир даврида Марказий Суғдиёна ҳудудига андронova қабилаларининг кириб келиши натижасида урбанизацион жараён бошланган. Кўктепа, Афросиёб ва Жом каби қишлоқлар ҳудудида аҳоли дастлаб ярим ертўла ва ертўлаларда истеъқомат қилганлар.

<sup>1</sup> Касымов М.Р., Крижевская Л.Я. О классификации кремнеобработывающих мастерских... – С.265 – 268.

<sup>2</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент, 2015. – Б.225.

Афросиёб Суғдиёна ҳудудида шаклланган қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, у Зарафшон дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Шаҳарни Навадон, Сиёб, Дарғом, Булунғур каналлари сув билан таъминлаган. Тадқиқотчилар фикрича, Булунғур ва Дарғом (90 км) каналлари мил. авв. VII асрнинг бошларида қурилган. Милодий биринчи асрларда Булунғур каналига Пойариқ, Дарғом каналига Эски Анҳор қўшилган<sup>1</sup>. Улар шаҳарни сув билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этган.

Афросиёб арки мудофаа деворлари остидан гуваласимон хом ғиштлардан тикланган қадимий девор аниқланган. У монолит тарзда қурилган бўлиб, қалинлиги 7 метрни ташкил қилган. Мил. авв. VIII асрларда Афросиёб йирик шаҳарга айланган. Шаҳар икки қисмдан иборат бўлиб, ички шаҳарда арк ва ибодатхона жойлашган<sup>2</sup>. Афросиёб ёдгорлигининг арки ва ташқи девори остидан мил. авв. VIII – VII асрларга оид маданий қатламлар аниқланган<sup>3</sup>. Маданий қатламлар Афросиёбнинг шимолий қисмидан топилган. У икки қисмдан иборат бўлиб, мустақкам мудофаага эга бўлган<sup>4</sup>. Мудофаа деворининг қалинлиги 7 – 8 м ни ташкил қилган. Мудофаа девори қурилишида гуваласимон шаклдаги ғиштлардан фойдаланилган. Бу ердан топилган моддий буюмлар Лолазор ва Кўктепа II материалларига ўхшашлиги аниқланган. Радиоуглерод анализи  $2690 \pm 50$  ёшни кўрсатган<sup>5</sup>.

Арк, яъни юқори шаҳар 19 гектар ҳудудда жойлашган. Унинг шарқий қисмида сарой, ғарбий қисмида диний мажмуа қурилган. Юқори шаҳар мудофаасига алоҳида эътибор берилган. Қуйи шаҳар 220 гектар ҳудудда жойлашган<sup>6</sup>. Тадқиқотчилар фикрича, аҳоли босқинлар даврида қуйи шаҳарда чорваларини ҳимоя қилган<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в периоды раннежелезного века и античности): Автореф. дис... докт. ист. наук. – Самарканд, 2000. – С.8.

<sup>2</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). – Самарканд, 2002. – С.34.

<sup>3</sup> Ширинов Т.Ш., Исамиддинов М.Х. Археология древнего Самарканда. – Ташкент, 2007. – С.161 – 180.

<sup>4</sup> Баратов С. Материалы археологических исследований к истории древнего Самарканда // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 1. – Ташкент, 2014. – С.61.

<sup>5</sup> Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда... – С.11.

<sup>6</sup> Ширинов Т.Ш., Исамиддинов М.Х. Археология древнего Самарканда... – С.70 – 107.

<sup>7</sup> Баратов С. Материалы археологических исследований к истории древнего Самарканда... – С.61.



Аҳамонийлар даврида Афросиёбнинг тарҳида ўзгаришлар қилинмаган, лекин қайта таъмирланган<sup>1</sup>. Мил. авв. V аср охирида Афросиёбнинг мудофаа деворлари ташландиқ ҳолга келган, бу унга эҳтиёж бўлмаганини кўрсатади<sup>2</sup>. Бу эса Аҳамонийлар империяси сиёсати натижасида ўзаро урушлар камайганидан далолат беради.

Афросиёб ҳақидаги ёзма маълумотлар мил. авв. IV асрнинг бошларига, яъни Суғдиёнага Александр Македонский ҳужуми даврига оиддир. Ёзма манбаларда Суғдиёнанинг марказий шаҳри «Мароқанда» деб номланиб, у икки қисмдан: «акропол» – юқори шаҳар ва «қуйи шаҳар»дан иборат бўлгани ёзилган. «Акропол» мустаҳкам мудофаа девори ва ҳандақ билан ҳимояланган. Дарвозаси жанубий томонда бўлган. Ташқи деворнинг узунлиги 70 стадий, яъни 13 км ни ташкил қилган<sup>3</sup>. Ёзма манбалардаги бу маълумотлар археологик тадқиқотлар натижасида ўз исботини топган. Шунингдек, арк ҳудудидан катта миқдорда ёнган дон қолдиқлари топилган. Бу мил. авв. IV асрнинг учинчи чораги даврига оидлиги аниқланган. Тадқиқотчилар фикрича, бу дон омбори юнон-македонларга тегишли бўлиб, мил. авв. 329 йилда Мароқандни Спитамен қамал қилган пайтда ёқиб юборилган бўлиши мумкин. Эллинизм даврида Афросиёбнинг қайта таъмирланиши жараёнида бир қатор ўзгаришлар қилинган. Биринчи навбатда, баланд фундамент яратилиб, унинг устига икки йўлакли мудофаа девор квадрат шаклидаги ғиштлардан қурилган<sup>4</sup>. Йирик миноралар ўрнига симметрик шаклдаги пилястрлар, ўқ шаклидаги шинаклар, баъзида ёлғон шинаклар ўрнатилган.

Суғдиёнадаги қадимий шаҳарлардан бири Кўктепа ёдгорлиги Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида жойлашган. У Самарқанд шаҳридан 30 км шимолда, Челак шаҳридан 5 км жануби-шарқда жойлашган. Ёдгорлик Шамот ва Чандир қишлоқлари оралиғида Булунғур каналининг ўнг томонидаги та-

---

<sup>1</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. – С.166 – 169; Рапен К. Коктепа в период раннего железного века до прихода ахеменидов // Цивилизации Центральной Азии: Земледельцы и скотоводы традиции и современность. ТД международной научной конференции (Самарканд, 25 – 28 сентября 2002 г.). – Самарканд, 2002. – С.34 – 36; Баратов С. Материалы археологических исследований к истории древнего Самарканда... – С.62.

<sup>2</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда... – С.123 – 124.

<sup>3</sup> Баратов С. Материалы археологических исследований к истории древнего Самарканда... – С.63.

<sup>4</sup> Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда... – С.14.

бийий тепаликлар устига қурилган<sup>1</sup>. Ўзбек-француз археологик экспедицияси аъзолари томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган<sup>2</sup>. Кўктепа қалъаси ички ва ташқи қисмдан иборат бўлиб, умумий майдони 100 гектарни ташкил қилган. Ички шаҳарнинг тарҳи квадрат шаклига яқин бўлиб, 23 гектарни эгаллаган<sup>3</sup>. Ташқи шаҳар ҳудуди асосан бўш ерлардан иборат бўлиб, баъзи жойлардагина иморатларнинг излари топилган. Шаҳарнинг ички ва ташқи қисмлари алоҳида мудрофаа деворлари билан ўралган. Кўктепанинг ташқи мудрофаа девори мил. авв. VII – VI асрларда қурилган. Ғиштларга «ноль», «Ф» ҳарфига ўхшаш белгилар ёки устига чизик тортилган белгилар қўйилган бўлиб, улар қўлда чизилган. Кўктепа ички шаҳарнинг мудрофаа девори мил. авв. IV асрнинг охирларида, яъни Александр Македонский босқинидан кейин қурилган<sup>4</sup>. Мил. авв. III асрларда шаҳар ташландиқ ҳолга келган. Кўчманчи чорвадорлар томонидан даҳма сифатида фойдаланилган. У ердан «сак маликаси»нинг қabri топилган<sup>5</sup>.

Кўктепа мил. авв. IX – VIII асрларда аҳоли томонидан ўзлаштирилган. Улар дастлаб ертўла ва ярим ертўлада яшаб, сопол идишларни қўлда ишлаб, нақшлар билан безатганлар<sup>6</sup>. Бу даврга оид бир неча ўралар аниқланган. Уларнинг диаметри 1,2 м бўлиб, чуқурлиги 3 м гача бўлган. Тадқиқотчилар Кўктепадаги ертўла, ярим ертўлаларнинг қурилиш услуби ва сопол идишлар Тошкент воҳасидаги Бурғулуқ ва Фарғонадаги Чуст маданиятларига ўхшаш эканини аниқлаганлар<sup>7</sup>. Кейинчалик 20 – 30 см қалинликда пахсадан ва гуваласимон ғиштлардан девор билан ўралган хона ва йўлакнинг излари аниқланган. Лекин қурилманинг тарҳи аниқланмаган. Бу даврга оид бронза қуйиш қолиплари, шлакла-

---

<sup>1</sup> Исамиддинов М., Рапен К. Раскопки на городище Коктепа // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар – 2000. №1. 2001. – Б.79 – 80.

<sup>2</sup> Rapin Cl., Isamididinov M., Khasanov M. La tombe d'une princesse nomade a Koktepe pris de Samarkand. Akadymie des inscriptions et belles lettres. Comptes rendues de syances. – Paris, 2001. – P.35 – 98.

<sup>3</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). – Самарканд, 2002. – С.31 – 48.

<sup>4</sup> Исамиддинов М., Рапен К. К стратиграфии городища Коктепа // ИМКУ. 30. – Самарканд, 1999. – С.78.

<sup>5</sup> Исамиддинов М. Коктепа и Сакская принцесса // www.centrasia.ru.

<sup>6</sup> Исамиддинов М., Рапен К. К стратиграфии городища Коктепа... – С.71.

<sup>7</sup> Люилье Ж., Исамиддинов М., Рапэн К. Раннежелезный век северного Согда: характеристика и предварительная типологическая хронология // ИМКУ. Вып. 37. 2012. – С.57 – 66.

ри топилган. Бу топилмалар аҳолининг металга ишлов бериш хунармандчилиги билан шуғулланганини кўрсатади.

Кўктепада мил. авв. VII асрнинг бошлари арк ва мудофаа девори бунёд этилган. Мил. авв. IV асрда, яъни Александр Македонский ҳужумидан кейин ички қалъанинг мудофаа девори йўлак-галереясимон тарзда қайта қурилган<sup>1</sup>. Аркда қурилиш ишлари олиб борилган. Ички шаҳарда бошқа йирик бинолар ҳам қурилган. Уларни қуришда тўғри тўртбурчак (46x24x7-8, 44x24x6-7, 60x23x7-6) ҳажмли ғиштлардан фойдаланилган<sup>2</sup>.

Кўктепа I даврига оид ёдгорлик Дашти Искандар чўли ёнида Бақтрия ва Суғдиёна чегарасидаги Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғидан Жом ёдгорлиги топилган<sup>3</sup>. Жом ёдгорлигида аҳоли мил. авв. I мингйилликнинг бошидан яшай бошлаган. Бу даврга оид нақшланган ва қўлда ишланган сопол хумлар, косалар топилган. Улар Жанубий Суғднинг Тўрткўлттепа, Кучук II ва Кўктепа II ёдгорликларига ўхшашлиги аниқланган.

Суғдиёнанинг мил. авв. VI асрларга оид тарихи Бухоро, Пойкент, Лолазор, Қўрғонча I қишлоқларидан топилган моддий манбалар асосида ҳам тадқиқ қилинган. 1976 йилда ҳозирги Самарқанд шаҳри марказига яқин жойда, Афросиёб ёдгорлигидан жанубда, Дарғом каналининг ўнг қирғоғида, олдинги Лолазор қишлоғи чеккасида архаик даврга оид ёдгорликни топганлар. У мил. авв. VI асрларга оид бўлиб, бу ҳудуд инсонлар томонидан то сўнгги ўрта асрларгача ўзлаштириб келинган. Лолазор ёдгорлигидан ривожланган ирригация тизими излари, кулолчилик, бронза қуйиш устахоналари қолдиқлари ва тош қуроллари топилган. Бу топилмалар аҳолининг деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланганини асослайди. Ҳудуддан асрлар давомида фаолият юритган канал излари аниқланган. Канал атрофларидан архаик даврларга оид сопол идиш қолдиқлар аниқланган.

Жанубий Суғдиёнанинг аҳолиси Ўрта, Қуйи Қашқадарё воҳаларида ва Ҳисор, Зарафшон тоғ тизмалари этакларида истеъкомат қилганлар. Бу ҳудудда илк темир даврида еттита микровоҳа шакланган: Қайроғоч, Гулдарё, Шўробсой, Танхоздарё,

<sup>1</sup> Исамиддинов М., Рапен К. К стратиграфии городища Коктепа... – С.72.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – С.70.

<sup>3</sup> Бердимуратов А.Э., Черосетти Б., Рахманов Ш.А., Ронделли Б. Новый пункт культуры лепной расписной керамики в Зарафшанской долине // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар – 2004-2005. 2006. №5. – Б.79 – 83.

Қизилдарё, Ерқўрғон, Нишон<sup>1</sup>. О.Н. Лушпенко ўз тадқиқот ишида мил. авв. 1 мингйилликнинг биринчи ярмида Жанубий Суғдиёнада аҳоли сонининг ошгани ва деҳончилик воҳалари бўйлаб кенг тарқалганини кўрсатиб ўтган. Илк темир даврига оид 32 археологик ёдгорлик аниқланган<sup>2</sup>.

Жанубий Суғдиёна ҳудудида Александр Македонский ҳужуми даврига оид Ксениппа, Наутака, Габаза номли ҳудудлар қайд қилиб ўтилган. Бу жой номлари локализацияси ўтган асрдан буён тадқиқотчилар ўртасида мунозарали масалалардан бирига айланган<sup>3</sup>. «Наутака» атамаси «пау» – «янги» ва «utaka» ёки «така» – «вилоят, ер» бўлиб, «янги вилоят ёки янги ер» деган маънони англатади<sup>4</sup>.

Жанубий Суғдиёна ҳудудидан мил. авв. VI – IV асрнинг охирига оид ёдгорликлар Қашқадарёнинг юқори ва қуйи оқимларидан топилган. Қуйи Қашқадарё ҳудудидан Қороултепа, Ерқўрғон ёдгорликлари, Қашқадарёнинг юқори оқимидан 20 га яқин ёдгорликлар аниқланган. Улар 5 та воҳада жойлашган: Қайрағоч, Танхоздарё, Гулдарё, Шўробсой, Қизилдарё. Э.В. Ртвеладзе шу икки ҳудуд Ксениппа ва Наутака бўлиши мумкин деган ғояни илгари суради<sup>5</sup>. Қашқадарёнинг қуйи оқимида Ксениппа, юқори оқимида Наутака жойлашган.

Ерқўрғон шаҳри мил. авв. VIII асрларда Жанубий Суғднинг марказий йирик шаҳри ҳисобланган. Шаҳар ўзига хос услубда бунёд этилган бўлиб, Қарши воҳасида бундай қурилиш услубида қурилган шаҳар ҳозиргача қайд этилмаган<sup>6</sup>. У Қашқадарё дарёси ҳавзаси шаклланган бўлиб, унинг атрофларида ва дарё бўйларида қишлоқларнинг излари аниқланган. Бу ҳам воҳада марказий шаҳар бўлганини акс эттиради. Тадқиқотчилар Ерқўрғоннинг тўртта қурилиш босқичини аниқлаганлар<sup>7</sup>:

1. Мил. авв. IX – VIII асрларда мудрофааланган қишлоқ сифатида шаклланган.

2. Мил. авв. VI асрларда ички мудрофаа девори қурилган. 35 гектар майдонни эгаллаган.

<sup>1</sup> Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Самарканд, 1998. – С.7.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – С.3.

<sup>3</sup> Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский а Бактрии и Согдиане. – Ташкент, 2002. – С.85 – 94.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – С.91 – 92.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – С.93 – 94.

<sup>6</sup> Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент, 2000. – С.26.

<sup>7</sup> Ўша жойда. – С.25 – 26.

3. Мил. авв. III – II асрларда мудрофаа девори қайта қурилиб, ташқи мудрофаа девори қурилган. У нотўғри тўртбурчак шаклида қурилиб, 150 гектар ҳудудни ташкил қилган. Бу даврда дахма ҳам бунёд этилган.

4. Милодий III асрда шаҳарнинг ички ва ташқи мудрофаа деворлари қайта тикланган. Арк, ибодатхона мажмуаси, мақбара бунёд этилган. Шаҳарда ҳаёт милодий VI асргача давом этган.

Ерқўрғон ёдгорлиги XX асрнинг бошларида қайд қилинган бўлса-да, 1973 йилда кенг тадқиқот ишлари бошланган. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида ёдгорликнинг топографияси, стратиграфияси, моддий манбалари кенг ўрганилган. Мустақиллик йилларида Р.Х. Сулаймонов томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаси сифатида «Қадимий Нахшаб» номли йирик монография чоп этилган. Бунда Ерқўрғон тарихи кенг ёритилган<sup>1</sup>.

Ерқўрғоннинг ички шаҳри мудрофаа деворининг баландлиги 8 метр бўлиб, ҳар 10 – 12 метрда миноралар қурилган. Ички шаҳарнинг шимолий қисмида тўғри тўртбурчакли баланд ғиштан бунёд этилган платформа устига арк қурилган. Ички шаҳарнинг жанубида ибодатхона бўлган. Шимол ва жануб томонида шаҳар дарвозаси ўрнатилган. Шаҳарнинг шарқий томонидаги деворлар бўйлаб кулолчилик устахоналари жойлашган. Ташқи шаҳарнинг жанубида дахма, шимолида мақбара қурилган. Жануби-шарқий томонида аҳолининг тураржойлари аниқланган. Аҳолининг уйлари ва қўрғонлари то Қашқадарё ҳавзаси бўйларигача борган. Бу ҳудудларда боғлар ва далаларнинг излари аниқланган. Бу эса аҳолининг боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланганидан дарак беради.

Жанубий Суғдиёна ҳудудидаги ёдгорликлар асосан сой бўйларида ва дараларга яқин жойларда жойлашган. Йирик дарёлар – Кофирниган, Вахш, Сурхондарё, Қашқадарё бўйларида кам топилган. Тоғ устида қурилган қалъалар ҳам топилган бўлиб, у ерда аҳоли кам ва узоқ вақт яшамаган<sup>2</sup>. Жанубий Суғдиёна ҳудудидан топилган энг юқорида жойлашган ёдгорликлар Дабиль Қўрғон ва Сартепа бўлиб, улар денгиз сатҳидан 1000 метр баландликда қурилган. Бошқалари эса денгиз сатҳидан 200 метрдан 500 метргача бўлган.

Амударёга Зарафшон дарёсининг йирик ирмоғи – Мохондарё неолит даврида келиб қуйилган. Шу даврда Мохондарё ҳудудла-

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – С.99.

ри бўйлаб ибтидоий қабилалар яшаганлар. Лекин вақт ўтиши билан табиий шароит ўзгариб, Моҳондарё қуриб боради. Бу аҳолининг яшаш тарзига ўз таъсирини ўтказди. Ирмоқнинг қуриб бориши билан катта қўллар шаклланади. Бу эса кейинчалик туз конларнинг шаклланишига олиб келади. Моҳондарё ирмоқлари қолдирган излар эса вақт ўтиб, ботқоқлик, чакалакзор ва қамишзорларга айланади<sup>1</sup>. Бу эса Ғарбий Суғдиёна ҳудудида чорвачиликнинг, яъни кўчманчи чорвачиликнинг ривожланишига қулай замин яратган.

Суғдиёна ҳудудида яшаган чорвадор аҳолининг излари мил. авв. V – III асрларга оид Қалқонсой мазор-қўрғонларидан топилган. Улар асосан Марказий (Самарқанд) ва Ғарбий (Бухоро) Суғдиёна даштларида яшаганлар<sup>2</sup>. Мил. авв. II – I асрларга оид Лавандак қабристонидан, милодий асрнинг бошларига оид Хазара ва Қизилтепа ёдгорликларидан, милодий III – IV асрларга оид Қизилқир мазорларидан ҳам топилган<sup>3</sup>.

Ҳозирги кунда Бухоро воҳасининг Конимех чўлларида 800 дан ортиқ мазор-қўрғонлар топиб ўрганилган. Улар ёрма, лаҳатли, хумларга кўмилган гўрлар ва кремацияли мазорлардан иборат бўлиб, лаҳатли мазорлардан бирида Варахраннинг кумуш тангаси (милодий V асрнинг биринчи чораги) топилди. Хумларга солиб кўмилган мазорларда милодий III – IV асрларга оид сопол идишлар учрайди.

Ғарбий Суғдиёнанинг шимолий қисми мил. авв. VI – IV асрларда кам ўзаштирилган. Ғарбий Суғдиёна ҳудудида одамларнинг келиб жойлашишини тадқиқотчи Ш.Т. Одилов Александр Македонский ҳужуми билан боғлайди<sup>4</sup>. Юнон-македонларга бўйсунгани истамаган суғдиёналиклар Ғарбий Суғдиёна томонга чекинганлар ва ўзларининг қишлоқларни ташкил қилганлар. Кейинчалик бу ҳудудларда йирик шаҳарлар шаклланди.

---

<sup>1</sup> Холматов Н.У. Мезолит и неолит Нижнего Зарафшана. – Ташкент, 2007. – С.27 – 32, 134 – 138; Мухамеджанов А.Р. К изучению древнего русла Махандарьи // ИМКУ. Вып. 5. 1964. – С.45 – 56; Гулямов Я.Г. Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадарьи и Зарафшана // ИМКУ. Вып. 6. 1965. – С.17 – 21; Аскарлов А. Новые находки андроновской культуры в низовьях Зарафшана // ИМКУ. Вып. 6. 1965. – С.53 – 60.

<sup>2</sup> Зезенкова В.Я. Некоторые краниологические данные курганов Калканская // ИМКУ. Вып. VIII. 1969. – С.161 – 168.

<sup>3</sup> Гинзбург В.В. Антропологические материалы из окрестностей древнего Пянджикента // МИА. 1958. №66. – С.281 – 289.

<sup>4</sup> Адылов Ш.Т. Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда по материалам стратиграфических исследований. (IV в. до н.э. – VIII в.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Самарканд, 1987. – С.16.

ган: Пойкент, Бухоро, Варахша, Қўзимонттепа, Рамиш, Хўжа Бўстон ва бошқалар.

Пойкент Бухоро шаҳридан 60 км жануби-ғарбда Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида жойлашган. Бу шаҳар Хоразм, Самарқанд, Нахшаб чорраҳасида қурилган бўлиб, Амударёнинг Амул-Фароб кечувида стратегик аҳамиятга эга эди. Қадимги Пойкент микровоҳасидан Зарафшоннинг қадимий ирмоғи ўтган. Қадимги даврда унинг шимолий қисмидан Шаҳруд канали, жанубидан Қорақўлдарё ва Қашқадарёнинг қадимий ирмоғи ўтган.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида берилишича, Пойкент Бухоро шаҳридан ҳам қадимийдир. Пойкент ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ёдгорликнинг қадимий қатлами мил. авв. IV – III асрларга бориб тақалиши аниқланган. Бу даврда қишлоқ тарзида вужудга келган. Мил. авв. III – II асрларда 1 га ҳудудни эгаллаган мустаҳкам мудофаа деворига эга бўлган шаҳарга айланган. Мудофаа деворида тўғри бурчакли миноралар, икки қаватли шинаклари бўлган. Тадқиқотчилар мудофаа деворининг Хоразмдаги Тупроққалъа ва Жанубий Суғдиёнадаги Ерқўрғоннинг мудофаа деворлари тарзида қурилган деб хулоса берадилар. Пойкент шаҳри чўл чегарасида жойлашгани сабабли ҳам унинг атрофида қишлоқлар бўлмаган<sup>1</sup>.

Пойкент йўллар чорраҳасида қурилгани учун ҳам ўрта асрларда янада тараққий қилган. Шаҳар ўрта асрларда яшаб ўтган алломаларнинг асарларида кўплаб тилга олинган. Наршахий ўз асарида шаҳар номини «Шаҳристан-и роин (Бронза шаҳристан)» деб берса, Табари, Ибн Хордадбех ва Ибн ал-Фақиҳ асарларида «мадина ал-тужжор» (савдогарлар шаҳри) деб ёзиб қолдирганлар.

Бухоро шаҳри ҳудуди ҳам дастлаб мил. авв. IV асрларда қишлоқ тарзида вужудга келган. Мил. авв. III асрларда мудофаа деворига эга бўлган қалъага айланган<sup>2</sup>. Бу даврда қалъа тахминан 20 га ҳудудни, арки 2 га ҳудудни эгаллаган. Милодий аср бошларида Бухоро шаҳри Нумижкат деб номланган. Тадқиқотчилар уни «*mij-kath*», яъни «*мустаҳкамланган қишлоқ*» деб изоҳ берадилар<sup>3</sup>. Нумижкат Ғарбий Суғдиёнанинг марказий шаҳри

<sup>1</sup> Наршахий Муҳаммад. Бухоро тарихи. – Тошкент, 1966. – Б.26.

<sup>2</sup> Адылов Ш.Т. Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда... – С.14.

<sup>3</sup> Markwart J. Wehrot und Arang. – Leiden, 1938. – P.53 – 61; Муҳаммаджонов А.Р. Бухоро шаҳрининг қадимги номлари ҳақида // Города Центральной Азии на Великом шёлковом пути. – Самарканд, 1994. – С.48.

бўлган. Мил. авв. II асрнинг ўрталарида Юнон-Бақтрия давлати емирилгач, Ғарбий Суғдиёна ҳудудини сак-юечжи қабилалари эгаллайди. Бу фикр тадқиқотчилар томонидан тангалардаги ўзгаришлар туфайли илгари сурилган. Тангалардаги тасвирларда илгариги тасвирлар сақланиб қолган бўлса-да, унга ўзгаришлар киритилиб, Суғдиёна афсоналаридаги тасвирлар ҳам берилга бошлаган<sup>1</sup>. Милодий II – III аср бошларида марказий шахар Нумижкатдан Навакмитан қалъасига кўчирилади. Немис олими В. Маркварт Навакмитан ҳозирги Бухоро шаҳри ўрнида бўлган деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. Лекин Бухоро шаҳридан 10 км жанубда Наумитантепа ёдгорлиги жойлашган. Бу ёдгорликнинг кўп қисми ўзлаштирилгани сабабли археологлар у тўғрисида етарли маълумот тўплай олмаганлар. Унинг мудофааланган ва баланд бўлган қисми сақланиб қолган. Лекин у ҳам қабристонга айлантирилган. Бу ёдгорликнинг иккинчи номи Ҳазрат-Қиз-бибитепа бўлиб, унинг 3,5 гектар ҳудуди сақланиб қолган<sup>3</sup>. Тепалик ҳудуди 50х60 м, баландлиги 20 м бўлган.

Тадқиқотчилар фикрича, Нумижкат ҳукмдорларининг иккинчи қароргоҳи Навакмитан бўлган деб ҳисоблайдилар<sup>4</sup>. Навакмитан милодий III асрлардан Ғарбий Суғдиёнанинг марказий шаҳри ҳисобланган.

Қўзимонтепада одамлар мил. авв. IV асрларда яшай бошлаганлар, лекин бу даврда одамларнинг уйлари тарқоқ ҳолда бўлиб, қишлоқ тарзида шакланган. Бу ҳудудда ўрта асрларга келибгина мудофаа девори қурилган. Тадқиқотчилар Якут ал-Ҳамавий асарида келтирилган Харганкатни Қўзимонтепа деб асослайдилар<sup>5</sup>. Бу ҳудудда яқин вақтларгача Харганкат номи қишлоқ бўлган. У Кармана шаҳрининг шимоли-шарқида 6 км узоқликда жойлашган.

Хўжа-Бўстон ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида унинг 4 та қурилиш босқичи аниқланган. Биринчи босқичи мил. авв. IV – II асрларга оид. Иккинчи босқичи мил. авв. II асрнинг охири ва милодий II асрнинг бошлари, учинчи

<sup>1</sup> Адылов Ш.Т. Нумиджкат, Навакмитан, Байканд, Рамитан (из истории древних столиц Западного Согда) // Археология Узбекистана. 2011. №1 (2). – С.67.

<sup>2</sup> Sims-Williams N, Grenet F. The Sogdian Inscriptions of Kultobe // SHYGYS. – Алматы, 2006. №1. – P.5 – 111.

<sup>3</sup> Адылов Ш.Т. Нумиджкат, Навакмитан, Байканд, Рамитан... – С.68.

<sup>4</sup> Уша жойда. – С.69.

<sup>5</sup> Уша жойда. – С.74.



босқичи эса милодий II – III асрларга тегишли<sup>1</sup>. Варахша шаҳрига ҳам мил. авв. IV асрда асос солинган. Лекин унинг дастлабки маданий қатламидан тарқоқ ҳолда бўлган уй- жой излари аниқланган. Мудофаа деворлари мил. авв. III – II асрларда қурилган.

Ғарбий Суғдиёна ҳудудидан турли даврларга оид кўплаб тангалар топилган. Тадқиқотчилар тангалар асосида унинг тарихини ёритганлар. Бу ҳудуд Юнон-Бақтрия таркибида бўлган. Лекин маданий тараққиётига эллин маданияти таъсир кўрсата олмаган. Маҳаллий анъаналар устун турган. Сопол ишлаб чиқариш услублари эса Марказий Суғдиёна ва Шимолий Бақтрия сополларига ўхшаш бўлган<sup>2</sup>.

Суғдиёна тарихи ривожланишида Ўрта Амударё ҳудудлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Амударёнинг ўрта оқими билан қуйи оқими ўртасидаги чегара Туямўйин танглиги (излучина) дан ўтади. Амударёнинг ўрта оқими ҳудудида қадимги Хоразм, қадимги Бақтрия ва Суғдиёнанинг чегара ҳудудлари бирлашган бўлиб, бу жой ҳудудлар ўртасида транзит йўлини бажарган. Тадқиқотчилар бу ҳудуддан 4 та кечув жойини аниқлашган.

Амударёнинг ўрта оқими уч давлат ўртасида трансчегаравий ролни ўйнаши билан бир қаторда шу ҳудудда уч мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий таъсири ҳам кучли бўлган. Тадқиқотчилар фикрича, бу ҳудуддан топилган моддий ёдгорликларда Суғдиёна давлатининг таъсири кўпроқ намоён бўлган.

Амударёнинг ўрта оқимидаги бу ҳудуд ҳозирги кунда Туркманистоннинг шарқий томонидаги Лебап вилояти (илгари Чоржуй) ҳудудига тўғри келади. Тадқиқотлар жараёнида Амударё ўрта оқимида ёдгорликлар унинг чап қирғоғида кўплаб топилган. Амударёнинг чап қирғоғида сувнинг кўплаб тошиб туриши бу ерларнинг тўқайзорларга айланишига олиб келган.

Амударёнинг чап қирғоғида бўлиб турадиган тошқинлар инсонлар ҳаёти, экинзорлар ва тураржойларга хавф солиб тургани сабабли бу ерларни ўзлаштирган инсонлар кечув жойларида қалъалар бунёд қилиб, асосан, савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Даврлар ўтиши билан тошқин сувлар қирғоққа яқин жойлардаги археологик ёдгорликларни ҳам ювиб кетган. Бу эса бугунги кунда археологлар учун тарихни тиклашда мураккабликлар туғдирмоқда.

<sup>1</sup> Адылов Ш.Т. Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда... – С.12.

<sup>2</sup> Уша жойда. – С.17.

Амударёнинг ўнг қирғоғида шароит бутунлай бошқача эди. Бу ерда сув тошқинлари кам бўлиб, ҳудуд чўлдан иборат. Кўчманчи чорвадорлар томонидан ўзлаштирилган<sup>1</sup>.

Суғдиёнанинг ўзига хос табиий шароити туфайли бу жойлар аҳоли томонидан ўзлаштирилган даврлардан буён тарк этилмаган. Қадимги шаҳарлар ҳудудида ёки атрофида ҳаёт ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Шу сабаб қадимий шаҳар ва қишлоқларнинг маданий қатламлари яхши сақланиб қолмаган.

Суғдиёнанинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётида Бақтриянинг таъсири кучли бўлган. Шунингдек, аҳамонийлар ва юнонларнинг маданияти ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Суғдиёнанинг мил. авв. II ва милодий IV асрлардаги тараққиётида Буюк Ипак йўлининг таъсири катта бўлиб, Суғдиёна ғарб ва шарқ мамлакатларини боғлашда марказий ўринни эгаллаган.

*Д. Дутураева*

## **ҚОРАХОНИЙЛАР ВА ХИТОЙ ҲУКМДОРЛАРИ ЎРТАСИДА РАСМИЙ ЁЗИШМАЛАР: БАЁНОТ ВА ФАРМОНЛАР**

Қорахонийлар (840 – 1210) ва Хитойнинг Шимолий Сун сулоласи (960 – 1127) ҳукмдорлари муносабатлари тарихи кам тадқиқ қилинган мавзулар қаторига киради. Негаки бу даврга оид Марказий Осиё тарихи, одатда, араб ва форс тилидаги манбалар асосида ўрганилади. Хитой манбалари эса деярли жалб қилинмайди. Ўз навбатида, Қорахонийларнинг Хитой ва Тибет ҳукмдорлари билан бўлган муносабатларига доир маълумотлар асосан хитой тилидаги манбаларда акс этган. Жумладан, Қорахонийларнинг Шимолий Сун сулоласи ҳукмдорлари билан бўлган дипломатик ва савдо алоқалари батафсил баён қилинади. Шу билан бирга, Қорахонийлар томонидан жўнатилган элчиликлар, дипломатик совғасаломлар ва расмий ҳужжатлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Мазкур тадқиқотда Қорахонийлар ва Шимолий Сун ҳукмдорлари ўртасидаги расмий ёзишмаларга доир ҳужжатлар таҳлил қилинади.

---

<sup>1</sup> Бурханов А.А. Города и поселения Дарганского оазиса левобережья Амударьи в системе древних и средневековых тюрково-караванных путей (по материалам археологических исследований в Лебапском велаяте Туркменистана) // Вестник Новосибирского государственного университета. 2015. Т. 14. Вып. 7. – С.174.

Шимолий Сун ҳукмдорлари саройида мавжуд қоидага кўра Қорахонийлар элчиси ўлпон ва расмий баёнот билан ташриф буюриши шарт бўлган. Мазкур ҳужжат аввал мутасадди амалдорлар томонидан изчил ўрганилиб, сўнгра ҳукмдорга тақдим қилинган<sup>1</sup>. Хитой ҳукмдорларига тақдим қилинадиган расмий баёнотлар мазмунига кўра бир неча турларга бўлиниб, номланишида ҳам фарқланган. Қорахонийлар томонидан тақдим қилинган баёнотлар асосан икки кўринишда бўлган: тақдимот кўринишидаги баёнот (*biao* 表) ва миннатдорчилик акс этган номалар (*zhang* 章). Шимолий Сун ҳукмдорининг расмий жавоби эса фармон (*zhao* 詔) кўринишида бўлган. Афсуски, расмий баёнот ва фармонларни тўплам тарзида нашр қилиш фақатгина Мин сулоласи давридан бошлаб амалга оширилган<sup>2</sup>. Шу туфайли Қорахонийлар ва Шимолий Сун ҳукмдорлари ўртасидаги расмий ёзишмаларга оид ҳужжатлар оригинали бизнинг кунларгача етиб келмаган. Бироқ хитой манбаларида ушбу ҳужжатларнинг мазмуни, ҳаттоки баъзи баёнотларнинг сарлавҳаси ҳам келтирилади.

Қорахонийлар расмий ёзишмаларни туркий тилда олиб борганлар. Кейин баёнотлар элчи томонидан ёхуд махсус тилмочлар томонидан хитой тилига таржима қилинган. Масалан, 1009 йили Шимолий Сун ҳукмдори Zhenzong 真宗 (997 – 1022) ҳузурига ташриф буюрган Қорахонийлар элчиси Luo siwen 羅撒溫 (Бойла сағун) келиб чиқиши бўйича уйғур эди. Мазкур элчи хитой тилидан ҳам хабардор бўлиши мумкин. Негаки у Қорахонийлар ҳукмдоридан келтирилган баёнотни оғзаки баён қилиш имконига эга бўлган. Қорахонийлар янги босиб олинган Хотан ҳудудидаги буддавий аҳолини тинчлантириш учун Шимолий Сун ҳукмдоридан ёрдам сўраб мурожаат қилишган. Элчи ўз нутқини қуйидаги сўзлар билан бошлаган:

«Хизматкорингиз узоқ йўлдан келиб, кун нурини кўришга муяссар бўлди. Сиздек доно ҳукмдор кўп йиллар яшасин ва олис юртдаги фуқароларни қўллаб-қувватласин!»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Qingbo zazhi 清波杂志 [Qingbo ҳудудидан олинган турли битиклар], Zhou Hui 周輝. Siku Quanshu (SKQS). 6-60б. – Б.5б; Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига кўзбекистон Миллий архивиклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. 295-60б. – Б.7190.

<sup>2</sup> Баёнот ва фармон турлари бўйича батафсилроқ қаранг: Wilkinson Endymion. Chinese History: A New Manual. Harvard-Yenching Institute Monograph Series, 2015. – P.28 – 285.

<sup>3</sup> Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脱脱. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. 490-60б. – Б.14107; Xu Zizhi Tongjian Changbian асарида Қорахонийлар аҳолисига нисбатан fan 蕃 (варварлар) атамаси қўлланилган. Қаранг: Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига ўзбекистон Миллий архивиклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. 71-60б. – Б.1598.

Элчининг яна хабар беришича, Қорахонийлар Хотан ва уйғурларнинг Гуачжоу ҳамда Шачжоу ҳудудлари орасидаги йўлларда тинчлик ва ҳавфсизликни ўрнатишга муяссар бўладилар. Шу билан бирга, Хотан ҳудудидаги буддавий аҳоли Қорахонийларга қарши исён кўтарган бўлиши мумкин. Шу туфайли ҳам улар Шимолий Сун ҳукмдоридан ёрдам сўраб келганлар. Шимолий Сун ҳукмдори Zhenzong 真宗 ўз элчисини юбориш ўрнига махсус фармон чиқариб, уни Қорахонийлар элчисига топширади.<sup>1</sup>

Қорахонийларнинг икки қоғони Юсуф ибн Сулаймон Тўғрил Қорахон (1062 – 1078) ва Иброҳим ибн Аҳмад Табғачхон (1094 – 1118) томонидан битилган расмий баёнотларнинг сарлавҳаси *Qingbo zazhi* 清波杂志 («Qingbo дарвозаси ҳудудидан олинган турли битиклар») асарида сақланиб қолган. Юсуф ибн Сулаймон баёноти Шимолий Сун ҳукмдори Shenzong 神宗 (1067 – 1085) саройига келиб тушган. Мазкур баёнот Қорахонийлар элчиси қўмондон Ашин (*buling Axin* 部領阿辛)<sup>2</sup> томонидан келтирилган бўлиб, у қуйидаги сўзлар билан бошланган эди:

«Толе ва қудратга эга, тилларни билгувчи Хотан мамлакатининг доно Қорахон ҳукмдоридан

Куёш чиқар буюк шарқ юртининг соҳиби Хан оиласидан бўлмиш буюк ҳукмдор тоғамга»<sup>3</sup>.

Мазкур баёнотни элтиб берган элчи саройга 1081 йили етиб келган бўлса – да, унинг ўзи хабар беришича, йўлга бундан тўрт йил аввал чиққан эди. Демак, ушбу элчилик 1077 йили Юсуф ибн Сулаймон томонидан жўнатилгани аниқ. Қорахонийларнинг расмий баёнотида бундан олдин яна уч нафар элчилик жўнатилгани, бироқ улар ҳануз қайтиб келмагани хақида хабар бериллади. Шунда Шимолий Сун ҳукмдори барча элчиларни йиғиб,

<sup>1</sup> Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига кўзбекистон Миллий архивиклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. 71-боб. – Б.1598; Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脱脱. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. 490-боб. – Б.14107.

<sup>2</sup> Xu Zizhi Tongjian Changbian асарида элчи «варварлар бўлимидан Axin» (fanbu Axin 蕃部阿辛) деб тилга олинган. Қаранг: Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига кўзбекистон Миллий архивиклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. 314-боб. – Б.7612.

<sup>3</sup> Qingbo zazhi 清波杂志 [Qingbo ҳудудидан олинган турли битиклар], Zhou Hui 周輝. (SKQS). 6-боб. – Б.5<sup>b</sup>; Мазкур баёнот сарлавҳаси бошқа Сун манбаларида ҳам келтирилади: Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига кўзбекистон Миллий архивиклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. 314-боб. – Б.7612; Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脱脱. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. 490-боб. – Б.14109.

уларни совға-саломлар билан сийлаган ҳолда ортига жўнатиб юбориш бўйича буйруқ чиқаради. Шимолий Сун ҳукмдорига нисбатан «тоға» деб мурожаат қилиш ҳамда матнда мавжуд баъзи грамматик хатолар мазкур баёнот таржимони хитойлик бўлмаганини кўрсатмоқда. Элчилар Шимолий Сун ҳукмдори саройига Тибетнинг Цонгха конфедерацияси ҳукмдори томонидан тақдим қилинган йўлбошловчи билан бирга ташриф буюришади. Ушбу тибетлик йўлбошловчи элчи ва ҳукмдор суҳбати давомида таржимонлик ҳам қилиб туради.<sup>1</sup> Айнан шу шахс баёнот сарлавҳасини хитой тилига таржима қилган бўлиши мумкин. Фикримизча, Цонгха таржимонлари Қорахонийлар ва Шимолий Сун ҳукмдорлари ўртасидаги расмий ёзишмаларни тез-тез таржима қилиб турган бўлишлари керак.

Қорахонийлар ҳукмдори Иброҳим Табғачхон томонидан 1111 – 1118 йиллар оралиғида жўнатилган баёнот сарлавҳасини ҳам Цонгха тилмочларидан бири таржима қилган бўлиши керак:

«Шарқнинг кунчиқар ва Муҳташам Нур чарақлаб турувчи ҳудуддаги 500 li (250 км) майдонга тенг бўлган Тавғач мамлакатининг ҳукмдори Қорахондан

Шарқнинг кунчиқар ва Муҳташам Нур чарақлаб турувчи ҳудуддаги бутун Тавғач мамлакатининг ҳукмдори Буюк Ҳукмдор тоғамга баёнот»<sup>2</sup>.

Қорахонийлар Шимолий Сун ҳукмдорларига нисбатан «тоға» деб мурожаат қилиши ҳақиқатдан йироқ. Негаки Қорахонийлар ва Шимолий Сун сулоласи ўртасида дипломатик никоҳ алмашинув тажрибаси мавжуд бўлмаган.<sup>3</sup> Муслмон ва хитой манбаларида ҳам Қорахонийлар ва Шимолий Сун сулоласи хонадонлари ўртасида «тоға-жиян муносабатлари» мавжуд бўлгани ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Баёнот матни ва сарлавҳаси туркий тилда битилган бўлиши керак ва хитой тилидаги таржимадан тубдан фарқ қилган бўлиши мумкин. Фикримизча, мазкур таржима Цонгха тилмочлари томонидан амалга оширилган бўлиб, улар Тибет империяси даврида Тан сулоласи ҳукм-

<sup>1</sup> Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига кўзбекистон Миллий архивиклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. 314-60б. – Б.7612; Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脱脱. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. 490-60б. – Б.14109.

<sup>2</sup> Qingbo zazhi 清波杂志 [Qingbo ҳудудидан олинган турли битиклар], Zhou Hui 周輝. (SKQS). 6-60б. – Б.5<sup>b</sup>.

<sup>3</sup> Ṭabā'ī al-ḥayawān, by Sharaf al-Zamān Ṭāhīr Marwazī / tr. by V. Minorsky as Sharaf al-Zamān Ṭāhīr Marwazī on China, the Turks and India. London: Royal Asiatic Society, 1942. – P.15; араб тилидаги матн учун қаранг: \*3.

дорларига ёзилган баёнот шаклларида фойдаланган бўлишлари мумкин. Маълумки, Тан сулоласи маликалари Тибет ҳукмдорларига турмушга чиқиб, иккала ҳудуднинг дипломатик муносабатларида катта аҳамиятга эга бўлганлар<sup>1</sup>. Шимолий Сун сулоласи даврида бу жараён амалга оширилмаган бўлса- да, Цонгха ҳукмдорлари ўз баёнотларида «тоға» сўзини ишлатишни давом эттирганлар<sup>2</sup>. Шу туфайли Қорахонийлар томонидан юборилган баёнот таржимасида ҳам ушбу ибора қўлланилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Қорахонийлар илк бора юборган баёнотида Шимолий Сун ҳукмдорларидан Хотан ҳудудида истиқомат қилувчи буддавий аҳолини тинчлантириш учун ҳарбий кўзбекистон Миллий архивик сўраб мурожаат қилганлар. Қорахонийлар бундан сўнг бошқа мамлакатлар билан бўлган тўқнашувлари давомида ҳам Шимолий Сун ҳукмдорларидан кўзбекистон Миллий архивик сўраб турганлар<sup>3</sup>. Кўриниб турибдики, Қорахонийлар ва Шимолий Сун ҳукмдорлари ўртасидаги ёзишмалар турли масалаларни қамраб олган.

Х. Лутфиллаев

## САМАРҚАНД ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ ҚЎЛЁЗМАЛАР (ЎЗР ФА ШИ фонди мисолида)

Самарқанд ўзининг кўҳна обидалари, олимлари ва улар томонидан яратилган ёзма мерос билан машхур. Биз ушбу кичик тадқиқотимизда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондида сақланаётган Самарқанд билан боғлиқ ёзма манбаларга эътибор қаратамиз. Мавзуга тегишли ёзма меросни 2 та катта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга Самарқандий

<sup>1</sup> Тан сулоласи даврида Хитой ва Тибет ўртасидаги никоҳ муносабатлари ҳақида қаранг: Dotson Brandon. The 'nephew – uncle' relationship in the international diplomacy of the Tibetan Empire (7<sup>th</sup> – 9<sup>th</sup> centuries) // Dotson Brandon, et al., eds. Contemporary Visions in Tibetan Studies. – Chicago: Serindia Publications, 2009. – P.223 – 23.

<sup>2</sup> Тибетнинг Цонгха давлати ҳукмдори Gusiluo 唃廝囉 (997 – 1065) ҳам Сун ҳукмдори-га: «Шарқ ҳукмдори бўлмиш Zhao 趙 хонадонидан чиққан Осмон Ўғли тоғамга», – деб мурожаат қилган. Қаранг: Qingbo zazhi 清波杂志 [Qingbo ҳудудидан олинган турли битиклар], Zhou Hui 周辉. Siku Quanshu (SKQS). 6-боб. – Б.5<sup>б</sup>.

<sup>3</sup> Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脱脱. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. 490-боб. – P.14109.

нисбаси билан фаолият олиб борган олимларнинг ёзма мероси, иккинчи гуруҳга самарқандлик котибларнинг ишларини кириштишимиз мумкин.

Ўрта Осиёнинг Бухоро, Насаф, Кеш, Термиз, Урганч, Марғилон, Қўқон, Шош каби минтақаларида бўлганидек, Самарқандда ҳам турли даврларда ислом илмлари билан шуғулланган етук олимлар фаолият олиб борган. Улар томонидан яратилган ёзма мероснинг бир қисми институт қўлёзмалар фондида сақланади. Масалан, Қуръони каримни ўқиш қоидаларига бағишланган Ёрмуҳаммад ибн Худоёр Самарқандийнинг «Қавоид ал-Қуръон»<sup>1</sup> ва «Илм ал-Қуръон»<sup>2</sup>, Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад шариф Самарқандийнинг «Рисолаи фи ақд ал-Фарид»<sup>3</sup>, Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Шариф ибн Аҳмад ибн Али Абулқосим ал-Маданий ас-Самарқандийнинг «Китаб ат-тасхийр ала тарийқ ат-ташжийр фи усул ал-қироат ала тарийқ аш-Шотибийа»<sup>4</sup> ва «Айн ат-тартийл фи байан ҳарф ат-танзийл» (яна бир номи «Кифоят ал-муаллим») <sup>5</sup> каби асарлари минтақада қироат илми бўйича салмоқли ишлар қилинганидан дарак беради.

Минтақада яратилган фикҳга оид асарлар ҳам талайгина. Масалан, Исҳоқ ибн Иброҳим аш-Шоший ас-Самарқандий (ваф. 325/937) қаламига мансуб «Китоб ал-усул»<sup>6</sup> Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ас-Самарқандийнинг (ваф. 375/985) «Хизонат ал-фикҳ»<sup>7</sup>, Носируддин Абулқосим Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳусайний ас-Самарқандий ал-Маданийнинг (556/1161) «Мултафит Носирий»<sup>8</sup>, Алоуддин Шамс ал-Ислом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандийнинг (XII аср) «Мезон ал-усул фи натоиж ал-уқул» асари<sup>9</sup> усули фикҳ соҳасидаги мўътабар манбалардан саналади. Ушбу нусханинг ўз вақтида Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасида сақланганини тасдиқловчи муҳрлари бор. Шунингдек, Муҳаммад ибн ҳожи ибн Ҳасан

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари: №11340/IV, 10149/XIII.

<sup>2</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари: №11340/III, 12064/V.

<sup>3</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №10571/III.

<sup>4</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №10571/IV.

<sup>5</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №12102/IV.

<sup>6</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №3287/I.

<sup>7</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари: №5767/I, 3211/VIII.

<sup>8</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №4828.

<sup>9</sup> Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР... – Ташкент: Наука, 1957. Т.IV. – С.198 (Бундан кейин: СВР).

Самарқандийнинг «Фатовои Кофурий»<sup>1</sup>, Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг «Солати Масъудий»<sup>2</sup> каби асарлари орқали Самарқандда фикҳ илми ҳам ривожланганини кўриш мумкин.

Исломшуносликнинг турли соҳаларига оид ёзма манбалар қаторида институт фондида сақланаётган Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ас-Самарқандийнинг «Бўстон ал-орибийн»<sup>3</sup>, «Танбеҳ ал-ғофилийн»<sup>4</sup>, Исохон Самарқандийнинг «Таълиқот бар ҳошия Мавлавий Ҳасан бар ақоид»<sup>5</sup>, Фазлуллоҳ ибн Абдулвоҳид ибн Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг «Санади ли тилмийзаху Муҳаммад Абдурахмон ал-Балхий»<sup>6</sup>, Абулқосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Абдулҳаким ас-Самарқандийнинг «Рисолаи эътиқодийа»<sup>7</sup>, Мулло Калон Воиз Самарқандийнинг «Равзат ал-воизийн»<sup>8</sup>, Имом Абу Шужжоъ Самарқандийнинг «Дур ал-ажойиб»<sup>9</sup> каби асарлари ислом оламида анча машҳур.

Самарқандга оид асарлар ичида тасаввуф илмларига оид қўлёзмалар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Масалан, Абул Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандийнинг (ваф. 375/985) «Рисолаи асрори ваҳий»<sup>10</sup>, Мавлоно Калон ас-Самарқандийнинг (XVII аср) «Мажолис ал-орибийн»<sup>11</sup>, «Риёз ал-музаккирийн»<sup>12</sup>, Муҳаммад Бадий ибн Муҳаммад Шариф ас-Самарқандийнинг (ваф. 1080/1669-1670) «Музаккир ал-асҳоб»<sup>13</sup>, Абу ал-Футуҳ ибн Аби ал-фазл ибн Маҳмуд ал-Холид ас-Самарқандийнинг «Хулоса аврод ва одоб»<sup>14</sup>, Абдулҳай

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №10868/I.

<sup>2</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари: №11017, 1402/II, 11346/II, 12638.

<sup>3</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари: №12020/II, 12764/IV, 10635/I.

<sup>4</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №12346.

<sup>5</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №10673/I.

<sup>6</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №683/III.

<sup>7</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №11399/III.

<sup>8</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари: №11897, 13077/I.

<sup>9</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари: №13077/II, 13289.

<sup>10</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №480/V.

<sup>11</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №10663.

<sup>12</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №11939/II (ушбу қўлёзмада муаллиф исмига муфтий лавозими ҳам қўшиб ёзилган).

<sup>13</sup> \* Тадқиқотлардан маълум бўлишича, асар ўз даврида Самарқанд қозиси бўлган Хожа Миракшоҳга миннатдорчилик сифатида ёзилган. Муаллифнинг отаси Муҳаммад Шариф Самарқандда муфтийлик лавозимида турган вақтда Хожа Миракшоҳ қозилик вазифасини бажарган.

<sup>14</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №10419.



ал-Ханафий ал-Мужаддий ибн Мирзо Абулхайр ас-Самарқандийнинг «Камолоти мужаддийа ва моқомоти Аҳмадий-йа»<sup>1</sup> асарларининг қўлёзмалари шулар жумласидандир.

Қўлёзмалар фондидаги тарихий манбалар ичида Абу Ҳафс Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Самарқандий (ваф. 537/1142) қаламига мансуб «Қандияи хурд» асарининг шогирди Имом Абулфазл Муҳаммад ибн Абдулжалил ибн Абдулмалик ибн Ҳайдар ас-Самарқандий томонидан қайта ишланган, тарихий география жанрида ёзилган «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд», Абдураззоқ ибн Исҳоқ ас-Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»<sup>2</sup>, Мир Саид Шариф Роқимнинг «Таърихи Роқими»<sup>3</sup> асарлари мавжуд. Улар орасида Муин ибн Ҳожи Муҳаммад Фароҳий (Муин ал-Мискин) нинг «Маориж ан-нубувват фи мадориж ал-футувват»<sup>4</sup> асари ислом тарихига оид мўътабар манбалардан биридир.

Имом Абул Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил ибн Абдулмалик Ҳайдар ас-Самарқандий «Қандияи хурд»<sup>5</sup> асарида тарихий географик маълумотлар ўз аксини топган.

Фондда сақланаётган манбаларнинг бир қисми тил ва адабиёт билан боғлиқ соҳаларга тегишли. Тилшуносликка оид манбалардан бири Абулқосим ибн Абу Бакр ал-Лайсий ас-Самарқандий қаламига мансуб (ваф. 888/1483) «Шарҳи истиороти Самарқандий» асаридир<sup>6</sup>. Унинг қўлёзмаси институт фондида №1395/IV рақами остида сақланади.

Қўлёзмалар фондида турли даврларда Самарқандий нисбаси билан фаолият юритган шоирларнинг ёзма мероси ҳам мавжуд. Жумладан, Бисотий Самарқандийнинг «Ғазалиёти Бисотий»<sup>7</sup>, «Девони Бисотий»<sup>8</sup>, Амир Ҳумоюн Исфароиний Самарқандийнинг «Девони Ҳумоюн»<sup>9</sup>, мавлоно Содиқ Самарқандийнинг «Девони Содиқ»<sup>10</sup>, Мулло Абулхайр Самарқандийнинг «Девони Ошиқ»<sup>11</sup> каби асарларини мисол қилиш

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №10610.

<sup>2</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №5973.

<sup>3</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №12304.

<sup>4</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари: №11945, 13057.

<sup>5</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №5404/III.

<sup>6</sup> СВР. Том I. – С.200.

<sup>7</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №1024/II.

<sup>8</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №159/VI.

<sup>9</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №37/VII.

<sup>10</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №1038/VII.

<sup>11</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №1116/V.

мумкин. Бундан ташқари, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират аш-шуаро»<sup>1</sup> асари қўлёзмаси ҳам сақланади.

Самарқандийлар томонидан табобат илми билан боғлиқ бир қатор асарлар яратилган. Муҳаммад ибн Фулод табиб Самарқандийнинг «Зубдат аш-Шифо»<sup>2</sup>, Мир Самарқандийнинг «Рисолаи Суҳайлийа бар тиб»<sup>3</sup> ўз даври табобати учун қўлланма ва-зифасини ўтаган.

Самарқандда аниқ фанлар билан ҳам шуғулланишгани Исма-туллоҳ ибн ал-Аъзам ибн Абдурасулнинг «Хулосат ал-ҳисоб»<sup>4</sup>, «Анвор хулосат ал-ҳисоб»<sup>5</sup> каби асарларидан маълум бўлади.

Биз юқорида «Самарқандий» нисбаси билан фаолият олиб борган олимлар асарларининг қўлёзмаларига тўхталиб ўтдик. Мазкур нисба билан ёзма мерос қолдирган яна бир илм аҳли борки, улар котиблардир. Қўлёзмалар фондида самарқандлик котибларнинг меҳнат маҳсули бўлмиш бир қанча манбалар ҳам сақланади. Албатта, уларнинг катта қисми ислом илмлари билан боғлиқ асарлардир. Масалан, (ҳозирча муаллифи номаълум бўлган) «Шарҳ ҳазору як ном худои азза ва жалл»<sup>6</sup>, Имом Сижовандийнинг «Шарҳи фароизи Сижовандий»<sup>7</sup>, Фахриддин Ҳасан ибн Мансур ал-Ўзжандий ал-Фарғоний Қозихоннинг «Фатовои Қозихон»<sup>8</sup>, Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя»<sup>9</sup>, Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг «Шарҳ ал-виқоя»<sup>10</sup>, Саъдуддин Кошғарийнинг (XIII аср) «Мунят ал-мусоллий ва ғунят ал-мубтадий»<sup>11</sup>, Ҳусайн ибн Алим ибн Абу ал-Ҳасан ал-Ҳусайний (ваф. 718/1318) «Нузҳат ал-арвоҳ», Муҳаммад ибн Маҳмудал-Ҳофиз ал-Бухорийнинг (Хожа Муҳаммад Порсо номи билан машҳур. ваф. 822/1419) «Рисолаи Қудсия» асарлари самарқандлик котиблар томонидан кўчирилган.

Қўлёзмалар фондида маҳаллий котиблар кўчирган тарихий асарлар ҳам сақланади. Масалан, Давлатшоҳ Самарқандийнинг (ваф. 900/1494) «Тазкират аш-шуаро» асарининг 988/1580 йили

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари: №10177, 11595, 1525.

<sup>2</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №11344/II.

<sup>3</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №11541/I.

<sup>4</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №12848.

<sup>5</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №11296/XIV.

<sup>6</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №489/II.

<sup>7</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №12731/III.

<sup>8</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №11588.

<sup>9</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №12516.

<sup>10</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: 12825.

<sup>11</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси: №543/III.

Муҳаммад Боқий Самарқандий томонидан кўчирилган қўлёзма-си мавжуд. Қўлёзма китобат санъатининг ноёб безаклари билан безатилган<sup>1</sup>. Шунингдек, Мирхонднинг (ваф. 1498) «Равзат ас-сафо»<sup>2</sup>, Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир (ваф. 941/1534) қаламига мансуб «Ҳабиб ас-сияр фи ахбор афрод ал-башар», Муин ибн ҳожи Муҳаммад ал-Фароҳийнинг «Маориж ан-нуббуват фи мадориж ал-футувват» каби асарларини ҳам Самарқандий нисбаси билан фаолият олиб борган котиблар кўчирганлар.

Минтақада кўчирилган асарлар ичида тил ва адабиёт соҳасидаги манбалар ҳам талайгина. Масалан, Сайфуддин Боҳарзийнинг (ваф. 658/1260) «Рубоиёти шайх олам» асари 1257/1841 йили Абдулқаййум Самарқандий исмли котиб томонидан кўчирилган<sup>3</sup>.

Луғат илмига оид асарлардан бири 725/1324–1325 санада тузилган (ҳозирча муаллифи номаълум) «Муқаддимат ал-луғат» асари Жалол ибн Бурҳон ибн Амир ибн Рашид Самарқандий томонидан 730 йил жумод ал-аввал ойининг 21 (милодий 1330 йил 12 март) санасида Самақандда китобат қилинган<sup>4</sup>. Қўлёзма арабча-форсча луғат бўлса – да, унинг бир нечта ўзига хос хусусиятлари бор. Масалан, нуханинг қадимийлиги, «Мулла Пир Муҳаммад мударрис» шаклидаги муҳрлар орқали асарнинг ўша даврларда Самарқандда луғат китоби сифатида фойдаланилгани маълум бўлади.

Шунингдек, Алишер Навоий қаламига мансуб «Хамса» асари 1266/1849–1850 йили Мулла Муқимхон Самарқандий номли котиб томонидан кўчирилган<sup>5</sup>.

Ҳофиз Шерозийнинг «Девони Ҳофиз»<sup>6</sup>, Алишер Навоийнинг «Чор девон»<sup>7</sup>, Мир Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Ҳусайнийнинг «Муаммои Ҳусайний»<sup>8</sup>, Оғомалик ибн Жамолиддин Амиршоҳи Сабзаворийнинг «Девони Шоҳий»<sup>9</sup>, Нозим Ҳеравийнинг «Маснавий Юсуф ва Зулайхо»<sup>10</sup> каби асарларининг самарқандлик котиблар кўчирган қўлёзмалари мавжуд.

<sup>1</sup> СВР. Том I. – С.124 – 125.

<sup>2</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси: №1463.

<sup>3</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси: №489/III.

<sup>4</sup> СВР. Том I. – С.195 – 196.

<sup>5</sup> СВР. Том II. – С.200 – 201.

<sup>6</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси: №3933.

<sup>7</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси: №11444.

<sup>8</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси: №11879/I.

<sup>9</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси: №161/III.

<sup>10</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси: №1310.

Афсуски, бу мақолани ёзиш давомида номлари зикр қилинган барча шахсларнинг яшаган даврини аниқлаш имкони бўлмади. Шу сабабли хронологик тартиб бирмунча бузилган бўлиши мумкин. Кейинги изланишларда яна бир қатор олимлар фаолияти аниқланади. Нима бўлганда ҳам, Самарқанд олимлари ичида фаолияти ҳар томонлама ўрганилиши зарур бўлган шахслар мавжуд. Албатта, улар ҳақидаги маълумотлар қўлёзма асарларда ўз аксини топган бўлиши керак.

Умуман олганда, институт фондидаги қўлёзмалар орқали Самарқандда илм-фан ривожига бўйича қимматли маълумотлар олиш мумкин.

Ҳ. Назирова

## ТЕМУРИЙ ВАЛИАҲДЛАР МАЛИКАСИ ХОРАЗМЛИК ХОНЗОДА

Жаҳон тарихида қўлёзма манбалар асосида бирор-бир воқеаликка оид ҳодисани контекстдан узиб олиб талқин қилиш ҳолатлари учраб туради. Шундай воқеаликлардан бири Олтин Ўрда<sup>1</sup>, яъни Жўчи улуси ва Чигатой улуси<sup>2</sup> тарихига оид Амир Темурнинг (1336 – 1405) Хоразм юришлари ҳисобланади. Шарафиддин Али Яздийнинг (ваф. 1454) «Зафарнома» асаридан Амир Темурнинг Хоразм юришлари (1372 – 1388) умумий матндан қирқиб олинган ҳолда асрлар оша бир томонлама талқин қилинмоқда. Бу даврда Хоразмда ҳукмрон Сўфилар сулоласининг (1360/1361 – 1388) расмий солномаси йўқ эди ёки бизгача етиб келмаган. Тадқиқот эса фақат бир томонлама ёритилган манбага таянилса, тадқиқотчи ҳам танганинг бир томонини беришга мажбур. Мақолада Амир Темурнинг Хоразм юришларида Сўфилар сулоласи билан илк сулҳ сабабчиси Ўзбекхон (1282

<sup>1</sup> Олтин Ўрда Кўк Ўрда деб ҳам аталган. Жўчи улуси Кўк ва Оқ Ўрдалардан таркиб топган. Қаранг: Y. Bregel. A Historical Atlas of Central Asia. – Leiden, Brill, 2003. – P.38. Бир оз вақт ўтгач «ўрда» атамаси улуснинг синоними сифатида ишлатила бошланди. Турк тилида бу улусларнинг номлари ранглар билан ишлатилган: ўнг томон учун Оқ Ўрда (ғарбий қаноти), чап ёки шарқий қанот учун Кўк Ўрда; Хорезм в истории государственности Узбекистана / Отв. редакторы: Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимova. – Ташкент, 2013. – С.133.

<sup>2</sup> Чингизхон (1206 – 1227) Хоразм ҳудудини 2 та ўғли – Жўчи (1224 – 1227) ва Чигатой (1227 – 1242) мулкига ажратиб, воҳанинг катта шимоли-ғарбий қисмини Жўчига, кичикроқ жануби-шарқий қисмини, у ердаги Кат ва Хива шаҳарларини Чигатойга берган эди, у эса, ўз навбатида, Хоразм бошқарувини *доруғага* топширади. 1221 – 1361 йиллар оралиғида Хоразм Олтин Ўрда, яъни Жўчи улуси таркибига киритилган.

– 1341, ҳукмдорлик йиллари 1313 – 1341) невараси Севинчбек та-риhini ёритишга ҳаракат қиламиз. Амир Темур ва Темурийлар салтанатида Хонзода роли ҳали-ҳануз тўлиқ ёритилмаган.

1360 йилларда Хоразмни бошқариб турган қўнғиротлардан Оқ Ўрда вакили Ҳусайн сўфи Олтин Ўрдада тахт учун кураш нати-жасида вужудга келган сиёсий заифлик чоғида ўз мавқеини мустаҳкамлади ва Хоразмда Сўфилар сулоласига асос солди. Сўнгра у Чигатой улусидаги тарқоқликдан фойдаланиб Хоразм-нинг жануби-шарқий қисмини ҳам ўз мулкига қўшиб олди. Хоразмни ягона давлат сифатида бирлаштирди, бу эса тўғри-дан-тўғри Амир Темур бирлаштирган ҳудудга таҳдид эди. Чи-ғатой улусининг қонуний ҳукмдори Суюрғатмишхон номидан сиёсат юритган Қочули Баҳодир наслидан бўлган Темур<sup>1</sup> улусни бирлаштириш учун тинимсиз ҳарбий юришлар олиб борган. Йирик олимлар ҳамкорлигида ёзилган «История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов» номли монографияда<sup>2</sup> ҳам Темурнинг Хоразмни Моварауннаҳр ҳудудига қўшиб олиш чо-ралари қайд этилган.

Чингизий аслзодалар орасида насл-насаби тоза ҳисобланган қўнғирот уруғидаги қизларга уйланиш урф бўлган<sup>3</sup>. Айнан шу анъанани Амир Темур ҳам давом эттирган. Темур ҳам ўз ўғил-ларига Оқ сўфининг<sup>4</sup> қизи Севинчбекни (ваф. 1411 йил) (Суйин-бек/Хонзода) аввал ўғли Жаҳонгир мирзо (1356 – 1376)га, унинг ўлимидан сўнг Мироншоҳ (1366 – 1408)га олиб беради. Кўриб турганимиздек, XIV асрнинг қариндошлик ришталари сиёсий урушларнинг олдини олиш ёки ярашиш – сулҳнинг муҳим ат-рибутларидан бири эди, Амир Темурнинг Хоразмга юришлари-дан бирида ҳам бу усул ишлатилган. Натижада Олтин Ўрда хони

---

<sup>1</sup> Munis Shir Muhammad Mirab and Agahi Muhammad Riza Mirab, *Firdaws al-iqbāl: History of Khorezm* / Transl. from Chaghatay and annotated by Yu. Bregel. – Leiden, 1999. – P.16 (Бундан кейин *Firdaws al-iqbāl*); Мунис ва Огаҳий. *Фирдавс ул-иқбол / Араб ёзувидан табдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари Воҳидов Ш., Бекчанов И., Полвонов Н.* – Тошкент: 2010. – Б.68 (Фирдавс ул-иқбол).

<sup>2</sup> *История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов* / Отв. редакторы: Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. – Ташкент, 2017. – 536 с.

<sup>3</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Зайцев И.В. К истории золотоордынских кунгратов в Хорезме и в Крыму // *Тюркологический сборник 2013 – 2014.* – Москва, 2016. – Б.239 – 240.

<sup>4</sup> Оқ сўфи номи фақат Хонзоданинг отаси сифатида темурий манбаларда қайд этилади, аммо у ҳукмдорлик қилмаган. Мақола муаллифи Оқ Сўфи билан Ҳусайн Сўфи бир шахс деган тахминни илгари сурмоқда. Бунга сабаб Ўтамиш-хўжанинг «Қора таварих» асарида Оқ-Ҳусайн сўфи шаклида учрашидир: Утемиш-хаджи. *Қора таварих / Отв. редактор выпуска И.М. Миргалеева.* – Казань, 2017. – С.52.

Ўзбекхоннинг невараси Темурийлар давлати ҳаётида ҳам муҳим вазифани бажарган. Амир Темурнинг «чингизий омил»<sup>1</sup> – кўрагон унвони бошқа сулола вакилларига ҳам таъсир қилган. Мисол учун, Сафавийлар шоҳи Таҳмасп (1513 – 1576) соҳибқирон сингари Чингизхон авлодидан бўлган қизга уйланиш ниятини билдириб, Сўфиёнхоннинг қизи Ойиша бегига уйланган<sup>2</sup>. Хоразм муаррихлари Амир Темурни шу тарафлама тилга олишган, унинг Хоразм юришлари эса фақат темурий манбаларда қайд этилган.

Хонзода номини илк бор манбаларда Амир Темурнинг Хоразм юришлари контекстида учратамиз. Жумладан, «Мужмали Фасиҳий» асарида юриш ва тўй тафсилотлари қўйидагича берилган:

«Жумод ал-охир ойининг 27-куни чоршанбада (1372 й. 5 январь) Амир Темур шаҳарни қамал қилиб турган вақтида Хоразмда амир Ҳусайн сўфи вафот этади ва ўрнига укаси Юсуф сўфи тахтга ўтиради. Хоразм ҳукмдори Юсуф сўфи ва амир соҳибқирон ўртасида Хонзодани (турмушга) амирзода Жаҳонгирга бериш, амир соҳибқирон эса Хоразмни қамал қилмаслиги тўғрисида битим тузилади. 1373 йил. Амир Темур кўрагон иккинчи марта Хоразмга жўнади, чунки унинг улўғсифат қулоғига Юсуф сўфи итоатдан бош тортиб, ўзи берган ваъдасидан чиқиб кетгани тўғрисида хабар етиб келди. Амир Юсуф амир соҳибқирон йўлга чиққани ҳақида эшитгач, нотинчлиги ва ваҳимаси кучайди ва у мурувват қидириб кечирим сўради. Амир соҳибқирон ярим йўлдан қайтди. 1373 йили Хонзода ҳазрати олийларини Хоразмдан олиб келиб амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн амир Темур кўрагонга эрга бердилар. Амир соҳибқирон Коникилда шу вақтгача ҳеч ким кўрмаган тўй қилишни буюрди»<sup>3</sup>.

Бошқа тарихий манбаларда ҳам Севинбекнинг гўзаллиги Амир Темур қулоғигача етиб боргани, у катта ўғли Жаҳонгир мирзога қизнинг қўлини сўрагани ҳақида маълумотни учратамиз. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида воқеани қўйидагича баён қилган. Юсуф сўфи қизни узатишга рози бўла-

<sup>1</sup> Аллаева Н. Хива хонлиги дипломатияси (XVI – XIX асрлар). – Тошкент, 2018. – Б.46.

<sup>2</sup> Абулғози. Шажарайи турк / Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Йўлдошев. – Тошкент, 1992. – Б.128.

<sup>3</sup> Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад ал-Хавофий. Мужмали Фасиҳий. Фасиҳ тўплами / Таржима, кириш, изоҳлар ва кўрсаткичлар Д.Ю. Юсупованики. – Тошкент, 2018. – Б.124 – 126.

ди, аммо қизнинг ҳали сепи тайёр эмаслигини баҳона қилиб вақтни чўзади. 1373 йил февраль ойида соҳибқирон иккинчи марта Хоразмга юришга отланади, чунки Юсуф сўфи сулҳни бузиб, қизни жўнатмай, Кат шахрини талайди. Вазиятни ўнглаш учун сўфи тезда элчилар жўнатади. Юриш бўлмайди. Олтин Ўрда бекларидан Нангудайнинг ўғли Оқ сўфи Ўзбекхоннинг қизи Шакарбекка уйланганди. Шунинг учун уларнинг қизи Севинбек нафақат чиройда, балки насабда ҳам танҳо эди. Тўй тараддуди ҳам шунга яраша бўлган. Амир Темур Хоразмга келинни олиб келишга чингизий беклардан Ёдгор барлос, Довудбек ва Ўлжатоибекни жўнатади. Улар тақдим қилган совғалар орасида қимматбаҳо мато, олтин иплар билан тикилган парча, хитой ипаги, қул, отлар бор эди. Хоразмда бошланган тўй Самарқандда давом этди. Амир Темур Хонзоданинг кутиб олиш учун шаҳар дарвозасига барча уламо, шайх, чингизий маликаларни юборади. Шаҳар тўлиқ безатилади. Олтин тангалардан иборат сочқилар йўл бўйлаб махсус тикилган оқ уйгача сочилади. Хонзоданинг устидан тинимсиз сочқилардан унинг бўй-басти тилларга кўмилади. Келин-кўев учун тикилган махсус оқ уйнинг (чодир, ўтов) ичи гавҳару дурлар билан безатилганди. Куй-мусиқа авжида эди<sup>1</sup>.

Хоразмдан Самарқандгача олтин сочқилар сочилган тўйнинг оғзаки тарихи ҳам сақланиб қолган. Хоразмлик машҳур қўшиқчи Сафо Оллоберганов (1882 – 1938) Сафо муғанний номи билан халқ орасида машҳур бўлган. Ўзбек рақс саънатининг асосчиларидан Тамараханум (1906 – 1991) Хоразмда 1934 – 1935 йилларда ижод қилган<sup>2</sup>. Айнан шу даврда Сафо Муғанний Хоразм элида машҳур Жаҳонгир мирзо номидан айтилган қўшиқ сўзларини Тамараханумга ўргатган эди. 1935 йилда Лондонда бўлган халқаро фестивалда шу репертуар учун Уста Олим Комилов ва Тамараханум олтин медални қўлга киритган<sup>3</sup>. Аммо Тамараханум шўролар сиёсати туфайли қўшиқни халқ сўзи деб ижро этган. Чунки 1937 йили Сафо Муғанний ўша пайтдаги ҳукумат раҳбарлари Файзулла

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёмаси. №4472. Фотофаксимил нашр / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А. Ўринбоев. – Тошкент, 1972. – Б.148<sup>б</sup>– 150<sup>а</sup>.

<sup>2</sup> Тамара Ханум. Моя жизнь. Воспоминания о себе и выдающихся деятелях искусств Узбекистана // Тамара Ханум; авт.-сост. Л. Авдеева. – Ташкент, 2009. – С.138, 141.

<sup>3</sup> Тамара Ханум. Моя жизнь. Воспоминания о себе и выдающихся деятелях искусств Узбекистана // Тамара Ханум; авт.-сост. Л. Авдеева. – Ташкент, 2009. – С.141, 147 – 148. Шу китобда, Лондон сафарининг афиша эълони, Хоразм труппаси, олтин медалнинг расмлари бор. – Б. 127 – 132.

Хўжаев (1896 – 1938) ва Акмал Икромовга (1898 – 1938) бағишлаб қўшиқ айтгани учун «халқ душмани» сифатида қамоққа олинган. Қўшиқда фақат икки куплет куйланган. Қўшиқнинг тўлиқ матнини журналист Анбара Отамуродова (туғ. 1938 йил) 1985 йилда «Муסיқа жавони» тележурнали учун «Бир қўшиқ тарихи» саҳифасини тайёрлаш жараёнида «Оразибон» ансамблининг аъзоси, бастакор Матниёз Юсуповдан (1925 – 1992) ёзиб олган<sup>1</sup>. Сафо Муғанний томонидан куйланган қўшиқ матни қўйидагича:

Ганжи Қорабоғдан галдим қошингга,  
Санга жоним қурбон этмасам бўлмас,  
Қўшармисан бошинг менинг бошим?  
Йўлингга жон фидо этмасам бўлмас.

Юзинг ўхшар ўн тўрт гежали ойга,  
Оқ юзингга сочинг зулфлари соя,  
Базм айлаб ўтирган Тилло саройга,  
Очиб жавоб барсанг, гирмасам бўлмас.  
Рўзи қилса ғам шаърини балоси,  
Уларга кирмаса оҳим садоси,  
Ўлтурган парилар дардим давоси,  
Саройдин соллониб чиқмасам бўлмас.

Саройинг баландда қирқ зинапоя,  
Юзингни ўхшатдим шамси ва оя (ойга).  
Сарога тушма бўлиб сан зоя,  
Насиб бўлса, сани ёшласам бўлмас.

Узоқдан қарасам, манглайинг ёзиқ,  
Кийганинг хулладир, беллари нозик,  
Билакка ярашар тилло билозиқ,  
Қўлларинг бўйнима солмасам бўлмас.

Ошиқ санга ойтиб тонгни оттирдим,  
Оқ сийнамни аёзларда қотирдим,  
Ой юзингни кўриб ақлим шоширдим,  
Тилагим бир бўса бармасанг бўлмас<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ушбу қўшиқнинг матни Сафо Муғанний томонидан Тамарахонумга ўргатилган. Аммо сиёсат туфайли Тамарахонум бу қўшиқни халқ қўшиғи деб ижро этган. Қўшиқнинг тарихини Анбара Отамуродова “Ўзбекистон санъати ва адабиёти” газетасининг 2009 йил 3 июль №27 сонидан нашр қилган.

<sup>2</sup> Қўшиқнинг тўлиқ матнини Анбара Отамуродовадан ёзиб олган Латофат Абдураимовага ўз миннатдорчилигимни билдираман.



Аслида, тарихни ёзма солномалар ва оғзаки тарих билан қиёсий ўрганиш воқеалиқдаги оқ доғларни тўлдиришга ёрдам беради ва бадиий адабиётда холислиқни таъминлайди.

Ҳозирги кунда Амир Темур ва Темурийлар сулоласига оид юзлаб бадиий-тарихий романларни кўришимиз мумкин. Шундай роман муаллифларидан бири Амир Темур оиласини тарихий манбалар асосида қайта тиклаган таниқли адабиётшунос Поён Равшанов бўлади<sup>1</sup>. Романга анча манбалар жалб қилинган, мутахассислар билан муҳокама қилинган. Аммо роман муаллифи ҳиссиётларга берилиб, жумладан. Хонзодани «салтанат қўйнида етилган аждарҳо», бутун салтанатга қарши ҳаракат қилган персонаж сифатида талқин қилади<sup>2</sup>. Асарда «келинлар Хонзодаси», «соҳибқироннинг энг суюкли, эрка келини» дея таърифланган малика «улкан хонадоннинг зўр бир тармоғи илдизига болта уриш»да айбланади<sup>3</sup>. Ушбу айблов Хонзода Мироншоҳ устидан арз қилгани учун муаллиф томонидан берилган. Муаллиф фикрини давом эттириб испан элчиси Клавихонинг саёҳатномасида Хонзода томонидан катта тўй берилган деган қайдни чуқур таҳлилга тортмасдан «Хоразмдан қариндош-уруғларини ҳам Самарқандга кўчириб келган» деган хулосани чиқаради<sup>4</sup>. Аслида, бу тўй Мирзо Улуғбекка Муҳаммад султон мирзонинг қизи Оғо Беги (Ўғи Беги)нинг никоҳланишидан бир кун олдинги базм эди<sup>5</sup>. Чунки Муҳаммад султон мирзонинг онаси Хонзода бўлган. Набирасининг тўйини эса Хонзода катта тантана қилиб ўтказади, тарихий манбада хоразмлик қариндош-уруғлар келганлиги ҳақида маълумот мавжуд эмас. Шунингдек, Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдулазиз ҳақида гап кетганда унинг онаси Ҳусн Нигорхон Оғо, онасининг отаси эса Халил Султон ибн Мироншоҳ эканлиги қайд этилган. Хонзода бегим Мирзо Жаҳонгир вафотидан кейин Мироншоҳга турмушга чиққан ва Халил Султонни дунёга келтирган эди<sup>6</sup>. Яъни хоразмлик Сўфилар сулоласининг маликаси Хонзода бегим асосий тахт даъвогари темурий шаҳзодаларнинг бувиси ҳисобланган.

Хулоса. Амир Темур олтин ўрдалиқ хонлар наслидан ҳисобланган оила билан қуда бўлишга интиланган. Кўрагон унвонини

<sup>1</sup> Равшанов П. Амир Темур сулоласи. – Тошкент, 2018. – Б.650.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б.266.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б.248.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б.259.

<sup>5</sup> Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент, 1995. – Б.302.

<sup>6</sup> Бўриев О. Хоразмшоҳлар – темурийлар. – Тошкент, 1999. – Б.16.

нафақат ўзи, балки фарзандлари ва набиралари ҳам олишига эътибор қаратган<sup>1</sup>. Хоразмлик малика Севинбек Амир Темур хонадонидаги асосий тахт даъвогарларининг ё рафиқаси, ё онаси, ё бувиси сифатида тарихда қолган. Аммо бу жиҳати ҳали тўлиқ тадқиқ қилинмаган. Яна бир қизиқ жиҳат Хонзодадан туғилган фарзандларга султон эпитети қўшилишидир: Муҳаммад султон мирзо, Халил султон.

Моварауннаҳр ва Хоразм тарихида из қолдирган валиаҳдлар маликаси Хонзода персонажини Жўчи ва Чигатой улуси манбаларини қиёсий ўрганган ҳолда тадқиқ қилиш лозим.

*Ф. Шарипов*

### **ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ «БОБУРНОМА» АСАРИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг ҳаёт тафсилотларини «Тузуки Бобурий» ёки «Бобурнома» номи билан ўз она тили бўлмиш туркийда ёзган. У ҳам абадий, ҳам тарихий аҳамиятга молик асар сифатида эътироф этилади. Асар жуда кўп Европа тилларига, жумладан, инглиз ва француз тилларига ҳам таржима қилинган. Инглиз олими А.С. Бевериж хоним таржимаси инглизча таржималар ичида энг яхшиси деб тан олинган, чунки бу таржима асл туркий нусхадан бажарилган.

Ҳазрат Бобур томонидан қолдирилган бебаҳо адабий, тарихий ва ислом ақоидларига оид асарлар, айниқса, унинг «Бобурнома»си адиб вафотидан ҳаял ўтмасдан форс тилига ўгирилган, 1826 йили Лейден-Эрскин таржимасида Лондонда инглиз тилида, кейинроқ 1828 йилда немис тилида, 1871 йилда француз тилида, 1921 йилда яна инглиз тилида ва кўплаб марта шу ва бошқа тилларда нашр этилди<sup>2</sup>.

Бу асардан Бобурнинг билим доираси, унинг ютуқ ва камчиликлари, ҳузур-ҳаловати ва ташвишлари, у яшаган даврдаги сиёсий аҳвол, у кезган ўлкаларнинг иқлими, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, муаллифнинг диди ва нозик таъби, бир қатор

<sup>1</sup> Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент, 1995. – Б.165.

<sup>2</sup> Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.5.

халқлар ва элатлар ҳақида ғоят нодир ва қимматли маълумотлар зикр этилган. Инглиз тарихчиси Лейн Поул бу асарга «муҳим тарихий ҳужжат» деб қарайди, «Ўша даврга хос воқеликни тасдиқлайдиган бирон-бир ҳужжат бўлмаса, бу масалада «Бобурнома»га мурожаат қилиш керак», – деб ёзади. Инглиз тарихчиси ва давлат арбоби М. Элфингстоун эса бу асарни «Осиёнинг ҳаққоний тарихини акс эттирувчи китоб» деб баҳолайди<sup>1</sup>.

Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари «Бобурнома»дир. Асарнинг асли номи «Бобурия» бўлган. Уни «Воқеанома», «Тузуки Бобурий», «Воқеоти Бобурий» деб ҳам атадилар. Асар кейинчалик «Бобурнома» номи билан шуҳрат қозонган<sup>2</sup>.

Унда Бобур яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни; иккинчи қисми XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни баён этади, учинчи қисми XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. «Бобурнома»да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукамал баён қилинар экан, Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Кобул улусининг йирик шаҳарлари: Кобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон ҳақидаги маълумотлар ҳам учрайди.

«Бобурнома» Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқларининг XV аср охири – XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эттирган, шу билан бирга, жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, географик мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари, уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари, ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн

<sup>1</sup> Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.32.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи. 2-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б.67.

маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган шоҳ асардир.

Бобур жой, минтақаларнинг тасвири заминида ўзининг дунёқараши, ўша жой хусусиятлари билан боғлиқ равишда давлатдорлик даражаси ҳамда шу пайтдаги сиёсий-географик ҳолатни ҳам тасвирлаган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан яратилган бу асар ижтимоий-тарихий, илмий, табиий ва адабий лингвистик маълумотлар хазинасидир, унда 1494 йилдан 1530 йилгача Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда кечган воқеалар баён этилган. Бобур тарихий фактларни шунчаки қайд этиш, жангу жадаллар, юришлар ҳақида хронологик ахборот бериш билангина кифояланмай, воқеаларни жонли тилда қизиқарли ҳикоя қилади, манзара чизади, табиатни, этнографик ҳолатларни тасвирлайди, даврни, унинг хусусиятларини гавдалантиради.

Бобур Самарқанд ҳақида шундай ёзади: «Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур. Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғий қаҳр ва ғалаба била мунга даст топмағон учун балдаи маҳфуза дерлар. Самарқанд ҳазрати амирул-муъминин Усмон замонида мусулмон бўлғондур. Саҳобаддин Қусам ибн Аббос анда борғондур. Қабри Оҳанин дарвозасининг тошидадур. Ҳоло мазори Шоҳға машҳурдур. Самарқандни Искандар бино қилғондур. Мўғул ва турк улуси уни Семизканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилғон эмастур. Қўрғонини фаслнинг устидин буюрдимким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти».

«Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳредур, бу шаҳарда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳарда андоқ бўлғай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур. Хўб нонволиклари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар, Жувози қоғозлар суйи тамом Конибилдин келадур. Конибил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар. Самарқанднинг яна бир матои қирмизи маҳмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар»<sup>1</sup>.

Асарда Бухоро ҳақида шундай дейилган: «Яхши вилоёти ва тумоноти бор. Улуғ вилоятим, Самарқанд қаринасидур, Бухо-

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – Б.43, 46.

родур. Самарқанднинг ғарбий тарафи йигирма беш йиғоч йўлдур. Бухоронинг ҳам неча тумоноти бор. Тавр шаҳре воқе бўлубтур. Меваси кўп бўлур ва хўб бўлур, қовуни бўлмас. Яна «олуйи бухорий» машҳурдир. Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўюб, қурутиб, табарруклук била вилояттин вилоятқа элтарлар. Талйин учун бисёр яхши тадовидур. Парвори товуғи ва қози бисёр бўлур. Мовароуннухрда Бухоро чоғирларидин тундроқ чоғир бўлмас. Мен Самарқандда аввал ичганда Бухоро чоғирларини ичар эдим». «Яна Кармина вилоятидур. Самарқанд била Бухоро орасидадур. Яна Қоракўл вилоятидур. Борчадин поён оброқдур. Бухородин етти йиғоч ғарб шимолийдур. Яхши тумоноти бор. Ул жумладин, Суғд тумани ва Суғдға пайваст туманлардур. Боши Ёр яйлоқ, оёғи Бухоро, бир йиғоч йўл йўқтурким, кент ва маъмура бўлмағай. Андоқ машҳурдуким, Темурбек дегандурким: «менинг бир боғим борким, тули ўттуз йиғочтур». Бу тумонотни дегандур. Яна Шовдор туманидур. Шаҳр ва маҳаллотқа пайвастур. Хейли яхши тумандур. Бир тарафи Самарқанд била Шаҳрисабз орасидағи тоғ воқе бўлубтур, кентлари аксар бу тоғнинг доманасида тушубтур. Яна бир тарафи Кўҳак дарёсидур, хушҳаво ва пурсафо, суйи фаровон, неъматни арзон, хейли яхши туман тушубтур. Миср ва Шом кўрган равандалар мунча чоғлиқ ер нишон бермайдурлар. Агарчи яна туманлари ҳам бор, бу мазкур бўлгонларча эмас. Ушмунча била иктифо қилилди»<sup>1</sup>.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари тарихий- адабий манба сифатида яна шуниси билан эъзозлики, асарда тарих илми, географияга оид воқеалар, табиат сарчашмалари, аҳолининг этник таркиби, шунингдек, кўплаб тарихий шахслар, адабиёт ва санъат аҳллари, дин аҳллари, шоҳ ва шаҳзодалар, беклар, амиру умаролар ҳақида маълумот берилади.

«Бобурнома»даги 17 қаторда 27 та атоқли от билан жой ва дарё номи келтирилган. Бу шунчаки жой номларини санаб ўтиш эмас, балки уларнинг географик жойлашуви, рельефдаги мавқеидан ташқари аниқ стратегик моҳияти бир мантиқий бирликда ифода этилган.

Тадқиқотчи Р. Расулов «Бобурнома»да мингдан ортиқ географик номлар ва 1800 дан ортиқ киши исмлари учрашини қайд этади<sup>2</sup>. Таниқли топономик олим Т. Нафасов аниқ

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома... – Б.47 – 48.

<sup>2</sup> Расулов Р. Бобур – ўзбек тилининг софлиги учун курашувчи // Илмий тўплам. – Самарқанд, 2000. – Б.44.

рақамларни келтириб, «Бобурнома»да 1406 та киши исми, 1100 дан ортиқ жой номлари қайд этилганини ёзади<sup>1</sup>. Кўри-ниб турибдики, «Бобурнома»даги жой номлари ва киши исмларининг қанчалиги хусусида мутахассисларнинг фикри бир-биридан жиддий фарқ қилади. «Бобурнома»да ҳаммаси бўлиб 1540 нафар киши номлари тилга олинган. Шундан 357 нафарини мовароуннаҳрлик тарихий шахслар ташкил қилади. Қолган қисми эса турли даврда, турли мамлакатларда яшаган тарихий шахслардир.

Мовароуннаҳрлик 357 нафар тарихий шахслар турли тоифа кишиларидан иборат. Жумладан, 5 нафари амир ва амирзодалар; 20 нафари шоҳ ва шахзодалар; 42 нафари малика ва шоҳ қизлар; 52 нафари умаролар, қўшин бошлиқлари ва беклар; 21 нафари дин ва тасаввуф вакиллари; 30 нафари илм-фан ва адабиёт аҳллари; 187 нафари турли хос кишилар – аскарлар, деҳқонлар, санъат аҳллари, ҳунармандлар, қуллар, ёғийларнинг номлари тилга олинган ва шарҳлаб берилган.

Заҳририддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида мовароуннаҳрлик 25 нафар амир ва амирзодалар номи, улар ҳақида маълумотлар келтирилган. Мовароуннаҳрлик ҳукмдорлар тўғрисида маълумотни муаллиф даставвал отаси Умаршайх мирзо ҳақида беради. Шу ўринда Бобурнинг ҳукмдорлар ҳаёти ва фаолиятини тасвирлашда ўзига хос усул ишлаб чиққанини айтиш лозим бўлади. Биринчидан, у ҳукмдорларнинг номини тилга олиб, «Валодат ва насаби», «Шакл ва шамойили», «Ахлоқ ва атвори», «Масоф ва урушлари», «Вилояти», «Авлоди», «Ҳавотун ва сарори», «Умароси» каби сарлавҳалар остида улар тўғрисидаги маълумотларни тартиб билан баён қилади. Бобур асарида Умаршайх мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо, Бойсунғур мирзо, Султон Ҳусайн мирзо ҳақидаги маълумотларни баён қилишда юқорида санаб ўтилган тартибга асосланади.

Муаллиф Умаршайх мирзонинг «валодат ва насаби» тўғрисида маълумот берар экан, қуйидагиларни ёзади: «Саккиз юз олтмишда Самарқандда эди. Султон Абусаид мирзонинг тўртунчи ўғли эди. Султон Аҳмад мирзо, Султон Муҳаммад мирзо, Султон Маҳмуд мирзодин кичик эди. Султон Абусаид мирзо Султон Муҳаммад мирзонинг ўғли эди. Султон Муҳаммад мирзо

---

<sup>1</sup> Нафасов Т. Бобур номшунос // Илмий тўғлам. – Самарқанд, 2000. – Б.39.

Мироншоҳ мирзонинг ўғли эди. Мироншоҳ мирзо Темурбекнинг учунчи ўғли эди. Умаршайх мирзо била Жаҳонгир мирзодин кичик. Шоҳруҳ мирзодин улуғ эди»<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, қадимдан мусулмон халқларида етти аждодни, яни «ҳафт пушт»ни аниқ билиш кейинги авлодларга урф бўлган. Бобур шу анъанага мувофиқ асаарида бир қатор тарихий шахслар ҳақида тўхталиб ўтар экан, уларнинг ўтган етти аждоди ҳақида, насаби тўғрисида аниқ генеологик маълумот беришга ҳаракат қилади.

Умаршайх мирзонинг «хавотун ва сарори» баёнида ўз онаси Қутлуғ Нигорхоним ҳақида фикр юритар экан, «Юнусхоннинг иккинчи қизи, Султон Маҳмудхон, Султон Аҳмадхоннинг эгачиси эди. Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхоннинг наслиндур», – деб унинг етти пуштини бирма-бир санаб ўтади, яъни «Юнусхон ибн Вайсхон ибн Шерали Ўғлон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожагон ибн Тўғлуқ Темурхон ибн Эсан Буғахон ибн Дўвахон ибн Бароқон ибн Есун Тува ибн Мутугон ибн Чигатойхон ибн Чингизхон»<sup>2</sup>, деб улар ҳақида маълумот беради.

*Д. Маҳкамова*

## **«КАШФ АЗ-ЗУНУН»ДА САМАРҚАНДЛИК ОЛИМЛАР**

Самарқанд қадимий маданият, савдо-сотик ва сиёсий марказ бўлиб, нафақат Марказий Осиё ўлкалари, балки Шарқ мамлакатлари олим-уламоларига билим мактаби ва илмфан маскани вазифасини ҳам ўтаб келган. Тарихий манбаларда Самарқанд шаҳри ва вилоятдан етишиб чиққан ёки умрининг аксарият қисмини бу шаҳарда илм олиш мақсадида ўтказган олимлар ҳақида кўплаб маълумотлар топиш мумкин.

Шу боис шаҳарнинг бой тарихий ўтмиши ва маданиятини ёзма, жумладан, ўрта асрларда яратилган араб манбалари асосида ўрганиш катта аҳамият касб этади. Ана шундай манбалардан бири Ҳожи Халифанинг «Кашф аз-зунун ан-асами ал-кутуб ва

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома... – Б.9.

<sup>2</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома... – Б.38 – 39.

ал-фунун» («Китоблар ва фанлар номларидаги шубҳаларнинг ечими») номли био-библиографик асаридир.

Ушбу асар араб тилида ёзилган бўлиб, унинг муаллифи Мустафо ибн Абдуллоҳ (1609 – 1658) Ҳожи Халифа ва Котиб Чалабий номлари билан танилган. Мазкур асарга киритилган маълумотларни олим қарийб йигирма йил мобайнида (1635 – 1657) дунёнинг турли кутубхоналаридан жамлаган. Асарда муаллиф (VIII – XVII) тўққиз асрлар мобайнида яшаб, фаннинг турли соҳаларида ижод этган салкам 10000 муаллиф ва уларнинг 15000 га яқин асарлари ҳақида маълумотларни баён этган. Мавзу жиҳатидан мазкур маълумотлар тарих, тилшунослик, фалсафа, табобат, риёзиёт, фалакиёт, тафсир, ҳадисшунослик, фикҳ, калом илм соҳаларида ижод қилган олимларнинг асарлари жам қилинган.

Булар сирасида X – XV асрларда Самарқанд ҳудудида фаолият олиб борган салкам 40 нафар олимнинг номи ва илмий мероси қайд этилгани алоҳида эътиборга молик. Ҳожи Халифа асарининг ўзига хос жиҳатларидан бири – унда муаллиф илмий мерослари кўп ўрганилган, адабиётларда номлари танилган олимлар билан бир қаторда ҳаёти ва фаолияти кам ҳамда етарлича ўрганилмаган шахсларни зикр этган.

Самарқандлик айрим олимларнинг номларини ва асарларини фақатгина Ҳожи Халифа зикр этгани учун кейинги асрларда ёзилган био-библиографик манбаларда улар ҳақида сўз юритилганда «Кашф аз-зунун»га ишора қилинади.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Ямон Самарқандий (ваф. 268/881), Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Солиҳ Кароисий Самарқандий (ваф. 322/933–934), Рукниддин Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Амидий Самарқандий (ваф. 615/1218, Бухоро шаҳрида), Алоуддин Али ибн Яҳё Самарқандий Қарамоний (ваф. 860/1456), Муҳаммад ибн Муҳаммад Самарқандий Муқрий, Абу Ҳафс Умар ибн Абдуллоҳ Самарқандий, Аҳмад ибн Маҳмуд Самарқандий, Саид ибн Али Самарқандий ва уларнинг асарлари ҳақидаги маълумотлар юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Дунё фондларида сақланаётган қўлёзма китоблар ҳақида материаллар жамлаган немис олими К. Броккельман ҳам ўзининг «Араб адабиёти тарихи» номли китобида илмий адабиётларда номлари кам учрайдиган олимларнинг асарларига аниқлик киритишда айнан «Кашф аз-зунун»дан фойдаланганига гувоҳ бўламиз.



Албатта, бир мақолада «Кашф аз-зунун»да<sup>1</sup> қайд этилган барча олимларнинг илмий мерослари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиб бўлмайди. Уларнинг айримларини бошқа манбалар билан қиёслаган ва тўлдирган ҳолда келтириб ўтамыз:

**Абу-л-Қосим ибн Абу Бакр ал-Лайсий ас-Самарқандий** – XIV аср иккинчи ярмида<sup>2</sup> яшаган тилшунос ва адиб. Ҳожи Халифанинг «Кашф аз-зунун» асарида унинг қуйидаги асарлари қайд этилади:

1. «Рисала фи-л-исти‘ара» («Истиора ҳақида рисола»), 888/1483 йиллар атрофида ёзилган<sup>3</sup>. У «Фараид ал-афаид аттанқих ал-исти‘арат» («Истиора маъноларини аниқлашда фойдалар дурлари») номи билан ҳам юритилади. Ҳожи Халифанинг ёзишича, рисола уч қисм «икд» (маржон)дан иборат бўлиб, ҳар бир «икд» бир неча «фароид»ларга бўлинган. У шарқ халқлари ўртасида жуда машҳур бўлиб, севиб ўқилган; унга кўплаб тилшуос ва адиблар томонидан шарҳлар ёзилган. Улардан машҳури Исомиддин Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Арабшоҳ ал-Исфарайний (ваф. 944/1537) ёзган шарҳ<sup>4</sup> ҳисобланади (Кашф аз-зунун. Ж.III. – Б.364).

Абу Бакр ал-Лайсийнинг мазкур асари қўлёзмалари ЎЗР ФА Шарқшунослик институти хазинасида ҳам мавжуд<sup>5</sup>.

2. «Фараид ал-фаваид» («Ноёб фойдалар»). Истиора маънолари, қисмлари ва аломатларининг баёни ҳақида Ҳожи Халифа мазкур асарга шарҳ ёзган 6 та олим номларини қайд этган (Кашф аз-зунун. Ж.IV. – Б.392).

---

<sup>1</sup> «Кашф аз-зунун»нинг ўрганилишида Г. Флюгельнинг хизматлари беқиёс. У 1835 – 1858 йилларда асарнинг лотин тилидаги таржимасини арабча матни билан биргаликда 7 жилдда нашр қилган: Haji Khalifa. Lexicon bibliographicum et encyclopaedicum. Primum edidit Latine vertit et commentario indicibusque instruxit Gustavus Fluegel. V. I – II. – Leipzig, 1835 – 1842; V. III – IV. – London, 1842 – 1848; V. V – VI. – London, 1850 – 1858. Тадқиқотларимизда «Кашф аз-зунун»нинг мазкур нашридан фойдаланилади ва қисқартирилган ҳолда ушбу кўринишда келтирилади (Кашф аз-зунун. Ж.II. – Б.368).

<sup>2</sup> Тахминан 890/1485 йилларда ҳаёт бўлган. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература XV – XIX вв. // Избранные сочинение. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1957. Т. IV. – С.403, 409.

<sup>3</sup> Ahlwardt W. Verzeichniss der arabischen Handschriften. I – II. – Berlin: L. Shade, Bd. IV – V. – Berlin: A. Asher, 1892. №7297-98; Brockelman C. Geschichte der arabischen litteratur. Sup. Bd. II. – Leiden: E. J. Brill, 1937 – 1942. – S.259 (асарнинг қўлёзма ва босма нус[алари ҳақида маълумотлар берилган); Абдуллаев И. Марказий Осиёда ислом маданияти. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б.186.

<sup>4</sup> Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекской ССР / Под ред. Семенова А. – Ташкент: АН УзССР, 1952. Т.I. – С.186. №451 (Бундан кейин: СВР).

<sup>5</sup> СВР. Т.V. – С.167 – 168. №3741 – 3743; Т.VI. – С.169 – 170. №4373 – 4374.

3. «Рисала ат-таршихийа» («Таршихийа<sup>1</sup> рисоласи»). Истиоранинг 6 та ноёб қирралари ҳақидаги китоб. Рисолага юқорида номи келтирилган ал-Исфарайни шарҳ ёзган (Кашф аз-зунун. Ж.III. – Б.377). Бундан ташқари, Ҳожи Халифа Абу Бақр ал-Лайсий ас-Самарқандийнинг 5 та асарга шарҳ ёзгани ҳақида маълумот беради (Кашф аз-зунун. Ж.II. – Б.405; Ж.II. – Б.446; Ж.III. – Б.453; Ж.IV. – Б.170; Ж.VI. – Б.24). Жумладан, у Сирожиддин Абу Ёқуб Юсуф ибн Абу Муҳаммад ибн ас-Саккокийнинг «Мифтах ал-‘улум» («Билимлар калити») китобига ҳошия<sup>2</sup> ёзган (Кашф аз-зунун. Ж.VI. – Б.24). Шунингдек, Ҳожи Халифа ал-Лайсий Шариф Али Журжонийнинг (ваф. 816/143) «Рисала фи-л-ваз‘ийа» асарига шарҳ ёзганини ва ушбу шарҳни шаъбон ойининг 4- кунда тамомлаганини ҳам қайд этади.

Бошқа манбаларда Абу-л-Қосим ибн Абу Бақр ал-Лайсий Абдурраҳмон ибн Аҳмад ал-Ижий ас-Сиддиқийнинг (688/1261 – 756/1355) «Ар-Рисала ал-ваз‘ийа ал-‘издийа» асарига шарҳ ёзганлиги ҳақида маълумотлар қайд этилади. Унинг бир нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжуд<sup>3</sup>.

Бошқа адабиётлардан ал-Лайсий ас-Самарқандийнинг тилшуносликка оид қуйидаги асари номи маълум: «Булуг ал-‘ирб мин таҳқиқ исти‘арат ал-‘араб» («Араб истиораларини тадқиқ қилишда маҳоратга эришиш») <sup>4</sup>. Бу асар бизгача етиб келмаган.

**Хожа Имом Зоҳид Абу-л-Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд ал-Ҳаким ас-Самарқандий номи билан танилган<sup>5</sup> мутакаллим, муҳаддис ва мударрис<sup>6</sup>. У Абу Мансур Мотуридийнинг замондоши бўлиб, Самарқанд мадрасаларида мударрислик қилган<sup>7</sup>. Ал-Ҳаким ас-Самарқандий**

<sup>1</sup> Сўзма-сўз таржимаси: «Номзод қўйиш».

<sup>2</sup> СВР. Т.Х. – С.43. №6784.

<sup>3</sup> СВР. Т.V. – С.167. №3741.

<sup>4</sup> Қаҳҳола Умар Ризо. Му‘дҷам ал-му‘аллифкн. – Ж.1 – 13. – Дамашқ: Ат-тараққий, 1957. Ж.2. – Б.656 (Бундан кейин: Қаҳҳола. Муъҷам ал-муаллифин).

<sup>5</sup> Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зунун. Ж.III. 629-б.

<sup>6</sup> Олим ҳақида қаранг: Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. – Тошкент: Фан, 1969. – Б.14; Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад Ал-Бағавий // Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Тошкент: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, 2007. – Б.14 (Бу ерда Абу-л-Қосим Иброҳим ас-Самарқандий деб келтирилган); De Slane Catalogue des manuscrits arabes. – P.177.

<sup>7</sup> В.В. Бартольднинг ёзишича, Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/945 ёки 335/947) ва Абу-л-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий Самарқанддаги 17 та мадрасани ўз қўлига олган, ислом дини ақидаларига хилоф бўлган оқимдагилар, яъни мутазилий ва каромийларга қарши курашганлар (Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Сочинения. Т.II. Часть 1. – Москва, 1963. – С.226).

Самарқандда туғилиб, шу ерда 342/954 йили 10 муҳаррам / 23 май ойида вафот этган<sup>1</sup>. Ҳожи Халифа унинг қуйидаги икки асари ҳақида маълумот беради:

1. «Ас-Савад ал-а‘зам фи-л-калам» («Калом илмида кенг оламга оид асар»). Китоб калом илмига оид 62 та масалаларга берилган жавобларнинг тўпламидир (Кашф аз-зунун. Ж.ІІІ. – Б.629).

Мазкур асарнинг бир нусхаси «Ас-Савад ал-а‘зам»<sup>2</sup> номи остида ЎзР ФА ШИ хазинасида сақланади (Инв. №2630/ІІ). Қўлёзманинг таснифига кўра, асар Хуросон амири Исмоил Сомоний (279/892 – 295/908) буйруғига биноан ёзилган. Китоб ислом ақидаларига хилоф бўлган оқимлар ва мазҳаблардаги мунозарали мавзуларга бағишланган бўлиб, Ҳожи Халифа изоҳлаганидек, 62 та «мисоллар» ҳадис ва фақиҳларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланган ҳолда тартибланган<sup>3</sup>.

2. «Ақйдат ал-Имам Абу-л-Қосим» («Имом Абу-л-Қосим эътиқоди»). Муаллиф Абу Мансур Мотуридийнинг ўқувчиси-дир. Китоб форс тилида ёзилган (Кашф аз-зунун. Ж.ІV. – Б.242).

Ҳозирда ушбу асарнинг 795/1393 йили Муҳаммад Порсо (746/1345 – 822/1420) томонидан кўчирилган нусхаси «Эътиқодод» («Эътиқодлар») номи остида Ленинград университети кутубхонасида сақланади<sup>4</sup>. Форс тилида ёзилган бу китоб Ҳаким Самарқандийнинг сунний мазҳаби ақидалари ҳақидадир.

**Абулфатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Ҳамза ал-Асмандий<sup>5</sup> ас-Самарқандий ал-Амилий.** Ҳожи Халифа унинг «Алоъ ал-Олим» номи билан танилганини қайд этиб (Кашф аз-зунун. Ж.ІІ. – Б.567; Ж.VI. – Б.196), тўлиқ исмини шу тариқа келтиради: Алоуддин Абулфайз ибн Муҳаммад ибн Абдулҳамид ал-Усмандий<sup>6</sup> ас-Самарқандий (Кашф аз-зунун. Ж.VI. – Б.282).

<sup>1</sup> Умар Ризо Каҳҳоланинг фикрича, олим 402/1011 йили вафот этган (Каҳҳола. Муъжам ал-муаллифин. Ж. I. – Б.91).

<sup>2</sup> К. Броккельман асар номини «Ас-Суал ал-аъзам» («Буюк савол») деб кўрсатади (Brockelmann. GAL. Sup. Bd. II. – S.279).

<sup>3</sup> СВР. Т.Х. – С.200. №6922.

<sup>4</sup> Тагирджанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей Восточного отдела библиотеки ЛГУ. История, биография, география. Т.І. – Ленинград: Изд. ЛУ, 1962. – С.305.

<sup>5</sup> Ал-Асмандий – Самарқанд қишлоқларидан бири – Асманддан ясалган нисба бўлиб, гоҳида унинг аввалидаги ҳамзани қисқартириб Саманд деб ҳам атаганлар.

<sup>6</sup> Г. Флюгель «ал-Усмандий» кўринишида ўқиган (Кашф аз-зунун. Ж.VII. – Б.639).

Фикҳ, усул, тафсир, мунозара илмлари билимдони бўлган<sup>1</sup>. Ўз даврида калом илми бўйича олим сифатида Бағдодга сафар қилган ва у ернинг уламолари билан мунозаралар олиб борган. Абулфатҳ Муҳаммад ас-Самарқандий 488/1059 йили Самарқандда туғилиб, 563/1167 йилда вафот этган. «Кашф аз-зунун»да олимнинг вафоти санаси 552/1158 йил деб кўрсатилган (Кашф аз-зунун. Ж.IV. – Б.292; Ж.VI. – Б.196). Ҳожи Халифа унинг ушбу асарлари ҳақида хабар беради:

1. «Шарҳ ал-джами‘ ал-кабир» («Ал-Жомиъ ал-кабир» асарига шарҳ»). Абу Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан Шайбонийнинг (ваф. 187/802) ҳанафий мазҳабининг фуруъ ал-фиқҳига оид «ал-Джами‘ ал-кабир» асарига ёзилган шарҳ, 1 жилддан иборат китоб (Кашф аз-зунун. Ж.II. – Б.567).

ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонлида бу китобнинг 762/1361 йилда кўчирилган 1 жилдлик нусхаси сақланади (Инв. №5558). Мазкур нусханинг бошланиши «Кашф аз-зунун»да келтирилган асрнинг бошланиши билан бир хил<sup>2</sup>.

2. Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад Самарқандийнинг (ваф. 375/985) фуруъ ал-фиқҳга оид «‘Уйун ал-маса‘ил» («Масалаларнинг манбалари») китобига Абулфатҳ Муҳаммад ас-Самарқандий шарҳ ёзган (Кашф аз-зунун. Ж.IV. – Б.292).

3. «Хаср ал-маса‘ил ва қаср ад-дала‘ил» («Масалаларни қамраб олиш ва далилларни қисқартириш»). Ҳожи Халифанинг маълумотига кўра, бу шарҳ Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Манзумат ан-Насафий фи ал-хилаф» асарига ёзилган (Кашф аз-зунун. Ж.II. – Б.567). Аммо бошқа манбаларда «Хаср ал-маса‘ил ва қаср ад-дала‘ил» шарҳи Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ас-Самарқандийнинг (ваф. 375/985) ҳанафий мазҳабидаги фуруъ ал-фиқҳига оид «‘Уйун ал-маса‘ил» асарига ёзилган деб эътироф этилади<sup>3</sup>.

ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида «Хаср ал-маса‘ил ва қаср ад-дала‘ил» номи остида 800/1398 ҳамда 862/1458 йилларда кўчирилган қўлёзмалар сақланади (Инв. №4675-II, №9247). Уларнинг таснифида ёзилишича, бу китоблар Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Манзумат ан-Насафий фи ал-хилаф» асарига ёзилган шарҳдир<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Бабаджанов А. «Муъжаму-л-булдон»даги самарқандлик фақиҳлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2010. №2. – Б.106.

<sup>2</sup> СВП. Т.IV. – С.171. №3031.

<sup>3</sup> Каҳҳола. Му‘дҷам ал-му‘аллифин. – Б.130; Sezgin Fuat. Geschichte des Arabischen Schrifttums. – Leiden: Brill, 1967. V. I. – P.447 (Бундан кейин: Sezgin F. GAS).

<sup>4</sup> СВП. Т.XI. – С.291. №7428, 7429.

4. «Шарх хидайат фа-л-калам» («Калом илмидаги тўғри йўл китобига шарх»). Мазкур шарх Имом Нуриддин Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Собунийнинг (ваф. 580/1184) «Хидайат фи-л-калам» асарига ёзилган (Кашф аз-зунун. Ж. VI. – Б. 495).

5. «Мухталиф ар-ривайа» («Ривоят турлари»). Асар муаллифи шундай таърифлайди: «Ривоятлари ихтилофли бўлган масалаларни устозларимиз тартиблагандек ёзишни мақсад қилдим. Лекин уламолар [устозлар] уларнинг ҳар бирини бобларга тақсимлашган. Мен эса ҳар бирига тўлиқ далиллар келтириб, уларни фаслларга тартибладим» (Кашф аз-зунун. Ж. V. – Б. 462). Ҳожи Халифа бу китобни «‘Илм махаридж ал-хуруф» («Ҳарфларнинг талаффуз ўринлари илми»), яъни фонетика бўлимида қайд этади (Кашф аз-зунун. Ж. V. – Б. 462).

Ибн ал-Имод олимнинг мазкур асарини «Ал-Му‘тарид ва ал-мууталиф» номи билан келтириб, унинг ҳанафий мазҳабига оид манба эканини зикр қилган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, олимнинг «Кашф аз-зунун»дан ўрин олмаган асарлари номлари маълум<sup>2</sup>:

6. «Та‘лиқа» («Оламий» номи билан машҳур бўлган, бир неча жилддан иборат асарга таълиқа – изоҳ»).

7. «Базлу ан-назар фи-л-усул» («Усул ал-фиқҳ ҳақидаги нуқтаи назарнинг самараси»).

Абулфатҳ Муҳаммад ас-Самарқандий қаламига мансуб мазкур асарларнинг аксарияти бугунгача етиб келган. Улар жаҳоннинг турли қўлёзма хазиналарида сақланмоқда<sup>3</sup>.

«Кашф аз-зунун»да зикр этилган олимларнинг фаолиятини таҳлил этсак, унда фиқҳ йўналиши устун келади. Кейинги ўринларда калом, ҳадис ва тафсир соҳаларининг ривожланганини кўришимиз мумкин. Абу-л-Қосим Ҳаким Самарқандий (ваф. 342/954), Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад Аҳмад Тузий Самарқандий (ваф. 393/1003), Абу Али Муҳаммад ибн Валид Самарқандий (олим 450/1058 йилда ҳаёт бўлган), Абдурахим ибн Абу Бакр Марғиноний Самарқандий (олим 651/1254 йилда ҳаёт бўлган), Баҳоуддин Али ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Исфижобий Самарқандий (454/1062 – 535/1141), Алоуддин Мансур Шамсулислом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (ваф.

<sup>1</sup> Ибн ал-Имод. Шазарат аз-заҳаб фи ахбар ман заҳаб. Ж. 1 – 7. – Дамашқ-Байрут: Дор Ибн Касир, 1986 – 1991. Ж. 6. – Б. 348.

<sup>2</sup> Каҳҳола. Му‘дҷам ал-му‘аллифин. – Б. 130.

<sup>3</sup> Brockelmann. GAL. Sup. Bd. I. – S. 641; Sezgin F. GAS. V. I. – P. 424, 429, 447.

553/1158) ва бошқалар. Ушбу олимларнинг илмий фаолияти шуни кўрсатадики, Самарқандда илк ўрта асрлардаёқ ислом қонуншунослиги мактабига чуқур асос солинган ва у кейинги даврларда жадаллик билан ривожланган.

Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Ҳайдар Самарқандий (XII асрда яшаган), Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий (816/1413 – 887/1482), Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахтишоҳ Самарқандий (тахминан туғилган йили 835–836/1435–1436), Абу-л-Қосим ибн Абу бакр Лайсий Самарқандий (XIV аср)нинг қайд этилиши тарихий асарларнинг кўплигини кўрсатади. Албатта, бунинг сабаби Самарқанд узоқ даврлар мобайнида Мовароуннахрнинг пойтахт шаҳри бўлганидир.

Самарқандлик олимлар ва уларнинг фаолияти ҳақида тарихчи-шарқшунослар томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилиб, бир қатор китоблар нашр этилган. Шуни айтиш лозимки, «Кашф аз-зунун»да номлари илмий адабиётларда ўз аксини топган машҳур олимлар билан бир қаторда номлари у қадар маълум бўлмаган муаллифларнинг асарлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар қайд этилган. Ҳожи Халифа келтирган материаллар айнан шундай олимларнинг илмий меросини кенгроқ ёритишда ва хазиналарда сақланаётган айрим қўлёзмаларга аниқлик киритишда ёрдам беради.

*О. Мадалиева*

## **Навоий девонларининг Самарқанд нусхалари**

Кўхна Самарқанд шаҳри Алишер Навоий учун бегона шаҳар эмас. Буюк шоир йигитлик чоғининг бир неча йилини шу азим тупроқда ўтказгани маълум. Навоийнинг Машҳаддан Самарқандга қачон келгани аниқ эмас, Ҳиротга қайтиш санаси эса 1469 йил билан белгиланади. Мазкур давр манбаларининг деярли барчасида Алишер Навоийнинг Самарқандга таҳсил олиш мақсадида келгани қайд этилган. Шоирнинг ушбу шаҳарда кечирган ҳаёт тарзи ҳақида икки хил қараш мавжуд. «Бобурнома»да «Алишербекка Самарқандда Аҳмад Ҳожибек муқаввий бўлди» дейилса, Фахрий Ҳиротий «шоир Самарқандда ночор яшаган» деб ёзади. Навоийнинг Самарқандда

Фазлуллоҳ Абулайсий қўлида таълим олгани, Абулайсий мадрасасида таълим олишдан ташқари бўш вақтларини Султон Аҳмаднинг эшик оғалари ва ҳукумат соҳиб-ихтиёрлари бўлмиш Амир Дарвеш Муҳаммад Тархон ва Амир Аҳмад Ҳожибекнинг суҳбатида ўтказгани Фаҳрий Ҳиротий фикрларининг асосиз эканини билдиради<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг асосий фондида Алишер Навоий девонларининг Самарқанд ҳудудида кўчирилган тўртта қўлёзмаси сақланади. Булар 11444/II, 11472, 7499, 7066 рақамлар остида сақланувчи «Терма девон» («Избранный диван») нусхаларидир<sup>2</sup>.

11444/II рақамли қўлёзма «Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги»да «Хазойину-л-маоний» («Сокровищницы мыслей») деб тавсиф қилинган, аммо нусханинг таркиби ўрганиб чиқилгач, унинг «Терма девон» экани маълум бўлди<sup>3</sup>. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида йирик навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон томонидан «Хазойин ул-маоний»нинг илмий-танқидий матни яратилди. Мазкур илмий-танқидий матн асосидаги ҳар тўрт девон нашрининг умумий ҳисоби белгиланганда алиф ҳарфига тугайдиган ғазаллар сони 156 та, мазкур нусхада эса бундай ғазаллар 126 тани ташкил этади<sup>4</sup>. Ушбу кўрсаткич қўлёзма «Хазойин ул-маоний» мажмуа девонининг тўлиқ нусхаси эмас, балки ундан бир қанча шеърлар танлаб олган ҳолда тuzилган «Терма девон» эканини ифода этади. Қўлёзма *عبد المؤمن ابن محمد شريف* Абдулмўмин ибн Муҳаммад Шариф томонидан 1256/1840-1841 йилда Офаринкентда<sup>5</sup> китобат қилинган. Матн *настаълиқ* хатида шарқ қоғозига кўчирилган. Асосий матн қора, сарлавҳа ва жанр номлари эса қирмизи рангли сиёҳда ёзилган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Сирождидинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (Қиёсий типологик-текстологик таҳлил): Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – Б.12 – 13.

<sup>2</sup> *Алишер Навоий*. «Терма девон»лар. №11444/II, 11472, 7499, 7066. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, асосий фонди.

<sup>3</sup> Қаранг: *Муниров Қ., Носиров А.* Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент, 1970. – Б.13.

<sup>4</sup> Қаранг: *Алишер Навоий*. Хазойинул-маоний. I, II, III, IV томлар / Нашрга тайёрловчи: Сулаймон Ҳ. – Тошкент, 1959 – 1960.

<sup>5</sup> Офаринкент – Зарафшон водийсининг ўрта қисмидаги ўрта асрларга оид шаҳар ва туман. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярмида Офаринкент маъмурий жиҳатдан Бухоро амирлиги Самарқанд беклиги таркибига кирган. Ҳозирги бу жой Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани тасарруфида бўлиб, Примкент қишлоғи номи билан маълум. Қаранг: <https://uz.m.wikipedia.org>.

Шеърлар асосан икки, баъзан тўрт устунга ажратилиб, сариқ ва қирмизи рангли жадвалга олинган. *Пойгирлар* тўлиқ.

Қўлёзма ғазал (1<sup>б</sup> – 574<sup>б</sup>- варақлар), *мустаъзод* (574<sup>б</sup> – 576<sup>а</sup>- варақлар), *таржиъбанд* (576<sup>а</sup> – 580<sup>б</sup>- ; 630<sup>а</sup> – 637<sup>б</sup>- варақлар), *таркиббанд* (580<sup>б</sup> – 585<sup>а</sup>- варақлар), *соқийнома* (617<sup>б</sup> – 630<sup>а</sup>- варақлар), *қитъа* (637<sup>б</sup> – 653<sup>а</sup>- варақлар)<sup>1</sup> ва *рубойидан* (653<sup>а</sup> – 661<sup>б</sup>- варақлар)<sup>2</sup> иборат.

585<sup>а</sup>- варақдан то 617<sup>б</sup>- вараққача Андалиб, Улфат, Гулшаний, Шоҳий, Ҳаким, Ҳусайний (Ҳусайн Бойқаро), Ҳиромий, Зиюрый, Вола, Нишотий, Воқиф, Киromий, Восил, Муштоқ ва Рамзий каби шоирларнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари, шунингдек, Навоийнинг Лутфий ва Ҳусайний ғазалларига боғлаган мухаммаслари ўрин олган.

Қўлёзма «Ғаройибу-с-сиғар»нинг биринчи ғазали билан бошланади:

اشرفت من عكس شمس الكأس انوار ألهدى  
يار عكسين مي دا كور ديب جام دين چقتى صدا

Якуни:

يتور انكارمينك بحريدا پياپي فيض  
كه نعتينك ايچرا درافشانليغ اتسون ادراكي  
سنينك مداييح نعتينكدا يا رسول الله  
تمام بولدى نوايي تكلم پاكي

Колофони:

قد تم بعون الله ... الحقيير عبد مؤمن بن محمد شريف ... نسخه شريف تمام يافت در  
بلده حضرت دهم سيد از تومان آفرينكينت سمرقند ... علم بالصواب ...

الهي مبحشم نو رسوا مكن  
كناهيكه مخفيست پيدا مكن  
مكن از پنجهء قهر خراشم  
پكپوي رسولت هر جه باشم  
سنه رقم هزار دو صد پنجاه شش  
هر كه خواند دعا طمع دارم  
زانكه من بنده كنه كارم.

<sup>1</sup> 638<sup>б</sup> – 653<sup>а</sup>-варақлардаги қитъалар худди насрга ўхшатиб кўчирилган.

<sup>2</sup> Рубойилар орасида қатор ташланмай кўчирилган, бирини бошқасидан ажратиш учун қирмизи ва қора сиёҳда кичик чизиқлар қўйилган.



Қўлёзманинг муқоваси картондан ишланган, яшил рангда, шамс ва лола тасвирлари туширилган, лола тасвири муҳрда муқовасознинг номи ва сана берилган: ۷۷۲۱ محمد صالح Муҳаммад Солих, 1277/1861. Қўлёзма 666 арақ (1<sup>6</sup> – 666<sup>a</sup>), бичими 30x25 см.

Ушбу «Терма девон» қўлёзмасидаги икки ғазал эътиборни ўзига тортади, сабаби, уларнинг иккови Навоий девонининг шу чоққача маълум бўлган нусхаларида йўқ. Ғазаллардан биринчиси қўлёзма китобнинг 28- арақнинг ҳар икки бетида келган. Ўқилиши шундай:

<p>Не меҳнат даштиким, қўбқоч қуюн янглиғ ғубор анда,</p>	<p>نی محنت دشتی کیم قوبقاچ قیون ینکلیغ غبار اندا</p>
<p>Билинг ғам елидин совуртурур бу хоксор анда.</p>	<p>بیلینک غم بیلیدین ساور تورور خاکسار اندا</p>
<p>Не меҳнат даштидеким, ул эрур озодалар шаҳри,</p>	<p>نی محنت دشتی دی کیم اول ایورور آزاده لار شهری</p>
<p>Қуюн не бўлғай, улким бўлса, шаҳар ўлғай минор анда.</p>	<p>قیون نی بولغای اولکیم بولسا شهر اولغای منار اندا</p>
<p>Жаҳонда одаманинг эътибори сўздадур йўқса,</p>	<p>جهانده آدمی نینک اعتباری سوزدادور یوقسا</p>
<p>Сўзига одамеким турмағай, не эътибор анда?</p>	<p>سوزیکا آدمیکیم تورماغای نی اعتبار اندا</p>
<p>Фалак тоқида юлдузлар, гумон этмангки, равшандур,</p>	<p>فلک طاقیده یولدوز لار کمان ایتمانکه روشندور</p>
<p>Навоий ўтлуғ оҳидин чиқар ҳар тун шарар анда<sup>1</sup>.</p>	<p>نوایی اوتلوغ آهیدین چیقار هر تون شرار اندا</p>

Ушбу қўлёзманинг 27<sup>6</sup>- арағида келтирилган, аммо Навоий-нинг расмий девонларида учрамаган яна бир ғазал<sup>1</sup>:

<sup>1</sup> Ушбу ғазал Навоийнинг расмий девонларига кирмаган шеърлар эълон қилинган тадқиқотларда ҳам учрамади. Қаранг: Нагиева Ж. Из классического наследия // Адабий мерос. 1981. №2. – Б.82 – 90; Алишер Навоий. Айёми висол ўлди яна. Янги топилган ғазаллар / Нашрга тайёрловчи: Фозила Сулаймонова. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. – 72 б.

Рафиқо, сўрса ҳолимни дегил сарвиравон сўрса,	Рифқа сурса ҳалимни диқил суроран сурса
Етгай кирпик ҳароратидин магарким бўстон сўрса.	иткай кирпик ҳаратдин мкр ким بوستان سурсا
Қачон қўйса қадам дилбар, қароқим узра асармен,	қчан қويسا қدم دلبر قراقيم اوزره اسرار مين
Жигар хунобидин тикмиш либоси арғивон сўрса.	жкр хонабидин тикмиш لباس ار غوانى سурсا
Жалолат шоҳи сенга киймаклик эрур зебо,	жаллат шаҳى سينكا كيماكليک ايرور زبا
Топилмиш тоғ ражмидин магарким заъфарон сўрса.	тапилмиш тағ ражмдин мкр ким زعفران سурсا
Жамолинг лолазориға не хуштур ўзга бир ранг,	жалинк лале зариге не хуштур اوزکا بير رنگ
Эрур ул нақш шатранжи кузатған нардобон сўрса.	айрор اول نقش شطرنجى كوزاتغان نردبان سурсا
Танимда тамға тамғақим, ўқунг захмидин ул эрмас, ...	танимда тамге тамге ким ақонк захмидин اول ايرماس2
Навоий ҳолини фурқат била чун доғи яъни айғил,	... навий ҳалини фурқат била қон дағи
Мабодо лутф этиб, ул шавх ҳолимни баён сўрса.	يعنى ايغيل مبادا لطف ايتيب اول شوخ حاليمنى بيان سурсا

Фозилхонхўжа Одилхонхўжа Фазлхан Ховаже عادلхан Ховаже аугли ўғли томонидан 1256/1840-1841 йил Офаринкентда кўчирилган 11472-рақамли «Терма девон» ғазал (1<sup>а</sup> – 191<sup>б</sup>- варақлар), мустазод (191<sup>б</sup> – 192<sup>б</sup>- варақлар), мусаддас (192<sup>б</sup> – 194<sup>а</sup>- варақлар), мухаммас (194<sup>а</sup> – 197<sup>б</sup>- варақлар), таржиғбанд (197<sup>б</sup> – 204<sup>а</sup>- варақлар), қитға (204<sup>б</sup> – 205<sup>а</sup>- варақлар), рубоий (205<sup>а</sup> – 208<sup>а</sup>- ва-

рақлар) жанрдаги шеърлардан иборат. Қизиғи, шоирнинг «Кетур, соқий, ул майки, субҳи аласт» деб бошланувчи таржиъбанди бошланишида шеърнинг номи қирмизи сиёҳ билан соқийнома деб ёзилган. Бунда котиб шеърнинг шаклига эмас, мазмунига таянган бўлса керак.

Матн настаълиқ хатида шарқ қоғозига кўчирилган. Шеърлар икки устунда бўлиб, қирмизи рангли жадвалга олинган. Пой-гирлар тўлиқ.

Қўлёзма бошидаги варақлар тушиб қолган, қуйидаги байт билан бошланади:

آتشین کلنیک نهالین سین اونوت ای باغ یانا

کلدین اوزکا کلخن بستر سالور مو آستیدا

Қўлёзма «Ғаройибу-с-сиғар» девонидаги 100-рақамли рубой билан тугайди<sup>1</sup>:

زلفینک کرهیغه پای بست اولمیشمین

لعلینکنی هواسیغه داغی قان اولمیشمین

اول می نی ایچیپ یولینکدا پست اولمیشمین

ایزیغ سونکره مست الست اولمیشمین

Колофони:

تمت الكتاب بعون الملك الوهاب تمت الكتاب هذا لميمونة مباركة مسمى بامير نوایی  
تصنيف كرده مير على شيرى ثمرقندى نورّه مرقدہ كاتبى اين كتاب فضلخان خواجه  
عادلخان خواجه نى اوغلى لارى دور ... اين كتاب سنه مينك ايكى يوز ايلليک آلتى  
يىل دا چيچقان يىليدا تومان آفرينكندا در موضع شيخلار كينديدا تمام بولدى هر كيم  
اوقوسه لار يا كورسه لار دعا يخشى بر لا ياد قيلسونلار آمين و ربّالعالمين سنه ۶۵۲۱  
تمت

XIX асрда кўчирилган Навоий «Терма девон»и колофондаги Мир Алишерий Самарқандий каби Алишер Навоийга берилган нисба кишини ажаблантиради. Агар қўлёз-

<sup>1</sup> Ушбу рубой «Ғаройибу-с-сиғар»нинг илмий-танқидий матнида шундай ёзилган:

زلفینک کرهیغه پای بست اولمیشمین

لعلینک می دین باده پرست اولمیشمین

اول می نی ایچیپ یولینکدا پست اولمیشمین

هی هی نی دیمم مکر کی مست اولمیشمین

Қаранг: Алишер Навоий «Ғаройиб ус-сиғар». Танқидий матн / Тузувчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2012. 100-рубой.

ма Навоий ҳаётлик даврида кўчирилган бўлса, шоирнинг Самарқандда яшаб, таҳсил олгани масалани очиқлаган бўлар эди, эҳтимол. Ушбу нусхага бошқа бир қўлёзманинг таянч манба бўлгани ҳисобга олинса, самарқандлик котиблар Алишер Навоийни маҳаллий шоир сифатида эъзозлашган.

Қўлёзманинг нуқсони: бошланиши йўқ, варақлари намликдан зарарланган. Муқоваси картондан, устидан нақшли қоғоз ёпиштирилган. Қўлёзма 208 варақ, бичими 24,5x14 см.

7499-рақамли қўлёзма ҳам «Терма девон»лар сирасига кириб, 1270/1853-1854 йил Самарқандда китобат қилинган.

Котиби – *ملا محمدى ولى مىرزا دهبيدى* мулла Муҳаммадий валади Мирзо Деҳбидий. «Терма девон» ғазал (1<sup>б</sup> – 194<sup>а</sup>- варақлар), *мустаъзод* (194<sup>б</sup> – 195<sup>а</sup>- варақлар), *мухаммас* (195<sup>а</sup> – 199<sup>а</sup>- варақлар), *мусаддас* (199<sup>а</sup> – 202<sup>а</sup>- варақлар) ва *таржиъбанд* (202<sup>а</sup> – 205<sup>а</sup>- варақлар) каби шеърлардан тузилган. Матн наस्ताълиқ хатида, шарқ қоғозига икки устунга бўлиб кўчирилган. Пойгирлар тўлиқ.

Девоннинг бошланиши 11444/II рақамли қўлёзма билан бир хил.

Яқуни шундай:

خرابات ارا كيرديم اشفته حال  
مى ايستار غا الكيمدا سينغان سفال

Колофонида ўқиймиз:

تمت هذا الكتاب النوايى هى مشعور و منظوم بل ابن مير على قدس الله سره جعل الجنة مثواه و ماواه من اليد اضعف احقر العباد كمينه ملا محمد ولد ميرزا دهبيدى غفر لهما القلم التفسير و لو كانسهواته و خطيناته و نقانصه و تز انده لا ينظر و اليه الا بالعين المعافاة اللهم اغفر لى و لوالدى و لجميع المؤمنين و المسلمين و المسلمات برحمتك يا ارحم الراحمين بو نوسخه متبركه دوشنبه كونى افستاح تاييب ايميش انجامين نيزانكا ايتكور غانى سمرقند فردوس مانند نينك قريبي كه نوباغ ديكان محله سندا امير مضفر خوان نينك عصريندا صفحچه كافورى اوزرا خط آميز سوزونغانى ۰۷۲۱ خطيم يوقتور خطيمنى عيب قيلمنك او قوغانده دعا بر لا اونوتمانك

Қўлёзманинг муқоваси картондан ишланган, яшил рангда, шамс ва лола тасвирлари ишланган. «Терма девон» 205 варақ, бичими 25,5x14 см.

7066-рақамли қўлёзма ҳам «Терма девон»лар сирасига ки-  
ради. Ушбу нусханинг котиби ва қаерда кўчирилгани ҳақида  
қўлёзманинг ўзида маълумот йўқ. «Алишер Навоий қўлёзма  
асарлари каталоги»да XIX асрда Самарқандда китобат қилинган  
деб тахмин қилинади<sup>1</sup>. Қўлёзманинг ташқи белгилари ва хат  
услуги каталог муаллифларини шундай фикрга ундаган бўлса  
керак. «Терма девон» қуйидаги шеърӣ жанрлардан таркиб  
топган: ғазал (1<sup>б</sup> – 507<sup>б</sup>- варақлар), мустаъзод (507<sup>б</sup> – 509<sup>а</sup>- ва-  
рақлар), мухаммас (509<sup>б</sup> – 516<sup>б</sup>- варақлар), мусаддас (516<sup>б</sup> – 521<sup>а</sup>-  
варақлар), мусамман (521<sup>б</sup> – 522<sup>б</sup>- варақлар), «Ҳилолия» қасида-  
си (522<sup>б</sup> – 525<sup>б</sup>- варақлар), таржеъбанд (525<sup>б</sup> – 532<sup>б</sup>- варақлар) ва  
қитъа (532<sup>б</sup> – 538<sup>а</sup>).

Девоннинг бошланиши 11444/II рақамли қўлёзма билан бир-  
хил.

Якуни:

قرا تو فراغا سينکمايين قطره  
آندين امکانى يوق آچيلىماق کل

Матн шарқ қоғозига икки устунга бўлиб кўчирилган, хати  
– *настаълиқ*. Муқоваси турли рангда, картондан ишланган, бе-  
заклар берилган. Қўлёзманинг ҳажми 538 варақ, бичими  
26,5x14,5 см.

Алишер Навоий туркий адабиётнинг бир қанча жанрларида  
баракали ижод қилгани маълум. Шоир «Терма девон»ларининг  
Самарқанд ҳудудида кўчирилган нусхалари деярли барча жанр-  
даги шеърларни қамраб олгани билан муҳимдир. Сабаби, Навоий  
«Терма девон»ларининг ЎзР ФА фондларида сақланаётган барча  
нусхалари ҳам бундай хусусиятга эга эмас, фақат ғазаллар ёки  
ғазал ва рубоийлардан тузилганлари ҳам талайгина<sup>2</sup>.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Алишер Навоий шеърӣяти  
Самарқанд таълим тизимида анча аввалдан ўқитилган. Навоий  
девонининг фақат XIX асрнинг ўзида ушбу ҳудудда турли котиб-  
лар томонидан тўрт марта китобат қилингани диққатга лойиқ.  
Эҳтимол, хаттотлар орасида Навоий асарларидан бирини китобат  
қилиш котибликка оқ фотиҳа олиш билан тенг ҳисоблангандир.

<sup>1</sup> Муницров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент, 1970.  
– Б.26.

<sup>2</sup> Қаранг: Алишер Навоий. «Терма девон»лар. №1973, 5533, 8985/II, 7701, 360/II. ЎзР  
ФА Шарқшунослик институти, асосий фонди.

Ушбу «Терма девон»ларнинг таркибини «Хазойин ул-маоний» илмий-танқидий матни билан қиёсий тадқиқ қилиш гадаги вазифамиздир.

Б. Аминов

## ГЕНЕАЛОГИЯ ХАДЖА ИСХАКА И ЕГО ПОТОМКОВ В НАДГРОБНЫХ НАДПИСЯХ

В предлагаемой статье мы рассмотрим на примере материалов погребальной эпиграфики комплекса генеалогию семейства Хаджа Исхака. В статье приведены надписи надгробных памятников мазара, тексты эпитафий, иллюстративные материалы, комментарии к ним, примеры и родословные членов дома. Анализируются также текстологические и палеографические особенности надгробных надписей на примере двух-трех памятников разных периодов.

Комплекс Хаджа Исхак расположен к востоку от центра города Самарканд, вблизи от железнодорожной линии и в 10 минутах езды от международного аэропорта Самарканда. Здесь в XIV – XV вв., функционировал один из знаменитых садов Амира Темура – Баг-и Баланд, где был бассейн этого сада. Название Баг-и Баланд перешло и на селение, которое позже было включено в состав города. Еще южнее – Афрасиаб – руины древнего города Самарканда, существовавшего до нашествия монголов.

Сложение комплекса связано с перенесением тела Хаджа Исхака (ум. в 1007/1598 г.) его сыном Абдулла Хаджой из кладбища одного из кишлаков Дахбида – Сафедук в Баг-и Баланд. Причиной перенесения останков является поступление и приближение воды притока реки Зарафшана – Кухака (Карадарьи) к мазару Хаджа Исхака<sup>1</sup>.

Кладбищенский комплекс Хаджа Исхак – один из крупных и, вероятно, старинных кладбищ на территории города Самарканда. Там находится большое количество захоронений. Кладбище, как отмечалось, расположено в районе Баг-и Баланд, на востоке Самарканда и, чтобы добраться до этого места, нужно ориентироваться на аэропорт и железнодорожный путь Самар-

<sup>1</sup> Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Дахбед. – Самарканд: Сугдиён, 1994. – Б.41.

канд – Ташкент. Надгробия, сооруженные на могилах потомков и родственников Хаджа Исхака, отличаются разнообразием форм, наличием на них видов каллиграфии.

Хаджа Исхак является основоположником одной из влиятельных семей родословной ветви дахбедских Хаджей – Хаджа исхакийан<sup>1</sup>. Он второй или третий сын известного накшбандийского шайха эпохи Шайбанидов – Саййида Ахмада Джаладдина Касани – Хадрат-и Махдум-и А‘зама (1461 – 1542). Сочетая принципы Накшбандийа с братством Кадириййа, Хаджа Исхак образовал в суфизме новое течение – исхакиййа<sup>2</sup>. Хаджа Исхак Вали по линии матери восходит к роду караханидских правителей, что стало основной причиной в претензиях его потомков на престол Восточного Туркестана. Наряду с ними на восточно-туркестанский престол предъявили также свои претензии представители рода Хаджа калони – потомки Афак Хаджа.

А.З. Валидий во время своей поездки в Фергану и в поисках источников по истории Ферганы обнаружил произведения, посвященные Хаджа Исхаку. Одно из них называется «Зийа ул-кулуб» и принадлежит кокандцу Юнус Джан Хаджу, другое под названием «Манакиб-и Хаджа Исхак» принадлежит наманганцу Юсуф Хадже<sup>3</sup>.

Потомок Махдум-и А‘зама Хаджа Абд ул-Хай сын Амира Калана в 1071/1659 – 1660 г. по ярлыку (грамоте) Абд ал-азиза Бахадурхана (1677 – 1680) был назначен казием в Маргилане. По определению А.З. Валидий на основе родословной Амир Калан – прадед Музаффар ад-дина Хадж и в седьмом колене. И далее в статье З. Валидий можно обнаружить имена, которым выданы грамоты правителей о назначении их в ответственные должности. Многие из них из числа потомков Махдум-и А‘зама<sup>4</sup>.

Новые данные кладбищенского комплекса помогли нам восстановить точное следование нисходящей и восходящей линий родства Хаджа Исхака. Вместе с тем отмечается еще одно явление – накопление должностей и чинов. Очевидно, несколько

<sup>1</sup> Там же. – Б.33.

<sup>2</sup> Там же. – Б.40.

<sup>3</sup> Валидов А. З. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии (ПТКЛА). Год двадцатый. 11 декабря 1914 г. – 11 декабря 1915 г. – Ташкент, 1915. – С.68.

<sup>4</sup> Там же. С. 69.

поколений в братстве накопило для родов целые титулатуры, в которых прежние названия должностей отчасти перешли в простые чины. Памятники на могилах, дахмах и саганах стандартные, изготовлены из мрамора. Самые распространённые виды надгробий изучаемого комплекса – стелы. Помимо вертикально установленных стел, существует некоторое количество надгробных памятников в виде сундука и плиты продолговатой формы.

Составлен список всех надмогильных стел и плит и включен в таблицу с инициальной аббревиатурой. Инициальная аббревиатура образована из названия первых букв названия кладбища. Порядковый номер дан по месту нахождения памятника.

<b>Стелы</b>	<b>Высота</b>	<b>Ширина</b>	<b>Толщина</b>
K.Is-1 (St)	104	76	4
K.Is-2 (St)	105	45	4
K.Is-3 (St)	94	94	3
K.Is-4 (St)	137	19	3
K.Is-5 (St) (фрагмент)	110-117	65	5
<b>Сундук</b>	<b>Длина</b>	<b>Высота</b>	<b>Ширина</b>
K.Is-6 (Sn)	115	23	18
<b>Стела</b>	<b>Высота</b>	<b>Ширина</b>	<b>Толщина</b>
K.Is-7 (St)	116	68	8
<b>Сундук</b>	<b>Длина</b>	<b>Высота</b>	<b>Ширина</b>
K.Is-8 (Sn)	110	24	26
<b>Стела</b>	<b>Высота</b>	<b>Ширина</b>	<b>Толщина</b>
K.Is-9 (St)	120	65	5
K.Is-10 (St)	162	49	8
K.Is-11 (St)	169	55	11
K.Is-12 (St)	169	64	6
K.Is-13 (St)	179	54	7
<b>Сундук</b>	<b>Длина</b>	<b>Ширина</b>	<b>Высота</b>
K.Is-14 (Sn)	138	17	36
K.Is-15 (Sn)	127	24	33
K.Is-16 (Sn)	138	22	27
K.Is-17 (Sn)	133	15	31



Рассмотрим более информативные с генеалогической точки зрения надгробные надписи.

### Надгробие №1 (K.Is-1 (St))

Этот камень, как указано в таблице, имеет высоту 104 см, толщину 4 см и ширину 76 см. На нем написано имя одного из представителей семейства шейхов – Махдум-и А‘зама. Когда-то вертикально поставленная каменная надгробная плита в настоящее время лежит на территории разрушенного строения, возведенного над могилой представителя семьи Махдум-и А‘зама, т.е. дахмы. Обработанный камень в верхней части разбит на два куска. Возможно, когда плита упала на землю, её верхняя часть раскололась на две части. Памятник в основе своей уцелел. Он удлиненный четырёхугольный слегка округлой формы в верхней части. Лицевая поверхность плиты хорошо полирована. На ней нанесены горизонтальные линии, т.е. однотипные строки и столбцы в виде таблицы, где помещены надписи. Выше неё – полуциркулярная или цилиндрическая форма с текстом Басмаллы. Другой текст (*калима ат-таухид*) располагается внутри рамки, которая занимает самую верхнюю часть камня. Текст представляет генеалогию умершего. Почерк насхи, слегка утолщённой и округлой формы. Расстояние между буквами соответствует нормам.

ТЕКСТ:

سید حضرت مولانا خواجہ گی مخدوم اعظم نور مرقدہ // ابنہ حضرت خواجہ  
اسحاق طاب اللہ مضجعہ // ولدہ سید قطب الدین ولدہ محمد سعید خواجہ ابنہ // یحیی  
خواجہ ولدہ عبداللہ خواجہ ولدہ حاجی خواجہ // ولدہ محمد عظیم خواجہ ولدہ محمد  
صالح خواجہ // ولدہ صاحب هذا المرقد سید سلیمان خواجہ نور اللہ مرقدہ ہم دفن فی  
شهر صفر ۷۰۳۱

ПЕРЕВОД:

*Саййид Хадрат Мавлоно Хаджаги Махдум-и Аъзам, да озарит Аллах его могилу! // его сын Хадрат Хаджа Исхак, Да сделает Аллах его могилу чистой // его сын Саййид Кутб ад-дин, сын его Мухаммад Са'ид Хаджа, и сын его // Йахйа Хаджа, его сын 'Абдаллах Хаджа, его сын Хаджи Хаджа // и его сын Мухаммад 'Азим Хаджа, его сын Мухаммад Салих Хаджа // его сын владелец этой усыпальницы Саййид Сулайман*

Хаджа, Да озарит Аллах их могилу! [Он] погребен в месяце сафар 1307 / (в один из дней месяцев сентябрь-октябрь)<sup>1</sup>1889 года.

Если составить графическую схему родственных связей на основе этих данных, тогда имя прямого предка, т.е. имя Махдум-и А'зама, находится на вершине древа. В таком случае родословное древо Саййида Сулаймана Хаджа можно считать восходящим к предкам, потому что имя потомка находится внизу, в корне древа и от него восходят его прямые предки и завершается прапрапрадедом. Но текст родословной Саййида Сулаймана Хаджа интересен тем, что в отличие от традиционных родословных мусульманского мира здесь указывается прямой потомок со словами *ولده و ابنه*, т.е. «его сын», а не *ابن* «он сын». Большинство родословных в надгробиях представлены по нисходящей линии, и такая схема распространена, в основном, на всех памятниках погребальной эпиграфики.

Родословное древо Саййида Сулаймана Хаджа по нисходящей линии:

Саййид Хадрат Мавлоно Хадж аги Махдум-и Аъзам
Хадрат Хаджа Исхак
Саййид Кутб ад-дин
Мухаммад Са'ид Хаджа
Йахйа Хадж а
'Абдаллах Хаджа
Хаджи Хаджа
Мухаммад 'Азим Хаджа
Мухаммад Салих Хаджа
Саййид Сулайман Хаджа

### Надгробие №2 (K.Is-2 (St))

Стела изготовлена из темно-серого мрамора, целая. Сохранность памятника, как и большинства памятников комплекса, удовлетворительна. Надпись на передней стороне. Текст содержит 12 строк. Почерк насхи, мелкий. Буквы вырезаны неглубоко.

<sup>1</sup> Начало месяца сафар 1307 г.х. соответствует 26 сентября 1889 г.

**ТЕКСТ:**

بسم الله الرحمن الرحيم // كل شى هالك الا وجه له الحكم // اليه ترجعون لا اله الا  
الله محمد // رسول الله در تاريخ پانزده هم // ذو القعدة سنه ٤٦٣١ بود كه // حاكم  
پادشاه خواجه بنت امير // محمد اسحاق خان ولد امير // محمد اعظم خان ابن //  
جناب امير دوست // محمد خان از دار // الفنا بدر البقا رحلت // نمود غفر الله  
تعالى

**ПЕРЕВОД:**

Во имя Бога милостивого милосердного // Всякая вещь гибнет, кроме его лика. У Него решение и к Нему вы будете возвращены!<sup>1</sup>, Нет Бога, кроме Аллаха и его Пророк Мухаммад // [Хāким Пāдшāх умерла] 11 числа месяца зу л-ка‘да 1364 г./ 9 октября 1945 // Хāким Пāдшāх дочь Амира // Мухаммада Исхак Хāна сына Амира // Мухаммада А‘зам Хāна сына // Господина (Повелителя) Амира Дуст // Мухаммад Хāна [Она] Перешла из тленного мира в вечный мир<sup>2</sup> // Да простит её Аллах Все-вышний

Родословное Хāким Пāдшāха по нисходящей линии:

Амир Дуст Мухаммад Хāн
Амир Мухаммад А‘зам Хāн
Амир Мухаммад Исхак Хāн
Хāким Пāдшāх (ум. 9 октября 1945)

**Надгробие №3 (K.Is-3 (St))**

Стела прямоугольной формы сделана из серой мелкозернистой структуры мрамора. Надписи начертаны по кругу камня, т.е. надпись сделана в форме круга. Формула шахада написана внутри круга. Надписи в два ряда, конструкции арабских букв соответствуют, гармонично сочетаются и создают изящные формы. Почерк насхи с элементами сулси. Текст начинается снизу, помещен в прямоугольник и завершается датой наверху, также начертанной в прямоугольник. Основная часть текста помещена в картушах с полукруглыми концами. На первом ряду три полукруглые картуши, а на втором ряду их восемь. Картуши расположены по кругу в двух рядах. Первый внутренний ряд представляет три картуши, второй внешний – восемь.

<sup>1</sup> Коран. Сура 28. Рассказ (88- القصص).

<sup>2</sup> Буквально: оставил брненное тело и перешел в жизнь вечную.

ТЕКСТ:

هذه المرقد سيد ملا خواجه متولى نور الله مرقدہ هو // ملا سيد خواجه سيد بن توره  
خواجه بن فضل الله خواجه // بن عبيدالله خواجه بن عبدالله خواجه بن يحيى خواجه  
// بن محمد سعيد سيد خواجه بن سيد قطب الدين خواجه بن خواجه // محمد سيد  
// اسحاق خواجه بن مولانا خواجه احمد حضرت محدوم قدس الله روحه العزيز //  
در تاريخ يازدهم محرم يوم پنج شنبه

ПЕРЕВОД:

Это могила Саййида Муллā Хаджа Мутавалли, Да озарит Аллах его могилу, он // Муллā Саййид Саййид ибн Тура Хаджа ибн Фазлуллах Хаджа // ибн 'Убайдулла Хаджа Хаджа ибн 'Абдулла Хаджа ибн Йахйā Хаджа // ибн Мухаммад Са'ид Саййид Хаджа ибн ??? Саййид Кутб ад-дин ибн Хаджа // ибн Хаджа // Мухаммад Са'ид Исхāk Хаджа ибн Маулānā Хаджаги Ахмад // Хадрат Махдум, Да освятит Аллах его почтенную душу // [умер] в четверг 11 числа месяца мухаррам.

Родословная Саййид Муллā Хаджа по восходящей линии:

Саййид Муллā Хаджа Мутавалли Муллā Саййид Хаджа Саййид
Тура Хаджа
Фазлуллах Хаджа
'Убайдулла Хаджа
'Абдулла Хаджа
Йахйā Хаджа
Мухаммад Са'ид Саййид Хаджа
Саййид Кутб ад-дин
Хаджа Мухаммад Са'ид Исхāk Хаджа
Маулānā Хаджаги Ахмад Хадрат Махдум

№5. (110-117x65x0,5). Стела из серого мрамора, сломанная и разделенная на части. Возможно, большой урон памятнику был нанесен при его транспортировке с мест нахождения или падения с места установления. Частично восстановлен текст надписей на основе фрагментов. На верхней части внутри арки полукруглой формы вырезана сура «Фатиха», ниже – «Калима-и таухид». Далее идет исторический текст, где приведена генеалогия одной из семей из потомства Хаджа Исхака. Следующие строки отсутствуют из-за потери нижней части плиты.

**ТЕКСТ:**

هذا المرقد المنور سيدمعالي خواجه... الله خواجه ابن فضل الله // ابن امير ابو طاهر  
خواجه ابن ..... عباد الله خواجه

**ПЕРЕВОД:**

Это озаренная усыпальница Саййид-и Ма'оли Хаджа [сын 'Ибадуллах] Хаджа ибн Фадл ул-ллох [Хаджа] сына ибн .... 'Ибад уллах Хаджа  
Амира Абу Тāхир Хаджа ..... 'Алим Хаджа ....

Таблица прямой восходящей линии родства

'Алим Хаджа
<b>Амир Абу Тāхир Хаджа</b>
[Саййид] 'Ибадуллах Хаджа
Фадл ул-ллох [Хаджа] миров // мы ради смерти этого человека исчисляли дату его смерти // Саййид 'Алим Хаджа знаток истории / и он сын
['Ибаду]ллах Хаджа
<b>Саййид-и Ма'оли Хаджа</b>

**Надгробие №13 (K.Is- 13(St))**

Самое огромное надгробие комплекса. Стела расположена в центральной части кладбища. Она изготовлена из качественного белого мрамора.

**ТЕКСТ на северной лицевой поверхности:**

بسم الله الرحمن الرحيم // لا اله الا الله محمد رسول الله // ميبيت ابن مرقد زاولاد رسول  
انس جان // قرّة العين جناب خواجه اسحاقيان // جد بزرگوار او غوس ست قطب  
عامست // حضرت محتوم اعظم سيد اعلى نشان // اسلك اندر مر سلوك اعلم اندر  
علوم // بود حفاظ كلام الله هم تفسير ان // يا الهى حرمت شمس الضحى بدر الدحي  
// مضجع اورا نما اندر بهشت جاودان // هر كس ارد قدوم اندر مزار فايضش //  
بيارد بين رحمت بلطف خود خداوند جهان // ما برو انسان كرديم از بهر وفات ان  
حساب // سيد عالم خواجه تريخ دان // هو ابن ابو طاهر خواجه ابن سيد عباد الله  
ابن فضل الله

**ПЕРЕВОД:**

Во имя Бога милостивого милосердного. // Нет божества кроме Алла-  
ха и его посланника Мухаммада [САВ] // Тело [положенное] в эту могилу  
из потомства посланника людей и джиннов // [И он] свет очей господя  
(повелителей) Хаджей исхакийон // Его дед был великим ныряльщиком,

руководителем всех людей // (Махтум-и а‘зам) великим служителем, саййидом знака величия, // [он был] странником в пути познания [Бога], ученым в научных знаниях // [он был] знающим наизусть Слово Аллаха (Корана) и его комментарий. // О Боже, ради уважения утреннего времени (после восхода солнца) и полнолуния сделай его могилу вечным раем // И каждый, кто посетит дарящий милость (приносящий пользу) его ма-зар // Приносить милость своей милостью Господ

**[Продолжение] ТЕКСТА на южной лицевой поверхности:**

حضرت محدوم اعظم نور مرقدہ // ابنہ حضرت خواجہ اسحاق طاب ثراه // ولده  
 سيد قطب الدين ولده // محمد سيد خواجہ ولده خواجہ يحيى // ولده خواجہ عبد الله  
 ولده سيد عباد الله // ولده خواجہ فضل الله الملقب // ولده سيد عباد الله خواجہ ولده //  
 مير ابوظاهر خواجہ ولده صاحب // هذا المرقد المنور سيد عالم خواجہ // قدس الله  
 اسرارهم

Хадрат-и махдум-и а‘зам, да озарит Аллах его могилу! // его сын Хадрат-и Хаджа Исхак, да сделает Аллах его могилу чистой!<sup>1</sup>, его сын Кутб ад-дин, его сын Мухаммад Саййид Хадж а, его сын Хаджа Йахйа, его сын Хаджа Абдуллах, его сын Саййид ‘Ибадуллах, его сын по прозвищу Хаджа Фазлуллах, его сын Саййид Ибадуллах Хаджа, его сын Мир Абу Тахир Хаджа, его сын, владелец этой озаренной усыпальницы ‘Алим Хаджа, да освятить Аллах их тайны!

Таблица нисходящей линии родства ‘Алим Хаджи

Хадрат-и махдум-и а‘зам
Хадрат-и Хаджа Исхак
Кутб ад-дин
Мухаммад Саййид Хаджа
Хаджа Йахйа
Хаджа Абдуллах
Саййид ‘Ибадуллах
Хаджа Фазлуллах
Саййид Ибадуллах Хаджа
Мир Абу Тахир Хаджа
‘Алим Хаджа

<sup>1</sup> پاک و پاکیزہ باد خاک او. 1

## ЯЛАНГТЎШ БАҲОДИРХОН ШАХСИ БИЛАН БОҒЛИҚ БИР МАКТУБ ХУСУСИДА

Ёзма манбаларнинг муҳим турларидан бири ҳисобланган мактублар йўналишига кўра тарихий солнома ва бошқа манбалардан жиддий фарқ қилиб, айрим устунликлар билан бирга маълум камчиликларга ҳам эга<sup>1</sup>. Расмий ҳужжат сифатида содир бўлган тарихий воқеа-ҳодисаларнинг қайд этилиши, айниқса, ёзма асарларда ёритилмаган кичик, лекин муҳим деталларнинг акс эттирилиши жиҳатидан мактублар алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга, мактубларнинг фрагментар жиҳати борки, улар алоҳида манба сифатида тарихий воқеликнинг яхлит манзарасини бера олмайди. Шу жиҳатдан баъзи ҳолларда матн мазмуни бир ёқлама ёки нотўғри хулосалар чиқаришга сабаб бўлади. Шунга қарамай, мактубларни ўрганиш тарихий тадқиқотларнинг манбавий асосини ва маълумотлар базасини кенгайтиришга ёрдам беради.

Ушбу мақолада ўз даврининг етук шахси ва йирик давлат арбоби сифатида тарихда муносиб из қолдирган Ялангтўш Баҳодирхон шахси билан боғлиқ бир мактуб таҳлил қилинган. Мазкур ҳужжат минтақадаги давлатлар ўртасидаги, хусусан, Бухоро – Хива ва уларнинг Эрон Сафавийлари билан дипломатик муносабатлари контекстида кўриб чиқишга ҳаракат қилинди.

Қайд этиш лозимки, Бухоро ва унга чегарадош қўшни Хива хонлиги ўртасидаги муносабатлар мураккаб характерга эга бўлиб, турли вазиятларга қараб ўзгариб турган. Ялангтўш Баҳодирхон Бухорода юқори давлат лавозимларида ўтирган даврда Хива хонлиги сиёсий инқироз ҳолатини бошдан кечираётган эди. Хусусан, XVII асрнинг иккинчи чорагида Арабшоҳийлар сулоласи вакиллариининг ҳокимият учун олиб борган ўзаро сулолавий курашлари авж олган бўлиб, унда ғолиб чиққан Исфандиёрхон (1622 – 1642) ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида қўшни давлатлар билан муносабатларини ҳам барқарорлаштиришга интилган. Унинг бевосита Бухоро хонлиги билан дипло-

---

<sup>1</sup> Ғуломов С. «Иншо» мажмуалари маълумотининг аутентлиги хусусида (Амир Темур номи билан боғлиқ хатлар мисолида) // Марказий Осиё тарихи замонавий медиавистика талқинида (профессор Розия Мукминова хотирасига бағишланган монография). – Тошкент, 2013. – Б.257 – 269.

матик алоқаларига доир маълумотлар ёзма манбаларда ниҳоятда кам учрайди. Бунинг сабабларидан бири бу даврга доир манбаларнинг ниҳоятда камлиги бўлса, иккинчи томондан, Исфандиёрхон ҳарбий-сиёсий кучини асосан ички вазиятни тартибга солиш, муҳолиф гуруҳларни бўйсундиришга қаратгани боис қўшни Бухоро хонлиги билан муносабатлари нейтрал ҳолатда эди. Лекин у ҳокимиятга келиш жараёнида бевосита Эрон Сафавийлари билан ҳамкорлик қилгани туфайли кейинги даврда ҳам бу давлат билан муносабатларини барқарор ушлаб туришга ҳаракат қилган<sup>1</sup>.

1629 йилда Эрон шоҳи Аббос I вафот этиши билан Хуросон ерларига уюштирган ҳужумлари боис Хива – Эрон муносабатларига анча путур етган<sup>2</sup>. Бундай вазиятда Исфандиёрхон зудлик билан ўртадаги алоқаларни яхшилашга киришган. Шу жиҳатдан унинг кейинги фаолияти давомида Эрон билан дўстона алоқалар деярли мунтазам йўлга қўйилгани маҳаллий ва Эрон манбаларидан маълум бўлади<sup>3</sup>. Айнан шундай ёзма манбалардан бири Эрон шоҳларининг Хива хонларига йўллаган мактублари бўлиб, улар ҳажм жиҳатдан кам бўлса-да, бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотларни бериши билан қимматлидир.

Эроннинг Марказий Осиё минтақаси билан ўзаро алоқаларига доир ҳужжатлар мажмуаси Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги архивида сақланган бўлиб, бу борада алоҳида аҳамият касб этади<sup>4</sup>.

Ушбу мактубларни тадқиқ қилиш кўрсатдики, улар иншо ёки мактуботнинг одатий услубига кўра дастлаб узундан-узун эпитет ва ҳамду санолар билан бошланган. Албатта, бу бежирим

---

<sup>1</sup> Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол / Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.89.

<sup>2</sup> Мошкова В.Г. Хорасанский мятеж // Очерки по истории туркменского народа и Туркменистана в VIII – XIX вв. / Под ред. А. Якубовского. – Ашхабад, 1954. – С.221 – 223; Извлечения из рукописи Мухаммед Маъсума и Мухаммед Тахир-и Вахида / Перевод, под ред. А.А. Ромаскевича // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. // Иранские, бухарские, хивинские источники / Под ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. – М.-Л., 1938. Т. 2. – С.102 – 106.

<sup>3</sup> Муҳаммад Маъсум ибн Хожаги Исфаҳоний. Хулосат ас-сийар. Тарихи рузигори Шоҳ Сафи Сафавий. Ганжинайи Ирон ва ирониён / Нашрга тайёрловчи Ироҷ Афшор. – Теҳрон, 1368. – Б.56 – 58.

<sup>4</sup> Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиё-йи Марказий (Эроннинг Марказий Осиё минтақаси билан ўзаро алоқаларига доир ҳужжатлар) / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Ҳасан Ковусий Ироқий: Эрон Ташқи ишлар вазирлиги «Сиёсий ва халқаро тадқиқотлар бўлими»нинг ҳужжатлар нашриёти идораси. – Теҳрон, 1372. – 504 б.



мақтовлар мактуб мазмун-моҳиятининг бир қатор жиҳатларини намойиш этади. Хусусан, матн насрда ёзилган бўлса-да, қофияларга катта эътибор берилгани унинг ҳар икки томон муншийларининг сўзамоллиги, билим ва савияси даражасининг кўрсаткичи сифатида аҳамиятга эга бўлганидан далолат беради. Ўз ўрнида, қофиядош жумлалар матн мазмунини кучайтириб беришга қаратилган бўлиб, сўзларнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилган. Сўзамоллик бўйича гўё рақобатга киришган муншийлар, албатта, жарангдор сўзлар ва мақтовли мурожаатлар орқали асосий мақсадга эришиш, яъни ўртага қўйилган масала борасида кутилган натижани қўлга киритиш лозимлигини ҳам эътиборда тутганлари табиий.

Бир қарашда ўқувчини матннинг асосий мазмунидан, баён этилган воқеа тафсилотидан чалғитувчидек кўринган бу қисм, аслида, масаланинг муҳим жиҳатини намойиш қилади. Зеро, ҳукмдорларнинг бир-бирига қай тарзда мурожаат этиши ҳамда қандай унвонларни қўллаши давлатнинг нафақат халқаро майдондаги мавқеи, балки мамлакат ичидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳақида тасаввур беради. Шу боис мактубларнинг муқаддима қисми дипломатия нуқтаи назаридан «ўта нозик» ва жиддий масала ҳисобланади. Лекин шуни ҳам унутмаслик лозимки, баъзи ҳолларда расмийликнинг соф кўриниши бўлган ушбу эпитетлар реал воқеликка мос келмаслиги ҳам мумкин. Бир-бирига гўё зид кўринган бу фикрлар, аслида, мактублардаги ҳар бир маълумотни бошқа манбалардаги фактлар билан солиштириб, уларнинг реал воқеликка мувофиқ келиш даражасини ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозимлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳужжатларнинг аксарият қисми Қожорлар даврига, яъни XIX асрга оид. Лекин улар орасида Сафавийлар даври, хусусан, XVII – XVIII асрларга доир мактублар ҳам мавжуд. XIX асрга доир ҳужжатлар бўйича маълумотлар нисбатан тўлиқ бўлиб, унда адресант (юборувчи) ҳам, адресат (қабул қилувчи) ҳам, ҳатто ҳужжат санаси ҳам нисбатан тўлиқ кўрсатилган. Сафавийлар даврига оид ҳужжатларда уларнинг санаси қайд этилмаган. Лекин хатни юборган ва қабул қилиб олган томонлар ҳақидаги маълумотга ҳамда мактуб матнининг мазмунига таянган ҳолда тегишли хулосалар чиқариш мумкин.

Мазкур ҳужжатлар тўпламига кирган олти та мактубдан бири шоҳ Сафи (1629 – 1642) томонидан Исфандиёрхон (1623 – 1643)

га юборилган бўлиб, 4-рақамли ҳужжатда «Маккаи муъаззама зиёрати учун имкониятлар яратиш» мавзуси остида қайд этилган<sup>1</sup>.

Мактуб мазмунидан кўринадики, у Хива хонининг Эрон шоҳига мурожаатига жавобан ёзилган хат бўлиб, юқори мартабали аъёнлардан бўлган Ялангтўш Баҳодирнинг Маккаи муъаззама зиёратига юборилиши ва бу борада Эрон шоҳининг хайрихоҳлиги ўз аксини топган. Унда маълум қилинишича, Хоразмдан келган ушбу аъён «шоҳона иноят ва жаннат асар мажлисларга сазовор бўлган». У орқали дўстлик изҳори билан юборилган мактубнинг қабул қилиб олинганини қайд этган шоҳ бу мурожаат туфайли «дўстлик ва ҳамжиҳатлик биноси янгидан мустаҳкамланган»ини маълум қилган. Ялангтўш Баҳодирнинг Маккаи муъаззама зиёрати борасида «шарафан ва таъзиман билдирган истаклари» борасида эса Эрон шоҳи «ҳеч кимнинг хоҳишига монелик йўқ ва ҳар вақт келиш истагини билдирса, юқоридагидек икрому эъзоз кўрсатилажак» деган фикрни билдирган. Шунингдек, шоҳ юборилган кишининг Эрон ҳудуди орқали ўтишига кўзбекистон Миллий архивклашишга тайёр эканини билдириш билан бирга «...олий мартабали соҳиби қиръон Зулфиқорбек кўрчи бойбрдўлуни савоб талаби учун юқорида зикр этилган аъён билан бирга ул тарафга .... юборамизки, Файсал [шаҳри]гача кузатиб қўяди» дея илтифот кўрсатган мактубда.

Мактубда, афсуски, Ялангтўш Баҳодирхоннинг Бухородан келганлиги ёки айнан биз ўрганаётган шахс эканлиги қайд этилмаган. Лекин бундай исмли шахснинг Хива хонлигида бўлмаганини ва масалани содир бўлган тарихий жараёнлар контекстида кўриш орқали у айнан Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодирхон деган хулосага келиш мумкин. Мактубда сана кўрсатилмагани боис бу борада ҳам айрим мулоҳазаларни билдириш ва шу орқали ҳаж зиёратига юборилган кишининг шахсига, юзага келган сиёсий вазиятга маълум даражада ойдинлик киритиш мумкин. Бу даврда Бухоро хонлигидаги сиёсий вазият кучлар нисбатида ҳам ўзгаришга сабаб бўлган эди. Хусусан, 1642 йилда Бухоро тахтига ўтирган Надр Муҳаммадхон Ялангтўш Баҳодирни Самарқанд ноиблигидан бўшатиб, ўрнига тахт вориси Абдулазиз султонни тайинлаган. Қайд этиб ўтиш жоизки, сиёсий ҳокимият алмашинуви ёки турли зиддиятли вазиятларда

---

<sup>1</sup> Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осие-йи Марказий ... – С.77.

юқори мартабали амалдорларни «ҳаж зиёратига юбориш» ёки «ҳукмдордан рухсат олиб ҳажга кетиши» ўрта асрлар жамиятида сиёсатнинг бир кўриниши ҳисобланган. Шу жиҳатдан Ялангтўш Баҳодирхон Самарқанд ноиблигидан олингач, ҳаж зиёратига йўл олган бўлиши мумкин.

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўрта Осиё – Эрон ўртасидаги зиддиятлар туфайли ўзаро савдо алоқалари катта зарар кўрган, ҳатто ҳаж зиёратига йўл олган зиёратчилар жиддий қийинчиликларга учраган ҳоллар тарихда кўп учрайди. Аксарият адабиётларда бундай тўсиқларнинг асосий сабаби сифатида шиа-сунний мазҳаблари ўртасидаги қарама-қаршилик кўрсатилади. Албатта, диний мазҳаблар туфайли Ўрта Осиё хонликлари билан Эрон ўртасидаги муносабатларда кескин ҳолатлар кўп бўлган. Лекин бирламчи манбалардаги маълумотлар Сафавийлар даврида Эроннинг Бухоро билан муносабатларига нисбатан Хоразм хонлари билан ўзаро алоқалари анча дўстона бўлганини кўрсатади. Бу даврда мазҳаблардаги қарама-қаршиликдан кўра Хуросон ерлари учун бўлган сиёсий рақобат Бухоро – Эрон муносабатларига кўпроқ путур етказар эди. Жумладан, Ялангтўш Баҳодирхоннинг ўзи бир неча бор Эроннинг чегарадош ҳудудларига юришлар уюштириб, катта зафарлар қозонган эди. Демак, ҳаж зиёратига йўл олган Ялангтўш Баҳодирхон Эрон ҳудуди орқали ўтиш учун бевосита шоҳ билан дўстона алоқаларни йўлга қўйган Хива хони Исфандиёрхонга мурожаат этган бўлиши керак. Қолаверса, Эрон ва ундан Усманийлар ҳамда араб давлатларига олиб борадиган, баъзида чўллардаги табиий қийинчилик ва қароқчиликлар туфайли хатарли бўлса-да, анча яқин ва қулай ҳисобланган «Хоразм йўли»дан кенг фойдаланилган.

Юқорида кўрсатилган «Маккаи муаъззама зиёрати учун имкониятлар яратиш»га доир мактуб, шунингдек, рус элчиси Ф. Беневинининг 1721 йили Техрондан Россияга юборган ахборотномасидаги маълумотлар шиа-сунний зиддиятининг икки ўртада тўсиқ бўлганлиги борасидаги фикрларга аниқлик киритишга ёрдам беради. Хусусан, Эронга элчи қилиб юборилган Ф. Беневини «бу ерда барча хорижий элчи ва сайёҳлар қатори Маккага йўл олган ва хон тавсияномасига эга бўлган ҳар қандай хивалик ёки бухороликка бутун ҳукуматдан ҳурмат кўрсатилиши лозим» эканини қайд этган<sup>1</sup>. Хива хонлигидан Рум (Усмо-

<sup>1</sup> Попов А. Сношения России с Бухарой и Хивой при Петре Великом // Записки ИРГО. Вып. 9. – СПб., 1853. – С.237.

нийлар) султони ҳузурига юборилган элчилар ёки ҳаж зиёратига йўл олган зиёратчиларнинг Эрон ҳудуди орқали ҳаракат қилганлиги тўғрисидаги маълумотлар кейинги давр манбаларида ҳам келтирилган. Огаҳийнинг «Гулшани давлат» асарида маълум қилинишича, Хива хони Муҳаммад Аминхон ҳукмронлигининг охирларида (1854/1855 й.) ишончли амирларидан Ҳожи Шукрулло оғани Рум подшоси султон Абдулмажидхонга элчи сифатида юборар экан, унга ўзининг номидан вакил бўлиб ҳаж зиёратига амалини бажариш вазифасини ҳам юклайди. Асарда баён этилишича, «Байтуллоҳ зиёратига ва Рум сафорати учун нома ... ва йўл харожати учун ... кўп нақду мол» олиб йўлга чиққан Шукрулло оға «...узоқ дашт ва биёбонларни қатъ этиб», Эронга борган ва у ерда бир неча кун тургач, Усмонийлар давлатининг жанубидаги Арзирум (Арзинат ур-Рум) шаҳрига бориб тушган<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, ҳаж зиёратига йўл олган ўрта осиелик зиёратчилар, умумий қийинчиликларга қарамай, ҳукмдорнинг махсус хати орқали керакли шароитларга эга бўлишган.

Таҳлил этилган мактуб мазмуни орқали бир қатор хулосаларга келиш мумкин. Аввало, Ялангтўш Баҳодирхоннинг ҳаж зиёратига борганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, бу зиёрат Бухоро хонлигидаги сиёсий кучлар нисбатида содир бўлган ўзгаришлар, жумладан, ҳокимият алмашинуви билан боғлиқ вазиятга тўғри келганини тахмин қилиш мумкин. Унинг исмига манбаларда ҳожи унвонининг қўшиб ёзилмагани бу зиёрат Ялангтўш Баҳодирхон фаолиятининг нисбатан кейинги даврига тўғри келгани билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қолаверса, ушбу мактуб Хива – Бухоро ўртасидаги дўстона алоқаларнинг йўлга қўйилганини ҳам кўрсатади.

---

<sup>1</sup> Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниеъбек ўғли. Гулшани давлат (Хива хонлиги 1856 – 1864 йилларда) / Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. – Тошкент, 2012. – Б.207.

**ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРИХИНИ  
ЎРГАНИШДА МЕТРОЛОГИК  
МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ЎРНИ  
(«Мажмаъ ал- арқам» асари мисолида)**

Инсон ҳаётининг ҳар бир қадами маълум бир ўлчовларга, яъни узунлик, оғирлик, масофа ва ҳажм бирликларига асосланади. Турли тарихий даврларда яшаган халқлар машғулотларининг ва қизиқишларининг турли- туманлигидан келиб чиқиб ўлчов бирликлари пайдо бўлган<sup>1</sup>. Ҳар қандай нарсани қай даражада ўлчаниши орқали аниқлаш тарихий ўлчовшунослик (метрология) фанининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Зарафшон воҳаси тарихини метрологик жиҳатдан ўрганишда «Мажмаъ ал-арқом» асарининг маълумотлари жуда муҳим. Мирза Бадиъ девоннинг ушбу асари XVIII асрда Бухоро хонлиги тарихий ҳужжатлари асосида ёзилиб, шу даврнинг иқтисодий ҳаёти билан бирга ижтимоий ва маданий ҳаётини ёритиб бериши билан аҳамиятлидир. Асар маъмурий, молиявий ва солиқ тизими тамойилларини баён қилиши билан фарқланади. Шу даврда яратилган манбалар орасида рақамли далилий маълумотларнинг кенгқамровлигини ҳисобга олиб асар устида махсус метрологик тадқиқот олиб боришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Хонлиқлар даври иқтисодий ҳаётини ёритиб беришга хизмат қиладиган асарнинг муаллифи девон ишларида фаолият юритгани сабабли унинг берган маълумотлари ишонarli ва қимматли ҳисобланади. Бундай фикрга келишимизга асос бўлган яна бир муҳим маълумотни келтириб ўтамиз: Охунд мулла Бадиъ девон бини мулла Шаҳобиддин девон бини мирза Улуғ девон бини Риза девон бини мирза Муҳаммад Раҳим қутвол бини Мирза Тохур девон. Шажарадан кўриниб турибдики, девон ишлари муаллифга мерос тарзида ўтган.

---

<sup>1</sup> Хинс В. Мусульманские меры веса с переводом в метрическую систему // Материалы по метрологии средневековой метрологии Средней Азии. – Москва: Наука, 1970. – 146 с.; Грамм М.И. История цивилизации в зеркале мер, единиц и денег: занимательная энциклопедия с интернет-адресами. – Челябинск: Аркаим, 2004. – 344 с.

Ўзбекистонда Қўлёмалар маркази фондида №2463 рақам остида сақланиб келаётган бу асардан дастлаб А.А. Семенов ўзининг «Трактат»ида Бухоро хонлигидаги унвон ва мансабларга оид қисм маълумотларидан унумли фойдаланган<sup>1</sup>. Е.А. Давидович бошқа ўлчов бирликлари сингари асарнинг нумизматик маълумотларига кўпроқ эътибор қаратган<sup>2</sup>. О.Д. Чехович хонликлар тарихини расмий ҳужжатлар асосида ўрганишда манба маълумотларининг фактик жиҳатларига кўп мурожаат қилган<sup>3</sup>. М.А. Абдураимов Марказий Осиё тарихининг аграр соҳасини ўрганишда асарнинг ўлчов бирликлари маълумотлари муҳим ўрин тутишини таъкидлаб ўтган<sup>4</sup>. Энг муҳими, олима А.Б. Вильданова<sup>5</sup> манбани Шарқнинг ёзма ёдгорликлари сифатида ўрганиш учун нашрга тайёрлаб манбашунослик тадқиқоти йўналишига катта ҳисса қўшган.

Ёзма ёдгорлигимиз маълумотларидан Бухоро хонлиги бошқаруви, ер-мулк муносабатлари, суғориш ва қурилиш ишлари, савдо-сотиқ ривожини ишларида ҳисоб илмининг нечоғлиқ муҳим эканлиги маълум бўлади. Тарих фанининг махсус соҳаси бўлган тарихий метрология (ўлчовшунослик) фани айнан шундай ҳисоб- китоблар билан боғлиқ масалаларни ўрганишга қаратилган. Узунлик, майдон, ҳажм, оғирлик ўлчов бирликлари тизими, ўлчаш усулларини ўрганиш соҳанинг асосий вазифаларидан саналади. Тарихий даврни аниқ ҳисоб- китоблар асосида ўрганиш, албатта, ижтимоий- иқтисодий билимларимизни оширишга ёрдам беради. Фанлараро умумий алоқадорлик эса илмий билимларни таъминловчи муҳим омил бўлиб, табиат ва жамият ўртасидаги яхлит тасавурларини бойитишга хизмат қилади.

Кенг қамровли ва бой далилий маълумотларга эга бўлган «Мажмаъ ал- арқам» асари беш бобдан иборат. Унинг 1-боби ҳисоб илмининг аҳамияти, 2-боби девон лавозим эгалари ва

---

<sup>1</sup> Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. 1948. Т.V.

<sup>2</sup> Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. – Москва: Наука, 1970.

<sup>3</sup> Чехович О.Д. Бухарские документы XIV века. – Ташкент, Наука, 1966. – 330 с.

<sup>4</sup> Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX века. Т.1. – Ташкент, 1966. – 370 с.

<sup>5</sup> Мирза Бади диван. Маджма ал-аркам («Предписания фиска») (Приемы документации в Бухаре XVIII в.) Факсимиле рукописи / Введение, перевод, примечания и приложения А.Б. Вильдановой. – Москва: Наука, 1981. – 128 с.

уларнинг вазибалари, 3-боби ҳисоб-китоб амаллари, 4-боби арифметик амаллар, 5-боби астрономия илмига бағишланган. Муаллиф иш тажрибаларидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб ишларини бир тизимига солган. Лавозим эгалари ва уларнинг вазибалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтиб, девон амалдорларини «мадар ал- мулк» деб таърифлаган. Таърифдан кўринадики, қалам аҳли жуда кўп жиҳатлар билан бошқа соҳа вакилларидан устун бўлиши талаб этилган.

Айниқса, девон ишлари давлат хазинасига келаётган ҳисоблар ва уларнинг ишлатилишига доир масалалар махсус билимни тақозо этган. Кирим ва чиқим дафтарлари маълум бир белгилар тизимига солинган бўлиб, бу «сийақат» деб юритилган. «Сийақат» араб сонларининг ўзгартирилган ва қисқартирилган белгилари асосида ташкил топган. «Сийақат»ларнинг биринчи жиҳати – давлат девонхонасида қўлланилган ва улар «арқами девонийа» деб аталган. Кейинчалик бу термин кенг маънода, яъни савдо- сотиқ ва молия масалаларида ҳам қўлланила бошлади. Марказий Осиёда бу тизим *сийақ* деб, белгилар эса *руқум* (яъни рақамнинг кўпликдаги кўриниши) деб юритилган. Айнан мана шу жиҳатлар манбанинг «рақамларнинг жамланиши» деб номланишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

«Агарда кимда- ким қўлига қалам олиб, бу ишларга киришар экан, энг аввало, ҳозирда ва кейинчалик ҳам ёлғон ишлатмасликка, аҳмоқона хаёлларга берилмасликка қасамийд қилиши керак бўлади», – деб ёзилган манбада. Аллоҳнинг олдидаги ҳисоб-китоблар ва ҳисобот куни учун жавобгарлик учун муаллиф ўз сўзларини «сура ва оятлар»дан келтириб масаланинг нечоғлик муҳим эканини эслатиб ўтади. Қуйида келтириляётган маълумотлар «қасамёд»нинг шарт бўлишига ишора қилади.

Манба маълумотида энг кўп масала *солиқ ва йиғимлар* ҳақидаги маълумотнинг берилганида кўринади. *Хирож* йиғими *ер* учун халқдан йиғиб оладиган солиқ тури бўлганини, *харж жон* учун йиғилган йиғим эканини кўрсатади. Албатта, турли хил кўринишга эга бундай йиғим ва солиқлар давлатнинг иқтисодий таъминоти ва мамлакат ободончилиги учун муҳим тадбир бўлган.

Шарқ девонхонасининг дафтарлари орасида икки муҳим тури мавжуд бўлиб, у «*авариж*» ва «*тавжих*»дан иборат эди. «*Авариж дафтари*»да мол-мулк қайднома тартиби кўзда тутилган, дафтар давлат хазинасининг даромадларини кўрсатиб турган. «*Авариж дафтари*»нинг ўзи «*зобита дафтари*»га ажра-

тилган, яъни бунга ижарадан келган тўловлар, бождан, белгилаб қўйилган товарлардан келган ҳисоблар ва ҳоказолар битилган.

Асарда солиқ объектлари, у билан бирга пул ва натура шаклидаги тушумлар рўйхати берилган. Жойлар номи алифбо тартибида келтирилиб, ким бу тушумларни хазинага туширгани ва амалдорнинг қайси уруғ ёки қабилага мансублиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, ўзи билан бирга солиқ ундирувчи объектлар рўйхатини, улардан тушадиган пул ва натурал тушумлар ҳисобини қайд этган.

«Тавжих» дафтарида унча муҳим бўлмаган ҳисоб-китоблар берилган. «Тавжих дафтари» ички қисмида «тахвил дафтари» бўлиб, унда турли давлат мансабдорлари томонидан давлат хазинасига туширилган ҳисоблар ҳақида маълумот тўпланган.

Асар маълумотларидан хазинага тушган маблағларнинг қандай аталгани, улар қандай ҳажмда олингани ва нима мақсадда йиғилгани сабабларини ўрганиш мумкин бўлади. *Зако*<sup>1\*</sup>, *ушр*<sup>2\*</sup>, *хумс*<sup>3\*</sup> (фуқаро ёки мискинлар ҳисобига), *хирож*<sup>4\*</sup> ҳамда *жизья*<sup>5\*</sup> (мусулмон бўлмаган савдогарлар ҳисобидан), *байт ул-мол*<sup>6\*</sup> (бечора, етим ва хасталар учун йиғилган пуллар ҳисобидан), *луққат*<sup>7\*</sup> йиғимларининг миқдор ва сон жиҳатидан маълум бир қийматга эга бўлганини юлдузча (\*) белгиси билан белгиланган қуйидаги маълумотлар изоҳлаб беради.

Зарафшон воҳаси аҳолиси асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлгани сабабидан манба матнидаги *майдон ўл-*

<sup>1\*</sup> Зако – молявий ибодат саналиб, мусулмон кишининг пул ва тижорат молларининг қиймати нисобга етганда  $1/40$  ҳисобидан бир йилда бир марта тўланадиган тўлов.

<sup>2\*</sup> Ушр – ернинг ва тоғнинг асалидану мевасидан чиққан нарсалардан (агар уни оқин сув ёки ёмғир суғорган бўлса) ҳамма маҳсулотларнинг харажатларини чиқариб ташламасдан  $1/20$  садақа сифатида чиқариш вожиб бўлган. Агар чархпалак ила суғорилган бўлса, ушрнинг ярми, яъни  $1/10$  берилган.

<sup>3\*</sup> Хумс – йиллик даромадидан йилда бир марта  $1/5$  қисм ҳисобида тўланадиган солиқ.

<sup>4\*</sup> Хирож – Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё мамлакатларида давлат томонидан ундирилган ер солиғи. Ер майдони бирлигидан ер сифати ҳамда сув билан таъмиланганлик даражасига қараб ҳосилнинг  $1/4$ ,  $1/3$ ,  $1/2$  қисми ҳажмида ундирилган.

<sup>5\*</sup> Жизья – Араб халифалигида кейинчалик бошқа давлатларда олинган жон солиғи. Вояга етган шахсдан молу мулкига кўра 12, 24 ва 48 дирҳам миқдорида олинган. Кейинчалик солиқ пул ва натура шаклида ҳам ундирилган.

<sup>6\*</sup> Байт ул-мол – исломда хазина, давлат молияси, пул ва бошқа қимматбаҳо нарсалардан олинадиган солиқ. Солиқлардан тушган маблағлар камбағал, етим-есир ва мусофир саёҳатчилар эҳтиёжлари учун сарф қилинган.

<sup>7\*</sup> Луққат – закот солиғидан тушган тушумлар ҳисобидан йиғилган.



**човларига** доир маълумотларни ўрганишга алоҳида эътибор талаб этилади. Майдон ўлчовлари қандай номлар билан аталгани ва уларнинг биринчиси иккинчисидан миқдор жиҳатидан қандай фарқланиши билан ўзига хос хусусият эга. Шу жиҳатдан, аввало, энг кўп қўлланилган **таноб** атамасига эътибор қаратилади, 1 таноб 2845 кв метрга тенг бўлган. *Туман* тарихий атамаси энг катта ер майдонига тегишли бўлиб, 100 минг таноб ер майдонига тенглиги манбада келтирилган. 50 минг танобдан иборат майдон ҳазора атамаси билан юритилган. 10 ёки 15 минг таноб майдон *абҳор*, 400 таноб майдон *қаръйа*, 300 таноб тенг бўлган майдон *мазраъа* деб юритилган. Таноб ўлчови Ўрта Осиё хонликларининг турли ҳудудларида турлича бўлган<sup>1</sup>. Бундай ўлчовлар асосий аграр давлат бўлган хонликлар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Ўлчов майдонлари ва уларнинг ҳажми ўрта асрлар деҳқончилик ишлари ва ер-мулк муносабатлари ҳақидаги билимларимизни аниқлаштиришга ёрдам беради.

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Зарафшон ҳудуди учун савдо-сотик ишларида, айниқса, **оғирлик ўлчовлари** жиддий масала бўлган. Оғирликни ўлчаш учун бир нарсанинг вазни иккинчи нарсанинг вазни билан солиштирилган. Бундай бириликлар энг кўп учрайдиган буғдой, арпа ва бошқа ҳосил экинларининг оғирлик қиймати нисбатига мос қилиб олинган. Шулардан айримлари *ман (ботмон)* бўлиб, оғирлиги 800 грамм донга тенг эди. *Истар* 21,6 граммга тенг ўлчов бўлган. 2,5 истар ўлчов 8 килограмм оғирликка тенг бўлган. 1 ман 27392 мисқолга тенг бўлган. *Мисқол* қимматбаҳо буюмлар ўлчанган ўлчов бирлиги бўлиб, 100 дона арпа ёки буғдой донига тенг бўлган. Бухорода биз ўрганаётган асрларда 4,8 – 5 граммга тенг бўлган. Шарқ давлатларининг айримларида ҳозир ҳам қўлланилади. *Нимча* – чорйакнинг тўртдан бири тахминан 500 граммга тенг бўлган. *Нўхат* 0,2 грамм оғирликка тенг. Бу ўлчов ҳам қимматбаҳо тошларни ўлчашда ишлатилган. *Чорйак* 1/64 манга тенг бўлган. Айрим ҳолларда майдон ўлчови сифатида ҳам қўлланилган<sup>2</sup>.

Рақамлар жамламаси ҳақида маълумотлар тадқиқ этилаётган ушбу манбада **масофа ўлчов бирликлари** масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Шу турга оид бўлган ўлчов бирликларини қуйидаги маълумотларда кўрамиз: қадам 63 – 71 см га, *фарсанг* ёки

<sup>1</sup> Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. – Москва, 1970. – С.126 – 131.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – С.131.

фарсах 7 км га, йиғоч 5985 метр, баъзи жойларда 8 – 9 км га, марҳала 25 – 30 км га тенг бўлганини аниқлаб олиш мумкин. Бундай аниқлик бевосита манзилга отланган отлиқ ёки пиёда кундалик турмуш тарзида ва савдо-сотик муносабатларида муҳим бўлгани учун ҳам бу масалаларни метрологик жиҳатдан ўрганиш долзарб масала дейиш мумкин.

Манбада ўлчовлар бирликларининг газ, раъс, сауб деган турлари ҳам келтирилган. Газ узунлик ўлчови бўлиб, 49,875 см га тенг эди. Раъс ўлчови эса чорва молларининг неча бошдан иборат бўлган умумий ҳисобини белгилаш учун ишлатилган. Муомалада бўлган сауб атамаси кийим-кечак тартибининг ҳисобини кўрсатиб туришга хизмат қилган. Табиyki, бундай ўлчов бирликлари чорвадор ва ҳунарманд аҳолиси ўртасида кенг қўлланилган.

Воҳа аҳолиси иқтисодий муносабатларини ўзида акс эттирувчи пул қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов ва жамғарма воситаси функцияларини бажарган. Айнан шу даврда муомалада бўлган *ашрафий деб номланган 93% соф олтин миқдоридagi олтин танганинг оғирлиги 1 мисқолни ташкил қилган, динар – XV асргача олтин танга, ундан кейин кумуш танга, XVI асрдан кейин мис танга, дирҳам – 3,36 грамм бўлган кумуш танга, 1 мири мис танга бўлиб, 4 – 5 тийин қийматни ташкил қилган. Эроннинг аббосий тилла тангаси ҳам Бухоро ҳудудларида учрайди. Унинг оғирлиги 7 дан то 9,5 данак миқдорида бўлган.*

Шу давр учун хос бўлган лак пул тўлов ўлчови амалда бўлиб, бир лак юз мингга, юз лак бир курўрга, юз курўр бир арбга, юз арб бир карбга, юз карб бир милга, юз мил бир филга, юз фули бир руҳга, юз руҳ бир муҳитга тенг эди. Ваҳоланки, лак ўлчов бирлиги то ўлка Россия империяси томонидан босиб олиниб, янги совет тизимида ўтгунга қадар амалда бўлган.

Шарқ дунёсининг ўзига хос жиҳатларидан бири абжад ҳисоби масаласидир. Унда сонлар ҳарфлар билан белгилади. Бирликлар 9 та ҳарф билан (алиф, бе, жим, дол, ке, вов, зе, хе, итқи), ўнликлар 9 та ҳарф (йо, коф, лом, мим, нун, син, айн, фе, сод), юзликлар (қоф, ре, шин, те, се, хе, зол, зод, изқи, ғайн) ҳарфлари билан ифодаланган. Бу ҳарфлар девонхона ишида жуда назик масалаларни ҳам ҳал этишга хизмат қилган. Масалан, маълум бир воқеа санаси ҳарфлар орқали бир сўз ёки бир таъриф билан очиб берилади. Бундай «нозиклик» девонхона ходимининг кучли билим ва зеҳн соҳиби бўлишини тақозо этган.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, иш юритиш ҳужжатлари устида изланиш олиб бораётган тадқиқотчи ушбу масалага жиддий эътибор қаратиши лозим. Асл ҳужжатнинг нусхаси ёзилган қоғозга нусха деб ёзилган. Ҳар бир нусханинг чап қисмига *рақам* қўйилган. Биринчи нусха *жойиза*, иккинчи бор нусхалаштириганида икки рақами қўйиб «иккинчи», учинчи нусхага уч рақами қўйиб «учинчи», тўртинчисига «тўртинчи» деб ёзиб қўйилган. Бешинчи нусхалаштирилганига пай деб қўйилган ва бу қоғоз *паймўза* деб юритилган. Олтинчи нусха *замм*, еттинчи нусха *қат* деб юритилган. Албатта, бундай маълумотлар ҳужжатнинг аслини ва уларнинг нусхасини билдиради. Ҳар бир нусха *аслига мос* равишда муҳр билан тасдиқланган бўлса, қонуний кучга эга эканини кўрсатади.

«Мажма ал- арқам» асари ҳисоб илми масалаларига эътибор қаратилгани билан шу даврда яратилган бошқа асарлардан ажралиб туради. Фикримизнинг далили сифатида бешинчи бобга эътибор қаратсак, астрономик ҳисоб илмига доир маълумотларни топамиз. Унда осмон *буржи* 12 га бўлингани, ҳар ўттиз даража битта юлдуз туркумини ташкил қилиши, ҳар олтмиш *дақиқа* бир даражага тенглиги, ҳар олтмиш *сония* бир дақиқани ташкил этиши, ҳар олтмиш *сония* бир *солисага* тенглиги келтирилган<sup>1</sup>. Аслида, муаллиф тарихий хронологиянинг асл негизи астрономик хронологияга боғлиқлигини кўрсатиб беришга уринган бўлса ажаб эмас.

Хулоса ўрнида: Мирза Бадиъ девоннинг асарини табиат ва жамият воқеа-ҳодисалари аниқ ҳисоб-китоблар асосидаги қонуниятларга боғлиқлигини ифодалайдиган асар дейиш мумкин. Манбада келтирилган ўлчов бирликлари тарихини ўрганиш орқали хонликлар даври кишилари ҳар қандай нарсани қай даражада ўлчаганлиги аниқлаб олинади. Турли ўлчов бирликларини тарихий метрологик жиҳатдан ўрганиш, албатта, даврнинг ижтимоий турмуш тарзи, иқтисодий аҳволи ҳақида кенг ва қизиқарли маълумотга эга бўлишимизга хизмат қилади. Асар маълумотларидан сонлар ва рақамларни «сиёҳ илми» сифатида ўрганган «аҳли қалам» қатламнинг йирик ҳисобларни яхлитлаб ҳисобни осонлаштириш йўлини тутганини кў-

---

<sup>1</sup> Мирза Бади диван. Маджма ал- аркам («Предписания фиска») (Приемы документации в Бухаре XVIII в.)

Факсимиле рукописи / Введение, перевод, примечания и приложения А.Б. Вильдановой. – Москва: Наука, 1981. – С.87.

риш мумкин. Бундай асарларни ўрганиш Ердан Осмонгача бўлган билимларни эгаллаган аждодларимизга муносиб авлод бўлишдек маъсулиятни юклайди. Зеро, ҳар бир замон, ҳар бир макон учун доимо мезон энг олий ва одил ўлчовдир.

Ш. Қўлдашев

### «ТАРИХИ АЗИЗИЙ» ДА САМАРҚАНД ТАВСИФИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида 11108- инвентар рақами остида Мулла Азиз бин Муҳаммадризо Марғилоний (1850 – 1913)нинг «Тарихи Азизий» (иккинчи номи «Таснифи Ғариб») асари сақланади. Ушбу асарни таниқли олимлар Аҳмад Закий Аҳмадшохович – Тўғон<sup>1</sup>, Ч.А. Стори<sup>2</sup>, Т. Бейсимбиев<sup>3</sup>, Р. Набиев<sup>4</sup>, Ш. Воҳидов<sup>5</sup>, Б. Бобожонов<sup>6</sup>, Д. Сангирова<sup>7</sup> ўрганганлар ва ундаги маълумотлардан ўз тадқиқотларида фойдаланганлар. Дастлаб «Тарихи Азизий»нинг 5- боби Ш. Воҳидов ва Д.Сангирова томонидан ўзбек тилига табдил қилинган ҳолда нашр этилган<sup>8</sup>. 2016 йилда асарнинг факсимиле нусхасини нашрга тадқиқотчи И. Қаюмова тайёрлаган<sup>9</sup>. Унда кириш қисми ва кўрсаткичларни тузувчи И. Қаюмова, масъул муҳаррир Б. Бобожоновнинг сўзбошиси ҳам берилган. Ушбу асар ягона нусха бўлиб, муаллиф томонидан туркий, баъзи қисмлари

<sup>1</sup> Абдурахмонов М., Зоҳидий А. Валидий-Тўғоннинг Туркистонга илмий сафари (1913 – 1914 йиллар). – Тошкент, 1997. – Б.18.

<sup>2</sup> Стори Ч.А. Персидская литература библиографический обзор. Часть III. – Москва, 1972. – С.1193.

<sup>3</sup> Бейсембиев Т. Кокандская историография (исследование по источниковедению Средней Азии XVIII – XIX веков). – Алматы, 2009. – С.131.

<sup>4</sup> Набиев Р. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худояр-хана). – Ташкент, 1973. – С.15 – 16.

<sup>5</sup> Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари). – Тошкент, 2011. – Б.207.

<sup>6</sup> Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент, 2010. – С.56.

<sup>7</sup> Сангирова Д. Муҳаммад Азиз Марғилоний ва унинг «Тарихи Азизий» асари (Россия империяси мустамлакачилиги даврига оид муҳим манба). – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2016.

<sup>8</sup> Муҳаммад Азизий (Фарғона чор мустамлакаси даврида) / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов ва Д. Сангирова. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 112 б.

<sup>9</sup> Мулла Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Факсимиле нашр / Кириш ва кўрсаткичлар тузувчи Ирода Қаюмова. – Тошкент, 2016.

форсий тилда 1912 йилда ёзиб тугатилган. Асар 166 фасл ва 5 бобдан иборат: 1-боб мўғуллар истилосигача, 2-боб Амир Темур тарихи, 3-боб турли касблар ва шаҳарлар тарихи, 4- ва 5- боблар Қўқон хонлиги ва Россия империяси даврида Фарғона тарихига бағишланган. Асарнинг 1 – 4-бобларидаги маълумотлар ҳали ўрганилиши лозим. Шунингдек, асарда қадимий ва навқирон Самарқанд тарихига оид маълумотлар ҳам берилган. «Тарихи Азизий»да Самарқанд Шамарқанд шаклида берилган. Муаллиф ўз асарида Самарқанд тарихи ҳақида нималарни ёзмоқчи эканини қайд этган: «ва ҳам Самарқандда ўтган мусанниф азиз- авлиёларни номи шарифлари ва турбат файз асарлари ва қайси жойда ўтган эканлар, они баёни ва яъни Самарқанд қандай жой ва асли нима ва қандай замонда қандай подшоҳ бинойи шаҳар солган экан, они баёни ва Самарқандга қандай подшоҳлар ва қандай улуғ масжид ва мадрасаи олий иморатларни солган ва қандай боғ-роғларни солубдур, они баёни» (6<sup>6</sup>).

Асарнинг 1- бобдаги 54- фасл «Чингизхоннинг Самарқандга юрғони ва бул шаҳарни фатҳ қилғони», 55- фасл «Чингизхоннинг Самарқанд шаҳрини тасохир қилғони хусусинда», 60-фасл «Самарқанди фирдавсмонанднинг баёни», 61- фасл «Нодир девонбеги мадрасасининг бино иморати ва Самарқандда ўтган зоти шарифлари тўғрисида», 62- фасл «Самарқанд маҳкумидаги зоти шарифларнинг хусусида», 63- фасл «Самарқанд тарихидан» деб номланган. Гарчи бу маълумотлар тарихий манбалар, китоблар ва рисоалардан олинган парчалар ҳисобланса-да, ўз даври учун ҳам, ҳозирда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Муаллиф дастлаб ўспиринлик даврида Бухоро мадрасаларида таҳсил олиш учун кетаётганида Самарқандга келиб тушганини асарида баён этган. Жумладан, асарнинг 11- фаслида: «Ўрусия Самарқанднинг олганидан кейин бир катта вабо бўлунди ва мани камина дуоғўйлари (отаси) ва ҳам марғилонлик Мулло Муҳаммаджон маҳдум ва Мулло Муҳаммадиминхон Олим халифа ўғуллари ва яна бир неча нафар хўқандлик толиби илмлар ҳаммаларимиз Бухорои шарифга бориб таҳсил қиламиз деб бориб. Самарқандга бориб, тўғри мадрасаи Тиллокориға тушиб, ҳижрата олуб, қарор олдуқ. Ёз фасли, балки, саратон ойдан чиқиб, сунбула ойи дохил бўлиб эди. Бухорода таътил бошланиб, муллолар Самарқанд ва ғайри хуш, ҳавойи хуш об жойларга келиб, то таҳсил айёмиғача аммом бўлуб турур ва китобат ва такрор қилибу турур эканлар. Аммо, аслида, Хўжанддан пиёда жў-

наб, Самарқандга етиб олиб айдук ва меҳнат ва кулфатни йўлларида кўб чекуб эдук, умидвор бўламизким, агарчанди хушк-холи қайтуб келган бўлсак ҳам, омониятда ўқимоққа деб борилган учун Парвардигор азза ва жалла мисли Бухоро мулло-олимларини қаторларида раҳмат қилса чи ажабдур», – деб ёзган (17<sup>6</sup>). Бу воқеа тахминан 1862 йилларнинг бошига тўғри келади.

«Самарқанд тарихидан» деб номланган парчада қуйидаги маълумотлар келтирилган: «Ҳабиб ус- сияр фи ахбори афродил-башар»<sup>1</sup> деган катта мўътабар форсий тилда ёзилган китобдан интихоб<sup>2</sup> қилибдурки, туркий тилга таржима қилиб ёзиладурки: «Самарқанд<sup>3</sup> қадим ва кўҳна шаҳарлардандур, бешинчи иқлимдан, Мовароуннаҳр подшоҳларини пойтахти ва шаҳри Самарқанд ичинда сувлар жория ва мевалик ашжарлар кўпдир. Хусусан, Амир Темур Кўрагоннинг подшолик ва ҳукматдонлик вақтларида ниҳоят зиёда даражада обод бўлган экан. ... шаҳарни аксаридин иморат ва жамият хусусиятда зиёда кўринур эрди. Ва қадим замондаки Самарқанд кўрғонининг атрофларини қадамлаган вақтларида элик минг қадам келган эрди» (65<sup>6</sup>). Ушбу маълумотлар Тоҳирхўжанинг «Самария» асарида<sup>4</sup> учрамайди. Асарда «Ул кўрғон нобуд бўлгандан кейин Киршосиб<sup>5</sup> деган подшоҳ келган вақтда қаттиқ зилзила воқеъ бўлиб, нобуд бўлгандан қолган девори ҳам йиқилиб эрди. Они остидин азим ганж (олтин) чиққан экан. Киршосиб подшоҳ мазкур ганжни олиб, зикр бўлинган кўрғонга сарф қилиб қайтадан кўрғон барпо қилган эрди. Ҳиросиб<sup>6</sup> Куштосиб ўғли ҳам келиб, кўрғон хусусида ниҳоят даражада хат- хабор қилиб эрди.

<sup>1</sup> Ушбу асар Хондамир Ғиёсиддин ибни Ҳумомиддин Муҳаммад (1475 – 1536)ники. 1523 йилда ёзилган.

<sup>2</sup> Муаллифнинг «интихоб» қилаётганида уларни таржима қилиб ўтирмай, тўғридан-тўғри кўчиргани изоҳланади.

<sup>3</sup> Шамарқанд.

<sup>4</sup> Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария / Форсчадан Абдулмўмин Сатторий таржимаси. Масъул муҳаррир академик С. Айний ва Б.Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар: Б.Аҳмедов, А. Жувонмардиев. Кўрсаткичлар М.Хўжаеваники. «Мерос» туркуми. – Тошкент: Камалак, 1991.

<sup>5</sup> Киршосиб ҳақида Тоҳирхожанинг «Самария» асарида қуйидаги маълумотлар берилган: «Айтадиларким, Киршосиб шу ердан ўтаётганда бир талай олтин топди. Шу олтинлардан ушбу кўрғоннинг иморатиға харж қилди ва иккинчи марта Туркистон билан Мовароуннаҳр орасида девор тортди» (Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария... – Б.16). Бу вақтда зилзила юз берганлиги ҳақида маълумотлар берилмаган.

<sup>6</sup> «Самария»да Лухросиб бўлиб келган (Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария... – Б.17).

Вақтиким подшоҳлик ва жаҳонгирлик навбати Искандар Зулқарнайн келган вақтда мазкур қўрғон ичига катта азим шаҳар бино қилган эрди. Замонаким Самар тоифаси эмин табақати-дин эрди. Мовароуннаҳр, яъни Самарқанд ва Фарғона музофотига мустал бўлган вақтда мазкур шаҳарни бузди. Шул сабабдин Самарқанд дедилар. Ондин сўнгра араблар Самарқандни Самарқандга таъбир қилдилар то холо Самарқанд атайдурлар деб», – қайд қилинган (65<sup>б</sup>).

«Самарқанди фирдавсмонанднинг баёни»да Самарқанддаги бир неча ёдгорликлар ҳақида маълумотлар берилган. Жумладан, «шаҳзода Қусам ибн Аббос<sup>1</sup> мозорлари» баёнида шундай ёзилган: «Амир Темур подшоҳ ҳунармандлар усто ва хушхат фазллар ва шоирлар хизмат камарини боғлаб, мазкур равзаи муборак ҳазрат Қусам ибн Аббосга биноларин қўйиб, бир неча гумбаз ва пештоқларига кошинкорлик, бир неча алвон асл ранг оқ ва қора ва қизил ва сариқ ва кўк ранглар билан хатти куфий ва маъқола ва сулс ва қуръоний ва китобий ва яна бир неча қалам хатлари билан Аллоҳ таълонинг исми ва оят, ҳадис ва саловот ва дуо ва исми амирзодалар ва хонимлар ва мастуралар ва мазкур Амир Темурнинг ҳарам муҳтарамаларининг исмлари ёзиб кошин қилиб нақш ўрнига ўтқарган экан... мазкур равзаи табаррукларнинг бинои иморатларига беш юз олтмиш олти йил бўлгон экан» (58<sup>а</sup>). Иккинчи ёдгорлик 1878 йилда Россия империяси қўшинлари томонидан бузиб ташланган Қутби Чордахўм мозори бўлиб, ушбу кишининг асл исми Шайх Нуриддин Басирдир. Бу мозор тўғрисида «Тарихи Азизий»да «мазкур зотнинг гумбазлари ҳам кўп зеб ва зийнатлик ва кошинкорлик» (58<sup>а</sup>) билан безатилганини келтиради. Учинчи ёдгорлик Гўр Амир бўлиб, бу ҳақда асарда шундай фикрлар берилган: «Учинчи иморат кошинкорлик гумбаз жаноб Амир Темур Кўрагоннинг туфроқ жойлари экан. Ушбу мазкур гумбаз кўб зеб-зийнат билан кошинкорлик бир неча алвон асл ранглар ва бир неча хил қалам хатлар билан ҳамма исми Аллоҳ ва оят, ҳадис, дуо, саловот ёзур, кошин қилиб нақш ўрнига ўтқарган ва фулод ва олмос қалам билан бир неча қимматбаҳо тошларнинг устига ёзиб ўйган. Сулс хати ва мазкур хатлар ўзларининг исмлари ва ота-боболарининг исмлари экан. Алҳолда мазкур ушбу хатлар равшан ва аниқдур. Мазкур гумбазнинг исми алҳолда Гўр Амир

---

<sup>1</sup> Қусам ибн Аббос – тўлиқ исми Қусам ибн Аббос ибн Абдулмуталлиб ибн Ҳошим ал-Қарший ал-Ҳошимий.

номи билан шуҳрат топган ва мазкур Амир Темурнинг пиру пешвозлари зоти шариф Сайиид Мир Барака исмли Балх вилоятидан эканлар. Мазкур зоти шариф Балх вилоятидан келуб, жаноб ҳазрат Амир Темурдин андак илгари йироқ вафот топган эканлар. Алҳолда мазкур зоти шарифнинг қабрлари мазкур гумбази олийни ичинда экан...» (58<sup>6</sup>).

Ҳазрати шаҳзода Қусам ибн Аббоснинг яқинларида мадраса хоним ва масжиди жомени бино қилган эканлар ва мазкур филда юклаб олиб келинган хазиналарни шундай улуғ хайрларга сарф қилган эканлар. Мазкур мадраса ва масжиди жоменинг кошинкорлик иморатлари ҳеч бир сифат ва таъриф билан адо қилиб бўлмас эканларким, мазкур кошинкорлик нақш ва нигор хатларга кўзи тушиб томоша қилса лол бўлиб бешуур бўлиб қолар экан. Мазкур мадрасанинг мрамартошларига Аллоҳ таолонинг ҳамма исми ва оят ва ҳадис ва саловот ва дуолар ёзиб фулоди олмос қалаб билан узган ва мрамартошлардаги хатларнинг устига тилло сувларини югуртирган эканлар. Мазкур эшик яқинликда бор экан. Самарқанднинг қимматчилик ва харобчилик вақтида аксар оч ва яланғоч қизил оёқ кишилар мазкур тошларни тарашлаб олиб бориб нобуд қилган эканлар. Мазкур мадрасанинг бино иморатига 425 йил бўлган экан. «Мазкур жоме масжиди бино иморатига». Ушбу маълумотлар Тоҳирхўжанинг «Самария» асаридаги маълумотлар билан ўхшашдир. Аммо жоме масжид эшигидаги тилло суви юритилган нақшлар ва ёзувлар «Самария»да: «Самарқанднинг бузуқчилик чоғида йўқолгандир», – деб қайд қилинган<sup>1</sup>.

Хуллас, Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» асарида Марказий Осиёдаги кўпгина шаҳарлар қаторида қадим ва навқирон Самарқанд тарихига доир кўпгина маълумотлар умумий тавсиф қилинган. Айниқса, Самарқанднинг қадимдан то XIX асрга қадар бўлган тарихи ҳақида қизиқ маълумотлар берилган. Ушбу маълумотларни бошқа манбалар билан биргаликда таққослаган ҳолда кўпгина тарихий масалаларга жавоб топса бўлади.

---

<sup>1</sup> Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария... – Б.24.



## БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

Мавзуга тааллуқли бўлган ҳар қандай турдаги адабиёт тарихшунослик тадқиқоти учун муҳим манба саналади. Чунки ундаги мавжуд факт ва маълумотлар муаммонинг моҳиятини очиб беришга ёрдам беради. Бу ўринда асар яратилган давр сиёсий мафкураси, муаллифнинг мавқеи ва жамиятдаги ўрнидан келиб чиқиб воқеа-ҳодиса хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари, қарашлари ва ёндашувларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил этиш тарихшуносликнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Тарихшунослик тадқиқоти учун кундалиқ, мемуар ёки эсдаликлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга манба сифатида тан олинган. Гарчи улар тарихчи мутахассис томонидан яратилган махсус илмий тадқиқот саналмаса-да, уларда келтирилган маълумотлар воситасида муаммонинг асл моҳияти, давр ва муаллифнинг руҳияти, энг муҳими, воқеалар тавсифи орқали жамиятнинг реал манзарасини ўрганиш имконияти яратилади.

Шу маънода XIX аср иккинчи ярмида Россия тарихшунослигида бу мазмундаги адабиётлар сонининг кўпайганини қайд этиш лозим. Зотан, бу даврга келиб Россия империясининг мустамлака сиёсати кенгайиб, янги босиб олинган ҳудудларни ўрганишга қизиқиш ортиб борган эди. Бу ўринда Ўрта Осиё хонликлари ҳудудининг эгалланиши натижасида мазкур ўлкани тавсифлашни мақсад қилган янги-янги асарлар чоп этила бошланди. Рус муаллифлари ўз саёҳатлари давомида кўрган-кечирган воқеа-ҳодисаларни «саёҳат хотиралари» кўринишида батафсил, мукамал равишда ўқувчига етказишга ҳаракат қилганлар. Натижада бугунги кунда ушбу мазмундаги асарлар тарихшунослик тадқиқотининг муҳим манбаси сифатида илмий таҳлилга жалб этиб келинмоқда.

Маълумки, Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликлари ерларини эгаллашнинг бошланиши, ўлкада Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил топиши ва Бухоро амирлигининг маълум ҳудудларини йўқотиши ва протекторат давлатга айланиши (1868 – 1873) натижасида икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларда ўзгаришлар кузатилди. Бу даврга келиб

Бухоро амирлиги сиёсий ҳаётида Россия империясининг таъсири ошиб борди. Бухоро ҳудудига ташриф буюрган Россия империяси расмий вакиллари, олимлари ва саёҳатчилари асосий эътиборларини давлатнинг иқтисодий даражаси, табиий бойликлари, бошқарув тизими ва ўз давлатлари манфаати билан боғлиқ муносабатларга қаратдилар. Шу билан бирга, улар давр воқелигига замондош сифатидаги ўз шахсий баҳоларини берганлар. Бундай ишлар қаторига XIX асрнинг 60-йиллари охири – 70-йилларидан бошлаб яратилган А.И. Глуховской, В.В. Радлов, А.Л. Кун, А.П. Хорошхин, Л.Н. Соболев, Н.А. Маев, Н. Стремоухов, Д.Н. Логофетнинг асарларини киритиш мумкин<sup>1</sup>. Албатта, бу адабиётлар амалий мазмунга ҳам эга бўлиб, кўпроқ империя манфаатлари нуқтаи назари устуворлиги кузатилади. Бу ишларда Бухоро амирлигининг бошқарув тизими, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатлари масалалари ҳам кенг ёритилган.

Хусусан, рус муаллифларининг бу жанрда яратилган Бухоро амирлиги давлатчилиги, жумладан, унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётига бағишланган асарларини тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ғоятда қизиқарлидир. Шу ўринда Лев Феофилович Костенконинг 1871 йилда нашр этилган «Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 году» («1870 йилда рус миссиясининг Бухорога саёҳати») асари рус ҳарбий шарқшуносининг Бухоро амирлигининг ўша даврда мавжуд давлатчилик тузилмасига берган баҳоси билан катта аҳамиятга эга<sup>2</sup>. Унда Бухоро амирлигининг 1870 йилдаги сиёсий ҳолати Россия расмий вакили, ҳарбий офицер томонидан ўз мақоми ва қараш-

<sup>1</sup> Глуховской А.И. Записка о значении Бухарского ханства для России. – СПб., 1867; Шу муаллиф. Плен в Бухаре // Русский инвалид. 1868. №97 – 100; Кун А.Л. Бухарские порядки. Заметки о порядке взимания поземельных податей // Туркестанские ведомости. 1873. №32; Шу муаллиф. Очерки Шахрисабзского бекства // ЗРГО по отделению этнографии. Т.VI. – СПб., 1880. – С.73 – 262; Хорошхин А.П. Заметки о зякате в Бухарском ханстве // Сборник статей, касающихся Туркестанского края А.П. Хорошхина. – СПб., 1876; Радлов В.В. Очерки Зерафшанской долины // ЗИРГО по отделению этнографии. Т.VI. – СПб., 1880; Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа, ЗРГО по отделению статистики. Т.IV. – СПб., 1874. – 562 с.; Шу муаллиф. Новейшая история Бухарского и Кокандского ханств // Туркестанские ведомости. 1876. №26, 27, 28, 30; Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. 5. – СПб., 1879. – С.77 – 332; Стремоухов Н. Поездка в Бухару // Русский вестник. 1875. №6; Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб., 1909; Шу муаллиф. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб., 1911 ва б.

<sup>2</sup> Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 году. С маршрутом от Ташкента до Бухары. – СПб., 1871.

лари нуқтаи назаридан талқин қилинган. Генерал-майор Л.Ф. Костенко (1841 – 1891) дипломат, рус ҳарбий шарқшуноси сифатида Ўрта Осиё юришларида фаол иштирок этган эди. 1867 йилда у Туркистон генерал-губернаторлиги Ҳарбий округи штабининг бош адъютанти ёрдамчиси этиб тайинланади. Ўз фаолияти давомида Туркистон ўлкаси ҳақида тўплаган маълумотларини бир неча асарларида ўқувчиларга тақдим этган<sup>1</sup>. У Туркистонда ташкил этилган «Рус географик жамияти»нинг аъзоси, Ўрта Осиё илмий жамиятининг таъсисчиларидан бири бўлган эди.

Маълумки, XIX аср иккинчи ярмида дипломатик миссия ўз мақомига кўра элчихона ёки фавқулодда ва мухтор элчига нисбатан бир оз қуйи даражада ҳисобланган. 1870 йил 1 майда Л.Ф. Костенко дипломатик миссия таркибида Бухоро амирлигигига юборилади. Бу миссиянинг мақсади асарнинг дастлабки саҳифаларида қайд этиганидек: «Бухоро амири Музаффархонни ўз тарафига оғдириш»дан иборат эди. Чунки бу вақтга келиб Россия империясининг Хива хонлиги билан муносабатлари таранглашган, шунингдек, амирликда афғон элчихонаси мавжуд ва уларга инглизларнинг таъсирини камайтириш мақсад қилинган. Масаланинг сиёсий томонларига батафсил тўхталмаган ҳолда асарда муаллифнинг Бухоро амирлигида мавжуд ҳолатга берган баҳосини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Аввало, китоб мундарижасида муаллиф рус миссиясининг Бухорога қилган ташрифи маршрутини атрофлича кўрсатиб беради. У қуйидаги йўналишда: Тошкентдан Самарқандгача, Самарқанд шаҳри (миссиянинг тўлиқ таркиби шу ердан жўнатилган – Н.М.), Самарқанддан Бухорогача, Бухорога ташриф ва Бухоро шаҳри тафсилотларидан иборат. Бу бежиз эмас эди. Чун-

---

<sup>1</sup> Костенко Л.Ф. асарлари: Аральская флотилия и плавание по реке Сыр-Дарье // Военный сборник. №4. 1870; Город Бухара // Военный сборник. №12. 1870; Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – СПб., 1870; Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 году // Военный сборник. 1870. №10 – 12; Шу мақола тўлдирилган ҳолда: Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 году. С маршрутом от Ташкента до Бухары. – СПб., 1871; Очерки Семиреченского края // Военный сборник. №11 – 12. 1872; Очерк Верхнечирчикского края // Военный сборник. №12. 1873; Об исследовании старого русла Аму-Дарьи // Военный сборник. №3. 1874; От Хивы до Казалинска // Военный сборник. №1 – 12. 1873; Город Хива в 1873 году // Военный сборник. №1. 1874; Хивинское ханство в сельско-хозяйственном отношении // Военный сборник. №2. 1874; Туркестанские войска и условия их бытовой, походной и бытовой жизни // Военный сборник. №3 – 5. 1875; Туркестанский край. Опыт военно-статистического обозрения Туркестанского военного округа. Т.1 – 3. – СПб., 1880; Исторический очерк распространения русского владычества в Средней Азии // Военный сборник. №8 – 11. 1887.

ки дипломатик хизматда элчилик мақомидан қатъи назар, вакил ўз давлати манфаатига хизмат қилиб, ташриф буюрган давлат ҳаётининг барча катта-кичик тафсилотлари билан баён этиши назарда тутилади. Айнан шу услуб Л.Ф. Костенкога хос бўлиб, Бухоро давлати ҳақида бир қатор қизиқарли маълумотларни тақдим этади. У ҳатто ўз асарида Туркистон табиатига ҳам алоҳида шарҳ бериб ўтган. Мазкур миссия 1869 – 1870 йилларда Санкт- Петербургда Бухоро элчиларининг ташрифига жавобан бўлиб, Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманнинг 1870 йил 1 апрелдаги махсус буйруғи асосида ташкил этилди. Унинг мақсади «Туркистон генерал-губернаторлигининг Бухоро амири билан дўстликни таклиф этиш ҳамда Бухоро билан сиёсий ва савдо алоқаларини ўрнатиш»дан<sup>1</sup> иборат эди. Полковник С.И. Носович раҳбарлигидаги миссия 5 киши таркибида, 50 та аскар қўриқчилигида Бухорога йўл олади.

1870 йил 18 майда миссия Самарқанддан Бухорога йўл олди. Л. Костенко Россия империяси таркибига киритилган ҳудудларни «бизнинг ерлар» деб атайтиди. Унинг Каттақўрғон шаҳрига берган баҳоси қуйидагича: «Шаҳарнинг жалб этадиган муҳим ери йўқ. Шаҳар девори узунлиги ва баландлиги билан ҳам номига тўғри келмайди. Унинг марказида квадрат шаклидаги бир қалъа бор. Унда қишки пайтда Каттақўрғон гарнизонининг битта ротаси жойлаштирилади. Ёзги вақтда ҳарбийлар лагерга чиққан вақтда қўрғон бир қоровул билан қолади. Албатта, бухороликлар учун бу катта ва кучли қўрғон бўлиб туюлиши мумкин, лекин икки уч европа қуроли уни бемалол йўқ қилиб юборишга қодир»<sup>2</sup>. Ушбу фикрлар орқали муаллиф маҳаллий ҳарбий кучга нисбатан рус армиясининг қудратини намоён этишга ҳаракат қилди.

Л. Костенко Бухоро амирлиги ҳудудлари қишлоқ хўжалигини жуда қизиқарли тавсифлаган. Энг асосийси, муаллифнинг «ҳосилсиз ернинг ўзи йўқ, барча ердан фойдаланилади. Фақат сувнинг йўқлиги афсуслантиради»<sup>3</sup> деган фикрлари мамлакатда бу соҳадаги тараққиётдан далолат беради.

Миссия аъзолари Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд мазорини зиёрат қиладилар. Л. Костенко бу жараённи батафсил ёритиб беради. Унинг эътиборини тортган нарса – бу қишлоқнинг ак-

<sup>1</sup> Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару ... – С.6.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б.36 – 37.

<sup>3</sup> Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару ... – С.43.

сарият аҳолиси Баҳоуддин авлодлари – хўжалар бўлиб, улар давлатнинг ҳар қандай чақирувлардан озод этилган<sup>1</sup>.

Бухорога кириб бораётган миссияга аҳоли катта қизиқиш билан қарайди. Муаллиф иморатлар қурилишига ҳам эътибор беради. Миссия шаҳарнинг Қоракўл дарвозаси яқинида жойлашган катта амалдор Шукур Иноқхон уйида жойлаштирилади. Бу ерда уларга қушбегининг одамлари совғалар келтирадилар. Улар: «эга-жабдуғланган от, учта чопон, ўн кийим шойи мато». Шундан сўнг миссия аъзоларига «тўқсон олти турли идишда хилма- хил энг сара шарқона овқатлар келтириладики, уларни барчасини истеъмол қилишга имкон ҳам йўқ»<sup>2</sup> эди.

1870 йил 24 май соат 12 да амир Музаффар рус миссиясини тантанали равишда кутиб олди. Ушбу жараён Л. Костенкода таассурот қолдиргани сабабли китобда мазкур жараёнга батафсил тўхталган<sup>3</sup>. Муаллифнинг амир Музаффар ҳақида берган маълумотлари қимматли. Л. Костенкони амир Музаффарнинг кийими ҳайрон қолдиради. Чунки амир «кийими ниҳоятда содда, яшил рангдаги чопон ва катта бўлмаган оқ салла ўраган. Кўзларининг таги бўялган»<sup>4</sup>.

Рус миссияси келган вақтда Бухорога афғон ҳукмдори Шералихон томонидан элчилар юборилади. Л. Костенко «афғон манфаатлари Россия манфаатларидан тубдан фарқланиши»ни қайд этган эди. Инглизлар томонидан қўллаб-қувватланаётган афғонлар Амударё соҳилларига ҳарбий истехком қуришни ва Россия империясига қарши курашиш таклифини бераётган эди. Исбот сифатида 12 минг афғон аскарлари Амударё соҳилларига келтирилган. Рус миссиясининг юқори даражада кутиб олиниши афғон элчиларига маъқул бўлмагани табиий. Бу жараёнда амир Музаффар, Л. Костенко ёзганидек, «икки ўт орасида қолди» ва Россия билан муносабатни афзал кўрди<sup>5</sup>. Бу вазият амирнинг қушбеги мактубига берилган жавобидан сўнг маълум эди. Мираҳмад исмли котиб олиб келган амирнинг мактубида рус миссиясига шаҳарда эркин айланиш ҳуқуқи берилмайди. Котиб хорижий меҳмонларнинг шаҳарда отда юришлари мумкин эмаслиги, пиёда эса уларга ноқулай бўли-

<sup>1</sup> Ўша жойда. – С.47.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – С.50.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – С.52.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – С.53.

<sup>5</sup> Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару ... – С.71 – 72.

шини айтади. Бухоро армиясини кўриш таклифига эса «агар руслар тинчлик ва дўстликни истасалар бухороликларни ўргатиш учун солдат ва офицерлар, қуролсозларни юборсинлар» деган далилни берадилар.

Албатта, Л. Костенко ўз асарида фақат кўрганларини баён этиб, масаланинг сиёсий жиҳатларига у даражада чуқурлашмади. Туркистон ҳудудлари ҳақида тўхталган муаллиф масалани батафсил ёритишга ҳаракат қилган. Масалан, «Каттақўрғонда 5000 минг аҳоли яшайди ва улар ҳар бир масжид ёнидан ўтадиган сувдан фойдаланади. Шаҳар аҳолисининг асосий қисми ўзбеклар: хитой, кипчоқ, найман, қўнғирот ва бошқа уруғлардан. Улар асосан ипакчилик билан шуғулланадилар. Бундан ташқари, пахта, баъзан шоли етиштирадилар. Ипак ва чит матоларга бу ерда алоҳида маҳалла (квартал)да яшовчи яҳудийлар ранг берадилар. Бозорлар бу ерда чоршанба ва шанба кунлари бўлади»<sup>1</sup>. Йўл таассуротлари муаллиф томонидан қизиқарли баён этилди. Бундай ёндашув асарнинг бошидан- охиригача кузатилади.

Юқорида таҳлил қилинган асардан олинган парчалар орқали Бухоро давлатчилиги тизимида муҳим ўрин эгаллаган лавозимлар: қушбеги, мирохур, парвоначи, шиғовул, удайчи, қаламдон каби амалдорларнинг Россия элчиларини кутиб олишдаги иштироки, умуман, уларнинг юқори даражадаги ташқи сиёсатдаги вазифалари масалаларини кузатиш мумкин. Шунингдек, Бухоро амирлигида мазкур миссия ташрифига юқори даражада тайёргарлик кўрилган.

Шу билан бирга, асарда Бухоро аҳолиси таркиби, мамлакат иқтисодийётида муҳим ўрин эгаллаган қатламлар (хусусан, савдогарлар – Н.М.), бозордаги товарлар орқали инглиз-рус рақобати, аҳолининг касб-кори, диний уламолар, ўқув муассасалари, армия ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бериб берилган. Шунингдек, Чиноз, Самарқанд, Жиззах, Миёнқол ҳудудлари табиатига муаллиф баҳоси берилган. Умуман олганда, 1870 йилдаги рус миссияси ўз олдига қўйган мақсадга эришади. Амир Музаффар Россия билан муносабатларни ўрнатиб, иқтисодий ҳаётда тижорат ва тадбиркор шахсларга имкониятлар яратади. Туркистон генерал-губернаторлиги эса Бухоро сиёсий ҳаётига ўз таъсирини оширади. Бунда миссиянинг аҳамияти катта бўлди.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. – С.37.

Хулоса қилиб айтганда, Л.Ф. Костенконинг ушбу асари орқали тарихшунослик нуқтаи назаридан XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб рус муаллифларига хос бўлган қуйидаги умумий жиҳатларни кўрсатиш мумкин:

– Россия империясининг XIX аср иккинчи ярмидан Ўрта Осиё геосиёсатидаги устуворлиги масалаларига эътиборнинг кучайиши;

– ҳарбий амалдорларнинг турли жанрларда (саёҳат хотиралари, кундаликлар, тавсифий характердаги эсдалик ва б.) ёзган асарлари Ўрта Осиё тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этиши;

– муаллиф томонидан баён этилаётган объектга нисбатан батафсил ва тўлиқ таъриф берилиши (бугунги кунда уларнинг ҳар бири ғоятда қимматли хусусиятга эга маълумот саналади – Н.М);

– шу билан бирга, шарқона давлатчилик хусусиятларига кўз тутиш сифатидаги ёндашув, бунда муаллифнинг маъмурий-ҳудудий тузилма, бошқарув шакллари, сиёсий масалаларга ўз мақомидан келиб чиқиб ва давр воқелигига замондош сифатидаги берган ўз шахсий баҳоси;

– Шарқ халқларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётдан ортда қолганлиги ҳақида, Европа маданиятининг устун қўйилиши ва шарқона анъаналарга паст назар билан қарашнинг хослиги;

– қимматли географик маълумотларнинг тақдим этилиши шулар жумласидандир.

*Г. Таниева*

### **ҲАЖ САФАРЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР БИР ҲУЖЖАТ (XIX аср. Самарқандлик бир зиёратчи берган кўрсатмалари асосида)**

Тарихий асарлар, кундаликлар, суратлар қаторида расмий ҳужжатлар ҳам ўтмишнинг жуда кўп соҳаларига доир муҳим маълумотларни ўзида сақлаб келмоқда. Расмий ҳужжатларнинг тарихни янада ҳаққоний ва кенгроқ тадқиқ этишдаги аҳамияти жуда катта. Давлат бошқаруви соҳасидаги идоралар ўртасида олиб борилган бундай расмий ҳужжатлар – буйруқлар,

ҳисоботлар, кўрсатмалар, расмий таклиф ва хатларнинг қиммати шу билан изоҳланадики, *биринчидан*, улар асосан ҳақиқатда юз берган ёки далилларга асосланган маълумотлар асосида ёзилади. *Иккинчидан*, улар муайян ташкилотнинг ўзидан юқори турувчи ташкилотларга ҳисобот бериши учун мавжуд вазиятни синчиклаб ўрганган ҳолда ёзилган. *Учинчидан*, улар шу даврда бирор соҳага доир муайян масаланинг ечимини топиш, уни ҳал қилишга қаратилгани учун ўзида анча ҳаққоний далилларни акс эттиради. Демак, бу каби ҳужжатларда асосан ўша даврнинг муайян сиёсий доира вакиллари томонидан атрофлича ўрганилган масалалар ёритилади. Шу боисдан ҳам турли архивларда сақланаётган расмий ҳужжатларнинг тарихни ҳаққоний ўрганишда аҳамияти жуда муҳим.

Бундай расмий ҳужжатлар сирасига Ўрта Осиё хонликларида яшаган мусулмонлар томонидан Макка ва Мадина шаҳарларига амалга оширилган ҳаж сафарларига доир архив манбаларини киритиш мумкин. Бу масалага доир расмий ҳужжатлар Ўзбекистон Миллий архиви фондларидан ташқари Россия Федерацияси, Туркия Республикаси ва бошқа қўшни давлатлар архивлари фондларида кўплаб учрайди. Чунки минтақа мусулмонлари уч йўналишдаги йўллар – шимолий йўналишда Россия империяси ҳудуди орқали, жанубий йўналишда Ҳиндистон ва Араб денгизи бўйлаб, марказий йўналишда Эрон ҳудуди орқали ўтган йўллар бўйлаб ҳаракатланган. Бу эса шу йўналишларда жойлашган давлатларнинг тарихий расмий ҳужжатларида ўз изини қолдирган. Бу масалада Россия империяси Ташқи сиёсат архиви фондлари жуда бой саналади. Шу боисдан ушбу мақолада архивда сақланаётган Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларига доир бир неча расмий ҳужжатлар намуналарини таҳлил этиш мақсад қилиб қўйилди ва XIX асрнинг 90-йилларига доирлари тадқиқот доирасига тортилди.

Жумладан, архивнинг 180-рақамли «Посольства в Константинополе» деб юритиладиган фондига тегишли 5305-йиғма жилдидан жой олган «*Бизнинг ҳожиларимиз кулфатлари ҳақида самарқандлик Каримбоевнинг кўрсатмалари*» деб номланган ҳужжатлар тўплами. Йиғма жилдга учта ҳужжат киритилган. Улардан *биринчиси* 1895 йилнинг 18 апрелида Россия империясининг Константинополдаги элчихонасидан Россия империяси Ташқи ишлар министрлигига жўнатилган хабарномадир. Ушбу хабарномада империянинг Жиддадаги консулиги томонидан Конс-



тантинополдаги элчихонасига самарқандлик ҳаж зиёратчиси Давлат Каримбоев ва у берган кўрсатмалар ҳақида ҳисобот берилган. Демак, ўрта осиелик зиёратчилар консуллик ва элчихонага ўзлари дуч келган қийинчилик ва муаммолар хусусида мурожаат қилиб турган. Россия ҳукумати эса қайсидир маънода айнан шу ташкилотлар воситачилигида хориждаги ўз фуқароларини назорат қилишга интилан.

Йиғма жилддан жой олган *иккинчи ҳужжат* эса 1895 йил 18 мартда ёзилган. У Жидда шаҳридаги консуллик томонидан империянинг Константинополдаги (Истанбул) элчихонасига жўнатилган расмий хабарнома бўлиб, унда юқорида номи тилга олинган зиёратчига оид масала ҳақидаги хабар баён қилинган. Бундан кўринадики, Россия империяси давлат идоралари зиёратчиларига доир амалга оширилган ишлар бўйича бошқа соҳалардаги сингари ўзидан юқори ташкилотларга ҳисобот берган, уларни марказлашган бошқарув тамойили асосида ҳал қилган.

Йиғма жилддаги *учинчи ҳужжат* эса шу хабарномага илова тарзида жўнатилган самарқандлик ўша ҳаж зиёратчиси Давлат Каримбоевнинг кўрсатмасига доир баённомадир.

Барча ҳужжатлар рус тилида ёзилган. Қизиғи, айнан зиёратчи Давлат Каримбоевнинг берган кўрсатмаси ҳам рус тилида ёзилган. Демак, зиёратчи ўз кўрсатмасини айтиб турган, котиб ёки таржимон эса уни рус тилига ўгириб ёзиб олган. Аммо зиёратчи кўрсатманинг охирига араб ҳарфлари билан «*Давлатшоҳ*» деб имзо қўйган.

Энди бу ҳужжатларнинг таҳлилига эътибор қаратамиз. Биринчи ва иккинчи расмий хабарномаларда Давлат Каримбоевнинг Макка зиёратига келгани, унинг йўл давомида дуч келган қийинчиликлари ҳақида консулликка кўрсатма бергани, ватанига қайтиб кетишни исташи, бунинг учун эса маблағи йўқлиги, унга ёрдам бериш мақсадида Константинополдаги элчихонага йўлланма беришга қарор қилингани ҳақида баён этилган<sup>1</sup>. Демак, ҳаж зиёратчилари ўзлари дуч келган муаммолардан, хусусан, моддий қийинчиликлардан халос бўлиш учун элчихона ёки консулликка ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Учинчи ҳужжат, яъни Давлат Каримбоевнинг Жиддадаги консулликка берган кўрсатмасининг нусхасида зиёратчининг сафар саргузаштлари ёритилган.

<sup>1</sup> АВПРИ. Ф. 180. Посольства в Константинополе. Опись. 517/2. Д. 5305. Л.1, 2, 3.

Дастлаб зиёратчининг шахси ҳақида тўхталсак. Ҳужжатларда зиёратчининг исми-шарифи «*Давлат Шокаримбоев*» шаклида хато қайд этилган дейишга асос бор. Чунки унинг ўзи кўрсатмасига «*Давлатшоҳ*» деб имзо қўйган. Бу эса унинг асл исми бўлиб, отасининг исми Каримбой бўлиши керак. Котиб ўз эшитгани асосида исмдаги «шоҳ» қўшимчасини унинг отаси исмига қўшиб ёзган, натижада ҳужжатда «*Шокаримбой*» шаклида қайд этилган. Аслида, у «*Каримбой ўғли*» тарзида ёзилиши лозим эди. Бу Россия давлат архивларида сақланаётган ўрта осиелик тарихий шахслар номлари берилган деярли барча расмий ҳужжатларда жуда кўп такрорланадиган ҳолат саналади. Ҳужжатлар таҳлилидан аён бўлдики, бу зиёратчининг асл исми Давлатшоҳ Каримбой ўғли бўлиб, ҳужжатларда «*Каримбоев*» ёки «*Шокаримбоев*» шаклида қайд этилган. Бу ҳолат Россия архивларида сақланаётган деярли барча ҳужжатларга тегишли бўлиб, ўрта осиелик мусулмонларнинг отасини кўрсатувчи «ўғли» сўзи ўрнига исмдан сўнг «-ов», «-ев» қўшимчалари қўшиб ёзилган.

Ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида Давлатшоҳ Каримбой ўғлининг Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли Самарқанд области Каттақўрғон шаҳрида яшовчи фуқаро эканлиги аён бўлди. Унинг кўрсатмасида оилали (икки хотини), тўққиз нафар фарзанди борлиги ҳақида ёзилган. Шунингдек, ҳажга йўл олишидан олдин у давлат идорасида фаолият юритгани маълум бўлди. Хусусан, у Каттақўрғонда уезд бошқармасида уезд бошлигининг кичик ёрдамчиси ҳамда қўрбоши лавозимларида фаолият юритган.

Давлат Каримбоев ўз кўрсатмасида Самарқанддан Маккага келиш сафарини батафсил баён қилиб берган. Яъни у 1894 йилда Каттақўрғондан Бухорога келади ва Бухоро – Қарши – Ғузор – Шеробод – Мозори Шариф – Кобул – Пешавор – Бомбей – Жидда – Макка йўналиши бўйлаб ҳаж сафарини амалга оширади. Унинг ёзишича, сафар учун бу йўналишни танлашига сабаб Мозори Шарифдаги Ҳусайн Алининг қабрини зиёрат қилишни мақсад қилгани бўлган.

Ҳужжатларда у сафар давомида фойдаланган транспорт воситалари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Масалан, у Каттақўрғондан Мозори Шарифгача масофани отда, Бомбей – Жидда йўналишидаги йўлни пароходда босиб ўтгани ҳақида гапирган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. Л.4.

Аён бўладики, у Маккагача давом этган сафари давомида жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечиради. Жумладан, у Мозори Шарифда Афғон ҳукумати томонидан айғоқчиликда гумон қилиниб Кобулда 35 кун давомида сўроқ қилинади. Кейин эса Кобул зиндонидида 3 ой давомида ушлаб турилади, Пешаворда касалликка чалиниб, 20 кун бетоб ҳолда ётади, Жиддада эса пулсиз қолиб таккада текин яшаб туради. У ҳеч қандай маблағи йўқлиги боисидан Россия фуқароси сифатида Жиддадан ватанига қайтиш учун консулхонага ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлади. Унинг айтишича, уйдан 110 рубль миқдорда пул билан чиққан, 60 рублга от, 50 рублга от учун жиҳозлар харид қилган. Булар афғонлар томонидан тортиб олинган. У айбсиз деб топилиб, зиндондан озод қилинган, афғон ҳукумати унга 600 танга миқдорида маблағ ажратиш ҳақида буйруқ беради. Лекин кўрсатма бериш вақтида унга 450 танга берилгани ҳақида айтиб ўтади<sup>1</sup>.

Хужжатда ўрта осиёлик зиёратчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир ҳам қизиқарли маълумотлар мавжуд. Жумладан, унда ёзилишича, Давлат Каримбоев афғон зиндонидан қутулиб, Бомбейга келганида Жиддага йўл олган ватандошларини учратиб қолган. Улар Давлат Каримбоевга 32 рубль миқдорида пул йиғиб беради. Шунингдек, у афғон зиндонидида айғоқчиликда гумонланиб ҳибсга олинган Сирдарё вилояти фуқароси ҳамда марғилонлик мусулмон билан танишади. Улар Давлат Каримбоевдан Россия ҳукуматига ўзлари ҳақида хабар етказишини, улар номидан озод бўлишларига ёрдам беришни сўраб ҳукуматга мурожаат этишини илтимос қилади.

Хужжатларда қайд этилишича, у 1895 йилнинг 1 мартида Жиддага келиб, 18 март куни шу ердаги Россия консуллигига кўрсатма берган. Кўрсатмада у ҳаж амалларини бажаришни ва ватанига қайтишни исташи ёзилган. Демак, у ҳаж маросимида қатнашишдан олдин консулликка мурожаат қилган. У ҳаждан Истанбул орқали ватанига қайтган деб хулоса чиқариш мумкин. Чунки Жиддадаги консулхона уни ҳаж маросимидан кейин Истанбулдаги элчихонага тавсиянома билан жўнатишга қарор қилган эди<sup>2</sup>.

Хуллас, унинг кўрсатмасида аниқ ва ишонарли тарихий фикрлар баён қилинган. Кўрсатмадаги бу жиҳатга Жидда кон-

<sup>1</sup> Ўша жойда. Л. 5.

<sup>2</sup> Ўша жойда. Л.3.

сулхонасида ҳам алоҳида эътибор берилган ва шу асосда керакли иш режаси тузишга қарор қилинган. Масалан, Жиддадаги консуллик хабарномасида «... унинг кўрсатмаси афғон ҳудудида зиёратчиларнинг турли тўсиқларга учраши ҳақида кўплаб берилган кўрсатмаларнинг энг яхши намунаси сифатида хизмат қилади, зеро, у зиёли ва уезд бошқармаси хизматидаги шахс томонидан ёзилган» дея баён қилиниб, ундаги маълумотлар аҳамиятли эканлигига алоҳида урғу берилган.

Ҳақиқатан, Давлат Каримбоевнинг бу кўрсатмасида келтирилган маълумотлар ёрдамида шу даврда Ўрта Осиёдан афғон ва Ҳинд орқали амалга оширилган ҳаж сафарлари хусусида аниқ ва холис хулоса чиқариш мумкин. Хужжатларнинг расмий характерда эканлиги, улардаги маълумотларнинг аниқлик ва ишончли далиллар билан тасдиқлангани тадқиқотчи учун шундай имкониятларни беради.

Хулоса қилиб айтганда, бу хужжатлардаги маълумотлар таҳлили Ўрта Осиёдан афғон ва Ҳиндистон орқали ўтган ҳаж йўли йўналиши, йўллардаги тўсиқ ва қийинчиликлар, сафарда фойдаланилган транспорт воситалари, зиёратчиларнинг ўзаро муносабатлари каби масалаларни янада кенгроқ ёритиб беришга хизмат қилади. Шунингдек, улар Россия империяси, хусусан, Туркистон генерал-губернаторлигининг ўз мусулмон фуқароларининг диний қизиқишларига нисбатан муносабати масаласига ойдинлик киритиш учун ҳам аҳамиятли саналади. Яна бу хужжатлардаги маълумотлар Россия-афғон муносабатларига доир илмий хулосалар чиқариш учун ҳам хизмат қилади.

*Д. Жамолова*

## **«ОЙНА» – БУХОРО АМИРЛИГИ ТАРИХИГА ДОИР МУҲИМ МАНБА**

Туркистонлик тараққийпарварлар ташаббуси билан XX аср бошларида асос солинган миллий матбуот халқнинг онгини уйғотиш, миллий қадриятларни улуғлаш, замонавий илм-фан ютуқларини тарғиб этиш ва ижтимоий фикрни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда ушбу газета ва журналлар ўша даврдаги халқ ҳаётининг ўзига хос жиҳатларини, яқин тарихимизни тадқиқ этишда қимматли манба бўлиб, бу

нашрлар орасида Туркистон жадидларининг раҳнамоси Маҳ-мудхўжа Бехбудий ташаббуси билан Самарқандда 1913 йил 20 августдан бошлаб чоп этилган «Ойна» журнали алоҳида аҳамиятга эга. 1915 йил 15 июнга қадар журналнинг 68 та сони чиққан бўлиб, ҳозирда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «Нодир нашрлар» бўлимида Пяу-266 рақами остида мавжуд сонлари сақланмоқда. «Ойна» журналида жадидларнинг илм-фан, маориф, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, диний, маданий-адабий мавзулардаги мақолалари, шунингдек, даврий хабарлар, реклама ҳамда эълонлар ўрин олган. Журналнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, унда мунтазам равишда Бухоро амирлиги ҳудудида содир бўлаётган воқеалар, ўзгаришлар ва уларга билдирилган муносабатлар акс этган мақолалар чоп этиб борилган.

Ушбу мақолада «Ойна» журналида чоп этилган мақолалар асосида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар таҳлил қилинади.

1911 йил март ойида Амир Олимхон «Жуда исрофли тўйларни тугатиш тўғрисида» фармон<sup>1</sup> чиқарган бўлса-да, 1913 йилга келиб яна дабдабали тўйлар авж ола бошлайди. Бу ҳолат «Ойна» журналида чоп этилган «Бухоро тўйлари»<sup>2</sup> номли мақолада қаттиқ танқид қилинади: «Маълум ўлдиғи узра икки йил мундан муқаддам аввал жаноб олийнинг амрлари ва карвонбоши ва серфикрли бойларнинг хоҳишлари ила тўйларда исрофот, қанд бермоқ каби ишлари монё қилинуб эди. Бу амри олийни аҳоли мамнуният ила қабул айлаб, тўйларни хийла енгил қилуб эдилар. Мутассаф, яна бу йил баъзи одамларнинг ҳаракатлари ила бу машъум одат, яъни исрофот кўпаймоқдадир». Бухорода тўйларининг 6 – 8 кунлаб давом этиши, улардаги исрофгарчиликлар ва жувонбозликлар қилиш қораланади. Муаллиф Бухоро уламоларини камҳаражат тўйлар ўтказиш ва жувонбозликни тақиқлашга чақиради.

«Ойна» саҳифаларида Бухородаги таълим тизими масалаларига бағишланган мақолалар ва хабарлар етакчилик қилади. Жумладан, журналнинг 1913 йил 10-сонидан Бухоро мадрасаларида мударрис ва талабалар ўртасида содир бўлаётган жанжаллар ҳақида маълумот берилиб, қўшбеги ва қозикалон томонидан мадраса мударрисларини имтиҳон қилиш, ахлоқий жиҳатдан етук, талабаларни бошқара оладиган кишини мадра-

<sup>1</sup> В Бухаре // Туркестанские ведомости. 1911 г. 28 апрель. №92.

<sup>2</sup> Бухоро тўйлари // Ойна, 1913. №6. – Б.141 – 142.

сада қолдириш тўғрисида амир томонидан муҳим қарор чиқарилгани ҳақида хабар берилади<sup>1</sup>.

Шунингдек, журналнинг 1914 йил 17-сонида Бухоро мударрисларидан мулла Вафо томонидан ташкил этилган русча хусусий мактаб ҳақида маълумот берилиб: «Бухоро мударрисларидан мухтарам мулла Вафо афанди (гузар Кимухатгарон)га ўз уйлариға русча хусусий мактаб очдилар, бу мактабға 2 ой даволат қилған талабалар ибтидод русча китобни тамом қилиб ўқувдан маромдан муқтадор бўлибдурлар. Халқни русчаға эҳтиёжи кўб бўлган. Мундай замонға мударрис жанобларининг ғайратлари шоён ташаккурдир»<sup>2</sup>, – деб тахририят томонидан миннатдорчилик изҳор қилинган.

«Ойна» журналининг 1914 йил 32-сонида бухоролик маърифатпарвар Ниёз Ражабзода томонидан ёзилган «Бухорои шариф илм ва маърифат жойи эрди», 38-сонида «Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли» номли мақолалар чоп этилган. Муаллиф биринчи мақоласида Бухородаги диний ва дунёвий илмсизликни кескин танқид қилиб: «Бухоронинг илм ва маърифат жойи эканлиғиға ҳеч кимнинг шаки йўқ... Лекин, маълум бўлсинким, Бухоро эски замонда, бобо ва аجدларимизнинг меҳнат ва ғайратлари соясида илм ери бўлиб экан. Ул вақтда Бухоро дорилмуаллим бўлди, уларнинг асарларида Шарқ ва Ғарб мамлакатлари учун илм маркази саналди. Шул даража илмининг овозаси офоқ тутдиким, қайси ерда илм сўзи чиқса эди, бармоқлари ила тинимсиз Бухорони кўрсатур эдилар. Илм таҳсил қилмоқ учун тўрт тарафдан раста-раста бўлиб Бухороға келур эдилар. Вақтики ул азизлар ўз ерларини бизларни ноиб қўйиб эди, истироҳатға кетдилар. Ва бизга ўз заҳмат ва вазифаларини топширдилар. Бизлар уларнинг кўрсатган йўли ила бормай, онинг вақтида Бухоронинг шарифини касалға, илмини жоҳилға ва маданиятини залолатға алиштирдик. Азиз ватанимизнинг шуҳрати кун-кундан озайиб, эътибори кетиб, ҳувиллаб қолди»<sup>3</sup>, – деб ёзади. Мадраса таълим дастуридан ўрин олган ҳошия каби дарсларнинг эскирганлиги, талабаларга дунёвий фанлар ўқитишни жорий этишни тарғиб қилиб, «Оддий илми шарият муқаддас ва муборак бир илм бўлиб, ҳаммасининг улуғидир. Лекин ушбу муқаддас илмға амал қилмоқ ҳам лозимдир. Агар анга амал қилсак, агар аҳком олияға баён қилсак, агар пайғамбаримизнинг

<sup>1</sup> Бухорода муҳим қарор // Ойна. 1913 йил 28 декабрь. №10. – Б.245 – 246.

<sup>2</sup> Бухоро ахбори // Ойна. 1914 йил 19 февраль. №17. – Б.302.

<sup>3</sup> Ниёз Ражабзода. Бухорои шариф илм ва маърифат жойи эрди // Ойна. 1914 йил 7 июнь. №32. – Б.784.

фармойишларига қуллуқ берсак, биринчи илм ва фанларнинг азиз ватанимизга барпо қилиб, Ватан ва миллатимизни фақир ва фалокатдан нажот берармиз»<sup>1</sup>, – деб таъкидлайди.

Ниёз Ражабзода «Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли» номли мақоласида Бухородаги бошланғич мактаблар фаолияти ҳамда улардаги тартибсизлар ҳақида тўхталиб ўтади<sup>2</sup>.

Бу даврда Бухоро амирлигида 350 та ибтидоий мактаб мавжуд бўлиб, улар икки хил – «Мактаби умумия» (умумий мактаб) ва «Мактаби хусусия» (хусусий мактаб)дан иборат бўлган. Ҳар икки типдаги мактабларда ҳам таълим муддати 8 – 10 йилни ташкил этиб, ўқувчиларга заруриёти диния (диннинг зарурияти), одоб, ахлоқ, ўқув, ёзув, қироат ва хурофот каби фанлардан таҳсил берилган. Аммо бу мактабларда таълим тизими анча эскирган бўлиб, улар тубдан ислоҳ қилишга муҳтож бўлиб қолган эди. Мақолада бошланғич мактаблардаги қўйидаги камчиликлар санаб ўтилади: биринчидан, мактабларда таълим муддати узоқ вақт, яъни 8 – 10 йил давом этгани туфайли оддий халқ болаларининг мунтазам қатнаб ўқиши учун шароит яратиб бера олмаган. Иккинчидан, мактабда тартиб-интизомнинг йўқлиги ҳамда дарс берувчи муаллимларнинг истеъдодсизлиги сабабли 10 ёки 8 нафар боладан 2 ёки 3 нафаригина саводли бўлиб етишган. Учунчидан, дарс жараёнида зарур китоблардан фойдаланмаслик ёки болага ўқиётган китобининг маъносини тушунтирмаслик оқибатида кўплаб болалар мактабни тугатаётганида ўқиш ва ёзишдан бошқа ҳеч нарсани билмаган<sup>3</sup>. Ниёз Ражабзоданинг фикрича, мактаб ва мадрасалардаги таълим дастурларининг ўзгартирилиши ҳамда уларда етук кадрлар тайёрланиши мамлакатни тараққий эттиради, халқни бой қилади. У бутун мамлакат уламоларини мактабларни ислоҳ қилишга чақириб, ўз фикрини қўйидаги жумлалар орқали исботлайди: «Хунарлик ва бой бўлмоқ учун нима лозимдур? Албатта, илму маърифат лозимдур. Илму маърифат учун мактаб, мадрасаларнинг ислоҳ қилинуб, низом ва тартибга киргизилмоғи лозимдур. Хунар ва маърифатлик бўлган миллатларнинг халқлари фақир ва бечора бўлуб, дарвешлар қиёфатига кируб, гадойлик қилуб юрмайлар. Кўрармизки,

<sup>1</sup> Ўша жойда. – Б.785.

<sup>2</sup> Ниёз Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойна. 1914 йил 12 июль. №38. – Б.906.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б.908.

ерлари оз, халқ ва аҳолиси кўп бўлган Англия ва Германия мамлакатлари илму санъатлар орқасида ер юзининг бойлигини ўзларига қаратуб олибдурлар. Аммо ерлари кўп, халқи оз. Нима эхсак, шул ҳосил бўлурлик. Эрон, Бухоро мамлакатлари фақир бўлуб, ўзгаларнинг турли мол ва матоларига муҳтож бўлуб турадурлар»<sup>1</sup>.

Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан «Ойна» журналининг 1914 йил 40-сонида «Бухоронинг истиқболи қоронғуда»<sup>2</sup> ва 1915 йил 14-сонида «Бухоро иморати»<sup>3</sup> номли мақолари чоп этилган бўлиб, ҳар иккисида ҳам мактаб ҳамда мадрасаларда дунёвий фанларни жорий этиш зарурлиги асослаб берилган. Беҳбудий биринчи мақоласида Бухоро амирлигида илм-фан соҳасида вужудга келган таназзул ҳақида гапириб, бунинг асосий сабаби таълим муассасаларида ўқув дастурларининг ўрта асрлардан бери ўзгармай келаётгани, дунёвий фанлар ўқитилмаётгани ҳамда ҳукумат томонидан бу соҳага етарлича эътибор қаратилмаётгани деб ҳисоблайди ва: «Бугунги Бухорода олиёимонамизга ярайдиган илми нофеъ, саноат ва қонун йўқ. Балки Бухоро ҳамон эски ҳаммом, эски тосдир. Бу замонда эски усул, эски одат ила яшамак мушкулдир. Шунинг учун агар Бухоро ҳукумати ўз раиясини жаҳолат ва сафолатдан чиқармоқчи бўлса, бу кундан эътиборан энг аввал маориф ишларини йўлга солсун, яъни ислоҳ қилсун. Ҳозирги мактаб ва мадраса мундарижасига замона илм ва фанлар киргузсин. Маориф иши йўлига солинганда бошқа ишлар ҳам бироз ташаббус соясида ислоҳ йўлига кирар. Шунинг ила бора-бора Бухоро мамлакати маданиятдан баҳра олиб тараққий топар; инқироз балосидан қутилур: ва жон инсоният номи ила яшар»<sup>4</sup>, – деб ёзади.

Беҳбудийнинг «Бухоро иморати» номли мақоласида эса Бухоро амирлигининг иқтисодий имкониятлари хусусида тўхталиб, мактаб ҳамда мадрасаларда дунёвий фанлар ўқитилмаслиги оқибатида савдо, саноат ва тижорат ривожланмаганини танқид қилади ва: «Ҳой Туркистон ва бухоролилар, не учун бу ҳолда-миз? Дунёга турмоқни хоҳласак, замонага, илмга, мактаб ва дорилфунунларга майл этмоғимиз керак. Чунки бусиз замона одами бўлмай-миз. Замона одами бўлмоқ нари турсин, бу замонадан беҳабарлигимиз, бизни эски замон одамлигимиздан ҳам чиқарадур. Кўз олдимизда давр кўраримиз бир немис, бир яҳудий, бир поляк икки қўли бурнисига бизни

<sup>1</sup> Ўша жойда. – Б.910 – 911.

<sup>2</sup> Бухоронинг истиқболи қоронғуда // Ойна. 1914 йил 29 июль. №40. – Б.946 – 947.

<sup>3</sup> Маҳмудхўжа. Бухоро иморати // Ойна. 1915 йил 2 май. №14. – Б.375 – 381.

<sup>4</sup> Бухоронинг истиқболи қоронғуда... – Б.947.



мамлакатга келур. Бир йил ўтар-ўтмас қараймизки, ул минглаб, юз минглаб ақча топар ва ерға хўжайин келур. Бунинг сабаби ва ҳикмати недур? Сабаби илми замонани билмоғидир»<sup>1</sup>, – деб ёзади.

Журналнинг 1915 йил 8-сонида Абдурауф Фитратнинг «Иқромот ислоҳ корони ҳукумат Бухоро» (Бухоро ҳукуматининг ислоҳкорона қадамлари) мақоласи чоп этилган бўлиб, унда Амир Олимхон томонидан маориф соҳасида амалга оширилган ишлар, жумладан, 1911 йилдаги ибтидоий мактабларни ислоҳ қилишга оид фармони хусусида тўхталиб, мактаб муаллимларига давлат томонидан маош белгилаб қўйилгани таълим сифатини оширишга хизмат қилишини таъкидлаган<sup>2</sup>. Шу билан бирга, мактабларда саводсиз мактабдорлар ўрнига ислоҳпарвар, янги-ча фикрлайдиган, билимли муаллимларни тайинлашни тавсия этган<sup>3</sup>. Муаллиф амир томонидан мактабларни назорат қилувчи инспектор тайин этгани ҳақида гапириб, уларнинг ишидан норози эканини ёзади: «Бир неча фурсат ўтиб мактабдорлар ва ўртамиёна муфаттишлар бир-бирларини топдилар. Бир нави қилиб маслаҳатни бир жойга қўйдилар. Мактаблар асли ҳолича қолди. Кетгани ҳукуматнинг пули бўлди. Бекордан-бекорга мактабдорлар чўнтагига кетди. Яъни фарёдларимиз ва жаноби олий ташаббуслари зое кетди...» Шунингдек, мақолада 1913 йилда амир қурдирган мадраса ва унда ўтиладиган фанларга ижобий баҳо берилган»<sup>4</sup>.

Журналда Мирзо Сирожнинг «Бухоро таҳсили» номли мақоласи чоп этилган бўлиб, унда мадрасалардаги таҳсил даври ва ўқитиладиган фанлар танқид қилинган. Унинг ёзишича, Бухоро мадрасаларида таҳсил 18 – 20 йилни ташкил этиб, 21 сентябрдан 21 мартгача давом этган. Ҳафтада 4 кун шанбадан сешанбагача дарслар эскича тартибда ўтилган. Муаллиф 20 йилда ўқитиладиган фанларнинг барчасини мақолада кўрсатиб, мадрасадаги таҳсил даври ҳамда дарсларни ислоҳ қилишни тавсия этган<sup>5</sup>.

Хуллас, «Ойна» журнали саҳифаларида Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир кўплаб мақолалар ҳамда хабарлар эълон қилинган бўлиб, уларни ўрганиш жараёнида амирлик тарихига оид янги маълумотлар тўпланди. Улар асосида Бухоро ҳукуматининг маориф соҳасида олиб борган сиё-

<sup>1</sup> Маҳмудхўжа. Бухоро иморати // Ойна. 1915 йил 2 май. №14. – Б.377.

<sup>2</sup> Фитрат. Иқромот ислоҳ корони ҳукумат Бухоро // Ойна. 1915 йил 30 январь. №8. – Б.198 – 200.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б.198 – 200.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б.199.

<sup>5</sup> Бухоро таҳсили // Ойна. 1915 йил 14 февраль. №9. – Б.223 – 225.

сати, маърифатпарварларнинг мактаб ҳамда мадраса ислоҳига оид фикрлари ва тавсиялари ўрганилиб, тадқиқ қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, журнал саҳифаларида ахлоқ ва тарбия масалаларига бағишланган туркум мақолалар мавжуд бўлиб, улар ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

Ё. Тайронов

## «ОЙНА» ЖУРНАЛИДА МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЁРИТИЛИШИГА ДОИР

XX аср бошларида дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Россия империясига ва унга қарам минтақалар, хусусан, Туркистонга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Россия империясининг подшоси Николай II нинг 1905 йил 17 октябрдаги сўз, виждон, матбуот эркинлиги ва турли сиёсий жамиятларга бирлашиш имконини берувчи манифестнинг эълон қилиши, айниқса, аҳамиятли бўлди. Бунинг натижасида жойларда бир қатор маҳаллий тилларда газета ва журналлар чоп этила бошланди. Жумладан, 1906 йилда «Тараққий», «Хуршид», 1907 йилда «Шухрат», «Тужжор», 1908 йилда «Осиё», 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журнали (1913 – 1915), 1914 йилда «Садои Фарғона» ва «Садои Туркистон», 1915 йилда «Тирик сўз» ва «Ал-Ислоҳ» (1915 – 1918) кабилар шулар жумласидандир. Улар орасида «Ойна» журнали алоҳида ўринга эга бўлиб, унинг саҳифаларида минтақадаги ва жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий жараёнлар, қизиқарли хабарлар ёритиб турилган. Шу билан бирга, маҳаллий тадбиркорларнинг ҳам турли соҳалардаги фаолиятлари мунтазам баён қилиб борилган. Айниқса, бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, янги усулдаги мактабларнинг очилишида бевосита иштирок этган ва уларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Масалан, Фарғона вилоятига қарашли Хўқанд уездида савдогарлардан бири Муҳаммад Абулқосим ўғли шаҳардаги Қипчоқ ариқ маҳалласида, масжидининг ёнида икки хонадан иборат янги мактаб учун бир бино барпо қилган<sup>1</sup>. Ушбу мактаб 150 нафар болага мўлжалланган бўлиб, ўқув қуроллари ва керакли жиҳозлар би-

<sup>1</sup> Ақобир Мансурий. Хўқандда янги мактаб // Ойна. 1913. №10. – Б.234.

лан таъминланган ва ўқитувчиликка Абдулваҳоб унга ёрдамчиликка эса Ҳакимжон Мирзоали ўғиллари тайинланган. Уларнинг ташаббуслари билан қисқа вақт оралиғида бу таълим муассасасининг ўқувчилари сони 60 нафардан 90 га етган<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, «Ойна» журналининг 1914 йил 15-сонида Хўқанд шаҳрида Орифжонбой томонидан «Мактаби Рашидия исломияси» номли янги усул мактаби очилгани тўғрисида маълумот берилган<sup>2</sup>. Журнал таҳририяти бу ҳақида тўлиқ хабар беришларини сўраб қўқонлик ўқувчиларга мурожаат қилган.

Шунингдек, бир неча самарқандлик ишбилармон бойлар ҳам ўз ҳовлиларида янги усул мактаблари жорий этиб, бу борада тараққийпарварларга яқиндан ёрдам берганлари «Ойна» саҳифаларида мумтазам эълон қилиб борилган. Масалан, Самарқанд шаҳрининг Тошҳовуз гузарилик Муҳаммад Аминбой «Мактаби ислоҳ» номли таълим масканига асос солиб, халқнинг олқишига сазовор бўлган<sup>3</sup>.

Шу билан бирга, бир қатор тошкентлик савдогарлар ҳам қўқонликлар ва самарқандликлар каби мактаб очишни ният қилишиб, ер сотиб олишгани ҳамда барча сарф-харажатларнинг биргаликда ҳал қилишга аҳд қилишиб, Зиёмуҳаммад Тошмуҳаммад ўғлининг ҳовлисида икки юз киши киши 1914 йил март ойида йиғилишгани нашр саҳифаларида баён этилган<sup>4</sup>. Ўқув даргоҳига қонуний тус бериш мақсадида шаҳарнинг мингбошисини ҳам мажлисга чақиришган. У ҳукумат вакили сифатида қатнашиб, бу борада ҳамфикр эканлигини таъкидлаган ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш учун алоҳида бир дастур тузиш кераклигини айтган. Ташкил этиладиган мактабнинг қандай бўлиши, яъни эски усулдами ёки янги усулда бўлиши борасида баҳс-мунозара келиб чиққанда савдогар Умарбой янги усул мактабининг афзалликлари ҳақида нутқ сўзлаб, таълим масканини замонага мувофиқ қоидалар асосида ташкил этиш кераклигини таъкидлаган<sup>5</sup>. Демак, маҳаллий тадбиркорларнинг кўпчилиги мазкур вақтга келганда жамиятдаги ўзгаришларга ўз муносабатини билдирувчи, фарзандлар камоли учун жонкуяр кишилар бўлишгани манбада ўз аксини топган.

<sup>1</sup> Ўша ерда.

<sup>2</sup> Хўқандда мактаби Рашидия исломияси // Ойна. 1914. №15. – Б.332.

<sup>3</sup> Самарқандлик муаллим. Ташаккур // Ойна. 1914. №18. – Б.259.

<sup>4</sup> Турсун Муҳаммадий. Тошкентдан мактуб // Ойна. 1914. №24. – Б.375.

<sup>5</sup> Уша жойда.

Баъзи ҳолларда янги усулдаги мактабларнинг моддий база-сини яратишда жойлардаги ҳукумат банклари ҳам муносиб ҳисса қўшган. Хусусан, Самарқанд уездининг Паҳлавон ариқ во-лостида савдогар Аҳмадхўжа Содиқнинг ташаббуси билан Азиза мавзеида янги мактаб қад ростлаган, дастлаб бу ерда 24 нафар ўқувчи таълим олишни бошлаган<sup>1</sup>. Мазкур ўқув даргоҳига ке-ракли ўқув қуроллари ва жиҳозлар учун шу уезднинг банклари керакли миқдорда маблағ ажратишган<sup>2</sup>. Бу Самарқанд атрофи-даги қишлоқлар орасида янги усулдаги биринчи мактаб бўлиб, «Ойна» таҳририяти уни ташкил этган кишиларга ўзининг са-мимий миннатдорчилиги изҳор қилган.

Бу каби ҳолатлар Туркистоннинг барча шаҳарларида кузати-либ, маҳаллий мулк эгаларининг аксар қисми бу борада тарақ-қийпарварларга моддий ва маънавий жиҳатдан яқиндан кўз-бекистон Миллий архивик бериб туришган. Мисол учун, Тошкент шаҳрида маҳаллий юрт фарзандлари учун ташкил этилган биринчи янги усул мактаби юз ўринга мўлжалланган бўлиб, шунча миқдорда ўқувчи қабул қилинган<sup>3</sup>. Лекин вақтлар ўтиши билан ўқувчиларнинг сони кўпайиб яна 60 та бола таҳ-сил олиш учун келганида болаларга парта етишмовчилиги ку-затилган. Бу ҳолатни кўрган шаҳардаги савдогарлардан бири Абдуҳаким Саримсоқов мактабга 20 та парта олиб бериб, мав-жуд муаммони ҳал қилиб берган. Мазкур мактабга таниқли жа-дид намояндаси Мунавварқори мудир қилиб тайинланган<sup>4</sup>. Унинг ташаббуси билан илм масканининг моддий аҳволи анча яхшиланган бўлиб, Абдусоми қори ва Дадажон Мирвоқоевнинг бирлари мактабга пул берган бўлса, бошқаси қўшимча бино қу-риб берган ҳамда «Мусулмон жамияти» ташкилоти ҳам катта миқдорда маблағ ҳадя қилган. Мунавварқорининг саъй-ҳара-кати билан мазкур таълим маскани кундан-кунга ривожланиб, кенгайиб борган. Дастлабки пайтда мактаб олти синфли бўлиб, тўртта хонада олтита ўқитувчи томонидан ўқитилган. Мудир имкони борича мактаб фаолиятини янада кенгайтириш зарур-лигини айтиб, уни очишда яқиндан ёрдам берган савдогар-тадбиркорлар Дадажон Мирвоқоев ҳамда Абдуҳаким Саримсо-

<sup>1</sup> Маҳаллий хабарлар. Янги мактаб // Ойна. 1914. №31. – Б.609.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Мунавварқори Абдурашидхонов. Туркистонда биринчи намуна мактаби // Ойна. 1914. №43. – Б.1029.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

қовга ва барча «Мусулмон жамияти»нинг аъзоларига ўз ташаккурини билдирган.

Айрим шаҳарларда савдогарлар ўзларининг савдо дўконларини ҳам янги усулдаги мактабларга ҳада қилиб халқнинг олқишига сазовор бўлган. Масалан, Самарқанд шаҳрида «Дорул адаб» номли янги усул мактаби 1914 йили очилиб, бу ҳақда «Ойна»нинг ўша йилги 46-сонида маълум қилинган<sup>1</sup>. Ушбу мактабга савдогарлар Фозилбой ва Ҳожи Ёқуббой Самарқанд шаҳридаги заргарлик растасидаги дўконларининг учта хонасини ажратиб берган<sup>2</sup>. Мазкур таълим маскани 4 синфли экани, алоҳида дастурга эга бўлган ва ҳукуматнинг рухсати билан очилганига журнал таҳририяти алоҳида эътибор қаратган.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги жойларда ҳам шу каби таълим масканлари сони мунтазам кўпайиб борган ва улар фаолиятини йўлга қўйишда маҳаллий сармоядорлар ташаббус кўрсатган. Мисол учун, Жонбой уездида ишбилармон Ўринбойхўжа янги усул мактабини ташкил этиб, унга Комил қорини ўқитувчиликка чақирган<sup>3</sup>. Тадбиркор Мулло Жўрабой эса ўз ҳовлисида шундай таълим маскани барпо этиб, Мулло Муҳаммадийни ўқитувчи қилиб олиб келган. Самарқанд шаҳаридаги вокзал яқинида Мулло Козим ва Мулло Ҳалим Боғишамол мавзеида худди шундай мактаб ташкил этган<sup>4</sup>. Бу вақтда Самарқанд шаҳри ва атроф ҳудудларида 3000 дан ортиқ янги усулдаги бошланғич мактаблар фаолият олиб борган<sup>5</sup>. Уларнинг аксариятини ташкил этишда маҳаллий сармоядорлар алоҳида ташаббус кўрсатиб, моддий базасини яратишда катта ҳисса қўшган.

Айрим тадбиркорлар жадидлар томонидан халқни маърифатли қилишдаги асосий восита ҳисобланган газета ва журналларга моддий жиҳатдан ёрдам бериб, уларнинг ҳурматини қозонган. Бунинг учун нашрларнинг таҳририяти савдогарларга алоҳида миннатдорчилик билдириб, қилган хизматлари учун ташаккурлар билдирган. Мисол учун, наманганлик савдогарлардан Ғуломали Акрамов ва Миробид Мирзо Аҳмадбой «Ойна» журналининг ривожланиши учун маблағ ажратганлари сабаб-

<sup>1</sup> Дорул адаб мактаби // Ойна. 1914. №46. – Б.1105.

<sup>2</sup> Ташаккур // Ойна. 1914. №46. – Б.1105.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

ли идоранинг олқишига сазовор бўлганлар<sup>1</sup>. Шунингдек, авлиёоталик Саидмурод Саидали ўғлига ҳам журнал фойдаси учун қилган харажатлари учун таҳририят ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдирган<sup>2</sup>.

Кўп ҳолларда маърифатпарварлар ўзларининг алоҳида ташаббуслари билан талабалар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни моддий таъминлаш мақсадида кенг жамоатчиликни маҳаллий жамиятларга уюшишга чорлаган. Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудий самарқандликларга мурожаат қилиб, шаҳарда Петербургдаги сингари «Жамияти хайрия» ёки «Ўқувчиларга ёрдам жамияти» очиш кераклигини таъкидлаган. «Ойна» журналининг 33-сонида ўз мақоласининг сўнгида «М.Х.» тарзида имзо чеккан миллатпарварлардан бири Бехбудийнинг таклифини қўллаб-қувватлаб, бундай жамиятларни нафақат Самарқандда, балки Туркистоннинг барча қишлоқ ва шаҳарларида ташкил этиш ташаббуси билан чиққан<sup>3</sup>. Шунингдек, у Қозон шаҳридаги «Ўқувчиларга ёрдам жамияти» ва Тошкентдаги «Мусулмон жамияти умидияси» фаолиятларига тўхталиб, ўз шаҳарларида зудлик билан шундай ташкилот очишга ҳамда маҳаллий тадбиркорлар, уламолар ва зиёлиларни бу борада фаол бўлишга чақирган. Бундай жамиятларни ташкил этишдан асосий мақсад оддий халқнинг аҳволини яхшилашдан иборат бўлган.

Маърифатпарварлар, шунингдек, баъзи ҳолларда маҳаллий мулкдорларнинг ҳомийлиги ва ўзларининг ташаббуслари билан илм-маърифатга хизмат қиладиган жамиятлар ҳам тузишга интилган. Масалан, Тошкент шаҳрида ташкил этилган «Нашриёт» ширкати шундайлардан бири бўлиб, унинг мақсади хусусида «Ойна» журнали қуйдагиларни баён қилган: «... бу ширкатнинг мақсади Туркистон мусулмонлари орасида жаридида (газета – Ё.Т.), мажалла (журнал – Ё.Т.) ва ҳар хил китоблар тарқатиб, аҳолини маданият, илм ва маориф ила нурлантирмоқлик экан»<sup>4</sup>. Шу билан бирга, Туркистоннинг турли шаҳарларида бу каби ширкатлар ва хайрия жамиятлари ташкил этилганки, уларнинг барчасида маҳаллий сармоядорлар алоҳида ташаббус кўрсатишган.

<sup>1</sup> Ташаккур // Ойна. 1914. №15. – Б.260.

<sup>2</sup> Ташаккур // Ойна. 1914. №17. – Б.332.

<sup>3</sup> Х.М. Жамияти хайрия очмоқ керак // Ойна. 1914. №33. – Б.780.

<sup>4</sup> Тошкандда «Нашриёт» ширкати // Ойна. 1914. №51. – Б.1226.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошларида маҳаллий тадбир-корнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятлари, хусусан, таълим-тарбия жараёнида янги усул мактабларини ташкил этиш ҳамда уларнинг моддий таъминотини яратишдаги ҳомийликларини «Ойна» журнали мунтазам ёритиб турган.

*А. Назаров*

**ЗАРАФШОН ОКРУГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН  
ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ АРХИВ  
ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ  
(XIX асрнинг 60 – 80-йиллари)**

Россия империяси Ўрта Осиё ҳудудини босиб олгач, ўлкада янги маъмурий-ҳудудий бирликлар ташкил этилади. Улар сирасига Зарафшон округи ҳам кирган. Зарафшон округи 1868 йил 29 июнда Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфманнинг буйруғига кўра Бухоро амирлигига қарашли бўлган Самарқанд ва Каттақўрғон бекликлари ҳудудида ташкил этилган. Округ 1868 йил 29 июнда Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган «Зарафшон округини бошқаришнинг муваққат қоидалари»га асосан округ бошлиғи томонидан бошқарилган.

1870 – 1871 йилларда округга Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган кичик бекликлар ҳам қўшилган. Зарафшон округи Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимлари ҳамда Тоғли туманлар бошқармасига бўлинган. 1886 йил 12 июнда расман тасдиқланган «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»га асосан Зарафшон округи Самарқанд вилояти сифатида қайта ташкил этилган<sup>1</sup>. Округ бошлиғи лавозими эса тугатилган. Аммо 1868 – 1886 йилларда фаолият юритган округ бошлиғи девонхонасидан тўрт мингдан зиёд сақлов бирлиги ҳажмидаги архив ҳужжатлари сақланиб қолган. Ушбу ҳужжатлар ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида (ЎЗР МДА) И-5 «Зарафшон округи бошлиғи девонхонаси» жамғармаси (фонди)да сақланмоқда.

<sup>1</sup> Положение об управлении Туркестанским краем. Т.2. Ч.2. – СПб.: Гос. тип., 1886. – С.1.

Ушбу фонд ўз таркибида жами 4080 та сақлов бирлигини қамраб олган<sup>1</sup>. Ушбу сақлов бирликлари битта рўйхат (опис) таркибидаги бешта китобга жойлаштирилган. Фонд ўз ичига хронологик жиҳатдан 1868 – 1886 йиллардаги воқеа ва ҳодисаларни ёритувчи ҳужжатларни мужассам этган<sup>2</sup>.

Фонд таркибига Зарафшон округи бошлиғи девонхонасининг маъмурий бўлими, хўжалик бўлими, суд бўлими, ҳарбий бўлими ва бошқа бўлимлар ҳужжатлари киритилган.

Фондда Зарафшон округи бўйича буйруқлар, циркулярлар, округни бошқариш бўйича муваққат қоидалар ҳамда округ бошқарувининг штат бирлиги мавжуд. Сақлов бирликлари ичида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларига қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар, қўшни хонликлардаги сиёсий воқеалар, Бухородан Петербургга уюштирилган элчилик сафарлари, Ахалтака воҳасига юборилган ҳарбий отряд ҳақидаги маълумотлар бор. Шунингдек, фонд таркибида округ бошқарувининг ўлка маъмурияти билан ёзишмалари, округдаги чет элликлар, солиқ, божхона, вақф, ободонлаштириш, турли жиноятлар ва суд жараёнлари ва ҳоказолар ҳақида маълумот берувчи ҳужжатлар мавжуд<sup>3</sup>.

Ушбу фонд таркибидаги яна бир турдаги ҳужжатлар ўз ичига округда олиб борилган илмий изланишларни олган. Хусусан, фонд таркибида округда фаолият юритган хорижий табиатшуносларнинг фаолияти, Франция ва Жанубий Россияга ўрмончиликни ўрганиш учун тадқиқотчиларнинг хизмат сафарига юборилиши, тажриба мақсадида экиш учун турли ўсимликларнинг уруғи олиб келиниши ҳақидаги маълумотлар бор. Ушбу ҳужжатларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин:

1-гуруҳ – тарихий-ўлкашунослик йўналишидаги маълумотларни ўзида акс эттирган ҳужжатлар.

2-гуруҳ – географик-топографик йўналишидаги ҳужжатлар.

**1-гуруҳ** ҳужжатлари сирасига 54-тартиб рақами остидаги «А. Кун ва бошқа шахслар томонидан олиб борилган археологик қазилмалар ва топилмалар», 220-тартиб рақамли «Маҳаллий тилдаги қўлёзмаларни тўплаш, турли қадимги предметлар ва тангалар коллекцияси ҳақида», 263-тартиб рақамли «Туркистон ўлкаси

<sup>1</sup>Ўзбекистон Миллий архиви. И-5-жамғарма, 1-рўйхат, 4 – 5-ишлар.

<sup>2</sup>Центральный государственный исторический архив УзССР. Путеводитель / Сост. Агафонова З.И., Халфин Н.А. – Ташкент, 1948. – С.35.

<sup>3</sup>Центральный государственный исторический архив УзССР... – С.36.



элатларининг турлари, этнографик альбомини тузиш ҳақида», 389-тартиб рақамли «Тоғли туманлардаги Қоратена волостидан 54 та қадимги тангаларнинг топилиши ва уларни турли универси-тетларга юбориш ҳақида», 482-тартиб рақамли «Капитан Аким-бетов томонидан округ девонхонасида сақланувчи қадимий буюмлар-нинг коллеж секретари<sup>1</sup> Митрополцкийга топширилиши ҳақида», 635-тартиб рақамли «Улуғбек мадрасаси ва Шоҳи Зиндани таъмир-лаш ҳақида», 799-тартиб рақамли «Петербург музейи учун кол-лекцияни йиғиш ҳақида», 1370-тартиб рақамли «Тошкент музейи-га округ девонхонасида сақланаётган қадимий мусулмон қўлёмалари ва китобларининг топширилиши ҳақида», 1371-тартиб рақамли «Челак қишлоғидан топилган 194 та мис ва 1 та кумуш танга ҳақи-да», 3631-тартиб рақамли «Улуғбек мадрасасини таъмирлаш ҳақи-даги» сақлов бирликларини мисол қилиб келтириш мумкин.

**2-гурух** ҳужжатлари сирасига 109-тартиб рақамли «Зараф-шон округида метерологик кузатувларни олиб бориш ҳақида», 277-тартиб рақамли «Округдаги топографик ишлар ҳақида», 1126-тартиб рақамли «Сарой маслаҳатчиси<sup>2</sup> Регелнинг Ҳисор ва Дарвозга уюштирган илмий сафари ҳақида», 1171- тартиб рақамли «Туркистон Ҳарбий-топографик бўлимига округ чегаралари, волост бошқармалари жойлашган жойлар, қишлоқлар ва хўжаликларнинг сони ҳақидаги маълумотларни етказиш ҳақида», 1206- тартиб ра-қамли «Сарой маслаҳатчиси Регелнинг Бухоро ва бошқа ҳудудларга илмий сафари ҳақида» сингари сақлов бирликлари киради.

Ушбу сақлов бирликларида Зарафшон округида олиб борил-ган турли илмий изланишлар ва уларни ташкиллаштириш би-лан боғлиқ масалалар батафсил ёритилган. Мисол учун, юқори-да таъкидланган 54-тартиб рақами остида «А. Кун ва бошқа шахслар томонидан округда олиб борилган археологик қазималар ва топилмалар» номли сақлов бирлиги мавжуд<sup>3</sup>. Ушбу ишда округ-да ўзбошимчалик билан археологик тадқиқотларни олиб бор-

---

<sup>1</sup> Коллеж секретари – Пётр I жорий қилган Унвон ва даражалар жадвалидаги X да-ражали фуқаро мансаби. 1884 йилгача армиядаги штабс-капитан ва штабс-ротмистр, флотдаги лейтенант ва казак қўшинларидаги подъясаул унвонига тенг бўлган. 1884 йил-дан сўнг армиядаги поручик, казак қўшинидаги сотник ва флотдаги мичман унвони-га тенглаштирилган. Катта бўлмаган бошқарув лавозимидаги шахсларга берилган. 1917 йилгача амалда бўлган.

<sup>2</sup> Сарой (Надворный) советник – Унвон ва даражалар жадвалидаги VII даражали но-ҳарбий мансаб. Армиядаги подполковник, флотдаги ранг капитани ва казак қўшинлари-даги қўшин старшинаси унвонига тенг бўлган. 1917 йилгача амалда бўлган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-5-жамғарма, 1-рўйхат, 54-иш.

маслик ҳақида Туркистон генерал-губернатори генерал-адъютант К.П. Кауфманнинг Зарафшон округи бошлиғи генерал А.К. Абрамовга 1871 йилда йўллаган целькуляри мавжуд бўлиб, биз уни қуйида тўлиқ келтирамиз:

«Жаноб Зарафшон округи бошлиғига

Менга маълум бўлдик, менинг тасарруфимдаги ўлканинг баъзи жойларида жисмоний шахслар томонидан археологик топилмаларни қўлга киритиш мақсадида қазилмалар ўтказилаётган экан. Ушбу ишлар маҳаллий ишчиларга топширилиб, улар назоратсиз ҳолда иш олиб бориб, қазилма ўтказиладиган жойларни вайрон қилишмоқда, топилмаларни беркитишмоқда. Натижада топилган буюмлар фан учун буткул йўқолмоқда.

Археологик қазилмаларни олиб боришнинг бундай усулини зарарли деб билиб, мен Сиз жаноби олийларидан қадимий буюмларни излаб топиш мақсадида уюштириладиган ҳар қандай изланишларни олиб боришни хоҳловчилар фақатгина менинг рухсатим билан ишни бошлашларини таъминлашингизни сўрайман.

Генерал- адъютант  
Девонхона бошлиғи ўрнидан  
унинг ёрдамчиси

/фон Кауфман I/  
камер-юнкер /имзо/»<sup>1</sup>.

Бу ҳужжат XIX аср 70- йилларида Зарафшон округи ҳудудида археологик қазилмалар касбий малакасиз тарзда олиб борилганидан далолат беради. Юқоридаги ҳужжат ўлка маъмуриятининг бу масалага бўлган муносабатини билдиради. Ўлкада археологик қазилмаларнинг паст савияда олиб борилиши, топилмаларнинг илмий муомалага киритилмасдан, шахсий коллекцияларга сотилиши кейинги даврларда ҳам долзарб муаммо бўлган. Бу ҳақида М.Е. Массон, Б.В. Лунин ва бошқалар ўз асарларида маълумот бериб ўтишган<sup>2</sup>.

Шунингдек, жамғармадаги муҳим этнографик изланишларга оид маълумотлар ҳам учрайди. Мисол учун, 263-тартиб рақамли «Туркистон ўлкаси элатларининг турлари, этнографик аль-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-5-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 3-варақ.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Массон М.Е. Краткий очерк истории изучения Средней Азии в археологическом отношении // Труды САГУ. – Ташкент, 1956. Нов. серия. Вып. LXXXI. Кн.12. – С.5 – 40; Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895 – 1917 гг.). – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1958. – С.20, 32; Никитенко Г., Шагалина Н. У истоков научного познания прошлого Туркестана. – Ташкент: Baktria press, 2017. – С.17, 55.

бомни тузиш» номли ишдан маълум бўлишича, Туркистон ўлкасининг 3- халқаро ориенталистлар конгрессидаги иштироки комитети Санкт-Петербургда ўтказилиши мўлжалланган Шарқ этнографияси ва археологияси кўрғазмасида ўлкада яшовчи турли элатлар альбомини тақдим қилишни режалаштирган<sup>1</sup>.

Сақлов бирлиги таркибидаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, комитет раҳбари 1876 йили Зарафшон округи бошлиғига округда яшайдиган қуйидаги элат вакиллари (2 эркак киши ва 2 аёл киши) Самарқанд шаҳрига фотограф Козловскийнинг ҳузурига альбом учун суратга тушириш мақсадида олиб келишни илтимос қилган. Ушбу ҳужжатда Зарафшон округида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг қуйидаги рўйхати келтирилган.

«1. Тожиклар.

2. Яғнобликлар.

3. Ўзбеклар.

4. Афғонлар.

5. Лўлилар.

6. Яҳудийлар.

7. Сиёвушийлар»<sup>2</sup>.

Ишда сақланувчи кейинги ҳужжатлардан маълум бўлишича, округ бошлиғи рўйхатда келтирилган элатлар вакиллари Самарқандга келтириш ҳақида буйруқ беради. Аммо қароргоҳи Панжикент шаҳрида бўлган тоғли туманлар бошқарувчиси Самарқандга яғнобликларни олиб келишнинг иложи йўқлигини таъкидлайди. Яғнобдан Самарқандгача бўлган йўлнинг узоқлиги, бу йўлларни қор босиб ётганини (апрель ойи бўлишига қарамай – А.Н.) айтади. Шунингдек, у буйруқда таъкидланган яғноблик икки аёлни Самарқандга олиб бориш уларнинг дунёқарашини туфайли ўта мушкул иш эканини келтириб ўтади<sup>3</sup>. Бу ва фондда сақланувчи бошқа кўплаб ҳужжатлар нафақат этнографик тадқиқотлар ҳақида, балки уларни олиб бориш жараёни ҳақида ҳам қизиқ маълумотларни ўзига жамлаган.

Хулоса қилиб айтганда, ЎзР МА И-5 жамғармасида Зарафшон округида 1868 – 1886 йилларда олиб борилган илмий изланишлар ва тадқиқотлар ҳамда ҳудуд тарихини ўрганишга бағишланган кўплаб қизиқарли ҳужжатлар илмий муомалага киритилмагани ушбу жамғармани тадқиқ этиш зарурлигини белгилайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-5-жамғарма, 1-рўйхат, 263-иш, 1-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И-5-жамғарма, 1-рўйхат, 263-иш, 1 – 2-варақлар.

<sup>3</sup> Уша жойда. 6-варақ.

**ВКЛАД УЧЁНОГО-ВОСТОКОВЕДА Н.И.  
ВЕСЕЛОВСКОГО В ИЗУЧЕНИЕ  
ИСТОРИИ САМАРКАНДА**

*(на основе материалов российских  
архивов и экспозиций Эрмитажа)*

За последние годы проделана большая работа по изучению истории Узбекистана. Вместе с тем следует отметить неоспоримый вклад русских востоковедов в изучение истории Туркестанского края, среди которых одной из значительных фигур является Н.И. Веселовский, внёсший свою лепту в исследование и изучение историко-археологического наследия Самарканда. Наряду с современными исследованиями немаловажное значение имеет и изучение архивных материалов и редких книг не только Узбекистана, но и России, которые содержат большой фактологический материал по истории Туркестана периода 1860 – 1917 г., так как «на этой территории, – по выражению Н.И. Веселовского, – совершались наиболее крупные события в жизни Востока». Задача, поставленная в этой статье, – дать обзор той части документов некоторых российских исторических архивов, которая связана с изучением Туркестанского края, в частности Самарканда, российскими учеными-востоковедами.

Наибольший интерес в деле изучения истории Средней Азии представляет деятельность Н.И. Веселовского.

Николай Иванович Веселовский свою научно-исследовательскую деятельность начал ещё будучи слушателем факультета восточных языков Петербургского университета. Именно там у него проявился интерес к изучению исторического прошлого Средней Азии. Сдав экзамены на степень магистра<sup>1</sup> и защитив магистерскую диссертацию в 1877 г. на тему: «Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего», он получил диплом и был удостоен звания доцента. С этого времени Николай Иванович стал сочетать востоковедческую деятельность с деятельностью археолога и в 1881 г. он был утвержден членом-корреспондентом, а в 1882 г. – действительным членом Русского археологического общества.

---

<sup>1</sup> ЦГИА СПб., ф.14, оп. 1, д. 7586.

В 119-м фонде Центрального исторического архива Санкт-Петербурга и Ленинградской области хранится личное дело Николая Ивановича, из материалов которого можно проследить научный и жизненный путь российского востоковеда. В частности, в деле присутствуют записка Николая Ивановича руководителю Археологического института Ивану Ефимовичу с выражением благодарности за избрание его почетным членом института<sup>1</sup>; прошение министру народного просвещения о разрешении читать лекции в Археологическом институте<sup>2</sup>; разрешение читать лекции по предмету первобытных древностей Европы и Азии<sup>3</sup>; о награждении Веселовского Орденом Святого Станислава первой степени императором Николаем II; прошение факультета восточных языков о предоставлении Николаю Ивановичу права ознакомиться с документами по поводу сношения с государствами Средней Азии, хранившимися в Московском Архиве Министерства иностранных дел, и командирования его на три месяца (с 20 апреля 1881 г.) с выделением 300 рублей<sup>4</sup>.

Чтобы удовлетворить свой научный интерес, Николай Иванович в конце 1885 г. отправляется в Самарканд, где по его заказу были пересняты материалы из некоторых томов «Туркестанского альбома», который включал археологический, этнографический, промысловый и исторический разделы<sup>5</sup>.

В письме барона Розена в Совет Императорского Санкт-Петербургского университета о командировании Веселовского в Туркестанский край сроком на 1 год «для систематического исследования Афрасиабова городища близ Самарканда» отмечено, «что подобная командировка в виду богатых научных результатов, представляется весьма желательной. Для подобного дела нельзя было отыскать более подготовленного и более подходящего, чем г. Веселовский, ибо помимо прямой научной добычи это научное путешествие благотворно отзовется и на преподавательской деятельности г. Веселовского, добавив ему совершенно новые – неизведанные ученому миру материалы»<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup> ЦГИА СПб., ф. 119, оп. 1, д. 482, л. 7.

<sup>2</sup> Там же, л. 8.

<sup>3</sup> Там же, л. 9.

<sup>4</sup> ЦГИА СПб., ф. 14, оп. 1, д. 7827, л. 24.

<sup>5</sup> Длужневская Г.В. Изучение памятников Средней Азии в период деятельности Императорской археологической комиссии (1859 – 1917 гг.): фотоматериалы научного архива Института истории материальной культуры РАН // Российская археология. 2008. №33. – С.157.

<sup>6</sup> ЦГИА СПб., ф. 14, оп. 1, д. 7827, л. 36.

Значимость этой поездки подчеркивается и следующим определением: «... Для кабинетного ученого всегда очень важно ознакомление со своим предметом на месте, тем более оно необходимо по отношению к такой своеобразной местности, какова Средняя Азия»<sup>1</sup>. По итогам этой командировки Н.И. Веселовский на общем собрании Русского археологического общества 11 февраля 1886 г. выступил с докладом «О раскопках в городище Афрасиаб близ Самарканда» (Дополнения к указателю трудов Н.И. Веселовского, составленному В.В. Латышевым). Кроме того, Николай Иванович активно участвует в археологических съездах (Реферат доклада Н.И. Веселовского «О надгробном памятнике Тимура (Тамерлана) в г. Самарканде» // Известия о занятиях VII археологического съезда в Ярославле 6 – 20 августа 1887 г. – Ярославль, 1887. №10. – С.5 – 6. Об альбоме самаркандских древностей // Известия XIII археологического съезда в Екатеринославе 15 – 27 августа 1905 г. – Харьков, 1905. – С.77 – 78; О последнем разорении города Самарканда // Известия XI археологического съезда в Киеве 1 – 20 августа 1899 г. – Киев, 1899. – С.117 – 118), которые регулярно проводились в Москве, о чем свидетельствуют архивные данные<sup>2</sup>.

С трибун археологических съездов Николай Иванович пытался привлечь внимание ученых и общественности к историческому прошлому Средней Азии и ее историческим памятникам. В частности, о такой цели, как исследование самаркандских памятников – Мавзолея Гур-Эмир, Шахи-Зинда, соборной мечети Биби-Ханым, мавзолея Ахмада Яссави и др. говорится в его рапорте ректору Императорского Санкт-Петербургского университета, где ученый изъявляет желание «изучить Самаркандские памятники и снять копии с надписей»<sup>3</sup>.

Он публиковал отчеты и свои соображения по поводу изученных памятников Самарканда или выступал с информацией на различных заседаниях Русского географического общества (14 октября 1886 г. О поездке к верховьям Зарафшана), Русского Комитета для изучения Средней и Восточной Азии (3 октября 1908 г. Сообщение о произведенных под его руководством работах по исследованию самаркандских архитектурных памятников и о раскопках В. Л. Вяткина, произведенных по поручению Коми-

---

<sup>1</sup> ЦГИА СПб., ф. 14, оп. 1, д. 7827, л. 51.

<sup>2</sup> Там же, л.68, 89 и др.

<sup>3</sup> Там же, л. 103,108.

тета в окрестностях того же города и обнаруживших остатки обсерватории Улугбека (Протоколы 1908 г. №3. С.43), Отделения русской и славянской археологии (7 марта 1886 г. Сообщение о мечети Шахи-Зинда в Самарканде, 14 марта 1896 г. О мазаре Кутби-Чаардегум в Самарканде, 27 января 1900 г. О находке глиняных гробов в Самарканде (Подробное резюме доклада: ЗВО, XIII (1901). Протоколы. – С.II), 1 мая 1903 г. О надгробии Темура (Резюме: ЗВО, XVI. – С.XI сл.), 22 января 1904 г. О первоначальном месте погребения Тамерлана (Резюме: ЗВО, XVI. – С.XX), 29 сентября 1905 г. О первом выпуске альбома Самаркандских мечетей), Русского археологического общества (11 февраля 1886 г. О раскопках в городище Афрасиаб близ Самарканда; О мазаре Кутби-Чаардегум в Самарканде, ныне разрушенном. ЗВОРАО, X, 1897. – С.XIV). По этому поводу в Российском государственном историческом архиве (РГИА) имеются данные, подтверждающие намерения Н.И. Веселовского и Императорской археологической комиссии «Об ассигновании средств на расходы по снаряжению экспедиции для собирания материала по описанию самаркандских древностей»<sup>1</sup>; «Об отпуске средств на работы, связанные с описанием самаркандских древностей»<sup>2</sup>; «Об отпуске сумм на изготовление чертежей и рисунков самаркандских мечетей»<sup>3</sup>, «О передаче в введение Археологической комиссии памятников древнего мусульманского зодчества в Туркестане эпохи Тамерлана»<sup>4</sup>; «О приобретении от капитана Литвинова рисунков Туркестанских мечетей»<sup>5</sup> и др.

В фондах Эрмитажа хранятся 1202 предмета, приобретенных Императорской археологической комиссией, в работах которой принимал участие Н.И. Веселовский. Сюда можно отнести фрагмент оссуария с изображением фасада здания (VII в. Афрасиаб (1895), крышка оссуария, увенчанная мужской головой (VII в. Афрасиаб (до 1917 г.), гемма с изображением женской фигуры с шарфом (до 1917 г.) и др. И это не весь перечень приобретений, сделанных Н.И. Веселовским за время его исследовательской работы в Самарканде. В деле №20, хранящемся в Ленинградском областном историческом архиве, содержится опись предметов древности, доставленных Н.И. Веселовским из Той-Тюбе, из Чорлоктепе,

<sup>1</sup> РГИА, ф. 468, оп. 13, д. 1272.

<sup>2</sup> Там же, д. 1804, 2154.

<sup>3</sup> Там же, д. 2509.

<sup>4</sup> РГИА, ф. 565, оп. 1, д. 3573.

<sup>5</sup> РГИЯ, ф. 789, оп. 12, д. 3 – 26. ч.V, л. 18.

Ферганской области (Аштау, Чодак, Чует, Ахсы, Касан, Узген), раскопок Афрасиаба (с 8 апреля по 14 августа), купленных в Бухаре, Фергане и Сырдарьинской области, в Самарканде, Аксы<sup>1</sup>.

Опись включает также коллекции древних вещей, купленных в Самарканде: а) коллекцию Юнусова. б) коллекцию Хаджи-Заргера, в) коллекцию Мирзы Бухарина, г) «покупки у Хафиза» и «покупки у бедняков (байкушей) из Афрасиаба и окрестных местностей».

Заключают опись «подарки», полученные Н.И. Веселовским во время его пребывания в Туркестане, в том числе от Акрама Аскаророва (медный чираг, найденный в Шаиризе), от А.И. Вилькинса, Н.В. Чарыкова, Г.И. Хомутова, Королькова, Войцеховича, Иванова, Г.А. Арендаренко («медный идол из Афрасиаба») и др.

В этой описи фигурируют следующие приобретения, «паспортизированные» по месту находки или покупки: 4 медные монеты и обломки от них из Ахсы: серебряная монета Бухархудатов из Афрасиаба; 16 серебряных монет из Бухары (5 шейбанидских, 2 Бухархудатов, 2 джучидские, 2 илекские); монеты из Кермине; 25 серебряных темуридских монет, купленных в Самарканде (1 хорезмшахская и 1 джучидская); 37 серебряных джагатайских монет, купленных в Самарканде; 40 серебряных редких монет (из них 17 шейбанидских, 2 бувайхидские, 2 Бухархудатов, 2 темуридские, 1 сасанидская, 1 Имам-Кулихана, 3 илекские), купленных в Самарканде; 2 серебряные монеты илеков, купленные в Самарканде; 12 серебряных джагатайских мелких монет и 1 газневидская, купленные в Самарканде; 3 золотые монеты (1 подражание фатимидскому динару, 1 сельджукская и 1 газневидская), купленные в Самарканде; 6 серебряных монет (2 темуридские и 2 джучидские), купленных в Самарканде; 5 медных монет (1 туранская и 4 саманидские), купленных в Самарканде; 20 серебряных монет (8 шейбанидских, 4 бувайхидские, 1 Бухархудатов, 1 Имам-Кулихана, 3 илекские), купленных в Каттакургане; 9 серебряных монет (1 тимуридская и 3 джучидские), купленных в Ахсы; 1 илекская и 24 саманидские монеты, купленные в Ташкенте; 18 серебряных шейбанидских монет (2 Имам-Кули-хана), купленных в Ташкенте; клад мелких монет из Ташкента; 31 серебряная шейбанидская монета, купленная в Ташкенте; 12 медных монет илек-ханов, купленных в Наманга-

---

<sup>1</sup> ЛОИА, ф.1, оп. 1, д. 20, л. 90 – 164.





не; 23 шейбанидские монеты, купленные в Ташкенте; 1 золотая византийская монета из Ахсы .

В архиве содержатся фотоснимки и зарисовки предметов древности (бронза, терракота и др.) из коллекции Литинского к труду Н.И. Веселовского об Афрасиабе.



Орден Святого Станислава первой степени, пожалованный Николаем II – не единственная высокая награда, присужденная Веселовскому. Указом Бухарского эмира ему была присуждена Золотая Бухарская Звезда<sup>1</sup>. Ему ещё было выдано свидетельство о предоставлении «права ношения на груди Высочайше утверждённой, в память 300-летия царствования Дома Романовых, светло-бронзовой медали»<sup>2</sup>.

В лице Н.И. Веселовского востоковедение имело ученого, всегда и во всем исходившего из твердого убеждения, что «Россия неразрывно связана с Востоком» и соответственно этому уделявшего историческим судьбам последнего первостепенное значение. С его именем связан начальный этап научного изучения многочисленных памятников, находящихся на территории Центральной Азии. Хотелось бы пожелать, чтобы заинтересованные исследователи уделили в ближайшее время самое пристальное внимание изучению архивов Веселовского, Куна, Лерха, Григорьева и других ученых-туркестановедов.



<sup>1</sup> ЦГИА, ф. 14, оп. 1, д. 7827, л. 115.

<sup>2</sup> Там же, л. 155.



Ф. Шамукарамова

## ВКЛАД А.Ю. ЯКУБОВСКОГО В ИЗУЧЕНИЕ ЗАРАФШАНСКОЙ ДОЛИНЫ

Зарафшанская долина – один из богатых в археологическом отношении регионов Узбекистана. Исследования в данном направлении здесь начались с середины 30-х годов XX в. Это было связано с возросшим интересом центральных научных учреждений к археологическому изучению Средней Азии. На пленуме Государственной Академии истории материальной культуры, прошедшем в феврале 1936 г. в Ленинграде (ныне – Санкт-Петербург), были конкретно отмечены проблемы древней истории Среднеазиатского региона, которые необходимо было исследовать<sup>1</sup>. На данном пленуме такими специалистами по региону, как М.Е. Массон, С.П. Толстов, А.Ю. Якубовский, были проанализированы итоги уже сделанного и намечены задачи на будущее. В числе поставленных задач было и широко-

<sup>1</sup> Пряхин А.Д. История советской археологии. – Воронеж, 1986. – С.152.

плановое археологическое изучение Зарафшанской долины, начатое в 1934 г. и до этого почти не исследованной<sup>1</sup>. Следует заметить, что данный тезис был озвучен еще В.В. Бартольдом<sup>2</sup>.

По сравнению с Ташкентским или Самаркандским регионами Бухара и ее окрестности в археологическом отношении изучались не так активно, но все же к 1960-м годам этот вопрос уже имел свою историю. Историографический анализ археологического изучения данного региона с первой половины XIX в. до 60-х годов XX в. представил в своей фундаментальной монографии известный отечественный ученый-археолог В.А. Шишкин<sup>3</sup>. Началось это с совместных экспедиций центральных (ГАИМК – ИИМК<sup>4</sup>) и местных научных учреждений (Узкомстарис) еще в 1920-х годах и носило плановый характер с применением синтеза зарождавшейся местной методики и уже имевшей некоторый опыт Ленинградской школы археологии. В свою очередь это способствовало поднятию не только археологии, но и исторической науки Узбекистана на новый, более высокий уровень.

В данной статье мы подробно остановимся на первых плановых совместных археологических исследованиях Зарафшанской долины Государственного Эрмитажа, ГАИМК и Узкомстариса и охарактеризуем вклад в изучение древней истории данного региона известного специалиста по истории стран Востока, в том числе и Узбекистана востоковеда А.Б. Якубовского.

А.Ю. Якубовский будучи учеником В.В. Бартольда всю свою научную жизнь посвятил изучению истории Центральной Азии средних веков<sup>5</sup>. Многие его исследования стали основополагающими и до сих пор не потеряли своей значимости. Особенно это касается его работ по освещению истории Центральной Азии

---

<sup>1</sup> О первых археолого-разведочных исследованиях Пайкенда 1914 – 1915 гг. см.: Зимин Л.А. Отчет о двух поездках по Бухаре с археологической целью // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского Кружка любителей археологии. Год двадцатый (11 декабря 1914 г. – 11 декабря 1915 г.) Вып. 2. – Ташкент: Типография при Канцелярии Туркестанского генерал-губернатора, 1916. – С.119 – 158.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Ближайшие задачи изучения Туркестана // Сочинения. – М.: Наука, 1977. Т. IX. – С.546 – 555.

<sup>3</sup> Шишкин В.А. Варахша. – М.: Изд-во АН СССР, 1963. – С.13 – 18.

<sup>4</sup> ГАИМК – Государственная Академия истории материальной культуры; ИИМК – Институт истории материальной культуры.

<sup>5</sup> Памяти А. Ю. Якубовского // СА. – М., 1954. №XIX. – С.293 – 307; Памяти Александра Юрьевича Якубовского // КСИИМК. Вып. 61. – М., 1956. – С.5 – 7.

периода монгольского завоевания<sup>1</sup> и правления Амира Темура и Темуридов<sup>2</sup>.

Умело апеллируя сведениями письменных источников, А.Ю. Якубовский в своих исследованиях дополнял их археологическими данными, тем самым создавая целостную картину истории средних веков той или иной области Центральной Азии. Вместе с тем, проявляя большой интерес к археологии и являясь руководителем сектора Средней Азии ГАИМК, ученый вел и историографические исследования в этом направлении<sup>3</sup>. Кроме того, он сам организовывал и руководил археологическими экспедициями на территории среднеазиатских республик, одной из которых являлась Зарафшанская экспедиция.

В Зарафшанской долине археолого-разведочные исследования начались в 1934 г.<sup>4</sup> Первоначально они были инициированы Отделом Востока Государственного Эрмитажа совместно с Узкомстарисом<sup>5</sup> под руководством А.Ю. Якубовского<sup>6</sup>. Из сотрудников Узкомстариса в экспедиции участвовали В.А. Шишкин, Я.Г. Гулямов, Т.М. Миргиязов, В.Н. Кесаев и В.И. Казимиров<sup>7</sup>.

Цель экспедиции состояла в тщательном разведочном обследовании Кампыр-дувала – оборонительной стены, ограждавшей в древности Бухарский оазис от набегов кочевников; исследование городищ, расположенных на караванной дороге из

---

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю., Греков Б.Д. Падение Золотой Орды // Очерки истории СССР. Период феодализма. – М., 1953. Ч. II.

<sup>2</sup> Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и Тимуридах. – Л., 1933; Его же. Тимур (опыт краткой характеристики) // Вопросы истории. 1946. №8-9. – С.42 – 74; Его же. Тимур, его держава и военные походы // Очерки истории СССР. Период феодализма. IX – XV вв. Вып. 4. – М., 1953. – С.654 – 676 и др.

<sup>3</sup> Якубовский А.Ю. ГАИМК – ИИМК и археологическое изучение Средней Азии за 20 лет // КСИИМК. Вып. VI. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1940. – С.14 – 23; Его же. Из истории археологического изучения Самарканда // Труды ОВЭ. Т. 2. 1940. – С.285 – 337; Его же. Вопросы периодизации истории Средней Азии в средние века (VI – XV вв.) // КСИИМК. Вып. XXVIII. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1949. – С.30 – 43.

<sup>4</sup> Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. (Из дневника начальника экспедиции) // ТОВЭ. Т. 2. 1940. – С.113 – 163.

<sup>5</sup> Шишкин В.А. Варахша. – М.: Изд-во АН СССР, 1963. – С.15; Массон М.Е. Краткий очерк истории изучения Средней Азии в археологическом отношении // Труды САГУ. Вып. LXXXI. – Ташкент, 1953. – С.27; Минасянц В.С., Алпаткина Т.Г. Т. М. Миргиязов – малоизвестное имя в среднеазиатской археологии. – Ташкент, 2014. – С.20.

<sup>6</sup> Памяти А. Ю. Якубовского // СА. – М., 1954. №XIX. – С. 293 – 307.

<sup>7</sup> Минасянц В.С., Алпаткина Т.Г. Т.М. Миргиязов – малоизвестное имя в среднеазиатской археологии... – С.20 – 21.

Бухары в Самарканд, между железнодорожными станциями Кызыл-тепе и Каттакурған<sup>1</sup>.

Экспедиция в своей основе носила разведочный, обмерочный характер и продолжалась, судя по отчетной статье А.Ю. Якубовского<sup>2</sup> и отчету В.А. Шишкина<sup>3</sup>, с 18 мая по 17 июня 1934 г. Изучив эти работы можно иметь представление о каждом дне работы экспедиции.

Результатами экспедиции были большой объем подъемного и другого археологического материала, характеризующего историю Кампыр-дувала до X в., т.е. до прекращения его существования как оборонительной стены, а также для описания городищ Кызыл-тепе, Тавависа, Хазары, Дабусия, Арбинджан и других более мелких населенных пунктов, находящихся в 1,5 – 3 км друг от друга, по левому берегу реки Зарафшан. В частности, в результате обследования Кызыл-тепе был произведен полный обмер археологического объекта<sup>4</sup> с внесением корректив в обмеры Л.А. Зимина (1914)<sup>5</sup>, снят план городища, собран подъемный материал в виде неполивной и поливной керамики, который А.Ю. Якубовский датировал, в зависимости от качества керамики и орнамента от VIII до XIII в.<sup>6</sup>

Кроме того, было обосновано важное положение, что Кызыл-тепе было тем местом, где происходила интеграция, т.е. товарообмен между оседлым и кочевым населением региона<sup>7</sup>.

Следует отметить, что уже в первые дни экспедиции были сделаны выводы о том, что многочисленные тепе вдоль Кам-

---

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. ... – С.113; Его же. ГАИМК – ИИМК и археологическое изучение Средней Азии за 20 лет ... – С.21; Шишкин В.А. Варахша ... – С.15; Памяти А.Ю. Якубовского ... – С.297 – 298.

<sup>2</sup> Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. ... – С.113 – 163.

<sup>3</sup> В Узкомстарис [Отчет В.А. Шишкина 1934 г.] // Археология Центральной Азии: архивные материалы. – Самарканд: МИЦАИ, 2015. Т. II. – С.29 – 48.

<sup>4</sup> Там же. – С.32.

<sup>5</sup> Зимин Л.А. Отчет о двух поездках по Бухаре с археологической целью ...


<sup>6</sup> По этому поводу А.Ю. Якубовский в отчете писал: «Поливная керамика на городище определенно указывает, что лежащие перед нами развалины должны быть отнесены ко времени не позже захвата власти в Средней Азии монголами, ибо поливная керамика по характеру своему относится или к началу монгольского периода, или ко времени XI – XII вв., что же касается неполивной, ... часть ее с несомненностью относится к XI – XIII вв., а часть к значительно более раннему времени, заходя вглубь веков – в X, IX вв., быть может в VIII в.». См.: Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. ... – С.116 – 117.

<sup>7</sup> Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. ... – С.117 – 118.

пыр-Дувала, которые встречались «через каждые 1 1/2 – 2 – 3 км, а иногда и чаще, и связанные всегда с селениями, над которыми они властвовали, а может быть и сами являются остатками укрепленных селений»<sup>1</sup>.

Однако было сделано и новое открытие, в частности, как писал сам А.Ю. Якубовский: «Среди других памятников этой экспедицией была открыта замечательная постройка на колоннах, древнейшая в Средней Азии мечеть в [на территории городища] Хазара, относящаяся ко времени не позже начала X в., а по всей вероятности, к IX в. или даже к концу VIII в.»<sup>2</sup>

Обнаруженная мечеть на городище Хазара, сразу привлекла внимание исследователей. Здесь следует отметить, что участник экспедиции сотрудник Узкомстариса Турды Миргиязов был первым, кто проник в мечеть и сообщил всем, что это первоклассный древний памятник<sup>3</sup>. Руководитель экспедиции дал следующее общее описание сохранившемуся зданию мечети: «Одного взгляда было достаточно, чтобы сказать, что перед нами выступает памятник, которому по четкости, гармоничности своих архитектурных форм еще предстоит остановить на себе внимание всех, кому близки вопросы среднеазиатского, да и шире, восточного зодчества»<sup>4</sup>.



*Мечеть VIII – IX вв., обнаруженная на городище Хазара*


<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. ... – С.118 – 119.

<sup>2</sup> Якубовский А.Ю. ГАИМК – ИИМК и археологическое изучение Средней Азии за 20 лет ... – С.22.

<sup>3</sup> В Узкомстарис [Отчет В.А. Шишкина 1934 г.] // Археология Центральной Азии: архивные материалы... – С.44.

<sup>4</sup> Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. ... – С.133.

По поводу датировки обнаруженной мечети, что было поддержано и другими участниками экспедиции, А.Ю. Якубовский заключил: «Мы открыли археологически ранее неизвестный в Средней Азии тип постройки, древность которой может быть осторожно определена докараханидской эпохой. По нашему глубокому убеждению в лице этой прекрасной постройки мы имеем архитектурный памятник не моложе Исмаила Саманида, а может быть, и старше его»<sup>1</sup>, «самый факт, что здесь нет керамики позднее X в., чрезвычайно показателен»<sup>2</sup>.



*Внутренний вид мечети VIII – IX вв., обнаруженной на городище Хазара*

Тщательные разведочные исследования, в которых непосредственное участие принимал В.А. Шишкин, показали, что городище Хазара состоит, как и всякий средневековый город, из кухендиза, шахристана и рабата и всего археологического материала, который здесь был обнаружен<sup>3</sup>. Как писал А.Ю. Якубовский по этому поводу, «для всего городища Хазара чрезвычайно характерно обилие керамики. Есть места, которые буквально засыпаны битой глиняной посудой. ... Даже беглого взгляда на

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. ... – С.138.

<sup>2</sup> Там же. – С.141.

<sup>3</sup> В Узкомстарис [Отчет В.А. Шишкина 1934 г.] ... – С.44 – 45.

западную часть рабата достаточно, чтобы понять, что здесь мы имеем дело не с бытовым черепком, а с местного производства керамикой. ...»<sup>1</sup>. Кроме того, были найдены и кусочки стеклянных предметов<sup>2</sup>.

Подводя итоги разведочным работам 1934 г. на городище Хазара, руководитель экспедиции в своем подробном отчете ставил следующие вопросы для дальнейших исследований объекта: «Что это за городище? Как в древности оно называлось? Можно ли считать его имя Хазара существовавшим и в то время, когда выстроена была ее замечательная мечеть? Вопросы эти все сложные, и сейчас дать ответ на них я не решаюсь»<sup>3</sup>.

После городища Хазара экспедиция провела разведочно-обмерочные работы на таких археологических объектах вдоль Кампыр-Дувала, как Гяньч-тепе, Динь-гак, Кермине, Дабусия, Арбиджан. На всех городищах и населенных пунктах был собран большой объем, чем ожидали сами исследователи, подъемного материала в виде керамики (глазурованной и неглазурованной), датированной от домусульманского до XVII в., преобладающая часть которой относится к IX – XII в.

О Кампыр-Дувале и входивших в его периметр городищах А.Ю. Якубовский сделал следующий вывод: 1) Кампыр-дувал, отделяющий земледельческую полосу от кочевой степи, по крайней мере, на некоторых участках, был возведен задолго до прихода в Среднюю Азию арабов; 2) большинство укреплений носили характер рабатов, особенно находившиеся на пограничной территории, которые впоследствии превратились в укрепленные караван-сарай базарного типа, в чью задачу входила не только защита от возможных нападений кочевников, но и торговля с ними в мирное время; 3) судя по карте размещения селений параллельно Кампыр-Дувалу и по их названиям, таких приграничных рабатов было много; 4) собранный керамический материал подтверждает сведения Наршахи, что «при Исмаиле Самани эту систему укреплений считали нецелесообразной и дорогостоящей, а потому и оставили ее без охраны»<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. ... – С.135 – 136.

<sup>2</sup> Там же. – С.137.

<sup>3</sup> Якубовский А.Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину 1934 г. ... – С.141.

<sup>4</sup> Там же. – С.147 – 148.



У А.Ю. Якубовского, как у специалиста по истории средневековых городов Средней Азии, осмотр городищ Зарафшанской долины оставил большое впечатление. В частности, остатки «когда-то чудесного рабата XI века» и сардобы на городище Рабат-и Мелик, «которое как-то прошло мимо исследователей»<sup>1</sup>, или Арбиджан, куда после Дабусии отправились участники экспедиции. Например, подробно описывая разведку на городище Дабусия, он писал: «В настоящий момент Дабусия совершенно покинута, с ее территории ушли даже последние жители, которые здесь были еще несколько лет назад, хотя вода на городище есть. Характерно, что полное безлюдие этого места не ликвидировало здесь знаменитого когда-то базара. Раз в неделю, по пятницам, на площадь мертвого города съезжаются люди из соседних колхозов, совхозов и открывают большой оживленный торг, свидетелем которого и была наша экспедиция. Ни в Кермине, ни в других местах мы не видали такого скопления людей, как на развалинах Дабусии»<sup>2</sup>.

На городище Дабусия и на других объектах, причем как на поверхности городища, так и в ряде раскопанных бадраб-хана (отхожие места), было найдено много керамики IX – X вв. довольно высокого художественного качества. Кроме того, среди других археологических предметов в бадрабах было обнаружено «много интересного стекла» и даже несколько «экземпляров цельной стеклянной посуды»<sup>3</sup>. А.Ю. Якубовский, подводя итоги описанию и исследованию данного городища, констатировал, что оно принадлежало к крупным городам Средней Азии.

Последним городищем, которое обследовала экспедиция в 1934 г. был Арбинджан, исследованный несколько лет назад и В.Л. Вяткиным<sup>4</sup>. О первых впечатлениях по осмотру городища А.Ю. Якубовский, в частности, писал следующее: «Целый день ходил по городищу, ... насколько возможно старался понять топографическое строение Арбинджана. ... Городище совсем не так просто, как это может показаться на первый взгляд. Местоположение для города чрезвычайно удобно. С одной стороны, прекрасный многоводный канал, один из наиболее обильных и древнейших в Средней Азии (канал Нарпай – Ф.Ш.), с другой – выгодное расположение на большой караванной дороге, бли-

<sup>1</sup> Там же. – С.149.

<sup>2</sup> Там же. – С.151.

<sup>3</sup> Там же. – С.152.

<sup>4</sup> Там же. – С.157.

жайшими городами на которой были Бухара на запад и Самарканд на восток»<sup>1</sup>.

Здесь, как и на других городищах было много подъемного материала в виде керамики, в основном, IX – X в., вследствие чего А.Ю. Якубовский подчеркивал, что расцвет культурной жизни Арбинджана «кончился с саманидской эпохой»<sup>2</sup>. Однако, сожалея о недостаточности времени для более подробного исследования плана древнего города, его построек, ученый констатировал, что «если бы мы имели возможность просидеть и проработать в Арбинджане хотя бы около двух недель, то можно было бы произвести два-три серьезных раскопа, которые дали бы нам подлинный план жилого дома VIII — X вв., а может быть, и более древнего»<sup>3</sup>.

Если коснемся исследований Арбинджана В.Л. Вяткиным, то действительно, как заметил А.Ю. Якубовский, Вяткин «к сожалению, не напечатал об этой поездке ничего ... От М.Е. Массона, В.А. Шишкина и Турды Мир-Гиязова мне приходилось только слышать, что своей поездкой В.Л. Вяткин был очень доволен и что он привез ряд интересных наблюдений и богатый подъемный материал»<sup>4</sup>. В научном отчете о деятельности Узкомстариса за 1928 – 1929 гг., посланном в ГАИМК, о работах В.Л. Вяткина на городище Арбинджан указывается, что были произведены планомерная съемка городища, пробные раскопки, собран подъемный материал в виде кирпичей со штампованным орнаментом и черепков саманидского времени, а также найдены монеты того же периода. Кроме того, в результате заложения раскопов в новой части городища В.Л. Вяткин обнаружил стены большого здания, предположительно мадрасы, откуда и были кирпичи со штампованным орнаментом. Исследователь также осмотрел развалины Зерабулака, Кафыр-Калы и Кард-Зана и подчеркнул о целесообразности более систематических археологических исследований Арбинджана и его окрестностей<sup>5</sup>. Наверняка, А.Ю. Якубовский ознакомился с отчетом Узкомстариса и сожалел о том, что результаты исследований В.Л. Вяткина данного городища не стали достоянием научной общественности.

---

<sup>1</sup> Там же. – С.157, 158.

<sup>2</sup> Там же. – С.160.

<sup>3</sup> Там же. – С.159 – 160.

<sup>4</sup> Там же. – С. 157.

<sup>5</sup> Научный архив ИИМК РАН (Санкт-Петербург), ф. 2, оп. 1, 1930, д. 111, л. 25 – 26.

Таким образом, совместная экспедиция Государственного Эрмитажа и Узкомстариса под руководством А.Ю. Якубовского в 1934 г. с большими научными результатами и даже новыми открытиями завершила свою работу. Вместе с этим по ходу описания работы экспедиции А.Ю. Якубовский в своей публикации наметил определенные задачи для будущих тщательных археологических раскопок на всех объектах вдоль периметра Кампыр-Дувала, так как в задачи этой экспедиции входили только разведочно-измерительные работы на остатках городищ так называемого «мусульманского периода».

В 1936 – 1938 гг. Зарафшанская экспедиция была продолжена старшим научным сотрудником Института истории материальной культуры Г.В. Григорьевым и старшим научным сотрудником Самаркандского музея И.А. Сухаревым на средства (выделено нами – Ф.Ш.) и по заданию Самаркандского музея. Они работали на Тали-Барзу. Кроме того, В.А. Шишкин в рамках этой экспедиции в 1934 – 1935, 1938 – 1939 гг. продолжал исследование Кампыр-Дувала и на известном городище Варахша<sup>1</sup>.

Однако по поводу финансирования экспедиции в архиве ИИМК хранится телеграмма от 26 декабря 1937 г., посланная в Ташкент, следующего содержания: «Институт истории материальной культуры Академии наук согласен на совместную с Узкомстарисом археологическую Зарафшанскую экспедицию в апреле – мае 1938 года, выделяет двадцать тысяч рублей, трех сотрудников под руководством профессора Якубовского. Подробности письмом. Заместитель директора ИИМК Артамонов»<sup>2</sup>.

В 1939 г. Зарафшанская экспедиция продолжила свою работу двумя отрядами под общим руководством А.Ю. Якубовского. Первый отряд работал на городище Пайкенд. В состав его входили А.Ю. Якубовский (ИИМК), В.А. Шишкин (Узкомстарис), М.М. Дьяконов, Н.П. Кипарисов (Эрмитаж и ИИМК), С.И. Устинов (фотограф). Второй отряд работал на объектах Тали-Барзу и Кафир-Кала, куда входили Г.В. Григорьев (начальник отряда), А.Я. Борисов (Эрмитаж), Ф.А. Кондратьева, А.М. Беленицкий (ИИМК), Г.П. Савельев (студент IV курса истфака САГУ), В.А. Ильинская (студентка II курса истфака ЛГУ), С.И. Устинов (фотограф)<sup>3</sup>. Работы второго отряда были зафиксированы в дневнике

<sup>1</sup> Шишкин В.А. Варахша... – С.16.

<sup>2</sup> Письменный архив ИИМК СПб РАН, ф. 2, оп. 1.1937, д. 77, л. 5.

<sup>3</sup> Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчет о работах Зарафшанской археологической экспедиции Эрмитажа и ИИМК в 1939 г. // ТОВЭ. Т. 2. – Л., 1940. – С.51, 64.

Г.В. Григорьева<sup>1</sup> с чертежами раскопок, рисунками находок (карандашные эскизы фигурок, фрагменты посуды, терракоты), таблицами измерений объектов<sup>2</sup>.

В задачи экспедиции 1939 г. входило следующее: 1) продолжить археологические работы на Тали-Барзу в 6 км на юг от Самарканда, начатые в 1936 – 1938 гг. Г.В. Григорьевым; 2) продолжить изучение стратиграфии городища Кафыр-Кала, расположенного в 4 км на юг от Тали-Барзу или в 10 км на юг от Самарканда; 3) провести новую археологическую разведку на городище Пайкенд в целях научной подготовки для археологических раскопок в 1940 г.<sup>3</sup>

Г.В. Григорьев в своем полевом дневнике также касался вопросов финансирования экспедиции. В частности, он писал: «Исследование городища Тали Барзу производится под моим руководством с 1936 года. Каждую весну 36-го, 37 и 38 года производятся раскопки, причем экспедиции снаряжались за счет Самаркандского областного краеведческого музея, который до 1939 г. был Центральным Узбекистанским историческим музеем»<sup>4</sup>. Скорее всего, экспедиция финансировалась совместно – Государственным Эрмитажем, ИИМК, Узскомстарисом и Самаркандским областным краеведческим музеем.

Характерная особенность работ 1939 г. состояла в том, что они проводились на конкретных археологических объектах. В этом отношении городище Пайкенд занимает особое положение. Город был основан в IV – III вв. до н.э. и просуществовал до XII в. Пиком его развития считаются IX – X века. По утверждению Наршахи, Пайкенд был резиденцией правителей Бухары и личным владением династии Саманидов<sup>5</sup>. В последующем на городище Пайкенд велись систематические многолетние археологические исследования. Однако в изучении истории развития города, находящегося на торговой трассе, важное значение

---

<sup>1</sup> Рукописный архив ИИМК, ф. 35, 1939, оп. 1, д. 33 – Григорьев Г.В. 2 отряд. Дневник обследований и раскопок Тали-Барзу, Кафир-Кала Комсомольского р-на Самаркандской обл. в Узбекистане, схемы расположения памятников.

<sup>2</sup> Рукописный архив ИИМК, ф. 35, 1939, оп. 1, 1939, д. 32, 33, 34, 35 – Заравшанская экспедиция ИИМК совместно с Гос. Эрмитажем. Нач. экс. Якубовский А.Ю.

<sup>3</sup> Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчет о работах Зарафшанской археологической экспедиции Эрмитажа и ИИМК в 1939 г. ... – С.51.

<sup>4</sup> Рукописный архив ИИМК, ф. 35, 1939, оп. 1, д. 33, л. 1.

<sup>5</sup> Пайкенд // Выдающиеся памятники археологии Узбекистана. – Ташкент: Изд-во журнала «San'at», 2013. – С.232.

имели проводимые под руководством А.Ю. Якубовского разведочные, измерительные работы с составлением плана городища и закладка шурфов с открытием верхних культурных слоев (саманидский, караханидский).

В задачи пайкендского отряда входили закладка шурфов для определения культурных слоев, составление плана городища и сбор подъемного материала. Примечательным является то, что как руководитель А.Ю. Якубовский отметил заслуги каждого участника экспедиции<sup>1</sup>.

Основными результатами первичных разведочных работ были следующие: В.А. Шишкиным и М.М. Дьяконовым составлен план городища Пайкенд; В.А. Шишкиным составлен план окрестностей городища; найдены: остатки гончарной печи IX – X вв. с большим количеством черепков керамики; фигурки животных; светильники; монеты (от кушанских до бухарских XIX в.), в основном саманидские; тандыр (печь для выпечки лепешек); жилой комплекс ремесленника и др. Были определены цитадель, шахристан и рабад и протяженность оборонительных стен города.

А.Ю. Якубовский неоднократно особо отмечал исследовательскую деятельность В.А. Шишкина, способствовавшую сделать определенные выводы. В частности, он писал: «Большую работу проделал В.А. Шишкин по составлению плана ближайших окрестностей шахристана, где по нашему предположению должен был находиться Пайкендский рабад, т.е. торгово-ремесленное предместье, В.А. Шишкин прекрасно выполнил задачу историко-топографического осмысления ближайших окрестностей городища. Внимательное рассмотрение сделанного им плана этих окрестностей окончательно убеждает, что рабад Пайкенда, по крайней мере уже в X в., был большим по площади и значительным по своей роли в жизни города»<sup>2</sup>.

В целом, по разведочно-исследовательским работам экспедиции на городище Пайкенд, в результате найденных археологических предметов (поливная и неполивная керамика VIII – X вв.<sup>3</sup>) и совместных предположений, руководитель экспедиции

---

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчет о работах Зарафшанской археологической экспедиции Эрмитажа и ИИМК в 1939 г. ... – С.51 – 70.

<sup>2</sup> Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчет о работах Зарафшанской археологической экспедиции Эрмитажа и ИИМК в 1939 г. ... С. 60, 62.

<sup>3</sup> Дьяконов М.М. Керамика Пайкенда // Краткие сообщения ИИМК. Вып. XXVIII. – М.-Л., 1949. – С.89 – 93.

заклучил следующее: «...Жизнь в Пайкенде оживленнее всего была в X в., так как чаще всего на городище встречается саманидская монета. Немало встречается и кушанских монет, что определенно указывает на существование и торговое значение в это время Пайкенда»<sup>1</sup>.

Забегаая вперед отметим, что в 1940 г. в рамках Зарафшанской экспедиции на городище Пайкенд полевые работы велись под руководством сотрудника Эрмитажа В.Н. Кесаева (Р. Кесати), Н.П. Кипарисовой и сотрудника Бухкомстариса С.К. Кабанова. Была осуществлена работа по описанию окрестностей городища, классификации найденного керамического и нумизматического материала. Исследования проводились в центральной части городища, где по предположению начальника отряда должен был быть домусульманский храм, но основное внимание было уделено объектам IX – XI вв.<sup>2</sup>

По поводу организации полевых работ хотелось бы отметить, что как на Тали-Барзу и Кафир-Кале, так и в Пайкенде с наймом рабочих были определенные трудности. Вследствие того, что колхозники были заняты на поле, рабочая сила нанималась из бывших заключенных. В частности, Г.В. Григорьев в своем полевом дневнике 1939 г. писал: «8/V. Выехали на грузовике в составе 1) Я.Ю. Якубовского, 2) Г.В. Григорьева, 3) М.М. Дьяконова, 4) А.Я. Борисова, 5) Ф.А. Кондратьева, 6) Н.П. Кипарисовой, 7) Г.П. Савельева, 8) В.А. Ильинского и фотографа С.И. Устинова. Взятые 4 рабочих помещены в пустующем помещении, предоставленном колхозом им. 8-го Марта. Рабочие, нанятые на базаре, все четверо являются отбывшими наказание за уголовные преступления в различных лагерях. Договорились платить по 10 рублей»<sup>3</sup>. Работа начиналась в 7 утра до 12 часов дня, несколько часов перерыва, потом продолжалась с 4 часов дня и до 7 часов вечера<sup>4</sup>.

А.Ю. Якубовскому как руководителю всей экспедиции нужно было контролировать работу на всех участках. Он периодически приезжал из Пайкенда на Тали-Барзу и Кафир-Кала, что отме-

---

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчет о работах Зарафшанской археологической экспедиции Эрмитажа и ИИМК в 1939 г. ... – С.64.

<sup>2</sup> Кесаев В.Н. (Кесати Р.) Раскопки на Пайкенде в 1940 г. // СГЭ. Вып. 4. – Л., 1948.

<sup>3</sup> Рукописный архив ИИМК, ф. 35, 1939, оп. 1, д. 33 – Григорьев Г.В. 2 отряд. Дневник ... л. 15-16.

<sup>4</sup> Там же, л. 19.

чал в дневнике Г.В. Григорьев<sup>1</sup>. Как указывалось, на данных объектах начальником отряда были продолжены планомерные полноценные археологические исследования, которые велись не первый год в рамках Зарафшанской экспедиции.

Как писал А.Ю. Якубовский, задачи второго отряда заключались в следующем: 1) Проверить правильность стратиграфических выводов (на Тали-Барзу, сделанных ранее Г.В. Григорьевым – Ф.Ш.). Для этого каждый из членов отряда на обозначенных участках заложил ряд шурфов в наиболее многослойных местах городища. Данная работа нужна была, чтобы иметь точные датировки при определении вещественных памятников домусульманского Согда. 2) По возможности максимально обследовать сасанидский слой на центральном холме городища Тали-Барзу. 3) Расчистить один из остатков башни для выяснения ее структуры в наиболее удобном для этого месте. 4) Провести несколько раскопок для обследования сасанидского слоя на Кафир-Кале»<sup>2</sup>.

Главное внимание было уделено выполнению первой задачи, так как Г.В. Григорьев разделил культурные слои на шесть периодов<sup>3</sup>, достоверность которых необходимо было еще раз проверить.

В целом, как представлено в статье А.Ю. Якубовского и в дневнике Г.В. Григорьева, намеченные задачи второго отряда были выполнены. 4 июля 1939 г. работы экспедиции были закончены и дали обширный как музейный материал, в том числе и монеты кушанского времени, так и представляющий научную ценность для изучения развития города домусульманского периода.

Археологические находки Зарафшанской экспедиции, в частности, из Тали-Барзу и Кафир-Кала, до единого предмета, актом приема-передачи были переданы в Государственный Эрмитаж<sup>4</sup>. Комплекс находок состоял из более 250 археологических предметов.

---

<sup>1</sup> Рукописный архив ИИМК, ф. 35, 1939, оп. 1, д. 33 – Григорьев Г.В. 2 отряд. Дневник обследований и раскопок Тали-Барзу, Кафир-Кала Комсомольского р-на Самаркандской обл. в Узбекистане, схемы расположения памятников.

<sup>2</sup> Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчет о работах Зарафшанской археологической экспедиции Эрмитажа и ИИМК в 1939 г. ... – С.66.

<sup>3</sup> Рукописный архив ИИМК, ф. 35, 1939, оп. 1, д. 33 – Григорьев Г.В. 2 отряд. Дневник ... л. 9 – 10.

<sup>4</sup> Рукописный архив ИИМК, ф. 35, 1939, оп. 1, д. 34 – Григорьев Г.В. Акты №322, 325 и описи находок Зарафшанской экспедиции 1939 г., переданных в Гос. Эрмитаж (раскопки Тали-Барзу, Кафир-Кала).

Зарафшанская экспедиция под руководством А.Ю. Якубовского в 1934 – 1940 гг. дала много вещественных доказательств по материальной культуре Средней Азии так называемого периода «мусульманского ренессанса», в том числе и открытий, были получены подтверждения сведениям письменных источников. Археолого-разведочные работы способствовали дальнейшим многолетним систематическим и плановым археологическим исследованиям Зарафшанской долины.

Что же касается публикаций научных результатов работ Зарафшанской экспедиции, желательнее отметить следующее. Если работы 1934 г. руководитель экспедиции А.Ю. Якубовский опубликовал в форме дневника, то процесс работ и основные результаты 1939 г. он опубликовал в форме краткого полевого отчета. В связи с этим вторая работа была поделена на две части. Первая часть представляет собой подробный отчет, снабженный интересными иллюстрациями об исследованиях на городище Пайкенд. Вторая часть, в большей мере основанная на дневнике Г.В. Григорьева, дает представление о проведенных археологических изысканиях на Тали-Барзу и Кафир-Кала.

Некоторое время спустя А.Ю. Якубовский в своей статье, посвященной главным вопросам изучения истории развития городов Средней Азии, в которой осуществлен теоретический анализ по изучению истории городов по каждому периоду, выдвинул следующий тезис: «Одно дело – общие закономерности развития среднеазиатских городов и другое – конкретная история развития каждого города в отдельности, причем должен оговориться, что затрагиваю по преимуществу территорию Мавераннахра и частично Хорезма, т.е. земли современных Таджикистана и Узбекистана»<sup>1</sup>.

Руководя Зарафшанской экспедицией, А.Ю. Якубовский приобрел еще больший опыт организации и ведения полевых работ. Огромная заслуга А.Ю. Якубовского в том, что он, сопоставляя сведения средневековых историков, попытался представить картину развития городов региона, в том числе и Зарафшанской долины, в домонгольский период, где затрагивались и вопросы социальной жизни населения.

---

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Главные вопросы изучения истории развития городов Средней Азии // Труды Таджикского филиала АН СССР. Т. XXIX. История, археология, этнография, язык и литература. – Сталинабад, 1951. – С. 9 (3 – 16).



**КОЛОНИАЛЬНОЕ УПРАВЛЕНИЕ В ТУРКЕСТАНЕ  
НА ПРИМЕРЕ САМАРКАНДА:  
ВЗГЛЯД АЛЕКСАНДРА МОРРИСОНА**

В данной статье хотелось бы представить некоторые положения известного британского исследователя Александра Моррисона, касающиеся репрезентации взаимоотношений между российской имперской администрацией и местным населением в Туркестане. Главный вопрос, на который следует обратить внимание в понимании местных этатистских<sup>1</sup> практик администрации, – это попытки осуществления своих долгосрочных целей в крае. Монография Александра Моррисона «Russian Rule in Samarkand 1868 – 1910» – очередная крупная и популярная работа после исследования Адиба Халида «The politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia», привнесшей новые положения в изучении джадидов и ознаменовавшей новое осмысление известной темы. Труд А. Моррисона также важен с точки зрения осмысления колониального опыта и репрезентации русской власти, в понимании которой использована критика ориентализма Э. Саида, показавшая устремления и судьбу политико-культурных проектов, новых правил и практик. Этот труд важен, несмотря на то, что с тех самых пор издано множество исследований по истории девятнадцатого столетия в Центральной Азии и в последнее время произошли некоторые дополнения к пониманию этого периода, в том числе самим А. Моррисоном<sup>2</sup>. В этих работах показана картина колониальных сообществ гораздо сложнее, чем это может представить только постколониалистская критика империй. Сравнивая Российскую имперскую практику с британским опытом взаимодействия имперской власти с местными элитами, Моррисон находит отличие, ставшее особенностью российского опыта, в котором полагались не на землевладельцев и служилую аристократию, а на класс лично обязанных людей новой русской власти<sup>3</sup>. Моррисон приводит несколько аргумен-

<sup>1</sup> Этатистский – государственный.

<sup>2</sup> Alexander Morrison. The Pleasures and Pitfalls of Colonial Comparisons. *Kritika: Explorations in Russian and Eurasian History* 13, 4. Fall 2012. – P.919 – 936.

<sup>3</sup> Morrison A. S. *Russian Rule in Samarkand 1868 – 1910. A Comparison with British India*. Oxford University Press, 2008. – P.119.

тов, которые, на его взгляд, не способствовали тесной интеракции. Одно из них – это недоверие, которое основывалось на предубеждениях: Фон Кауфман рассматривал все население Туркестана «фанатичным, а его элиты – политическими или религиозными»<sup>1</sup>. Но еще раньше это был Кавказский опыт, к которому апеллирует Моррисон, и говорит о его применении в Туркестане, когда местные элиты фактически игнорируются.

Опасение у российской администрации вызывали бывшие ханские чиновники, к которым не было доверия. Таким образом говорится об ограничениях, недоверии и опасениях в своих позициях упования на русские поселения и Временные положения, а также на ограничение влияния ислама на умы местного населения.

С другой стороны, репрезентация русской власти рассматривается как поиск подходящей альтернативы, когда все-таки происходили взаимодействия с сельской аристократией, которая в свою очередь была полностью лояльна администрации: «Это было все более справедливым для представителей сельской элиты, становившихся волостными управителями, аксакалами и казиями, а также, в некоторой степени, для городской торговой элиты»<sup>2</sup>, последняя из которых, по мнению Моррисона, пыталась снискать расположение новых русских правителей<sup>3</sup>. Тем не менее, Моррисон говорит о введении губернатором Кауфманом в крае новых муниципальных властей и то, что за исключением Ташкента они были неудачными<sup>4</sup>. И говоря о региональной властной структуре, подразделяющейся на волостных управителей, аксакалов, арык-аксакалов, казиев, и количестве их в Самаркандской области, он поясняет: «В Джизаке русские пытались оценить влияние кандидатов в Аксакалы на население и насколько ожидаема их лояльность в отношении к новому управлению, наблюдая, например, что Караул Бег Абдул-Гафар не располагал всеобщим доверием»<sup>5</sup>. Приводимые исследователем факты злоупотребления со стороны местной администрации составляют одну из сторон проблемы недоверия к «туземной» администрации и шире – к имперской власти. А та в свою очередь, на первых

---

<sup>1</sup> Там же. – P.122.

<sup>2</sup> Там же. – P.125.

<sup>3</sup> Там же. – P.173.

<sup>4</sup> Там же. – P.176.

<sup>5</sup> Там же. – P.176 – 177.

порах не регулировала выдвижение на должности людей от коренного населения, проводивших свою политику, в том числе в отношении старых элит, что приводило к беспокойству и критике российских администраторов: «Абрамов жаловался в июле 1873 года на невежливость и грубость Авурат Касыма волостного управителя Дали-Арыка в своих взаимоотношениях с беком Зиауддином, прибывшим из Бухары»<sup>1</sup>.

Прошения как средство интеракции населения с властью показаны как результат должностных нарушений местной администрации, предубеждения функционеров и голосов подчиненного населения. Разновидности составления обращений Моррисон показал на примере схода жителей, не знающих процедур составления письма, выглядящими курьезным, а с другой стороны, демонстрирующем сложности, с которыми сталкивается население. Описан случай о ходатайстве на имя должностного лица, составленном жителями кишлака, которые, приехав в город, обратились к русскому прохожему с просьбой о составлении письма (этот случай также очень похож на кейсы из «subaltern studies»). А. Моррисон считает это нетипичным случаем, когда существует порядок обращений. А самыми часто рассматриваемыми случаями были неправомерность выборов и сбора доходов. С другой стороны, нередко злоупотребления осуществлялись во «взаимодействии» с имперскими разночинцами, подобные случаи оказывались резонансными ввиду количества участвующих представителей низовой администрации. Однако в тексте Моррисона имеется несколько оговорок в отношении местной администрации, в которых оценки русских функционеров о вине чиновников волостного уровня в злоупотреблениях являются преувеличением. Репрезентация осуществления властных полномочий выстроена через сложную сеть интеракции, в которых служба в русской администрации являлась одновременно престижной (Моррисон приводит пример отказа в удовлетворении требований уничтожить списки отправляемых людей на тыловые работы в 1916 г. – А.Т.), а также причиной неприятия со стороны населения.

В своих выводах он пишет о произошедших переменах в жизни жителей региона, часто на фоне британской Индии, в котором опыт Средней Азии проигрывает в вестернизации по форме, со-

---

<sup>1</sup> Там же. – P.179 – 180.

держанию и распространению этих ценностей в обыденной жизни населения. И пример британской Индии рассказан как очень похожий и разный одновременно, но во многом проигрывающий британскому опыту в эффективности работы администрации. Прежде всего это касается неудачной налоговой политики, паразитирующей коррупции, а также нежелание инкорпорировать нарождавшееся в среде городского населения джадидизма. С другой стороны, Моррисон говорит также об удачном восприятии британских ценностей. По этому поводу он замечает: «Несмотря на туманные и противоречивые убеждения, в цивилизаторскую миссию британцы трансформировали интеллектуальный ландшафт посредством английского языка, образование университетов, реформ судебной системы и, в целом, идей просвещения»<sup>1</sup>.

Так или иначе, несмотря на очень удачную репрезентацию внутренней жизни и политики властей на местах, сомнительно использование современных концептов, связанных с западным прогрессом, таких как модернизация, которую не уместно применять в отношении азиатских исторических сообществ. Однако можно заключить, что все же английский опыт колонизации Британии оказался более успешным в целом для Индии и показательным для Российской империи, которая не смогла преодолеть пороки административной системы, несмотря на наличие некоторых аналогичных проблем у британцев, например, недостаток профессиональных управленцев. С другой стороны, интеракция со стороны местного населения также была более восприимчивой к привнесенным идеям британцев.

Говоря об исследованиях, посвященных критике империи и имперских проектов, А. Моррисон заметил, что нередко упрощается понимание или преувеличивается одиозность имперской колониальной машины. В более поздней своей работе «*The Pleasures and Pitfalls of Colonial Comparisons*», он пояснил: «Следуя логике постколониализма в деконструкции гегемонистских дискурсов, мы утверждаем, что империи сами по себе подчинены современным социальным и гуманитарным наукам, поскольку они вынуждены говорить аналитическим и часто самоописательным языком, сформированным каноном модернистской литературы»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Там же. – P.287.

<sup>2</sup> Morrison A.S. *The Pleasures and Pitfalls of Colonial Comparisons*. *Kritika: Explorations in Russian and Eurasian History* 13, 4. Fall, 2012. – P.922 – 923.

## **ХІХ АСР ОХИРИ ХХ АСР БОШЛАРИГА ОИД САМАРҚАНД МУЗЕЙИДА САҚЛАНАЁТГАН ҲАРБИЙ МАНСАБ ВА УНВОНЛАРГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР**

Самарқанд музейида бугунги кунда ноёб ҳужжатлар фонди сақланмоқда. Ушбу ҳужжатларни ўрганиш орқали ундаги янги маълумотларни илмий муомалага киритиш тарихчилар олдида турган муҳим илмий тадқиқот ишлардан биридир. Музей фондида сақланаётган қўлёзма ҳужжатлари араб-форс, туркий ва бошқа тилларда ёзилган бўлиб, улар асл нусхадир. Ҳужжатларнинг кўпчилиги олим Г.П. Снесарев томонидан музейга фондига топширилган. Ҳужжатлар турли хил кўриниш ва ўлчамни ташкил этади. Бу ҳужжатлар XIX – XX аср бошларига оид бўлиб, Хива, Бухоро, Қўқон, Тошкент, Хўжанд, Самарқанддаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тўғрисида, турли хил даъво хатлари ва унинг ечимида мансаб эгаларининг фаолияти, диний масалалар тўғрисида фактик маълумотлар беради.

Музейда сақланаётган ушбу ҳужжатларнинг маълум бир қисми англиялик олим Томас Вельсфорд ва Н. Тошев томонидан ўрганилиб, каталог сифатида нашр этилган. Каталогда келтирилган ҳужжатларда турли мансаб ва унвонлар, улар эгаларининг номлари ҳам ёзилган. Хусусан, амир ал-умаро, қушбеги, оталиқ, ясовул, додхоҳ, чухра оғаси, чухра оғабоши, доруға, эшикоғабоши, миршаб, парвоначи, тўпчибоши, юзбоши, элликбоши, даҳбоши, қозиаскар, қоровулбеги, қурчибоши, арбоб, туқсоба, шиғовул, мирасад, девонбеги каби мансаб ва унвонлар бўлганлиги ҳужжатларда келади<sup>1</sup>. Ушбу мансаб эгаларининг вазифалари турли хил бўлиб, маъмурий ишдан ташқари ҳарбий масалалар билан ҳам шуғулланганлар.

Музей фондида М.С. Юсупов томонидан тўпланган материаллар ҳам сақланган бўлиб, ушбу ҳужжатларда Бухоро амирлигидаги маъмурий бошқарув, суд тизими, ҳарбий қўшин тuzилиши, мансаб ва унвонлар, уларнинг фаолияти ва бошқа

---

<sup>1</sup> Welsford Thomas, Tashev Nouryaghdi. A Catalogue of Arabic-Script documents from the Samarqand museum. – Samarqand-Istanbul, 2012. – P.601.

соҳаларга оид маълумотлар мавжуд<sup>1</sup>. М.С. Юсуповнинг ишларини ўрганган олимлардан У. Абдурасулов ва П. Сартори ўзларининг мақоласида кенгроқ маълумот бериб ўтади<sup>2</sup>. Бунда асосан XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида суд тизими ва суд ишларини юритиш масаласига эътибор қаратилади. Бундан ташқари, Ю. Шукуруллаев ўз тадқиқот ишида ушбу фонддаги материаллардан фойдаланган<sup>3</sup>.

М.С. Юсупов томонидан тўпланган материалларнинг айримларини дала тадқиқотлари асосида ёзиб олинган маълумотлар ташкил этади. Ушбу материалларни ўрганиш жараёнида Бухоро амирлигида қўшин тузилиши, ҳарбий мансаб ва унвон эгалари, уларнинг вазифалари тўғрисида маълумотларни бериб ўтган. Хусусан, қушбеги мансаби эгаси тўғрисида ёзиб, уни амирдан кейин турувчи шахс, «бош вазир» деб ўтади<sup>4</sup>.

Музей фондидаги материалларни ўрганишда жараёнида турли мансаб ва унвон эгалари, уларнинг вазифалари тўғрисидаги маълумотларга дуч келдик. Булар ичида ҳарбий мансаб эгалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар ушбу даврда кўп ишларда ўз таъсир кучини ўтказган. Рус олими Д.Н. Логофет ўзининг аса-рида Бухоро амирлигидаги ҳарбий мансаб ва унвон эгалари номларини келтириб ўтади<sup>5</sup>. У амирликдаги бир қанча ҳарбий мансаб эгаларини рус ҳарбий мансабларига солиштириб чиқади. Хусусан, чухраоғаси – унтер офицер, жибачи – фельдфебел, мирзабоши – подпоручик, қоровулбеги – поручик, мирохур – капитан, тўқсабо – подполковник, эшикоғабоси – полковник, бий – бригадир, додхоҳ – генерал-майор, иноқ – генерал-лейтенант, парвоначи – тўлиқ генерал, қўшбеги – канцлер<sup>6</sup>. Амирликда, бундан ташқари, навқар, даҳбоши, юзбоши, ясавулбоши, шабгард, миршаббоши, тўпчибоши каби ҳарбий мансаблар бўлган. Амир Музаффархон (1860 – 1885) даври ҳукмронлигининг

<sup>1</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. 814-, 817-, 821-, 822-, 823- ва 824-йиғмажилдлар.

<sup>2</sup> Юсупов М.С. Суд в Бухаре. Судоустройство и судопроизводство в Бухарском эмирате конце XIX – начале XX в. // Текст и вводная статья: Ульфат Абдурасулов и Паоло Сартори. – Ташкент-Вена, 2016.

<sup>3</sup> Шукуруллаев Ю.А. Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш (1756 – 1920 йиллар): Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2006.

<sup>4</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси. 821- йиғмажилд, 1-в.

<sup>5</sup> Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том 1. – СПб., 1911.

<sup>6</sup> Ўша жойда. – С.239.

охирларидан қўшин бошлиғи тўпчибоши ёки лашкарбоши деб юритила бошлайди.

Хужжатларда қўрғон беклари ва саркардалар орасидан лашкарбоши ва тўпчибошилар тайинлангани келади. Хусусан, Амир Аҳад (Абдулаҳад) даврида (1885 – 1910) Бухорода қўшин бошлиғи бўлган лашкарбошилик мансабига Қарши ҳокими Акробек, амир Олимхон (1910 – 1920) даврида эса собиқ миршаб Абдусатторбек тайинланган<sup>1</sup>.

XIX аср иккинчи ярмидан амирликда қўшин бошлиғи лашкарбоши ёки тўпчибоши деб юритила бошланган. Ўз навбатида, қўшин бошлиғи амирга бўйсунган<sup>2</sup>. Музейдаги бир ҳужжатда 80 ёшли Маннон тўқсабо эски тўпчибоши ёки лашкарбоши бўлганлиги ёзилади<sup>3</sup>. Амирликда тўпчибоши иккита бўлган: «тўпчибоши аскар» ва «тўпчибоши дарвоза».

Аркни назорат қилиш ва қўриқлаш дарвоза тўпчибошисига юкланган бўлиб, у бир вақтнинг ўзида қушбеги ва тўрт ҳоким бошқарувини ҳам назорат қилган<sup>4</sup>. У аркда ўтирган ва ҳеч қачон шаҳарни тарк этмаган. Бухорода тўпчилар 250 киши бўлиб, улар 2 та гуруҳдан: терский тўпчи ва тўпчидан иборат бўлган. Терский тўпчи 100 киши, тўпчи 150 кишини ташкил этган. Терский тўпчиларида рус кўринишидаги 4 та тўп бўлган<sup>5</sup>.

Музейдаги бир ҳужжатда Мулло Носиржон деганнинг тўпчибоши Мирзо Абдураҳмонга мурожаати ёзилган. Унда у Фарғонаданлиги, икки ўғли билан ҳажга боришлиги ҳамда Самарқандга ўтмоқчилиги таъкидланган<sup>6</sup>.

Ҳарбий мансаблардан яна бири ясовулдир. М.С. Юсупов фондини ўрганиш жараёнида Бухоро амирлигидаги ясовулдиндухо мансаби мавжудлиги аниқланди. У Бухоро амирлигида яшаган ҳиндлардан солиқларни йиғиш ишига масъул бўлган<sup>7</sup>. Бошқа яна бир ҳужжатда амир ёрлиғига асосан Маъсумбек мирзабоши кўчманчилар қабиласининг ясавулига отлар учун ем-хашак, нон ва бошқа керакли нарсалар бериши кераклиги ёзилган<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. 814- йиғмажилд, 5-в.

<sup>2</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. 817- йиғмажилд, 9-в.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 7-в.

<sup>4</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. 823- йиғмажилд, 16-в.

<sup>5</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. 814- йиғмажилд, 4-в.

<sup>6</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. КП-1091.

<sup>7</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. 823- йиғмажилд, 19-в.

<sup>8</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. ҚД-64.

Кўшинда саркардалар ҳам бўлиб, улар маълум бир бўлинмага раҳбарлик қилган. Хусусан, бир материалда келтирилишича, кўшин 12 та гуруҳдан ташкил топган, ҳар бирида 400 та одам бўлган. Гуруҳ бошлиғи саркарда дейилган<sup>1</sup>.

Қоровулбеги мансаби ҳам бўлиб, у қоровуллар ва соқчилар бошлиғи ҳисобланган. Муфтий томонидан чиқарилган 1233/1818 йилга оид хулосасида Йўлибек қоровулбеги, Искандарбек қоровулбеги, Пирназарбек мирзабоши, Назар жибачи, Ашурбек мирзабоши номи келтирилиб, улар ўртасидаги даъво ишларининг шарҳи бериб ўтилган<sup>2</sup>. 1298/1881 йилга оид бошқа бир ҳужжатда қоровулбеги Маҳмудбекнинг Мирзоҳожига юборилган мактуби битилган<sup>3</sup>. Бу ҳужжатларда қоровулбегидан ташқари мирзабоши, жибачи номлари ҳам учрайди. Уларнинг номи ҳарбий мансаб эгалари қаторида келади. Мирза иш юритувчи, жибачи жиба ясовчи саналса – да, амирликда ҳарбий мансаб эгаси ҳам бўлган. 1283/1867 йилга оид ҳужжатда Амир Музаффар (1860 – 1885) Худоёр номли кишини мирзабошилик мансабига тайинлангани ёзилган<sup>4</sup>.

Қоровулбегининг вазифасига бир қатор ишлар киришини қуйидаги ҳужжатлар орқали кўрамиз. Ушбу ҳужжатда ҳарбийларни хизматдан озод этиш қоровулбегига буюрилгани ойдинлашади. Хусусан, Амир Насрулло (1826 – 1860) томонидан 1272/1855 йилда битилган хатда Шодибек қоровулбегига Урганчдан келган Зулфиқор исмли ғулумни озод этиши ва қаерга хоҳласа шу ёққа кетиши мумкинлиги ёзилган<sup>5</sup>. Амир Музаффар (1860 – 1885) 1290/1873 йилда Абдурахим қоровулбегига хат ёзиб, ундан Абдулкарим деган киши нима учун ойлик рўйхатга киритилмаганига аниқлик киритиш лозимлигини сўралган<sup>6</sup>.

Ҳарбий мансаб эгаси бўлган эшикоғаси сарой дарвозаларини қўриқлаш ишларига масъул бўлган. 1249/1833 йилга оид ҳужжатда даъвогар Имом Назарбийнинг Жаҳонгир эшикоғанинڭ ўғли Муҳаммадамин эшикоғасига даъвоси ёзилган бўлиб, унда ҳовли – жой олди – сотдиси масаласи юзасидан ўртадаги низо тўғрисида маълумот берилган<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. 817- йиғмажилд, 7-в.

<sup>2</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. ҚД-50.

<sup>3</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. ҚД-591.

<sup>4</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. ҚД-184.

<sup>5</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. ҚД-58.

<sup>6</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. ҚД-68.

<sup>7</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. ҚД-42.



Тўқсабо мансаби эгаси – сарой ва ҳарбий мансаб эгаси. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида амир туғини кўтариб юрган. Унга ҳарбий ҳаракатлар вақтида амир туғини кўтариб юриш ҳамда айрим муҳим фармон ва буйруқларни бажариш вазифаси юклатилган. Хусусан, 1285/1868 йилга оид бир ҳужжатда зиндонда ётган Шомуҳаммад исмли навкарнинг озод этилиши ва уни аввалги навкарликка қайтариш тўғрисидаги амир тўпчибошиси Тўхтамишбекбойнинг буйруғини бажариш вазифаси мулло Муҳаммад тўқсабога юкланган<sup>1</sup>.

Амир томонидан 1297/1880 йилда берилган ёрликда Ҳаким хўжа номли шахснинг ўғли бўлмиш Мўминхўжанинг Чироқчи тўқсабосининг навкарлари сафига қўшилгани ҳақида маълумот бериб ўтилган<sup>2</sup>.

Қўшин тузилиши тўғрисида ҳам яхши маълумотлар бериб ўтилади. Хусусан, Амир Музаффар (1860 – 1885) даврида қўшиндаги сарбозлар миқдори 12 000 нафар бўлган<sup>3</sup>. Амир Музаффар даврида Давлатбий сарбозлар саркардаси бўлган<sup>4</sup>. Сарбозлардан 6000 таси «сешамбеги» ва 6000 таси «шамбеги» деб юритилган. Уларнинг ҳар бири «даста»дан ташкил топган, ҳар бир «даста»нинг ўз саркардаси бўлган. Улар ҳам, ўз навбатида, 200 кишидан иборат бўлиб, 5 та «байдоқ»қа бўлинган. Битта «байдоқ»нинг ўз юзбошиси бўлган. Бир байдоқ 50 кишидан иборат бўлиб, улар яна 4 та гуруҳга бўлинган ва «навкар» дейилган. «Навкар»лар тартиб билан 1, 2, 3 ва 4 га бўлинган. Улар яна 2 та бўлимга бўлинган. Иккига бўлинган «дахбоши» дейилган. Қўшиндаги пиёда ҳаракатланувчи сарбозлар «оломон» дейилган<sup>5</sup>. Ҳар бир сарбоз тахминан ойига 20 тангадан пул олган. Бундан ташқари, қоровуллик қилгани учун кунига 15 тангадан «кунлик» пули берилган<sup>6</sup>. Лекин бу пул суммаси бир хил бўлмай, ўзгариб турган бўлиши мумкин. Қозоқлар 35 тангадан олганлиги, сарбозлар диний байрамлар вақтида худои пул (йилига бир марта 20 тангадан) олганини кўрамыз<sup>7</sup>.

Сешанбеги ва шанбеги сарбозларининг ўз мусиқачилар гуруҳи бўлиб, улар «болобомчи»лар дейилган. Улар 4 та мусиқачи-

<sup>1</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. ҚД-59.

<sup>2</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. ҚД-70.

<sup>3</sup> Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий архиви. 814- йиғмажилд, 4-в.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 20-в.


<sup>5</sup> Ўша жойда. 4-в.

<sup>6</sup> Ўша жойда. 7-в.

<sup>7</sup> Ўша жойда. 8-в.



лар гуруҳидан ташкил топган, ҳар бир муסיқачилар гуруҳида 4 та ноғора, 4 сурнайчи, 4 найчи, 2 дулчи. Жами 70 та болобомчи бўлган<sup>1</sup>.

Хулоса қилганда, Самарқанд давлат музей-қўриқхонасида сақланаётган ҳужжатларда юртимиз тарихига оид қимматли маълумотлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳали илмий муомалага киритилмаган. Ушбу ҳужжатларни ўрганиш орқали сўнги ўрта асрларда рўй берган тарихий жараёнларни холис ва ҳаққоний ёритиш мумкин. Музей фондида сақланаётган материаллар ва ҳужжатлар орқали Бухоро, Хоразм, Тошкент, Хўжанд, Қўқон ва Самарқанднинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётини, ундаги жараёнларни чуқур ўрганиш мумкин бўлади. Мақолада ҳарбий мансаб ва унвонлар масаласи қисқа қилиб ёритилган бўлса- да, музейдаги ҳужжатлар асосида уни янада кенгроқ ёритиш имкони мавжуд. Ушбу ҳужжатларни ўрганиш орқали Бухоро амирлигида ҳарбий қўшинда ўзига хос бошқарув тизими йўлга қўйилганини кўрамиз. Бу орқали кўп вақтлар тарихий китобларда ёзилмай келган ҳарбий тарих масаласини чуқур тадқиқ этиш долзарб экани ойдинлашади.




1- фото. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси. КД-59, КД-42

<sup>1</sup> Уша жойда. 5-в.



2- фото. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси. ҚД-591

نوز چشمه بدیند که بحد و لایف  
 مبارک زهر و جویبیت تمام دارم  
 مومن خواجه دلبر حکیم خواجه توجیه  
 چه خبر کرد ابقطار نوکینه ولایت چه خبر  
 نوکینه مبر نامودیم باید که در حق نوکینه  
 کرده دعا کسیرید به ترسیم



3- фото. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси. ҚД-70 а

## **ОТРАЖЕНИЕ НЕКОТОРЫХ АСПЕКТОВ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА В ТРУДАХ ФАЙЗУЛЛЫ ХОДЖАЕВА**

20 – 30-е годы XX в. были переломным периодом в жизни Туркестана, а затем и Узбекистана. В это время решались сложные социально-экономические проблемы, в гигантских масштабах ломались самые глубокие основы старой жизни, шло становление экономики социалистического общества и его социально-классовой структуры. Все эти процессы в той или иной степени были отражены в специальной литературе, изданной в эти и последующие годы.

Большой интерес и научную ценность своим критическим восприятием происходивших в процессе построения новых форм государственности в республике в 1920 – 1930-е годы представляют для современных историографов различного характера публикации крупных политических деятелей того периода, среди которых особо следует выделить руководителя республики в тот непростой период Файзуллы Ходжаева. В его обширном творческом наследии<sup>1</sup> содержится аналитическая критика происходивших в республике преобразовательных процессов, их ошибки и негативные последствия. В нем раскрываются средства достижения побед советской власти в строительстве социализма, трудные будни этого периода. К примеру, в работах Ф.Ходжаева уделяется большое внимание проблемам национально-государственного размежевания, а также организации работы Советов после него. Как подчёркивал сам Ф.Ходжаев, задача эта решалась в чрезвычайно трудных условиях пестроты хозяйственной, политической и бытовой жизни различных районов республики, поскольку она сложилась из частей, стоявших на совершенно различных уровнях жизни развития. В середине 1920-х годов бывшая Бухара и бывшая Турккеспублика были «далеко не одно и то же».<sup>2</sup> И, несмотря на то, что труды Ф.Ходжаева несут на себе четкий отпечаток своего времени (политизация и заидеологизированность),

---

<sup>1</sup> См.: Ходжаев Ф. Избранные труды. В трех томах. – Ташкент: Фан, 1970, 1972, 1973; Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 3 томлик. – Тошкент: Фан, 1976, 1977, 1978.

<sup>2</sup> Ходжаев Ф. Избранные труды. Т. II. – С. 451.

они представляют сегодня для историографов большую ценность, так как написаны глазами очевидца, занимавшего высокую должность и обладавшего прекрасными аналитическими способностями, и дают нам такие сведения, которых практически нет в литературе 1920 – 1930-х годов.

На основе анализа работ, вышедших в 20-е годы XX в., можно проследить динамику развития исторической мысли в Узбекистане в этот период. Поскольку в исторической науке пока еще только складывался идеологический диктат, в них достаточно свободно проявлялся плюрализм мнений. Издание таких работ было возможно потому, что, во-первых, имелись высококвалифицированные дореволюционные специалисты с большим опытом научной работы, умеющие привлекать обширные статистические и документальные материалы, и, во-вторых, потому, что в 1920-е годы в республике еще допускались в научных исследованиях определенная свобода мнений и нестандартные методологические подходы.

Особое место при изучении различных аспектов государственности Узбекистана в советский период принадлежит проблеме национально-территориального размежевания Средней Азии, проведенного советской властью, в основном, в 1924 – 1925 гг., но по сути завершено во второй половине 1930-х годов. Беглый обзор литературы по данному вопросу показал его малоизученность в рассматриваемый период. Во многом это было связано с ограниченностью источников, освещающих данную проблему, по причине того, что доступ к большей части архивных материалов по размежеванию был намеренно ограничен. Проблема, конечно, освещалась в исторической науке, но исключительно с точки зрения советской национальной политики и коммунистической идеологии.

Национально-территориальное размежевание в Центральной Азии было процессом выделения в составе Советского Союза национальных административно-территориальных единиц (республик, автономных ССР, автономных областей и округов). Оно было частью изменения административно-территориального деления страны, в ходе которого учитывались не только национальные, культурные, географические, но и социально-экономические и политические параметры. Особое место в оценке национально-территориального размежевания Средней Азии в этот период принадлежит Ф.Ходжаеву. Своё видение

проблемы он подробно изложил в работе «К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии»<sup>1</sup>. В данной работе автор подчеркивает, что «...существующие в настоящее время (т.е. накануне размежевания – Н.М.) политические границы республик Средней Азии (Туркестан, Бухара и т.д.) искусственны. Эти границы несправедливо разрывают на части каждую из населяющих их народностей»<sup>2</sup>.

Действительно, среднеазиатские ханства не были образованы по этническому признаку, и, во многом, границы этих государств были скорее следствием амбиций и военных претензий правящих элит к своим ближайшим соседям. Как совершенно справедливо пишет Ф. Ходжаев, именно многочисленные войны между ханствами «...являются одной из самых основным причин нынешней отсталости народов Средней Азии, как в хозяйственном, так и в культурном отношении»<sup>3</sup>. Автор считает, что организация национальных республик, учитывая их национальные, географические особенности, их интеграцию в регион со своей хозяйственной деятельностью, является наиболее правильным путем решения вопроса административно-территориального деления региона, что путем размежевания «...будет наиболее ярко выявлено соотношение отдельных элементов народного хозяйства, ясно определится и ряд других элементов, что даст возможность внести в дело всего среднеазиатского народного хозяйства определенную систему и увязку и тем самым заложит прочный фундамент для дальнейшего интенсивного развития»<sup>4</sup>.

Весьма интересным представляется небольшой исторический экскурс Ф.Ходжаева в прошлое региона. Возражая сторонникам объединения тюркских народов в единое государство, он в качестве аргумента против приводит войну между Амиром Темуром и Баязидом, которые «...оба были тюрками», что не помещало им воевать между собой. «При самом беспристрастном изучении исторических фактов и взаимоотношений тюркского племени мы не видим единства между различными тюркскими племенами. Короче говоря, племенное проис-

---

<sup>1</sup> Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии // Избранные труды. Т.1. – Ташкент, 1970. – С.69 – 317.

<sup>2</sup> Там же. – С.269.

<sup>3</sup> Там же.

<sup>4</sup> Там же. – С.272.

хождение еще не объясняет национального единства. Племя не есть нация. Племена одного и того же народа, живущего в различных географических и экономических условиях, неизбежно ведут различный образ жизни, что неминуемо вносит в их быт характерные для данной местности и для данного вида труда особенности», – пишет Ф.Ходжаев. Здесь с автором сложно не согласиться, так как народу, проживающему в определенной местности, характерны свои виды трудовой деятельности, особенности быта, менталитета, психологии, культуры и т.д. Говоря в целом, в работе четко прослеживается твердая позиция автора в пользу национально-территориального размежевания.

Одним из аспектов политики государства в 20 – 30-е годы XX в. была организация работы органов исполнительной власти, т.е. советов. Этот вопрос также нашел свое отражение в исторической литературе советского периода. Большой интерес в процессе изучения проблемы представляют труды Ф.Ходжаева, так как они отражают опыт работы возглавляемого им правительства в этом направлении. Он особо подчеркивал то обстоятельство, что решать эту задачу правительству Узбекистана надо было в чрезвычайно трудных условиях пестроты хозяйственной, политической и бытовой жизни различных районов республики, поскольку она сложилась из частей, стоявших на совершенно различных уровнях развития, с различным историческим прошлым. Как пишет Ф.Ходжаев, в середине 20-х годов бывшая Бухара и бывшая Турккеспублика были «далеко не одно и то же»<sup>1</sup>.

Наиболее трудной, по мнению Ф. Ходжаева, была задача организации низового советского аппарата единого типа, так как в Бухаре еще действовали остатки эмирского аппарата, в Хиве – остатки органов управления ханства, а на территории бывшей Турккеспублики, хотя и существовали сельсоветы, но «они были очень плохо приспособлены к работе»<sup>2</sup>. Положение усугублялось еще и тем, что к началу 1926 г. в сельской местности присутствие советской власти практически не ощущалось. Ф. Ходжаев объяснял это спецификой состава населения республики, состоящего преимущественно из дехкан, т.е. наиболее отсталой части, которая пока еще непосредственного участия в

---

<sup>1</sup> Ходжаев Ф. Избранные труды. Т. II. – Ташкент, 1972. – С. 451.

<sup>2</sup> НА Уз, ф. Р-837, оп. 15, д. 3, л. 2 – 3.

организации советской власти у себя в кишлаке не принимала<sup>1</sup>. Ф.Ходжаев также высказывал крамольную для того времени, на наш взгляд, мысль о том, что октябрьские события у нас прошли «только силами европейского пролетариата, и лишь часть местного населения принимала в этом участие, большая же часть его в деле организации Советской власти до 1925 года практически не участвовала»<sup>2</sup>.

К слову, вопрос о степени участия народных масс Туркестана в событиях 1917 г. был в этот период очень злободневным. Вопреки декларативным заявлениям партийного руководства Туркестана о том, что местное население принимало активное участие в событиях 1917 г., а все последующие мероприятия советской власти находили у него горячую поддержку, в 1920–е годы, наряду с работами Ф.Ходжаева<sup>3</sup>, был опубликован ряд работ крупных партийных работников Г.И. Сафарова<sup>4</sup>, С. Муравейского<sup>5</sup>, Т. Рыскулова<sup>6</sup>, Л. Резцова<sup>7</sup>, в которых высказывалась другая точка зрения. Так, Г.И. Сафаров, являясь членом Турккомиссии и Туркбюро ЦК РКП(б), в 1921 г. писал, что в Туркестане «мало-мальски широкого революционного движения не было», а февральская революция вообще «пришла сюда по телеграфу». Он объяснял это спецификой Туркестана, где между толщей угнетенных наций и русским пришлым населением стояла «непроходимая стена взаимного непонимания на почве национального неравенства», поэтому «для классового интернационального пролетарского движения здесь было слишком мало почвы», а революция приобрела сразу же «роковой колонизаторский уклон»<sup>8</sup>, и с первых же дней она «утвердилась

---

<sup>1</sup> Там же, л.4.

<sup>2</sup> НА Уз, ф. Р-837, оп. 15, д. 3, л. 2.

<sup>3</sup> Ходжаев Ф. Десять лет борьбы и строительства (К десятой годовщине Октября). – Самарканд-Ташкент: Госиздат УзССР, 1927. – 42 с. // Избранные труды. – Ташкент: Фан, 1972. Т. II. – С.110 – 157.

<sup>4</sup> Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – М.: Госиздат, 1921. – 147 с.

<sup>5</sup> Муравейский С. (Лопухов). Сентябрьские события в Ташкенте в 1917 г. (по архивным материалам и опросам участников) // Пролетарская революция. 1924. №10. – С.139 – 161.

<sup>6</sup> Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов). С предисловием автора. 1917 – 1919. Ч.1. – Ташкент, 1925. – 218 с.

<sup>7</sup> Резцов Л. Октябрь в Туркестане. – Ташкент: Средазкнига, 1927. – 119 с.

<sup>8</sup> Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана)... – С.83, 85.



как власть тонкого слоя русских рабочих»<sup>1</sup>. Об этом же писал в 1924 г. в журнале «Пролетарская революция» С. Муравейский, возглавлявший Туркестанский истпарт: «Туркестанское туземное дехканство (крестьянство) никакого участия в революции не принимает, почти не участвует в ней и население «старых» городов. Причиной этого была созданная великодержавной российской политикой грань между туземным населением и русскими»<sup>2</sup>.

Именно это и послужило причиной того, что укрепление позиций новой власти в республике протекало очень медленно и с большим трудом. И, хотя, агитационно-разъяснительная работа, проводившаяся в ходе избирательных кампаний 1925, 1926 гг., привела к тому, что к весне 1927 г. задача создания в Узбекистане низового советского аппарата, в основном, была решена, однако, по мнению Ф.Ходжаева, его позиции, способность к плодотворной результативной работе были крайне слабыми. «Очень часто, – указывал он, – это был только «юридически советский» аппарат, не имеющий в кишлаке авторитета. Фактически делами кишлака, особенно в отдаленных районах, вершил «невидимый» аппарат, остатки царского и эмирского управления... И этот «невидимый аппарат», давал дехканству совершенно превратное представление о советской власти».<sup>3</sup> Довольно смелая для того времени позиция, сыгравшая впоследствии свою роковую роль в судьбе Ф.Ходжаева.

Аналитическая критика, и довольно резкая, впрочем, была характерна в 1920-е годы для его работ и выступлений. Вот что говорил Ф.Ходжаев о состоянии советского аппарата в 1929 г.: «Расхлябанность, непонимание задач, нечеткость в работе, бюрократическое отношение, недостаточное умение увязывать конкретные практические задачи сегодняшнего дня с большими политическими задачами, стоящими как в данный момент, так и на ближайшие перспективные годы, неумение увязки такой работы сплошь и рядом господствует в наших ... советских организациях. Наши организации... если взять особенно их низовые звенья (сельсовет, район), настолько слабы, настолько не укомплектованы достаточно подготовленными работниками, а особенно советские органы настолько элементарно безграмот-

---

<sup>1</sup> Правда. 1920 г. 20 июня.

<sup>2</sup> Муравейский С. (Лопухов). Сентябрьские события в Ташкенте в 1917 г... – С.138.

<sup>3</sup> Ходжаев.Ф. Избранные труды. Т.И. – С.452.

ны в целом ряде районов, что чрезвычайно трудно бывает порой проводить те или иные планы, доводить эти планы до дехканства»<sup>1</sup>.

Вопрос подготовки местных кадров для работы в органах управления, иначе говоря, коренизации государственного аппарата, также нашел свое отражение в литературе периода, в частности, и в трудах Ф.Ходжаева. Он неоднократно высказывает мнение о том, что «причиной слабого проведения узбекизации являлся низкий культурный уровень населения и почти полное отсутствие лиц со специальной подготовкой»<sup>2</sup>. Ф.Ходжаев считал, что основными источниками формирования кадров советских государственных служащих были выпускники целой сети созданных совпартшкол и специальных курсов, выдвиженцы из рабочих и дехкан, которые могли улучшить количественные, но никак не качественные показатели, а также демобилизованные красноармейцы. По мнению Ф.Ходжаева, именно они должны были стать «лучшей опорой Советской власти, лучшими строителями советской государственности»<sup>3</sup>. И они становились ими. Человек, прошедший школу военной дисциплины, политической грамотности и классовой непримиримости, безусловно, переносил знакомые ему приемы взаимоотношений и в мирную работу. И эти новые кадры советских работников, естественно, сами создавали и безоговорочно поддерживали стиль авторитарного руководства, создавали атмосферу, способствующую утверждению тоталитарного режима.

В целом, анализ работ и выступлений Ф.Ходжаева, в которых затрагиваются вопросы построения новой советской государственности, показывает, что организационные процессы советского строительства проходили медленно и трудно, аппарат советов был громоздким, дорогим, не взаимосвязанным в своих звеньях, его работники не обладали необходимой квалификацией, и этот недостаток прикрывался силовыми методами руководства.

---

<sup>1</sup> НА Уз, ф. Р-837, оп. 15, д. 40, л. 4.

<sup>2</sup> Ходжаев Ф. Избранные труды. Т. II. – С. 548.

<sup>3</sup> Там же. – С. 462 – 463.

## ЯХЁ ҒУЛОМОВНИНГ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИ ШАКЛЛАНИШИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Яхё Ғуломов 1908 йил 1 майда Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур даҳасидаги Оқмачит маҳалласида мадраса ўқитувчиси оиласида дунёга келган. Унинг отаси Ғуломхон Махсум ўша вақтларда Тошкентнинг машҳур Хўжа Аҳрор мадрасасида мукарирлик (мударрис-ўқитувчига ассистент) вазифасини бажарган. Онаси Сорахон ўткир зеҳн эгаси бўлиб, қариндош-уруғ ҳамда маҳалла-қўйда энг баобрў ва саводхон аёллардан ҳисобланган. Ўз ҳовлисида мактаб очиб, маҳалла қизларини саводга ўргатган.

Ота ва онанинг саводхонлиги, хусусан, Сорахон отининг мактабдорлиги туфайли фарзандларининг аксарияти бошланғич таълимни ўз оиласида олган. Шу жумладан, Яхё ҳам ҳовлисидаги мактабхонада опаси ёнида ўтириб онасидан аввал тахтачага ёзилган арабча 28 ҳарфли «алифбо»ни ёд олган, сўнгра «абжад» деб аталган тўрт амалли арифметикани ўрганган. У 7-8 ёшларидаёқ арабча ва форсча китобларни бемалол ўқий олган<sup>1</sup>. Бу эса унинг кейинги фаолиятида, етук манбашунос олим бўлишида катта аҳамият касб этган. Бугунги кунда Яхё Ғуломов нафақат ўзбек архология мактабининг асосчиси, балки кенг қамровли тарихчи, шарқшунос олим сифатида ҳам тан олинди. Ушбу мақолада Яхё Ғуломовнинг Самарқанд давлат университети қўлёмалар фонди ва уларни ўрганиш илмий мактабининг шаклланишига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилади.

Яхёнинг отаси Ғуломхон Махсум 1918 йилда вафот этади. Шундан сўнг Сорахон отин шароитдан келиб чиққан ҳолда фарзандлари Яхё ва Саид Аҳмадларни Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ташкил этилган «Намуна»<sup>2</sup> номли мактаб – интернатга топширади. Бу даргоҳнинг олтинчи синфини 1923 йилда тугатгач Яхё Ғуломов ўқишини Ўлка ўзбек билим юрти (Ўзбекский мужской институт просвещения – Узинпрос)да давом эттиради. Бу даргоҳни 1926 йилда битириб, мактабда ўқитувчи-

<sup>1</sup> Муҳаммаджонов А. Яхё Ғуломовни хотирлаб (Ўқувчиларга устозимиз ҳақида). – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.5 – 6.

<sup>2</sup> «Намуна» мактаб-интернати етти йиллик шўролар тарбия мактабларидан бири ҳисобланган.

лик қилади<sup>1</sup>. Ўқишни давом эттириш ва олий маълумот олиш мақсадида Самарқандга йўл олади. Чунки бу даврда Самарқанд Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиб, илм ва маърифатнинг илк ўчоғига айланган эди.

Бу йилларни Яхё Ғуломов шундай хотирлайди: «Мен 1926 йил баҳорида «Ўлка ўзбек билим юрти»ни тугатиб, кузда Ўрта Осиё давлат университетининг инженер-мелиорация факультетига имтиҳондан ўтолмай мактабда ўқитувчилик қилардим. 1927 йил январда Самарқандга бориб, ижтимоий фанлар факультетининг рус группасига кирдим»<sup>2</sup>.

1924 йилнинг кузида ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланишдан сўнг Ўзбекистон Советларининг Бухорода ўтказилган I қурултойи (1925 йил 13 – 17 феврал)да Ўзбекистон ССР давлати тузилади. Халқ хўжалигининг турли соҳаларига оид мутахассисларга бўлган эҳтиёж янги давлатнинг пойтахти Самарқанд шаҳрида олий таълим муассасасини ташкил этишни кун тартибидаги энг асосий ва ҳаётий масалага айлантирди. Катта тайёргарлик ишларидан сўнг 1927 йил 22 январда Самарқанд шаҳрида Олий педагогика институти тантанали очилади. Бу олий ўқув юртининг ташкил топиши ўша даврда катта ижтимоий ва сиёсий воқеа эди деб ёзади Беҳзод Тўрақулов<sup>3</sup>. Шунга қарамай, бу таълим муассасасининг фаолияти, унда шаклланган илмий мактаблар тарихи ўрганилмасдан, ҳалигача ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Бугунги кунгача Яхё Ғуломовнинг ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлиб, унинг Самарқандда ўқиганлиги қайд қилинган<sup>4</sup>. Аммо Самарқанддаги, хусусан, Самар-

---

<sup>1</sup> Ахунова М.А., Аскарлов А.А., Зияев Х.З., Чехович О.Д. К 70-летию академика АН УзССР Я.Г. Гулямова // ОНУ. №7. 1978. – С.37.

<sup>2</sup> Ғуломов Я. Вяткин ҳақида хотиралар // ОНУ. №11. 1969. – С.45.

<sup>3</sup> Тўрақулов Б. Самарқанд давлат университети тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: СамДУ, 2017. – Б.7.

<sup>4</sup> Библиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана / Составитель Б.В. Лунин. – Тошкент: Фан, 1976; Лунин Б.В. Яхья Гулямович Гулямов. – Ташкент, 1979; Асқаров А.А. Ўзбек археологиясининг отаси // Ўзбекистон овози. 1993 йил 1 май; Лунин Б.В. Выдающийся ученый-археолог Узбекистана Яхья Гулямович Гулямов // Ўзбекистон тарихи. 2002. №2.; Буряков Ю.Ф. Роль Я.Г. Гулямова в изучении цивилизации и городской культуры Средней Азии // Ўзбекистон тарихи. 2008. №2. – Б.12 – 18; Қосимов Ф. Академик Яхё Ғуломов ва Бухоро қадимшунослиги // Ўзбекистон тарихи. 2008. №2. – Б.84 – 85; Канимқулов О. Яхё Ғуломовнинг археологик ишлари // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. – Тошкент: ТошДШИ, 2009. – Б.94 – 101.

қанд давлат университетидаги фаолияти кенг ёритилмаган ёки тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур мақолада ҳам бу масалани ёритиш кўзда тутилмаган. Бунда Яҳё Ғуломовнинг Самарқанд давлат университети қўлёзмалар фонди билан боғлиқ фаолияти ҳақида тўхталдик, холос.

Яҳё Ғуломов талабалик йиллари ҳақида ёзиб қолдирган хотираларида шундай жумлалар бор: «Ўқитиладиган фанлар қаторида «Муслмон шарқи тарихи» деган курс қўйилиб, уни В.Л. Вяткин ўқийди деб эълон қилдилар. Мен 1921 йил таъсири билан В.Л. Вяткиннинг бизга дарс беришига норозилик кўрсатувчиларнинг бири бўлиб, институт директори профессор Меркуловичга норозилик билдирдик. ... В.Л. Вяткиндан кўп нарса ўрганишга ишонқирамадим. ... Биринчи лекциядаёқ у менинг илгариги қарашларимни остин-устин қилиб юборди, чунки унинг билганлари олдида менинг ўзимга бўлган эътиқодим пучдек кўрина бошлади. ... Бизга рус тилида сиёсий иқтисоддан лекция ўтувчи коммунист Отажон Ҳошимов бизнинг В.Л. Вяткинга нисбатан бўлган кайфиятимиздан огоҳ бўлиб, мени ва бир неча студентларни директор кабинетига чақириб, В.Л. Вяткиннинг ўтмишдаги ва ҳозирги хизматларини мақтаб, унинг чинакам совет олими ва актив ватанпарвар эканлигини яхши уқтирди, биз у ердан тамоман бошқача бўлиб чиқдик. Менга асл манбаларни синчиклаб ўқишни биринчи бўлиб маслаҳат берган ҳам шу В.Л. Вяткин бўлди. У бир лекциядан кейин мени Самарқанд Эски шаҳарига олиб кетди. Регистон кўчасидаги кутубхонага олиб кирди. ... Ўзи баланд шкаф олдида стул қўйиб, юқоридан чанг босиб ётган катта китобларни олиб тушди. Бу китоб «Тарихи Табарий»нинг туркча таржимаси эди. Шу ерда ўтириб, у китобнинг қайси бобларини биринчи навбатда ўқишни менга кўрсатиб берди. Китобнинг ўзи туркча бўлгани билан, сарлавҳалари форсча эди. Домла форс ҳам туркчани бунчалик равон ўқишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. У кишининг сўзи билан кутубхона мудирини менга ўз кабинетидан жой кўрсатди»<sup>1</sup>.

Араб ёзувидаги қўлёзма манбаларни бемалол ўқий олган Яҳё Ғуломов тезда устозларининг назарига тушади. Ҳали талаба бўлса- да, ассистент вазифасини бажарувчи сифатида ишга қабул қилинади. Чунки Олий педагогика институтини «малакали кадрлар билан таъминлаш ўз даври учун мураккаб вазифа бўл-

---

<sup>1</sup> Ғуломов Я. Вяткин ҳақида хотиралар... – Б.45 – 46.

ди. Биринчи олийгоҳ олдида турган асосий вазифа маҳаллий аҳоли вакиллари ўқитиш бўлиб, ўзбек тилида дарс бера оладиган ходимларни топиш амри маҳол»<sup>1</sup> эди.

Яҳё Ғуломовнинг хотирлашича, «1929 йили мен ҳали студент эдим. Институтнинг профессорлари Б. Солиев, В.Л. Вяткин ҳам А. Фитрат ўзаро маслаҳат қилишиб, институтда «Ўрта Осиё тарихи ва адабиёти» кабинетини очиб, шунга мени ассистент қилиб тайинлашди. *Кабинетга жуда кўп қўлёзма китоблар тўпландик.* Бу ишда ҳам катта хизматни В.Л. Вяткин қилди. У мени бошлаб кўп жойларга олиб борди, кўп китоб мухлислари билан таништириб, уларга китоблар олиб бордик. Улар кабинетга келиб, узоқ-узоқ ўтирадиган бўлиб қолишди»<sup>2</sup>. Архив ҳужжатларида қайд қилинишича, Ўзбек давлат олий педагогика институти бошқарувининг 1929 йил 16 январдаги йиғилишида профессор вазифасини бажарувчи А. Фитрат Яҳё Ғуломовни ассистент қилиб ишга олишни таклиф қилади. Йиғилиш қарор қилади: «*утвердить товарища Гулямова врид.<sup>3</sup> ассистента по кафедре Узбековедения с оплатой из расчета за 9 нед. часов*»<sup>4</sup>.

Демак, бугунги кунда Самарқанд давлат университети қўлёзмалар хазинасида сақланаётган манбаларни йиғиш ишлари Олий педагогика институти ташкил этилган йилдан бошланган. Қўлёзмалар фондининг шаклланишида Б. Солиев, В.Л. Вяткин, А. Фитратдан кейинги катта ҳиссани Яҳё Ғуломов қўшган.

---

<sup>1</sup> Тўрақулов Б. Самарқанд давлат университети тарихидан лавҳалар... – Б.7.

<sup>2</sup> Ғуломов Я. Вяткин ҳақида хотиралар... – Б.47 – 48.

<sup>3</sup> Временно исполняющий должность.

<sup>4</sup> Самарқанд вилоят давлат архиви. Ф. 519, оп. 2, д. 2, л. 66.

III Қисм

**ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ АРХЕОЛОГИЯ,  
ЭТНОЛОГИЯ ВА ТОПОНИМИКАСИ**

---

III Часть

**АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОЛОГИЯ И  
ТОПОНИМИКА  
ЗЕРАВШАНСКОЙ ДОЛИНЫ**





*Д. Джуракулова*

## **САМАРҚАНД СЎНГГИ ПАЛЕОЛИТ МАКОНИНИНГ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўзбекистонда сўнги палеолит ёдгорликларига энг бой ҳудуд Зарафшон дарёси водийси ҳисобланади. Ҳудуднинг асосий ёдгорликларидан бири Самарқанд маконидир. У Чашмасиёбнинг ўнг қирғоғида, бевосита Самарқанд шаҳри ҳудуди ўрнида жойлашган бўлган. Ёдгорлик 1939 йилда Н.Г. Харламов томонидан очилган ва шу йилда унинг томонидан шурф қазилган. Маконни ўрганиш ишининг иккинчи босқичи Д.Н. Лев номи билан боғлиқ, унинг раҳбарлигида қазилган ишлари 1958 йилдан 1967 йилгача олиб борилган. 1970 – 1973 йилларда Самарқанд маконини ўрганиш ишлари М.Ж. Жўрақулов ва Е.Н. Амарцева томонидан давом эттирилди. Турли йилларда ёдгорликни қазилган ишларида В.В. Шумов, А.А. Юрев, Г.Ф. Тетюхин ва С.А. Несмеянов каби геологлар ҳам иштирок этган.

Самарқанд маконида 7 та маданий қатлам аниқланиб, улардан минглаб тош буюмлар, бой фауна билан биргаликда ўчоқ қолдиқлари, одам суягининг бўлаклари ҳамда оҳра қолдиқлари топилган.

Самарқанд макони материалларининг ташқи кўриниши Сибир сўнги палеолити материалларига ўхшашлиги (Мальта, Буреть, Ачинская ва ҳ.к.) ушбу ҳудудлар маданиятлари ўртасида этник алоқалар бўлганлиги ҳақидаги фикрларни келтириб чиқарди. Галькали ҳамда пластиналар техникалар бирга учрашининг ғайритабиийлиги ва Самарқанд макони индустриясининг хусусиятлари ҳақидаги аниқ техник-типологик тасаввурларнинг йўқлиги унинг маданий-генетик ҳамда хронологик тараққиёти йўллари тўғрисидаги турли хил фикрлар пайдо бўлишига олиб келди. А.П. Окладниковнинг фикрича, Самарқанд макони инвентари таркибий жи-

ҳатдан Мальта, Буреть, Ачинская ёдгорликлари индустрияларини такрорлайди. Самарқанд макони материалларининг Енисейбўйи сўнгги палеолит даври индустриялари билан ҳам ўхшашлиги З.А. Абрамова томонидан таъкидланган. З.А. Абрамова даставвал Самарқанд макони материалларини Европа ёки Олд Осиё маданиятларининг бир вариантыга киритган эди. Г.Ф. Коробкова эса Самарқанд макони индустриясининг ўзига хосликларига эътибор берар экан, унинг Ўрта Осиё ҳамда унга қўшни ҳудудларда ўхшаши йўқ деган эди<sup>1</sup>. Бундай мунозоралардан В.А. Ранов ҳам четда турмади ва у Самарқанд макони индустриясини типологик жиҳатдан Осиё маданиятлари тараққиёти йўналишига киритишни таклиф қилди. Ушбу фикрни инкор этмасдан Д.Н. Лев Самарқанд макони индустриясини генетик жиҳатдан Омон-Қўтоннинг мустье даври материаллари билан боғлади<sup>2</sup>. Ёдгорликнинг Сибир сўнгги палеолити материалларига ўхшашлиги М.Ж. Жўрақулов томонидан ҳам қайд қилинган<sup>3</sup>. Бундан ташқари, Самарқанд макони материаллари Покистондаги Сангао ғори индустриясига ҳам ўхшашлиги қайд этилган<sup>4</sup>.

Тожикистондаги сўнгги палеолит даврига оид Шугноу маконининг очилиши таққослашларнинг янги тўлқинини келтириб чиқарди. В.А. Ранов<sup>5</sup> ҳамда Ю.П.Холюшкин<sup>6</sup> Шугноунинг Самарқанд макони билан даврий жиҳатдан яқинлигини таъкидладилар. М.Ж. Жўрақуловнинг кейинги тадқиқотларида Самарқанд макони сибирий-хитой палеолит даври маданиятлари доирасига киритилди<sup>7</sup>.

Даставвал Самарқанд макони археологик ва стратиграфик жиҳатдан сўнгги палеолитнинг бошлари билан ёки мил. авв. 40

---

<sup>1</sup> Коробкова Г. Ф. Трасалогическое исследование каменного инвентаря Самаркандской стоянки (По материалам 1958 – 1960 гг.) // Палеолит и неолит СССР. Т. 7 / Под ред. Абрамовой З.А. и Праслова Н.Д. // МИА. №185. – Ленинград, 1972. – С.157 – 168.

<sup>2</sup> Лев Д.Н. Поселения древнекаменного века в Самарканде. Исследования 1958 – 1960 гг. // Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 135 / Под ред. Аминова Б.У. – Самарканд, 1964. – С.5 – 109.

<sup>3</sup> Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1987. – С.116 – 122.

<sup>4</sup> Ранов В.А. Самаркандская стоянка и ее место в каменном веке Средней Азии // ИАН Тадж. ССР. Отд. общ. наук. №4/58. 1969. – С.36.

<sup>5</sup> Ранов В. А. Шугноу – многослойная палеолитическая стоянка в верховьях р. Яхсу. Раскопки 1969 – 1970 гг. // Археологические работы в Таджикистане. Вып.10. 1973.

<sup>6</sup> Холюшкин Ю.П.. Проблемы корреляции позднепалеолитических индустрий Сибири и Средней Азии. Новосибирск 1981; Шумов В.В. Самаркандская стоянка первобытного человека (полевой отчет о раскопках и геологическая характеристика) // Архив Самаркандского Музея истории, культуры и искусства Узб. ССР. №996. 1981.

<sup>7</sup> Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии... – С.119.

мингйилликлар билан саналанди<sup>1</sup>. Ушбу фикрни П.П. Ефименко<sup>2</sup> ва П.И. Борисковский ҳам тасдиқлади<sup>3</sup>. М.Ж. Жўрақулов ёдгорлик учун мил. авв. 33 мингйилликлар билан саналашни таклиф қилди<sup>4</sup>. З.А.Абрамова эса Самарқанд маконининг бундай қадимийлигига шубҳа билан қаради. В. А. Рановнинг фикрига кўра<sup>5</sup>, Самарқанд маконининг маданий хосликлари ҳақида аниқ фикрлар йўқ. Д.Н. Лев Самарқанд макони индустриясининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, уни мустақил Самарқанд сўнгги палеолит маданиятига ажратишни таклиф қилган<sup>6</sup> ва бу фикр В.А. Ранов ҳамда Ю.П. Холюшкин томонидан қўллаб-қувватланган эди. Ю.П. Холюшкин Самарқанд маконини алоҳида маданий-иқтисодий комплекс деб қарайди<sup>7</sup>. М.Ж. Жўрақулов эса бундай хулосаларни қилиш ҳали эрта деб ҳисоблайди<sup>8</sup>.

Самарқанд маконининг функционал моҳияти ҳақида ҳам яқдиллик йўқ. Д.Н. Левнинг фикрига кўра, у тошга ишлов бериладиган устахонадир<sup>9</sup>, Ю.П. Холюшкин учун у макон-устахона, Г.Ф. Коробкова эса ёдгорликни баъзи жойларида тошларни чақмоқлашга мўлжалланган майдонли макон дея талқин қилади<sup>10</sup>.

Ёдгорлик жойлашган учала қуйи террасанинг синхронлиги борасида ҳам турли хил фикрлар мавжуд. Шунинг учун ҳам ҳар учала қатламнинг материаллари умумлаштирилган ҳолатда тал-

---

<sup>1</sup> Лев Д.Н. Поселения древнекаменного века в Самарканде. Исследования 1958 – 1960 гг... – С.97 – 107.

<sup>2</sup> Ефименко П.П. К вопросу о возрасте позднепалеолитической стоянки в Самарканде. Вероятность раннего возраста стоянки // Тр. СамГУ. Новая серия. Вып.135. – Самарканд, 1964. – С.110 – 112.

<sup>3</sup> Борисковский П.И. Предисловие // Лев Д.Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде // Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 135. – Самарканд, 1964.

<sup>4</sup> Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии... – С.116.

<sup>5</sup> Ранов В.А. Самаркандская стоянка и ее место в каменном веке Средней Азии... – С.36.

<sup>6</sup> Лев Д.Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде // Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 135. – Самарканд, 1964.

<sup>7</sup> Холюшкин Ю.П. Проблемы корреляции позднепалеолитических индустрий Сибири и Средней Азии. Новосибирск, 1981; Шумов В.В. Самаркандская стоянка – памятник первобытного человека (полевой отчет о раскопках и геологическая характеристика) // Архив Самаркандского Музея истории, культуры и искусства Узб. ССР. №996. 1981.

<sup>8</sup> Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии... – С.125.

<sup>9</sup> Лев Д.Н. Палеолит Самаркандской области и его специфические особенности // Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 166 / Под ред. Аминова М. У. – Самарканд, 1967. – С.84 – 87.

<sup>10</sup> Коробкова Г.Ф. Трасалогическое исследование каменного инвентаря Самаркандской стоянки ... – С.168.

қин қилинган. Ушбу масалага С.А. Несмеянов айрим аниқликларни киритган. У геологик ва палинологик маълумотларга асосланиб Самарқанд макони қатламларининг турли даврларга оид бўлиши мумкинлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Ушбу фикрни Л.Б. Вишняцкий ҳам инкор этмайди.

Шундай қилиб, Самарқанд макони атрофидаги илмий мунозаралар ҳозиргача тинчиган эмас. Бахтга қарши, ёдгорликнинг планиграфияси ва тош буюмларининг функционал анализлари тўлиқ чоп этилмаган.

Трасалогик анализлар асосида Г.Ф. Коробкова Самарқанд маконининг генетик келиб чиқишини унга қўшни бўлган мустъе даври ёдгорликлари билан боғлайди. Самарқанд маконида устун бўлган техниканинг генетик боғлиқлиги унга қўшни бўлган, бироқ анча қадимги ёдгорликларда кузатилади. Гап сўнгги мустъе даврига оид Қўтирбулоқ ҳамда Зирабулоқ хусусида боради<sup>2</sup>.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ индустриялари асосида Самарқанд сўнгги палеолит маданиятини келтириб чиқарган асосий ва бошланғич пласт ҳисобланади<sup>3</sup>. М.Ж. Жўрақулов ҳамда Е.Н. Амарцеванинг кейинги тадқиқотлари ушбу фикрни яна бир бор тасдиқлади. Самарқанд макони билан Қўтирбулоқнинг юқори қатламлари индустриясини параллел елкали йўнилғилар нисбатининг ўсиши ҳамда зарб майдонларнинг кам ҳолларда текисланиши ҳам яқинлаштиради<sup>4</sup>.

Қўтирбулоқ билан Самарқанд маконини уларда қўлланилган хомашёнинг ўхшашлиги, чақмоқлаш техникаси, иккиламчи ишлов бериш, ҳатто инструментлар таркиби билан ҳам яқинлаштиради. Аммо Қўтирбулоқда иккиламчи ишлов бериш унинг характери белгиси бўлса, Самарқанд маконида тош қурооллар анча кам сонли кўрсаткичларга эга. Бундан ташқари, Самарқанд макони индустриясида атайин кесилган пластиналар ҳамда учириндилар сони ҳам жуда кам, баъзан учрайдиганлари ҳам

---

<sup>1</sup> Несмеянов С.А. Геологическое строение Самаркандской верхнепалеолитической стоянки // Палеолит Средней и Восточной Азии. История и культура Востока Азии / Под ред. Ларичева В.Е. – Новосибирск, 1980. – С.46.

<sup>2</sup> Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Заравшан. – Ташкент, 1980; Гречкина Т.Ю. Некоторые итоги исследования Зирабулакской палеолитической стоянки // Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Ташкент, 1990.

<sup>3</sup> Лев Д.Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде... – С.97.

<sup>4</sup> Ташкенбаев Н.Х. Новая мустъерская стоянка Кутурбулак // ИМКУ. Вып.10. – Ташкент, 1973. – С.220.

атайин кесилмаган, балки улар турли хил тош қуролларнинг синиқ бўлакларидир (уларда атайин кесилганлик элементлари йўқ). Шундай бўлса – да, мустъе даврида қўлга киритилган анъаналар Самарқанд маданияти ёдгорликлари индустрияларида давом эттирилади. Ҳар иккала ёдгорликда ҳам гардишсимон ва бир ёки икки зарб майдонли, леваллуа ўзакларнинг кичик сериялари, пластиналар, учириндилар, кўплаб ўйиб-кертиб ишланган қуроллар, турли хил қирғичлар, нуклеуссимон қуроллар, шакли турли хил қалин шакли қирғиччалар, исканасимон қуроллар учрайди. Қўтирбулоқда ҳам, Самарқанд маконида ҳам галкали қуроллар нисбати кўп эмас. Ҳар иккала ёдгорликда ҳам турли хил ретушлаш, кесгичлар ишлаб чиқариш ҳамда йўнилғи учларини йўниш технологиялари кузатилади. Самарқанд макони индустрияси Қўтирбулоқнинг юқори қатламларидагига кўра анча ривожланган кўринишга эга. Типологик характерларнинг ўхшашлигига қарамай, Самарқанд маконида қуроллар ҳажмининг кичиклиги ва юпқалиги кўзга ташланади.

Самарқанд макони билан Зирабулоқнинг индустриясида ҳам ўхшашликлар мавжуд. Ушбу ҳар иккала тўпلامда ҳам призматик нуклеуслар, тўғри қиррали пластина ва пластинкалар, ўйиб-кертиб ишланган қуроллар, қирғичлар, қалин типли қирғиччалар, пайконлар учрайди<sup>1</sup>.

Айни дамда, Қўтирбулоқнинг индустрияси Самарқанд макониникидан таркибида ҳаддан ташқари ишлов берилган нуклеусларнинг мавжудлиги, пластинасимон тановорларнинг узунлиги, иккиламчи ишлов беришнинг ва қуроллар типларининг турлитуманлиги билан ажралиб туради. Аммо бундай тафовутлар маданий-генетик эмас, балки даврий жиҳатдандир. Зирабулоқ билан Самарқанд макони ўртасидаги асосий ўхшашлик ҳар иккала индустрияда ҳам йирик, аммо текисланган ва асосан учбурчак шакли учириндиларнинг мавжудлигидадир. Бироқ Зирабулоқ санасининг нисбатан қадимийлигидан Самарқанд макони тўпламида кам учрайдиган гардишсимон нуклеусларнинг кўплаб учраши гувоҳлик бера олади. Аммо бу тафовутлар хронологик бўлиб, генетик жиҳатдан Зирабулоқ ва Самарқанд макони бир-бирига жуда яқин.

---

<sup>1</sup> Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Заравшан. – Ташкент, 1980. – С.61 – 66; Гречкина Т.Ю. Некоторые итоги исследования Зирабулакской палеолитической стоянки // Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Ташкент, 1990.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг палеолит даври археологияси юртимиз тарихининг энг қизиқарли ва мунозараларга бой масаласи эканини яна бир бор эътироф этишимиз мумкин. Юртимиз ҳудудлари ибтидоий одамларнинг шаклланиши ва тараққий топишида муҳим аҳамиятга молик масканлардан бири эканлиги бу ердаги мавжуд археологик ёдгорликлар мисолида исботланган. Ҳозиргача Ўзбекистонда палеолит даврининг хронологик шкаласи ишлаб чиқилмаган ва уларнинг ўрганилиш даражаси турличалигича қолмоқда. Ёдгорликлардан олинган материалларни замонавий услублар ёрдамида тадқиқ қилиш ва уларнинг ўрганилиш даражасини бир-бирига яқинлаштириш бугуннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

О. Ҳамидов

## СУҒДДА ҚЎЛДА ЯСАЛГАН НАҚШЛИ СОПОЛЛАР МАДАНИЯТИ ЎРГАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Ўрта Осиё жанубида сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб жамият тараққиётининг кўплаб соҳаларида кескин ўзгаришлар кузатилади<sup>1</sup>. Манзилгоҳлар умумий майдонининг кичиклашиши, монументал меъморчилик анъанасининг пасайиши, санъат буюмларининг кескин камайиши, ҳаттоки айрим соҳаларнинг умуман нутилиши (сфрагистика, глиптика), кулолчилик соҳасида регресс ҳолатининг юз бериши содир бўлади. Албатта, бу ўзгаришлар аҳолининг миграцион жараёнлари билан боғлиқ. Ўрта Осиёнинг кўплаб тарихий ҳудудларида тарқалган шу давр маданиятлари турли номлар билан аталса-да (Чуст, Бургали, Яз I, Кучуктепа, Тиллатепа), уларга хос бўлган умумий хусусиятни характерловчи умумий ном – «қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти» (на русском «культура ручной расписной керамики»; in English «handmade painted ware cultures») бирлаштириб туради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Francfort H.-P., Kuz'mina E.E. Du nouveau dans la chronologie de l'Asie centrale du Chalcolithique à l'Age du

Fer // J. Evin, e. OBERLIN, J.-P. DEGAS, (dir.), Actes du congrès « 14C Archéologie. Lyon, 6 – 10 avril 1998,

Mémoires de la Société préhistorique française, 26, Revue d'archéométrie, Supplément. – Rennes: Presses de l'Université de Rennes, 1999. – P.467 – 469.

<sup>2</sup> Lhuillier J. A synthetic note about the phenomenon of the Central Asian Early Iron Age «painted ware cultures» (2nd – 1st milleneum B.C.) // Bulletin of IICAS. Volume 13. 2011. – P.9 – 20.

Мазкур маданиятларнинг пайдо бўлиши, тарқалиш географияси, меъморчилик анъаналари, аҳолининг диний дунёқараши, дафн маросимлари бўйича олимлар ўртасида ягона фикр йўқ. Ушбу маданиятларга хос бўлган умумий хусусиятлар сополларнинг қўлда ясалганлиги, тош ўроқларнинг тарқалиши, хлоритдан ясалган бежирим ўғирларнинг мавжудлиги ва қабрларнинг уч-рамаслигидир.

Ҳозирги кунда бу турдаги комплекслар Ўрта Осиё жанубидаги ўтроқ деҳқончилик воҳалари: қадимги Парфия, Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларида аниқланган. Шунингдек, шимолий минтақаларда Фарғонада Чуст маданияти, Тошкентдаги Бурғулуқ маданияти, Жанубий Суғд ёдгорликларида Кучук I – Яз I маданияти билан умумийликлари мавжуд. Албатта, улар орасидаги асосий умумийлик қўлда ясалган, нақшли сополлар ҳисобланади<sup>1</sup>. Шунингдек, қўлда ясалган нақшли сопол маданияти Ўрта Осиёнинг турли ҳудудлари бўйлаб Анау IVA<sup>2</sup>, Елкен III<sup>3</sup>, Яз I<sup>4</sup>, Улуғдепе<sup>5</sup>, шунингдек, Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларида Чуст маданияти<sup>6</sup> номлари орқали маълум. Бақтрия минтақасининг жанубида Тиллатепа<sup>7</sup> ва

---

<sup>1</sup> История таджикского народа. Том I. Древнейшая и древняя история. – Душанбе, 1998. – С.202.

<sup>2</sup> Pumpelly R.W. Explorations in Turkestan: Expedition of 1904. Prehistoric Civilizations of Anau: Origins, Growth, and Influence of Environment. In two volumes. – Washington, 1908.

<sup>3</sup> Маруценко А.А. Елькен-Депе (отчет о раскопках 1953, 1955 и 1956 гг.) // Труды Института истории, археологии и этнографии Академии наук Туркменской ССР. Том V. – Ашхабад, 1959. – С.54 – 109.

<sup>4</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. – М.-Л., 1959 (Материалы и исследования по археологии СССР №73); Ўша муаллиф. Юго-восток Средней Азии // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. Ч. 3. Гл. 4. – М.-Л., 1966.

<sup>5</sup> Сарияниди В.И. Раскопки 1970 г. на Улуг-депе // УСА. Вып. 1. 1972.

<sup>6</sup> Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. 1962. №118.

<sup>7</sup> Сарияниди В.И. Раскопки Тилля-тепе в Северном Афганистане // Материалы к археологической карте Афганистана. – М., 1972. Вып.1; Сарияниди В.И. Изучение памятников эпохи бронзы и раннего железа в Северном Афганистане // КСИА. 1972. Вып.132; Сарияниди В.И. Восточнохорасанская культура расписной керамики Афганистана // КСИА. 1973. Вып. 136. – С.17 – 22; Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. Материалы Советско-Афганской экспедиции 1969 – 1974 гг. – М., 1977; Сарияниди В.И. Древняя Бактрия: новые аспекты старой проблемы // Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности (II тысячелетие до н.э.) // Труды Международного симпозиума по этническим проблемам истории Центральной Азии в древности (II тысячелетие до н. э.). Душанбе, 17 – 22 октября 1977 г. – М.: Наука, 1981. – С.180 – 191; Сарияниди В.И. Культура расписной керамики раннежелезного века Юго-Западной Азии // ИБ МАИКЦА. – М., 1985. Вып. 9; Сарияниди В.И. Храм и некрополь Тиллятепе. – М., 1989.

**Шимолій Бактрияда Қизилтепа<sup>1</sup>, Қизилча <sup>2</sup>, Бандихон<sup>3</sup>, Кучуктепа<sup>4</sup> ва Жарқўтон ёдгорлигининг устки қатламларида<sup>5</sup> қўлда ясалган нақшли сопол маданияти аниқланган.**

<sup>1</sup> Сағдуллаев Т., Хакимов З. Археологическое изучение городища Кызыл-тепе (По итогам работ 1973 – 1974 гг.) // Бактрийские древности. – Л., 1976; Сағдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент, 1987.

<sup>2</sup> Сағдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент, 1987.

<sup>3</sup> Сверчков Л.М. Археологические памятники Байсунского района // История и традиционная культура Байсуна. Труды БНЭ. Вып. 2. – Ташкент, 2005; Сверчков Л.М., Бороффка Н. Археологические исследования в Бандыхане в 2005 г. Труды Байсунской Научной Экспедиции. Археология, История и Этнография. Выпуск №3. – Ташкент, 2007. – С.97 – 131; Сверчков Л.М., Бороффка Н. Археологические работы в Бандыхане в 2006 – 2007 гг. // Археологические исследования в Узбекистане 2006 – 2007 годы. Выпуск 6. – Ташкент, 2009. – С.224 – 234; Сверчков Л.М., Бороффка Н. О некоторых проблемах археологического исследования культур расписной керамики эпохи поздней бронзы – раннего железа // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Материалы международной научной конференции, посвященной 2200-летию юбилею города Ташкента / Под ред. Д.А. Алимовой, Ш.П. Пидаева. – Ташкент, 2009. – С.33 – 39; Görsdorf J. Information zu den 14C-Datierungsergebnissen von Majdatepa (Bandixon I) // Труды Байсунской научной экспедиции. Вып. 3. – Ташкент, 2007; Boroffka N. Siedlungsgeschichte in Nordbaktrien – Bandichan zwischen Spätbronzezeit und Frühmittelalter. In S. HANSEN, A. WIECZOREK et M. TELLENBACH (dir.), Alexander der Grosse und die Öffnung der Welt. Asiens Kulturen im Wandel, Catalogue de l'exposition «Alexander der Grosse und die Öffnung der Welt – Asiens Kulturen im Wandel», Reiss-268 Les cultures à céramique modelée peinte en Asie centrale méridionale Engelhorn-Museen Mannheim, Publikationen der Reiss-Engelhorn-Museen 36. – Regensburg, Verlag Schnell & Steiner GmbH, 2009. – P.135 – 143.

<sup>4</sup> Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа в Узбекистане. Материалы сессии, посвященной итогам археологических и этнографических исследований 1964 г. в СССР (Тезисы докладов). – Баку, 1965; Аскаров А., Аминов В., Рахманов У. Новые данные о поселении Кучуктепа // ОНУ. 1978. №11. – С.51 – 56; Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент, 1979; Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000; Šajdullaev Š.B. Untersuchungen zur frühen Eisenzeit in Nordbaktrien // Archäologische Mitteilungen aus Iran und Turan. Band 34. – Berlin, 2002.

<sup>5</sup> Аскаров А.А. Расписная керамика Джаркутана // Бактрийские древности. Предварительные сообщения об археологических работах на юге Узбекистана. – Л., 1976. – С.17 – 19; Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000; Šajdullaev Š.B. Untersuchungen zur frühen Eisenzeit in Nordbaktrien // Archäologische Mitteilungen aus Iran und Turan. Band 34. – Berlin, 2002; Bendezu-Sarmiento J., Lhuillier J., Luneau E. Rapport final sur le travail de la première campagne de fouille (printemps 2007) sur la nécropole de Dzharkutan au Surkhandarja (sud de l'Ouzbékistan), Rapport interne effectué pour la Mission Archéologique Française en Asie Centrale, 2007. – 27 p; Lhuillier J. Les cultures à céramique modelée peinte en Asie centrale méridionale. Dynamiques socio-culturelles à l'âge du Fer ancien (1500 – 1000 av. n.è.), Mémoires de la Mission Archéologique Française en Asie Centrale XIII. – Paris, 2013; Lhuillier J. Les cultures à céramique modelée peinte en Asie centrale: un aperçu de l'assemblage céramique de la deuxième moitié du IIe millénaire av. J.-C. Iranica Antiqua 48, 2013. – P.103 – 146.



Ҳозирги кунга келиб Марказий Осиёда ушбу маданиятга оид ёдгорликлар сони 300 тага етган<sup>1</sup>.

Қадимги Бактрия ва Марғиёна билан ҳудудий яқинликда бўлган ва ягона тарихий-маданий бирликни ташкил этган Суғд минтақасида қўлда ясалган нақшли сополлар маданиятига оид ёдгорликлар ўрганилиши, уларнинг фанга киритилиши ушбу маданиятни ўрганишда муҳим роль ўйнади (Ерқўрғон қуйи қатламида<sup>2</sup>, Чироқчи<sup>3</sup>, Кўктепа, Тўрткўлтөпа<sup>4</sup> ва б.<sup>5</sup>).

Географик жиҳатдан Суғд минтақаси 3 қисмга – Жанубий, Марказий ва Ғарбий Суд қисмларига бўлинади. Шу жиҳатдан олиб қараганда қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти Суғдда тарқалишини икки ҳудудга бўлиш мумкин.

Жанубий Суғдда Қашқадарё водийси бўйлаб Зарафшон тоғлари орасида тарқалган бўлиб, А.С. Сағдуллаев томонидан уч географик ҳудудга бўлинган<sup>6</sup>:

---

<sup>1</sup> Lhuillier J. The Settlement Patterns in Central Asia during the Early Iron Age // Urban Cultures of Central Asia from the Bronze Age to Karakhanids. Learnings and conclusions from new archaeological investigations and discoveries. Proceedings of the First International Congress on Central Asian Archaeology held at the University of Bern, 4 – 6 February 2016 / Edited by Christoph Baumer and Mirko Novak. – Harrossowitz, Verlag-Wiesbaden, 2019. – P.115 – 128.

<sup>2</sup> Аскарлов А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа // Этнография и археология Средней Азии. – М., 1979. – С.34; Исамиддинов И.Х. Стратиграфия древнейших слоев Еркургана // ИМКУ. Вып.17. 1982.

<sup>3</sup> Дуке Х. Из археологических открытий 1972 года // УСА. Вып 2. – Л., 1972. – С.55; Аскарлов А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа // Этнография и археология Средней Азии. – М., 1979. – С.34; Дуке Х. Чиракчинское поселение // ИМКУ. Вып.17. 1982.

<sup>4</sup> Исамиддинов М.Х., Хасанов М.Х. История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба. – Ташкент, 2000. – С.7 – 25.

<sup>5</sup> Сағдуллаев А.С. Новые исследования памятников эпохи раннего железа в Бактрии и Согде. ДКБ. 1982; Ўша муаллиф. Поселения раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи // СА. 1984. №3; Ўша муаллиф. О некоторых проблемах археологии Средней Азии раннежелезного века // История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. – Ташкент, 1989. – С.10 – 11; Лушпенко О.Н. Изучение поселений раннежелезного века в Шурабсайском оазисе // История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. – Ташкент, 1989; Ўша муаллиф. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология Средней Азии. – Ташкент, 1990.

<sup>6</sup> Сағдуллаев А.С. Памятники материальной культуры Южного Согда эпохи раннего железа (Некоторые итоги исследований в 1976 – 1986 гг.) // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье. – Ташкент, 1987. – С.3 – 16.

1. Шўробсой воҳаси (Сангиртепа, Узунқир).
2. Қизилдарё воҳаси (Чироқчи, Тўрткўлтепа).
3. Ерқўрғон воҳаси ёки Қарши оазиси (Ерқўрғон)<sup>1</sup>.

Шимолий Суғдда бир-бирига яқин бўлган учта ёдгорликда қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти аниқланган:

1. Кўктепа – Самарқанд шимолида.
2. Афросиёб – Самарқанд марказида.
3. Жом-53 – Самарқанд жанубида<sup>2</sup>.

Жанубий Суғдда қўлда ясалган сополлар маданияти ёдгорликларининг ўрганилиши узоқ тарихга эга бўлиб, тарихшунослик масалалари О.Н. Лушпенко тадқиқотларида ўрганилган<sup>3</sup>.

Жанубий Суғддаги ёдгорликларда Х. Дуке, Р.Х. Сулаймонов, М. Исомиддинов, А.С. Сагдуллаев, О.Н. Лушпенко томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўлда ясалган нақшли сополлар маданиятига оид бир қатор муаммолар ўрганилган<sup>4</sup>.

Жанубий Суғдда қўлда ясалган нақшли маданият ёдгорликлари Чимқўрғон<sup>5</sup>, Ерқўрғон<sup>6</sup>, Тўрткўлтепа, Қарши оазиси ва Аму-

---

<sup>1</sup> Lhuillier J. Les cultures à céramique modelée peinte en Asie centrale méridionale. Dynamiques socio-culturelles à l'âge du Fer ancien (1500 – 1000 av. n.è.), Mémoires de la Mission Archéologique Française en Asie Centrale XIII. – Paris, 2013. – P.42.

<sup>2</sup> Lhuillier J. Les cultures à céramique modelée peinte en Asie centrale méridionale. Dynamiques socio-culturelles à l'âge du Fer ancien (1500 – 1000 av. n.è.), Mémoires de la Mission Archéologique Française en Asie Centrale XIII. – Paris, 2013. – P.42.

<sup>3</sup> Лушпенко О.Н. Изучение поселений раннежелезного века в Шуробсайским оазисе // История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Сб. научных трудов ТашГУ. – Ташкент, 1988. – С.22 – 30; Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология Средней Азии (к проблеме истории культуры) / Отв. редактор З.И. Усманова. – Ташкент, 1990. – С.24 – 29; Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда (По материалам памятников Китабского и Яккабагского района): Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Самарканд, 1998.

<sup>4</sup> Дуке Х. Из археологических открытий 1972 года // УСА. Вып 2. – Л., 1972. – С.55; Исомиддинов М., Сулейманов Р. Еркурган. – Ташкент, 1984; Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда...

<sup>5</sup> Дуке Х. Из археологических открытий 1972 года // УСА. Вып 2. – Л., 1972. – С.55.

<sup>6</sup> Исомиддинов М.Х. Стратиграфия городища Еркурган в Южном Узбекистане // СА. – М., 1978. №3. – С.216 – 229; Исомиддинов М.Х. Стратиграфия древнейших слоев Еркургана // ИМКУ. Вып. 17. 1982. – С.60 – 77; Исомиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация). – Ташкент, 1984.

дарё оралиғида<sup>1</sup>, Қашқадарё водийсининг юқори қисмида<sup>2</sup> аниқланган.

Р.Х. Сулаймонов ва М.Х. Исомиддинов томонидан Ерқўрғон ёдгорлигининг стратиграфияси ўрганилиши натижасида ёдгорлик қуйи қатламидан қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти белгилари аниқланди. Ёдгорлик маданий қатламининг қалинлиги туфайли унинг остки ЕР-1 даврига оид қатлами ўрганилиши ниҳоятда мураккаб, бу даврни характерловчи бер неча сопол парчалари аниқланган, холос.

Марказий Суғдда аниқланган қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти ёдгорликлари кам сонли бўлса-да, аммо муҳим аҳамиятга эга.

Марказий Суғдда қўлда ясалган нақшли сополлар парчалари дастлаб Афросиёбда аниқланган. Аммо меъморчилик аломатлари сақланиб қолмаган<sup>3</sup>.

1994 – 2008 йилларда К. Рапен ва М. Исомиддинов бошчилигида Кўктепа ёдгорлиги ўрганилиб, унинг қатламларида қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти аниқланди. Ушбу ёдгорлигининг аниқланиши Марказий Суғдда ушбу маданиятнинг стратиграфик жиҳатдан ўрганиш имконини берди<sup>4</sup>. Кўктепа ёдгорлиги сўнгги бронза давридан эллинизм даврига қадар мавжуд бўлган.

---

<sup>1</sup> Раимкулов А. А., Исамиддинов М. Х. Турткултапа – новый памятник эпохи финальной бронзы в Южном Согде. Археологические работы на новостройках Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1990. – С.30 – 37; Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Результаты археологического обследования трассы нижнекаршинского магистрального канала // ИМКУ. Вып. 22. 1988. – С.118 – 131.

<sup>2</sup> Сағдуллаев А.С. Древнесогдийские памятники. АО 1976 года. – М., 1977. – С.542; Ўша муаллиф. Древние поселения Кашкадарьи // САУ. 1979. №7. – С.34 – 37; Еро же. Раскопки и разведки в долине Кашкадарьи. АО 1979 года. – М., 1980. – С.457; Ўша муаллиф. Работы на юге Узбекистана // АО 1980 года. – М., 1981. – С.459 – 460; Ўша муаллиф. Поселения раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи // СА. – М., 1984. №3. – С.154 – 161; Сағдуллаев А.С., Лушпенко О.Н. Новые данные к изучению древнесогдийских поселений // ОНУ. 1989. №12. – С.40 – 42.

<sup>3</sup> Туребеков М. Основные этапы развития внешней оборонительной стены древнего Самарканда по данным раскопки 27 на западном фесе Афрасиаба // Античная культура Средней Азии и Казахстана. Тезисы докладов. 1979. – С.70 – 72; Туребеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда (VII – VI вв. до н.э. – VII н.э.). – Нукус, 1990. – С.138. Расм. 25,1; Люилье Ж., Исамиддинов М., Рапэн К. Раннежелезный век северного Согда: характеристика и предварительная типологическая хронология // ИМКУ. №37. 2012. – С.57.

<sup>4</sup> Люилье Ж., Исамиддинов М., Рапэн К. Раннежелезный век северного Согда: характеристика и предварительная типологическая хронология // ИМКУ. 2012. №37. – С.57.

Кўктепа ёдгорлигида 3 босқич аниқланган бўлиб, Кўктепа I босқичи қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти даврига оид, у, ўз навбатида, икки босқич билан характерланади<sup>1</sup>.

Кўктепа IA – ёдгорликнинг биринчи аҳолиси ертўла ва ярим ертўла шаклидаги уйларда яшашган, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган. Сополларни қўлда ясаб, уларни махсус печларда пиширишган. Тошдан ясалган меҳнат қуроллари – ўроқ, силлиқлаш тоши, ёрғучоқ тоши мавжуд бўлган.

Кўктепа IA – ушбу босқичнинг иккинчи даврида хўжалик ва турмушда деярли ўзгаришлар кузатилмаган, фақатгина ушбу даврнинг охирида манлилгоҳ марказида йирик платформали иншоот қурилади. Тадқиқотчилар ушбу иншоотни шартли равишда «культ мажмуаси» деб номлашади<sup>2</sup>.

XX асрнинг 70-йилларидан XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига қадар Суғдда қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти ёдгорликларининг ўрганилиши натижасида ушбу маданиятнинг Суғд қисми мавжудлиги аниқланди. М.Х. Исомидинов ушбу археологик мажмуанинг қуйидаги характерли хусусиятларини кўрсатган: мудофааланган ёки мудофааланмаган манзилгоҳлар, баъзида культ ва маъмурий иншоотларнинг мавжудлиги; енгил конструкцияга эга ертўла ва ярим ертўла шаклидаги тураржойлар; қўлда ясалган нақшли сополлар, бўяма нақшлар қизил рангда солинган; тош ўроқ, қайроқ, ёрғучоқ ва б. тош қуроллар; бронза қуроллар ва тақинчоқлар<sup>3</sup>.

Суғд қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти тарихшунослиги муаммолари сирасига ушбу маданият келиб чиқиши, хронологияси, диний характери, меъморчилиги ва кулолчилиги масалаларини киритишимиз мумкин.

Шу жумладан, ушбу маданият келиб чиқиши борасида Ю.А. Заднепровский, А.А. Асқаров ва Б. Лионе Саразм сополлари орасидан қўлда ясалган нақшли сополлар маданиятини ажратиб кўрсатишган бўлиб, Суғд илк темир асри қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти ашёларининг прототиби бўлиши мумкинлигини таъкидлашади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда (Проблемы взаимодействия культурных традиций в периоды раннежелезного века в античности): Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Самарканд, 2000. – С.11.

<sup>2</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). – Ташкент, 2002.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – С.58.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – С.32.

Кейинчалик Афросиёб мудрофаа девори қазишмаларида қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти намуналари аниқланди. Са-зоғон ғори юқори қатламларида ҳам ушбу турдаги сопол намуна-лари аниқланган<sup>1</sup>.

М.Х. Исомиддинов Самарқанд Суғди тарихи масалаларини ўр-ганиб, қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти бўйича бошқа ҳудудларга оид умумлашма тадқиқотлар мавжуд эмаслигини таъкидлайди. Албатта, М.Х. Исомиддинов ушбу маданиятнинг келиб чиқишини ўрганишда Кўктепа ёдгорлигининг муҳим ўринга эғалигини таъкидлайди<sup>2</sup>.

Суғд қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти аҳолиси ди-ний характери масаласида кам сонли тадқиқотлар олиб борилган. Р.Х. Сулаймонов Ўрта Осиё, шу жумладан, Суғд илк темир асри маданиятларининг ўзига хос белгиларини таҳлил қилар экан, бу даврга оид 3 та хусусиятни айтиб ўтади: 1. Ўликларнинг қабр қур-масдан очиқ ҳудудга қўйилиши. 2. Олов култи. 3. Аниконизм. Бу барча ўзига хосликлар тадрижий ривожлантирилиб, кейинчалик зардуштийлик аҳкомларига киритилган. Р.Х. Сулаймонов томо-нидан яна битта ўзига хослик – бу давр маданиятига миниатю-рик ўғирча ва ўғирдасталарнинг учраши таъкидланади<sup>3</sup>.

Ҳозирги кунга келиб Суғд минтақасининг жанубий ва марка-зий қисмида қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти аниқ-ланган бўлиб, районлаштириш масалалари амалга оширилган. Хронология масалалари эса ушбу маданиятнинг мил. авв. 1500 – 1000 йиллар эканини кўрсатади. Диний характери илк зардуш-тийлик бўлиб, бу ҳолат ушбу маданиятда қабрларнинг учрамас-лигида яққол кўринади. Қўлда ясалган нақшли сополлар маданиятининг келиб чиқиши масаласи ҳозиргача баҳсли савол-лардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Джуракулов М.Д., Аванесова Н.А. Историография эпохи бронзы Средней Азии. 1983; Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда (Проблемы взаи-модействия культурных традиций в периоды раннежелезного века в античности): Авто-реф. дисс... докт. ист. наук. – Самарканд, 2000. – С.11.

<sup>2</sup> Уша жойда. – С.4.

<sup>3</sup> Сулайманов Р.Х. Проблемы родины Заратуштры и этнокультурная ситуация в Сред-ней Азии начала I тысячелетия // Новое о древнем и средневековом Кыргызстана. Вы-пуск II. Серия «Ош – 3000 и культурное наследие народов Кыргызстана». – Бишкек, 1999. – С.85.

## К ИСТОРИИ КАЛЕНДАРНЫХ ОБРЯДОВ У ЗЕМЛЕДЕЛЬЦЕВ ЗАРАФШАНСКОГО ОАЗИСА

У земледельцев Зарафшанского оазиса, как и у других народов Средней Азии, в древности существовала разветвлённая система обрядов и праздников, связанных с земледелием и сезонными изменениями в природе. Они опирались на верования, среди которых особое место занимают религиозные представления об умирающей и возрождающейся растительности, природе. Реликты этих церемоний отмечены в письменной истории. В связи с этим следует отметить труд Абу Райхана Беруни «Памятники минувших поколений»<sup>1</sup>.

У любого народа в культуре встречаются явления, имеющие сложное историческое происхождение, а также состав входящих в них элементов и разнообразие функций. Более яркими и показательными из них являются календарные обряды. Связанные с трудовой деятельностью народа, календарные обычаи и обряды – это сложное общественное явление, отражающее своеобразие историко-культурной, социально-политической, этнической и духовной жизни людей на разных этапах развития<sup>2</sup>.

Согдийский народ также не стал исключением. Согдийцы до VII – VIII вв. пользовались «зороастрийским» («младоавестийским») календарём<sup>3</sup>, который был основан на солнечном годе, состоящим из 12 месяцев по 30 дней в каждом и 5 дополнительных дней. Такой год короче астрономического на 6 часов. В Согде 5 добавочных дней присоединяли также в конце года, согласно структуре «зороастрийского» календаря<sup>4</sup>.

В «зороастрийском» календаре названия месяцев и их дней восходят к именам божеств авестийского пантеона. В согдийском календаре месяцы тоже имели двойные наименования, одно из них соответствовало природному календарю (1-й месяц – «новогодний», 6-й – «осенний», 10-й – «месяц посевов»)<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Бируни А. Избранные произведения. – Ташкент, 1957. Т.1. – С.59.

<sup>2</sup> Саримсаков А.А. Календарные обряды узбеков (на основе материалов Ферганской долины): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2010. – С. 3.

<sup>3</sup> Лившиц В.А. Зороастрийский календарь // Бикерман Э. Хронология древнего мира. – М., 1975. Приложение 4.

<sup>4</sup> Басилов В.Н. Древние верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986. – С.7.

<sup>5</sup> Лившиц В.А. Зороастрийский календарь... – С.332.

Названия месяцев в «зороастрийском» календаре повторялись в названиях дней. День, который имел одно наименование с месяцем, считался праздничным<sup>1</sup>.

Согласно сведениям Беруни о праздничном календаре, различают 2 категории праздников: религиозные и народные.

В Средней Азии до VII – VIII вв. была традиция начинать год с первого летнего месяца, а также праздновать Навруз. Это начало нового года по солнечному летосчислению, которое в Центральной Азии в народе также называлось «дехкон хисоби», т.е. крестьянским летосчислением в отличие от лунного календаря<sup>2</sup>. Примером может быть то, что у согдийцев «первое Наусарда (1-й месяц года) является началом лета», согласно сведениям Беруни<sup>3</sup>.

В частности, по согдийскому календарю, второе название 6-го месяца года у согдийцев – «осенний», 10-го месяца – «месяц посевов», т.е. весенний, 1-го месяца – «новогодний», который в такой ситуации мог быть только первым летним месяцем<sup>4</sup>.

Но так было не всегда – только в период существования Сасанидского государства, так как среднеазиатские области в какой-то мере подчинялись Сасанидскому государству, в основном, при его первых правителях<sup>5</sup>. Перемещение официального праздника Навруз на день летнего солнцестояния, возможно, было вызвано фискальными соображениями. К этому обстоятельству у Беруни есть следующее объяснение: «... В ту пору поспевают хлеба, и в такое время разумнее начинать сбор хараджа»<sup>6</sup>. После правления сасанидского царя Ездигерда началось блуждание Навруза по весенним месяцам.

Давний и навечно утраченный обычай начинать новый год с лета, со дня летнего солнцестояния в Средней Азии – явление, по-видимому, не случайное. Ведь данный обычай не соответствовал народной традиции, где с давних пор не прекращалась традиция отсчитывать Новый год с весны, с которой были связаны космогонические мифы об умирающей и воскресающей природе, итавшие аграрную религиозно-магическую обрядность, особенно обильно представленную в весеннюю пору. Изначальная тради-

<sup>1</sup> Басилов В.Н. Древние верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986. – С.7.

<sup>2</sup> Саримсаков А.А. Календарные обряды узбеков (на основе материалов Ферганской долины)... – С.26.

<sup>3</sup> Бируни А. Избранные произведения. Т.1. – С.253.

<sup>4</sup> Басилов В.Н. Древние верования и культы народов Средней Азии... – С.9.

<sup>5</sup> Там же. – С.10.

<sup>6</sup> Бируни А. Избранные произведения. Т.1. – С.227.

ция празднования Навруза весной подтверждается и другими источниками, в частности, трактатом Омар Хайяма «Наурузнаме»<sup>1</sup>.

Итак, празднование Навруза весной – древняя народная традиция народов Средней Азии. Празднование же Навруза в начале летнего сезона вряд ли могло быть древней традицией, так как представляется этот обычай, порождённый, возможно, экономическими потребностями страны, сравнительно кратковременным и связанным по всем данным с реформаторской деятельностью сасанидских царей и отражавшим официальные установления религии и государства того времени<sup>2</sup>.

Как указывалось, Беруни отмечает не только религиозные, но и народные праздники. В связи с этим возможно охарактеризовать и народные праздники. Основу праздничного календаря среднеазиатских зороастрийцев составляла древняя аграрная обрядность земледельческого населения, связывающаяся с временами года, с определёнными трудовыми процессами, с древними верованиями и культами, порождёнными посезонными изменениями в природе и направленными на то, чтобы религиозными ритуалами содействовать выращиванию хорошего урожая.

Согдийцы каждый сезон года отмечали большим праздником. В Средней Азии у всех земледельческих народов по сей день приготавливают новогоднее ритуальное блюдо – гуджа из семи видов злаков или из джугары. Во многих местах на Новый год (Навруз) приготавливают и сумаляк – род киселя из муки и солода от пророщенной пшеницы. Совершенно очевидно, что новогодние ритуальные блюда среднеазиатских народов имеют отношение к культу плодородия, аграрной магии. Немало легенд и сказаний связано с Наврузом. Например, имелось поверье, когда приходит новый и уходит старый год, то в тот момент течение вод останавливается, и те, кому удалось увидеть это явление, могут рассчитывать на исполнение желания<sup>3</sup>.

У согдийцев в первом осеннем месяце было 3 праздничных дня – 7-й, 12-й и 15-й. Беруни особо отмечает праздник под названием С- м – а – Хвара 15-й день. В этот день после периода возрождения от кушаний и напитков и от всего того, чего коснулся огонь, кроме плодов и растений, полагалось есть кислое тесто, т.е.

---

<sup>1</sup> Брагинский И.С. Исследования по таджикской культуре. – М., 1977. – С.116 – 117.

<sup>2</sup> Басилов В.Н. Древние верования и культы народов Средней Азии... – С.12.

<sup>3</sup> Исхаков Б.Б. Этнографическое изучение Навруза // Теория и практика современной науки. – Ташкент, 2017. №5 (23). – С.4.



этому дню предшествовал какой-то пост, по окончании которого следовало принятие особой ритуальной пищи. Кроме того, в этот день били кухонную утварь и разрушали очаги. В целом, ритуальная пища осенних праздничных дней, как и Навруза, является способом магического воздействия на урожай<sup>1</sup>.

Последний месяц осени – 6-й по счёту в году – также имел праздничные дни. У согдийцев этот месяц отмечался торжищами в различных селениях.

В течение зимнего периода согдийцы обычно ритуально готовились вступлению в самый ответственный период года – весенний, который имел свою серию праздников.

У согдийцев 7-й месяц начала зимы тоже имел несколько праздничных дней. Первый день этого месяца назывался Ним-Сарда, что означает, по Беруни, «половина года»<sup>2</sup>. Во второй его день был праздник под названием М – н – и – д – Хвара, который сопровождался принятием ритуальной пищи.

Согдийцы собирались в храмах огня и ели кушанье, приготовленное из просеянной муки, масла и сахара. В 7-м месяце у согдийцев было ещё 2 праздничных дня: 9-й день – Т-с-н-с-Агам и 15-й день, являвшийся началом периода Гарм-Хвара (т.е. «поедание винограда», по А.Э. Шмидту)<sup>3</sup>, связанного с ритуальным вкушением винограда. Заключить сказанное о зимнем периоде можно так: у согдийцев и в первый зимний месяц совершались обряды с принятием ритуальной пищи, связь которой с аграрными культурами не вызывает сомнений.

Весеннее возрождение природы происходило не сразу, и это отражала обрядность. В преддверии весны, в последний месяц зимы, выполнялись обряды, стимулирующие солнечное тепло. Наршахи в труде «История Бухары» упоминает о празднике огня, что позволяет полагать, о существовании нечто подобного у согдийцев. При описании царских дворцов Бухары Наршахи упоминает о частых пожарах там. И сообщая о сгоревшем дворце в Рамитане, говорит: «... Не прошло ещё и года, как в одну праздничную ночь, по древнему обычаю, развели большой огонь: искра от огня попала на крышу дворца, который вторично сгорел дотла»<sup>4</sup>. Некоторые пе-

---

<sup>1</sup> Басилов В.Н. Древние верования и культы народов Средней Азии... – С.16.

<sup>2</sup> Бируни А. Избранные произведения. Т.1. – С.260.

<sup>3</sup> Шмидт А.Э. Материалы по истории Средней Азии и Ирана // Уч. зап. Ин-та востоковедения. 1958. Т.16. – С.512.

<sup>4</sup> Наршахи. История Бухары / Пер. Н. Лыкошина. – Ташкент, 1897. – С.37.

режиточные явления в общественном быту среднеазиатских народов указывают, что зимние праздники огня в Средней Азии были. Имеется в виду обычай разжигать костры, устраивать фейерверки во время собраний сверстников, сопровождавшихся совместной трапезой и развлечениями (гап), проводившихся преимущественно в зимнее время. Итак, зимний период имел праздники с особой ритуальной пищей и праздники огня, которые сопровождались увеселениями и обильной пищей.

Особенно богат значительными праздниками особого содержания, днями, обрядовыми действиями весенний период. Беруни упоминает, что в 10-м месяце у согдийцев с 5-го по 15-е число – праздник. Е.М. Пещерёва совмещает легенды и предания о мазаре Ходжа Такроут (Фергана) и церемониал праздника тюльпана с сообщением китайского путешественника VII в. Вэй – Цзи, приведённым Э. Шаванном<sup>1</sup> о жителях Самарканда. Ежегодно, в апреле, по – современному летосчислению они ходили по полям в поисках потерянного тела умершего божественного младенца. Е.М. Пещерёва пришла к заключению, что первоначальный смысл праздника тюльпана восходит к мистериям, связанным с почитанием умирающего и воскресающего божества природы<sup>2</sup>.

У согдийцев в 11-м месяце был 1 праздник – 24-й день. У согдийцев также были дни, когда они понимали умерших предков. Это происходило в последнем месяце года, когда жители Согда оплакивали умерших. Они царапали себе лица в знак скорби и ставили для покойных кушанья и напитки.

Поминование умерших предков – обязательный элемент аграрных культов и именно весенней обрядности многих народов. Согдийский народ не составляет исключения.

Обзор годовых праздников согдийцев позволяет сделать следующее заключение: праздничный календарь согдийцев в основе своей един и связан с древними аграрными культурами. Каждый сезон года имел особые, посвящённые ему праздники. Начало сезона отмечалось праздником, в ритуал которого входило вкушение обрядовой пищи. Эти праздники отражали хозяйственную деятельность, в первую очередь, земледельческую.

Важно отметить их связь не просто с сезонами, а с трудовыми сельскохозяйственными процессами, проходившими в эти сезоны<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup>Басилов В.Н. Древние верования и культы народов Средней Азии... – С.23.

<sup>2</sup>Пещерёва Е.М. Некоторые дополнения к описанию праздника тюльпана в Ферганской долине... – С.218.

<sup>3</sup>Басилов В.Н. Древние верования и культы народов Средней Азии... – С.26.

Таким образом, праздники являются вехами народного сельскохозяйственного календаря согдийцев. Особенно насыщенным праздниками и обрядовыми действиями был весенний сезон. Обрядовая практика весенних праздников говорит о том, что в их основе лежал культ умирающей и возрождающейся природы. С этими же представлениями находятся в связи и праздники, посвящённые предкам. Летне-осенние праздники посвящены сбору урожая. В зимних и зимне-весенних праздниках, видимо, проявляется культ солнца. И во всех циклах присутствует магия плодородия. Характер ритуальной пищи, сроки её принятия указывают на это с несомненностью.

Особенно своеобразен календарь согдийцев. В целом он тоже аграрного характера, но в нём выделяется целый цикл праздников, связанных с созреванием и обработкой винограда. Такой праздник есть в 5-м месяце – это 18-й день, который называется Баба-Хвара, когда пьют виноградный сок; 26-й день – Гарм-Хвара, что означает «поедание винограда». В 7-м месяце этот цикл продолжался, в 15-й день его начался период Гарм-Хвара, окончившийся 9-го числа следующего месяца. Как известно, в Согде была сильно развита культура виноградарства и праздничный календарь отражает характер занятий населения.

Согдийский календарь, исходя из сообщений Беруни и Наршахи, имел ещё одну особенность – это почти постоянное указание на храмы огня, в которых древние согдийцы собирались в праздничные дни для общественных трапез.

В храмах огня у древних согдийцев отмечались праздники месяца Навруза<sup>1</sup>.

Следующая особенность согдийских праздников – это их ярко выраженный ярмарочный характер, что указывает на чрезвычайное развитие торговли в Древнем Согде. Это и неудивительно, так как здесь проходили мировые торговые пути с Востока на Запад. Праздники согдийского календаря почти во всех случаях сопровождалась устройством ярмарки.

Беруни заканчивает описание согдийского праздничного календаря такими словами: «Согдийцы устраивают торжища в деревнях в дни, имеющие в каждом месяце одно и то же название. Это делается в селениях Бухары и Согда»<sup>2</sup>.

В наибольшей степени известны обрядовые церемонии, относящиеся к циклу весенних праздников, так как весна – это время

---

<sup>1</sup>Басилов В.Н. Древние верования и культы народов Средней Азии... – С.27.

<sup>2</sup>Беруни А. Избранные произведения. Т.1. – С.255.

оживления природы после зимнего застоя, время начала земледельческих работ – пахоты, посевов, время надежд на предстоящий год. Может быть, значимость этого времени года для жизни человека и породила большое количество обрядов, связанных с культом плодородия. Идея умирающей и возрождающейся растительности способствовала тому, что эти обряды проявили удивительную стойкость, дожив в большей сохранности до наших дней, чем праздничные даты других сезонов года. Это и праздник Нового года – Навруз, и связанный с ним обычай приготовления весной, с появлением первой зелени, сумаляка – блюда из муки на солоде, которое приготавливалось из пшеницы или даже из 7 видов злаков, проращиваемых с особыми церемониями.

Таким образом, остатки обрядовой практики, связанной с циклом земледельческих работ, свидетельствуют о существовании некогда у земледельцев Зарафшанского оазиса разветвлённого цикла календарных обрядов и праздников.

*М. Саидов*

**VII – XIII АСР БОШЛАРИДАГИ СИЁСИЙ,  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ  
ТУРАРЖОЙЛАРГА ТАЪСИРИ**  
*(Афросиёбдаги 29-қазимша мисолида)*

VIII аср охири – IX аср бошларида арабларда доимий равишда давом этган халқ ҳаракатлари халифаликнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини маълум даражада заифлаштириб, маҳаллий зодагонларнинг халифаликдаги идора тизимига кириб бориши учун катта имкониятлар яратди. Бу борада маҳаллий зодагонларнинг мустақилликка бўлган интилишини синдириш ва айнан улар ёрдамида халқ ҳаракатларини бостиришга уринган халифа Мансур (754 – 775) ва унинг ворислари даврида Сомонийлар хонадонидан бўлган сулола вакилларининг Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларини бошқаришига замин яратилади. Аммо бу ҳолат Марказий Осиёда халифа ҳокимиятини мустақамлашга эмас, аксинча, Марказий Осиёда араб ҳукмронлиги таъсирининг пасайишига, кейинчалик мустақил Сомонийлар ва Қорахонийлар давлатининг ташкил топишига олиб келди. Мустақил давлатнинг ташкил топиши, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланишига замин яратди. Албатта, юқорида

қайд қилинган ўзгаришлар моддий маданият, жумладан, тураржойлар қурилишида ҳам ўз аксини топади. Жумладан, шаҳарнинг ички шаҳристонини, иккинчи мудофаа девори билан ўраб олинган майдон ҳудудида жойлашган 29-қазилмада олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқланган тураржойлар мажмуаси мисолида ушбу даврда рўй берган жараёнларни кузатиш мумкин.

29-қазилмада аниқланган тураржойлар мажмуаси тўртта қурилиш даврини қамраб олгани, хронологик жиҳатдан VII – XIII аср бошларини ўз ичига олгани аниқланган<sup>1</sup>. Хусусан, биринчи қурилиш даври VII аср охири – VIII аср биринчи ярми, иккинчи қурилиш VIII аср иккинчи ярми – IX аср бошлари, учинчи қурилиш даври IX аср охири – X аср ва тўрттинчи қурилиш даври XI – XII асрларни қамраб олган.

Тураржой мажмуасида аниқланган архитектура қолдиқлари ва археологик ашёларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин. Маълум бўлишича, VII аср охири – VIII аср биринчи ярмини ўз ичига олган биринчи қурилиш даврида тураржойлар мажмуаси махсус текисланган платформа устида дунё томонлари йўналишини ҳисобга олган ҳолда бунёд этилган. Қурилиш материаллари сифатида пахса блоklar (90x100x50; 87x90x50; 83x92x50; 84x100x50; 96x150x50 см) ва катта ўлчамдаги хом ғиштлар (45x26x8 см; 49x22x8 см; 50x25x8 – 10 см; 48x20x8 см 52x27x10 см) қўлланилган. Пол ва деворлар сомонли лой, айрим ҳолларда ганч билан сувалган. Айрим хоналарда деворлар турли хил ранглар ёки деворий суратлар билан безатилган. Йирик хоналарнинг устини ёпишда марказда ёки девор бўйлаб жойлашган устунлардан фойдаланишган.

Ушбу давр тураржойлари Афросиёбда<sup>2</sup>, Панжикентда<sup>3</sup> очиб ўрганилган бўлиб, бой зодагонларга тегишли бўлган, бундай тураржойларда ҳар бир хона ўз функционал характериға қараб ажратилган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Афросиёбда аниқланган

<sup>1</sup> Брусенко Л.Г. Раскопки жилого квартала VIII – XII вв. в пределах внутреннего шахристана. Отчет Афрасиабского отряда об археологических работах за 1986 г. Архив Института археологии АН РУз. Ф.4, О.1, Д.135. – Самарканд, 1986. – С.56 – 111; Брусенко Л.Г. Раскопки жилого квартала VIII – XII вв. в пределах шахристана. Архив Института археологии АН РУз. Ф.4, О.1, Д.165. – Самарканд, 1987. – С.25 – 73.

<sup>2</sup> Ташходжаев Ш.С. Самаркандский жилой дом IX – X вв. // ИМКУ, вып. 13. – Ташкент, 1977. – С.99; Ахраров И., Ремпель Л. Резной штук Афрасиаба. – Ташкент, 1971. – С.35 – 52.

<sup>3</sup> Распопова В.И. Квартал рядовых горожан Пенджикента VII – VIII вв. // СА. №1. – М., 1969; Распопова В.И. Жилище Пенджикента (опыт историко-социальной интерпретации). – Л., 1990.

бундай тураржойларнинг аксарият қисми VIII аср бошларида харобага айланган, бу бевосита Самарқанднинг араблар томонидан истило қилиниши билан боғлиқдир.

Маълумки, 712 йилда араб саркардаси Қутайба ва Суғд ҳукмдори Гурек ўртасида тузилган сулҳ шартномасига мувофиқ бир қатор шартлар қатори шахристон уч кунлик муддатга арабларга бўшатиб берилиши лозим эди<sup>1</sup>.

О.Г. Большаков араблар ҳар бир хонадонга алоҳида жойлашмасдан, балки йирик маҳаллаларда яхлит ҳолда жойлашган бўлиши мумкин деган фикрни билдиради<sup>2</sup>. 29-қазимшадаги тураржойлар мажмуаси ҳам айнан шу даврда араблар томонидан ўзлаштирилган бўлиши мумкин. Зеро, араблар билан ёнма-ён истиқомат қилишни хоҳламаган аксарият суғдийлар шаҳар ташқарисига чиқиб кетганлиги қайд этилади. Хусусан, Гурек ўзига содиқ аёнлари билан қароргоҳини Иштихонга, айрим манбаларга кўра, Офаринкетга<sup>3</sup> кўчирган бўлса, аҳолининг маълум бир қисми Панжикентга кўчиб ўтади. Бу ҳолат тураржойларда ҳам ўз аксини топган, В.И. Распопова VIII аср биринчи чорагида Панжикентда бой тураржойлар кўпайгани ва бу ҳолат 712 йилдан кейинги сулҳ натижасида Самарқанддан кўчиб келган самарқандлик зодагонлар ҳисобига рўй берганини таъкидлайди<sup>4</sup>.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, шахристонга жойлашган араблар бу ерда муқим истиқомат қилишган эмас. Табарийнинг ёзишича, Самарқанд 739 йилга қадар бир неча маротаба қўлдан қўлга ўтади, ҳатто 730 йилда суғдийлар ва араблар ўртасидаги шиддатли урушдан сўнг Жунайд Самарқанддан жангда ҳалок бўлган 11 минг жангчи оиласини олиб чиқиб кетган<sup>5</sup>. Албатта, бундай беқарор ҳолат мажмуанинг аста-секин қаровсиз ҳолатга тушишига олиб келади. Жумладан, айрим хоналарда 6 см лик оқова қатлам (2- , 3- , 11-хоналар), айрим хоналарда (9- , 16-хоналар) эса гумус қатламлар шаклланади. Бундай ҳолат нафақат 29-қазимшада, балки ушбу даврга оид аниқланган бошқа тураржойлар мажмуасида ҳам кузатилган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> *Ат-Табари*. Избранные отрывки / Перевод с арабского Беляева В.И., с дополнениями Большакова О.Г. и Халидова А.Б. – Ташкент, 1987. – С.144 – 146.

<sup>2</sup> Большаков О.Г. Город в конце VIII – начале XIII вв. // Средневековый город Средней Азии. – Л., 1973. – С.151.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – С.154.

<sup>4</sup> Распопова В.И. Жилище Пенджикента (опыт историко-социальной интерпретации). – Л., 1990. – С.173.

<sup>5</sup> Большаков О.Г. Город в конце VIII – начале XIII вв... – С.154.

<sup>6</sup> Ахунбабаев Х. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе. – Самарқанд, 1999. – С.11.

VIII аср иккинчи ярми – IX аср бошлари билан даврлаштирила- диган иккинчи қурилиш даври архитектурасида биринчи қури- лиш даври асосий деворларидан фойдаланган холда бир қатор қу- рилиш ишлари амалга оширилгани кузатилади. Қурилишда 44 – 42x20 – 22x10 см ўлчамдаги хом ғиштлардан кенг фойдалани- либ, айрим хоналарда ювиниш қурилмалари бунёд этилади. Шун- дай қурилмалардан бири 11-хонада аниқланган. Хонанинг шимо- лий шарқий бурчаги бир ғишт қалинликда, баландлиги 1,5 м бўлган девор билан ўраб олиниб, ювиниш хонасига айлантирил- ган. Хонанинг поли ва девор юзаси юпқа ганч билан сувалган. Унинг марказида сувга чидамли қоришмадан бунёд этилган 1,65x1,55 м ўлчамдаги резервуар жойлаштирилиб, унинг қирғоқ- лари пол сатҳидан 20 см баланд бўлган. Ювиниш хонасидан чиқ- қан сув ғарбий девор ёнида жойлашган дм 0,90 см, чуқурлиги 7 м бўлган қудуққа тушган. Қудуқ ён қисмларида унинг устини ёпиб қўйиш учун мўлжалланган дм 20 см бўлган ёғоч ўринлари аниқ- ланган. Шу билан бирга, биринчи қурилиш даврида катта аҳа- миятга эга бўлган, меҳмонхона, зал вазифаларини бажарган хона- лар ташлаб қўйилади ёки хўжалик хонасига айлантирилади. Хусусан, илгари деворий суратлар билан безатилган меҳмонхона (2 хона) шимолий девори қайта таъмирланиб, пол 50 см га кўта- рилади. Айнан ушбу даврда хона деворларидаги деворий суратлар- га зиён етади. Хусусан, ғарбий девордан 2 м узоқликда бир ғишт қалинлигида (49x22x8 см) шарқ-ғарб йўналишида девор кўтари- либ, қолган шарқий томон ёпиб ташланади. Натижада 6 м<sup>2</sup> май- донни эгаллаган хўжалик хонаси шаклланади. Хона тўламида гу- мус қолдиқлари, кул қолдиқларининг қайд этилиши ушбу қурилиш даврининг охирига келиб хона қаровсиз ҳолга келгани ва ундан чиқиндихона сифатида фойдаланилганини кўрсатади.

Бундай ўзгаришлар нафақат Самарқанд, балки бутун Са- марқанд Суғди шаҳарларида ҳам кузатилиб, аксарият тадқиқот- чилар бу даврдаги ўзгаришларни 740 йилда Хуросон ноиби Наср ибн Сайёр суғдийларнинг ўз юртларига қайтиши бўйича тузган сулҳ билан боғлашади<sup>1</sup>. Шартномага мувофиқ араблар исломдан қайтганларни таъқиб қилмаслиги, ноҳақ солиқ ундирмаслиги, асирларни жазоламаслиги керак эди<sup>2</sup>. Бу жараён нафақат 29-қа-

<sup>1</sup> Большаков О.Г. Город в конце VIII – начале XIII вв... – С.154; Ахунбабаев Х. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе... – С.46; Распопова В.И. Жилище Пенджикента... – С.173.

<sup>2</sup> *Ат-Табари*. Избранные отрывки / Перевод с арабского В.И. Беляева, с дополнения- ми Большакова О.Г. и Халидова А.Б. – Ташкент, 1987. С.271 – 272; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – М., 1963. – С.250.

зишмада, балки бутун шаҳар бўйлаб қаровсиз қолган тураржойларнинг тикланишига, шаҳар ҳаёти аста-секин изга тушишига олиб кела бошлади. Шундай бўлса-да, тураржой мажмуаси бу даврда қисман қайта тикланганини кўришимиз мумкин. Яъни биринчи қурилиш даврига оид 11 та хонадан фақат тўрттасида ўзлаштирилиш белгиларини кузатишимиз мумкин. Бу ҳолат Мовароуннаҳрда халифаликка қарши кўтарилган исёнлар натижасида юзага келган нотинч вазият таъсирида рўй берган бўлиши мумкин. Хусусан, VIII асрда Абу Муслим, Муқанна, Рофеъ ибн Лайс исёнларида Самарқанд шаҳри ушбу ҳаракатларнинг асосий марказларидан бирига айланади. Мисол учун, 806 йилда Самарқандда Рофеъ ибн Лайс бошчилигидаги кўтарилган қўзғолон вақтида шаҳардаги халифанинг ноиби ўлдирилиб, Самарқанд бирмунча муддат қўзғолончилар қўлида бўлади.

Қўзғолоннинг кўлами аста-секин кенгайиб, унга Фарғона, Хўжанд, Бухоро, Уструшона, Хоразм, Чағониён ва Хутталон аҳолиси ҳам қўшилади. Кенг кўламда тус олган бу қўзғолон фақат 810 йилда, қўзғолон раҳбари Рофеъ ибн Лайс араблар томонига ўтганидан сўнг бостирилади.

Шуниси эътиборлики, айнан шу даврдан шаҳар тураржойларида бир қатор янги элементлар, яъни ташнав, ювиниш хоналари шакллана бошлайди.

Учинчи қурилиш даврига келиб тураржойлар архитектурасида бир қатор ўзгаришлар кузатилади. Айрим жойларда хона деворлари қисман шарқ томон силжийди; айрим хоналар эса қисман ташлаб қўйилади. Бу даврда 2-, 3-, 1-, 16-, 18-, 22-, 24-, 25-хоналарда суфалар ёки маиший характердаги ўчоқлар кузатилади. Хоналар интерьерларида, тарҳида бир қатор ўзгаришлар кузатилса-да, илк ўрта асрлардаги асосий қурилиш режасини сақланади, яъни илк ўрта аср деворларидан кейинги даврларда ҳам фойдаланилади.

Катта заллар майда хоналарга бўлиниб, хона деворлари қалинлашади, ерости хоналари қурилади. Жумладан, биринчи қурилиш даврида катта зал сифатида фойдаланилган 31-хона ўрнида 6-, 7-, 8-, 14-хоналар бунёд этилади. Қурилиш ва таъмирлаш ишларида 40 – 42x20x7 – 9 см ўлчамдаги хом ғиштлардан фойдаланилади.

Бу давр поллари иккинчи қурилиш даври полларидан 1,5 – 2 м баландликда жойлашган бўлиб, поллар оралиғида пахса ва ғишт бўлаклари, аркасимон кўринишдаги девор қолдиқлари, унинг устида турли хил чиқиндилар, кул аралаш юмшоқ тупроқ қатламлари қайд этилган. Айрим хоналарда эса гумус қолдиқлари кузатилади. Шу



билан бирга, мажмуа бир неча алоҳида тураржойларга бўлиниб кетади. Ушбу тураржойлар таҳлили асосида бу ерда ўртаҳол оилалар истиқомат қилганини кузатишимиз мумкин. Кўча ва мажмуанинг ичига кириб борувчи тор кўчалари атрофида эса ошхона, новвойхона (6 – 7- , 14 – 15- , 35 – 39-хоналар) вазифасини бажарган.

Ушбу қурилиш давридаги ўзгаришларни IX аср иккинчи чорагида Мовароуннаҳрда рўй берган бир қатор сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар билан боғлаш мумкин. Жумладан, ушбу даврда Сомонийлар томонидан Мовароуннаҳрда мустақил сиёсат олиб борилиши, Самарқанд эса унинг марказий шаҳри сифатида эътироф этилиши сиёсий барқарорлик таъминланишига олиб келди. Бу жараён, ўз навбатида, ички ва ташқи савдонинг янада ривожланишига, ишлаб чиқариш кўламининг кенгайишига имкон яратди. Шаҳарда турли соҳаларга ихтисослашган ҳунармандлар маҳаллалари шаклланади, шаҳарнинг турли қисмларида ҳаммомлар, ганчли нақшлар билан безатилган тураржойлар бунёд этилади. Кейинчалик пойтахт Бухорога кўчирилса-да, Самарқанд йирик иқтисодий марказ сифатида ўз мавқеини сақлаб қолади.

Сўнгги қурилиш даври XI – XII асрларни қамраб олиб, қазишманинг марказий ва ғарбий қисмларида қисман кузатилган архитектура қолдиқлари, асосан, ўра ҳамда бадраблар уларнинг хусусиятлари ҳақида аниқ бир фикр билдириш имконини бермайди. Фақатгина шуни қайд этиш лозимки, X аср ўрталаридан бошлаб сиёсий вазиятнинг кескинлашуви, кейинчалик Қорахонийларнинг давлат тепасига келиши даврида шаҳарнинг баъзи бир жойларида маълум бир вақт инқироз юзага келади. Айрим тадқиқотчилар XI – XII асрларда шаҳар топографиясида жиддий ўзгаришлар бўлгани, яъни кўплаб кварталлар ташлаб қўйилгани, асосий магистрал кўчанинг икки томони бўшаб қолганини қайд этишади<sup>1</sup>. Лекин қўлга киритилган материаллар XI – XII асрларда 29-қазишмада тураржой мажмуаси фаолияти тўхтамаганини кўрсатмоқда. Фақатгина шаҳар архитектурасида, жумладан, тураржойлар қурилиш маданиятида бир қатор ўзгаришлар кузатилади. Бу даврдаги тураржойлар олдинги давр тураржойларни текислаб устига қурилган, пахса ва хом ғишт билан бир қаторда ёғоч (синч) кенг қўлланилади. Синчнинг қўлланилиши хоналарни бўлиб турувчи деворларнинг қалинлиги атиги 25 – 30 см ни ташкил этишига олиб келди.

<sup>1</sup> К исторической топографии древнего и средневекового Самарканда. – Ташкент, 1981. – С.130 – 131, 142.

Юқоридаги материалларни умумлаштирган ҳолда қўйидаги фикрларни билдириш мумкин. Сомонийлар давлатининг ташкил топиши ва юксалиши даврида Самарқанднинг илк ўрта асрларда ташлаб қўйилган тураржойлари, жумладан, 29-қазимшада жойлашган мажмуа яна кенг қўламда ўзлаштирилади. Шу билан бирга, шаҳарнинг ғарбий қисмидаги айрим ҳудудлар ҳам ўзлаштирилиб, янги тураржойлар қурилади бошланади. Иккинчи шаҳристон ҳудудидаги айрим тураржойлар, ҳатто маҳаллалар тўлиқ ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳаларга ихтисослаша боради. IX асрдан бошлаб тураржойларнинг ички интерьерлари сезиларли ўзгаришлар кузатилади. Катта заллар майда хоналарга бўлинади, ерости хоналари қурилади. Йирик тураржойлар ўрнига нисбатан кичик тураржойлар шаклланади. Бу ҳолат, ўз навбатида, ички шаҳар (шаҳристон) аҳолисининг ижтимоий қиёфаси ўзгариши билан боғлиқдир.

*С. Исмоилов*

### **«САМАРҚАНД» ТОПОНИМИ ТЎҒРИСИДА**

«Самарқанд тўғрисидаги маълумотларнинг энг дастлабкиси «Авесто»да берилган бўлиб, унда Зарафшон воҳаси икки атама билан – «Суғуда» ва «Суғуда Гова» деб таърифланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, «Суғуда Гова» тушунчаси Зарафшон воҳасининг айнан деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли яшайдиган ҳудудларига нисбатан қўлланилган бўлса, «Суғди» атамаси шаҳарларга, пойтахтга нисбатан ишлатилган. «Авесто» замонида Суғднинг энг катта шаҳри, пойтахти, сўзсиз, Самарқанд эди.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Афросиёб Турон мамлакатининг подшоси сифатида тасвирланади. Афросиёб «Авесто»да Франграсян, туркий манбаларда Алп Эр Тўнга номида берилган. Афросиёб харобалари билан «тур»лар етакчиси Афросиёб ўртасида боғлиқлик бўлмаганида, унинг номи «Афросиёб» деб юритилмас эди. «Авесто»нинг гувоҳлик беришича, Афросиёб раҳнамолигида «тур»лар билан мидияликлар ўртасидаги жанг Чайчиста (Орол) кўли ёнида милoddан аввалги VIII асрда рўй берган. Шаҳарнинг шаклланиш даври Афросиёб тарих саҳнасида чиққан вақт билан бир вақтда юз берганлиги тарихий ҳақиқатдир»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ширинов Т. Тарихимиз этюдлари. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б.191.

Эрамизгача бўлган 1 минг йиллик бошларида Суғд ва унинг пойтахти Самарқанд маъмурий ҳудуд сифатида мавжуд бўлган.

«Қадимги санскрит тилида «сморғ» атамаси «чорраҳа», «савдо йўллари кесишган», «савдогарлар учрашадиган жой» маъносини англатган ...

Бизнингча, «Самарқанд» атамаси савдо йўлларининг кесишган жойи, чорраҳа, обод шаҳар деб изоҳланиши ҳақиқатга анча яқин. Ҳозирги кунда шаҳарнинг эски маҳаллаларидан бирининг номи «Чорраҳа» деб номланиши ҳам бежиз эмас»<sup>1</sup> деб ёзади профессор Т. Ширинов. Худди шунга ўхшаш фикр таниқли тарихчи олимлар – А. Саъдуллаев ва М. Исоқовда ҳам бор.

Самарқанд Аҳамонийлар даврида ҳам ҳудуддаги марказий шаҳар мақомида бўлган.

«Юнон тарихчилари асарларида Самарқанд биринчи маротаба Арриан томонидан «Мароқанда» номи билан тилга олинган. Арриан ёзади: «Александр ўзининг армияси ва барча аравалар қарвони билан шимолга жуда секинлик билан силжир эди. Унинг қўшинларига от етказиб бериш тўғрисидаги маҳаллий аҳоли томонидан олинган мажбурият амалга оширилгандан кейин у Мароқандага жўнади».

«Александр сафарномаси» асарида (340 – 345) ... Мароқанда шахрининг номи «Маракунда» деб берилган»<sup>2</sup>.

Профессор Т. Шириновнинг ёзишича, «... араб ёки форс тилларидаги Самарқанд номи таҳлил қилиниб, унинг қадимги суғд тилида «Самаракана» талаффузига эътибор қаратилмаган».

Агар Т. Ширинов: «Нима бўлганда ҳам, «Самарқанд» атамасининг шахс номига боғлаб изоҳланиши тарихий ҳақиқатдан анча йироқ. Араб тилидан изоҳ қидириш ҳам нотўғри, чунки араблар келишидан минг йил аввал шаҳар Самарқанд номи билан машҳур эди»<sup>3</sup>, – деб ёзган бўлса, профессор Т. Нафасов ўзининг «Самарқанд полисоними» мақоласида Самарқанд номининг самар узви билан боғлиқ етти талқинини лингвистик таҳлил қилади<sup>4</sup>. Тадқиқотчи Т. Эрназаров ҳам «самар» сўзининг «киши номи», «саркарда номи», «қудуқ», «мева-ҳосил» каби маънолари борлигини қайд этган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ширинов Т. Тарихимиз этюдлари... – Б.191.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б.192.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б.193.

<sup>4</sup> Нафасов Т. Самарқанд полисоними // СамДУ Ахборотномаси. 2011. №4. – Б.57 – 58.

<sup>5</sup> Эрназаров Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини. – Тошкент: Университет, 2004. – Б.51 – 52.

Мовароуннахрга араблар босқини арафасида ноиб Абдурахмон ибн Субҳ Панжакент ҳокими Деваштичга хат ёзади. Хатнинг мазмуни қуйидагича:

«720 – 721 йиллар. Араб истилочиларига қарши ватанпарварлик курашининг, озодлик курашининг янги тўлқини жўш урган палла. Ўзини Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими деб эълон қилган Деваштич Абдурахмон ибн Субҳ деган кишидан мактуб олади. Мактуб суғд тилида, ниҳоятда гўзал ҳуснихат билан ёзилган...

Хусусан, бунда «Амир Абдурахмон ибн Субҳдан Суғд подшоси Самарқанд ҳокими Деваштичга иззат-ҳурмат (билан)» деб баён этилган жумладан маълумки, Деваштичнинг подшолик даъвосини, у асли подшо сулоласидан бўлмаса – да, халифалик тан олган экан»<sup>1</sup> деб ёзади суғдшунос олим М. Исоқов.

Бундан кўринадикки, хали араблар истилосидан олдиги даврларда ҳам Суғд давлати ўз пойтахти Самарқанд маркази билан фаолият юритиб келган.

Самарқанд шаҳри дастлаб Сомонийлар давлатининг ҳам пойтахти бўлган.

«Худуд ул-олам» асарида (X аср): «Самарқанд – катта шаҳар, обод, ноз-неъмат фаровон ва бутун жаҳон савдогарлари келиб-кетадиган жой. Унинг шахристони, куҳандизи ва работи бор»<sup>2</sup>, – деб қайд этилади.

«Суғд Оллоҳ мамлакатларининг энг унумдор еридир. Унда энг яхши дарахтлар ва мевалар, одамлар яшайдиган ҳамма жойда боғ-роғлар, ҳовузлар ва оқар сувлар бор, оқар сувли ариғи бўлмаган кўча ёки уй камдан-кам учрайди»<sup>3</sup>, – деб ёзади Истахри (X аср).

Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» китобида «Самарқанд – турк тилида Самизкент, маърифат шаҳарларидан бири»<sup>4</sup> деб изоҳланади.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит турк» (XI аср) асарида: «Ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар... Самарқандни катталиги учун самизкент – семиз шаҳар дейдилар. Буни форслар Самарқанд тарзида қўллайдилар»<sup>5</sup>, – деб ёзади.

<sup>1</sup> Исоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.34 – 36.

<sup>2</sup> Худуд ул-олам. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – Б.12.

<sup>3</sup> Самарқанд тарихи. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.47.

<sup>4</sup> Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1964. – Б.130.

<sup>5</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. Уч томлик. I том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.330.

Академик В. Бартольд ҳам «Тюрки» асарида «Маҳмуд Кошғарий семизкент – «бой-тўқ шаҳар» туркий этмологиясини қайд этганини ёзган<sup>1</sup>.

«Баъзи бир европалик олимлар шаҳар номи санскритча *samariya* – «йиғин», «анжуман» сўзидан олинган»<sup>2</sup> деган талқин ҳам бор деб ёзади С. Қораев.

Самарқанд 1370 йилда Темурийлар давлати пойтахтига айланди. Бу жараён то Шайбоний Убайдуллохон давригача (1533) давом этди.

«Темур нима сабабдан ўз давлатининг пойтахти қилиб Самарқандни танлаб олган? Баъзи бировлар Темур дастлабки эгаллаган шаҳарлардан энг йириги Самарқанд эди десалар, бошқа бировлар бунга сабаб қилиб Темурга шаҳарнинг иқлими ва уни ўраб турган табиат манзур бўлган дейдилар, учинчи бировлар эса Самарқанд Темурни ўзига жалб этди, чунки у қадим замонлардан буён шаҳар сифатида маълум эди, бу ерда машҳур Афросиёб Турон мамлакатини идора қилган эди деб тахмин қиладилар.

Ана шу тахминларнинг ҳар бирида маълум даражада ҳақиқат бор, албатта, лекин бунинг объектив сабаби, афтидан, аввало, шундаки, Самарқанд ўзининг географик ўрни жиҳатидан Моавроуннахрнинг марказида жойлашган. Шаҳар атрофида серсув дарё, булоқлар мавжуд, шаҳарнинг ўзи эса уч томондан тоғлар билан ўралган, бу ерда уч ҳаво оқими: тоғдан, дарёлардан, шунингдек, далалардан – ўрмонлар ва ўтлоқлардан келади оқим бир-бирига қўшилиб, оромбахш иқлим барқарордир. Самарқандга яқин жойларда бинокорлик материалларининг, қимматли рангли ва нодир металлларнинг катта-катта захиралари бор эди. Бу бойликлар маълум даражада ўша даврдаёқ давлат хизматига қўйилиши мумкин эди»<sup>3</sup>.

Самарқанд, Темурнинг фикрича, дунёнинг энг донгдор шахри бўлиб қолиши керак эди; Самарқанд атрофида Бағдод, Дамашқ, Миср (Қоҳира), Шероз ва Султония деб мусулмон мамлакатлари асосий шаҳарларининг номлари қўйилган бир қанча катта қишлоқларнинг бунёд этилганлиги ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди»<sup>4</sup>.

«Самарқанд ва унинг атрофидаги ерлар ҳайратомуз даражада мўл-кўл ва бой эди. Мана шундай бойлиги туфайли шаҳар Са-

<sup>1</sup> Бартольд В. Тюрки. – Алматы: Жалан, 1998. – С.65.

<sup>2</sup> Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: ЎзМЭ, 2005. – Б.5.

<sup>3</sup> Самарқанд тарихи... – Б.170 – 171.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

марқанд деб аталади. Унинг ҳақиқий номи Семизкент, яъни бой қишлоқ демақдир. Самарқанд ана шу номдан келиб чиққан»<sup>1</sup>.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида: «Ер юзининг аҳоли яшайдиган қисмида Самарқандча латиф шаҳар камроқдир. Бешинчи иқлимдандир. Узунлиги 99 рамзи нужумий даража (градус), 56 дақиқа, эни 40 даража (градус) ва дақиқадир. Шаҳри Самарқанд, вилоятини Мовароуннаҳр дейдилар. Ҳеч душман қаҳр ва ғалаба билан бунини эгаллаёлмагани учун «балдаи маҳфуза» – «ҳимоядаги шаҳар» дейдилар. Самарқанд ҳазрати амир ул-мўминин Усмон замонида мусулмон бўлгандир. Саҳобадан Қусам ибн Аббос у ерга боргандир. Қабри Оҳанин дарвозасининг ташқарисида. Ҳозир Мозори Шоҳ (Шоҳи Зинда) номи билан машҳур. Самарқандни Искандар бино қилган. Мўғул ва турк улуси Семирқанд дерлар. Темурбек (Амир Темур) пойтахт қилган эди. Темурбекдан илгари Темурбекдай улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилган эмас»<sup>2</sup>, – деб ёзади.

Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг (вафоти 1874 йил) «Самария» китоби XIX асрнинг 50 – 60- йилларида ёзилган бўлиб, муқаддима, ўн бир боб ва хотимадан иборат. Асарнинг биринчи боби «Бу шаҳарнинг Самарқанд аталиши тўғрисида» деб номланиб, бу ўринда «Самарқанд» топонимининг тўрт вариантдаги талқини берилади:

«Самарқанд шаҳрининг «Самарқанд» аталиши тўғрисида бир неча сабаб айтганлар:

Биринчи [сабаб]: «Бурҳони қотей» китобида нақл қилинган-ким, Самар исмлиқ бир киши бу ерда жойлашган ва ўз теварагига халқни тўплаган эди. Шунинг учун бу ер бошда «Самаркент» аталди. Араб қўшини бу ерни олгач, ўз тилларига ўзгартириб «Самарқанд» дедилар (XVI аср).

Иккинчи [сабаб]: «Масолик ул-мамолик» номли китобда нақл қилинган дурким, Самар боқир исмлиқ бир хон Фарғона ва Қошғар томонларидан келиб, бу вилоят халқига душманлик юзасидан шаҳарнинг деворларини қазиб бузган эди. Шунинг учун бу шаҳар «Самар қазди» маъносида бўлган. Форсча «Самарқанд» оталди. Араб қўшини бу шаҳарни олгандан кейин «Самарқанд» отадилар (XI аср).

Учинчи [сабаб]: «Тарихи Табарий» китобида келтирилгандир-ким, Самар отлиқ бир хон ушбу шаҳарни солдирди [бино қилдир-

<sup>1</sup> Гонсалес Руи де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406). – Тошкент: O'zbekiston, 2010. – Б.99.

<sup>2</sup> Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б.55.

ди], энг аввал «қанд» деган турк аймағи бунда ўрнашиб ўлтирди. Шунинг учун бу шаҳар бошлаб «Самар+қанд» оталди. Араб қўши-ни бу шаҳарни олгандан кейин «Самарқанд» дедилар (XI аср).

Тўртинчи [сабаб]: ушбу шаҳарнинг бир ерида «Самар» деган биров томонидан қазилган бир булоқ бор эди. Улус ўшал булоқ те-варагига йиғилиб ўрнашган эдилар. Шу сабабдан у ўриннинг оти «Самарқанд» деб шухрат чиқарди. Араблар келгач, «Самарқанд» дедилар.

«Ҳафт иқлим» китобида айтилганки, Яман Туббаъи малик-ларидан Самар исмлиқ бир киши ушбу шаҳарнинг деворини буз-ди. Араблар келгандан кейин «Самарқанд» дедилар ва яна Танг-ри Таоло яхши билади»<sup>1</sup>.

Самарқанд шаҳрига тарихда «Ер юзининг сайқали», «Шарқ гавҳари», «кўҳна ва навқирон шаҳар», «дилбар шаҳар»<sup>2</sup>, «ҳи-моядаги шаҳар», «етти иқлим мўъжизаси», «Мовароуннаҳрнинг савдо бандаргоҳи», «афсонавий шаҳар», «фирдавсмонанд», «нон шаҳри», «боқий шаҳар» каби шарафли номлар берилган.

Самарқанднинг Ер юзининг сайқали бўлишида, Самарқанднинг жаҳонга юз тутишида қўйидаги омиллар сабаб бўлган кўринади:

**Самарқанд қоғози.** Истахрийнинг ёзишича, Самарқанд IX аср-да ҳам қоғоз ишлаб чиқаришнинг асосий маркази бўлган.

«Худуд ул-олам» асарида: «Ул шаҳарда қоғоз ишлаб чиқари-лади, уни бутун жаҳонга олиб кетадилар»<sup>3</sup>, – деб таъкидланади.

**Самарқанд олмаси.** Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида ёза-ди: «Айниқса, икки мева Самарқандда машҳурдир: Самарқанд олмаси ва Самарқанднинг соҳиби узуми»<sup>4</sup>.

**Буюк Ипак йўли.** «Буюк Ипак йўли инсоният тарихи ривожини янги ўзанга солиб юборди. Ушбу савдо йўлининг пайдо бўлиши ва ривожланишида Суғдиёна-Самарқанднинг хизмати беқиёс»<sup>5</sup>.

**Самарқанд нони.** «Нони осийи»<sup>6</sup> – «Самарқанднинг Галаосиё маҳалласидан бошқа ерда тайёрлаб бўлмайди» дейилган афсона-вий нон.

Самарқанд академияси – Улуғбек. Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394 – 1449) Самарқандда ўзига хос академия ташкил этган эди.

<sup>1</sup> Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария (Самарқанд мазорлари зикри). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б.117.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Етти иқлим мўъжизаси // Халқ сўзи. 2015 йил 24 июль.

<sup>3</sup> Худуд ул-олам. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – Б.12.

<sup>4</sup> Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б.55.

<sup>5</sup> Ширинов Т. Тарихимиз этюдлари... – Б.196 – 197.

<sup>6</sup> Маҳмудов К. Нон – азиз ризқ-рўзимиз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.15.

100 дан ортиқ олимлар Улуғбек раҳбарлигида фаннинг турли соҳалари бўйича изланишлар олиб борганлар.

**Самарқанд қадамжолари.** «Шоҳи Зинда» меъморчилик комплекси XI – XIX асрларда Самарқанднинг Афросиёб тепалиги жанубида барпо қилинган, бу мажмуага йигирмадан зиёд мақбара, масжид, хонақоҳ ва чиллахоналар киради. Уларнинг ичида энг қадимийси Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиваччалари Қусам ибн Аббоснинг мақбарасидир. Бу тўғрида «Қандия» асарида батафсил маълумот берилган. «Шоҳи Зинда» «тирик подшо», «тирик шоҳ» демақдир.

Хожа Дониёл мозори. Шаҳар ташқарисида, шимол томонда Афросиёб қўرғонининг кунчиқар томонидаги рахнасида, Сияҳоб аригининг ёқасида. Авом уни Дониёл пайғамбарнинг қабри дейди<sup>1</sup>.

**Амир Темур.** Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай Баҳодир Самарқанд шаҳри атрофида марказлашган Темурийлар давлатига асос солган. У нафақат Самарқандни Туркистон марказига, балки Ер юзининг марказларидан бирига, «сайқали замин»га айлантирди.

**Регистон майдони** (форсча, «рег» – қумлоқ, «истон» – жой, «қумлоқ жой»). Регистон Марказий Осиё меъморчилигининг ноёб дурдонаси ҳисобланади. Бежизга «Регистон – Самарқанднинг юраги» дейилмайди.

Айтиш мумкинки, Самарқанд топонимининг суғд тилида «Самаракана» ёки «Смараканса»<sup>2</sup>, санскрит тилида «Смрғ», хитой тилида «Кан», юнон тилида «Мараканд», араб ва форс тилларида «Самарқанд», турк тилида «Семизкент», тарихий асарларда «Қандия» ва «Самария» деб талқин қилинишидан қатъи назар, уларда берилган талқин ва таърифлар сеҳрли «Самарқанд» номида яшринган мазмун ва моҳиятни очиб беришга хизмат қилади.

«Самарқанд» топоними на ҳинд, на хитой, на юнон, на араб, на форс, на турк тилидан олинган, балки соф суғд тилидаги «Самаракана» – «чорраҳа», «кўп аҳоли йиғиладиган макон» мазмунидаги тушунчанинг тарих чиғириғидан ўтиб, сайқаллашган шаклидир.

Хулоса ўрнида айтганда, Самарқандни Самарқанд қилган, уни Ер юзининг сайқалига айлантирган омиллар унинг қулай географик ва стратегик ўрни, савдо, маданият, илм-фан маркази бўлганлиги, шаҳарни обод ва гўзал қилиб бунёд этган закий, меҳ-

<sup>1</sup> Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария... – Б.152 – 153.

<sup>2</sup> Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари... – Б.101.



наткаш ва бунёдкор халқидир. Самарқанд топоними ҳам шу халқ тафаккур дурдонасининг мевасидир.

Самарқанднинг 2014 йили Американинг нуфузли «Хаффингтон пост» интернет нашри томонидан инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этилиши, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан Самарқанд сари талпинаётган хорижий сайёҳлар оқими Самарқанд шаҳрининг Ер юзининг сайқали экани замонавий эътирофидир.

О. Бўриев

## САМАРҚАНД ВОҲАСИДАГИ ЭТНИК ҲАЁТ (IX – X АСРЛАР)

«Ер юзининг сайқали», «Мусулмон оламининг қимматли гавҳари», «Ер юзининг порлоқ нуқтаси», «Шарқ Рими», «Шарқ жаннати», «Суғднинг машҳур бозори» деб таърифланган Самарқанд шаҳри жаҳон цивилизациясининг энг қадимги марказларидан бири бўлиб, бутун дунё маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган<sup>1</sup>. Ўз даврининг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланган, кўҳна бой тарихга эга бўлган Самарқанд шаҳри билан нафақат ўзбеклар, балки бутун Марказий Осиё халқлари ҳақли равишда ғурурланадилар.

IX – X асрлар Мовароуннаҳрнинг, шу жумладан, Самарқанд воҳаси ва шаҳрининг тарихида салмоқли бобни ташкил этади. Бу даврда Мовароуннаҳрда Суғд (Суғдиёна) иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг ривожланган ўлкалардан бири ҳисобланган.

Суғд Араб истилосигача Зарафшон (Бухоро воҳасидан ташқари) ва Қашқадарё водийлари кирган давлат бўлиб, Суғд ихшиди (подшоҳи) пойтахт Самарқандда турган. Қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973 – 1048) даврида фақат Зарафшон водийси Суғд деб аталган. Алломанинг ёзишича, бешинчи иқлимдаги жойлар сирасига кирган Суғд вилоятида Кармана (Карминия), Добусия, Кушония, Исбанжон, Арбинжон, Насаф (Нахшаб), Каш (Кеш), Самарқанд шаҳарлари тилга олинган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Алимова Д.А., Буряков Ю.Ф., Раҳматуллаев Ш.М. Самарқанд тарихи (қадимги даврдан то ҳозирги кунгача). – Тошкент, 2009.

<sup>2</sup> Абу Райҳон Беруний. Қонуни Масъудий // ТА. V том. 1-китоб. – Тошкент, 1973. – Б.424.

Шунингдек, Ҳамдуллоҳ Қазвиний (1281 – 1350) ёзганидек: «Суғд дунёдаги энг хушманзара жой, Бухородан Самарқандгача 8 кунлик йўл, дарё бўйларида боғ-роғлар туташиб кетган. Одамлари ниҳоятда меҳмондўст ва оқкўнгилли, мамлакатда қарийб 20 минг қишлоқ ва қўрғон мавжуд»<sup>1</sup>.

Бу ўлканинг янада гуллаб-яшнаши IX асрнинг биринчи ярмида ҳокимиятга келган Сомонийлар даврида содир бўлган. Чунки бу сулоладан етишиб чиққан давлат раҳбарлари ўлканинг иқтисодий ва маданий ривожланишида ҳамда ислом динининг Зарафшон водийсида барқарор бўлишида ҳам фаол қатнашишган. Табиийки, воҳанинг тараққиётида энг асосий, ҳал қилувчи ролни меҳнаткаш халқ ўйнаган.

Суғдиёнанинг равнақ топишида воҳадаги Зарафшон дарёсининг ҳамда ундан сув оладигани катта-кичик канал ва ариқларнинг мавжудлиги ҳам муҳим омил ҳисобланган. Мазкур суғориш тизими орқали воҳадаги барча экинзорлар ва боғлар суғорилган. Суғдиёна воҳаси ҳосилдор ерлари билан машҳур бўлган ва аҳоли анча зич жойлашган. Манбаларда Самарқанд Суғди ер юзидаги «тўртинчи жаннат» деб таърифланган. Суғддаги барча шаҳар ва қишлоқларда кўҳандиз мавжуд бўлган<sup>2</sup>.

Суғдиёнанинг ҳар томонлама тараққий этишида унинг географик жиҳатдан қулай жойлашгани ҳам муҳим роль ўйнаган. Воҳадаги йирик шаҳарлар ва қишлоқлар энг асосий савдо ҳалқасида – Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашгани сабабли ўлка аҳолиси бир қанча етакчи давлатлар билан кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари олиб боришган<sup>3</sup>.

Маҳаллий тижоратчилар ҳам воҳа тараққиёти учун сидқидилдан хизмат қилишиб, унинг ҳар томонлама тараққий этишида ўзларининг салмоқли улушларини қўшишган. Шу боисдан ҳам Суғд (Суғдиёна) ривожланган ўрта асрларда Марказий Осиё халқлари этномаданий тараққиётида сезиларли роль ўйнаган энг салоҳиятли ўлкалардан бирига айланган эди.

Маълумки, Араб халифалиги зулмига қарши кураш Сомонийлар давлати ташкил топиши билан тугалланиб, Самарқанд шаҳри IX асрнинг 20-йилларидан мазкур вилоятнинг пойтахти ҳисобланган. IX асрнинг иккинчи ярмида, тўғрироғи, 875 йилда Исмоил

<sup>1</sup> Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2003. – С.99.

<sup>2</sup> Буниятов З.М. Государство ХорезмшаховАнуштегинидов (1097 – 1231). – Москва: Наука, 1986. – С.105.

<sup>3</sup> Алимова Д.А., Буряков Ю.Ф., Раҳматуллаев Ш.М. Самарқанд тарихи... – Б.20 – 21.

ибн Аҳмад Сомоний (847 – 907) даврида пойтахт Бухоро шахрига кўчирилган бўлса – да, Самарқанд шахри Мовароуннахрнинг етакчи иқтисодий, маданий ва савдо маркази бўлиб қолаверган. Таниқли муаррих Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (899 – 959) мазкур шаҳар номини арабча Самарин, форсча эса Самарқанд деб тилга олган<sup>1</sup>. Абу Райҳон Беруний эса Самарқанд турк тилида Самарқанд, яъни қуёш шахри эканини қайд этган<sup>2</sup>.

Ўрта аср муаллифлари: Ёқут Ҳамавий (1179 йилда туғилган), Ҳамдуллоҳ Қазвиний (1281 – 1350), Рашидиддин (XIII аср), Жувайний (XIII аср) ва бошқалар Суғднинг маъмурий маркази ҳисобланган Самарқанд каби хушманзара ва бой шаҳар дунёда мавжуд эмаслигини таъкидлашган. Шаҳарнинг ташқи девори ва мадина девори оралиғида кўплаб тураржойлар жойлашган. Мадинада тўртта дарвоза мавжуд эди, кўрғошин қувур орқали сув узатилган. Шаҳар шундай кўплаб боғ-роғлар билан ўралган эдики, ҳатто кўхандиз тепасидаги иморатларни кўриш қийин эди. Манбаларда Самарқанд шахрининг Бабдостон, Бобкўҳак, Бобтоқ, Номозгоҳ каби дарвозалари ҳамда Уштабазида (Ушта Бабийзак), Бамжаҳин, Чокардиза, Заримаш, Санжадуза, Гадавад, Фаразмисан, Фаганда-ра, Канвон, Лаббод, Варсин каби маҳаллалари тилга олинган<sup>3</sup>.

IX асрнинг иккинчи ярми – X асрнинг биринчи ярмида Суғдиё-нанинг маркази Самарқанд шахри аҳолисининг турмуш тарзи анча яхшиланган, вайроналар устидаги шаҳар ҳудуди ҳам кенгайган. Шаҳарда хунармандчилик, савдо-сотик ва суғориш иншоотлари бунёд этиш равнақ топган. Шаҳарда пишиқ ғиштдан осма қувур (нова) – акведук қурилиб, туби кўрғошин билан қопланган. Бу Жуйи Арзиз («Кўрғошин ариғи») IX – XII асрларда бутун Самарқанд шахрини сув билан таъминлаган. Бу ҳақда 960 – 970 йиллар оралиғида Самарқанд шахрида бўлган таниқли географ Иброҳим Абулқосим ибн Ҳавқал (X аср) ҳам батафсил ёзиб қолдирган.

Самарқанд вилоятида 12 та рустоқ (туман) мавжуд бўлиб, уларнинг 6 таси Зарафшон дарёсининг ғарбий қисмида жойлашган эди: Бунжикет (Панжикент), Вароғсор, Маймурғ (Равдор), Дарғом, Обгар, Савдор. Шунингдек, рустоқнинг 6 таси дарёнинг шимолий қисмида ўрнашганди: Яркет, Бурнамад, Бузмажон, Кабуданжакет, Бедар ва Марзбон<sup>4</sup>. Мазкур рустоқлар туман марказлари ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири таркибига ўнлаб қишлоқлар кир-

<sup>1</sup> Бухоро тарихи. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.29.

<sup>2</sup> Абу Райҳон Беруний. Қонуни Маъсудий // ТА. V том. 1-китоб. – Тошкент, 1973. – Б.424.

<sup>3</sup> Буниятов З.М. Государство ХорезмшаховАнуштегинидов... – С.108.

<sup>4</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.196.

ган. Самарқанд шаҳри атрофидаги қишлоқларнинг зич жойлашгани ва аҳолисининг кўплиги саёҳатчилар диққатини ҳам ўзига қаратган. Шаҳарнинг атрофи ниҳоятда хушманзара бўлиб, қишлоқлар ва муҳташам қасрлар анчагина эди.

Ўрганилаётган даврда воҳа қишлоқлари ва шаҳарлари аҳолиси сони биронта ҳам манбада аниқ кўрсатилмаган. Турли муаллифларнинг бу ҳақдаги маълумотлари ҳам тахминий дейиш мумкин. А.М. Белиницкий, И.Б. Бентович, О.Г. Большаков ҳам ўз китобидаги шаҳарлар аҳолисини археологик изланишлари натижасида тузган харитаси асосида қайд этишган<sup>1</sup>. Бурунги шаҳарлар харобалари харитаси орқали унинг аҳолиси миқдорини аниқ белгилаш жуда қийин, албатта. Шаҳар майдони катта бўлганлиги билан, иморатлари сийрак қурилган бўлиши ҳам мумкин. Айрим шаҳарларнинг эгаллаган майдони кичик, аммо тураржойлари тигиз, аҳолиси эса жуда зич жойлашади. Бундай шаҳарлар харобаларининг харитаси кичик бўлишидан қатъи назар, аҳолиси кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Араб муаллифларининг Самарқанд Суғди рустоқлари ва шаҳарлари ҳақидаги маълумотлари қишлоқлар тигиз ҳамда аҳоли зич жойлашганини яққол исботлайди. Чунончи, Истахрий (850 – 939), Ибн Ҳавқал (X аср), АлМуқаддасий (947 – 1000) Мовароуннаҳр вилоятлари, жумладан, Самарқанднинг ҳам анчагина шаҳар ва қишлоқларида бўлишиб, ўзларининг кўрган- билганларини асарларида қайд этишган<sup>2</sup>. Ушбу муаллифларнинг воҳанинг айрим рустоқларидаги қишлоқларнинг кўплиги, аҳолисининг зичлиги, шаҳарнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этганлиги ҳақидаги маълумотлари ниҳоятда муҳимдир.

Зарафшон дарёсининг ўрта оқимларида жойлашган тўртта йирик шаҳар: Иштихон, Кушон, Дабусия ва Робинжон Самарқанд ва Панжикентдан кейинги ўртача даражадаги шаҳарлар тоифасига кирган. Биргина Панжикент шаҳрининг аҳолиси 40 минг нафар кишини ташкил этган.

Ўрганилаётган давр тараққиёти таҳлил этилса, X асрда юқорида қайд қилинган тўртта йирик шаҳарнинг ҳар бирида ўртача 10 минг нафар аҳоли яшаган бўлиши керак деган хулоса чиқариш мумкин. Вилоятдаги 13 тадан қолган еттитаси кичик шаҳарлар ҳисобланиб, уларнинг ҳар бирининг аҳолиси 5 – 6 минг нафар кишидан иборат эди. Бундан шундай хулоса чиқариладики, 7 та

<sup>1</sup> Белиницкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Москва, 1973. – С.266.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. Т.1. – Москва, 1963. – Б.86 – 87.

шаҳарнинг умумий аҳолиси ҳам қарийб 40 минг нафар кишига етган. Демак, Зарафшон дарёси ўрта оқимидаги барча шаҳарларда яшовчи аҳолининг жами сони 230 минг нафар киши атрофида бўлган. Бунга қишлоқлар аҳолиси қирмайди, албатта<sup>1</sup>.

Академик В.В. Бартольд (1869 – 1930) ҳам муаррихлар Самъоний (1113 – 1167), Ёқут Ҳамавий (XI асрнинг бошлари) асарларидаги Зарафшон водийсида мавжуд 223 та қишлоқ номларини тилга олган. Шулардан 101 таси Самарқанд вилоятида жойлашган эди<sup>2</sup>. Аксарият ҳолларда араб муаллифлари жоме масжиди ва бозорлари мавжуд қишлоқларнигина қайд этишган, холос. Марказий Осиёда шаҳарликлар умумий аҳолининг 20 – 25 фоизини ташкил этишган<sup>3</sup>.

Самарқанд вилоят қишлоқ аҳолисининг сони 850 минг нафар кишига етган деб ҳисобланган, бу ҳудуддаги шаҳарлар ва қишлоқларда турғун яшовчи аҳолининг жами сони 1080 минг нафар кишига етган<sup>4</sup>. Воҳадаги ўтроқ аҳолининг асосий қисми туркийлар, суғдийлар, яъни ўзбеклар ва тожикларнинг аجدодлари ҳисобланган. Шунингдек, бу ҳудудда араблар ҳам яшашган, лекин уларнинг сони унча кўпчиликни ташкил этмаган. Самарқанд вилоятининг тоғолди туманларида ва чўл ҳудудларида кўчманчи, ярим ўтроқ туркий тилли қавмлар: қарлуқлар, чиғиллар, ўғузлар ва бошқалар яшашган.

Сўнгги маълумотларга кўра, Сомонхудо ва унинг аجدодлари ҳам ўзининг қадимий деҳқончилик ва шаҳарсозлик маданиятига эга бўлган Марказий Осиёнинг ўтроқ ва шаҳар турклари табақасига мансуб бўлган<sup>5</sup>.

Туркий тилли чорвадорлар кабилар сон жиҳатдан озчиликни ташкил этган. Чунки Мовароуннаҳр ҳудудига араблар истилосидан кейин ва Сомонийлар даврида фақат ислом динини қабул қилган кўчманчи қабилалар кўпроқ келиб жойлашган. Тахминий ҳисобларга қараганда, буларнинг сони 200 минг нафар деб ҳисобланган, вилоятда яшаган қишлоқлар ва шаҳарлар аҳолисининг жами сони 1280 минг нафар кишига етган дейиш мумкин<sup>6</sup>.

Бу ҳудуддаги аҳолининг этник таркиби ва ўзига хос маданий ҳаёти асосан шаклланиган эди. Чунки воҳа аҳолиси қадимдан ўт-

<sup>1</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни... – Б.200.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия... – С.173 – 187.

<sup>3</sup> Белицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии... – С.26.

<sup>4</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни... – С.200.

<sup>5</sup> Камолиддин Ш. Сомонийларнинг келиб чиқишига доир // Мозийдан садо. 2006. №4. – Б.16.

<sup>6</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни... – Б.201.

роқ яшаб, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдосотиқ билан шуғулланган. Уларнинг аксарият қисми туркий тилли халқлар ҳисобланиб, воҳада тожиклар ҳам биргаликда яшашган. Араблар истилосидан кейин воҳада уларнинг вакиллари ҳам истиқомат қилишган. Туркий тилли аҳолининг маълум қисми ўрганилаётган даврда кўчманчи ва ярим ўтроқ тарзда яшашиб, асосан, чорвачилик билан шуғулланишган, улар ўтроқ аҳоли билан доимо яқин ўзаро иқтисодий ва маданий алоқада бўлишган.

Хуллас, Сомонийлар (IX – X), сўнгра Қорахонийлар даврида (XI – XII) Мовароуннаҳр, жумладан, салоҳиятли иқтисодий ва маданий тараққий этган Самарқанд воҳасида яшовчи аҳолининг кўпчилики қисми ўтроқ тарзда яшаб, улар ўзбеклар ва тожикларнинг аجدодлари ҳисобланган. Бу иккала қардош халқ аجدодлари асрлар оша доимо қўниқўшни ва аралашган ҳолда яшашиб, ўзаро яқин иқтисодий ва маданий алоқада бўлишган.

Шунингдек, воҳада тоғолди ва чўл ҳудудларидаги кўчманчи ва ярим ўтроқ, туркий тилли этник гуруҳлари ўтроқ аҳоли билан ўзаро яқин этномаданий алоқада бўлишган. Кўчманчи аҳоли тобора ўтроқлашиб, турғун аҳоли сонининг янада ошишига сабаб бўлган ва ўзбек аждодларининг элат бўлиб шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган. Ўрганилаётган даврда иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этган Самарқанд шаҳри Суғдиёна воҳасидагина эмас, балки Марказий Осиёдаги этномаданий жараёнларда муҳим роль ўйнаган.

*Ғ. Тагаев*

## **ЗАРАҒШОН ВОҲАСИДА ЭТНИК ГУРУҲЛАРНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ТАРИХИДАН** (Самарқанд вилояти мисолида)

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи, ўзбек халқи этногенези бўйича турли манбалар тадқиқотлари олиб бориш ва илмий-қийсий таҳлил қилиш тарихчи олимларимиз олдида турган долзарб масаладир. Ислом Каримов ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарида Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларидан бири ўзбек халқининг этник шаклланиш жараёнини аниқлаш эканини алоҳида уқтирган эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.21.

Жаҳондаги барча халқлар ва элатлар мураккаб этник жараёнларни бошдан кечирганлар. Чунки ҳар бир этнос узоқ тарихий давр давомида турли элатлар билан алоқада, баъзан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, бошқа этнослар билан аралашиб, уларни ўзига сингдириб ёки таркибий қисм қилиб олиш натижасида шаклланган<sup>1</sup>. Ўзбек халқи этник бирликлари ҳам асрлар давомида шу тахлит ривожланиб келган. Ушбу жараён Зарафшон воҳасида ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Воҳада этник бирликлар яшаш тарзига кўра қурама жойлашган. Ҳар бир этник гуруҳ ўзига хос миллий маданияти, урф-одати, ҳўжалик машғулотлари ва кўп асрлик тарихига эга.

Воҳа минглаб йиллардан буён энг машҳур тарихчилар, сайёҳлар, ўнлаб элларни қилич билан тиз чўктирган фотиҳлар эътиборини ўзига жалб этиб келган. **Зарафшон** Ўрта Осиёнинг марказий қисмида, Туркистон-Оқтоғ билан Зарафшон тизмалари орасида жойлашган кўндаланг водий ҳисобланади<sup>2</sup>. Ўрганилаётган ҳудуд асосан бугунги кундаги Самарқанд вилоятига тўғри келади.

Археологик маълумотларга кўра, Зарафшон водийси тош давридан оқибтидоий аждодлар томонидан ўзлаштирилган. Бунга водийнинг серунум тупроғи, мўътадил иқлими ва яшаш учун қулай шароити сабаб бўлган. Ургут тоғларидаги Омонқўтон, Булунғур туманидаги Қўтирбулоқ, Нарпайдаги Зирабулоқ, Самарқанд шаҳридан топилган ибтидоий одамлар манзилгоҳлари фикримизнинг далилидир. Қолаверса, Зарафшон водийсининг бир неча жойларида бронза даври манзилгоҳлари ҳам мавжуд.

Маҳмуд Кошғарий (XI аср) ўзининг «Девони луғотит турк» асарида Афросиёб ва Самарқанд ҳақида қуйидагича ёзади: «Туркларнинг улуғ хони Афросиёбни Тунга Алп Эр деб атар эдилар. Йўлбарс каби кучли, баҳодир одам демақдир»... Қанд-ўғизлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқ, кўпчилик турклар наздида эса вилоятдир. Шунинг учун Фарғонани Ўзкент – ўз шаҳримиз дейдилар. Самарқандни катталиги учун Семизқанд – семиз шаҳар дейдилар. Буни форсийлар Самарқанд тарзида қўлайдилар». Яна бир жойда: «Самарқанд энг эски шаҳардир. Унинг асл номи Семизқанд – катта шаҳар демақдир», – деб ёзади. «Девон»нинг биринчи жилдида Баласоғун шаҳрини таърифлар экан, муаллиф қуйидагиларни ёзади: «Баласоғун энг катта шаҳарлардан бири эди. Халқи ҳам туркий, ҳам суғдча сўз-

<sup>1</sup> Жабборов И. Ўзбеклар (анъанавий ҳўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.10.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.3. – Тошкент, 2002. – Б.576.

лашур эди. Эски номлари Кўз урду ва Кўз улус. Бухоро, Самарқанддан кўчиб борган суғдоқлар Баласоғунда жойлашиб қолган ва туркийлашиб кетган эдилар». Кўринадики, туркийлар, жумладан, ўзбеклар жуда қадимги халқлардан ҳисобланади<sup>1</sup>.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Зарафшон водийси аҳолисининг этник таркиби хилма-хил эди. Бу ерда ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, қирғизлар, Ўрта Осиё эронийлари, араблар, яҳудийлар ва бошқа элатлар яшар эди. Ўзбеклар аҳолининг асосий қисмини ташкил этарди. 1924 йилги аҳоли рўйхатига қараганда, мазкур ҳудудда 422 892 киши яшаган, шундан 367 880 киши (77,6 фоиз қишлоқ ва 22,4 фоиз шаҳар аҳолиси) ўзбеклар эди<sup>2</sup>.

Лекин масаланинг бошқа томони борки, ҳозирги кунгача Зарафшон воҳаси этник хусусиятлари, воҳадаги этник гуруҳларнинг келиб чиқиши, воҳа бўйлаб жойлашиши, яшаш тарзи ва хўжалик машғулотлари хусусида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган, лекин бутун воҳа бўйлаб жойлашган этник гуруҳларнинг этномаданий жараёнлари бир-бирига боғланган ҳолатда комплекс тадқиқ қилинмаган.

Бугунги кунда Зарафшон воҳаси, хусусан, Самарқанд вилояти бўйлаб 92 ўзбек қавмининг деярли барча уруғлари истиқомат қилишади. Бу уруғларнинг туманлар кесимида тарқалиши ва уруғ номларининг этимологияси таҳлилига кўра найман уруғи ўн уч туманда, туркман, хўжа ва эшонлар тўққиз туманда, манғит ва хитой уруғлари саккиз туманда, қипчоқ, сарой, баҳрин, беклар этник гуруҳлари еттита туманда, минг, барлос, қирқ этник гуруҳлари олтита туманда, туёқли этник гуруҳи бешта туманда, бурқут, араб, қиёт этник гуруҳлари тўртта туманда истиқомат қилишади<sup>3</sup>.

Найманлар Зарафшон воҳаси, хусусан, Самарқанд вилоятининг қарийб 10 дан ортиқ туманида истиқомат қилиб келаётган энг катта этник бирлик ҳисобланади. М. Йўлдошев ўзининг «Найманми ёки най биланми?» номли мақоласида қуйидаги фикрларни билдиради: «Найман» сўзининг маъноси икки хил таҳлил қилинади: биринчиси мўғул тилидан олинган бўлиб, «саккиз» сонини ифодаласа, иккинчиси қадимий туркий тилдан олинган бўлиб, «най-одам», «ман» эса эгалик қўшимчасидир.

<sup>1</sup> Элмуродов Н. Зарафшон (Миёнқол) воҳаси ўзбек халқи этник гуруҳлари. – Самарқанд, 2008. – Б.36.

<sup>2</sup> Магидович И.М. Материалы по районированию Средней Азии. Кн. 1. – Бухара-Ташкент, 1926.

<sup>3</sup> Элмуродов Н. Зарафшон (Миёнқол) воҳаси ўзбек халқи этник гуруҳлари... – Б.51 – 53.



Бунда асосан биринчи фикр устувордир. Чунончи, В. Бартольд, И. Бередин каби олимлар найманларнинг этногенезини мўғуллар билан боғлайдилар. С. Амонжолов ва Н. Аристов эса найманларни турк деб ҳисоблайдилар. Бунга сабаб, қадимги шарқ қўлёзмаларида ҳамда Ўрхун ёзувларида «саккиз ўғиз» қабила иттифоқи тилга олинади: тахминан X аср ўрталарида мўғул уруғига мансуб бўлган халқлардан бири киданлар саккиз ўғизлар деб аталган туркий қабила босиб олганлар ва мўғул бўлмаган бу қабила бирлигини «найманлар», яъни «саккиз ўғизлар» деб атай бошлаганлар<sup>1</sup>.

Абулғозий Баҳодирхон ўзининг «Шажараи турк» асарида найманларни қадимий халқ сифатида эслайди<sup>2</sup>. XII асрнинг охирида Чингизхон найманларга қарши ҳужум бошлайди ва 1206 йилда найманларнинг Кучлук давлатини тугатади. Ерлари босиб оlingан найманларнинг катта бир қисми мўғулларга тобе бўлади ва ўзларининг эски жойларида – Олтой, Иртиш дарёси бўйларида қолади. Кейинчалик найманларнинг катта қисми Хоразм ва Мовароуннаҳрга кўчиб ўрнашганлар. Бу этник гуруҳнинг аксарияти Зарафшон дарёси ирмоқлари бўйлаб жойлашган.

Зарафшон воҳасида кенг тарқалган этник гуруҳлардан яна бири манғитлар ҳисобланади. Манғитлар – йирик қабилалардан бири. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи манғитлар бир қанча йирик ва майда уруғларга бўлинган. Энг йириклари: оқ манғит, оч манғит, қора манғит, чала манғит, бойғунди манғит. Бундан ташқари, яна темирхўжа, исобой, гаулак, кўса, тоз, қорабайир, бақирчи, кула, тамғали, манғит қозоқ, ўн икки чўқай, гала ботир, бешкал, чобакчак, уз, уволай ва бошқа уруғлар ҳам бўлган. Бугунги кунда манғитлар Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Каттақўрғон, Нуробод, Қўшработ ва Ургут туманлари бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, уларнинг турмуш тарзи ва урф-одатларида бирмунча фарқлар мавжуд.

Зарафшон дарёсининг ўрта оқими, бугунги кундаги Иштихон, Оқдарё, Пайариқ ва Қўшработ туманларида *қўнғирот*, *қипчоқ*, *туркман*, *жалойир*, *найман*, *манғит*, *туёқли* этник birlikлари нисбатан кўпчилиқни ташкил этади.

Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида яшаётган туркий қабилаларни рус олимлари *ўзбек туркманлари* ёки Нурота туркманлари деб аташган. Улар Қўшработ ҳудудларига Нурота орқали кириб келишган. Чунки уларни туркманлар деб бўлмайди. Чунки тили, антропологик тузилиши ва этник таркиби жиҳатидан

<sup>1</sup> Ўша жойда. – Б.35.

<sup>2</sup> Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. – Тошкент, 1992. – Б.36.

туркманлардан тубдан фарқ қилади. Қадимда Нурота ҳудудларида форсийзабон халқлар яшаган. Улар туркий қабилалар келгунча ўтроқлашиб олишган. Туркий қабилалар чорвачилик билан шуғулланганлари сабабли тоғ ёнбағирларига кенг ёйилиб кетишган. Кейинги даврларда туркий қабилаларнинг кириб келиши ва улар билан аралашиб кетиши натижасида ўз қиёфаларини ўзгартиришган. Лекин бошқа ҳудудда яшаётган халқлар қўшработликларни «туркманлар» деб ҳам аташади<sup>1</sup>.

Ўзбек туркманлари, яъни Нурота туркманлари иккита катта гуруҳга (йигирма тўрт ота ва беш ота манқишлов) бўлинади. Бу гуруҳлар ҳам, ўз навбатида, бир неча қабила ва уруғларга бўлинган. Масалан, ғозаёқли, бўгажили, қонжиғали, бароқ ва бошқалар. Уларнинг лаҳжасида «й» ҳарфи ўрнига «ж» ҳарфи ишлатилади. Турман ҳудудида яшаётган аҳолининг бир қисми ўзларини жалойирлар деб аташади. Жалойир элини Қайдухон<sup>2</sup> (Чингизхоннинг еттинчи бобоси Дутумнанхоннинг тўнғич ўғли) сургун қилганидан сўнг улар бу ҳудудларга келиб жойлашганлар. Улар ярим ўтроқ турмуш тарзида кун кечиришиб, асосан чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунарманчилик билан шуғулланишган. Бу этник бирликнинг катта қисми Оқтепанинг юқори қисми, Оқтоғ этақларида кенг яйлов бўйлаб жойлашган. У ерлар ҳозир ҳам Жалоир адир деб номланади<sup>3</sup>. Кейинчалик уларнинг бир қисми Оқтепа ҳудудига келиб ўрнашган. Кейинчалик улар Абайтўш, Сувти, Итбўрбой, Ғозоёқли, Тувадоқ каби бир қанча майда уруғларга бўлиниб кетади.

Бизни қизиқтирган жалойир қабиласи этногенези тўғрисида муҳим манбалар сирасига Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих», Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» ва Абулғозийнинг «Шажарайи турк» каби тарихий асарлари киради. Мирзо Улуғбек ва Абулғозий асарида жалойир қабиласининг этногенези ҳақида деярли бир хил маълумотлар учрайди. Ушбу тарихий манбаларга кўра, жалойир қабиласи «соф» мўғул қабиласидан бўлиб, Дарлакин наслидандир. Дарлакин насли эса Нукуз авлодидир. Нукуз авлодининг келиб чиқиши эса мўғуллар ва тоторлар ўртасидаги жанг ҳамда Аркнакул тоғига боғлаб таърифланади. Хулоса қиладиган бўлсак, жалойир қабиласи соф мўғул қабиласи бўлиб, XIII асрнинг 20- йилларида Чингизхоннинг ҳарбий юриши даврида ўлкамизга кириб келган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Маманов А. Қўшработ тарихи. – Самарқанд, 2014. – Б.19.

<sup>2</sup> Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент, 1992. – Б.42.

<sup>3</sup> Маманов А. Оқтепа тарихи. – Самарқанд, 2002. – Б.10.

<sup>4</sup> «Зарафшон воҳаси ва унинг тарихдаги ўрни» мавзуидаги республика илмий-назарий конференция материаллари. 1-қисм. – Самарқанд: СамДУ, 2001. – Б.103.

Самарқанд вилоятининг Қўшработ ва Пайариқ туманларида қўнғирот уруғи нисбатан кенг жойлашган. Қўнғирот сўзининг этимологияси аниқланмаган. Бир фикрга кўра, у «қорақарға»<sup>1</sup>, бошқа фикрга кўра, «қўнғир» ва «от» сўзларидан ҳосил бўлган дейилади. Тарихий далиллар ҳар икки фикрни инкор этади. Қўнғирот сўзи, аслида, хунн-чурр-ют сўзларидан ташкил топиб, олдинги икки сўз қабилалар (яъни хунн(хион)лар билан хуррийлар) номини, ют эса ҳам кўплик, ҳам ҳарбий тузилма маъносида тушунилиб, хунн ва хуррларнинг ҳарбий иттифоқи деган маънони англатади. Иттифоқ номи этник номга айланиб, хунхурот-хунхирот-қўнғирот тарзида ифодаланганидан бўлди<sup>2</sup>.

Қўнғиротлар орасида энг катта гуруҳ вахтамағали бўлиб, у 20 та катта уруғга бўлинади. Булар очамайли, баймоқли, тароқли, чиникли, қазаёқли, чўмичли, қайчили, ишқили, қийғочли, жилон-тамғали, болғали, қорақўнғирот, бўғажели, ўювли, хандақли, ирғоқли, абокли, кесовли, гиламбобли ва ушкили уруғларидан иборат бўлиб, мазкур уруғларнинг кўпчилиги Самарқанд вилоятининг асосан дашт воҳалари бўйлаб жойлашганлар.

Зарафшон дарёси бўйлаб Самарқанд билан Бухоро оралиғида кўплаб ўзбек уруғлари қаторида энг кўп сонни ташкил қилган хитой уруғи яшаган. Қипчоқлар эса улардан шарқда, Каттақўрғон билан Самарқанд оралиғида – Миёнқолда кўпроқ яшаган. Хитой ва қипчоқлар бир-бири билан аралашиб кетганлиги сабабли уларни Европа тарихчилари бир уруғ деб билишган<sup>3</sup>.

Хитой-қипчоқлар яшайдиган ҳудудларда Янгиқўрғон, Пайшанба, Даҳбед ва Челак шаҳарлари кирган. XIX асрнинг биринчи ўнйилликларида хитой-қипчоқлар ҳудуди амир ва унинг амалдорларига қарши кураш майдонига айланган эди. Умумий солиқлар ва йиғимлар ҳамда ҳар хил ҳарбий мажбуриятлар, доимий урушлар аҳолини хонавайрон қилди. Амлоқдорларнинг ўзбошимчалиги кучайди. 1821 – 1825 йилларда Зарафшон водийсининг ўрта қисмида (Миёнқолда) ўзбек уруғлари ўртасида қўзғолон кўтарилди. Улар «етти қабила» таркибига кирувчи хитой-қипчоқлар эдилар<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б.87.

<sup>2</sup> Умаров И. Ўрта Осиё туркий халқларининг этногези (қўнғиротлар). – Қарши, 2003. – Б.3.

<sup>3</sup> Иванов П.П. Восстание китай-кипчаков в Бухарском ханстве 1821 – 1825 гг. – М.-Л.: Изд.АН СССР, 1937. – С.27.

<sup>4</sup> Пардаев К.К. Ўрта Зарафшон (Миёнқол) воҳасининг XIX – XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти: Тарих фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – Б.12.

Хитой–қипчоқ уруғи Ўрта Осиёда ўзбеклар ҳамда Қримдаги нў-гойлар орасида ва Кавказ ўлкасида учрайди<sup>1</sup>. Ўрта Осиёда хитой–қипчоқлар биринчи марта XVII асрнинг иккинчи ярмида тилга олинган<sup>2</sup>. Зарафшон водийсида XVII асрда хитой ва қипчоқ уруғи аралашиб кетиб, хитой–қипчоқ уруғини ташкил қилганлар. XIX асрнинг биринчи ярмида хитой–қипчоқларнинг сони тўғрисида ҳар хил маълумотлар бор. Мирза Шамс Бухорийнинг ёзишича, уларнинг сони 120 000 кишини ташкил этган<sup>3</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида, Қўқон ва Хи-вада бўлгани каби, Зарафшон водийсида ҳам ўзига хос анъаналарга эга маданият шаклланиб, турли халқлар ва элатлар бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатган. Ушбу адабий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни беш ижодкор – Мирзо Салимий, Ожиз, Таржимон, Олим Девона, Нодим Зиёвуддиний фаолиятлари мисолида кўринади. Уларнинг асарлари ўрганилмаган, илмий муомалага киритилмаган<sup>4</sup>.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Зарафшон воҳасида қадимдан ривожланиб келган миллий хўжалик маданияти даврлар ўтиши билан ўзига хос этник урф–одатларни юзага келтирди. Бу миллий урф–одатлар бутун воҳа бўйлаб ҳозиргача эъзозланиб, бугунги кунгача этник гуруҳлар ўртасида маданий яқинликни вужудга келтирди. Воҳа бўйлаб бир-биридан у даражада фарқ қилмайдиган хўжалик турлари ривожланди. Демак, Зарафшон воҳасида яшайдиган халқлар ва элатлар ўзаро жисплашиб, ягона ижтимоий ва маданий муҳитни шакллантирди.

**М. Амонов**

## **МУХЛИСХОН ОТА ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ ЗИЁРАТГОҲИ**

Икки дарё оралиғида туғилган, ижод қилган ва фаолият олиб борган аждодларимиз шарофатидан, ўз навбатида, бу ҳудуд (Миёнкол)нинг тароватию барокотидан унинг тавсифи эл аро манзуру машхурдир.

<sup>1</sup> Бутков П.Г. Материалы для новой истории Кавказа с 1722 по 1803 г. Ч. 1. – СПб., 1869. – С.170 – 172.

<sup>2</sup> Аристов А.Н. Живая старина. Вып. III, IV. – СПб., 1896. – С.387.

<sup>3</sup> Записки Мирзы Шемса Бухари // О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре / Рус. пер. В.Григорьева. Кн.1. – Казань: Университет, 1861. – С.7.

<sup>4</sup> Санаев И.С. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Зарафшон водийси адабий муҳити: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 2001. – 24 б.

Миёнкол Зарафшон дарёсининг Чўпон Ота тепалиги олдида икки қисмга бўлинган: ўнги Оқдарё, чап томондагиси Қорадарё оралиғи, доимо жуда обод жой бўлган<sup>1</sup>.

Миёнкол ҳақида Н. Бегалиев шундай дейди: «Миёнкол – Оқдарё ва Қорадарё оралиғидаги ҳудуд. Баъзан Миёнколот деб ҳам юритилади. «Миён» форс-тожикча «ўрта», «оралиқ», кол қадимги форс тилида «канал, дарё», «от» арабча кўплик аффикси бўлиб, топонимлар таркибида шу жойнинг теварак атрофини ҳам билдиради»<sup>2</sup>, – деб таъкидлаган.

Миёнкол Бухоро хонлигида Шайбонийлар<sup>3</sup>, Аштархонийлар<sup>4</sup> ва Манғитлар<sup>5</sup> сулоласи даврида ҳам ижтимоий-сиёсий жиҳатдан марказий вилоятлардан бири саналган.

Миёнкол тўғрисида тадқиқотчи К. Пардаев олиб борган илмий изланишида бир қатор тадқиқотчиларнинг<sup>6</sup> Миёнкол тўғрисида юритган фикрлари устида мулоҳаза қилиб, Миёнкол атамаси, аслида, Миёнком бўлиб, унинг луғавий маъноси форс-тожик тилида миён – «ўрта», оралиқ; ком – «дарё», «ариқ», «сув», яъни «дарё ўртаси», «икки сув ораси» маъноларини англатади, бу атама кейинчалик бошқача талаффузда «Миёнкол» атала бошланган деб хулоса қилган<sup>7</sup>.

Миёнкол заминида жуда кўплаб тарихий шаҳар ва қишлоқлар бўлганки, уларнинг ҳар бири юртимиз тарихининг ажралмас бўлагидир.

Шундан мавзелардани бири Соғарж масканидир.

Абулкарим ас-Самъоний берган маълумотга кўра, Соғарж Самарқанддан беш фарсах узоқликда жойлашган Сўғддаги қишлоқ

<sup>1</sup> Костенко Л. Путешествие в Бухару Русской миссии в 1870 году. С подробным маршрутом от Ташкента до Бухары. – СПб., 1871. – С.34 – 35. Яна қаранг: Записки о Бухарском ханстве. Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича. – Москва, 1983.

<sup>2</sup> Бегалиев Н.Б. Самарқанд топонимияси. – Самарқанд, 2011. – Б.70.

<sup>3</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома («Шарафномаи шоҳий»). Иккинчи китоб / Форс тилидан С. Мирзаев ва Ю. Ҳакимжонов тарж. Изоҳлар муаллифи: Б. Аҳмедов. – Тошкент, 2000.

<sup>4</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. – Тошкент, 2009.

<sup>5</sup> Пардаев К.К. Ўрта Зарафшон (Миёнкол) воҳасининг XIX – XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти: Тарих фан. номз... дисс. 2003.

<sup>6</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, В. Бартолд, В. Вяткин, Х. Ҳасанов, Г. Пугаченкова, Е. Мейендорф, А. Федченко, К. Абаза, А. Соболев, А. Хорошхин, И. Гейер, А. Муҳаммаджонов, Т. Нафасов, М. Абдураимов, И. Санаев ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар асарига мурожаат қилган. Қаранг: Пардаев К.К. Ўрта Зарафшон (Миёнкол) воҳасининг XIX – XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти... – Б.18 – 23.

<sup>7</sup> Батафсил қаранг: Пардаев К.К. Ўрта Зарафшон (Миёнкол) воҳасининг XIX – XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти... – Б.18 – 23.

бўлиб, Иштихон ноҳиясида, Сўғднинг мусаффо ҳаволи катта қишлоқларидан бўлиб, бу ердан илгари ва ҳозир жуда кўп олим ва имомлар етишиб чиққанлар<sup>1</sup>.

Араб тарихчиси Ибн Ҳавқал<sup>2</sup> ҳам Соғарж тарзида зикр этган бўлса, «Мусаххир ал-билод»<sup>3</sup> ва «Бобурнома» асарларида ўрта (XVI) асрларда ҳам Соғарж шаклида қайд этилган.

Шеърят мулкининг султони, шоирлар шоири, мутафаккирлар мутафаккири Мир Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» номи асида: «Соғарч Самарқанднинг тўрт йиғочида бир кентдур»<sup>4</sup>, – дея маълумот беради.

Носириддин Бухорий ўз асарида Ҳазрат Мухлисхон ота дафн этилган қишлоқ номини «Суғончи»<sup>5</sup> шаклида келтирган.

Мазкур географик жой номи талаффузда элизия (товуш тушиши)га учраб, вақт ўтиши натижасида Соғарж-Соғарч, Соғарч-Соғанч, Соғанч-Суғончи, Суғончи-Сўғончи тарзида ифодаланиб келган десак мақсадга мувофиқ бўлар...

Бу ерда «Соғаржий»<sup>6</sup> нисбаси билан эътироф этилган Абу Аҳмад Ҳасан ибн Али ас-Соғаржий (вафоти ҳижрий 362/973 йил), Абу Умайя Аббос ибн Таййиб ас-Соғаржий, Яъло ибн Анас ас-Соғаржий, Абу Наср Аҳмад ибн Фараж ас-Соғаржий (вафоти ҳижрий 524/1131 йил), шайхулислов Маҳмуд ибн Аҳмад ас-Соғаржий (таваллуди ҳижрий 480/1087 йил), Юсуф ибн Солиҳ ас-Соғаржий, Абу Яъқуб Юсуф ибн Бахтиёр ас-Соғаржий (ҳижрий 502/1108), шайх Бурҳониддин (Ҳазрати Рухобод) ибн шайх Алоуддин ас-Со-

---

<sup>1</sup> Абдулкарим ас-Самъонийнинг «Ал-Ансоб» (Насабнома) асарида мазкур уламнинг вафоти ҳижрий 311/924 йил деб келтирилган. Батафсил қаранг: Абдулкарим ас-Самъоний. Ал-Ансоб (Насабнома) / Таржимонлар ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий, К. Раҳимов. – Тошкент, 2017 // [madrassa.uz](http://madrassa.uz) сайти.

<sup>2</sup> Китоб сурат ал-ард (Ер сурати китоби) / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи тарих фанлари доктори, проф. Ш.С. Камолиддин. – Тошкент: ЎзМЭ, 2011. – Б.65.

<sup>3</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари И. Бекжонов ва Д. Сангирова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Б.219 // [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.

<sup>5</sup> Носириддин Бухорий. Тухфат уз-зоъирин. Форсча. – Бухоро, ҳижрий 1324/1905. – С.141.

<sup>6</sup> Соғаржийлар тўғрисида яна қаранг: Абдулкарим ас-Самъонийнинг «Ал-Ансоб» (Насабнома) асарида мазкур уламнинг вафоти ҳижрий 311/924 йил деб келтирилган. Батафсил қаранг: Абдулкарим ас-Самъоний. Ал-Ансоб (Насабнома) / Таржимонлар ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов. – Тошкент. 2017 // [madrassa.uz](http://madrassa.uz) сайти; Исаев Й. Х – XIII асрларда Иштихондан чиққан муҳаддислар // Актуальные научные исследования в современном мире: материалы IV Междунар. науч.-практ. инт.-конф., 21 – 22 августа 2015 г. Переяслав-Хмельницкий // Сб. науч. тр. Переяслав-Хмельницкий. 2015. Вып. 4. – С.23 – 31.

ғаржий, шайхзода Абу Саъид ибн Бурҳониддин Соғаржий, шоир ва олим Ҳожи Яҳё (вафоти ҳижрий 1072/1663 йил) Соғаржийлар қаторида Ҳазрат Мухлисхон ота ва унинг авлоди бўлмиш Сунъатуллоҳ хожа, қози Иноятуллоҳ хожа ҳамда унинг ўғли шоир Эшонхожаи Вола ҳам Соғаржда ижод қилган ас-Соғаржийлардир.

Самарқанд қозикалони Абу Тоҳир хожанинг (тахаллуси «Наво», вафоти 1874 йил) ёзишича, ҳазрат Мухлисхон мозори Офаринкент туманининг Суғончи деган жойида. У Қосим Шайх Азизон (вафоти 1579 йил) халифаларидан бўлиб, силсиласи Хожа Аҳмад Яссавийга етишади. Унинг зикри «Ламаҳот» китобида эканини таъкидлаб ўтган.

Мазкур зиёратгоҳ ҳозирги Оқдарё тумани Янгиқўрғон қишлоғи ғарбидаги Суғончи қишлоғида жойлашган бўлиб, Мухлисхон ота зиёратгоҳи атрофлари ободонлаштирилгани, қабр устига гумбазли айвон ҳам қурилгани маҳаллий аҳолининг зиёратгоҳга бўлган эътиқоди зиёда эканини кўрсатади.

Зиёратгоҳдаги айвонча остида қабр ва унинг атрофида олтита мрамор тош мавжуд бўлиб, улардан фақат 3 тасига ёзув бор, англашимизча, қабр атрофидаги тошлар йиғилиб, ушбу жойга олиб келиб қўйилган<sup>1</sup>.

1- қабртошдаги ёзувни айрим ёзишмаларда: Мухлисхон ибн Абдусамадхон ибн Хожажонхон ибн Боқихон ибн Миркахон ибн Миробиддин ибн Мир Раҳматуллоҳхожа ... ва вафоти 1241/1825<sup>2</sup> тарзида ўқишган. Аммо тадқиқотимиз жараёнида мазкур қабртошда «Торихи зоти Эшон сана (28) Эшон хожа аъмо тахаллушон Вола ибн ҳаза ал-лавҳи лаввоҳ, Қози Мир Иноятуллоҳ хожа ибн Мир Раҳматуллоҳ хожа ибн Мир Абул Бақохон ибн Миракхон ибн Боқихон ибн Хожа Жонхон ибн Абдулсамадхон ибн Ҳазрат Мухлисхон алайҳи раҳма, торихи вафоташон 1241», яъни «мазкур лавҳни битувчи (28 ёшли) Эшонхожа аъмо, тахаллуси Вола, унинг отаси қози Мир Иноятуллоҳ хожа, унинг отаси Мир Раҳматуллоҳ хожа, унинг отаси Мир Абул Бақохон, унинг отаси Миракхон, унинг отаси Боқихон, унинг отаси Хожа Жонхон, унинг отаси Абдулсамадхон, унинг отаси Ҳазрат Мухлисхон алайҳи раҳма бўлиб, ҳижрий 1241/1825 йилда вафот этдилар» деган ёзув пастдан юқорига қараб ёзилган.

<sup>1</sup> Дала тадқиқоти манбалари. Суғончи-Кумушкент. 24 август (душанба куни) 2017 йил. Ҳамроҳларим тарих фани ўқитувчиси Омон Суюндиков, иқтисодчи А. Ҳазратқулов.

<sup>2</sup> Исаев Й., Раимқулов А. Қадимги Соғарж шаҳрининг локализацияси ҳақида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2013. №4. – Б.304 – 306.

2-қабртошда: «Бобо хожа Ўроқ. Ҳазрат Мухлисхон алайҳи раҳ-  
ма. Сана 1290/1872 йил».

3-қабртошда қуйидаги ғазал битилган:

«Амали усто Нур Муҳаммад ибн усто Баҳорбой.

Ба ҳасрат аз ин бўстон меравем,

Баҳор омадем хазон меравем.

Ҳамин аст расми саройи жаҳон,

Аввал баҳор аст охир хазон. Сана 1289 йил».

Мазмуни:

«Усто Баҳорбой ўғли усто Нур Муҳаммад қурди.

Не ҳасратки, бу бўстондан кетамиз,

Баҳор каби келгандик, хазондек кетамиз.

Бу ишлар жаҳон саройига одатдур,

Аввалда баҳору охир хазонмиз».

3-қабртошдан шу кўринадики, Мухлисхон ота қабр атрофи одатий мармар тошлар билан ўралган суфа кўринишида бўлган. Чунки қабр атрофида мазкур тошга ўхшаш тахминан 70 x 70 см ли тошлардан анчагинасини синиқ, ярим синиқ ҳолатида кўриш мумкин...

Мухлисхон ота тўғрисида машҳур тасаввуф олимларидан бири Муҳаммад Олим шайх Азизон томонидан ёзилган «Ламаҳот»<sup>1</sup> китобида қизиқарли маълумотлар келтириб ўтилган.

Ҳазрат Мухлисхон ота авлодларидан бири, машҳур мутасаввуф олим, ўз замонасининг пешво-муршидларидан ҳисобланмиш Ҳазрат Мусохон Хожа Даҳбедийнинг халифа-шоғирди XVIII асрда яшаб ўтган тасаввуф намояндаси халифа Сунъатуллоҳ Хожа эканлиги, бу авлод вакиллари ижтимоий ва маънавий ҳаётда катта нуфузга эгаллиги маълум.

Носириддин Бухорийнинг ёзишича: «Халифа Сунъатуллоҳ Хожа доимо риёзат билан ибодат қиларкан, у ҳақда Қозизодаи Самарқандий (Абу Тоҳир хожа – М.М) ўзининг рисоласида («Самария» бўлса керак, аммо мазкур асарда ушбу маълумотларни учратмадик) у ҳақда айтиб, 40 ёшга кирганида завқу шавқ билан Аллоҳ зикрига машғул бўлиб, замин билан қоришиб, ерга йиқиларди, бу ҳолат такрор бўлса – да, тарк этмасди. У Мухлисхон авлодидан бўлиб, Офаринкент туманининг Суғончи қишлоғида истиқомат қилган. Мазкур Эшон 70 ёшида дорулфанодан

<sup>1</sup> Муҳаммад Олим шайх Азизон. Ламаҳот / Таржима, сўзбоши, илмий тадқиқот ва изоҳлар муаллифлари К. Каттаев ва А. Нарзуллаев. – Самарқанд, 2012.



дорулбақога рихлат (вафот этган) қилган ва Суғончи қишлоғидаги Муҳлисхон Азизон мазорига дафн этилган»<sup>1</sup>.

Мазкур авлод вакиллари яна бири Эшонхожа бўлиб, илм аҳли орасида «Вола» тахаллуси<sup>2</sup> билан машҳур эди. Тадқиқотчилар, Эшонхожа Вола тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи манба ҳанузгача йўқлиги сабаб бўлса керак, таваллуд ва вафоти санасида тахминий саналар билан кифояланишган кўринади. Чунки ёзишмаларда унинг таваллуди 1770 йил<sup>3</sup>, бошқа бир жойда 1786 – 1793 йиллар оралиғида<sup>4</sup> эканлиги айтилса, вафоти санаси 1842 йил<sup>5</sup> ва ҳижрий 1289/1872 – 1873 йил<sup>6</sup> деб келтирилган.

Юқорида айтиб ўтилган қози мир Иноятуллоҳ хожага тегишли қабртошдаги маълумотга кўра, Воланинг ҳақиқий исми «Эшонхожа» бўлиб, «аъмо», яъни туғма кўзи ожиз бўлгани, «Вола» эса унинг тахаллуси эканини билиш мумкин. Мазкур (ҳижрий 1241/1825) йилда Эшонхожа Воланинг 28 ёшда эканини инобатга олсак, демак, шоир Вола ҳижрий 1213, милодий 1798 йилда Суғончи қишлоғида қози мир Иноятуллоҳ хожа хонадонидан таваллуд топгани маълум бўлади.

Ўзи ҳақида шундай дейди:

Агарчи Вола аъмолиғ ғамидин қон ютар, лекин

Они ботин кўзин Ҳақ очса, зоҳир дийдадин кам йўқ.

Эшонхожа Вола аъмолигига қарамай, кучли хотира ва хуш овоз соҳиби бўлган. Отаси қози Мир Иноятуллоҳ хожа мадраса таълимини кўрган, ўз даврининг етук ўқимишли кишиларидан бири бўлиб, қозилик лавозимида фаолият кўрсатган.

Самарқанд музейида 1002: КР 1359 рақам остида сақланаётган ҳужжат айнан қози мир Иноятуллоҳ хожага тегишли бўлиб, ҳижрий 1220 жумадул соний (1805 йил август–сентябрь) ойида Савғончи ҳудудидаги 507 таноб мулки ҳурри холис ерлар ҳамда хона-

<sup>1</sup> Носириддин Бухорий. Тухфат уз-зоъирин. Форсча. – Бухоро, ҳижрий 1324/1905. – С.141.

<sup>2</sup> Вола тахаллуси билан Ҳомидхожа (1795 – 1868) ҳам ижод қилган (адаштирилмасин).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. II том. – Тошкент, 2001. – Б.491 // [www.ziyouz.uz](http://www.ziyouz.uz) ва [e-adabiyot.uz](http://e-adabiyot.uz) сайти.

<sup>4</sup> Асрлар нидоси (Мумтоз ўзбек адабиётидан намуналар). Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – Б.97 – 103 // [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.

<sup>5</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. II том. Тошкент, 2001. – Б.491 // [www.ziyouz.uz](http://www.ziyouz.uz) ва [e-adabiyot.uz](http://e-adabiyot.uz) сайти.

<sup>6</sup> Асрлар нидоси (Мумтоз ўзбек адабиётидан намуналар). Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – Б.97 – 103 // [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси; Пардаев К. Ўрта Зарафшон (Миёнкол) воҳасининг XIX – XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти... – Б.146 – 147.

қоҳ ерлари вақф қилинган. Мазкур ер чегаралари маълум қилинган. Мутавалли этиб унинг ўғли Убайдуллоҳ хожа раис тайинланган ҳамда вақфдан тушган даромад ҳонақоҳга, қолган қисмлари беваю бечораларга берилиши тайин қилинган. Хужжат Амир Ҳайдар (Бухоро амири 1800 – 1826), қози мир Иноятуллоҳ хожа ибн Раҳматуллоҳ, Ориф хожа ибн мир Абул Хайр хожа Самарқандий, қози Хожа ибн қози мир Абул...хожа, Муҳаммад Хусайн ибн Тоғай суфи (таваллуди ҳижрий 1167/1753 йил Миёнкол – вафоти ҳижрий 1249/1833 йил, Бухоро шаҳрининг ташқарисида Қавола дарвозаси яқинида), қози мир Мусо хожа, Бек ибн Абдулсамадбий, ...дин хожа, Абу Саъид хожа кабилар томонидан муҳр билан тасдиқланган.

Шунингдек, қози мир Иноятуллоҳ хожа мазкур жойда 1084: КР 1618 рақам остида сақланаётган Бузрук хожа ибн Бобо хожага тегишли ҳижрий 1205/1790 йилда ёзилган вақф ҳужжатини<sup>1</sup> ўз муҳри билан тасдиқлаб берган.

Жамии хўблар даъвоси ботил бўлди ҳуснингдин,  
Баробар келмагандек сеҳрлар изҳори эъжоза.  
Эмасдур кўзларим кўрмак учун бул тан ҳисориға,  
Кезиб фикринг чиқарға жон эрур бу икки дарвоза.  
Не тонг, ўртанса жоним шамъ ўтиға шавқдин ҳар тун,  
Эрур то халқ аро, эй бевафо, ҳуснингдин овоза.  
Мани бу Волаи шайдолиғимға чекмай таъна,  
Киши бир қатла кўз солса агар ул ҳусни навтоза.

Шоир Эшонхожа Вола ўзбек ва тожик тилларида ижод қилиб, девон тузганлиги, бундан ташқари, бир қатор шоирлар ғазалига мухаммаслар ёзганлиги унинг ижоди серқирралигидан далолат қилади...

*С. Улашова*

## **ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ЭТНИК ТАРИХИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**

Амир Темур ва Темурийлар тарихи акс этган ўнлаб тарихий манбаларда мазкур даврнинг нафақат ҳарбий-сиёсий тарихи, балки этник тарихи ҳам ўрин олган.

---

<sup>1</sup> Батафсил қаранг: Thomas Welsfold and Nouryaghi Tashev. A Catalogue of arabic-script documents from the Samarqand museum. – Samarqand-Istanbul, 2012.

XIII асрнинг иккинчи ярми – XIV аср бошларида Мовароуннахр, жумладан, Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник тарихи хусусидаги маълумотларнинг дастлабкиси Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида келтирилган. Асарда асосан Амир Темур тарихи, у олиб борган ҳарбий юришлар акс этган бўлса-да, баъзи ўринларда муаррих воҳада яшаган этнослар, уруғ ёки қабила бошлиқларининг исми, қабилаларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши каби маълумотларни ҳам келтиради. Жумладан, Амир Темур ҳокимиятга чиққунигача ва ундан кейинги давр тарихига тўхталганда Самарқандда яшовчи йасурийлар этносини бир неча бор тилга олади. Бу вақтда Самарқанд йасурийларининг бошлиғи Хизр Йасурий бўлиб<sup>1</sup>, у Амир Темурнинг ҳокимият учун олиб борган қатор жангларида ҳам иштирок этган. «Зафарнома» муаллифи «йасурийларнинг бир қисми Самарқанд атрофида бўлса, бошқа қисми Жетада эди. Жетадаги йасурийларнинг амири Ҳожи Муҳаммадшоҳ Йасурий бўлган»<sup>2</sup> дейди.

Самарқанд олий ҳокимият маркази сифатида белгилангандан сўнг Амир Темурга ҳокимиятни қўлга киритиш йўлида жонбозлик кўрсатиб, унга ёрдам берган бек ва амирлар турли мансабларга тайинланди. Биз учун қизиқарли томони шундаки, баъзи бек ва амирлар мансабга тайинлангач, хизмат вазифаси юзасидан Самарқандга кўчиб келиб жойлашади. Ўз навбатида, уларнинг оила аъзолари ва улар бошчилиқ қилган уруғ-қабилалар ҳам Самарқандга келиб ўрнашади. «Зафарнома»да бунга доир қуйидаги қайдлар мавжуд: «Довудбекка Самарқандни ва девон мансабини, Жакубек, Сайфуддинбек, Аббосбек, Искандар, Олий Шайх, Алқа қавчин, Ардашер қавчин, Қиморий иноқ, Тамука қавчинларни қўшинга бек қилди»<sup>3</sup>.

Яздийнинг Зарафшон, хусусан, Самарқанд ҳудудидаги этник ҳолат хусусидаги маълумотлари бу жойга қўшни ўлкалардан кўчириб келтирилган этнослар билан боғлиқ тарихий воқеаларда эслатилади. Жумладан, у: «Шоҳ Шужоъ бекларидан амир Алоуддин иноқни кўчи билан ва киши-қароси билан Самарқандга юборди. 1388 йил Форсдан (Эрон – У.С.) ҳунармандларни кўчлари билан Самарқандга юборди»<sup>4</sup> – дейди.

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.316.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б.317.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б.68.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б.118.

Шуни таъкидлаш жоизки, Амир Темур ва Темурийлар томонидан олиб борилган ҳарбий юришлар натижасида асир қилиниб Мовароуннаҳрга келтирилган халқлар асосан Самарқанд ва унинг атрофларига жойлаштирилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бундан бир қанчасини мисол келтирамиз.

Амир Темур 1388 йил баҳорда сўнги марта Хоразмга юриш қилганда Хоразм аҳолисини Самарқандга кўчириб, Хоразмни бузиб, ичида арпа эктирган<sup>1</sup>. Ҳиндистон қўлга киритилгандан кейин эса Деҳли аҳли асир қилинади. Хунарманд ҳиндилар шаҳзодалар ва оғаларга бўлиб берилади. Улар Самарқандга масжид қурдириш учун олиб кетилади. Ҳар ҳиндуқим сангтарош бўлур<sup>2</sup>.

Амир Темур ўнлаб мувафақиятли ҳарбий юришлар ва олиб борган сиёсати натижасида кучли марказлашган давлат қурди. У мамлакат ободончилигига, маданий юксалишга катта эътибор қаратди. Босиб олинган ўлкалардан олим у фузалолар, хунармандар ва бошқаларни кўчириб келиб, Мовароуннаҳрнинг шаҳар ва қишлоқларига жойлаштирди. Уларга шарт-шароит яратиб, мамлакат ривожига ҳисса қўшишлари учун замин яратди.

Кўчириб келтирилган халқлар асосан Олд Осиё мамлакатларидан эди. Амир Темурнинг Табризга<sup>3</sup>, Озарбайжонга<sup>4</sup>, Хоразмга<sup>5</sup>, Олтин Ўрдага<sup>6</sup>, Ҳиндистонга<sup>7</sup>, Румга<sup>8</sup> қилган юришлари натижасида кўплаб халқлар Самарқанд ва унинг атрофларига келтириб жойлаштирилди. Бу жараён Темурийлар томонидан ҳам давом эттирилди.

Кўчириб келинганларнинг умумий сони испан элчиси Клавихо маълумотларида акс этган бўлиб, улар юз мингдан ошиқроқ бўлган<sup>9</sup>.

---

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Б.119.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б.209.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б.107.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б.109.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – Б.119.

<sup>6</sup> Ўша жойда. – Б.179.

<sup>7</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.253; Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Б.209.

<sup>8</sup> Ўша жойда. – Б.354 – 443.

<sup>9</sup> Аммо бу маълумотда бироз зиддият мавжуд: асарнинг бир ерида бу сон юз мингдан ошиқ дейилса, иккинчи ерида икки юз мингдан ортиқ деб кўрсатилган (Клавихо Рюи Гонзалес де. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде (1403 – 1406 гг.) / Подлинный текст с переводом и примечаниями, составленными под редакцией И.И. Срезневского. – СПб., 1881. – С.228, 328).

Кўчирилган халқларнинг асосий қисмини ҳунармандлар ва номдор кишилар ташкил қилган. Масалан, Соҳибқирон Дамашқдан ҳар хил ипакли матоларни тўқийдиган усталарни ва бошқа ҳунармандларни кўчирган. Фасих Ҳавофийнинг ёзишича, Амир Темурнинг Хоразмга қилган сўнгги юришида юрт оқсоқоллари ва номдор кишилар кўчириб келтирилган<sup>1</sup>. Улар асосан Самарқандга ва Зарафшон воҳасига жойлаштирилган, кейинчалик Мовароуннаҳр маҳаллий аҳолисига аралашиб кетган. Уларнинг баъзилари эса этник номини кейинги асрларда ҳам сақлаб қолган.

Амир Темур ва Темурийлар кўчириб келтирилган халқларга ўз халқи каби муносабатда бўлгани, уларга шарт-шароитлар яратиб бергани тўғрисида манбаларда турли маълумотлар келтирилади. Айниқса, илм аҳли ва ҳунарманд, уста-меъморлар доимо соҳибқироннинг ҳимматидан баҳраманд бўлишган. Бу ҳақда сўз юритганда Ибн Арабшоҳ ва унинг «Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур» асарига тўхталиб ўтиш лозим. Ибн Арабшоҳ асарида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ёритишда танқидий муносабатда бўлиш билан бирга баъзи воқеаларни, хусусан, Амир Темурнинг кўчириб келтирилган халқларга муносабатини ёритишда муҳим маълумотларни ҳам қайд этиб ўтган. Манбага кўра, Ибн Арабшоҳ ва унинг оиласи (онаси ва биродарлари), 1401 йили Шом забт этилгач, кўплаб олимлар, фозиллар, рассомлар, меъморлар, косиблар, ҳунармандлар қаторида Самарқандга кўчирилган<sup>2</sup>. Ибн Арабшоҳ Самарқандда яшаган йилларида (1401 – 1408) билимларини истаганича оширишга муяссар бўлгани ва кейинчалик бошқа ўлкаларга саёҳат қилгани у Самарқандда бирор тазйиқ остида яшамаганидан далолат беради. Шунингдек, асарда у Самарқандда бўлган даврида шу жойдаги баъзи эътиборли кишилар билан ўтказган суҳбатини ўз асари – «Ажойиб ал-мақдур»да бир неча бор такрорлайди. Жумладан, унинг ўша давр етук астрономларидан бири Мавлоно Аҳмад, шатранж ўйинининг моҳир устаси Алоуддин ва Амир Темурнинг машҳур амирларидан бири Оллоҳдод билан бўлган суҳбати<sup>3</sup> ҳақидаги фактлар ҳам фикримизга далилдир.

Амир Темур даврида Самарқандда истило этилган мамлакатлардан келтирилган таниқли олим, табиб, фақих, санъаткор ва ҳунармандларнинг кўп бўлганлиги Ибн Арабшоҳ каби илм то-

---

<sup>1</sup> Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи / Перевод, предисловие, примечания и указатели Д.Ю. Юсуповой. – Ташкент: Фан, 1980. – С.102.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-қ. – Тошкент, 1992. – Б.10.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б.11.

либларининг етарли билим олишига ижобий таъсир кўрсатди. Бир томондан, у форс, турк ва мўғул тилларини ўрганди, иккинчи томондан, Идику Темур мадрасасида Саййид Шариф Муҳаммад Журжоний (1339 – 1413) ва Шамсуддин Муҳаммад ал-Жазарий (1350 – 1449) каби машҳур олимлардан таълим олди<sup>1</sup>.

Амир Темур ва Темурийларнинг кўчириб келтирилган ёки бу ерда яшаган бошқа этносларга муносабати хусусида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Ғиёсиддин Коший, Жаллолиддин Румий ҳаёти ва фаолияти ҳам бу давр этнослараро муносабатларига ёрқин мисол бўла олади. Хусусан, Ғиёсиддин Кошийнинг Самарқанддан Кошонга, отасига ёзган мактубида бунга доир муҳим маълумотлар бор.

Ғиёсиддин Коший XIV – XV асрлар риёзиёт ва фалакиёт илмларининг буюк алломаси, Самарқандда Улуғбек мактабининг етакчи олими ва ўз фанининг билимдонлари – риёзиётчилар, табиблар ва ҳунармандлари билан шуҳрат қозонган Кошондан эди. У умрининг асосий қисмини Кошонда ўтказди. Қадимги Юнонистон, Эрон ва ўрта осиелик машҳур олимларнинг асарларини таржима қилиб, уларга шарҳ ёзар эди. У табобат фани билан ҳам шуғулланган. Ғиёсиддин Кошийнинг ижоди Ўрта ва Яқин Шарқда шуҳрат топди. Ҳаётининг сўнгги йилларини Самарқандда ўтказди ва тахминан 1429 йилда вафот этди<sup>2</sup>.

У отасига ёзган мактубида Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Кошийнинг ўзи ва Самарқанд мактабининг бошқа олимлари илмий фаолиятига оид қизиқарли маълумотлар келтирган. Мактубдаги расадхона қурилиши тарихига доир лавҳалар муфассаллиги билан диққатга сазовордир. Шунингдек, унда Самарқандга бошқа мамлакатлардан келиб илмий фаолият олиб бораётган ўзи каби олимларга Улуғбек томонидан кўрсатилаётган эътибор хусусида муҳим қайдлар мавжуд.

Амир Темур ва Темурийлар истеъдодли илм толибларини, қайси халқдан бўлмасин, ётоқ-жой билан таъминлаб, уларнинг харажатлари учун махсус нафақаларнинг тайин этгани, ҳатто бу ишга темурий маликалар ҳам бош-қош бўлгани Сароймулкхоним фаолиятидан ҳам барчага маълум.

Амир Темур ва Темурийлар нафақат бошқа мамлакатлардан кўчиб келган олимларга, балки хунармандлар, меъморлар, уста-

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи... – Б.11.

<sup>2</sup> Юсупова Д. Ғиёсиддин Кошийнинг Самарқанддан Кошонга, отасига ёзган мактуби // Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1996. – Б.259 – 260.

лар, косиблар ва оддий аҳолига нисбатан ҳам илиқ муносабатда бўлганлар. Кўчириб келтирилганлар мамлакатнинг шарт-шароитсиз чекка ҳудудларига эмас, айнан марказий шаҳарларга жойлаштирилгани ҳам сўзимизнинг исботидир. Шунингдек, кўчириб келтирилган халқлар шаҳарларга жойлаштирилгандан сўнг уларга тутқун сифатида эмас, мамлакатнинг тенг ҳуқуқли аҳолисидек муносабатда бўлинган. Уларнинг бир қисми маълум вақтдан сўнг ўз юртларига қайтиб кетишган. Бунга Ибн Араб-шоҳнинг ҳаётини мисол қила оламиз. Қолган қисми эса маҳаллий аҳоли билан ўзаро хўжалик, маданий, ижтимоий алоқалар таъсирида яқинлашиб, араллашиб кетган бўлса-да, баъзилари яқин кунларгача ўз этник номларини сақлаб қолганлар.

Шунингдек, Амир Темур ва Темурийлар мўғуллар даврида Мовароуннаҳрдан бошқа ўлкаларга кўчирилган халқлар авлодларининг бир қисмини ўз юртига қайтариб келган. Хусусан, мўғуллар даврида Мовароуннаҳрдан Хитойнинг турли ҳудудларига кўчирилган халқлар ўлкаларига қайтган. Шу тариқа 1200 дан ортиқ мусулмон Самарқандга келтирилган<sup>1</sup>. Хайринисо Алан Темурийлар манбаларига асосланиб қайтарилганлар юз минг атрофида бўлган<sup>2</sup> дейди.

Амир Темур Мовароуннаҳрда яшовчи турли қавмлар ва элатларни аҳил яшаши учун барча чора-тадбирларни кўрган. У қавмлар ва элатлараро низоларга йўл қўймаган. Кимки садоқат билан сидқидилдан давлатга, ҳукмдорга хизмат қилса, соҳибқироннинг эътиборидан четда қолмасди.

«Бобурнома»да ҳам Самарқанд халқи тўғрисида муҳим қайдлар келтирилади: «Самарқанд эли турқдир (ўзбекдир). Шаҳар аҳолиси ва бозорга келувчилардан туркийни билмайдиган киши йўқ. Элининг тили адабий тилга мувофиқ»<sup>3</sup>. Яна бир темурийлар даври манбаси – Муиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» асарида Сарбадорлар жанги хусусида тўхталиб, Самарқанд халқига нисбатан «тожиклар» ибораси ишлатилган<sup>4</sup>.

Бундан Самарқанд элини тўлалигича туркий ёки тожик этноси бўлган дейиш нотўғри, албатта. Амир Темур ва Темурийлар дав-

<sup>1</sup> Bretschneider E. Mediavel Researches From Eastern Asiatic Sources. I. – London, 1967. – P.257 – 258.

<sup>2</sup> Alan H. Buzkirdan Cennet Bahçesine Timurlular (1360 – 1506). – Istanbul, 2007. – S.245.

<sup>3</sup> Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б.29.

<sup>4</sup> Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.70.

рида Самарқандда асосан туркий ва сўғдий тилли этнослар яшаган. XIV асрнинг ўрталарида Самарқанд аҳолиси асосан тожик тилида сўзлашган бўлса, XV аср охири – XVI аср бошларига келиб Самарқанддаги барча аҳоли туркий тилда гаплаша олган. Шу боисдан Бобур Самарқанд эли турқдир дейди.

Шунингдек, Бобур Кобул аҳолиси хусусида сўз юритар экан, «Самарқанд, Ҳисор ва Қундуздан кўп эл ва халқ Кобул вилоятига келган эди»<sup>1</sup>, – дейди.

Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида ҳам Самарқанд ҳудудига мўғулларнинг келиб ўрнашишига доир бир қанча маълумотлар бор. Шарқий Чигатой улусидаги (Мўғулистон – У.С.) йирик амалдорлардан Эрзан борин (бахрин) ва Мирак туркман 30 минг уйлик мўғулларга бош бўлиб, мўғул хони Юнусхонни (у Мирзо Бобур ва Мирзо Ҳайдарнинг она томондан бобоси – У.С.) олиб Самарқандга келишади<sup>2</sup>. Мирзо Улуғбек оила бошлиқларини ўлдириб, аҳли авлодини асир олади. Юнусхонни эса қўлга тушганларнинг бешдан бир қисми билан отаси Шоҳрух мирзо ҳузурига жўнатади<sup>3</sup>. Айни шу йиллардан бошлаб Мўғулистондан кўп минг сонли мўғул этноси Мовароуннаҳрга кириб келиб, асосан, Тошкент воҳасига жойлашиб, кейинчалик Юнусхон ва унинг ўғиллари Тошкентни бир муддат идора ҳам қилишади.

Шайбонийхон Мовароуннаҳрга бостириб келгач, мўғул хони Султон Маҳмудхон ёрдамида Самарқандни олди. Ака-ука мўғул хонлари Маҳмудхон ва Аҳмадхон Шайбонийхон билан жанг қилиб енгилгач, Шайбонийхон мўғулларни ўзи билан олиб қолиб, хонларни Мўғулистонга жўнатди<sup>4</sup>. Шайбонийхон Самарқанд, Бухорони эгаллаган вақтда қўшини 200 – 300 дан 50 – 60 мингга етган эди. Ака-ука мўғул хонларини мағлуб қилгандан кейин ўзбек лашкарига 30 минг мўғул қўшилди<sup>5</sup>. Шайбонийхон ўлдирилгач, ўзбек султонлари Самарқандга йиғилиб, Мовароуннаҳрга қолган мўғулларнинг барчасини йўқ қилишга келишишади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мазкур даврда Самарқанд атрофларида ҳам мўғуллар истиқомат қилган. Улар Шайбонийларнинг кейинги юришларида уларнинг қўшини таркибида хизмат қилган.

<sup>1</sup> Бобур. Бобурнома... – Б.116.

<sup>2</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б.136 – 137.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б.137.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б.186.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – Б.243.



Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Амир Темур ва Темурийлар даври акс этган қатор манбаларда шу йиллардаги Зарафшон, хусусан, Самарқанд воҳасидаги этник масалалар тарихига доир жуда кам маълумотлар келтирилган. Мавжуд маълумотлар ҳам узук-юлуқ шаклда бўлиб, улар мазкур даврдаги этник манзарани тиклаш учун етарли эмас. Шундай бўлса- да, кўчириб келтирилган этнослар ва уларнинг жойлаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар орқали бу даврда Самарқандда истиқомат қилган этнослар хусусида маълумотга эга бўлиш мумкин.

*Я. Турдимуратов*

## **ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ХЎЖАЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИГА ОИД**

Бугунги кунда Ўзбекистон этнологияси фанининг олдида республикамизнинг алоҳида минтақалари аҳолисининг хўжалик тарихини ўрганиш, хўжалик маданияти, муайян хўжалик турини юритишнинг ўзига хос хусусиятларни аниқлаш каби муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу муаммоларни ечишда тарихий-географик ва хўжалик тарихини ўрганишга доир тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли хўжалик фаолияти ва хўжалик маданиятини ўрганиш орқали муайян ҳудудда яшовчи этник ва этнографик гуруҳлар турмуш тарзидаги бир қатор масалаларга, жумладан, ҳудудий жиҳатдан хўжалик турлари ва тармоқлари, хўжаликни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг этноиктисодий тизимдаги аҳамияти, хўжалик билан боғлиқ халқ анъаналари ва ҳоказоларга ойдинлик киритиш мумкин.

Ўзбекистон аҳолиси энг қадимий машғулоти турларидан бири бўлган чорвачилик билан қадимги даврлардан буён шуғулланиб келади. Бунга мамлакатимиз дашт, тоғолди ва тоғли ҳудудларидаги кенг яйловларнинг мавжудлиги имкон берган. Маълумки, ушбу хўжалик тури узоқ йиллар давомида кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳолининг асосий машғулоти бўлиб келган. Хусусан, Зарафшон воҳасида ҳам ярим ўтроқ аҳоли асосан мана шу машғулоти тури билан шуғулланган. XIX асрнинг иккинчи ярмида яйловларнинг қисқа-

риб кетганлиги боис<sup>1</sup> Зарафшон воҳасининг тоғли ва дашт ҳудудларида яшовчи чорвадор аҳолининг катта қисми ўтроқ турмуш тарзига ўтади. Аммо айрим ўзбек этнографик гуруҳлари (найман, хитой, сарой) ярим ўтроқ турмуш тарзини давом эттириб, уларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб қолаверган. Шунингдек, воҳа чеккаларида, даштга яқин бўлган ҳудудларда яшовчи ўтроқ аҳоли ҳам чорвачилик билан шуғулланган.

Кўп асрлик халқ тажрибасига таянган ҳолда воҳада яшовчи ярим ўтроқ чорвадорлар доимий равишда қорақўл қўйларининг наслдорлигини яхшилаш, маҳсулдорлиги ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратишган. Шу тариқа чорва молларини боқишдаги ўзига хос анъаналар юзага келиб, уларга қатъий амал қилиб келишган. Чорва хўжалигининг ривожланиши ўзбек чорвадорларида ўзига хос бўлган махсус терминологиянинг вужудга келишига, бутун бир касбга оид, маиший ва хўжалик кўникмалари ҳамда анъаналари тизимининг шаклланишига олиб келди.

Айтиш жоизки, этнографик тадқиқотлар асосида Зарафшон воҳаси аҳолисининг чорва хўжалиги республикамизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан яхшироқ ўрганилган. XIX асрда Зарафшон воҳаси аҳолисининг чорва хўжалиги ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосан рус тадқиқотчиларининг иқтисодий соҳага оид асарларида келтирилган. Хусусан, Н.В. Хаников<sup>2</sup>, Л.Н. Соболев<sup>3</sup>, А.Д. Гребенкин<sup>4</sup>, А.Н. Хорошхин<sup>5</sup> каби тадқиқотчиларнинг асарларида воҳада боқилган чорва турлари, сони, нархлари тўғрисида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, ушбу маълумотларни иқтисодий тадқиқотлар киритилган «Самарқанд вилоятининг маълумотнома китобчаси»<sup>6</sup> деб номланган йилномаларда ҳам учратиш мумкин.

А.Д. Гребенкин томонидан воҳада яшаган найманлар ва саройлар асосан чорвачилик билан шуғуллангани, 1870 йиллар бошларида улар хўжалигида мавжуд бўлган чорва турлари ва сони ҳақида маълумотлар келтирилади.

<sup>1</sup> Бу даврда экин майдонларининг кенгайтирилиши ҳисобига яйловлар қисқариб борган. Масалан, Зарафшон воҳасининг марказий қисмида экин майдонлари 250 минг таноб (4 таноб – 1 гектар) ерни эгаллаган бўлиб, фақат 130 таноб ердаги яйловлардагина чорва боқиш мумкин бўлган.

<sup>2</sup> Хаников Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843.

<sup>3</sup> Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест Округа // ЗРГООС. Т. IV. 1874.

<sup>4</sup> Гребенкин А.Д. Мелкие народности Зеравшанского округа // СРТ. Вып. 2. 1872: Узбеки // СРТ. Вып. 2. 1872.

<sup>5</sup> Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876.

<sup>6</sup> Справочная книжка Самаркандской области. Вып. I – X. 1887 – 1912.

Аммо айнан воҳа аҳолисининг чорвачилиги ҳақида алоҳида маълумотлар келтирган илк тадқиқотчи олим Г.А. Арандаренко ҳисобланади. Унинг «Туркистондаги бўш вақтлар» номли китобининг бир қисми «Зарафшон воҳасида чорвачилик» деб номланади<sup>1</sup>. Унда муаллиф томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида воҳа чорвадорларининг ҳар бир хўжалик тармоғи, яъни йилқичилик, қўйчилик ва йирик шохли қорамолчилик бўйича умумий ҳолати, аҳолининг чорва моллари парвариши ва боқиши билан боғлиқ усуллари, чорва саноатчилари фаолияти, чорвадан кўрилган даромадлар ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтилган.

Иқтисодчилар томонидан нашр этилган «Ўрта Осиёнинг замонавий қишлоғи» номли тўпلامда ҳам воҳа аҳолисининг чорвачилигига оид маълумотларни учратиш мумкин<sup>2</sup>. Фақат ушбу тўпلامда асосан ҳудудлар бўйича мавжуд бўлган чорва тури ва унинг сонига алоҳида эътибор берилган.

1959 йилдан бошлаб СССР Фанлар академияси Этнография институти Ўрта Осиё экспедицияси томонидан Самарқанд вилоятида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Бундан ташқари, ушбу экспедициянинг Зарафшон гуруҳи томонидан Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани аҳолисининг хўжалиги, турмуш тарзи ва маданиятини стационар ўрганиш ташкил этилган. Тадқиқот натижалари асосида жамоавий монография кўринишидаги китоб нашр қилинади<sup>3</sup>. Ўрта Осиё экспедицияси томонидан Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қамровли этнографик тадқиқотлар олиб борилган. Аммо экспедиция гуруҳи бошлиғи К.Л. Задихинанинг вафот этиши туфайли ишлар ўз якунига етказилмай қолган. Ушбу экспедиция иштирокчилари бўлган Е.М. Пешерева, Р.Я. Рассудова ва Б.Х. Кармишевада Косон, Китоб ва Шахрисабз туманлари бўйича қисқа дала ёзувлари мавжуд.

К. Шониёзовнинг ўзбек-қарлуқларга бағишланган китобида Самарқанд вилоятининг чекка жануби-ғарбий қисмида яшовчи аҳоли чорвачилиги ҳақида маълумотлар келтирилган<sup>4</sup>. Шунингдек, ушбу китобда Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида яшовчи қарлуқлар чорвачилиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Хусусан,

<sup>1</sup> Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане в 1874 – 1889 гг. – СПб., 1889. – С.81 – 142.

<sup>2</sup> Современный кишлак (аул) Средней Азии. Социально-экономический очерк / Под редакцией Б.Б. Карпа и И.Е. Сулова. Вып. 1 – 9. – Ташкент, 1927 – 1927.

<sup>3</sup> Этнографические очерки узбекского сельского населения. – Москва, 1969.

<sup>4</sup> Шаниязов К. Узбеки-карлуки (Историко-этнографический очерк). – Ташкент, 1964. – С.68 – 79.

Пахтакор, Когон, Олот ва Косон туманларида яшовчи қарлуқларнинг XX аср бошларига қадар асосан қоракўл қўйларини боқиш билан шуғулланишгани, хўжаликлардаги чорва турлари ва сони, уларнинг жинси ва ёшига қараб номланиши, чорва моллари ҳайдаладиган яйловлар, қоракўлчиликни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва машаққатлари, чўпонларнинг оғир меҳнати ҳақида батафсил маълумотлар келтириб ўтилган.

К. Шониёзовнинг «Ўзбекларда яйлов чорвачилиги» номли илмий мақоласида эса воҳа аҳолиси чорвалигига оид бўлган умумий маълумотлар ҳам келтирилган<sup>1</sup>. Ушбу муаллифнинг Ўзбекистон чорвачилигига бағишлаган навбатдаги илмий мақоласида Самарқанд вилоятининг жанубий ва жануби-ғарбий туманларида, Бухоронинг дашт ва чўл ҳудудларида, Қарши даштида яшовчи аҳолининг қўйчилиги, қоракўлчилиги, шунингдек, йирик шохли қорамолчилик, йилқичилик ва туячилик ҳақида тўхталиб ўтилган. Мақолада кўрсатилган ҳудудларда чорвачилик билан шуғулланган этник ва этнографик гуруҳлар, улар томонидан боқилган чорва моллари зотлари, чорва молларининг хўжаликлардаги сони таҳлил қилинган<sup>2</sup>.

XX аср иккинчи ярмида Зарафшон воҳаси аҳолисининг чорва хўжалигини яхлит муаммо сифатида ўрганган олим Х. Тошев ҳисобланади. Унинг Зарафшон воҳаси чорвадорларининг маданияти ва турмуш тарзига бағишланган илмий диссертациясида Ўрта Зарафшон воҳасининг чап ирмоғида яшовчи чорвадорлар маданияти ва турмуш тарзи ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтилган<sup>3</sup>. Шунга кўра ушбу тадқиқотчи олим томонидан нашр этилган мақолалар ва китобларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Маълумки, XIX аср охирилари – XX аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудида 3 та асосий хўжалик-маданий типларнинг мавжуд бўлганлиги этнографлар томонидан қайд этилган: деҳқончилик билан шуғулланувчи воҳа ўтроқ аҳолиси, чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланувчи ярим ўтроқ аҳоли ва кўчман-

<sup>1</sup> Шаниязов К.Ш. Отгонное животноводство у узбеков // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. Ленинград, 1973. – С.87 – 98.

<sup>2</sup> Шаниязов К.Ш. Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1975. – С.188 – 192.

<sup>3</sup> Ташев Х. Культура и быт животноводов Зеравшанской долины (конец XIX – 60-е годы XX в.): Автореф. дисс. – Ташкент, 1968.

чи чорвадорлар<sup>1</sup>. Б.В. Андрианов тадқиқотлари таҳлилидан<sup>2</sup> шундай хулосага келиш мумкинки, ушбу даврда Зарафшон воҳаси аҳолиси 2 та хўжалик-маданий типга тааллуқли бўлган: ўтроқ деҳқонлар ва ярим ўтроқ чорвадор-деҳқонлар, чорвадорлар.

XIX аср иккинчи ярмида воҳа чорвачилигида қўйчилик (қоракўлчилик) етакчи ва муҳим йўналиш ҳисобланган. Сабаби, бу йўналиш ўзига тадбиркорлар эътиборини ҳам тортган бўлиб, қўйчилик нафақат гўшт ва сутга бўлган эҳтиёж билан, балки қимматбаҳо хомашё – жун ва терини олиш билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга эди. Воҳадаги чорва саноатчилари, қоракўлчиликни юритишдаги ўзига хос хусусиятлар, қоракўл қўйларининг ёши ва жинсига қараб номланиши, қўйчивонларнинг машаққатли меҳнати, касалликка чалинган чорва молларини даволаш усуллари ҳақидаги маълумотлар Х. Тошевнинг навбатдаги илмий мақоласида акс эттирилган<sup>3</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг чорва хўжалиги, хусусан, қўйчилик ва йилқичилик соҳасидаги анъаналар, чўпонлар ва йилқи боқувчиларнинг меҳнат фаолияти, қорамолчилик, туячилик, воҳа қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуши ҳақидаги маълумотлар Х. Тошевнинг ўзбек тилида чоп этилган навбатдаги китобида батафсил бериб ўтилган<sup>4</sup>. Ушбу китоб республикамиздаги чорвадор аҳоли хўжалик маданияти тадқиқ этилган муҳим асар эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилояти аҳолисининг анъанавий чорва хўжалигига оид бўлган бир қатор илмий мақолалар эълон қилинди. Аҳолининг айнан ушбу анъанавий хўжалик тармоғига оид бўлган асарлар қарийб нашр этилмади. О. Бўриев ва Т. Хўжамбердиев ҳаммуаллифлигида чоп этилган асарда Қашқадарё вилояти аҳолисининг чорвачилик билан боғлиқ удумлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган<sup>5</sup>.

Хўжаликка оид муаммоларни ўрганиш бугунги кунда этнология фанининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Хўжалик жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари ривожини, меҳнат тақсимоти ва

<sup>1</sup> Саушкин Ю.Г. Географические очерки природы и сельскохозяйственной деятельности населения в различных районах Советского Союза. – Москва, 1947. – С.15 – 16.

<sup>2</sup> Толстов С.П., Жданко Т.А., Абрамзон С.М., Кисляков Н.А. Народы Средней Азии и Казахстана. Т.1. – Москва, 1962. – С.34.

<sup>3</sup> Ташев Х. Традиционное животноводства узбеков Среднего Зарафшана // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Ташкент: Фан, 1972. – С.53 – 68.

<sup>4</sup> Тошев Х. XIX аср охири – XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши. – Тошкент: Фан, 1987.

<sup>5</sup> Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши, 2005. – Б.40 – 50.

бошқа йўналишлар билан боғлиқ фундаментал ижтимоий-иқтисодий категориясига тааллуқлидир. Хўжаликка оид манбалар ўзида тарихнинг турли даврларига тегишли бўлган муҳим маълумотларни мужассамлаштиради. Бу маълумотлар қайта ишланиб, таҳлил этилганидан сўнг тарихий ва этнологик тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Хўжалик соҳасидаги тажриба ва усуллар халқимизнинг кўп асрлар давомида ижод қилган бойлиги бўлишидан ташқари унинг ижобий жиҳатларидан ҳозирга қадар фойдаланиб келинмоқда. Маълумки, турли хўжалик хусусиятларига, жумладан, ўтроқ деҳқон ва хўжалигида чорвачилик етакчи бўлган турли этносларнинг ўзаро иқтисодий-хўжалик, маданий-савдо муносабатлари ҳам этник жараёнларга таъсир кўрсатиб, ассимиляция жараёнларини жадаллаштирган.

Хуллас, Зарафшон воҳаси аҳолисининг хўжалиги, хусусан, чорвачилик маданиятини этнографик жиҳатдан тадқиқ қилган олимлар томонидан бир қатор асарларнинг чоп этилиши муҳим аҳамият касб этиб, республикамизнинг бошқа ҳудудлари аҳолиси чорвачилик маданиятини тадқиқ қилиш учун ҳам асос бўлди десак муболаға бўлмайди.

У. Усаров

## **ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ АГРАР СИЁСАТИ**

Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликлари ҳудуди эгаллаб олишининг иккичи босқичида Бухоро амирлигига қаршли бўлган Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарлари эгалланган, бу ерда 1968 йилнинг 24 июни куни мустамлакачи империя маъмурияти томонидан Самарқанд ва Каттақўрғон бекликларини ўз ичига олган Зарафшон округи тузилиб, унга генерал-майор А.К. Абрамов бошлиқ этиб тайинланади<sup>1</sup>. Кейинчалик, 1871 йилда Зарафшон округи таркибига янги маъмурий бирлик – Тоғли туманлар қўшилди<sup>2</sup>. Улар Зарафшон во-

<sup>1</sup> Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII – XX аср бошлари). – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.283.

<sup>2</sup> Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – I четверти XX вв. – Ташкент: Университет, 1999. – С.27; Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Akademiya, 2002. – Б.42.

дийсининг юқорисида жойлашган майда бекликлардан иборат эди. Округ Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларига бўлинган. Самарқанд бўлимига аҳоли яшайдиган 11 та пунктни ўз ичига олган учта туман кирса, Каттақўрғон бўлими 16 та қишлоқ кирган битта тумандан иборат эди.

1886 йил 12 июнда «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг қабул қилиниши билан Зарафшон округи Туркистон генарал-губернаторлиги таркибига кирувчи Самарқанд вилоятига айлантирилди. 1887 йил январида Самарқанд вилояти тўрт уездга: Самарқанд, Каттақўрғон, Хўжанд ва Жиззах уездларига (Хўжанд ва Жиззах уездлари Сирдарё вилояти таркибидан олиб берилди) бўлинди. Самарқанд шаҳри вилоят маркази бўлиб қолди<sup>1</sup>. Шундай қилиб, Россия империяси томонидан Юқори Зарафшоннинг энг унумдор ва серсув бўлган ерлари Бухоро амирлиги таркибидан тортиб олинди.

Самарқанд - Зарафшон воҳасининг қадимдан деҳқончилик маданияти юксак ривожланган, ҳосилдор тупроқли, сув яхши таъминланган ҳудудларидан бири бўлиб келган. Бу ерларда маҳаллий аҳоли қадимдан буғдой, арпа, шоли, тарих, кунжут, жўхори, ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиб, улардан жуда юқори ҳосил олган. XIX асрнинг иккичи ярмида ҳам Самарқанд вилояти аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган.

Самарқанд вилояти умумий аҳолисининг 1868 – 1870 йилларда 1,3 фоизи, 1897 йилда эса бор- йўғи 15,7 фоизи шаҳарларда яшовчи аҳолига тўғри келганлиги, 1897 йилги маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалигида ишловчилар 80,1 фоизни, савдо-саноатда ишловчилар 15,4 фоизни, унумсиз ишларда банд бўлганлар 4,5 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин<sup>2</sup>. Демак, вилоят аҳолиси турмуш тарзи асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлиб, деҳқончилик аҳолининг асосий машғулоти эди. Қишлоқ хўжалигида эса сунъий суғоришга ихтисослашган суғорма деҳқончилик хўжаликнинг асосини ташкил этган.

XIX асрнинг иккичи ярмига оид бир қатор асарларда Самарқанд вилояти иқтисодий ҳаётининг асосини ташкил этувчи қишлоқ хўжалигидаги суғорма деҳқончилик ва суғориш тармоқлари тўғрисида кўплаб манбаларда маълумотлар келтирилган. Масалан, Н.М. Маев ўзининг «От Ташкента до Катты-Кургана» номли мақола-

<sup>1</sup> Самарқанд тарихи. Қадимги даврдан то Улуғ октябрь социалистик революциясигача. Биринчи том. – Тошкент: 1971. – Б.306 – 307.

<sup>2</sup> Уша жойда. – Б.310.

сида Юқори Зарафшон воҳаси ҳақида қуйидагича баҳо беради: «Бу дарё (Зарафшон) атрофида яшаган халқлар унинг сувидан ўз ерлари суғоришда кенг фойдаланишган. Самарқандга кираверишдаги Чўпонота тепалигидаги Каттақўрғонгача бўлган йўлнинг икки томони яхши суғорилган ерлар бўлиб, кўм-кўк рангга буркангандир. Зарафшон водийсининг юқори қисми ерлари серҳосил, унумли бўлиб, сув билан яхши таъминланганлиги кўриниб турарди»<sup>1</sup>.

Н.М. Вирский ўзининг «Виноградарство в Самаркандском уезде» номли очеркида: «Самарқанд вилоятининг Юқори Зарафшон ва унинг ирмоқлари атрофларидаги ҳудудларида жойлашган 6.828 десятина ўзлаштирилган ерлар кўп жиҳатдан сунъий суғорилишга мослаштирилган ва бу ерлар маҳаллий аҳолининг асрлар давомида тинимсиз ва машшақатли меҳнати эвазига яратилган»<sup>2</sup>, – дея маълумот бериб ўтган.

Бу даврда Самарқанд вилоятидаги табиий-географик шароитлар турлича бўлгани туфайли қишлоқ хўжалигида хилма-хил сунъий суғориш усулларида фойдаланилган. Ҳовузларда сув тўплаш, канал ва ариқлар қозиш йўли билан сув келтиришган. Ариқ ва каналларга Зарафшон дарёсидан ёки ундан ажралиб чиққан Қорадарё, Оқдарё, Норпай ва бошқа сув манбаларидан сув олиниб, улар Самарқанд ерларининг серҳосил бўлишига имкон берган<sup>3</sup>. Суғорма деҳқончиликда асосий каналлардан шохобчалар, сўнгра улардан майда суғориш тармоқлари ажралиб чиққан. Шох-шабба, чим, харсанг тошлар дарёнинг секин оқадиган жойларига ташланиб, тўғон ва сув айирғич каби гидротехник иншоотлар қилинган. Самарқанд вилоятнинг Бухоро амирлиги чегараларигача бўлган ерларининг ҳаммаси серҳосил бўлиб, аҳоли пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик билан кенг шуғулланган.

XIX асрнинг иккичи ярми – XX аср бошларидан Зарафшон воҳаси, хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам деҳқончилик қилиш мумкин бўлган ерларда олинадиган ҳосилнинг унумдорлигини ошириш учун «алмашиб экиш» усулидан кенг фойдаланилган. Бунда бир экин экилган ҳудудга маълум муддат бошқа экин экилмай, ерлар шудгор килиб қўйилиб дам олдирилган. Масалан, ви-

<sup>1</sup> Маев Н.М. От Ташкента до Катты-Кургана // Туокестанский сборник. Т. 34. – СПб., 1870. – С.198 – 219.

<sup>2</sup> Вирский Н.М. Виноградарство в Самаркандском уезде. – Самарқанд, 1893. – С.7 – 8.

<sup>3</sup> Курахмедов А.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида иқтисодий ва маданий ҳаёт («Туркестанский сборник» маълумотлари асосида): Тарих фан. номз... дисс. – Самарқанд, 2001. – Б.65.



лоятнинг Булунгур туманида – Зарафшон дарёсининг юқори қисмида суғорилиши мумкин бўлган ерлар 5,5 минг гектарни ташкил этган. Шундан ҳар йили 3,2 минг гектарга яқин майдонга экин экилиб, қолгани ишламай қолган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, ҳудудда тупроқ унумдорлиги маҳаллий ўғит солиш ва экинларни алмашиб экиш йўли билан мутазам равишда ошириб борилган.

Россия империясининг Самарқанд вилоятида мустамлака ҳукмронлигининг ўрнатилиши оқибатида вилоятдаги кишлоқ хўжалигида асосан пахта етиширишга эътибор кучайтирилди. Бунга сабаб Россиянинг тўқимачилик корхоналарининг кўпайиши ва Туркистондаги пахтага бўлган талабнинг кучайиши, шунингдек, Туркистон ўлкаси, жумладан, Самарқанд вилояти ҳам асосий пахта етказиб берувчи «хомашё базаси»га айлантирилиши эди. Оқибатда Самарқанд вилоятида ҳам унумдор ерларга пахта кўп экила бошланди. Бу мустамлакачиларнинг ўз саноат корхоналарини янада мустаҳкамлаши ва ривожлантириши учун имкон яратиб берди.

И.М. Слуцкийнинг маълумотларига кўра, XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд уездига Челақ, Янгикўрғон; Каттақўрғон уездидаги Хўжариқ, Пайшанба, Дамариқ ва Калқўрғон бўлисларида иқлим шароити яхши бўлганлиги учун 1885 – 1900 йиллар мобайнида етиштирилган пахтанинг 75% биринчи навга, 25% иккинчи навга топширилган. Самарқанд вилоятида деҳқонларнинг пахтадан даромади қишлоқ хўжалик экинлари ўртасида 4-ўринда турган<sup>2</sup>. Вилоятда умумий экин ерларининг 1/15 қисмига пахта экилган, бу 364.200 десятина ердан 24.280 десятинага тўғри келган<sup>3</sup>. Умуман олганда, адабиётларда ёзилишича, вилоятда пахта уч йил мобайнида экилиб, ер яхши ўғитланиб турилган. Сўнгра беда ва бошқа ўсимликлар экилган. Бошқачароқ айтганда, алмашлаб экиш услубига қаттиқ эътибор берилган. Шунинг учун ҳам ҳеч ким ернинг қувватсизланганидан ва ҳосилидан шикоят қилмаган<sup>4</sup>.

1889 йилги маълумотларга қараганда, Самарқанд вилоятининг қишлоқ хўжалигида асосий пахта етиштириладиган ҳудудлар

<sup>1</sup> Тошев Х. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши. – Тошкент: Фан, 1987. – Б.16 – 17.

<sup>2</sup> Слуцкий И.М. Очерк хлопководства в Самаркандской области // Туркестанский сборник. Т. 527. 1909. – С.55.

<sup>3</sup> Курахмедов А.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида иқтисодий ва маданий ҳаёт («Туркестанский сборник» маълумотлари асосида)... – Б.68.

<sup>4</sup> Зиёев Х.З. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – Б.174 – 175.

Митан, Челак, Каттақўрғон ва Хўжанд<sup>1</sup> ҳисобланган бўлса, 1900 ва 1908 йилларда вилоятнинг Каттақўрғон, Самарқанд ва Жиззах уездлари асосий пахта етиштирилган ҳудудлар бўлиб қолган. Буни учала уездда 1900 йилда 472.282 пуд, 1905 йилда 651.285 пуд, 1908 йилда 585.724 пуд пахта ҳосили етиштирилганидан ва бу бутун вилоятда етиштирилган пахтанинг ярмидан кўпроғини ташкил этганидан далолат беради<sup>2</sup>.

Самарқанд вилоятида пахта экиш 1888 йилдан 1908 йилгача 20 йил давомида уч баробарга ошди. Агарда 1888 йилда пахта экиш майдонлари вилоятда 8 минг десятинали ташкил этган бўлса, 1907 йилда 28 минг десятинага, 1913 йилда 31,8 минг десятинага, 1914 йилда 30,8 минг десятинага, 1915 йилда 55,6 минг десятинага, 1916 йилда 60,3 минг десятинага, 1917 йилда 42 минг минг десятинага<sup>3</sup> етган. Вилоятда пахта экишда асосий кўтарилиш 1899 йилга тўғри келган бўлса, вилоятда, умуман, Туркистон ўлкасида пахта яккаҳокимлиги ўрнатила бошланди.

Вилоятда терилган пахта 1900 йилда 1.556.139 пуд, 1905 йилда 1.118.105 пуд, 1908 йилда 901.565 пуд, 1913 йилда 953.000 пуд, 1914 йилда 621.000 пуд, 1915 йилда 1.346.000 пуд, 1916 йилда 1.123.000 пуд ва 1917 йилда 826.000 пудни<sup>4</sup> ташкил этган. Етиштирилаётган асосий ҳосил Россиянинг Европа қисмида жойлашган ва янги қурилаётган фабрикаларга етказиб берилаётганди. Бу эса Россия империяси ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини ўлкада мустаҳкамлашга хизмат қилаётган эди. Туркистон ўлкаси, хусусан, Самарқанд вилоятида пахтачиликнинг йил сайин кенгайиши натижасида XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Туркистон қишлоқ хўжалиги бозор муносабатлари устуворлиги шароитида дастлабки иқтисодий тангликка учради<sup>5</sup>. Бу эса маҳаллий деҳқонларнинг аҳволи янада оғирлашишига олиб келган.

Шунингдек, бу даврда Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигида дон экинлари ҳам асосий ўринни эгаллаган. Улардан буғдой, арпа, жўхори, шоли каби экинлар етиштирилган. Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Россия империяси босқинига қадар Бухоро амирлигига қарашли ушбу ҳудудлар қишлоқ хўжа-

<sup>1</sup> Юлдашев А. Аграрные отношения в Туркестана (конец XIX – начало XX вв.)... – С.109.

<sup>2</sup> Зиёев Ҳ.З. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси... – Б.177.

<sup>3</sup> Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. – Ташкент: Фаң, 1973. – С.29.

<sup>4</sup> Зиёев Ҳ.З. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси... – Б.177 – 178.

<sup>5</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустақлақчилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.242.

лиги маҳсулотлари билан ўзини ўзи бемалол таъминлаган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкаси, хусусан, Самарқанд вилоятида Россия империясининг пахтачилик яккаҳуқумронлиги кучайиши сабабли буғдойлар асосан суғорилмайдиган лалми ерларда етиштирилган<sup>1</sup>. Вилоятда деҳқонлар лалми ерлардан яхши ҳосил олиш учун буғдойнинг эрта ёки кеч пишишига катта аҳамият беришган. Бунда, биринчи навбатда, об-ҳавонинг кандай келиши ва қулай жойга уруғ экилишига жиддий эътибор берилган. Об-ҳаво қулай келган йилларда яхши танланган жойда лалми экилган 1 десятина буғдойдан 100 пудгача ва ундан ортиқ дон олинган. Ҳар бир десятина ерга экиладиган уруғлик миқдори 3 пуддан ошмаган. Бундай дон обикор далалардан олинган буғдойга қараганда ҳамиша юқори нархда баҳоланган. Самарқанд вилоятининг шарқий ҳудудларида лалмикорлик ҳамиша Зиёвуддин беклигидагига қараганда яхшироқ бўлган<sup>2</sup>. Бу эса маълум даражада вилоят миришкор аҳолисининг деҳқончилик маданияти тараққий этганлиги билан изоҳлаш мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилояти деҳқонлари ердан бир йилда уч мартагача ҳосил олганлар. Кузги буғдой йиғиб олинган, полиз экинларини экканлар. Полиз экинлари кузда йиғиб олиниб, баҳорда пишадиган экинлар экилган. Баҳорда ҳайдалган ерларнинг бир қисмига буғдой, бир қисмига арпа экканлар. Буғдойни уч мартагача суғорганлар. Яхши ишлов берилган ва ўзлаштирилган ерларнинг бир танобидан 40 пуд буғдой, вилоят бўйича эса ўртача 32 пуддан ҳосил олинган<sup>3</sup>. Деҳқонлар арпа ва буғдойни йиғиштириб олганларидан сўнг ерни экинга тайёрлаб, тарик, кунжут, сабзи, мош, ловия, нўхот каби экинлар экканлар<sup>4</sup>.

XIX аср охирларида Зарафшон округи 13 та туманга бўлинган. Миёнқол туманида ариқлар жуда кўп бўлган. Бу ерда деҳқончилик гуллаб-яшнаган ва маҳсулот етиштиришда биринчи ўринда турган. Суғди калон ва Шовдор тумани бу масалада Миёнқол туманидан кейинги ўринни эгаллаган. Самарқанд ерларида пахта, шоли, буғдой, тарик, жўхори, арпа, зиғир, мош, нўхат экилган.

<sup>1</sup> Зиёев Ҳ.З. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси... – Б.177 – 178.

<sup>2</sup> Тошев Х. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Зарафон ўзбекларининг ҳўжалиги ва ижтимоий турмуши... – Б.41.

<sup>3</sup> Бродовский М. Заметки о земледелии в Самаркандском районе // Туркестанский сборник. Т.57. – СПб., 1873. – С.419 – 447.

<sup>4</sup> Курахмедов А.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида иқтисодий ва маданий ҳаёт («Туркестанский сборник» маълумотлари асосида)... – Б.75.

Зарафшон округининг энг кўп маҳсулот берадиган тумани Офариқент тумани ҳисобланган<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Туркистон ўлкасидаги Хўжанд, Ўратепа, Самарқанд, Каттақўрғон каби қишлоқ хўжалиги энг унумдор ҳудудларни ўз ичига олган Самарқанд вилоятида ўзининг мустамлақачилик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда аграр сиёсат олиб борган. Бу даврда Россия империяси саноат корхоналари учун зарур бўлган пахта хамашёсини етказиб бериш биринчи даражага кўтарилиб, суғориладиган деярли барча ерларда пахта етиштириш амалга оширилди. Шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилиши суғориладиган ерларда бошоқли ва полиз маҳсулотлари етиштиришга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Бу маҳсулотлар кам етиштирилиши маҳаллий халқнинг уларга бўлган талабини ошириб юборди. Бозорларда бундай маҳсулотларнинг танқислиги сабабли нархларнинг кескин ошиб кетиши натижасида маҳаллий аҳоли ижтимоий аҳволи оғир ҳолатга келиб қолди.

*Б. Убайдуллаева*

**ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЎЗБЕКЛАРИДА БОЛА  
ТАРБИЯСИГА ДОИР ЭТНИК  
ХУСУСИЯТЛАРНИНГ САҚЛАНИШИ  
(Самарқанд вилояти Ургут тумани  
аҳолиси мисолида)**

Жамиятнинг маънавий меросини этнопедагогик маданиятдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Этнопедагогика, бир сўз билан айтганда, халқнинг бола тарбиясига доир назарий билимлари ва амалий тажрибалари йиғиндисидир. Мазкур термининг мазмуни хусусида кўп фикрмунозаралар билдирилган. Чунки «халқ педагогикаси» ва «этнопедагогика» тушунчасини бирбиридан ажратиш осон кечмаяпти. Биргина 1980 – 1990 йилларни оладиган бўлсак, «этнопедагогика» ва «халқ педагогикаси» каби ил-

---

<sup>1</sup> Пардаев К.К. Ўрта Зарафшон (Миёнқол) воҳасининг XIX – XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти: Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2003. – Б.60.

мый терминларнинг таърифи бўйича берилган изоҳларни мазмунига қараб қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин: биринчи йўналишда бу тушунчалар этноспецифик мазмунга эга. Унга кўра, «этнопедагогика – фан», «халқ педагогикаси эса халқнинг ёш авлод тарбияси тажрибаларидир» (Г.Н. Волков, Р.К. Дюсембинова, К.Б. Жарикбаев, С.К. Калиев, К.Ж. Кожажметова, В.Н. Николаев, С.А. Узакбаева, Г.М. Храпченков ва бошқалар<sup>1</sup>; иккинчи йўналиш синфий ёндашув бўлиб, унга кўра, «халқ педагогикаси – халқ оммасининг педагогик тафаккури», «анъанавий педагогика – муайян миллий бирликнинг этник педагогик тафаккуридир» (М.И. Стельмахович, Ю.А. Рудь, Е.Л. Христова)<sup>2</sup>; учинчи йўналишда «этнопедагогика – турли халқлар тарбиявий анъаналарининг қиёсий таҳлилини англатувчи умумий тушунча», «халқ педагогикаси эса конкрет этник гуруҳнинг тарбиявий анъаналари» сифатида изоҳланади (В.С. Кукушин)<sup>3</sup>; тўртинчи ёндашувда тушунчалар синоним сифатида тушунилади (Е.В. Сюта, В.Ф. Афанасьев)<sup>4</sup>.

Ушбу келтириб ўтилган таърифлар педагоглар томонидан берилган бўлиб, этнологлардан фақат А.Г. Комарова бу масалага ўз эътиборини қаратган. Унинг фикрича, «этнопедагогика» термини «халқ педагогикаси»га нисбатан кенгроқ, теранроқдир, тарбия жараёни халқ педагогикасининг ўрганиш предмети бўлиб, социализациянинг бир қисмини ташкил этади. Этнопедаго-

---

<sup>1</sup> Волков Г.Н. Универсализм этнопедагогика (дисперсная этнопедагогика) // Этнопедагогика в системе образования: опыт, проблемы и перспективы: матер. Международ. научно-практ. конф. – Атырау, 2005. – С.7 – 12; Дюсембинова Р.К. Научно-педагогические основы использования казахской этнопедагогика в учебно-воспитательном процессе школы: Автореф. дис... докт. пед. наук. – Алматы, 2001; Калиев С.К. Қазақтың халықтық тәлім-тәрбиесының ғылыми-педагогикалық негіздері: Пед. ғыл. докт... дис. автореф. – Алматы, 1996; Николаев В.Н. Этнопедагогическая подготовка учителя русской национальной школы / Под ред. В.А. Сластенина. – Москва-Орел, 1998; Кожажметова К.Ж. Казахская этнопедагогика: методология, теория, практика. – Алматы, 1998. – 318 с.; Узакбаева С.А., Кожажметова К.Ж. Концепция этнопедагогического образования студентов в высшей школе. – Алматы: Онер, 1998. – 46 с.; Храпченков Г.М. Ушинский о народности в воспитании // Вестник НПЦ. 1994.

<sup>2</sup> Рудь Ю. А. Теоретические и методические проблемы исследования народной педагогики: Автореф. дис... канд. пед. наук. – Москва, 1980; Стельмахович М.И. Традиции и тенденции развития семейной этнопедагогика украинского народа: Автореф. дис... канд. пед. наук. – Киев, 1989. – 24 с.; Христова Е.Л. Об уточнении понятийного аппарата этнопедагогика // Советская педагогика. 1989. №7. – С.103 – 106.

<sup>3</sup> Кукушин В.С. Этнопедагогика. Учебное пособие. – Москва- Воронеж, 2002. – 304 с.

<sup>4</sup> Сюта Е.В. Идеи воспитания и обучения в этнопедагогика украинского народа // Единство национального и интернационального в коммунистическом воспитании. – Орджоникидзе, 1971. – С.25 – 34; Афанасьев В.Ф. Этнопедагогика нерусских народов Сибири и Дальнего Востока. – Якутск, 1980. – С.182.

гика «шахс социализацияси жараёни қонуниятларини ўрганадиган фан бўлиб, ўз эътиборини бу жараённинг турли маданият ва жамиятлардаги этник хусусиятларига қаратади»<sup>1</sup>.

Таниқли педагог Г.Н. Волков этнопедагогикада универсализм мавжудлиги (дисперс этнопедагогика), унинг умуминсоний асосларга эга эканлигини таъкидлайди: «Этнопедагогик диалог, маданиятлар диалоги халқнинг маънавийахлоқий қадриятларида миллатлараро, умуминсонийликни кўрсатади»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, ҳар қандай халқнинг «идеал инсон»ни тарбиялаш ғояси умуминсоний асосларга таянади. Турли халқлар миллий анъаналарини тадқиқ этиш улар умуминсоний илдизга эга деган хулосага олиб келади. Шундай қилиб, этнопедагогика нафақат муайян этноснинг миллий шаклга эга бўлган ўзига хос тажрибалари, балки мазмуни анчагина ўхшаш бўлган умуминсоний тарбия анъаналари ҳамдир. Шу ўринда З. Нигматовнинг фикрини келтириш ўринли. Унинг фикрича, «кўп халқларнинг педагогик анъаналари мазмунига кўра эмас, балки фақат шаклига кўра фарқланади» ва «ҳар бир халқ фақат ўзига хос бўлган ва ўз маданиятига асосланган ўзининг оригинал педагогик билимлар мажмуасига эга»<sup>3</sup>.

Бизнингча, педагогик анъаналар фақат шакли билангина эмас, балки қандайдир даражада мазмунига кўра ҳам фарқланади. Гарчи умуминсоний фазилатларни қадрлаш барча халқларда мавжуд бўлса – да, бу фазилатларни шакллантириш учун шароитлар ва қадрланиш даражасига кўра ҳам турли этнослар бирбирларидан фарқландилар. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай халқнинг тарбия усули ушбу халқнинг этномаданий муҳитига мос тарзда шаклланади, бунда халқнинг тарихи, географик ўрни ҳам муҳим ўрин тутаяди. Бинобарин, дунёда ҳар бир халқнинг ўз тарихий ўтмиши, ўзига хос географик ўрни, иқлимий шартшароитлари ва этномаданий муҳити мавжуд экан, бола тарбияси усули ҳамда тарбияга доир қарашлари ҳам фарқланади.

Бутун ўзбек халқининг бола тарбияси анъаналари шартшароит, мақсаднинг бирлиги ва қадриятларнинг умумийлиги билан бош-

<sup>1</sup> Комарова А.Г. О понятии «этнопедагогика» в советской этнографической и педагогической науке // Изучение преемственности этнокультурных явлений. – Москва, 1980. – С.202 – 212.

<sup>2</sup> Волков Г.Н. Универсализм этнопедагогика (дисперсная этнопедагогика) // Этнопедагогика в системе образования: опыт, проблемы и перспективы: Матер. междунар. научно-практ. конф. – Атырау, 2005. – С.7 – 12.

<sup>3</sup> Нигматов З.Г. Плюралистический подход к этнопедагогическим исследованиям // Теория и практика физической культуры. 1999. №8. – С.22 – 23.

қа халқлардан ажралиб туради. Аммо бу турли ҳудудларда локал жиҳатлар ҳам учраб туришини инкор этмайди. Мазкур мақолада айнан этномаданий муҳит шароитида шакланган этнопедагогик тенденциялардаги айрим локал жиҳатларни кўрсатишга ҳаракат қилинади, яъни Самарқанд вилоятининг Ургут тумани маҳаллаларидан йиғилган маълумотлар асосида ўзбек халқининг бола тарбияси анъаналари хусусида фикр билдириб ўтилади.

Ургут тумани Самарқанд вилоятининг жанубишарқий қисмида жойлашган, майдони 1120,3 км<sup>2</sup> ни ташкил этади<sup>1</sup>. Аҳолиси асосан ўзбеклардан иборат бўлиб, анъанавий оилавий муносабатлар яхши сақланиб қолган.

Этнопедагогика соҳасининг асосчиси Г.Н. Волков этнопедагогикани структур-мазмунли ва ташкилий ҳамда фаолиятли система сифатида белгилар экан, унинг таркибига қуйидагиларни киритган:

1) халқ педагогик тушунчаси асослари (бола парвариши, тарбия, ўзўзини тарбиялаш, қайта тарбиялаш, йўлйўриқ кўрсатиш, ўргатиш, таълим бериш);

2) бола тарбиянинг объект ва субъекти сифатида (туғишган фарзанд, етим, боқиб олинган бола, тенгдошлар, дўстлар, бегона болалар, болалар муҳити);

3) тарбия функциялари (меҳнатга тайёрлаш, характернинг ахлоқий иродавий жиҳатларини шакллантириш, ақлни ўстириш, соғлиқни асраш ва гўзалликни севишга ўргатиш);

4) тарбия омиллари (табиат, ўйин, сўз, мулоқот, анъана, иш, турмуш, санъат, дин, идеал- намуна);

5) тарбия методлари (ишонтириш, намуна қилиш, буйруқ, тушунтириш, ўргатиш ва машқ қилдириш, тилак ва дуо, лаънатлаш, қасам, илтимос, маслаҳат, шаъма, маъқуллаш, тана, гина, кўндириш, бурч, тавба, ривоят, ундов, тазарру, пушаймонлик, васият, тақиқ, таҳдид, қарғаш, ҳақорат, жазолаш, калтаклаш ва ҳ.к.);

6) тарбия воситалари (латифа, мақол, нақл, топишмоқ, эртак, афсона, ривоят, дoston ва б.)<sup>2</sup>.

Биз ҳам ургутликлар этнопедагогикаси хусусиятларини айнан шу структура асосида белгилаб чиқамиз. Бунда биринчи пункт бўйича бола парвариши, тарбия масаласи мос тушади. Иккинчи пунктга кўра бола тарбиянинг объекти сифатида «туғишган фарзанд» тўғри келади. Учинчи пункт бўйича тарбия функция-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2005. – Б.119.

<sup>2</sup> Волков Г.Н., Баубекова Г.Д. Этнопедагогика. – Ташкент: Фан, 2000. – С.34.

лари ичида меҳнатга тайёрлаш, характернинг ахлоқийиродавий жиҳатларини шакллантиришни танлаб олганмиз. Тўртинчи пункт – тарбия омилларидан ўйин, сўз, мулоқот, анъана, иш, турмуш, дин кабилар белгиланди. Бешинчи пункт тарбия методлари бўлиб, тадқиқ этилаётган ҳудудда кўпроқ ишонтириш, намуна қилиш, тушунтириш, ўргатиш ва машқ қилдириш, тилак ва дуо, маслаҳат, маъқуллаш, таҳдид кабилардан фойдаланишган. Олтинчи – тарбия воситалари сифатида мақол, нақл, эртактлар муҳим рол ўйнаган.

Барча ўзбеклар каби ургутликларда ҳам фарзанднинг соғлом туғилиши ҳақида аёл ҳомиладорлик пайтидан бошлаб қайғуришади. Бу ўринда «бошқоронғи»лик даври алоҳида эътибор қаратиладиган давр ҳисобланади. Кўп ахборотчилар онанинг ҳомиладорлигидаги ҳолати кейинчалик туғилган боланинг соғлигига таъсир қилишини кузатганларини мисоллар билан келтириб ўтишди. Тажрибали ахборотчининг айтишича, «ҳомиладор аёлларни авайлаш қадимдан халқда бўлган одат. Ўтмишда отабоболаримиз ҳомиладор хотинлар учун урғочи қўйни сўйиб қўйишган ва аёлга едиришган. Музлатгич бўлмагани туфайли гўштни сақлаш учун махсус ўра қозишган. Матодан халта тикишган ва гўштни тузлаб шу халтага солишган, сўнг ўрага қўйишган, шунда гўшт бузилмай узоқ вақт сақланган»<sup>1</sup>. Бу удум ҳомиладор аёл кучли калорияли, сергўшт таомлар истеъмол қилиб кучга тўлиши мақсадида амалга оширилади.

10 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган онахонинг айтишича, бошқоронғилиқда истаган нарсани емаса, бола ўсмайди. «Ўзим тажрибада кузатдим, тўнғич неварамга келиним ҳомиладорлигида унча эътибор қаратмаган эдим. Неварам суяги мўрт чиқди, касалманд бола бўлди. Иккинчи неварамда бунга алоҳида эътибор бердим ва бу неварам соғлом туғилди. Шунинг учун иккиқатлиқда аёлнинг асаби умуман бузилмаслиги керак. Сизга насл керакми, соғлом бола керакми, келин туғиб олгунча унинг барча инжиқлиғни қайнона кўтариш керак»<sup>2</sup>, – дейди онахон.

Анъанага кўра, бошқоронғи аёлнинг тансиқ нарсаларни фақат ўзи ейиши айб саналмаган. Бундай тансиқ таомларни топиб бериш эр томон – эри ёки қайнонанинг бурчи ҳисобланган.

Туққан она ва чақалоқнинг «чилла» сақлаш удумлари Ургутда яхши сақланиб келмоқда. Маълумки, янги туққан аёлга атала бе-

<sup>1</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Ўслик» маҳалласи, 2017 й.

<sup>2</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Кулоллик» маҳалласи, 2017 й.



риш одати бутун ўзбеклар орасида кенг тарқалган ва ҳозирги кунгача сақланиб келса-да, атала тайёрлаш усули, унга қўшила-диган масаллиқларга қараб фарқланган. Масалан, айрим жойларда атала ёғда қовурилиб пиширилса, бошқа жойларда ёғсиз тайёрланган<sup>1</sup>. Сурхондарёда сутли атала тайёрлашса, Тошкентда аталага қийма қўшиб тайёрлашган<sup>2</sup>. Ургутда эса туққан аёлга сариёғли ёки қўй ёғида атала қилиб берилади<sup>3</sup>.

Бола парвариши ва тарбиясида катта авлоднинг масъулияти юқори бўлиши ўзбек халқига хос хусусиятдир. Бу чилла давриданок чақалоқни парваришлаш билан бошланади. Олти нафар фарзанднинг онаси бўлмиш ахборотчининг айтишича, у бола тарбиясини қайнонасидадан ўрганган. Қайнонаси унга худди она каби меҳрибон бўлган. Айниқса, туққанда 40 кунгача ўзига ҳам, чақалоққа ҳам ғамхўрлик кўрсатиб, болани теппатенг парвариш қилган.

Болалар бир яримикки ёшгача бешиқда парвариш қилинади. Бу ердаги одатга кўра, тўнғич фарзандни биринчи марта бешикка беланганда 56 яқин қариндош аёллар йиғилишиб чалпак қилишади ва узоқ умр кўрган, серфарзанд «момо» болани бешикка белаб беради. Шундан сўнг бутун чилла даврида қайнона, чилла даври ўтгач эса она болани бешикка белаши мумкин. Чиллали уйга бегона одам келмайди, чиллали аёл ҳеч ким билан қўл бериб ёки қучоқлашиб сўрашмайди<sup>4</sup>. Узоқ йиллар мобайнида ўқитувчилик фаолиятини олиб борган 8 фарзандли онахоннинг айтишича, унинг фарзандлари 2 ёшгача бешиқда ётган, болаларининг парвариши ва тарбияси кўпроқ қайнонасининг зиммасида бўлган<sup>5</sup>. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қисқаси, қайноналар ўз неваралари олдида катта масъулиятга эга бўлган, шунинг учун болалар аввало уларга тегишли ҳисобланган. Ёш оналар қайнона ёки қайнота олдида ўз фарзандларини уришишга ҳадлари сиғмаган. Лекин қайнона, яъни бувиларнинг болаларни тергашлари одатий ҳол бўлган. Буви ёки бувалар танбеҳ берганда ота-оналар буни кўнгилларига олмаган. Ёш ота-оналар ҳам гарчи болани дунёга келтирган бўлишларига қарамай, катта авлод вакилларини ўз фарзандлари тарбияси учун кўпроқ маъсу-

---

<sup>1</sup> Ташбаева Т.Х., Савуров М.Д. Новое и традиционное в быту сельской семьи узбеков. – Ташкент: Фан, 1989. – С.100.

<sup>2</sup> Муаллиф қайдлари. Тошкент шаҳри маҳаллалари, 2007 – 2017 йиллар.

<sup>3</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Қуллолик» маҳалласи, 2017 й.

<sup>4</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Қуллолик» маҳалласи, 2017 й.

<sup>5</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Ўслик» маҳалласи, 2017 й.

лиятли деб ҳисоблашган ва уларнинг бола олдида ҳақлари ҳам кўпроқ эканлигини тан олганлар.

Ургутда бола парвариши билан боғлиқ бўлган инициацион мазмундаги кўплаб маросимий иримлар энди унитилган. Суннат тўйи ҳам ўзининг инициацион аҳамиятини йўқотиб, «элга ош бериш», ёшларни моддий жиҳатдан қўллабқувватлаш, жамоа олдида оиланинг иқтисодий ҳолатини кўрсатиш мақсадида амалга оширилади.

Бола тарбияси билан боғлиқ анъаналар кўпроқ болаларга меҳнат тарбиясини беришда, уларни одоб ва ахлоққа ўргатишда ҳамда оила аъзолари ўртасида иерархик мувозанат сақланишида кўзга ташланади.

Маълумки, шарқ халқларида нафақат муомалада, балки инсоннинг ўтирган ўрни, унга берилган таом таркиби ва бошқа шу каби кўп ҳолатларга қараб ҳам унинг мавқеи белгиланади. Аксарият оилаларда катталар ва болалар бир жойда ўтиришмайди. Айниқса, серфарзанд оилаларда бундай ҳолатни кўп кузатиш мумкин. Кузатишлар бунда шартшароит муҳим ўрин тутишини кўрсатмоқда. Бундай шароит бўлмаганда барча оила аъзолари бир дастурхон атрофида йиғилган. Ахборотчининг маълумот беришича, улар оилада 12 фарзанд бўлгани учун ёз пайтида катталар алоҳида, кичиклар алоҳида ўтиришган. Лекин қиш пайтида ҳамма бир жойда тўпланган<sup>1</sup>.

Болаларни катталардан алоҳида ажратиш тарбиявий мазмунга эга бўлиб, бу, айниқса, меҳмонлар келганида кузатилади. Ахборотчиларнинг фикрича, меҳмонлар олдида болалар қўйилмаслигининг сабаби, «болаларнинг шўхлиги меҳмонни безовта қилиши мумкин, бошқа томондан, катталар меҳмон билан ҳар хил масалада гаплашишади, бу эса болаларнинг ёшига тўғри келмаслиги мумкин»<sup>2</sup>.

Ўзбек анъанавий тарбиясида болалар токи ўсмирлик ёшигача етгунча ўғил ва қиз болаларга ётоқ учун алоҳида хона ажратилмаган. Фақат ўсмирлик пайтидан ўғил болалар иложи борича қизлардан ажратилган. «Биз кичкиналимизда бир уйга узун қилиб ҳаммамизга жой тўшаб беришарди. Бир дастурхонда ўтирардик. Ўша пайтда бу гигиенага тўғри келадими ёки йўқми деб ҳеч ким ўйламасди. Менимча, ҳамма болалар бирга ётгани учун бирбирига оқибатли бўлади, ўзаро меҳри тушади. Ҳамма бир

<sup>1</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Чор Чинор» маҳалласи, 2017 й.

<sup>2</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Етти уйлик» маҳалласи, 2017 й.

вақтда ўтириб овқатланганидан сўнг бирга мулоқотда бўлиши ҳам бирбирига меҳрли бўлишини таъминлайди»<sup>1</sup>.

Ургутда олиб борилган тадқиқотлар оилавий тарбияда исломий ўғитлар болага ёшлигидан сингдириб борилганини кўрсатмоқда. Масалан, «увол», «савоб- гуноҳ» деган тушунчалар болаларнинг кичик ёшларидан турли матал, ривоятлар орқали тушунтириб борилган. Бунда бобо ва бувиларнинг роли катта бўлган. «Увол» – бу деярли муқаддас саналган бирон- бир нарса ёки жонзотга бекорга зарар етказиш. Масалан, мусичани ўлдириш «увол». Нонни оёқости қилиш «увол» ва ҳ.к.

Савоб – бу эзгу ишлар. Бу эзгу ишларни бажариш кишини жаннатга элтади. Аксинча, гуноҳ – бу бажариш мумкин бўлмаган ёмон ишлар. Гуноҳи кўп бўлган кишилар дўзахга тушадилар.

Кўпчилик анъанавий оилаларда болаларга «калимаи шаҳодат», «фотиҳа», «ихлос» ва бошқа шу каби энг муҳим кичик суралар оғзаки тарзда ёдлатилган.

Бутун иттифоқ ҳудудида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам совет хокимияти даврида атеистик тарбия бериш чоратадбирлари олиб борилган. Лекин, таъкидлаб ўтилганидек, ўзбек оилаларида исломий тарбия бериш одат сифатида сақланиб қолганини кўриш мумкин. Отаси юқори раҳбар лавозимларда ишлаган ахборотчининг маълумот беришича, отаси барча фарзандларни рус мактабида ўқитган, айти пайтда, болалар «ўзлигини йўқотмасин» деб яширинча маҳалладаги бир муллани уйида дарс олиш учун ҳам юбориб турган. Мулла ўғил болаларга, мулланинг қизи эса қизларга исломий қоидалар ҳақида дарс берган<sup>2</sup>.

Аммо мактабларда атеистик тарбиянинг таъсири кучли эди. Маълумотларга кўра, айрим ўқитувчилар рўза тутган болаларни рўзасини очишга<sup>3</sup>, «худо йўқ» деб айтишга мажбур қилган. Бу гапни (кўпчилик) айтмаган болага «2» баҳо, айтган болаларга «5» баҳо қўйган<sup>4</sup>. Кўплаб этнографик маълумотларга кўра, болаларга мактабда «худо йўқ»лиги уқтирилган, лекин улар уйга келиб катталардан бу ҳақда сўрашганда улардан инкор жавобини олишган, ҳатто жазоланишган<sup>5</sup>. Шу тариқа мактаб ва оиланинг бола эътиқодини шакллантириш бўйича талаби бир-бирига қарши бўлган.

<sup>1</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Кулоллик» маҳалласи, 2017 й.

<sup>2</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Чор Чинор» маҳалласи, 2017 й.

<sup>3</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Чор Чинор» маҳалласи, 2017 й.

<sup>4</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Кулоллик» маҳалласи, 2017 й.

<sup>5</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Кулоллик» маҳалласи, 2017 й.

Ургут тумани қадимдан ҳунарманчилик ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, етакчи тармоқлар сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш, деҳқончилик ва чорвачиликни ҳам кўрсатиш мумкин. Қисқаси, ургутликлар – меҳнаткаш халқ. Болалар ҳам меҳнатга кичик ёшидан ўргатиб борилади. Бунда оиланинг хўжалик юритиш тури, отаоналарнинг касбкори муҳим ўрин тутган. Шу ўринда оиласи дўппидўзлик билан шуғулланувчи ахборотчининг маълумотига эътибор қаратамиз: «Оилада бир ўғил, тўрт қиз бўлганмиз. Она-миз бизни тонг- саҳардан уйқудан уйғотарди. Она-миз биз болаларга дўппини тикиш учун барча вазифалар тақсимларди. Битта-миз дўппининг орқасини босардик, биримиз пилта тайёрлаймиз, бошқамиз елим қилардик ва ҳ.к. Эрта туриб ҳамма ўз вазифасини бажарарди, сўнг нонушта қилар эдик. Мактабдаги тушлик учун онам ҳаммамизга қўлимизга 20 тийиндан берарди ва мактабга кетардик. Мактабдан қайтиб, яна уй ишлари билан банд бўлган она-мизга қарашардик. Кеч 78 ларда овқатланардикда, яна онамизга озроқ қарашардик, сўнг дарсимизни қилиб, ухлардик. Бу ҳар кунги иш тартибимиз эди»<sup>1</sup>. Демак, оилаларда болалар меҳнатга тўла жалб қилинган ва меҳнат тарбиясига, бир томондан, кузатиш, иккинчи томондан, амалда бажариш орқали ўргатиб борилган.

Ўзбек халқи тарбия анъаналарида болаларни, айниқса, ёш болаларни жисмоний жазолашга салбий муносабатда бўлинади. Халқ орасида «ақли етмаганнинг қўли етади» деган нақл ҳам бор. Қиз болаларни жисмоний жазолаш ҳам қаттиқ қораланади. Кўпчиликнинг фикрича, агар ота қизини бир шапалоқ урса ҳам, у бахтсиз бўлар экан. Лекин халқ тарбиясида жазо ҳам тарбия усулига киради, шу боис 56 ёшдан ошган ўғил болаларни нотўғри иши учун енгилгина жисмоний жазолаш кўп учраб турган. Айрим пайтларда гарчи калтаклашмасида, хивичдан «пўписа» сифатида фойдаланган ҳолатлар бўлган<sup>2</sup>. Бир ахборотчининг маълумотича, болалигида агар бирон ишни бажармаса ёки тўполок қилишса, онаси болаларни хивчин билан «қўрқитар» экан. Аслида, онаси юмшоқтабиат ва меҳрибон аёл бўлган, болаларига доим яхши гапиришга ҳаракат қилган ва ҳеч урмаган. Шу учун у ўз онасидан олган тарбия усулини фарзандлар тарбиясида қўлламоқда<sup>3</sup>.

Умуман, ургутликларда жисмоний жазо қораланган ва аксарият оилаларда жазо калтаккача етиб бормаган. Масалан, Назар

<sup>1</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Етти уйлик» маҳалласи, 2017 й.

<sup>2</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Чор Чинор» маҳалласи, 2017 й.

<sup>3</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Етти уйлик» маҳалласи, 2017 й.

ровлар оиласида она фарзандларини доим сизлаб гапирган. Фақат жаҳли чиққанда сенсираган. Бу болаларга қаттиқ таъсир қилган. Агар болалар бирон ишни бажаришни истамасалар, она уларни уришмаган, «майли, болажоним, сен қилмасанг, буни синглингга қилдираман, лекин сен бемалол чой ичоласанми, нон ея оласанми?» деганида бола уялганидан ўша ишни бажарган<sup>1</sup>. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қисқаси, ўзбек оилавий тарбиясида боланинг виждонини уйғотиш, ғурур, уят туйғусини шакллантириб боришга эътибор қаратилган.

Жисмоний жазолар кўпроқ ўғил болалар учун, шунда ҳам жуда қаттиқ тақиқларга риоя этилмагандагина қўлланган. Масалан, ўғил болалар ўғирлик қилганда ёки ўйинга берилиб буюрилган вазифаларни кетмакет бажармаган ҳолатларда хивич билан жазоланганлар. Бир ахборотчи болаларга қўшилиб трактордаги (жамоа хўжалиги полизидан терилган) қовунтарвузни ўғирлагани учун отаси тикан хивич билан урганини эслайди. Ўшанда у 11 ёшда бўлган<sup>2</sup>.

Анъанавий ўзбек оилаларида бўлгани каби, Ургутда ҳам оилада отанинг бошқарувчи, оила бошлиғи сифатидаги мавқеи баланд бўлиб келмоқда. Ахборотчилар оталарининг олдида кичик ёшли болалар ҳам одоб сақлаб ўтиришганини, отанинг хатто кўз қарашидан ҳам қўрқишганини эслашади<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, Ургут тумани ўзбекларида этнопедагогик тенденциялар сақланиб келаётганини кўриш мумкин.

*Т. Нуридинова*

## **ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДАГИ МАИШИЙ АШЁЛАР – ҚУРОҚЛАР, ПИЧОҚЛАР ВА ТУМОРЛАР**

Ўзбекистон Давлат санъат музейи Марказий Осиёдаги ноёб санъат асарлари сақланадиган энг йирик музейлардан ҳисобланади. Музей 1918 йилда «Эл музейи» номи билан ташкил этилган, у княз Романовга тегишли Рус ва Ғарбий Европа рассомларининг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва бадиий усулда ишланган мебел, чинни ва бошқа турдаги амалий санъат асар-

<sup>1</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Етти уйлик» маҳалласи, 2017 й.

<sup>2</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Ғўслик» маҳалласи, 2017 й.

<sup>3</sup> Муаллиф қайди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Чор Чинор» маҳалласи, 2017.

лари билан кенгая бошлайди. Агар музейга ташриф буюрсангиз, у ердаги халқ амалий санъатининг нодир ва бетакрор ашёлари сизни лол қолдиради. Чунки музейда сопол буюмларнинг безаклари, ганч ва ёғоч ўймакорлиги нақшлари, бир-биридан гўзал сўзаналар, заргарлик ва зардўзликнинг ўзига хос маҳаллий буюмлари ниҳоятда юксак дид ва фаросат билан яратилганига гувоҳ бўласиз. Антик даврга оид бўлган, яъни бундан 2000 минг йил аввал оддий лойдан ишланган ҳайкаллар музейнинг фахри ҳисобланади. Экспозиция залларида ганч ўймакорлиги услубида илк ўрта асрларда яратилган Варахша сарой безаклари ҳам томошабинларда унутилмас таассурот қолдиради. Тарихий манбаларда ёзилишича, маҳаллий ҳунармандлар металлларга ҳамда матоларга бадиий ишлов беришни жуда қадим замонлардан бошлаган.

Музейда сақланаётган ҳунармандларнинг ижод буюмларидан бўлган қуроқ майда матоларни улаб, тўплаб яратилишидан пайдо бўлган ва рўзғор учун керакли безак буюмидир. Қуроқ қадимдан турли халқлар орасида кенг тарқалган. Вақт ўтиши билан қуроқ тикиш санъат даражасига кўтарилган.

Ўзбекистонда бу санъат тури жуда қадимдан маълум, ўзига хос хусусият ва анъаналарига эга. Қуроқ Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» девонида ва Ҳусайн Воиз Кошифий асарларида авлиё ёки дарвишлар киядиган (қуроқ тўн, жанда) мураққаъ кийими бўлган<sup>1</sup>. Демак, ўрта асрларда тасаввуф намояндалари кўпинча мураққаъ кийимларида тасвирланганлар. Шу билан бирга, бу кийимлар эгасини бало-қазолардан сақлайди деган тushунча ҳам эл орасида кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида қуроқ тикишнинг ўзига хос услублари бор: «Қатлама қуроқ», «Турна нусха», «Куз», «Оққуш», «Қудуқ» ва бошқа бир қанча тикиш усуллари бўлган ҳамда улар ўзига хос рамзийликка эга. Қуроқчилик Фарғона водийсининг айрим туманларида халқ турмуш тарзининг ажралмас қисми ҳисобланади. Сабаби, қуроқдан тикилган барча ашёлар инсон туғилишидан то ҳаётининг сўнгги манзилигача бўлган барча анъаналардаги маросимларда ишлатилади. Бола туғилганининг 7- кунда кўп болали ота-оналарнинг уйларида 15 тадан кўпроқ мато қийқимлари йиғиб олиниб, фарзандимиз ҳам улардек ували-жували бўлсин, умри узун бўлсин деган ниятда ушбу қийқимлардан тикилган чопон чақалоққа чилласи чиққунча кийдирилган. Никоҳ тўйла-

---

<sup>1</sup> Имомова А. Қуроқ – қийқим тикиш санъати // Мозийдан садо. 2012. №3 (55).

рида икки ёш бахтли бўлсин, ёмон кўздан сақласин ва серфарзанд бўлишсин деб чимилдиқнинг икки томонига «қатлама куроқ», келин-куёв уйининг остонасига думалоқ, тўртбурчак шаклда тикилган «пойандоз куроқ» солинган, келин-куёв олдига насибаси улуғ бўлишини Аллоҳдан сўраб «куроқ дастурхон» ёзилган. Келин-куёвларнинг ўғил-қизлари аралаш туғилиши умидида уларнинг кўрпа-ёстиқлари жилдларига турли рангли куроқлар тикилган. Жиззах шаҳрида никоҳ тўйларида келинга 1 дона пойандоз, куроқ чимилдиқ, 1 дона куроқ кўрпа, 10 та куроқ ёстиқ, бешик буюмлари ҳам тикилган. Куёвнинг онаси ният қилиб 100 дан кўп қийқимлардан тўшак тикиб, унинг бир чеккасига туморча, бошқа чеккасига қўйнинг тўпиғини тикиб қўйган. Бунда ёшларнинг бахти мангу бўлиши назарда тутилган<sup>1</sup>.

Қуроқларда табиат манзаралари, маиший саҳналар, геометрик композициялар тасвирланган. Қуроқ тикиш санъатини ўрганиш ўзбек халқ ҳунармандчилигининг ўзига хослиги, ҳудудлар анъаналари ва усталар дидини ўрганишга, куроқнинг замонавий халқ амалий санъати ривожигаги ўрни ва аҳамиятини аниқлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон давлат санъат музейида XIX асрда Ургутда тикилган куроқ сақланган. Унинг узунлиги 134 см, эни 58 см бўлиб, у қишда сандал устига ёпилгани учун сандалпўш деб аталган. Чит ва шойи матога тикилган. Қуроқ яхши сақланган. Музей куроғи бир қанча қийқимлардан қадама ёки терма нақш услубида тикилган. Албатта, ҳар бир куроқ яратувчи ўзига хос бўлган эстетик дидини эмас, балки ўзи яшаётган ерининг хусусиятини ҳам намоён қилади. Шунинг учун куроқларда табиат кўриниши, маиший саҳналар, геометрик композициялар яратилади ва шу йўл билан халқ ижодиётидаги қадимий безаклар, рамзлар, турли-туман белгилар яратилади. Яна куроқ санъатининг тури барча халқлар маданиятида умумий ўхшашликлар борлигини кўрсатади. Музейдаги куроқ ўзбек халқи асрлар давомида фойдаланиб келган сандалга ёпинчиқ учун яратилиб, у сандалпўш деб аталган. Бу куроқ нақшлари қадама техникаси асосида тикилиб, унинг композицияси концентрик тўғри бурчакли эканлиги яққол намоён бўлади, қадама оқ йўл-йўл чизиқ билан ўралган. Унинг ичида тўқ қизил рангли учбурчаклар ва қора рангли ромбиклар мавжуд.

---

<sup>1</sup> Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана XVIII – XIX веков. – Ташкент: Узбекистан, 2000.

Яна бир музейда сақланаётган қуроқ деворий безак бўлиб, Тошкентда тикилган. 204x330 қуроқ майда тўғри бурчаклик, қора, оқ, сариқ, қизил қийқимлардан тикилган. Қуроқнинг ўртаси ва ҳошияси бўлиб, ўртасига қора, оқ, яшил рангли ромбикли шакллар тикилган. Қуроқнинг четларига ромбиклар ва учбурчаклар ҳам тикилиб, уларнинг ранги қизил, сариқ, яшил ҳошияни ташкил қилган. Ҳошиянинг фони қора рангда, уч томондаги ҳошия икки қаторли қилиб тикилган. Қуроқнинг юқори бурчакларида оқ кабутар ва пахта кўсагининг шакли тикилган. Чап бурчагида 1977 йил деб ёзилган. Қуроқнинг четлари пушти ва оч сиёхранг рангли матолар билан тикилган. Қуроқнинг тескари томони қизил тўқ сариқ рангли чит билан қопланган.

Тумор диний тасаввурга кўра турли бало-қазолардан, инсжинсдан, кўз тегишидан сақлайдиган ва тақиб юрадиганларга гўёки омад келтирадиган сеҳрли нарса деб қаралган. Тумор матодан учбурчак ёки тўртбурчак шаклида тикилиб, ичига дуо ёзилган қоғоз солинган. Тумор бронза, олтин ёки кумуш ғилофга (қутичага) солинган. Тумор қудратига ишонч баъзи кишиларда қадим замонлардан бери сақланиб келмоқда. Ислом дини туморнинг қудратига ишонишни ширк деб ҳисоблайди.

Тумор аёлларнинг безак буюми бўлиб, унинг учун заргарлар қопқоқли қутичалар ясаганлар. Уларга қимматбаҳо тошлар қадалган ва четига дур, садаф ва ҳар турли мунчоқлардан ясалган шокилалар осилган. Туморнинг бўйинга тақиладиган занжирли хили ҳам бўлиб, бўйинтумор деб аталган. Бундан ташқари, кўкрактумор ҳам бўлган. Демак, турли шаклдаги туморлар кишининг турли аъзоларини «сақлаш» ёки «қўриқлаш» учун ясалган. XIX асрга келиб бу одат йўқолиб, уларни тез-тез оғриб турадиган жойларга тақиш одати пайдо бўлган<sup>1</sup>.

Тумор қутичалар ичидаги қоғозга Қуръон оятлари, яхши тилаклар, шеърлар ва усталарнинг номлари ёзилган.

Тумор тақинчоқ безаги ҳам бўлган. Бундай туморнинг шакли бир-бирини қоплайдиган икки бўлак, яъни қутича ва қопқоқдан иборат бўлиб, фақат қопқоқ қисми безатилган. Улар олтин, кумуш ва бошқа металллардан учбурчак, тўртбурчак, найча ва цилиндр шаклида ясалиб, унинг сиртига нақшлар ва қимматбаҳо тошлар қадалиб безатилган шокилалар осилган. Улар бир-биридан тақилиши ва шаклига қараб фарқланган. Тумор ясалиши

---

<sup>1</sup> Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1988.



ҳамда тақилишига қараб турли хилларга бўлинган: бўйинтумор, бозбанд, бозубакр, дуотузи, кўкрактумор, қўлтиқтумор ва бошқалар. Қўлтиқтумор илгари елкага осилган қурол ўрнига тақилган. Эпос ва ривоятларда айтилишича, инсон танасидаги жон чиқарда қўлтиқ тагидан ўтар экан, уни ўтказмаслик, яъни қўриқлаш учун тақилган. Тумор ўрта асрларда заргарлар ясаган қутичалар бошқа безаклардан ажралиб кўзга ташланмаслиги учун кичик ҳажмда ясалган. Уларнинг нақшлари ёрқин бўёкли ўсимлик мотивлари билан безатилган ёки туморларнинг устига феруза ва олтин қопланган. Вақт ўтиши билан қутичалар бир ярим баравар катталашган ҳамда безак тўпламалари орасида энг каттаси бўлган. Заргарлар туморларга замон янгиликларини киритиш мақсадида Туркистон учун янгилик бўлган чўнтак соатларини оёқларини тепага қилиб ясаганлар. Рим рақамларини ҳам бузиб тушунарсиз қилиб ясаганлар. Бундай янгилик буюмлари эстетик қийматга эга бўлмаган бўлса – да, анъанавий санъатга ўша давр учун янгилик қатори киритиш қийинчилик туғдирган<sup>1</sup>.

Бозубанд тумори кумушдан цилиндр шаклида ясалиб, гумбаз қирралар ўрнатилган ҳамда уларга майда гулли нақшлар ва ёзувлар тасвирланган. Бу туморларни қўлтиқдан юқорига тақишган. Бозубанд сўзининг маъноси ҳам тирсақдан юқорига тақиладиган боғлагични билдиради. Бу боғлагичлар дастлаб терини ушлаш учун, кейинчалик иш вақтида энгни шимариш учун ишлатилган. Вақт ўтиши билан боғлагичлар безакка айланади.

Музейда сақланаётган туморчанинг ўлчами 11х6 см, Ургут туманидан. Туморча ёстиқ шаклида бўлиб, тўқ сариқ синтетик матодан кумушранг иплар билан тикилган. Туморнинг пастки томонида оқ энлик бурма бор, унга мунчоқ ва бир тийин, ўн беш тийинлик тангалар тикилган.

Пичоқ – бир томони ўткирланган пластиксимон кесувчи буюм. Пичоқлар энг қадимги замонларда тош, мис ва бронзадан ясалган. Пичоқ палеолит давридан маълум, темир кашф этилгач, темирдан ишланган ва кенг тарқалган. Пичоқ Ўрта Осиёда, Араб мамлакатларида қадимдан ясалган, кейинчалик Италия ва Испанияга кириб келган. XVI асрда Англия, Франция, Германияда касб сифатида шаклланган. Ўша даврдан бошлаб ошхонада ишлатилган, XVII аср бошларига келиб очилиб-ёпиладиган, чўнтақда ҳам олиб-юриладиган пакки, устара ва бошқа хиллари ҳам ясалган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон давлат санъат музейи (каталог). – Тошкент, 2004.

Ўзбекистон ҳудудидан археологик қазилма ишлари жараёнида миллоддан аввалги III – II асрларга тегишли пичоқнинг бўлаги топилган (Афросиёб шаҳар харобасидан). Афросиёб, Болаликтепа, Варахша деворий суратларида пичоқнинг ҳарбий қурол сифатида фойдаланилганини кўриш мумкин. VI – XII асрларда ясалган пичоқлардан пичоқ ясаш услуби ва безакларнинг ўзгариб, тараққий қилганини билиш мумкин. XV – XVII асрларда Навоий ва Бобур асарларига ишланган миниатюраларда ёнга тақиб юриладиган пичоқларнинг турлича намуналари тасвирланган.

Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, Сурхондарё ва Қашқадарёда пичоқ ясашнинг марказлари бўлган. Пичоқ тиғдан ва дастадан иборат бўлади. Пичоқ тузилишига кўра тўғри пичоқ, қийқи пичоқ, бодомча пичоқ, бола пичоқ, чалабузар, безатилишига кўра содда пичоқ, гулдор пичоқ, руфта пичоқ турларига бўлинган. Шу билан бирга, дастасининг тузилишига кўра ёғоч сопли, суяк сопли, ўн беш садафли, ясашиш усулига кўра Тус (Чуст)пичоқ, Қўқон пичоқ, Шаҳрихон пичоқ, бухороча, Пойтуғ пичоқлар бўлган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Чуст, Шаҳрихон, Чимён, Қўқон ҳамда Бойсунда ясалган пичоқлар миллий шаклининг нафислиги, ихчам ва ўткирлиги билан қимматлидир. Бу пичоқлар ўлкамизда ва чет давлатларда ноёб совға сифатида ҳам қадрланади.

Халқимизда пичоқ билан боғлиқ бир қанча урф-одатлар сақланган. Масалан, бешиқдаги боланинг ёстиғи остига пичоқ қўйилган, дастурхонга дуо қилишдан олдин пичоқ бир четга олиб қўйилган, Фарғона водийсида никоҳ тўйларида куёв келин томонга пичоқ берган. Бу пичоқни келиннинг ўғил жияни ёки укаси олган.

Музей коллекциясида сақланаётган пичоқлар ҳам ноёб санъат безаклари билан безатилган. Улардан бири XIX асрда Хоразмда ишланган бўлиб, унинг тиғи ва дастаси олтин билан ўйиб нақшланган, устарасининг икки томонига «Аллоҳнинг ёрдами билан ғалаба яқин» деб ёзилган. Пичоқ дастасининг икки томони ҳам фил суяги билан қопланган, тилла билан безатилган. Музей захирасида сақланаётган пичоқлар ўзининг мустақамлиги ва бежирим безаклари билан ажралиб туради.

## МУНДАРИЖА

Ўзбекистоннинг минтақавий тарихи муаммолари  
янги методологик ёндашувлар контекстида.....3

### I ҚИСМ

#### ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДА

#### ЧАСТЬ I

#### ЗЕРАВШАНСКАЯ ДОЛИНА В ИСТОРИИ МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ

<b>Ғ. Бобоёров</b> «Хоқон» унвонли Самарқанд тангалари (Илк ўрта асрлар).....	9
<b>А. Хакимов</b> Искусство раннесредневекового согда .....	22
<b>Н. Холматов</b> Зарафшон воҳаси қадимги цивилизациясининг тарихий илдизлари хусусида.....	35
<b>А. Атаходжаев</b> Марказий Осиё халқлари маданияти ва давлатчилиги ривожда суғдий тил ва ёзувининг роли.....	41
<b>Д. Абдураимов</b> Ўрта асрларда Ўрта Осиё ички савдо йўллари (Самарқанд, Жиззах, Чоч).....	50
<b>Ҳ. Мамадалиев</b> IX – XII асрларда Самарқанд шаҳрининг Марказий Осиё маданий ҳаётидаги ўрни.....	56
<b>Г. Ачилова</b> Чингизийлар даврида Самарқанднинг иқтисодий ҳолати ва шаҳар ҳаётидаги ўзгаришлар .....	64
<b>Ж. Бердиев</b> Амир Темур даврида Зарафшон воҳасининг иқтисодий ривожланиши .....	69
<b>Т. Маҳмудов</b> Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрдаги таълим ҳақида баъзи маълумотлар .....	75
<b>Б. Усмонов</b> Самарқанд ҳукмдори Абу Саид Мирзо ва Мўғулистон хони Эсан Буғахон ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларнинг саналари хусусида .....	79
<b>А. Замонов</b> Шайбонийлар сулоласи даврида Самарқанд бошқарувига доир баъзи мулоҳазалар.....	85
<b>Н. Жабборов</b> Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедийнинг Зарафшон воҳаси маънавий ҳаётидаги ўрни .....	93

<b>Ж. Якобжанов</b>	
Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги савдо алоқалари.....	98
<b>М. Шамсиев</b>	
XVIII – XIX асрларда Самарқанд ва Тошкент иқтисодий тараққиётида ўзаро савдо муносабатлари .....	102
<b>Д. Зияева</b>	
Самарқандда «эски» ва «янги» шаҳар муаммоси (XIX аср охири – XX аср бошлари) .....	108
<b>Н. Кариева</b>	
XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлиги ҳудудида олиб борилган табиий фанларга оид изланишлар (Рус тадқиқотчиларининг изланишлари мисолида) .....	120
<b>Т. Аҳмедов</b>	
Зарафшон округи Туркистон генерал-губернаторлигининг алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлиги сифатида.....	127
<b>С. Шадманова</b>	
Самарқанд вилоятида тиббий муассасалар ва уларнинг фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари) .....	134
<b>С. Муҳиддинов</b>	
XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанддаги мадрасаларнинг ижтимоий ҳолати.....	142
<b>Г. Нормуродова</b>	
Зарафшон воҳаси аҳолиси: ижтимоий-норматив муносабатлар ва уларнинг анъанавий асослари (Бухоро амирлиги мисолида).....	149
<b>Ш. Равшанов</b>	
Самарқандга кўчирилган рус аҳолисининг ижтимоий ҳаёти (XIX аср охири - XX аср бошлари).....	156
<b>Ж. Адилов</b>	
Туркистон генерал-губернаторлиги Самарқанд вилояти герби: Давлатчилик рамзи ва легитимация воситаси .....	159
<b>Б. Алимджанов</b>	
Активные операции Самаркандского филиала государственного банка .....	167
<b>А. Мирзаев</b>	
Мустамлака даврида Самарқанд вилоятида пахтачиликнинг ривожланиши масаллари (Архив ҳужжатлари асосида).....	174
<b>А. Буриев, Ф. Шарипов</b>	
Из истории традиционного животноводства Зарафшанского оазиса (Конец XIX – начало XX века) .....	179
<b>М. Азимбаев</b>	
Туркистон генерал-губернаторлигида мусулмон диний мутасаддиларига нисбатан расмий муносабат (Самарқанд вилоят бошқармаси мисолида) .....	186
<b>О. Пуговкина</b>	
Самаркандский губернатор Н.С. Лыкошин (1914 – 1916) .....	191

<b>Р. Абриев</b>	
XX асрда Зарафшон воҳаси архитектура ёдгорликларининг сақланиш ҳолати ва уларни таъмирлаш муаммолари .....	200
<b>М. Тухтаева</b>	
Повседневная жизнь эвакуированных художников в Самарканд в годы второй мировой войны .....	206
<b>А. Тоғаева</b>	
Самарқанд шаҳри совет даврида: иқтисодий-ижтимоий ривожланиш муаммолари (1950 – 1990 Йиллар).....	213
<b>Ш. Раҳматуллаев, З. Эгамбердиева</b>	
Современные демографические показатели Самаркандской области: предварительные выводы .....	225
<b>С. Давлатова</b>	
Мустақиллик йилларида Самарқанд анъанавий хунармандчилигининг ривожланиш хусусиятлари.....	231
<b>Х. Мамараҳимов</b>	
Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри умумтаълим мактабларининг ривожланиши тарихидан.....	238

## II ҚИСМ

### САМАРҚАНД ВА ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ

#### ЧАСТЬ II

#### ИСТОРИОГРАФИЯ И ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ САМАРКАНДА И ЗЕРАВШАНСКОЙ ДОЛИНЫ

<b>Ш. Асадова</b>	
Тарихшунослик тадқиқотларининг методологиясига доир.....	247
<b>М. Жўрақулов, О. Эргашев</b>	
Зарафшон воҳаси тошга ишлов бериш устахоналарининг Марказий Осиё ибтидоий давр тарихини ўрганишдаги ўрни .....	258
<b>Н. Эгамбердиева</b>	
Суғдиёнада урбанизациян жараённинг шаклланиши ва унинг тараққиёти .....	263
<b>Д. Дутураева</b>	
Қорахонийлар ва Хитой ҳукмдорлари ўртасида расмий ёзишмалар: баёнот ва фармонлар .....	274
<b>Х. Лутфиллаев</b>	
Самарқанд тарихига оид айрим қўлёзмалар (ЎЗР ФА ШИ фонди мисолида).....	278
<b>Ҳ. Назирова</b>	
Темурий валиаҳдлар маликаси хоразмлик Хонзода.....	284
<b>Ф. Шарипов</b>	
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида Зарафшон воҳасининг ёритилиши .....	290

<b>Д. Маҳкамова</b>	
«Кашф аз-зунун»да Самарқандлик олимлар.....	295
<b>О. Мадалиева.</b>	
Навоий девонларининг Самарқанд нусхалари.....	302
<b>Б. Аминов</b>	
Генеалогия Хаджа Исхака и его потомков в надгробных надписях .....	310
<b>Н. Аллаева</b>	
Ялангтўш Баҳодирхон шахси билан боғлиқ бир мактуб хусусида.....	319
<b>Д. Сангирова</b>	
Зарафшон воҳаси иқтисодий тарихини ўрганишда метрологик маълумотларнинг ўрни («Мажмаъ ал-арқам» асари мисолида).....	325
<b>Ш. Қўлдашев</b>	
«Тарихи Азизий»да Самарқанд тавсифи.....	332
<b>Н. Мустафаева</b>	
Бухоро амирлигининг XIX асрнинг иккинчи ярми тарихига оид муҳим манба .....	337
<b>Г. Таниева</b>	
Ҳаж сафарлари тарихига доир бир ҳужжат (XIX аср. Самарқандлик бир зиёратчи берган кўрсатмалари асосида) .....	343
<b>Д. Жамолова</b>	
«Ойна» – Бухоро амирлиги тарихига доир муҳим манба .....	348
<b>Ё. Тайронов</b>	
«Ойна» журналида маҳаллий тадбиркорлар фаолиятининг ёритилишига доир.....	354
<b>А. Назаров</b>	
Зарафшон округида олиб борилган илмий изланишларнинг архив ҳужжатларида акс эттирилиши (XIX асрнинг 60 – 80-йиллари).....	359
<b>Д. Раджабова</b>	
Вклад учёного-востоковеда Н.И. Веселовского в изучение Истории Самарканда (На основе материалов российских архивов и экспозиций эрмитажа).....	364
<b>Ф. Шамукарамова</b>	
Вклад А.Ю. Якубовского в изучение Зарафшанской долины.....	370
<b>А. Турсунметов</b>	
Колониальное управление в Туркестане на примере Самарканда: Взгляд Александра Моррисона.....	385
<b>Н. Гулбоев</b>	
XIX аср охири XX аср бошларига оид Самарқанд музейида сақланаётган ҳарбий мансаб ва унвонларга оид ҳужжатлар .....	389
<b>Н. Махкамова</b>	
Отражение некоторых аспектов государственности Узбекистана в трудах Файзуллы Ходжаева.....	396
<b>М. Бузруков</b>	
Яҳё Ғуломовнинг Самарқанд давлат университети қўлёзмалар фонди шаклланишига қўшган ҳиссаси .....	403

III ҚИСМ  
ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОЛОГИЯ ВА ТОПОНИМИКАСИ

III ЧАСТЬ  
АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОЛОГИЯ И ТОПОНИМИКА ЗЕРАВШАНСКОЙ ДОЛИНЫ

<b>Д. Джуракулова</b>	
Самарқанд сўнги палеолит маконининг маданий-даврий хусусиятлари.....	409
<b>О. Ҳамидов</b>	
Суғдда қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти ўрганилиши хусусида .....	414
<b>Е.А. Гордеева</b>	
К истории календарных обрядов у земледельцев Зарафшанского оазиса .....	422
<b>М. Саидов</b>	
VII – XIII аср бошларидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг тураржойларга таъсири (Афросиёбдаги 29-қазилма мисолида) .....	428
<b>С. Исмоилов</b>	
«Самарқанд» топоними тўғрисида.....	434
<b>О. Бўриев</b>	
Самарқанд воҳасидаги этник ҳаёт (IX – X асрлар) .....	441
<b>Ғ. Тагаев</b>	
Зарафшон воҳасида этник гуруҳларнинг жойлашуви тарихидан (Самарқанд вилояти мисолида).....	446
<b>М. Амонов</b>	
Мухлисхон ота ва унинг авлодлари зиёратгоҳи .....	452
<b>С. Улашова</b>	
Темурийлар даври манбаларида Зарафшон воҳасининг этник тарихига доир маълумотлар.....	458
<b>Я. Турдимуратов</b>	
Зарафшон воҳаси аҳолиси хўжалик маданиятининг ўрганилиш тарихига оид.....	465
<b>У. Усаров</b>	
XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империясининг Самарқанд вилоятидаги аграр сиёсати .....	470
<b>Б. Убайдуллаева</b>	
Зарафшон воҳаси ўзбекларида бола тарбиясига доир этник хусусиятларнинг сақланиши (Самарқанд вилояти Ургут тумани аҳолиси мисолида).....	476
<b>Т. Нуридинова</b>	
Ўзбекистон давлат санъат музейидаги маиший ашёлар – қуроқлар, пичоқлар ва туморлар .....	485

*Илмий нашр*

**САМАРҚАНД ВА ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ТАРИХИ  
ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА**

**САМАРҚАНД ҶҶИШЛАРИ – I**

---

**ИСТОРИЯ САМАРКАНДА И ЗЕРАВШАНСКОЙ ДОЛИНЫ  
В НОВЕЙШИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ**

**САМАРКАНДСКИЕ ЧТЕНИЯ – I**

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ  
**Бадий муҳаррир:** Баҳриддин БОЗОРОВ  
**Техник муҳаррир:** Дилшод НАЗАРОВ  
**Саҳифаловчи:** Алимардон АҚИЛОВ  
**Мусаҳҳиҳ:** Маҳфуза ИМОМОВА

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009  
Теришга берилди: 10.11.2020 й.  
Босишга рухсат этилди: 02.12.2020 й.  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 70x100 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Merriweather гарнитураси. Офсет босма.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 48,6. Шартли б.т.: 52,08.  
Адади: 500 нусха.  
Буюртма № 144

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77  
e-mail: info@akademnashr.uz  
web: www.akademnashr.uz